O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOZUVCHILAR UYUSHMASI

“ABDULLA QODIRIY IJODI VA YANGI O‘ZBEK ADABIYOTI”

mavzusidagi respublika
ilmiy-nazariy anjumani
to‘plami

“SAMO NASHR”
ТОШКЕНТ – 2024

УЎК 821.512.133.09(092)
КБК 83.3(5Ў)-8
К 23
Каримов Б.
Баҳодир Каримов. Абдулла Қодирий ва янги ўзбек адабиёти [Матн] – Тошкент: Само нашр, 2024. 696 бет.

TAHRIR HAY'ATI:
A.Ulug'ov
D.Xoldorov
O.To'laboyev
O.Usmonov
U.Rasulova
R.To'laboyeva

MAS'UL MUHARRIR:
prof. Bahodir Karimov

To'plamdan respublika konferensiyasi materiallari o'rin olgan. Maqolalarda filologiya ilmining turli sohalariga oid ilmiy kuzatishlar jamlangan bo'lib, mazkur sohaga oid barcha mutaxassislarga mo'ljallangan.

ISBN 978-9910-9985-6-0

©"Тузувчи: Баҳодир К, 2024
©"Samo nashr" нашриёти, 2024

“БОБУРНОМА”ДАН “ЎТКАН КУНЛАР” ГА

Баҳодир Карим,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

Абдулла Қодирий романларининг бетакрор жозибаси, тилидаги гўзаллик, образлилик, аниқлик, тасвирийлик каби фазилатлар ҳозиргача ҳаммани ҳайратга солиб келади. Адибнинг бадиий маҳоратини, асарларининг умрбоқийлигини барча бирдек эътироф этади. Зеро, бундай эпик кўламнинг юзага келиш омиллари, бетакрор поэтиканинг туб илдизи ҳамда таъсирланиш асосларини кузатиш фойдалидир. Абдулла Қодирий дунё адабиётини, ўзбек халқининг миллий руҳини, шеваларидаги луғат бойлигини яхши билгани, XX асрнинг 20-йилларида қайта шаклланган замонавий ўзбек адабий тили учун беқиёс хизмат қилгани ҳақиқат. “Ўткан кунлар” романи бошида тилга олган “Тоҳир-Зуҳра”, “Чор дарвиш”, “Фарҳод-Ширин”, “Баҳром гўр” каби кўплаб мумтоз асарларни ўқиганига ҳам шубҳа йўқ, албатта.

“Бобурнома” ўқиётган Отабек.

“Ўткан кунлар” романининг “Мажбурият” фаслида шундай эпизод бор: “Кечлик ошни ўтказгач, Ҳасанали ўз ҳужрасидан кийиниб чиқди-да Отабек ёниға кирди. Отабек “Бобурнома” мутолааси билан машғул эди”. Ҳасанали асил ниятини билдирмай “ҳаммомга бориш” учун рухсат сўрайди. Отабек кўзини китобдан узмай: “Юмишим йўқ, бораверингиз”, деб жавоб беради . Машҳур китоблар орқали қаҳрамонни баланд мақомга кўтариш, уларнинг маънавий оламига урғу бериш, аниқ детал воситасида образга маҳо-

бат бағишлаш дунё адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ҳам, шунингдек, Абдулла Қодирий ижодий биографиясида ҳам мавжуд адабий ҳодисадир. Отабекнинг “Бобурнома” мутолааси “Ўткан кунлар” илдизи устида фикрлашга, тасвирдаги ички манера, сўздаги ростлик, характер мантиғи, инсон шакли-шамойили, айниқса, романнинг поэтик нутқи - тили тўғрисида айрим мулоҳазалар айтишга имкон беради. Тасаввур кўлами “Бобурнома” матнистони бўйлаб кенгаяди. Адиб бошқа асарларида ҳам бу муаззам китоб ва унинг эгасини эслайди. Бобурга “фотиҳ” – фатҳ этувчи сифатини беради; “Бобурнома”ни: “Бобурнинг кенг руҳлик, ўз замониға очуқ фикрлик...” китоби, дейди. Қурдошлари билан баҳслашган бир масалада “Бобурнома”дан “далиллар келтурмак”ка чоғланади. Тарихий манбалардан маълумки, қатағон -“дапсан” йиллари Абдулла Қодирий иккинчи марта қамоққа олинганида, кутубхонасидаги етмишдан ортиқ араб имлосида ёзилган мумтоз китоблар йиғиштирилади. Шулар қатори “Бобурнома”нинг олиб кетилгани аниқ.

Хўш, нега Абдулла Қодирий ва “Ўткан кунлар” мавзусидаги фикр йўли Бобур ва “Бобурнома” тарафга бурилмоқда? Нима учун Қодирий ижодидан, асарлари, таржимаи ҳоли, хотира китоблари, қодирийшуносларнинг асарларидан Бобур ва “Бобурнома” изларини излаб қолдик? Тўғриси, реал воқелик замирида туғилган митти интуиция-ички сезим янги фикрга замин ҳозирлайди; одам беихтиёр тафаккур офтобида пишиб етилган битта мулоҳазани далиллаш ва унга бошқаларни ишонтиришни истайди. Адабиётшунослик Абдулла Қодирий романларининг шуҳрати, таъсир кучи, тасвир тиниқлиги, тилининг гўзаллигига урғу берди. Энди бундай фазилатлар илдизини ҳам тадқиқ этиш лозим. Истеъдодли адибнинг ўзбек, рус ва жаҳон адабиётидан, халқ оғзаки ижоди ва халқнинг жонли тилидан баҳраманд бўлди. Бунга шубҳа йўқ. Фикримча, ушбу баҳрамандлик

илдизининг бир қирраси “Бобурнома”га бориб тақалади. Шунинг учун “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” орасидаги поэтик боғламни, ўзаро таққослашга зарурат сезилади. Абдулла Қодирий эпик тафаккур тарзи, насрининг бадиий жозибаси, гўзал тили қуп-қуруқ саҳрода ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Текис саҳрода ҳайбатли тоғ ўсиб чиқиши учун ўша ер остида қайноқ вулқон булоқлари бўлиши шарт. “Ўткан кунлар” романи учун “Бобурнома” шундай булоқлардан бири вазифасини ўтаган бўлса не ажаб?!

“Кўч”нинг кўлами.

Адабий асар ўқилиб, бадиий матнга эврилар экан, ундаги семиотик элементлар - товуш, бўғин, сўз каби увоқ унсурлар поэтик ғоя ва мантиқ воситасида бирлашиб муҳташам семантик майдонни бино қилади. Матн ичида сўз тирилади, товушлар жонланади; сўзнинг қадр-қиймати ортади ва маъноси кенгаяди. Турли замонда яшаган икки адиб қўллаган нодир, очқич-калит сўзларнинг ўхшашлиги, такрори ва маъно уйғунлиги типологик-интуитив таққосга асос беради. “Бобурнома” - кўпмаъноли, серқатлам ва ўлмас асар. “Бу муаззам асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин” . Дарвоқе, “Бобурнома”да қўлланган бир қанча нодир сўзларни Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”да ишлатади; ўз ўрнига тушган жонсўз романга жозиба бағишлайди. Бепоён стилистик майдондаги битта сўзнинг ассоциатив таъсири олтин занжир ўлароқ асрларни асрларга, адибларни адибларга, асарларни асарларга боғлайди.

Эсга оламиз: Отабекнинг қутидор эшигидан қувилиб, Тошкентда нисбатан узоқ қолиб кетган кунларининг бирида Ҳасанали ундан Марғилонга кетмай юриши сабабини сўрайди. Отабек: “Ҳавсала йўқ”, дегач: “Қайин отангиз кўнса, кўчингизни олиб келсангиз ҳам маъқул эди қатнаб юрғандан...” (283-бет), дея таклиф айтади. Бу ўринда “кўч” – хотин, оила маъносида. Ўзбек ойим Офтоб ойим билан Кумушга қа-

раб:“Ахир маним ҳам ўзимга яраша обрўйим бор. Тошкандда кимсан, Юсуфбек ҳожи деганинг кўчиман. Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар...”(325-бет), деб гина қилади.

Айнан “Бобурнома”да ҳам “кўч” сўзи “оила, хотин” маъносида келади. Бобур 1497-1498 йил воқеаларида ёзади: “Беклар ва ичкилар ва йигитларким, менинг била қолиб эдилар, аксарининг кўчлари Андижонда эди”. Бошқа мисолларга қараймиз: “Менинг онамни ва улуғ онамни ва баъзи менинг била қолғонларнинг кўчлари била Хўжандқа менинг қошимға йибордилар” (52-бет); “Менинг волидаларим ва кўч ва улуғларим мен Андижондин чиқғандин сўнгра юз ташвиш ва машаққатлар била Ўратепа келиб эдилар...” (77-бет); “Ушбу кун Мулло Алихонким, Самарқандға кўчини келтурғали бориб эди, келиб мулозамат қилди” (218-бет). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “кўч” сўзининг “1. кўчиш пайти ташиладиган уй-рўзғор буюмларидан иборат юк” ҳамда “2. аҳли аёли, хотин (эрига нисбатан)” тарзида изоҳланган. Эрининг уйига ота уйидан кўчиб ўтгани учун ҳам ўтмишда хотин “кўч” деб аталган.

Буйруқ феълининг “кўч” шаклидан фарқли ўлароқ ҳозирги ўзбек адабий тилининг от сўз туркумида “кўч” ёлғиз қўлланмайди. Кўпинча жуфтлашиб “кўч-кўрони” тарзида “Луғат”даги изоҳнинг биринчи маъносига мос ишлатилади.

Ҳозирда “кўч” сўзини “оила, хотин, бола-чақа” маъносида ишлатиш оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабиётда ҳам кузатилмайди. Балки мамлакатнинг қайсидир ҳудудидаги шева таркибида сақланиб қолгандир. Тасаввуримизча, Абдулла Қодирий қўллаган “кўч”лар “Бобурнома”даги “кўч”ларга семантик жиҳатдан уйғун келади. Ҳар икки асарда бор-йўғи учта товушдан таркиб топган биттагина ихчам “кўч” сингари сўзнинг ҳам ўзига хос поэтик кучи ва ўрни бор. Сўз сўзни етаклаб келади, сўз изидан воқеаи-ҳодисалар тизим ёдга

тушади. Адабий матндаги муайян очқич сўз замонларни ўзаро боғлайди.

Отдан қўнган одам.

Бугунги ўзбек адабий тилида “қўнмоқ” деганда, энг аввал, қушларнинг дарахтга қўниши эсга келади. Шу ўзак-масдардан ясалган “қўноқ” эса “меҳмон”ни англатади. Ҳар икки сўз маъно-мазмунидан учиб келиб “қўниш” ёки йўлда кетаётган одамнинг бирор манзилда тўхташ-“қўниш”и идрок этилади. Бобур 1499-1500 йилги воқеалар баёнида: “Зилқаъда ойида Самарқанд устига черик отланиб, ора икки қўнуб, Қубоға келиб туштук” (70-бет), деб ёзади.

Тўққиз юз тўққиз ҳижрий йил воқеалари баён этилган саҳифаларнинг бири. Кобулни “бежангу жидол” эгаллаган Бобур вилоят таърифидан кейин ёзади: “Шаъбон ойида офтоб далв буржида эрдиким, Кобулдин Ҳиндустон азимати била отланилди. Бодом чашма Жигдалик йўли била ора олти қўнуб Одинапур келилди” (132-бет). “Бобурнома” матнида: “кечаси анда қўнуб, тонгласи ўрдуға келдим”, “орада бир қўнуб”, “уч орада қўнуб”, “икки қўнуб”, “ора тўрт қўнуб” каби сўз бирикмалари кўп учрайди. Бундай таъбирлардан Бобурнинг ўзи ва унга йўлдош йўловчиларнинг истироҳат манзили ҳамда ҳаракат йўналиши тасаввур қилинади.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”да қаҳрамонларининг қаергадир бориб етганини, “отдан қўнгани”, дам олиб, сўнгра йўлида давом этганини тасвирлайди. “Қўниш”лар сони маъно ташийди. Йўл машаққати, оралиқ масофа, ҳатто кайфиятни ҳам ифода этади. Тошкент билан Марғилоннинг ора йўлида кўп қатнаган Отабек одатда, “тўрт марта отдан қўниб” манзилига етиб борар эди. Бу нисбатан қисқа фурсат эканини, ҳар гал шитоб билан Кумуш дийдори учун Отабекнинг шошиб боришини ўқувчи кейинроқ фаҳмлайди. Чунки Зайнабга уйланиш гапи ўртага чиққач, Отабек Марғилонга “бу гал олтинчи қўнишда” кириб боради ва “теваракдан аср

азони эшитилган вақтда отдан қўнади". Табиийки, ота-она қилиб қўйган "бир иш" Отабек кўнглига ўтирмайди. Шу боис кайфияти бузилган, хаёллари тўзғиган Отабек йўл бўйи келгуси турмушини, Кумушнинг юзи-кўзига қандай қарашини ўйлаб боради. Отини ўз эркига қўйиб беради, Марғилонга шошилмайди... Романнинг бошқа саҳифаларига назар ташлаймиз: "Дарвоқе, қўрбоши ўзининг икки йигити билан етиб келди ва отидан қўниб жиловини йигитининг қўлиға" берди (67-бет); "Азизбек ўрда ичига кирмакда экан, Юсуфбек ҳожи отдан қўниб сўради: - Менга рухсатми, бек?"(86-бет). "Отдан тушиш" бирикмасидан кўра ора-орада ёзувчи нутқида келадиган "отдан қўниш" бирикмасидан тарих муҳити - ўтмиш колоритига хос мазмунни англаш мумкин.

Умуман, "Ўткан кунлар" романининг поэтик илдизи, жумладан, бадиий нутқ ҳам шундай кўз илғамас нафис боғичлар билан "Бобурнома" бориб боғланади. Зеро юқоридаги таққосларга мос равишда "қопу", "мусаххар", "тараддуд", "ёғий", "муҳосара", "ўбдон", "ўрда", "қўрғон", "тунқатор", "хон", "бек", "навкар", "офтобачи", "милтиқ", "найза", "тўп", "жароҳат", "иситма" каби ўнлаб тарихий сўзларга ҳар икки асардан етарлича мисол топилади. Умри жангу жадаллар билан кечган шоҳ Бобур қўшин, аскар, уруш анжомлари баёни ва уруш санъати тавсифида бундай сўзларини табиий қўллайди. Айни дамда "Ўткан кунлар"да Абдулла Қодирий бир миллатнинг икки уруғи - қорачопонлилар билан қипчоқлар ўртасидаги тўқнашув ва муҳосараларни тасвирлар экан, ўзигача салафлари ишлатган сўзлардан жуда табиий ва ўринли фойдаланди. Бундай сўзлар Абдулла Қодирий романларида ўзбекларнинг яқин ўтмишдаги ҳаётининг ҳаққоний тасвири учун хизмат қилади. Матн ичидаги тирик сўз одамга тинчлик бермайди: турланади, тусланади, тилсимланади, сўнг сири сочилиб очилади. Дейлик, му-

толаа жараёнида “ёмғир” ва “ёв”, “қамал” ва “қабоқ” каби ўзаро узоқ сўзлар яқинлашади; бир ўзакда бирлашади. Абдулла Қодирий романида яқин ўткан кунларни тасвирлар экан, тоза туркий сўзларни баъзан мозий хазинасидан, узоқ ўткан кунлардан – Бобурнинг бисотидан олади.

Шакл-шамойил тавсифи.

Ёзувчилар мақсади ва маҳоратларига кўра, турли йўсинда қаҳрамонларининг ташқи кўриниши - портретини чизади. Ташқи қиёфа белги-чизгиларини образларнинг ички олами билан уйғунлаштиради, баъзан қаршилантиради. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романи бошида Кумуш қиёфасини “қоп-қора камон, ўтиб кетган нафис, қийиғ қошлари”ни, “тўлған ойдек ғуборсиз оқ юзи”ни, яъни “қиз суратида кўринган малак” сиймосини қуюқ, нафис ранглар уйғунлигида (29-бет) нисбатан кенг, Ўзбек ойимни “элли беш ёшлар чамалиқ, чала-думбул табиъатлик” (129-бет) тарзида қисқа тавсифлайди. Бироқ адиб бошқа образлар портретини бир жойга жамлаб, жуда тиғиз баён этади. Отабекни “оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзли, келишган, қора кўзли, мутаносиб қора қошли ва эндигина мурти сабз урган бир йигит” (7-бет), Юсуфбек хожини “тўла кўркам юзли, катта малла кўзли, узун мош-гуруч соқоллик мулланамо бир зот” (82-бет), Зайнабни “ўн етти ёшлар чамалик, кулча юзлик, оппоққина, ўртача ҳуснлик” (158-бет), Уста Алимни “қирқ ёшлар чамалик, қонсиз юзлик, сийраккина соқоллик, қўй кўз, кўп вақт мадраса риёзатини чекканнамо, қотма, узун бўйлик” (186-бет), Ҳасаналини “олтмиш ёшлар чамасида, чўзиқ юзлик, дўнггироқ пешаналик, сариққа мойил, тўгарак қора кўзлик, оппоқ узун соқоллик” (8-бет), Ҳомидни “узун бўйлик, қора чўтир юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол, ўттуз беш ёшларда бўлған кўримсиз бир киши” (8-бет), Ўтаббой қушбегинии “тўла юзлик, ўсиқ қошлиқ, оғир қарағучи кўзлик, сийрак соқол, ўрта бўйлиқ,

устидан кимхоб тўн кийиб, белига қилич осқан қирқ беш ёшлар чамасида бир киши " (69-бет), Азизбекни "...бошига оқ шоҳидан салла ўраган... сийрак қошлик, чўққи соқол, буғдой ранглик, қирқ беш-элли ёшлар чамалик бир киши"(81-бет), Райимбек додхоҳни "... жин ялаган деганларидек қошсиз, қорамтил юзлик, икки чакагининг устида бир оз, иягида бир оз сийрак, кўримсиз қора соқоллиқ, кўзлари ичига ботиғроқ, аммо қон қуйилғансумон бир киши" тарзида (81-82-бетлар) қиёфаларни бошқасига ўхшатмасдан индивидуал тасвирлайди. Бу поэтик усул романдаги бошқа образларнинг шакл-шамойили, хулқ-атвори ва руҳияти тавсифида ҳам кузатилади. Эринмасдан узундан узоқ кўчирилган ҳар бир образ қиёфаси бошқасини такрорламайди. Қолаверса, ташқи шакл-шамойил тасвирида қўлланган сўзлар маъно тусидан ёзувчининг ўз қаҳрамонларига нисбатан меҳр-муҳаббати ва тескари муносабати - симпатия ҳамда антипатияси сезилади. Қиёфаларнинг бадиий-эстетик таъсири ўқувчи кўнглига кўчади. Ўқувчи тасаввур майдонида қиёфалар жамланиб, Абдулла Қодирий "адабий мамлакати"нинг фуқароларига айланади; романда туркум образлар пайдо бўлади. Гарчанд тарихий-мемуар деб номланса ҳам, бундай қисқа, аниқ ва лўнда поэтик тасвир усули "Бобурнома"га хос. Бобур отаси - Умаршайх Мирзо тўғрисида:"Паст бўйлиқ, тегирма соқоллиқ, қўба кўзлик, танбал киши эди", деб ёзади (9-бет). Асардаги кўпгина шахслар "шакл ва шамойили" учун махсус ўрин ажратилади. Султон Аҳмад мирзони: "Шакл ва шамойили: баланд бўйлуқ, қунқор соқоллиқ, қизил юзлук, танбал киши эди. Соқоли энгакида эди. Икки янгоқида соқоли йўқ эди. Бисёр хушмуҳовара (гапга чечан-Б.К.) киши эрди" (19-бет), деса, қирқ уч ёшида вафот этган Султон Маҳмуд мирзони "паст бўйлуқ, суюқ соқоллиқ, танбал, синчисизроқ киши эди", деб тавсифлайди (26-бет). Бошқа бир саҳифадан "Одилий" тахаллуси билан ижод эт-

ган ва битган ғазаллари Самарқанддаги ҳар бир хонадонга бориб етган Бойсунғур мирзонинг “шакл ва шамойили”га: “улуғ кўзлук, қўба юзлук, ўрта бўйлуқ, туркман чеҳралик, малоҳатлиқ йигит эди”, дея таъриф беради (63-бет). Бобур шакл-шамойил, ташқи қиёфа характеристикаси ёнида ҳар бир инсон табиати ва ички оламига тегишли “покиза эътиқодли”, “одми ва фақир киши эрди”, “таъби назми бор эрди”, “фосиқ киши эрди”, “муттақий киши эрди”, “золим ва кофирваш киши эрди”, “кулагач ва ҳаззол киши эрди” каби сифатлар билан маънавий хулқини ҳам очиқ ёзади. “Бобурнома”дек мўътабар асарнинг ҳаққоний тасвир услуби, эҳтимол, Абдулла Қодирийга манзур бўлгандир. Қодирийшунос профессор Умарали Норматов “Қодирий мўъжизаси” китобида: “Ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан “Бобурнома”даги реалистик хусусиятларни асло камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, “Ўткан кунлар”да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топди”, деб таъкидлайди.

Одимлар ва қадамлар.

Самарқанд шаҳрининг бунёди, шуҳрати, ҳудуди, теварак-атрофи, қамровининг кенглиги тўғрисида “Бобурнома”да шундай маълумот бор: “Рубъи маскунда Самарқанча латиф шаҳр камроқдур. Бешинчи иқлимдиндур...Самарқандни Искандар бино қилғондур. Мўғул ва турк улуси Семирканд дерлар. Темурбек пойтахт қилиб эрди. Темурбекдин бурун Темурбекдек улуғ подшоҳ Самарқандни пойтахти қилғон эмастур. Қўрғонини, фас(и)лнинг устидин буюрдумким, қадам урдилар. Ўн минг олти юз қадам чиқти” (43-бет).

Бобур масофа ўлчови учун асосан “куруҳ”ни қўллайди. Самарқанддаги Оҳинин дарвозаси ёнидаги бир жомеъ масжидидан гап очади; унинг пештоқига “Ва ‘из ярфаъу Иброҳим ал-қавоида (ила охириҳи)” оятининг маҳобатли

катта-ҳарфлар билан ёзилганига диққат қаратиб: “андоқ улуғ хат била битибтурларким, бир куруҳ ёвуқ ердин ўқуса бўлур” деб таъкидлайди.

Хўш, “куруҳ” қандай ўлчов бирлиги? Жавобини Бобур ёзади: “Бу куруҳларни мил била мувофиқ таъйин қилилди. Нечукким, “Мубаййин”да мазкурдурлар:

Тўрт мингдур қадам била бир мил,
Бир куруҳ они Ҳинд эли дер, бил” (323-бет).

Бир “мил”га тенг “куруҳ”ни бошлаб от қадами, сўнгра одам қадами билан ўлчанган масофа ҳам тасаввур этишга ёрдам беради. Ўн бир ярим куруҳ масофа от қадами билан “йигирма уч мингу бир юз”, одам қадами билан ҳисоблаганда “қирқ олти минг икки юз” одим бўлади. Бобур ёзди: “Буюриб эдимким, Мунирдин ёнғонда бир киши Сўннинг ёқасидин отининг ҳар қадамини ўрдуғача санасун, - йигирма уч мингу бир юз санабтурким, қирқ олти минг икки юз қадам бўлғайким, ўн бир ярим куруҳдур” (338-бет). Худди шунга ўхшаб, “Ўткан кунлар” романида ровий сизни етаклаганча Марғилон ўрдасининг атрофини қадамлаб чиқади. “Ҳозир бизга ўрда ичига кириш мумкин бўлмағани учун қўрғоннинг ташқари теграсида айланиб турайлиқ: дарвозанинг сўл биқиниға қараб икки юз одим кетсак қўрғон девори тугалаб, бурчга етиладир... Шундан кейин бир бўшлиқ ер билан қўрғоннинг жанубига қараб кетиладир. Тўрт юз одимлаб борилғач, қўрғоннинг шарқи-жануби бурчига етилиб, бу бурчини ҳам ановисидай қоровулсиз топиладир. Бу бурчдан қараған кишига қўрғоннинг ғарби-жанубий бурчи ҳам кўриниб, шу йўсунда ўрданинг тўрт бурчини айланиб чиқилса бир минг олти юз одим босилған бўлиб ўрданинг ғарб томонидан биз танишған ўрда дарвозасиға келинадир” (67-бет). Ўрданинг ичига киришдан олдин ташқи кўрини-

шига эътибор берилади. Бундан ташқари ёзувчи зарурат юзасидан баъзан “элли-олтмиш одим” юради. Тошкентнинг Камолон дарвозасидан Самарқанд дарвоза томонга қараб “беш юз одим” ташлайди. Бошқа бир саҳифада адиб масофани худди Бобур Мирзодек от қадами билан ўлчайди: “Бошлар уюми билан Азизбек ораси қирқ-элли от одими қолған эди” (82-бет). Адиб Қўқон ўрдасининг атрофини айланмайди. Бунинг ўрнига “... бу ўрданинг ҳам ташқариғи айланаси ўша ўрда қабилидан бир тусда, бир услуб ва бир вусъатда бўлғанликдан бу ўринда яна қоғоз қоралаш ортиқчадир” (112-бет) деб гапни қисқа қилади; ўрданинг қурилиш услуби ва кенглиги Марғилон ўрдасига ўхшашидан хабар берилади. Турли тарихий даврларда оралиқ масофани, узунлик ёки йўлни ўлчаш учун йиғоч, аршин, газ, қарич, метр, километр каби физик ўлчов бирликлари ишлатилган. Аммо “Бобурнома” билан “Ўткан кунлар” муаллифлар ўрда ва қўрғонлар атрофини кўпинча қадамлаб чиқишади ёки отларини одимлатиб ўлчашади.

Жон қадри - умр мазмуни.

Ҳар қандай асардаги ҳаёт ва ўлим, ишқ-муҳаббат, турмуш зиддиятлари, инсонлараро тўқнашувларнинг баёни ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди; умр мазмуни, жон қадри, дунёга келиш ва кетишга тегишли ҳаётий ҳикматлар эса бадиий асарнинг фалсафий мазмунини бойитади. “Бобурнома” ва “Ўткан кунлар” саҳифалари шундай ўгитлардан холи эмас. “Ўткан кунлар” романида орадан ўтган йиллар суронига боқиб Мирзакарим қутидор: “Умр – отилған ўқ эмиш” (15-бет), дейди; аслида умр мазмуни устида фикрламайдиган, ҳаёт моҳиятини ўйлаб кўрмаган одам кам бўлади. Зеро, Ватан, она, ишқ-муҳаббат, ҳаёт, ўлим, садоқат, дўстлик, инсоннинг дунёга қараши бадиий ижоднинг доминант мавзулари саналади. Рус адиби Лев Толстойнинг: “Агар инсон фикрлашни ўрганган бўлса, нимани ўйлашидан қатъий назар

– у ҳамиша ўлим тўғрисида фикр юритади”, мазмунли гапи бор. Жон қадрини, синовли дунё ўткинчилигини, имтиҳонни, ўлимни эслаш – ўзи ва ўзлигини англаган ориф инсонга хос фазилат. Бобурнинг бошига турли кўргиликлар ёғилиб, омад ундан юз ўгирган ва душмани Аҳмад Танбал одамлари изига тушиб таъқиб этган, шоир ўз таъбири билан айтганда “иш тадбирдан ўтган” кунларнинг бирида у: “Оламда жон ваҳмидин ёмонроқ нима бўлмас эмиш”, деб ёзади (107-бет). Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги иқрорлари, ҳақгўйлиги, типирчилаб турган юрагини қўшқўллаб ўқувчига тутқазишига доир реалистик тасвирлари дунё адабиётидаги жуда кўп асарлардан бениҳоя юқори туради. Бобур ўзини, юрагини, юзини, аъмолини, сўзини, амалини, кўзини пардаламайди. Иккиланишини, андишаси, ғазабини, кўнгил ғулғуласи ва безовталигини очиқ ёзади. Шаръан қаралганда, кундалик намоз ибодатлари билан маъжун истеъмоли, одамнинг ақл-хушини оладиган чоғир, май ичишнинг бир инсон фитратида жамланиши мақталадиган ижобий хислат эмас. Бобур бу шаръий ҳукмни ҳар кимдан яхши билади. Шунинг учун ёнидаги шерикларини чоғирга ҳам, маъжунга ҳам мажбурламайди; на ортиқча дағдаға, на даъват қилади. Ҳолбуки у ўзининг чоғир мажлисларию маъжунхўрлигини ҳам, тонгласи сабуҳий қилишларини ҳам бемалол сир тутиши мумкин эди. Уни тафтиш қилишга, қалами қитирлатиб ёзаётган “Вақое”ни кузатиб туришга гувоҳларнинг юраги бетламас эди. Бобур Яратгувчининг “самиун басир”, “кулли шайун қодир”лигига, барча ишларни “киромин котибин” малоикалар амал дафтарига аллақачон ёзиб қўйганига инончи боис ҳақ сўзларни битади. Бутун айбу гуноҳини, бор эзгулигу одамийлигини, барча тавбаю тазарруларини бор ҳолича баён этади. Тўғриси, қиёснинг иккинчи эгаси мавлоно Абдулла Қодирийнинг ўз қўли билан ёзган бундай тарихий иқрорномалари, кундаликлари ёки ўз табиатига оид

эътирофлари йўқ ҳисоби. Адибнинг “Суддаги нутқи”, замондошларининг хотиралари, Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида”, Масъуд Абдуллаевнинг “Ўтганлар ёди” китобларида бу хусусдаги айрим маълумотлар учрайди, холос. Бироқ тасаввуримизча, Бобур билан Қодирийнинг табиатида, поэтик тафаккур тарзида, адабий-эстетик тушунчалари, одамийлиги ва борлиқни кўришида қандайдир яқинлик бор. “Ўткан кунлар”да ёзувчи: “Дарҳақиқат, бизнинг қаршимизға йўлбарс чиқса, биз қаттиқ қўрқамиз, чунки бизни ўлум кутадир, инсон учун дунёда ўлумдан қўрқунч нарса йўқ”(320-бет), дейди. Адиб келгуси воқеаларни ўқувчига олдиндан сездиришнинг махсус адабий усулини қўллабми ёки ички бир туйғу даъвати биланми, ҳартугул, Кумуш охирги мактубида онасига: “Маним бўлса нима учундир юрагимда бир қўрқув бор...”, деб ёзади (363-бет). Воқеалар ривожидан қўрқув сири очилади, заҳарлаган Кумуш “жомга ўқчиб қусар эди”. Айбдор Зайнаб Юсуфбек ҳожи ҳовлисидан ҳайдалади, акалари уни кишанлаб қўйишади. Жиннигани қози ва табиблар томонидан тасдиқлангач, жинояти учун жазоланиш ҳукми унинг устидан кўтарилади. Заҳарланиш ҳодисаси подшоҳ Бобур ҳаётида ҳам юз беради. Ҳинд ошпазлари қўлидан заҳарли ош егач, унинг кўнгли беҳузур бўлади. Бу тўғрида:“Обхонаға боргунча йўлда бир навбат қусаёздим. Яна бир навбат қусаёздим. Обхонаға бориб, қалин қустум. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим” (281-бет), деб ёзади у. Айбдорлар жиноятига яраша жазо олади: бирининг териси тириклайин шилинади; яна бир айбдор филнинг оёқлари остига ташланади (282-бет). Бир ўлимдан қолган Бобур гўё онадан қайта туғилгандек бўлади. “Тенгри менга бошин жон берди”, дея шукрона айтади у. Жон халқумга келиб кетган бундай вазиятларда инсон учун жони азиз кўринади. Шунда умр мазмуни, тириклик неъмати устида ўйлайди. Бобур иқроран ёзади: “Жон мун-

доқ азиз нима эмиш, мунча билмас эдим, ул мисраъ борким: Ким ўлар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини...” (282-бет). Аслида инсон ҳаёти ижтимоий-маънавий, руҳий-моддий ва бошқа зиддиятлар ҳамда мураккаб ҳолатлар асосига қурилади; ўзини ва ўзилигини англаганлар фурсатни ғанимат билиб, охират куни учун озуқа жамлайди; савол-жавобга ҳозирлик кўради. Чунки Бобур таъбирича,“ҳар кимки ҳаёт мажлисиға киритбур, оқибат ажал паймонасидин ичкусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилиға кетибтур, охир дунё ғамхонасидин кечгусидур” (289-бет). Тириклик ва ўлимга оид “ҳаёт мажлисиға” келиб-кетишнинг ҳикматона ифода жуда тиғиз ва қаршилаш усулида берилади. Шу гап давомидан Бобур барчага машҳур “...даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ” мисраларига мослаб жуда муҳим ва мардона ҳаётий бир гапни ёзади: “Ёмон от била тирилгандин яхши от била ўлган яхшироқ”. Бунда “яхши - ёмон”, “тирилган-ўлган” тазодлари ифода таъсирини оширади. “Ўткан кунлар”да ўзининг ҳаёти мазмунини ўйлаётган Юсуфбек ҳожи дейдики:“Мен кўб умримни шу юртнинг тинчлиғи ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим... Боболарнинг муқаддас гавдаси мадфун Туркистонимизни оёқ ости қилишға ҳозирланған биз итлар яратгучининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқуриға қараб судрағучи албатта тангрининг қаҳриға сазовордир” (294-295-бетлар). Ҳожи беш кунлик умрида “дунё можароларидан этак силкиб гўшаъи охират тадорики”ни кўришга ўзида рағбат ва зарурат сезади. Дарвоқе, Абдулла Қодирий тирик маҳалида ўз Ватани ва миллатига бўлган севгиси, ҳақ гапи, эзгу амали ва бебаҳо асарлари эвазига ҳожига ўхшаб ўзига азоб-уқубатлар, туҳмату

бўҳтонлар орттиб олди. Аммо адибнинг фавқулодда жасорат эгаси экани ҳам, бу мардона фазилат қаҳрамонлари табиатига кўчгани ҳам бор гап. Шу ўринда уч душмани билан бир ўзи олишган Отабекни ёки дор остида ўлимга тик қараб турган Анварнинг ўткир кўзларини эслаш ўринли, албатта. “Ҳақиқат, очиб сўзлашдадир” ҳикмати ҳаётий дастури бўлган адиб “Суддаги нутқи”да ўша мустабид даврнинг “одил суд”ига қарата: “Мен тўғрилик орқасида бош кетса, “их” дейдиган йигит эмасман... Кўнглида шамси ғуброти, тескаричилик мақсади бўлмаган содда, гўл, виждонлик бир йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир” , деб айтади. Кейинги ҳибс терговида: “Менга қўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳар қандай, ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсаларинг, кўкрагимни кериб тураман...” , деб мардона сўзлайди. Худди шундай мардона туйғу, ҳаққоният, фавқулодда жасорат, улкан шижоат Бобур умрига, “Бобурнома” матнига нур бағишлайди. Унинг фотиҳлиги, элободчилиги, бағрикенглиги, дўсту душманларига кўрсатган муруввати, айниқса, фарзандидан жонини ҳам аямагани узоқ мозийнинг ўчмас ҳақиқати. Ўғли Ҳумоюннинг дардига ҳакими ҳозиқлар “... яхши нимарсаларни тасаддуқ қилмоқ керак” деб ташхис қўйишади. Бобур “Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ”, фикрига келади ва уч марта ўғлининг теграсида айланиб айтадики: “...мен кўртардим ҳар не дардинг бор”. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳат бўлиб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим” (355-бет). Бундай вазиятда Ҳақ билан авлиёсифат инсон орасидаги пардалар кўтарилади. Тоза юракли отанинг чин дуоси Тангри ҳузурига ўқ боради ва ижобат бўлади. Бобур ўлимни мардона бўйнига олади. Бобур насрида ифода йўсини жуда қисқа, кам сўзга кўп маъно юкланади.

Ийжоз мақоми.

Кам сўзда кўп фикр баёни мумтоз поэтикада “ийжоз” дейилади. “Бобурнома” – шоирнинг насри, подшоҳнинг назари; унда инсон умри, тарих воқелиги, географик маълумотлар йўл-йўлакай қуруқдан-қуруқ баён қилинмайди. Дейлик: “Кўнгуллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чироғдек ёруди” (354-бет) каби қисқа, ўхшатишли ва тоза туркий ифода Бобур услубигагина хосдир. Бобурнинг насри таъсирли, оҳангли, шеърли, маҳобатли, сажли, тавзеъли, латофатли, ўхшатишли; унда тавсиф билан тасвир уйғунлашади. Ора-орада лирик пафос билан безатилган, айни дамда трагизм билан суғорилган “Бобурнома” ўзбек мумтоз насрининг фасоҳат ва балоғат намунаси, ийжоз мақомидаги бетакрор асар. Сўзи кам, маъноси ўктам; фикр ва тушунчалар тўқнашади, сўз сўзга уринади, сўздан сўз униб чиқади. Ўқиймиз: “На учунким, алар асру қалин, биз кўп оз, ўзга бу қавийлик била алар аркта ва бу заифлиқ била биз тош қўрғонда” (101-бет). Ўзаро қарама-қарши қутбда турган “алар – биз”, “қалин – кўп оз”, “қавийлик-заифлиқ”, “арк – тош қўрғон” каби жуфт ва зид сўзлар орасида бир дунё тушунчалар жамланади. Бошқа бир мисол: “Вилоят ораси, тонг ёвуқ ва мақсад йироқ” (105-бет). Қаршилантиришдан ифода тиниқлашиб гўзаллашади. Бошқа бир саҳифага назар соламиз. Бобур алғов-далғовли кунларнинг бирида Банда Али деган шеригини кутиб ўтирибди. Кутганда кун чўзилади, сониялар иммиллайди; вақт юрмайди, гўё тўхтаб қолади: “Субҳ узлаб келадур, бу ҳеч келмайдур” (105-бет). Бундай баён тарзи фақат ҳолат ифодаси, маълумот бериш жараёнида эмас, балки турли тарихий воқеалар тафсилоти ёки тарихий шахслар табиати ёритилган саҳифаларни ҳам тез-тез учрайди. “Бобурнома”да воқелик, фикр ва туйғу ноўрин тафсилот ва ортиқча лағвларсиз ёзилади. Тўғриси, кенгқамровли, адабий-тарихий насрнинг универсал услубида ёзилган “Бобур-

нома”дек муаззам ва бетакрор асар ўзидан кейинги турли жанрдаги ўнлаб-юзлаб бадиий асарлар учун таянч, илдиз, манба бўлиб хизмат қилгани айни ҳақиқатдир.

Сўзнинг ийжоз мақоми Абдулла Қодирий насри поэтикасига, қаҳрамонлари нутқига ҳам хос. Отабекни иккинчи марта уйлантириш ҳавасида юрган Ўзбек ойим бир куни Ҳасанали билан гап талашиб айтадики: “Сандек соқоли узун, ақли қисқадан кенгаш сўраб ўлтурган мен ҳам аҳмоқ!” (163-бет). Шокирбекнинг Отабекка эврилиш саҳнаси остонасида Уста Алим: “...ёмоннинг жанозасидан яхшининг ҳикояси фойдалик”, деб сомеъликка ҳозирланади (254-бет). Бундай нутқда “сен” - “мен”, “узун” –“қисқа”, “яхши” билан “ёмон”, “жаноза” билан “ҳикоя” сўзлари зидланади. Юсуфбек ҳожи бир йиғилишда: “Бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу кўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди” (318-бет), деган гаплари семантикаси қаршилидир. Юсуфбек ҳожининг ўз нафсига назари, маломати ва эътирофидаги соқолининг оқариши ёки кўнглининг қорайиши тасаввурни тоза бир инсон умрининг йўллари томон йўллайди. Аслида вазият, характернинг контрастли-қиёсли тасвирини романнинг дастлабки саҳифаларида, яъни карвонсаройда Отабек тушган ҳужра ёки Отабек билан Ҳомид характери баёнидаёқ кўринади. Адиб бу бадиий санъатдан романда жуда кўп ва ўринли фойдаланади. Баъзан кундошларнинг маънавияти, сажияси ҳар жиҳатдан таққосланади. Ўз мақсади йўлида янги қаҳрамонларни саҳнага олиб чиқиш жараёни романи охирлаб қолганида ҳам давом этади. Адиб романнинг “Хушрўйбиби ва Зайнаб” фаслидаги: “Хушрўй узун бўйли, қотмароқ ва зарча танлик эди. Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди, Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадирған эди” (353-бет), деган опа-сингиллар табиатининг қиёсидан тасаввур тўлишади.

Ийжоз мақомидаги бундай мисолларда Бобур Мирзо ҳам, Абдулла Қодирий ҳам чин маънодаги ўз эли ва тилининг билимдони, ўз даври адабий тилининг бунёдкори ҳамда ўзбек тилининг барча имкониятларидан тўла фойдаланган адабий шахслар сифатида кўринади. Бу икки муаззам адабий сиймо туркий-ўзбек адабий тилининг ифода салоҳияти ва қамровини ўзларининг амалий хизматлари билан исботлади, шунингдек, зукко тилшунос сифатида баъзан назарий қарашларини ҳам баён қилишди.

Икки тилчи.

Абдулла Қодирий ўзининг бетакрор бадиий асарлари билан ўзбек адабий тилининг бойлигини исбот этди; ўрни келганида шева сўзларидан унумли фойдаланди. Адиб халқ тилида қўлланадиган "чип" сўзи учун "ғов, баррикада маъносида", бошқа бир саҳифадаги диологда келган "эшик" сўзини "Фарғонада ҳовлини эшик дейдилар" деб изоҳлайди. Ҳомид Жаннат опага "...гузардан чиқиб бир чорак эт келтириб, шўрба қилиб берсангиз" дейди. Ёзувчи "бир чорак"ни "уч ярим-тўрт қадоқ чамаси тошдир" деб изоҳлайди. Бугунги ўқувчи учун бир қадоқнинг 409,512 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги эканини эслатишга зарурат бор. Бошқа бир эпизодда узоқ айриликдан кейин қайта учрашган Кумуш Отабекка "Сиз энди қирчиллабсиз!" деб айтади. Адиб "қирчиллаш" сўзига: "Қирчиллаш - одатда қорга айтиладир. Масалан, қаттиғ совуқда ёққан қор қирчиллайдир. Шундан олиб, айни етилган йигитларни қирчиллама йигит, дейдилар" тарзида романнинг асосий контекстидан ташқарида изоҳ ёзди. "Меҳробдан чаён"да Худоёрхон ўз ўрдасидаги мирзоларга арабий сўзларни кўп қўллагани учун "Эналарингғ арапқа текканма?" деб танбеҳ беради. Ёзувчи "эналарингғ" сўзига тўхталиб: "Эналаринг сўзидаги "нг" ҳарфини "нғ" равишида қалин сўзлайдир. Бу кунги Фарғона ўзбекларида ҳам (айниқса қишлоқларда) юмшоқ "нг" ўрнига қалин

“нғ” ишлатилиши кўб эшитиладир. Ҳозирги ислоҳ қилинган ҳарфларимизда бу қалин “нғ”нинг махсус шакли йўқдир. Ёзган (н-ғ) ҳарфларидан бир товуш ясалса ҳам, бироқ ўқуғанда ҳар ким буни ўз махражидан чиқаролмас, янглиш ўқур. Бу қалин “нғ” ўзбекча бир нечта сўздагина ишлатилмай кўб (эллилаб) сўзда истеъмол қилингани учун манимча алоҳида бир шакл қабул қилиш эҳтиёжи ҳис этиладир. Масалан машҳурлари: занғ, панғ, ланғ, даранғ, қалнғи-қасанғи, дарғ, тўнғиз, шанғи, тўнғилламоқ, тўнғ, тўнғуч ва анғиз, тинғ бошқалар... Эски “нинг” “нг” равишида ислоҳ қилинган. Бу йўғон “нғ” ҳам “ғ” ҳарфининг устига нуқта қўюлиб ёзилсамикин...” , дея изоҳ ёзиб, тил билимдони сифатида ўринли таклифни беради. Адиб ўзбек тилининг табиий хусусиятларини, жамики фазилатларини қадрлаш устида бош қотирган; шунинг учун ҳам тилдаги бундай муаммоли фонетик ҳодисага махсус тўхталади.

Бобур ўзининг машҳур:

“Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши.
Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши”,

рубоийсидан кейин туркий тилнинг товушлар уйғунлигига доир мулоҳаза ёзади: “Сўнгра маълум бўлдиким, турк лафзида маҳал иқтизоси била “то” ва “дол” яна “ғайн” ва “қоф” ва “коф” бир бирлари била мубаддал бўларлар эмиш” (90-бет). Ўрнига қараб “т” билан “д” ундошининг, “ғ”, “қ” ва “к” товушларининг ўрни алмашиб келишини, уларнинг ўзаро мослашув табиатини тушунтиради. Бобурнинг йигирма саккизта ҳарфдан таркиб топган алоҳида алифбо – “Хатти Бобурий”га тартиб бергани, шу хатда фарзандларига мактублар, ҳатто замонасининг хаттотларига “Мусҳаф”ни кўчиртириб Мак-

каи Мукаррамага юборгани маълум . Бобур “Бобурнома”да жой номлари, турли тарихий шахслар, мамлакат, шаҳар ва қишлоқларнинг тавсифи, турфа урф-одат, удумлар, ҳайвонот, наботот олами муносабати билан кўп сўзларга изоҳ ёзади. Масалан: “Яна ҳинд эли ададни ҳам хўб тайин қилибтурлар: юз мингни “лак” дерлар, юз лакни “курур” дерлар. Юз курурни “арб” дерлар. Юз арбни “карб”, юз карбни “нил”, юз нилни “падам”, юз падамни “сонг”. Бу ададларнинг тайини Ҳиндустон молининг кўплугининг далилидур” (266-бет) “Бобурнома” асари тилини тадқиқ қилган тилшунос олимлар Бобур кўплаб сўзларнинг келиб чиқиш тарихга эътибор бериб, кўпгина сўзларга изоҳлар ҳам беради.

Бобур ўғли Ҳумоюнга ёзган жавоб мактубида набираси исмининг маъносига, хатида йўл қўйган имло хатоларигача эътибор беради. Энг асосийси услубига нисбатан:“Бундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бити: ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучиға” (321-бет), деб ўзи қўллаган усуллардан қимматли ўгит беради. Бундай мулоҳазалар барча давр фарзандлари учун оталар айтган умрибоқий насиҳатдир. Бобур билан Абдулла Қодирийнинг асар, битик, мактуб, иншони аниқ ва тиниқ ёзиш хусусидаги фикрлари ўзаро уйғун. Қодирий фикрича, ёзганларига “ёзувчининг ўзигина тушуниб бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб”, “фикрнинг ифодаси хизматига ярамаган сўз ва жумлаларга ёзувда асло ўрин бермаслик лозим”. Ёш ёзувчилар ўз асарларига бировнинг сўнгсўз ёки сўзбошиси билан тумор таққандан ёки нашриёт муҳаррирларга ортиқча иш қолдигандан кўра ўз сўзларида собит туриб, “бир соатда эмас ўн соатда ёзишлари” ва ёзганларини “бир қайта эмас, ўн қайта тузатишлари кишининг ёрдамига термулишга қараганда ҳам фойдалик, ҳам умидликдир”. Назаримда, ҳар икки аллома адибнинг асарлари, ёзиш малакаси ва тажрибасидан ўтган адабий-назарий ўгитлари барча даврнинг ёш

ижодкорлари учун муаззам дорилфунун сабоқлари ўрнини босади.

Гулли саҳналар.

Абдулла Қодирийни қурдошлари “гул шайдоси эди” деб эсга олишади, адиб ўз қаҳрамонларини баъзан гулга таққослайди ёки улардан айримлари гул парвариш билан машғул бўлади. Ёзувчи Кумушбибининг паришон ҳоли учун: “Бир нарса тўғрисида ўйлармиди ёки бош оғриғиси кучликмиди, ҳар ҳолда намозшом гул каби ёпиқ эди” (30-31-бет), деб изоҳ беради. Кумуш турмушга узатиладиган саҳнага назар ташлаймиз: қизйиғинига Кумушнинг дугоналари жамланган. Бу йиғинни ҳам ёзувчи “Қизлар мажлиси – гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!” (53-бет), тарзида “гуллар” билан безайди. Бундай гўзал манзарага учраган одам “гул танлашда бирор қарорга келолмай” ҳаммага кулги бўлиши мумкин. Аммо даврага Кумушбиби кириб келгач, агар гулни гулдан ажратиб танлашга зарурат бўлса, энди одам мутараддид бўлмайди, иккиланиб эсанкирамайди. Чунки “Кумушбиби лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги бир ой эди” (54-бет), деб гул ва ойга қиёслайди. Дали-ғулли Ўзбек ойим Кумушни биринчи бор кўрганида гоҳ ўпкаланиб, гоҳ эркаланиб:“Энди кўрсам милтиқнинг ўқидек, пушти гулнинг тўқидек келиним бор экан...” (325-бет), дея шоирланади ва кўнгил қувончини изҳор қилади. Роман туганчига яқин Отабек туш кўради. Адиб унинг тушини ҳам гул ва гулзор томон буради. Отабек “туш кўрар эди: чаманда гуллар очилган эмиш... Бу гулшан унинг ўзиники эмиш... Ул ранго-ранг чечаклардан кўзини ололмас эмиш” (368-бет). Абдулла Қодирий гул шайдоси эди; бу фазилат унинг қаҳрамонларига кўчган. Раъно тасвири учун “раъно гулининг суви”га зарурат сезгани ҳам бежиз эмас. Латиф гуллар шоир кўнгилли инсонни ўзига мафтун қилиши мумкин. Айниқса, ҳаётининг бирор куни-

ни хотиржам ўтказмаган, “икки рамазон ийдини паёпай бир ерда” ўқимаган Бобурнинг кўнгли чаманзору табиий гуллар гўзаллигидан ором топади. Гулларнинг навлари билан қизиқади. Кобулда лола гулининг ўттиз тўртта тури борлигини аниқлаштиртиради. “Бобурнома”да: “Яна Ҳиндустонда тавре гуллар бордур” жумласидан кейин “жосун”, “канир”, “киюра”, “ёсуман” каби бир қанча гулларнинг шакли, ранги, танаси, илдизи ва ҳидигача таърифлайди (264-бет). Бобур Ҳинд ерида Оғрага сув келтириб, обод қилганини шундай ёзади: “Ҳар гўшада мақбул чаманлар, ҳар чаманда муважжаҳ гул ва настаринлар мураттаб ва мукаммал бўлди”(275-бет). Бошқа бир ўринда ёзади: “Тарҳ билан чаманлар қилиб, чаманлар атрофида хушранг ва хушбўй гул ва раёҳин тикмак керак” (330-бет). Бобур Ҳиндистонда “нилуфарзор сайр”ига чиқади. Бу гулни жуда яхши таърифлаб ҳиндлар нилуфарнинг уруғига “дуда”, гулнинг ўзини “кавал кикрий” аташларини эслаб ўтади (338). Бобур қадами етиб борган турли ҳудудларда кўчатлар ўтқизиб, гуллар экиб, ўнлаб боғ-роғлар ва юзлаб гулзорлар барпо қилади. Буни орадан асрлар ўтиб, Жавоҳарлаъл Неру “Дунё тарихига назар” китобида ёзади: “У гуллар ва боғларни севар ва жазирама Ҳиндистонда Ўрта Осиёдаги ватанини тез-тез эслаб турарди: “…бинафшаси бисёр латиф бўлур… қалин лола ва гуллар очилур”, деб хотирлайди у эсдаликларида” (Илҳом Султонов таржимаси).

Бобур лирикасидаги “гул”, зебо гулнинг паришон зулфи, қайси бир гулнинг вафоси, гулистон ичра “руҳи зебо” гулнинг кўрки – буларнинг бари ёр васфига тааллуқли. Унинг далиёна шоир кўнглини лолалар ичра бир гул ўртайди. Шу боис ғазалларидаги гул, лола, бинафша, ёсуман, райҳон, наргис, чаман, гулзор каби образлар метафорик табиатлидир.

Бўза базмлари.

“Ўткан кунлар”даги Абдулла Қодирий назарига кўра: “Халқимиз таъбирича, бу замонлар “мусулмонобод” бўл-

са-да, бироқ бу тантаналик таъбирни бузиб қўятурған ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариъатча эди" (213-бет). Аммо шу ораста ҳукмларга риоя қилмайдиган ўғри, фоҳишалар борлигини, айрим "уйларда мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб" ётишини, Чуқур қишлоқ томонларда "рустамона кишилар билан айқириб ётқан бўзхоналар" ҳам ишлаб туришини ошкор ёзади. Бундай маълумот, тафсилот ва изоҳлардан кейин адиб Отабекни ўша бўзахоналардан бирига етаклайди. Бўзагар Отабекни "бўзанинг гули билан меҳмон" қилади (214-бет). Романнинг "Унутолмаса нима қилсин?" фаслига кўра Отабекнинг саёқ йўлда юришларидан ота-она бехабар. Тўғрироғи, ёзувчи сўзни чўзмаслик учун уларни ўғли ҳолидан атай хабарсиз қолдиради. Отабекнинг "кечалари аллақаёқларға кетиб, йўқолатурған одатлар"ини Ҳасанали билади, холос. Отабек "бир-икки қайта ортиқча маст бўлған ҳолда қайтиб, Ҳасаналини тамом ҳайратда қолдирди" (205-бет). Ҳасанали Отабекка бирор насиҳат қилишни ҳам, унинг бундай мастона юришларини бировга айтишни ҳам билмайди. Базмдан тунлари сархуш қайтадиган Отабекни Ҳасанали юрагини ҳовучлаб, кутиб олади. Норизо оҳангда "Ўғлим, сизга шу шайтоний ишнинг нима зарурати бор", дейди. Тонгласи мастликдан ойилган Отабек Ҳасаналининг юзига тик қарай олмайди. Адиб Отабекнинг бу адабсиз ҳоли баёнига айрилиқ дардини, "аламини ичкуликдан олиб" юришини қўшади.

Уста Алим таъбирича, май "бир томондан кишининг саломатлигига фойда берса, иккинчи жиҳатдан тирикликнинг қайғу ва аламларини" ҳам унуттириб юборар эмиш. Ичкиликдан қаттиқ ҳазар қиладиган, майни ўзига душман санайдиган Отабек биринчи марта уста Алимнинг уйида "тамом шаръий қилиб тайёрланган мавиз"дан ичади. Ўша

саҳнада ўзини узрлилар қаторидан санайдиган уста Алим икки пиёла ичиб, учинчисини қайғулироқ кўринган Отабекка узатиб “қўлимни қайтарманг, меҳмон” деб манзират билан кутиб тураверади. “Отабек пиёлани олишға мажбур бўлди. Уй эгасининг айтканидек мавиз жуда ҳам тиниқ, яхши чиққан кўкчой каби мусаффо эди. Пиёлага узоқ қараб турмай ичиб ҳам юборди. Оч қоринға тушкан ўткир май виж-ж этдириб меъдани қайнатди-да, томоқ остини ловуллатмоққа олди” (189-190-бетлар). Қайнотаси эшигидан қувилган Отабек ҳам шу зайлда ўзини “маъзур”лар қаторига қўшади. Ҳар жиҳатдан комил, идеал бир инсон сифатида қаралаётган Отабекни Абдулла Қодирий ана шу номашруъ амалларсиз, майсиз ва бўзасиз базмлар фонида тасвирлаши ҳам мумкин эди. Эҳтимол, бунда қалам ростлик рутбасидан тойилган бўларди.

Бобур 1506-1507 йил воқеалари баёнида ўзига Ҳусайн Байқаро фарзандлари қишни Ҳиротда ўтказишга, Алишер Навоий уйида истиқомат қилишга таклиф этганини ёзади. Аввал Бадиуззамон мирзо уйида меҳмон бўлади. “Бадиуззамон қошиға борғанда намози пешиндин сўнг чоғир мажлиси бўлди, мен ул маҳаллар ичмас эрдим” (169-бет). Мажлис аҳли Бобурнинг ичмаслигини билгани учун унга таклиф ҳам қилишмайди. Бобурнинг ёшлигидан ичкиликка асло майли бўмаган; ҳатто баъзан отаси таклиф қилганида ҳам узр айтган. “Шубҳалик таомдин ижтиноб қилур эрдим”, деб хотирлайди у. Темурий мирзолар ҳузурида йигитлик ёшида, нафс тақозоси билан унда чоғирга майл пайдо бўлади: “...ичмакка азм қилдим ва бу водийни тай қилмоқни жазм қилдим” (171-бет). Музаффар Мирзо меҳмонга айтганида Бадиуззамон уйида ичмай, унинг иниси уйида ичишдан иккиланиб, тараддудга тушади. Шундан сўнгра икки оға-ини бир жойда жамланганида ва улар таклифи билан ичишни мақсад қилади. Бобурнинг чоғир базмлари шундай бошла-

нади. Ҳирийга келгунча бир қултум ҳам ичмаган шаҳзода Бобурнинг бундан кейинги бирор мажлислари маъжун ё чоғирсиз ўтмайди. Бундай базмлар кайфи ва кайфиятини яхши билган Борур бир неча бор “маъжун суҳбати била ҳаргиз арақ ва чоғир суҳбати рост келмас” (208-бет) деб таъкидлайди. Аввало нафс тақозоси, қолаверса, ҳаёт дарахтидан Бобурнинг бошига ёғилган кузги хазонлар ва айш-ишратга мойиллик уни “чоғирнинг нашъа ва кайфияти” билан ошно қилди. Орадан йиллар ўтади. Иш тавба остонасига етади. “Ҳар вақт тавба дағдағаси хотири”да юрган Бобур ҳижрий 933 йили тавба этади. “Бобур айни ўшал фурсатда нафс устидан буюк ғалаба қозонади – ичкилик балосини енгади”.

Замон ўлчови.

Тарихий-биографик асарларда замон ва макон чегаралари танланган тарихий шахснинг ҳаётига кўпинча мос келади. Бу табиий ҳол. Аммо адабиёт оламидаги тарихий асарлар турли асослар устига қурилади. Инсон ақли билан чегараланган замон – эралар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар... каби кўламли астрономик тизимни ташкил этади. Ижод аҳли юз берган воқелик тасвирида - вақт ифодасида астрономик тизим унсурларидан турлича фойдаланади. Тўғриси, бадиий асарда замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятига кўчади. Замон тушунчасининг аниқ бўлагини кун ва тун – йигирма тўрт соат ташкил этади. Бу ҳисоб учун қуёш ҳаракати, аниқроғи, Ернинг ўз ўқи теграсида айланиши асос саналади. Ижодкор замон тасвирида қуёшнинг чиқиши, ботиши ёки соат милларининг чопишига эътибор беради. Абдулла Қодирий романларида кунлик вақтнинг “қуёш ботган”, “саҳар пайти” ёки “бу кун соат ўн иккида...”, “ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...”, “кечки соат тўртларда...” тарзидаги ифодаси онда-сонда кузатилади. Гоҳо шу тарздаги ифода давомидан махсус изоҳ қўшилади: “... қуёш ботқан, теваракдан

шом азони эшитиладир", "саҳар вақти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди", "Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскари билан халқ орасида уруш бошланди...". Вақтнинг ифодаси учун "шом азони" (шом вақти), "субҳ намози" (бомдод вақти), "асрдан бир оз эртароқ" (аср вақти) тарзидаги изоҳ, яъни кунда фарз ўлароқ беш маҳал адо қилинадиган намоз вақти Абдулла Қодирий романларида индивидуал маъно ва поэтик-категориал моҳият касб этади; адиб кунлик вақт қисмлари учун намоз атамаларини танлайди.

Абдулла Қодирий қаламига бундай тасвир йўсини ўз аждодларининг адабий тафаккуридан ўтгани, айни дамда, "Бобурнома" булоғидан сув ичгани табиий кўринади. Чунки "Бобурнома"да ҳодиса бўлган йил, ой, ҳафта, кун ва ҳатто кўпинча ўша куннинг аниқ маҳалигача тиниқ битилади. Масалан Бобур: "Ахсидин намози жумъа вақтида чиқиб, Банди Солор йўли била намози шом била намози хуфтан орасида Андижонға келдим" (32-бет) деб замонни намоз вақтига боғлаб ёзади. "Бобурнома"нинг ҳар бир саҳифасида, юзлаб ўринларда "намози бомдодни ўтаб", "намози пешиндин сўнг", "намози дигаргача", "намози дигарга ёвуқ", "намози дигарда", "намози дигар била намози шом орасида", "намози шомғача", "намози шомға яқин", "намози шомда", "намози шом била намози хуфтан орасида", "намози хуфтанғача", "намози хуфтанда", "намози хуфтандин кечроқ" каби таъбирлар учрайди. Баъзан Бобур фалон куни "сабоҳи", "офтоб бир найза бўйи чиқиб", "офтоб чиққанда", "офтоб ўлтурур маҳал" деганича қуёшнинг ҳаракати ва бошқа вақтларга ҳам диққат қаратади. "Бобуронома"да улкан вақт бутунлиги, унинг қисмлари ҳамда кунлик вақт ўлчами муайян тизимга солинган, албатта.

Қиёсланаётган асарлардаги бундай ўринларга ҳар икки адиб шууридаги табиий сезим ва туйғулар ифодаси,

имон-эътиқодли қалам эгаларининг баён усули сифатида қараш ўринлидир. Қолаверса, замонга мос ўлчамлар измида қаҳрамонларнинг ҳаракат қилиши ҳамда уларнинг тафаккур ва тасаввурига уйғун ифодаланиши ҳам ҳар қандай асарнинг қадр-қийматини оширади.

Китоб - бадиий восита.

Яхши китоб – инсон умрининг зийнати. Бобур ва Абдулла Қодирийдек алломалар ёзган китоблар эса инсониятнинг маънавий мулки. Одамларнинг маданий-илмий, маънавий-маърифий даражасини улар ўқиган китоблар белгилайди. Тақдир Алишер Навоийни 6-7 ёшида "Зафарнома" муаллифи Али Яздийга рўбарў қилади. Мўйсафид тарихчи билан бола Алишер ўртасида савол-жавоб бўлиб ўтади. Шунда мўйсафид аллома боладан ўқиган китобларини сўрайди. Навоий "Мулк"кача таълим олганини айтади. Ёшлигида "Мантиқут тайр"ни ёд билгани барчага маълум. Табиийки, тарихий китоблардаги бундай маълумотлар тарихий шахслар маънавий дунёсини кўрсатади; улар қиёфасига маҳобат бағишлайди. "Бобурнома"да ўз даврининг машҳур акобирларига баҳо берилар экан, улар ёзган ёки ўқиган китобларни эсга олади. Алишер Навоий ажратилган бетларда аллома шоир "Хамса", "Лисон ут-тайр", "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадоеъ ул-васат", "Фавойид ул-кибар", "Мезон ул-авзон" каби барча асарларини санаб ўтилади. Бобур "Бобурнома"да Алишер Навоийдан бошқа бирор шахс таърифида бундай "кўб ва хўб" - кенг кўламли тўхталган эмас.

Отаси Умаршайх Мирзони таърифлар экан ёзади: "Равон саводи бор эди. "Хамсатайн" ва маснавий китобларини ва тарихларни ўқур эди. Аксар "Шоҳнома" ўқур эди. Табъи назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди" (10-бет). Замондошларидан баъзиларига "Ҳамиша Мусҳаф китобат қилур эди" деб ҳам таъриф беради. Умуман олганда зарурат юзасидан қайси бир машҳур уламо ёки тарихий жой таъ-

рифи жараёнида “Саҳиҳи Бухорий”, “Ҳидоя”, “Темурнома”, “Фатҳнома”, “Зафарнома”, “Искандарнома”, “Шоҳнома” каби мўътабар китоблар эсга олинади. Бунинг натижасида ўша инсон ёки маконнинг таъриф-тавсифи теранлашиб, уларга тегишли тасаввур ойдинлашади. Мемуар асарда тарихий маълумот сифатида бундай унсурларнинг мавжуд бўлиши табиий. Бироқ дунё адабиётидаги бадиий асарлар таркибида эсланадиган машур китоблар муайян бадиий функцияни бажаради. Отабекнинг “Бобурнома” ўқиши бежиз эмас. Абдулла Қодирийнинг бошқа қаҳрамонларини ҳам маълум ва машҳур китоблардан насибадор қилади. Дейлик Юсуфбек ҳожига Қуръони карим ва “Далойил ул хайрот”ни, ошиқларга Фузулийнинг “Девон”ини ўқитади. Раъноси эса Навоий, Фузулий, ўзларига замондош шоирлардан Амирий билан Фазлий Намонгонийни ўқиган. Қодирийнинг иккинчи романи “Чаённинг намойиши” фаслида масжиддаги ҳужралардан бири тасвири келади. Ҳужра токчасига араб тили грамматикаси “Кофия”ни шарҳлаган Абдураҳмон Жомийнинг “Шарҳ мулла Жомий” асари, ҳошиясида диний ҳукмлар изоҳланган “Ақоиди маъалҳавоший”, мантиққа доир “Ҳикматул айн”, Марғинонийнинг “Алвиқоя”, Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаётини ёритган “Сияри шариф” каби мўътабар китоблар тахлаб қўйилади. Калоншоҳ мирзо, Шаҳодат муфти, Абдураҳмон домла шу китобларни ўқиганми - ўқиган эмасми? Адиб уларнинг қўлларига бу китобларни тутқазмайди. Такрор айтаман - токчага тахлаб қўяди. Ўқилмаган китоб очилмаган тилсим. Ўқиганлар билан ўқимаганлар ҳеч қачон бир-бирлари билан тенг келмайди.Ўқиганлар олим, уламо бўлади, ўқимаганлар кўнглига шайтон оралайди, ғийбату ғурбатлар билан машғул бўлишади.

Сарлавҳа.

Адиб романи учун ном танлаши хусусида ҳам бир фикр бор. Мутахассислар орасида “Ўткан кунлар”ни Абдулла Қо-

дирий татар адиби Олимжон Иброҳимовнинг “Бизнинг кунлар” романи номига уйқаш қўйган, деган гап бор. Ҳолбуки, матнда аниқ битилган бир жуфт сўз, “Бобурнома” мутолааси туфайли адиб шуурига муҳрланиб қолмаганмикин, деган фикр келади. Сарсон-саргардон кезган 1502-1503 йиллар воқеалари охирида Бобур шундай ёзади: “Ўшал замон отланиб, Андижон тарафиға юруй бердук. Икки кун бўлуб эрдиким, ҳеч таом емайдур эдим. Намози пешин бўлуб эдиким, бир қўйни топиб келиб, бир ерда тушуб, ўлтуруб, кабоб қилдилар. Ўшал кабобдин тўйғунча едим. Андин сўнгра отланиб беш кунлук йўлни икки кеча ва кундуз илғор қилиб келиб, Андижонға кириб, улуғ хон додам ва кичик хон додамни кўрунуш қилдим ва ўткан кунларни тамом баён қилдим” (108-бет). Роман мавзуини “яқин ўткан кунлар”-дан танлаган Абдулла Қодирий ҳам Туркистон ўтмишини, қутидор эшигидан қувилган Отабекни хаёлан ўткан кунларига қайтаради; сўнгра адиб ўз қаҳрамонига унинг “ўткан кунларини заҳар билан булғаб келган” мудҳиш душманларини танитади ва манзарани тиниқлаштириб воқеликни имкони борича батамом ростлик рутбасида баён қилади.

Туганчи:Ҳар икки адиб асарларида бундан бошқа ҳам қиёслашга муносиб ўринлар кўпчиликни ташкил этади. Дейлик “Бобурнома” матнида баъзан бирор воқелик ёнида оят ва ҳадислардан парчалар келади. Абдулла Қодирий мумтоз эпик анъанага мос равишда ўз асарларининг айрим саҳифаларида замона ҳазми кўтаргунча “Ҳар бир нарса ўз аслига қайтади”, “Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир”, “Агар бир қавмнинг иши ноаҳил одамға топширилған бўлса, бас, ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил”, “Ҳар ишнинг ўртачаси яхши”, “Қаноатли азиз, таъмали киши хордир” каби айрим оят ва ҳадисларни қўллайди.

Ёки.

“Бобурнома”да шоир кўнгилли Бобур шижоатли фотиҳ қиёфасига эврилганда калладан минорлар тиклашни бую-

ради. “Ўткан кунлар”да ҳам “инсон бошидан турғузилған” айрим тепаликлар кўзга ташланади. Бу каби мавзулар қиёси учун яна бир неча саҳифани қоралаш мумкин...

Хуллас, Абдулла Қодирий руҳияти, адабий-эстетик концепцияси, одам ва олам хусусидаги қарашлари Заҳириддин Муҳаммад Бобур руҳига яқин туради. Ҳар икки адиб фитратидаги мардлик, жасорат, тўғрилик, ҳақгўйлик, маҳорат, истеъдод каби фазилатлар ўзаро уйғун келади. Тарихнинг жуда олис қаъри ва яқин ўтмишдаги дили, маслаги, тили, юраги бир бўлган адабий сиймолар маънавият майдонидан ёнма-ён туришади. Дунё ва борлиққа доир қарашлари яқин ижодкорлар орадаги масофа қанчалик узоқ бўлмасин, сўз санъатининг поэтик хусусияти ва метафорик табиатига кўра улар адабиёт тилида бемалол гурунглаша олади. Зеро, уларнинг ғойибона адабий суҳбатлари, маънавий робита ва руҳий боғичлари жуда табиий туюлади.

ҲИКОЯ ЖАНР АНДОЗАСИ

Абдулла УЛУҒОВ
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети профессори, филология фанлари номзоди
e-mail: abdullaulugov@gmail.com

Аннотация: Абдулла Қодирий (1894 – 1938) “Улоқда” ҳикояси билан ўзбек адабиётида ушбу жанрнинг янги намунасини яратган. Европа адабиёти андозаларига ҳар жиҳатдан мос келадиган ушбу ҳикояда миллий турмуш воқелиги реалистик акс эттирилган. “Улоқда”да ҳаёт ҳодисалари ва кишилар образи ҳаққоний гавдалантирилган. Унда жанр мезонларига мос ҳолда, биргина воқеа тасвири мисолида ижтимоий давр манзараси чизиб берилган. Ҳикоядаги ҳар бир образ турмушдаги одамлар сингари тасаввурда жонланади. Улар ўзига хос хатти-ҳаракатлари билан бир-биридан алоҳида ажралиб туради. Персонажларнинг ҳар бири ўзининг аниқ қиёфаси билан ўқувчи кўз ўнгида намоён бўлади.

Мазкур мақолада улуғ адибнинг турмуш воқелигини ҳаққоний тасвирлаш ва инсон образини бадиий акс эттиришдаги маҳорати хусусида мулоҳаза билдирилади.

Калит сўзлар: Абдулла Қодирий, ҳикоя жанри, ижодкор маҳорати, ҳаёт воқелиги, инсон образи, маиший турмуш, персонаж, кўпкари, улоқ, қамчи, томошабинлар.

Алишер Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиётининг чўққиси саналса, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат асарлари билан янги давр ўзбек адабиёти бошланди. Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий асарлари маънавий-руҳий озиқ бўлиши баробарида, кишиларнинг кундалик турмуши-

да амалий аҳамият касб этиб келади. Бунга иккита далил аниқ исбот бўла олади. Бири шуки, салкам бир асрдан бери юртдошларимиз фарзандларига Алишер, Фарҳод, Ширин, Искандар, Баҳром, Абдулла, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Юсуфбек деб исм қўяди. Ҳар биримизнинг шундай исмли қариндошларимиз, танишларимиз, қишлоқдошларимиз, маҳалладошларимиз, қўшниларимиз талайгина... Иккинчи далил эса Алишер Навоий ҳамда Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди неча ўн йиллардан буён театр, кино, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва бошқа соҳалар учун энг қизиқарли манба, объект бўлиб келаётганидир. Бошқа ҳеч бир тарихий шахс бу жиҳатдан Алишер Навоий ва Абдулла Қодирий билан бўйлашолмайди. Улар беназир ижодкор сифатида ҳам, инсон-шахс сифатида ҳам барча замонларда кишилар учун ўрнак, ибрат намунаси бўлиб қолади.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш шонли тарихимиз, аждодларимизнинг юксак маънавияти, маърифати билан танишиш имконини берса, Абдулла Қодирий асарларини ихлос ва иштиёқ билан мутолаа қилиш, таржимаи ҳолига тегишли далилларни таҳлил қилиш бундан юз-икки юз йил аввалги аҳволимиз тўғрисидаги тасаввуримизни ойдинлаштиради. Алишер Навоий асарларини ўқиш, орадан беш асрдан кўпроқ вақт ўтиб, тилимиз хийла ўзгаргани учун замондошларимизни бирмунча машаққатга қўяди, айримларга, рости малол келади. Абдулла Қодирий асарларини мутолаа қилиш эса XXI аср ўқувчилари учун ҳузур бағишлайди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари асосида суратга олинган фильмлар, театр саҳнасида намойиш этиладиган спектаклларни юртдошларимиз ҳам, хорижликлар ҳам мириқиб томоша қилишади. Чунки улуғ адибнинг ушбу романлари ҳам, бошқа асарлари ҳам замонавий адабиётнинг мумтоз намуналаридир. Улар ҳар биримизнинг маънавий улғайишимиз, имон-эътиқодимизни

мустаҳкамлашимиз, ҳаётнинг, тирикликнинг маъно-мазмунини англашимиз, ким эканлигимизни билиб олишимиз – асл аҳволимиздан хабардор бўлишимиз учун беминнат восита вазифасини бажаради. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий сингари улуғ ижодкорларнинг ҳаёт йўли ва асарларининг амалий аҳамияти шундаки, улар кишиларни ўзига тўғри баҳо беришга, манманлик, такаббурликдан воз кечиб, феъл-атворидаги иллатларни тузатишга, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини қадрлаб, эл-юртини севиб, ўз халқини, бутун башариятни ардоқлаб яшашга ўргатади.

Алишер Навоий, Абдулла Қодирий сингари беназир сўз санъаткорлари туфайли ўзбек адабиёти жаҳон адабиётининг ажралмас таркибий қисми бўлиб кўринади. Адиб асарларининг хорижий тилларга таржима қилинаётгани барчамизни бирдай қувонтиради. Унинг романлари, умуман, адабий меросини янги давр талаблари асосида жаҳон адабиёти контекстида ўрганиш эса аввал кўринмаган ҳақиқатларни билиб олишимизга сабаб бўлади. Чунки туркий халқлар адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсатиб келаётган улуғ сўз санъаткори асарлари бунга етарлича асос беради.

Абдулла Қодирий асарлари мактаб, олий ўқув юрти дарсликлари мазмун-мундарижасига алоҳида кўрк, салобат бағишлаб туради. Чунки бу улуғ адибнинг ижоди, мана, бир асрдирки, ижтимоий-маданий турмушимизнинг ўзига хос кўзгуси бўлиб келади. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларисиз нафақат адабиётимиз, балки бутун маданий ҳаётимиз рангсиз, туссиз, жуда ғариб бўлиб қолади. Ушбу романлар ўзбек халқи тарихи, Марказий Осиё минтақаси табиати, ижтимоий ҳаёти, урф-одат ва анъаналари, оила муносабатлари, одамларнинг дунёқараши, феъл-атвори ва яна кўп нарсалар тўғрисида ёрқин тасаввур беради. Ишонч билан айтиш мумкинки, адабиётнинг миллийлиги ва уму-

минсоний қадриятларга асосланиши, Абдулла Қодирий сингари ижодкорлар асарларида аниқ акс этади. Адиб барча асарлари мавзусини турмушнинг нақ ўзидан олади ва ундаги ҳодисаларни адабиёт тарозисига тортиб, тақдим қилади. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон”, “Жувонбоз”, “Бахтсиз куёв”, “Калвак махзумнинг хотира дафтаридан”, “Тошпўлат тажанг нима дейди?”ни ўқиганлар ижтимоий турмушдаги яхши ва ёмон жиҳатларни аниқ ажратиб олади. Ёзувчининг “Улоқда” ҳикояси ҳам шундай салмоққа эга. Абдулла Қодирий ушбу асарининг кейинги нашрига: “Бу ҳикоя 1915 йилда ёзилғон эди. Болалик давримнинг ёдгори бўлғани учун ортиқча ўзгаришлар киритмадим” деб изоҳ ёзган (Қодирий А. Диёри бакр: шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 472 б. – 418-бет). Демак, адиб “Улоқда” ҳикоясини 21 ёшида битган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, у шу ёшида жаҳон адабиёти андозаларига ҳар жиҳатдан мувофиқ келадиган ҳикоя ёзган. “Улоқда” нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётидаги бадиий мукаммал ҳикоялар сирасига киради. Ўзбек адибининг ушбу асарини Ги де Мопассан, Антон Чехов, Рабиндранат Тагор каби жаҳон адабиёти дарғалари ҳикоялари билан ёнма-ён қўйиб ўқиган кишилар бунга тўла ишонч ҳосил қилишади. “Улоқда” воқеликни ҳаққоний акс эттириши, персонажлар руҳиятини ишонарли кўрсатиб бериши билан реалистик адабиёт мезонларига тўла жавоб беради. Чунки унда миллий турмуш манзараси худди ҳаётнинг ўзидагидек жонли ва таъсирчан тасвирланади. Ҳикояда воқелик персонаж тилидан нақл қилинса-да, мавзу жуда таъсирчан ёритиб берилади. Ўн икки яшар ўспирин Турғун миллий қадриятларимиздан бири улоқ чопиш – кўпкари ўйини турмушимиздан қанчалик мустаҳкам ўрин олгани, элдошларимиз бу спорт турига жуда қизиқишини мароқ билан сўзлайди. Ҳикояда ўспириннинг кўпкари –

улоқ чопишга орзумандлиги, бу томоша кишиларга катта завқ бағишлаши ёрқин ифодаланади. Абдулла Қодирий персонажларнинг ҳолати, кечинмаси, хатти-ҳаракатини худди фильмда акс эттирилгандек аниқ ва таъсирчан тасвирлаб кўрсатади. Ўқувчи "Улоқда"даги иштирокчиларни худди кўриб тургандай бўлади. Чунки ҳикояда воқелик: "Хизматчи гўшт келтириб турган экан. Отхонадаги қора қашқани кўчага чиқариб туришга буюриб, гўштни ойимга киргизиб бердим-да, ташқарига қараб чопдим... Хизматчидан отни олиб миндим, Тўнимнинг этакларини йиғиштириб, қашқачамнинг човига бир-икки қамчи берган эдим, жонивор шаталоқ отиб кетди. Хизматчининг "Ҳа, баракалла! Чавандоз!" деган товушини эшитиб, қаттиқроқ қамчилаб эдим, жонивор қашқачам кўтариб кетаёзди... Биз бир дуркум отлиқ борамиз. Жонивор тойчам бошқа отлардан қолишмайди ва гоҳо уларнинг отларидан ўтиб ҳам кетади. Тойчам ўта қолса: "Отингиз жуда ҳам йўрға экан-да, бойвачча!" деб менга пичинг отишадилар" тарзида тасвирланади (Ўша манба. – 419-бет). "Улоқда"даги бу каби ўринлар Абдулла Қодирий воқеликни синчковлик билан кузатиб, чуқур ўрганиб қаламга олганини билдиради. Ҳикояда бўртиб турадиган бу жиҳат адибнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" каби асарларида ҳам яққол акс этади. Ёзувчи ўз ижодидаги ушбу хусусият ҳақида: "Ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина роль ўйнаганлар... Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман... Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман... Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабаб бўлади" деган (Ўша манба. – 391-бет).

Мактаб дарсликларидан ўрин олган, ўзбек адабиётидаги дастлабки реалистик ҳикоя намунаси сифатида эътироф қилинадиган “Улоқда” Абдулла Қодирий турмушни ҳар тарафлама ўрганган, ундаги ҳар соҳалардан хабардор бўлган, ёзмоқчи бўлган мавзусига дахлдор материалларни пухта ўрганган, ундаги энг майда нарса – деталларга ҳам эътибор берган сўз санъаткори эканига ёрқин далил бўла олади. Айни ҳикоя адиб ижодига хос яна кўплаб хусусиятларни бамисоли ойна бўлиб кўрсатиб туради. “Улоқда” матнидаги кўпгина жиҳатлар “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” саҳифаларида янада жилоланиб, кенг қамровда қулоч ёзиб барқ уриб кўринади. Шу боис Абдулла Қодирийнинг асарларидаги персонажлар ҳаётдаги одамлар каби диққатни дарҳол жалб этади. Уларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, хатти-ҳаракати, гап-сўзи билан бошқалардан алоҳида ажралиб туради. Айрим қаламкашларнинг ёзган нарсаларидаги персонажлар қиёфасиз, мужмал эканлигидан эътиборни тортмайди. Абдулла Қодирий персонажлари ҳаракатланадиган замон ва маконни, улар турган муҳитни жуда аниқ тасвирлайди.

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари бу жиҳатдан ўзбек адабиётидаги энг кўркам асарлар сирасига киради. “Улоқда” ҳикояси ҳам худди шундай деса бўлади. Ёзувчи ушбу ҳикоясида ўқувчини “Улоқда”нинг асосий қаҳрамони Турғун билан бирга олиб юради. Яъни ўқувчи ҳикояни мутолаа қилаётганида ўзини Турғуннинг ёнида тургандай, унинг ҳолати, кечинмаларини кўриб кузатаётгандай сезади. Ўқувчи ҳикояда қаламга олинган воқеаларнинг гўёки гувоҳи, иштирокчисига айланади, Турғуннинг кечинмалари унинг ўзига ҳам таъсир ўтказаётганини ҳис қилади. Воқелик айнан ўзидагидек қилиб тасвирланганида асар шундай салмоқ касб этади. “Улоқда”нинг: “Даланинг кўчаси қишдан бошқа вақт сув кўрмагани учун икки газ келадитурған билқ-билқ тупроқ; йигирма-ўттиз улоқчилар бирданига

йўл босиб, қайси отини чоптириб, қайси лўкиллатиб, боради. Кўчани тўзон қоплаган, киши кишини танимаслик ҳолга келган. Мен бўлсам уйга қайтиб борганимда: “Кийимларингни пес қилибсан!” – деб ойимнинг қарғашидан қўрқаман” (Ўша манба. – 421-бет) каби ўринлари ҳикояда воқелик худди ҳаётнинг ўзидагидек акс эттирилганига исбот бўла олади.

Айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий ушбу ҳикояси билан ҳаёт ҳодисаларига Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий, Муқимий асарларидагидан кўра янгича ёндашиш зарурлигини кўрсатиб, адабиёт олдига янги вазифаларни қўяди. Айни ҳолат Фитрат, Чўлпон, Ҳамза ижодида ҳам кузатилади. Улар мумтоз адабиёт вакилларидан фарқли ҳолда, ҳаёт ҳодисаларини бор ҳолича – ҳаққоний кўрсатишни ёқлашади, асарлари мундарижасига ўзларининг дард, изтиробларини сингдириб юборишади, воқеликка юқоридан туриб қарашади, ундаги барча иштирокчиларнинг ҳолати, ҳаракатини худди кўриб кузатиб тургандай аниқ тасвирлашади. Шу боис “Улоқда” ҳикоясидаги Турғун ҳам, бошқа персонажлар ҳам тасаввурда худди ҳаётдаги одамлар каби намоён бўлади. Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза асарларидаги қаҳрамонлар мумтоз шеъриятдаги образлар билан қиёсланса, ғазал, рубойи, туюқлардаги ҳаёт воқелиги мавҳум, бир тусли, зерикарли, чучмал экани яққол билиниб қолади.

“Улоқда” ҳикояси “саҳна”сида Турғун асосий қаҳрамон сифатида ҳаракат қилади. Турғуннинг ёнида онаси, хонадон хизматчиси, акаси Маҳкам, чавандозлар (Собир тегирмончининг ўғли, мўйлови шопдек йигит, олдига бир ола эчкини ўнгарган, кўкраги очиқ, яктакчан, саман отлиқ йигит, Тўғон ака, бодринг сотувчилар, Салим чавандоз, Мурод чавандоз, Турғуннинг ўртоқлари: Нурхон, Ҳайдар соқов, Шокир мишиқи; Ориф саркор, Эсонбой кўринади. Шунин-

гдек, Турғуннинг отаси, тоғаси, самоварчи, Рўзи қассоб, Эсон кўкнорининг ўғли тилга олинади. Ҳикоядаги воқеаларда Турғун билан ёнма-ён томошабинлар ҳам иштирок этади. Уларнинг иштироки: “Томошачилар орасида яна ола-ғовур қўпти: “Ана, улоқнинг солиғини йиғаётибдилар!”, “Улоқ ҳозир бошланади!”, “Мурод чавандоз ҳам турди!”, “Салим қалпоғини кийди!”, “Рўзи қассоб улоқни бўғизламоқчи, пичоғини қайраяпти!”, “Бойваччалар ҳам қўзғалишдилар!”, “Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!”, “Ҳай баркалла, шоввозлар!” ... Ҳамма томошачилар сабрсизланиб: “Шу тобгача туя бўғизласа ҳам бўлар эди, улоғи яхлаб қолдими?” – дейишадилар... Бу ёқдаги томошачилар: “Тақимга бос, тақимга!”, “Отнинг бошини қўй, човига қамчини шиғаб бер!”, “Бўш келма, маҳкам тут!”, “Юганини бўшат, қамчингни тишлаб ол, ёнингга алаҳсима!”, “Олдинг, олдинг!”, “Берма, чапга бурул, чапга!”, “Тут, қўйма!”, “Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!”, “Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми – бу ҳаром ўлгуринг?”... деб ҳар хил товушда бақиришадилар. Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошабинлардан баъзиси югуриб бориб ердан улоқни азод кўтариб олади, укасими, ошнасими – ишқилиб бирорта яқин кишисига тутқизмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб устига дув йиғиладилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадилар. Бечора анчадан кейин оқсоқланиб ёки қўлини силаб, ўртадан аранг чиқиб кетади. Чеккан азобини сўзлай-сўзлай бир четга чиқиб кетади” (Ўша манба. – 423 – 425-бетлар) тарзида берилади. Ҳикояда улар ҳозирги пайтдагидек “томошабин” эмас, “томошачи” дейилади.

“Улоқда”даги: “Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб, қўли синган билан парвойи фалак... Ишқи-

либ, улоқни тақимга босилса бўлди... Тақимга босиш ўзи жуда ҳам нашъалик-да! Лекин тақимга босиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди, тақимга кўпроқ босувчилар бояги чавондозлар; азобланиб ўлаёзиб бўлса ҳам улоқни тақимга босгач, отга қамчи бериб, эллик-олтмиш одим нарига қочиб борадилар-да, яна орқадагилар тарафидан ўралиб олинадилар. Яна тортиш" каби ўринлар муалиф воқеликка юқоридан туриб қараганини исботлайди. Айни ўринларда муаллифнинг воқеликка муносабати акс этади. Шунингдек, ушбу ўринларда "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Калвак махзумнинг хотира дафтаридан", "Тошпўлат тажанг нима дейди?" ва бошқа асараларида маҳорат билан қўлланган пичинг, кесатиқ усулидан самарали фойдаланилгани намоён бўлади. Айни ўринлар Абдулла Қодирийнинг роман, ҳикоя, очерклари, публицистик мақолалари Фитрат, Чўлпон асарларидан ўткир пичинг, тагдор кесатиқ, заҳаролуд истеҳзосининг кучлилиги билан фарқ қилишини кўрсатади. "Ўткан кунлар" муаллифининг "Улоқда" ва бошқа асарларидаги, айниқса, публицистик мақолаларидаги пичинг, кесатиғида у эл-юрт аянчли аҳволда эканидан изтиробга тушиб, азобланиб яшагани билинади.

Ҳикояда ҳозирги замоннинг аксарият ўқувчилари учун маъноси тушунарсиз қашқа, улоқ, ҳайит, мўғулча эгар, тойча, ўрус юган, қуюшқон, қоринбоғ, юган, ўмилдириғ, жужунча, амиркон этик, бахмал дўппи, тўра, кумуш чопқон қамчи, шоҳи қийиқча, чов, йўрға, саман от, яктак, валад, бодирафраф, бордон, қирон, учурвоқ, човкар, тўриқ, серкишнов, байтал, айил, тақим, қоққан тарракдек сўзлари қўлланади. Ушбу сўзлар "Улоқда"ни муайян даражада тарихий мавзудаги асарлар қаторига киритиш учун асос бўла олади. Масалан, шаҳар муҳитида туғилиб ўсган ёшлар кўрмагани, турмушда фойдаланмагани боис қуюшқон, ўмилдириғ, айил, қонибоғ нима эканлигини билмайди. Ҳозир кўпчи-

лик қандай от саман, тўриқ, човкар дейилишини ҳам аниқ айтиб беролмайди. Ўқувчилар дарс машғулотларида “Бия нима?” деб сўрашади. Ана шу ҳолат мазкур сўзларга изоҳ беришни тақозо қилади. “Улоқда” ҳикояси эмас, бундан юз йил аввал битилган бошқа асарларни ўқиб тушуниш ҳам ўқувчилар учун кўп қийинчилик туғдиради. Чунки вақт ўтиш, ижтимоий турмуш ўзгариши билан бошқа ҳодисалар сингари сўзлар ҳам истеъмолдан қолиб эскиради. “Архаик сўзлар” дейиладиган бундай тушунчаларнинг маъно-мазмунини англаш йиллар ўтгани сайин қийинлашиб бораверади. Абдулла Қодирий асарлари, хусусан, “Улоқда” ҳикояси ҳам ҳаётда ҳамиша ана шу жараён ҳукмронлигидан далолат беради. Дарс машғулотлари чоғида “Улоқда” ҳикоясидаги қуйидаги сўзларнинг маъно-мазмуни ўқувчиларга маълум қилинса, ҳар жиҳатдан фойдали бўлади:

АЙИЛ – от, эшак, хачирнинг эгар-жабдуғини маққам тутиб турадиган тасма. Узунлиги 1,5 м ча, эни 7–8 см, икки учида тўқаси бўлади. Эгар устидан тортиб боғланадигани жун ёки ипдан тўқилади ва ички айил дейилади. Эгар тўшаги устидан уриладигани қайишдан ясалиб, пуштон ёки босма айил дейилади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б. – 158-бет).

АМИРКОН – чарм тури; мол ёки қўй терисидан ошлаб, пиширib, юзига қора лок суртиб тайёрланган майин, ялтироқ чарм (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б. – 285-бет).

БИЯ, байтал – вояга етган урғочи от. Айғирдан алоҳида сақланади. Бия 3 ёшидан (ғунанлик давридан) то 20–25, баъзан ундан ҳам катта ёшгача қочирилади. Бўғозлик даври ўртача 11 ой. Биядан соғлом қулун олиш учун бутун бўғозлик даврида қалтис ҳаракатлардан, шамоллашдан эҳтиёт

қилинади, оғир юк ташишда ишлатилмайди, толиқишига йўл қўйилмайди. Қулунини 6 – 9 ой эмизади. Бир суткада 15 л гача (айрим серсут зотлари 25 л гача) сут беради (қ. *Бия сути)* (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 2-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б. – 66-бет).

БОРДОН – пўсти тозаланмаган қамишдан *бўйрага* ўхшатиб тўқиладиган қурилиш материали (тўшама). Иморатлар қуришда в*асса, тоқи* устидан солинади. Илгари бордондан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилган (масалан, тупроқ ва захдан сақланиш учун супа устига солинадиган намат, гилам, палос тагига тўшалган, ҳовли-жой атрофини девор қилиб ўраш учун ишлатилган ва б.). Ҳозир ҳам якка уй-жойлар, бостирмалар қуришда бордондан фойдаланилади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 2-жилд. – **Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б. – 154-бет).**

Бордон арабча сўз бўлиб, "катта хуржун" демак. 1. Қобиғи олинмаган қамишдан бўйрага ўхшатиб тўқилган қалин, дағал тўшама. 2. Шундай тўқимадан тайёрланган махсус қоп, идиш; семиз, гавдали (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 1-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 608 б. – 314-бет).

Буйдаламоқ – сиқимлаб юлмоқ, юмдаламоқ (**Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 1-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 608 б. – 336-бет).**

Валад – арабча сўз бўлиб, ўғил бола, ўғил; фарзанд. Шариат йўли билан никоҳланмаган ота-онадан туғилган бола; ҳароми (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 1-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 608 б. – 437-бет).

ЖУЖУНЧА (хитойча «чу санча») – қалин тўқилган ипак мато; ипакнинг махсус навидан тайёрланган. Ранги сарғиш-кулранг. Хитой, кейинроқ Россиядан келтирилган. 19-аср ўрталари – 20-асрда жужунчадан асосан эркаклар кийими (кўйлак, камзул, шим ва б.) тикилган (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 3-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б. – 632-бет).

Қашлағич – отни қашлаб тозалаш учун ишлатиладиган, қатор тишли темир асбоб **(Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б. – 268-бет).**

Қоринбоғ – от ёки эшакнинг қорнидан тортиб эгарга маҳкамланадиган ёки қорнидан ўтказиб, арава шотисига боғланадиган энли тасма; қоринбоғич (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б. – 343-бет).

Қуюшқон – эгарнинг олдинга силжимаслиги учун от ёки эшакнинг думи остидан айлантириб, эгарга бириктириладиган, кўпинча турли безаклар қадаладиган қайиш (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б. – 395-бет).

Сайҳон – катта текис очиқ жой, майдон (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 3-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б. – 425-бет).

Салт – аравага қўшилмаган; яйдоқ **(Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 3-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б. – 432-бет).**

Саман – форсча сўз бўлиб, сариққа мойил рангли от; оч

малла, сарғиш, сомонранг тусли от (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б. – 434-бет).

Тақим – оёқнинг тизза ости букиладиган жойи; от устида ўтирган ҳолда бирор насрани (масалан, улоқни) тақим остига босиб олмоқ (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б. – 36-бет).

Таррак – палак отиб ўсадиган полиз экани ва унинг бодрингдан кўра йирикроқ куврак ҳосили (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б. – 686-бет).

Тарракдек қотмоқ – тарра, таррак – қовун, узум каби ширали меваларни кўп истеъмол қилгандан кейинги ланжлик, лоҳаслик ҳолати; қаттиқ уйқуга кетмоқ.

Тойча – отнинг бир ёшдан икки ёшгача бўлган боласи (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б. – 134-бет).

Тўра – юқори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б. – 244-бет).

ТЎРА, тўру (tora, toru) – 1) қонун, қоида, интизом, урф-одат. Қадимги туркийлар ижтимоий ҳаётини тартибга солган мажбурий қоида (норма)лар мажмуи. Туркий давлатларда ҳукмдорнинг бурч ва мажбуриятлари, вазифаси, шунингдек, жамиятдаги ҳуқуқ ва жазони белгилаш тўра асосида амалга оширилган. Тўра сўзи «қонун» маъносида илк бор хитой йилномаларида (4-а.) учрайди. Шунингдек, Ўрхун-Енисей битиктошларида *Турк хоқонлиги*нинг қонунлари сифатида тилга олинади. Билга хоқон битиктошида

«тўй маросими» маъносида қайд этилган. *Чингизхон* томонидан жорий этилган кўчманчиларга хос ҳуқуқий одатлар ҳам қадимги туркча тўра асосида белгиланган. Мўғул давлатининг қонун-қоидалари Чингизхон ясосида, темурийлар салтанати тартиб-интизомлари эса, «Темур тузуклари»да ўз ифодасини топган; 2) жаноб, шаҳзода маъносида ишлатилган. Ота томонидан Муҳаммад пайғамбар авлодлари, она томондан эса Чингизхон авлодлари – оқсуяклар тоифасидан бўлганлар тўра деб аталган; 3) Бухоро амирлиги ва хонлигида амир ва хон ўғиллари ҳамда Туркистонда рус подшоси маъмурлари исм-шарифига қўшиб айтилган атама; 4) қадимги даврларда урушларда ишлатиладиган, одам бўйи келадиган қалқон (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 9-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005. – 704 б. – 12-бет).

Тўриқ – қора қизил, тўқ жийрон от (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 4-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б. – 245-бет).

Ўзбекистонда алоҳида Улоқ-кўпкари федерацияси тузилди (2002 йил 29 апрель). Федерация туман, вилоят, республика мусобақаларини уюштиради. *Ад.:* Самибеков Р. Чавандознинг белбоғи, Т., 1998; Йўлдошев С., Жўраев Н ., Улоқ – шижоатли ва жасур суворийлар ўйини, Фарғона, 2002.

УЛОҚ – 6 ойликкача бўлган эчки боласи. Эчкичиликда улоқ жун ва тивит йўналишида яйловда онасидан ажратилмай, сут йўналишида бўлса ажратиб парвариш қилинади (4 ойлик бўлгач, оналаридан, эркаклари урғочиларидан ажратилади). Онасидан ажратиб боқилганда 1 ойлик улоқларга бир кунда 4–5 соат оралиқ билан 4 марта (200–250 г дан), 3 ойлик улоқларга 3 марта (150 г дан) сут ичирилади. Шунингдек, улоқ 10 кунлик бўлгач, сутга қўшиб 200

г, 2–3 ойлик даврда 800 г пиширилган суюқ сули аталаси берилади. 3–4 ҳафталик улоқлар ўтлашга қўйилади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 9-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 704 б. – 74-бет).

Улоқ халқ ўйини, асосан, 2 қисмдан – солим (қоқма) ва пойгадан иборат. Солим (қоқма). Чортоқ устидаги баковуллар (ҳакамлар) улоқ (сўйилиб ички аъзолари, бош ва оёқлари кесиб олинган эчки ёки бузоқ)ни тўдага ташлайди. Тўдадаги чавандозлар улоқни олиб, тортишиб, энг кучлиси улоқни маррага етказиб бериши лозим. Ким улоқни маррага ёлғиз ўзи ҳалол олиб келса, унга аввалдан белгиланган мукофот тақдим этилади. Катта тўйларда мукофотга пул, мато, кийим, гилам, қўчқор ва бошқа қимматбаҳо мукофотлар қўйилади. Пойга, у 2 турдан иборат: отда чавандознинг пойгаси (қ. *Пойга)* ва улоқ билан чопиш пойгаси. Улоқ билан пойгада белгиланган жойдаги улоқни олиш учун ҳакамлар рухсат бергандан кейин чавандоз от чоптириб бориб, улоқни ердан кўтариб олиши ва маррага етказиши керак. Кейинги йилларда улоқ ўйинлари спорт турига киритилди ва Ўзбекистонда республика миқёсида расмий мусобақалар, халқаро турнирлар ўтказила бошланди (яна қ. *От спорти).* 1998 й. Самарқанд вилоятининг Челак туманида, 1999 й. «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланиб, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида республика мусобақалари ташкил қилинди. 1-халқаро мусобақа Навоий вилоятидаги Исломобод жамоа хўжалигида бўлиб ўтди (1999 йил 27–29 ноябрь), унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Ўзбекистон терма жамоалари билан бирга Навоий, Самарканд вилояти вакиллари алоҳида жамоа сифатида иштирок этди.

УЛОҚ, кўпкари – Ўрта Осиё халқларининг қадимги оммавий, миллий ўйинларидан бири. Асосан, ғалаба ва ҳосил

байрамлари, тўй ва сайиллар муносабати билан ўтказилган. Ҳукмдор ва ҳар хил амалдорлардан ташқари ўзига тўқ одамлар, ҳатто, оддий аҳоли ҳам улоқ ўйинларини ташкил этган. Кўпроқ хатна (чипрон) тўйларида расм бўлган. Улоқ туркий халқлар, айниқса, унинг қўнғирот, қурама, минг, манғит, ойрат, ёйилма, кенегас, қипчоқ, барлос каби уруғлари орасида оммалашган. Улоқ томошалари олдидан махсус жарчилар қишлоқ, овулларга юборилиб, одамлар гавжум жойларда, бозорларда улоқ ким томонидан, қаерда, қачон ва нима мақсадда ўтказилаётганлигини ҳамда қўйиладиган совринларни эълон қилган. Турли жойда ҳар хил қоида бўйича (чортоқ, судратма, марра, пойга, пакка, минбар ва бошқа номлар билан аталган) улоқ ўйини уюштирилган. Улоқ кўнгилочар томоша ёки шунчаки ўйин бўлмасдан ўғил болалар, йигитларни мард, жасур, эпчил, довюрак қилиб тарбиялаш вазифасини бажарган. Улоқ ўйинлари от наслини яхшилашга, чидамли, тез ҳаракат қиладиган зотларини кўпайтиришга ёрдам қилган. Қорабайир, араби, ахалтекин, қурама, лақай, кустанай, қорабоғ ва ҳозирги Орлов от зотлари улоқчи отлар ҳисобланади.

Улоқнинг спорт тури сифатида халқаро миқёсида 38 мамлакатда (2004 йил) тан олинишида Ўзбекистан от спорти ва улоқ федерацияси томонидан улоқ мусобақаларининг умумий қоидалари ишлаб чиқилиши ва Халқаро «кок бору» (Улоқ – кўпкари) федерациясининг таъсис этилиши (2001 йил 7–11 ноябрь, Бишкек)нинг аҳамияти катта бўлди.

Ўмилдириқ – икки учини эгарнинг олд қисмига, учинчи учини отнинг ўмрови орқали ўтказиб, айилга бириктириб қўйиладиган безакли қайиш тасма (эгар орқага сурилиб кетмаслиги учун хизмат қилади. Ўмров – кўкрак (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5-жилд. – Тошкент: "Ўзбе-

кистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б. – 153-бет).

Чов – қорининг пастки қисми билан сон оралиғи; бут (Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 4-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б. – 502-бет).

Юган – *от, эшак каби уй ҳайвонларини бошқариш учун улар бошига солинадиган сувлиқ, тизгин ва қайиш тасмадан ясалган абзал (Ўзбек* **тилининг изоҳли луғати: 5-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б. – 73-бет).**

ЮГАН – чорвачилик анжоми. Аравага қўшиладиган ва салт миниладиган ҳаракатдаги ҳайвонлар (от, туя, хачир, эшак)ни бошқариш мақсадларида қўлланилади. Тасмали тизгин билан ҳайвонлар бошига кийдирилади. Юган хом тери, пишиқ ва юмшоқ чарм, брезент ва бошқадан ҳайвон тури ва бош ўлчамларига мослаб, баъзан (айниқса, отларга) бўртма нақшли безаклар билан тайёрланади.

Юган от бошига кийдириладиган тасма, лунж тасмаси, пешона тасмаси, бурундуқ, ияк боғи, боғловчи 7 тасма, тизгин, сувликдан таркиб топади (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 10-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005. – 656 б. – 307-бет).

ЯКТАК – ёзги, енгил кийим; эркаклар кўйлаги. Олди очиқ, узун, енгли ҳамда тик ёқали. Яктак тўғри бичимли, калта (узунлиги асосан тиззагача) ва яланг қават бўлиши билан отгадан фарқ қилади; асосан оқ (бўз) сурп, шунингдек йўлйўл матолардан тикилади. Яктак орқа-олди елкадан ошириб ташланган яхлит матодан ташкил топган, унинг икки ёнига ёнлар, енглар тана қисмига тўғри уланиб, енг ва ёнлар орасига қулпак солинган. Узун, энсиз бир неча қават тасмасимон бўлакдан иборат бўлган ҳамда узунасига бир неча қатор чоклар солиб қотирилган ёқа ёқа ўйиғига уланган.

Орқа томони тик, олди кўкраккача текис тушиб туради. Яктак бағрини бирлаштириш учун ёқанинг пастки қисмига боғичлар тикилади ёки изма қилиб тугма қадалади. Ҳозирда Тошкент, Фарғона водийси ва бошқа жойларда тўғри бичимли яктак билан бирга, янги бичимда тикиладиганлари ҳам кенг тарқалган. 12–13-асрлардан ёзма манбаларда яктак ҳақида маълумотлар бор, 5–6-асрларга оид деворий расмлар ҳамда миниатюраларда яктак тасвири учрайди (Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 10-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005. – 656 б. – 366-бет).

Абдулла Қодирий бошқа асарларида бўлгани каби "Улоқда" ҳикоясида ҳам воқеликка инсонпарварлик нуқтаи назаридан қарайди. Адиб персонажларнинг, масалан, ўспирин Турғуннинг кечинма, ҳолатларини кўрсатиш орқали инсон табиатида эътиборталаблик, ўзини кўз-кўз этишга интилиш, ўз манфаати учун ёлғончилик қилишга мойиллик, чавондозларнинг қиёфаси, хатти-ҳаракатида олифталик, такаббурлик, зўравонлик, беаёвлик, шафқатсизлик, ёвузлик устунлиги, томошабинларнинг ҳолатида бекорчиликдан зерикканлик, гап-сўзида ғийбат, фисқ-фасодга берилиш, томошага ўчлик, чавондозларни гижгижлаш шавқига берилиш мавжудлигига эътибор қаратади. Турғуннинг ҳолатини: "Менинг кўнглимга: "Худо хоҳласа, келаси йилга бирор улоқлар чопайки, ҳамма мени: "Турғун чавандоз" деб атасин деган орзулар тушади... Энди тойчам ҳам жуда гижинглаб, худди тўраларникидек бўлиб кетди. У ёқ-бу ёғини супургандан кейин устунга қантариб қўйдим. Энди қолди: оқ жужунча камзулимни, ўрисча шимни, амиркон этикни, бахмал дўппини кийиш... Ана шундан кейин отга минсак, чин тўрача бўламиз-да!... Ойимнинг бир қизиқ одати бор: ҳар қачон янгироқ кийим киймоқчи бўлсам, кўзини ола-кула қилиб: "Қақшағир, кир қиласан, тўй-пўйга борганда киярсан!" – деб

қарғай бошлайди. Озгина “шайтон йиғиси” қилмагунингча иш ўнгланмайди. Бу гал ҳам ўшандоғ йиғидан қилиб олганимдан кейин кийимларимни кийиб, шоҳи қийиқчамни белимга боғлаб олдим. Ойимга билдирмасдан секингина уйга кириб, дадамнинг чопқон қамчисини ичимга тиқиб, ташқарига чиқдим... Отимнинг умулдириғига уларнинг ҳаваслари келиб, баҳосини сўрадилар. Мен: “Ўн беш танга”, – деб кумуш қамчини ҳам кўрсинлар учун ўйнагансимон эгарнинг қошига “тақ-тақ” уриб қўяман. Улар: “Қани, қани, кумушми?” – деб қамчинни қўлимдан олиб кўрадилар. Мен секингина бошимни қимирлатиб, ўзимда алланима сезинаман. Уларнинг отларига, ўзимникига, кийимларига, кийимимга қараб, ўзимни улардан аллақанча юқорида кўраман” деб қаламга олади. Чавандозларнинг қиёфаси, кўриниши: “Майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кириши ҳамманинг товушини ўчириб қўйди ва секин-секин: “Салим чавандоз!”, “Мурод чавандоз!” деган шивирлашлар эшитилиб қолди... Чавандозларнинг бириси кўк човкар ва иккинчиси ола отга минган баҳайбат чапани йигитлар эдилар... Орадан талай вақт ўтганидан кейин бўғизланган улоғини олдига ўнгариб Ориф саркор ва унинг орқасидан бояги машҳур чавандозлар қалпоқни чаккага қия қўйиб, эгарга қийшиқ ўлтириб ўртага кирдилар” деб тасвирлайди. Томошабинларнинг аҳволини эса: “Томошачилар орасида яна ола-ғовур қўпди: “Ана, улоқнинг солиғини йиғаётибдилар!”, “Улоқ ҳозир бошланади!”, “Мурод чавандоз ҳам турди”” “Салим қалпоғини кийди!”, “Рўзи қассоб улоқни бўғизламоқчи, пичоғини қайраяпти!”, “Салим чопонини ечмоқчига ўхшайди!”, “Ҳай баракалла, шоввозлар!”... Томошачилар: “Тақимга бос, тақимга!”, “Отнинг бошини қўй, човига қамчини шиғаб бер!”, “Бўш келма, маҳкам тут!”, “Юганини бўшат, қамчини тишлаб ол, ёнингга алаҳсирама!”, “Олдинг, олдинг!”, “Берма, чапга бур, чапга!”, “Тут, қўйма!”, “Вой, тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!”,

“Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми – бу ҳаром ўлгуринг?” деб ҳар хил товушда бақиришадилар” тарзида қайд қилади. Тасвирий санъатда “натурадан чизиш” деган тушунча қўлланади. Рассом воқеликни ўша жойда туриб, айнан ўзидек қилиб акс эттирган бўлса, бу ҳолат “натурадан чизиш” дейилади. Абдулла Қодирий асарларида, хусусан, “Улоқда” ҳикоясида ҳам воқелик худди натурадан олиб кўчирилган тарзда, яъни ҳаётдагидек қилиб тасвирланади. Турғуннинг кечинмалари, чавандозларнинг, томошабинларнинг ҳолати ифодаси буни тасдиқлайди. Муаллиф мазкур ҳикоясида ўқувчини кўпкари ишқибози ўспирин Турғун билан бирга олиб юради. Ўқувчи Турғуннинг уст-бошини кийиб, уйидан чиқаётган, кўпкарини томоша қилишга бориш учун қашқа тойини шайлаётган, онаси ва хизматкор билан гаплашаётган, чуқур ариқдан тойини суғораётган, улоқчи чавандозлар билан бирга йўлда кетаётган, ўртоқлари билан от чоптираётган, чавандозларга ҳавас билан қараётган, улоқ тортишиш жараёнини томоша қилаётган ҳолатини худди кўраётгандек бўлади.

Ҳикояда одамлар маърифатдан бебаҳралиги боис барчага манфаат етказадиган бирор бир фойдали иш, ишлаб чиқариш билан машғул эмаслиги, кишилар бекорчилик туфайли зерикканидан улоқ чопиш-у кўпкари томоша қилиш билан вақтини ўтказаётгани, маҳаллий аҳоли маънавий мажруҳ бўлиб қолганидан ўқиш, билим олиш зарурлиги тўғрисида ўйламасдан қўйгани, улар европаликлар сингари замона фан-техникасини эгаллашга интилмаслиги, дунёда ҳаёт шиддат билан ўзгариб бораётганини хаёлига келтирмаслиги тўғрисида сўз кетади. Улуғ адиб ушбу асарида турмуш тарзи ўтмишдаги анъаналарга асосланган маҳаллий халқ замона тараққиётидан қанчалик орқада қолиб кетганини кўзгуга солиб кўрсатади. “Улоқда”нинг: “Улоқ бошланди. Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси қўшилиб, бирдан саккиз томонга тортқилаша-

дилар, орага четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, яна улоқни буйдалашадилар. Жуда қизиқ... Ҳар ким улоқни ўз тақимига босиш ҳаракатида. Лекин улоқнинг думидан, оёғидан, ёлидан тортувчилар жуда ҳам кўп. Тўдадан олиб чиқиш жуда қийин. Баъзан улоқни тўдадан олиб чиқувчи ҳам кўриниб қолади. Бироқ унинг кетидан улоқчилар чуғурчуқдек ёпирилишиб, ўн-ўн беш қадамда тутиб оладилар. Яна тортишиш бошланади" каби ўринлари буни тасдиқлайди. Абдулла Қодирий ҳикояда томошабинлар ҳолатини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб, маҳаллий аҳоли маърифатга, илм олишга, замона талабларига мос касб-ҳунар ўрганишга бепарво эканига ишора қилади.

"Улоқда" ҳикояси маъно-мазмунига кўра адиб ижодининг илк науналари: "Тўй", "Аҳволимиз", "Миллатимга бир қарор", "Фикр айлағил" шеърлари, "Бахтсиз куёв" драмаси, "Жувонбоз" асари билан мантиқан боғланган. Уларнинг барчаси 1915 йилда битилган. "Жувонбоз"да, жумладан: "Саъдуллани шаҳри мусулмонларни катта шаҳри бўлганлигидан мусулмонлар ғайрат билан минглаб пивахона, беш юзлаб бангихона, бир юзлаб наша, кўкнорихона, элликлаб хуфия қиморхона, ўттузлаб бачалик такя, яна бундин бошқа алланималар, чойхоналар, яна ҳар жумъа куни мусулмонлар ўзаро йиғилуб, оқча йиғиб, улоқ чопар эдилар. Раҳимжонни улоқ чопуға хоҳиши борликдан Саъдуллаға айтуб, уч юз сўмга от олдуруб, ҳар жумъа куни улоқ чопуға бошлади. Шаҳарда баъзи йигитларға "Фалон бойвачча жувонига уч юз сўмға от олуб берган эмиш" деган овозалар ҳам бўлиб турганиға, Саъдулла чин кўнглидан жувонбозликни ўлгунча тарк қилмасликға қарор беруб қўйган эди. Бир жумъа куни Раҳимжон улоқ чопқан вақтда оти бир нарсаға қоқилиб, йиқилиб маъюб бўлгани учун Саъдулла олган пулидан неча ҳисса камиға сотиб, яна бир от олуб берган эди. Яна бир кун улоқ чопкан вақтида оти бир нарсадан ҳуркиб, олиб қочиб йиқитди, Раҳимжонни

қўли синди” дейилган (Қодирий А. Диёри бакр: шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 472 б. – 44-бет). Абдулла Қодирий ушбу асарларида ижтимоий турмушнинг энг оғриқли муаммоларига эътибор қаратиб, Туркистон ўлкаси замона тараққиётидан орқада қолиб кетиши сабабларини холисона акс эттирган.

Адиб “Улоқда” ҳикоясида ҳам, у билан бир пайтда битилган шеър, драма, публицистик мақолаларида ҳам миллат манфаати, эл-юрт ташвиши билан яшаш, изтироб чекиш унинг учун руҳий-маънавий эҳтиёжга айланганини кўрсатган. Чунки ижодининг ушбу илк намуналарида адибнинг юрагидаги қаттиқ оғриқ, кучли ички сиқилиш акс этган. У миллатдошлари, диндошларининг аянчли аҳволини кўриб, изтиробга тушган. Абдулла Қодирий “Улоқда” ҳикоясини кўриб кузатган воқеаларини бошқаларга мароқ бағишлайдиган тарзда нақл қилиб, ўзини адабиёт майдонида кўрсатиш учун эмас, балки ўзи иқрор бўлган ҳақиқатни, уни изтиробга солган ҳолатни илм-маърифатга бепарволиги боис ғафлатда қолган юртдошларига етказиш учун ёзган. Бундай асарни қалбида одамларга ачиниш ҳисси жўш урган, ватан ва миллат дарди билан яшаган ижодкор яратиши мумкин. “Миллатимга бир қарор” шеъридаги: “Неча чоғлар бўлубдирким, қочибмиз биз тараққийдин, // Бу кун бир илтифот бирлан бу йўлға бир гузор ўлсун. // Жаҳолат сассиғи бизни ҳамиша беҳузур этди, // Бу кун илмнинг бўйи бирлан димоғлар мушкибор ўлсин” сатрлари (Ўша манба. – 22-бет), “Аҳволимиз” шеъридаги: “Кўр, бизнинг аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз, // Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз. // Ўғлимизга на адаб, на фан, на яхши сўйламак, // На Худони буйруғи бўлган улум ўрготамиз. // Коримиз шундан иборат бўлди ушбу вақтда, // Ўнтадан бедона боқиб, ёз-у қиш сайротамиз. // Ҳамда ҳур кун такяларда наша, кўк-

нори чекиб, // Баччаға кокил солиб, оҳ-воҳ илан ўйнотамиз. // Қаримиз, боёнимиз балки бу вақт оҳвондамиз. // Ногоҳон кўрсак агар бир бесоқолни қотамиз" мисралари (Ўша манба. – 21-бет) маъно-мазмун жиҳатдан "Улоқда" ҳикоясидаги: "Нари тур-бери тур" қилиб беш-олти киши отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар. Дарров бир киши аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб кўрган эди, қимир этмади. Беш-олтита отнинг тагида қолди-да, бечора! Ўнта отнинг тагида қолса ҳам ҳеч гап эмас-ку, бироқ қалтисроқ жойидан босганга ўхшайди" ўринларга мос келади. "Аҳволимиз", "Тўй", "Фикр айлағил", "Миллатимга бир қарор" шеърларида маҳаллий аҳоли бемаъни ҳаёт кечираётгани очиқ айтилиб, юртдошларга бундай жаҳолат туфайли сасиб-бижғиб кетган турмушни тезда тарк этиш керак, деб мурожаат этилади, диндошларга қарата: "Жаҳолат сассиғи бизни ҳамиша беҳузур этди", деб аччиқ таъна сўзлари айтилади. Ҳикояда эса Туркистон аҳли жаҳолат чўл-у саҳросида қолгани, бу нодонлик уларга тўрт фаслни қишдек қилиб қўйгани улоқ-кўпкари томошаси мисолида кўрсатиб берилади.

"Улоқда" ҳикоясини мутолаа қилаётганда мумтоз адабиётимиз мавзу торлиги узоқ замонлар ҳукмрон бўлиб келгани, унда ҳаёт ҳодисалари ҳаққоний гавдалантирилмагани, объект ёр жамоли, унинг юз-кўзи, қад-қомати, карашма-истиғноси таърифи доирасида чекланиб қолгани, шу билан боғлиқ ҳолда шоирларнинг шеърлари маъно-мазмун жиҳатидан ўхшаш, бир хиллашиб кетгани беихтиёр хаёлга келади. Шундай экан, Абдулла Қодирий ушбу ҳикояси билан анъаналар қобиғида қотиб қолган ўзбек адабиётига тоза ҳаво олиб киргани, уни ҳаётга яқинлаштириб, мавзу доирасини кенгайтирганини эътироф қилмаслик ҳақиқатга

хиёнат бўлади. “Улоқда” ҳикояси билан XV асрдан кейинги давр ўзбек адабиёти намуналари таққосланса, “Ўткан кунлар” романи муаллифи чиндан-да новатор ижодкор экани яққол билинади. Улуғ адиб ушбу ҳикояси билан ўзбек адабиётининг қамров доирасини кенгайтиришга киришгани “Улоқда”ни аввалги давр адабиёти манзарасини белгилайдиган асарлар билан қиёслаганда янада ойдинлашади. Бу чоғиштириш натижасида, албатта, Абдулла Қодирий асарлари турмуш воқелигига жуда яқин ва ҳаётийдир, деган қатъий хулосага келинади. Чунки улуғ адибнинг ёзганларини, жумладан, “Улоқда” ҳикоясини ўқиётганда унда қаламга олинган воқеалар ўқувчининг хаёлида, тасаввурида худди ҳозир юз бераётгандек аниқ жонланади. Гул ва булбул мадҳидан иборат мумтоз адабиётимиз эса “Улоқда” ҳикояси муаллифи асарлари қаршисида буткул туссиз, чучмал бир нарса бўлиб қолади.

Абдулла Қодирий “Иштирокиюн” газетасининг 1919 йил 11 декабрда босилган “Бизда театру ишининг бориши” мақоласида: “Халқимиз бир неча асрлардан бери сафсата ва масқарабозликлар ила заҳарланиб келмоқда” деб куйинади (Қодирий А. Кичик асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 216 б. – 164-бет). “Улоқда” ҳикояси ҳам, адибнинг бошқа асарлари ҳам у миллий турмушни, кишиларимизнинг ҳаёт тарзини жуда яхши билишини намоён этади. Ёзувчи ижодининг дастлабки даврига тегишли шеър, ҳикоя, публицистик мақолалар буни тўла тасдиқлайди.

Абдулла Қодирий “Улоқда” ҳикоясида ҳам, ижодининг дастлабки даврига тегишли шеър, драма, публицистик мақолаларида ҳам маҳаллий аҳоли замона ўзгаришларига муносиб турмуш кечирмаётгани, Туркистон аҳли, умуман, мусулмонларнинг ривожланиш индекси ниҳоятда пастлигига эътибор қаратган. Адиб бу даврдаги барча асарла-

рида ислом аҳли замона илм-фанини эгаллашга интилиш, янги корхоналар очиш, завод-фабрикалар қуриш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш каби зарур, барча учун кераклы, фойдали ишлар қилиш ўрнига динда маъқулланмаган, шариатда тақиқланган бўлмағур ишлар билан машғул эканига алоҳида урғу берган. Айни муаммо Фитрат, Чўлпон, Ҳамза каби пешқадам зиёлиларни ҳам изтиробга солган. Чўлпон ҳам худди Абдулла Қодирий сингари ўзининг бу хусусдаги дард-аламларини илк асарларидаёқ тўкиб солган. У "Садои Туркистон" газетасининг 1914 йилги 24, 30, 34, 45, 46, 47-сонларида босилган "Дўхтур Муҳаммадиёр" ҳикоясида, жумладан: "Шаҳарда катта тўйлар бўлмакда, қиморбозлар, мастлар бир-бирларин пичоқлашуб, инсон қонлари "Жаҳолат!! Жаҳолат!!!" деб оқмакда эди!.. Мусулмон бойлариндан иккисининг ўғли театру боғчасида маст ҳолда қарта ўйнаб ўлтуруб, озгина пулни талашуб туруб, бириси топончасин чиқаруб, бирисига отуб юборган. Отувчини ушлаб, мажруҳни хастахонага юборсалар ҳам, мажруҳ йўлда жон берган. Отувчи ҳам театру боғчасида бу ҳолга ҳайрон бўлуб, ўз-ўзин отган… Бир армани Қофқознинг қоронғу гўшаларидан келуб, истансада дўкон очуб, бой бўлуб, икки ўғлини ҳукумат мактабларида тарбия қилмакда… Ва ерли мусулмонлар эса топкан пулларин тўйға, жанозаға сарф қилуб фақирликда, хорликда қолмоқда эдилар... Пастгина, хашак ва лойдан ясалган бинолар ва онларда сафил(қашшоқ) бир ҳолда яшаган мусулмонлар! Топганин бачча, улоқ ва ичкулукка ҳамда домла-эшон ва бойларга шалдиратуб тўн ва зарбофлар берган, бойлар қўлинда қул ҳукмида бўлуб юрган ўзбеклар, қозоқлар, туркманлар ва ҳаммаси мусулмонлар…" (Чўлпон. Асарлар: Уч жилдлик. Ж.2. Роман. Ҳикоялар. Сафарнома. Таржималар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 472 б. – 271 – 280-бетлар) деб куйинган. Айтиш мумкинки, Абдулла Қодирий ва унинг сафдошлари асарлари XX аср

бошида Туркистон ўлкасида ижтимоий-сиёсий вазият қандай манзара касб этганини, миллий маънавий аҳвол қандай аянчли ҳолатда бўлганини бамисоли кўзгу каби кўрсатиб туради. “Улоқда” Абдулла Қодирийнинг, “Дўхтур Муҳамадиёр” Чўлпоннинг халқига, Ватанига, диндошларига меҳри чексизлигининг ўзига хос изҳори саналади. Улар ушбу асарларида туркистонлик бечоралар жаҳолат ва нодонлик гирдобига тушиб, ғафлатда қолганидан илмсиз ва ҳунарсиз бўлиб қолганини маиший турмуш воқелигини қаламга олиш орқали кўрсатиб беришади.

Абдулла Қодирий ушбу ҳикояда Туркистон ўлкаси одамлари маиший турмушида кенг ўрин эгаллаган улоқ-кўпкари мусобақасини қаламга олиш орқали ўзининг дунёқарашини, юртдошлари, диндошларининг замона тараққиётидан орқада қолган ҳаёт тарзига муносабатини ифодалаган. “Улоқда”даги: “Кўчани тўзон қоплаган, киши кишини танимаслик ҳолга келган... Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопиладиган жойга етдик. Ўзи, тўрт тарафи кўз илғамайтирғон даражада катта ва сайҳон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп халқ йиғилган, бундаги улоқчи отлиқлар билан томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ” каби ўринлар бунинг исботи бўла олади (Қодирий А. Диёри бакр: шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 472 б. – 421-бет). Адиб бирор бир фойдали меҳнат билан банд эмаслик одамларни ялқов, дангаса қилиб қўйгани, кишилар ишсизлик натижасида зерикиб, нима иш қилишини билмаганидан улоқ чопиш, кўпкари томоша қилиш билан вақтини зое этаётгани, европаликлар илм-фан билан шуғулланиб, техника янгиликларини яратаётган, радио, телефон, телеграф, темир йўллар, автоулов, самолёт, нефт маҳсулотлари, банк хизматларидан самарали фойдаланаётган бир пайтда туркистонликлар улоқ чопиш, наша чекиш, кўкнори истеъмол қилиш,

баччабозлик сингари жоҳилият давридан қолган иллатларга ўралашиб қолганига эътибор қаратган. Ёзувчи фойдали меҳнат, ишлаб чиқариш билан машғул эмаслик кишиларнинг ақлини ўтмаслаштириб, дунёқарашини торайтириши, зерикиш ҳисси одамларни ғийбат, фисқ-фасод, ўринсиз гап талашиш, фойдасиз баҳс-мунозарага мойил этиб қўйишини кўрсатиб берган. Ҳикоядаги: “Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вуғур гап, тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар. Бириси: “Бугун улоқ қизимайди”, – деса, иккинчиси: “Бекор айтибсан, бугун улоқ жуда ҳам қизийди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш”, – дейди. Яна бири: “Ҳа, ҳа! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам қизир экан!” – деса, аллаким: “Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўтармайди, ҳайт деса бас!” – дейди. Тағин биров: “Улар уч киши эди, икки йилдан бери бири кўринмай қолди, ана ўшанисига чавандоз боласи бас келолмас эди!” – деса, яна аллаким: “Ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдиғумдан келган, ердан бичиб олгандек йигит-а?” “Балли, балли! Отангга раҳмат, худди ўша йигит, қанча сўроғласам ҳам ҳеч кимдан дарагини билолмадим!”

Шу йигитнинг устида анчагина жанжал бўлиб олди, бири: “Ўлиб кетган”, – деса, иккинчиси: “Тирик!” – деб қичқиради. Уларга яна бириси қарши туриб: “От босган, доктрхонада ўлган!” – дейди, сўфироқ бир одам: “Бировга ёмон нафас қилманглар!” – деган эди, аллақайси киши: “ўлса ўлгандир, бунга нима жанжал!” – деб қўйди, тағин биров: “Бекор ҳам ўлтирибмиз-да!” – деб кулди. Яна: “Сираси-сираси!” Тағин шовқин-сурон, яна: “Ҳа, ҳа!” Тағин: “Йўқ, йўқ”…

Бир кишининг: “Ана улоқ келди!” деб юбориши билан ҳамма тип-тинч бўлиб, улоққа қараб қолди. Яна бир оздан кейин: “Улоғи ёш экан! Яхши чавандозга учурвоқ ҳам бўлмайди!” “Шуниси тузук, шуниси!” – деган жанжал бошланган ҳам эди, майдонга икки чавандознинг от ўйнатиб кири-

ши ҳамманинг товушини ўчириб қўйди...” каби ўринларидан шундай мазмун келиб чиқади. “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоясида бир неча ўринда: “Эй, ватандошларим! Қачонғача бу ғафлат? Нимага бунча хушёқмассизлар? Ахир сизлар ҳам одам-ку! Одамлардек ҳаракат қилингизлар! Кўз олдингизга келуб турғон илм ва маърифат мевасидан фойдаланмасдан нимага оғизларингизни очуб қараб турасизлар? Нимага бу ишларга киришмайсизлар? Уйқудан кўз очинглар! Уйқудан кўз очинглар! Уринунглар! Илм, маърифат ва ҳунар изланглар! Вақт етди, балки ўтди!...” (Чўлпон. Асарлар: Уч жилдлик. Ж.2. Роман. Ҳикоялар. Сафарнома. Таржималар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 472 б. – 275-бет) тарзида ватандошларга қарата очиқча мурожаат қилинади. Абдулла Қодирий эса Чўлпондан фарқли ҳолда, воқеликни холис туриб кўрсатиш йўлидан бориб, реалистик ҳикоянинг мумтоз намунасини яратади. “Дўхтур Муҳаммадиёр”да публицистикага хос жўшқинлик, даъват барқ уради. “Улоқда” ҳикоясида эса замонавий адабиётга хос реалистик услубга амал қилиниб, турмуш воқелиги холис туриб кўрсатилади. “Ўткан кунлар” муаллифи қаламга олинган ҳаёт манзарасидан қандай хулосага келишни ўқувчиларнинг ўзига ҳавола этади. “Кеча ва кундуз” муаллифи эса: “Халқ ўз фойдасин англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунлариға болаларин юборса, дўқтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунарманд, савдогарлар ва муҳандис (инжинер)лар чиқса, бунларнинг ҳар бири ўз вазифаларинда туруб, ишларин тартиби ила юргузсалар ва халқимизнинг фойдасини кузатсалар, нақадар олий ва нақадар гўзал бўлур эди!” деб даъват этади (Ўша манба. – 280-бет). “Дўхтур Муҳаммадиёр”да европа адабиёти андозасига мос реалистик тасвир публицистика билан параллел, ёнма-ён келади.

Қорабайир она қорнида ўн икки ойда камол топади. Бир ёшгача қулун, икки ёшгача той, тўрт ёшида от бўлади. Шун-

дан сўнг чавандозлар уни қирқ кунлик бойловга ташлайдилар. Бойлов дегани отни қалин жабдуқ билан жихозлаб, қоронғи хонада сақлашдир. Хона салқин бўлади. Отга бегонанинг кўзи тушмаслиги керак. Бияларни-ку умуман кўрмаслиги лозим. Акс ҳолда, хуни айниб, хаёли бузилади. Бойловга солинган, аввалдан кунига беш кило арпа ейдиган отга чилланинг илк кунида бир дона тухумни ёриб, арпасига қўшиб беришади. Иккинчи кун иккита тухумни чақиб, арпага қўшишади. Бу иш йигирма кун давом этади. Йигирманчи кунда йигирмата тухум кун сайин кўпайиб бориб, йигирма беш килога етган арпага қўшиб отга едирилади. Йигирма биринчи кундан бошлаб, арпа ҳам, тухумлар ҳам камайтириб борилади. Ва ниҳоят, қирқинчи кунда яна беш кило арпа ва бир дона тухум едирилади. Отга арпа сомон беришади. Чунки арпанинг мижози совук, отники эса иссиқ.

Бойловдан чиққан от осмонга учгудай шаштда бўлади. Аммо унга жуда эҳтиёт бўлиб муомала қилиш зарур. Уста сайис буни билади. Отни бойловдан чиққан кундан бошлаб, қантариб қўяди. Қантариш дегани шуки, отни кўпкарига киришдан олдингидек ҳолатда эгар-абзаллаб, оғзига юган солиб қўядилар. Юганнинг жиловини эгар қошига қистириб қўйишади. Сувлуқ чайнаб турган отга ўн кун давомида фақат илиқ кўк чойдан бошка нарса беришмайди. Ўн биринчи кун отни эгаси узоғи икки юз кадамча жойга етаклаб бориб келади. Минмайди. Кейинги кунларда бу масофа оширилиб, беш юз қадамга етказилади. Кейин аста-секинлик билан уни чавандоз мина бошлайди. Минганда ҳам авайлаб, югуртирмай минилади. Аксинча, қориндаги чарвиси йиртилади. Сўнгра отни совутиш бошланади. Совутиш дегани отга қизиқмаган одам учун кони азоб бир юмуш. Негаки, отни минганча шомдан то кун чиққунча уни бир дақиқа ҳам тўхтатмай миниш керак. Чавандозларнинг бири ярим тунгача отни минса, иккинчиси бошқа от билан ёки машинада

бориб, адирда юрган шеригини топади. Ва энди ўрин алмашадилар. Отни совутиш қарийб икки ҳафта давом этади. Совутиш муваффақиятли ўтгач, энди бу тулпорга кўпкари керак.

Айтганча, совутиш пайтида яна бир қизиқ иш бор. Бу от адирда совутилиб, чошгоҳ вақти уйга келган паллада илиқ кўк чой ичиришдир. Қўли узунрок кишилар чойга асал, баъзилар новвот қўшиб берадилар. Бу ишни эса кўпинча от эгасининг аёли бажаради. Меҳрибон аёлнинг қўлидан асал чой ичган бедов кўкка сапчимасинми ахир! Отнинг кўнгли ўсади. Сизу биз шунчаки от деб атайдиган, боболаримиз қорабайир деб улуғлаган бу жонивор шу тарзда кўпкари майдонига келтирилади. Майдон эса баайни қайнаб ётган сумалак тўла қозондир. Юзлаб отлар орасидан улоқни тортиб олиб, соҳибига тенгсиз ҳаловат ва шараф келтирадиган қорабайирнинг ишини биров қилолмайди. “Чуҳ-э, жонивор-э! Еганингни оқлагин!” деган ҳайқириқ остида тўдага кирган отнинг шиддати мисоли довулдир. Бу мисол ва маълумотларга бугун осонгина эга бўлаяпмиз. Аммо етти минг йил аввал отни қўлга ўргатган аждодлар от билан муомала қилишда ҳозирги даражага етиб келгунларича жуда кўп тажрибалар қилиб кўришган (Собир Жумаев. “Осиёнинг бойир бедови”. – “Маънавий ҳаёт” журнали, 2021 йил, 4-сон. – 80 – 83-бетлар).

Абдулла Қодирий ижодининг дастлабки намуналари сирасига кирадиган мазкур ҳикояда Турғун образи бадиий характер даражасида мукаммаллик касб этган. Унда болалик оламидан ўтиб, ўспиринлик дунёсига кириб бораётган ёшларнинг ўзига хос феъл-атвори, беғубор кечинмалари, атрофдагилар эътиборини қозонишга интилиши, мақтанишга мойиллиги санъаткорона маҳорат билан очиб берилган. Адиб ўспирин Турғуннинг чавандоз бўлиб танишишга иштиёқмандлиги ва улоқ ўйинини томоша қилишга бори-

ши жараёнини қаламга олиш орқали ўша замондаги, яъни бундан бир аср аввалги Туркистон аҳли маиший ҳаётини тасвирлаган. Ўша пайтгача ўзбек адабиётида ҳеч бир ижодкор улоқ-кўпкари ўйинини Абдулла Қодирийчалик таъсирчан акс эттирмаган. Адиб ҳаётни Европа адабиёти андозалари асосида реалистик гавдалантиришга дастлабки қадамни "Улоқда" ҳикоясида қўйган ва бу борада чин мувафаққиятга эришган. У турмушни реалистик акс эттиришга интилишини кейинги асарларида янада кенгайтириб кучайтирган. "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Обид кетмон" асарлари буни исботлайди. Шу жиҳатдан "Улоқда" ҳикояси, гарчи Абдулла Қодирий уни "болалик даврининг ёдгори" деган бўлса-да, адиб ижодида алоҳида ўрин тутади. Ушбу ҳикоя "Ўткан кунлар" романи муаллифи дастлабки асарларидаёқ даврнинг энг долзарб ижтимоий масалаларини, миллий турмушнинг энг муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларини қаламга олишда жасорат кўрсатганини намоён этади.

Яқин ўтмишимиз ҳақидаги ўкинч тўла бу ҳикояда ўспирин Турғун ва тенгдошларининг самимиятга тўла беғубор қалби ҳассослик билан очиб берилади. Уларнинг қизиқиши, интилиши глобаллашган ҳозирги замон ёшлариникидан тамоман фарқ қилади. Турғун ва тенгдошлари улоқ ўйинини томоша қилишдан завқланишади ва уларнинг ҳар бири машҳур чавандоз бўлишни орзу қилишади. Бу ўспиринлар назарида чавандоз эл орасидаги энг обрўли одам бўлиб кўринади. Шу боис от минишга, одамлар кўз олдида от чоптиришга қизиқишади, оти бошқаларникидан ўзиб кетганида қувонишади. "Чавандоз" деб аташлари бу ўспиринларга жуда-жуда ёқади. Турғуннинг ушбу пайтдаги ҳолати: "Чуқур ариқдан тойимни суғориб чиқаётганимда бир тўда улоқчи – чавандозлар учраб қолдилар. Уларнинг баъзилари акамнинг ўртоқлари эдилар, мен билан сўрашдилар. Улардан бири акамнинг қаердалигини сўраган эди, мен эрталаб улоққа кетганлигини айтдим.

– Бизнинг Маҳкамбой улоққа жуда ҳам ишқибоз-да! – деди ҳалиги йигит.

– Йўл бўлсин, бойвачча? – деб сўради мендан яна бери. Мен уялинқирадим:

– Улоққа! – дедим.

– Баракалла, чавандоз! Баракалла, Турғун чавандоз! – дейишди улар. Айниқса мени "чавандоз" деб аташлари жуда ҳам кайфимни келтириб, ичимдан: "Отангга раҳмат", – деб қўйдим" деб кўрсатилади (Қодирий А. Диёри бакр: шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалар. – Тошкент: "Янги аср авлоди", 2007. – 472 б. – 419-бет). Шундан кейин катта ёшдаги одамларнинг гап-сўзига эътибор қаратилади. Улар: " – Шу чоққача кўп улоқчи кўрдим, лекин Маҳкамдек улоққа серзавқини кўрмадим! – деди биттаси.

– Маҳкам бойваччанинг ота-бобоси улоқчи бўлиб келган-да! – деди Собир тегирмончининг ўғли.

– Ахир, ўн икки яшар укасини кўрмайсизми, шу ёшидан улоқ чопмоқчи!

Бу сўздан менинг аъзойи баданим жимирлашиб кетди ва оз қолдики кулиб юборсам.

– Дадам Маҳкамнинг бобосининг улоқ чопшини гапираверса, киши ҳайрон қолади, – деди яна бир мўйлови шопдек йигит, – юз, икки юз чавандоз ичидан ёппа-ёлғиз улоқни ажратиб чиқар экан-да!

– У вақтнинг одамини улоқнинг пири десанг-чи! – деди Собир тегирмончининг ўғли.

– Отинг яхши ва билагингда куч сероб бўлса, сен ҳам улоқнинг пири бўласан! – деди яна бири" (Ўша манба. – 419 – 420-бетлар) деб суҳбатлашишади. Чавандозларнинг бу гап-сўзи, мулоқотида уларнинг дунёқараши акс этади. Уларнинг баҳс-мунозараси, ҳолати Турғун ва тенгдошлариникидан ҳеч ҳам фарқ қилмайди. Абдулла Қодирий ҳикоянинг айни ўринларида туркистон элида катта-ю кичикнинг ду-

нёқараши даражаси бир хилда ночор, аянчли, ғариб бўлиб қолгани, катта ёшдаги кишилар ҳам худди эҳтирослари жўш урган ўспиринлар каби фикрлаши, ҳеч ким от боқиш-у улоқ чопиш, чавандоз бўлиш, улоқ тортиш ўйинини ўтказиш ва уни томоша қилиш, катта маблағ сарфлаб тўй, аза маросимларини ўтказиш учун қарзга ботиб азобланишдан эл-юртга қанча манфаат етади, деб ўйламай қўйганини таъкидлайди. "Улоқда" ҳикояси шу ҳақиқатни барчага билдириш, ижтмоий турмушдаги ночор, аянчли аҳволдан барчани хабардор қилиш мақсадида битилгани яққол билиниб туради.

Адиб "Калвак махзумнинг хотира дафтаридан", "Тошпўлат тажанг нима дейди?" "Рўза, ифтор, хатим, закот", "Замона зайли" каби асарларида миллатнинг аянчли аҳволи учун қайғуриб изтироб чекаётганини очиқ маълум қилади, "Улоқда" ҳикоясида эса ўзининг ана шу дардини ўспирин Турғун иштирок этаётган воқеани тасвирлаш орқали изҳор этади. Ушбу асарларни ўқиганлар, албатта, Абдулла Қодирий илк асарларидаёқ миллий турмушимизни кўзгуга солиб кўрсатганини билиб олади. Масалан, адиб "Муштум" журналининг 1923 йилги 10-сонида эълон этилган "Замона зайли" мақоласида манфаатпараст, калтабин кимсалар динни дастак қилиб, миллатдошларини маънавий мажруҳ қилиб қўйгани тўғрисида сўз юритар экан: "Миллатнинг пешонасининг шўри бўлган, тўғриси, миллатнинг соф ва тоза миясини сиқиб олиб, ўрнига ҳайвон мияси ўрнаштирган оқ саллали девларни бир чуқурга тиқиб, устига маърифат ва маданият асосини қурсак, қандай ур-йиқит базм бўлар эди" деб кесатиқ сўзлар ёзиб куйинган (Қодирий А. Кичик асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 216 б. – 121-бет).

Абдулла Қодирий "Замона зайли", "Рўза, ифтор, хатим, закот" каби мақолаларида ўз замонасидаги ижтимоий турмуш, маънавий-ахлоқий ҳолат ҳақидаги фикрларини ўткир

кесатиқ, аччиқ истеҳзо, эшитганда, ўқиганда киши юрагига ўқдай қадаладиган тагдор пичинг сўзларга йўғириб ифодалаган. “Улоқда” ҳикоясида эса миллий турмушдаги биргина воқеликни холис туриб тасвирлаш орқали Туркистон аҳлининг аҳволини кўрсатган. Адиб туркистонликлар замона тараққиётидан жуда орқада қолиб кетгани, мусулмонлар ҳануз маиший турмуш ташвишлари билан овора экани, бу эса дуруст, мақбул иш эмаслигини санъаткорона маҳорат билан очиб берган. Адиб айни ҳикоясида томошабинларнинг ҳолати, гап-сўзи, ўзаро баҳс-мунозарасида, биринчидан, ўша замон кишиларининг маънавий даражасини маълум қилган, иккинчидан, инсон табиатидаги ахборотга, янгиликка ташналикни кўрсатган ҳамда айни ҳолат, ўринсиз мунозарани келтириб чиқариши, бефойда тортишувга сабаб бўлиши, ғийбат, фисқ-фасодга йўл очишига эътибор қаратган. Энг муҳими, томошабинлар ҳолатида бекорчилик, ишсизлик одамларнинг дунёқарашини торайтириб, уларни баҳслашиш, гап талашишга мойил қилиб қўйишини урғулаган. “Улоқда”даги: “Теварагимдаги кишилар орасида вағир-вуғур гап, тўзумсизланиб улоқнинг бошланишини кутадилар. Бириси: “Бугун улоқ қизимайди”, – деса, иккинчиси: “Бекор айтибсан, бугун улоқ жуда ҳам қизийди, чунки Салим билан Мурод чавандозлар келар эмиш”, – дейди. Яна бири: “Ҳа, ҳа! Агар Салим келса, улоқ жуда ҳам қизир экан!” – деса, аллаким: “Салимнинг оти қозоқи от, қамчи кўтармайди, ҳайт деса, бас!” – дейди. Тағин биров: “Улар уч киши эди, икки йилдан бери бири кўринмай қолди, ана ўшанисига чавандоз боласи бас келолмас эди!” – деса, яна аллаким: “Ўлма, ўлма! Мен ҳам шуни кўпдан бери кўрмайман, гирдиғумдан келган, ердан бичиб олгандек йигит-а?” “Балли, балли! Отангга раҳмат, худди ўша йигит, қанча сўроғласам ҳеч кимдан дарагини билолмадим!” дейди.

Шу йигитнинг устида анчагина жанжал бўлиб олди, бири: “Ўлиб кетган”, – деса, иккинчиси: “Тирик!” – деб қичқиради. Уларга яна бириси қарши туриб: “От босган, доктор-хонада ўлган!” – дейди, сўфироқ бир одам: “Бировга ёмон нафас қилманглар!” – деган эди, аллақайси киши: “Ўлса ўлгандир, бунга нима жанжал!” – деб қўйди, тағин биров: “Бекор ҳам ўлтирибмиз-да!” – деб кулди. Яна: “Сираси-сираси!” Тағин шовқин-сурон, яна: “Ҳа, ҳа!” Тағин: “Йўқ, йўқ”...” ўринлари шундай хулоса иқариш учун тўла асос беради (Қодирий А. Диёри бакр: шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 472 б. – 421-бет). Ҳикоядаги: “Олдинг, олдинг!”, “Берма, чапга бурул, чапга!”, “Тут, қўйма!”, “Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!”, “Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми – бу ҳаром ўлгуринг?”... деб ҳар хил товушда бақиришадилар” (Ўша манба. – 421-бет) ўринларда эса бекорчиликдан озиқланган томошаталаблик ҳисси одам табиатида яшириниб ётган шафқатсизлик, бераҳмликка йўл очиши, натижада, одамлар оломонга айланиб қолиши урғуланган.

Абдулла Қодирий ўз асарларида, жумладан, “Улоқда” ҳикоясида чизиб кўрсатган манзараларига атайин маъно юкламаган, уларни қандай бўлса, шу ҳолида тақдим этган. Аммо унинг талқинида ижтимоий ҳаёт зиддиятлари, инсон табиати мураккабликлари бўртиб кўринган. Шунинг учун адибнинг “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ҳам, ижодининг дастлабки даврига мансуб “Улоқда” ҳикояси ҳам ўқувчини мушоҳадага ундаб, ўтмиш ва бугунги кун, замона ўзгаришлари, одамларнинг маънавий аҳволи ва яна турмушнинг жуда кўп муаммолари тўғрсида ўйлантириб қўяди.

Абдулла Қодирий мазкур ҳикоясида замона илм-фани, маърифати ютуқларидан бебаҳралик туфайли туркистон-

ликларнинг ақл-тафаккурини мудроқ босгани, шу боис улар аждодлардан мерос бўлиб қолган турмуш тарзи чегараларидан чиқа олмаётгани, натижада, эл-юрт тараққиётига сира асқотмайдиган, одамларнинг ҳаётини яхшилашга бирор бир нафи тегмайдиган улоқ-кўпкари ўйини, тўй, аза маросимлари ўтказиш билан овора бўлиб қолаётгани, зерикканидан от боқиб, улоқ чопиш, кўпкари ўйинини томоша қилиш, қимор ўйнаш, баччабозлик, кўкнори истеъмол қилиш, наша чекиш орқали овунаётганига ишора этган. Айтиш мумкинки, адибнинг "Улоқда" асарида Европа тараққиёт сари шиддат билан илдамлаб кетаётган бир даврда ҳануз ибтидоий ҳаёт кечираётган мусулмонларнинг дунёқараши, қизиқиши, турмуш тарзи манзараси акс эттирилган. Ҳикоядаги бирорта персонаж ёмон одам эмас. Уларнинг барчаси маърифатга, илм олишга интилмаслиги, ҳаёти зерикарли бўлиб қолгани туфайли ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам турмушини яхшилашга нафи тегмайдиган улоқ-кўпкари ўйини ишқибозига айланган. "Улоқда"даги персонажлар гап-сўзи, хатти-ҳаракатида замонанинг илғор ўзгаришларига бепарволиги боис оломонга айланган одамлар қиёфаси, феъл-атвори ифодаланган. Ўспирин Турғуннинг қизиқишлари, завқи, оиласининг яшаш тарзида XX аср аввалидаги туркистонликларнинг маънавий аҳволи акс эттирилган.

Абдурауф Фитрат "Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма"сида: "Бир кимсанинг ҳолларини, бир воқеани тасвир этиб, ривоя йўсунли ёзилған асарларга ҳикоя дейиладир. Ҳикоя ўз қаҳрамонининг руҳий ҳолларини очиб берадир: тирикчилигимизда бўлуб турған кўп воқеаларнинг қоронғу пучмоқларини ойдинлатиб кўрсатадир. Ёмонлиғи тузуккина сезилмаган кўп одатларимизни бутун фожеъ натижалари билан гавдалантириб, ўзимизга кўрсатадир. Шунинг учун ҳикоя ҳаётда муҳим ўрин тутадир. Чўлпоннинг "Қор қўйнида лола",

“Ойдин кечаларда”си ҳаётимизнинг фожеъ лавҳаларини тасвир қилғани учун муҳим ҳикоялардандир. Абдулла Қодирийнинг “Тинч иш”и, “Улоқда”си адабиётимиздағи гўзал ҳикоя намуналаридир. Шоир Элбекнинг “Қўшчи Турғун”и узун ҳикоядир” деб таъкидлаган (Фитрат А. Танланган асарлар: Ж.IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – 336 б. – 84-бет). “Адабиётимиздағи гўзал ҳикоя намуналари” қаторида турадиган “Улоқда” да эса ҳақиқатан ҳам бир кимса – ўн икки ёшли ўспирин Турғуннинг ҳоли, яъни унинг улоқ чопадиган машҳур чавандоз бўлишга иштиёқмандлиги бир воқеа – улоқ-кўпкари ўйинини томоша қилишга бориши фонида тасвирланган ва Турғун у жойда кўрганларини ўз тилида айтиб берган. Турғун гувоҳи бўлган воқеаларни ривоя йўсинида нақл қилишида унинг руҳий ҳолати очилган. Ҳикояда улоқ чопадиган машҳур чавандоз бўлиш орзусида ёнган ўспирин кўпкари ўйинини томоша қилишга бориши мисолида кундалик маиший турмушнинг “қоронғу пучмоқлари ойдинлатиб” берилган. Ҳикояда Эсонбой акани от босиб, ҳалок бўлишига эътибор қаратиш орқали “ёмонлиғи тузуккина, яъни унчалик сезилмаган кўп одатларимиздан бири улоқ-кўпкари ўйинининг бутун фожеъ натижалари кўрсатилган”. Бундан эса “Ўткан кунлар” муаллифининг ушбу асари илмий-назарий жиҳатдан ҳикоя жанрининг барча мезонларига тўла мувофиқ келиши аёнлашади.

Аллома Абдурауф Фитрат “адабиётимиздағи гўзал ҳикоя намунаси” деб эътироф қилган “Улоқда” нинг бугунги кун учун қанчалик аҳамияти бор? деган муҳим саволни қўйиш ва унга жавоб бериш ҳар жиҳатдан ўринли бўлади. Биринчидан, ушбу ҳикоя Абдулла Қодирий туғма талант, чинакам сўз санъаткори эканлигига далолат бўла олади. Иккинчидан, унда маиший турмушнинг муайян воқелиги жуда аниқ ва таъсирчан тасвирлаб берилади. Учинчидан,

воқелик иштирокчиларининг ҳолати, кайфияти, кечинмалари, ўзаро мулоқоти кўнгилга хуш ёқадиган тарзда ҳаётий ва жонли ифодаланади. Тўртинчидан, ҳикояда бекорчилик, ишсизлик одамларни зериктириб қўйиши, шунда улар вақтини қандай ўтказишни билмасдан қолиши ва ҳеч кимга нафи тегмайдиган ишларни ўзи учун эрмак қилиб олиши кўрсатилади. Бешинчидан эса "Улоқда" ижод қилишга ҳавасмандлар учун ҳаёт воқелигини қандай қаламга олишни ўрганишда ажойиб андоза бўла олади.

Қодирий мазкур ҳикоясида Турғун сингари ўспиринларни улоқ чопиш, кўпкари томоша қилишга эмас, илм ўрганиш, барчага наф келтирадиган касб-ҳунарни эгаллашга йўналтириш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, ёшларни вақтини бесамара нарсаларга сарфлашдан асраш керак, деган ғояни илгари сурган. Ёзувчи мамлакатнинг истиқболи, халқнинг турмуши фаровонлиги фарзандларнинг қандай инсон бўлиб улғайиши билан бевосита боғлиқлигини эътиборга олган. Ўтмиш ҳодисалари ҳам, замона воқелиги ҳам шундан далолат беради, демоқчи бўлган. Адиб мана шу ғояни ёритиш, шу фикрини тасдиқлаш учун ўн икки яшар Турғуннинг бир куни қандай кечганини мисол қилиб келтирган. У улоқ ўйинини томоша қилишга келганларнинг ҳолатига эътибор қаратиб, одамлар бекорчиликдан зерикиб, маънавий мажруҳ бўлиб қолганини кўрсатган. Ёзувчи шу боис жамият таназзулга ботаётгани, Турғунга ўхшаган минг-минглаб ўғил-қизларнинг куч-қуввати, ғайрати увол бўлиб кетаётгани, одамларнинг ақл-тафаккури ўсиши, дунёқараши кенгайиши учун зарур шароит йўқлиги, бу эса хунук оқибатларга олиб келишини таъкидлаган. Аммо ушбу фикрини таъна қилмасдан, ҳеч нимадан зорланмаган ҳолда айтган. Адиб бу ҳақиқатни мавжуд воқеликни холис туриб кўрсатиш орқали ифода этган. У ҳаётга юксак идеаллардан туриб ёндашган. Ёзувчи замон ўзгаришларини идрок этган

инсон сифатида миллатдошлари вақтини бесамар ўтказаётгани, кўп кишиларнинг умри увол бўлиб кетаётгани, элдошлари замон тараққиётидан орқада қолаётганига ачинган. “Улоқда” муаллифи шу тариқа дастлабки шеърлари, публицистик мақолаларида миллий турмушни акс эттиришда чинакам жасорат кўрсатган. Хусусан, “болалик даврининг ёдгори” деб таърифлаган асарида туркистонликлар турмушидан кенг ўрин олган улоқ-кўпкари ўйини ишқибозлари ҳолатини қаламга олиб, мусулмонлар ҳануз эски турмуш қучоғида эканини кўрсатган. Адиб “Улоқда” ҳикоясида ҳам, шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмасида ҳам туркистонликлар турмушининг умумий манзарасини чизиб берган. У “болалик даврининг ёдгори”даги Турғун ва бошқаларнинг ҳолати, хатти-ҳаракати, қизиқиши, гап-сўзи орқали ўша замон мусулмонларининг типик образини гавдалантирган. Улуғ ёзувчи ўзининг илк асарларидаёқ муайян тоифага мансуб кишиларнинг умумлашма қиёфасини яратишга эришган. Шу тариқа умумлашма образ яратиш Абдулла Қодирий ижодида асосий тамойилга айланган. “Улоқда” муаллифи бу борадаги ижодий изланишларида муттасил ўсиб улғайиб борган. “Болалик даври ёдгори”даги образлар адиб яратган Калвак махзум, Тошпўлат тажанг, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Обид кетмон”даги персонажлар билан қиёсланса, бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Ўзбек адабиётидаги биринчи роман – “Ўткан кунлар” муаллифи илк асарларида замона тараққиётига бепарволик, илм-маърифатдан бебаҳралик одамларни абгор аҳволга солиб қўйганига эътибор қаратган. У шеърлари, “Бахтсиз куёв” драмаси, матбуотдаги чиқишларида ижтимоий турмушдаги камчилик, иллатларни очиқ танқид қилган. “Улоқда”да эса Фитрат сўзлари билан айтганда, “ёмонлиғи тузуккина сезилмаган кўп одатларимиздан бири” улоқ-кўпкари ўйинига ишқибозликнинг хунук манзарасини очиб

берган. Ҳикояда замона тараққиётига ярашмаган қолоқ дунёқараш, ибтидоий турмуш тарзи манзараси худди моҳир мусаввир чизган картинадек акс эттирилган. Адиб айни асарида турмушдаги “ёмонлиғи тузуккина сеилмаган кўп” (Фитрат)гина урф-удум, маросим, ўйинлар манбаи кишиларнинг замона ўзгаришларига бепарволиги, дунёқараши давр талаблари даражасида эмаслигида эканини санъаткорона маҳорат билан кўрсатган.

Ёзувчи нима учун “Тўй”, “Аҳволимиз”, “Миллатимга бир қарор”, “Бахтсиз куёв”, “Жувонбоз”, “Улоқда”ни ёзган? Абдулла Қодирий ушбу асарларини ўзи кўриб, гувоҳи бўлган ҳодисаларга бепарво қарашни элдошлари, диндошларига нисбатан жабр қилиш деб билгани учун битган. Шу боис адибнинг ушбу асарларида унинг куюнчак қалби, замонасининг илғор фикрли зиёлиси сифатидаги дардкаш сиймоси, инсонпарвар, миллатпарвар зиёли сифатидаги кенг дунёқараши акс этган. “Улоқда” муаллифи айни асарларида миллий турмуш воқелигининг ҳаққоний манзарасини қуюқ бўёқларда чизиб кўрсатган. Ҳикояда ҳаёт ҳодисаси холис туриб қаламга олинган бўлса-да, муаллиф унга нисбатан танқидий муносабат билдирган. Ундаги: “Даланинг кўчаси қишдан бошқа вақтда сув кўрмагани учун икки газ келадиган билқ-билқ гуппон тупроқ, йигирма-ўттиз улоқчи бирданига йўл босиб, қайси отини чоптириб, қайси лўкиллатиб боради. Кўчани тўзон қоплаган, киши кишини танимаслик ҳолга келган... Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб қўли синган билан парвойи-фалак… Кишилар бир-бирига қараб: “Фалокат-фалокат”, – дейишдилар. “Нари тур-бери тур” қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар. Кишиларнинг кўмаги остида келтириб, саданинг остига ётқиздилар. Дарров бир киши

аравага юборилди, биттаси ўзига келармикан, деб ўлгудек бўлиб ётган Эсонбойнинг юзига сув сепиб кўрган эди, қимир этмади" ўринлари бунинг исботи бўла олади. Адиб "Улоқда" асарида ўспирин Турғуннинг улоқ-кўпкари ўйинини томоша қилиш билан кечган бир кунини акс эттириш асосида замонаси ҳаётидан бир лавҳа тадқим қилган ва туркистонликлар вақтини қай тарзда исроф этаётганига эътибор қаратган.

Ҳикояда ўспирин Турғуннинг машҳур чавандоз бўлиш иштиёқида ёнган ички ҳолати ниҳоятда ишонарли ифода этилган. Унинг кечинмалари, истак-интилишлари шу даражада таъсирчан акс эттирилганки, китобхон болаларга хос орзулар осмонида учиб юрган ўспиринни худди ёнида, қаршисида тургандай тасаввур қилади. "Улоқда" тасвирланган ҳаётий воқеалар, таъсирли ҳолатлар, ўспирин Турғуннинг қалб кечинмалари, унинг тенгдошлари ва томошабинларнинг гап-сўзлари, тортишувлари воқелик кечаётган замон ва маконни, ижтимоий муҳитни аниқ тасавур қилиш имконини беради. Турғун ва тенгдошлари, чавандозлар ва томошабинларнинг жўшқин мулоқоти, қизғин баҳс-мунозараси мавжуд турмушнинг диалоги ва монологи сифатида идрок этилади ва китобхоннинг қалбида оғриқли саволларни туғдиради. Зукко ўқувчилар адибнинг "Улоқда", "Жувонбоз", "Бахтсиз куёв", "Аҳволимиз", "Тўй" каби асарларида унинг кўнгил дардларини кўради. Бу дард ғоят катта, маҳобатли эканлигидан тасаввурга сиғмайди. Айни дард адибнинг миллатдошларига муҳаббати, диндошлари аҳволига ачинишидан таркиб топгани билиниб туради. Ана шу эзгу дард оғриқлари Абдулла Қодирийнинг қўлига қалам тутқазгани яққол сезилади. Инсонпарварлик, адолатга интилиш ҳиссига йўғрилган эзгу истаклар, амаллар эса барча замонда ҳам кишиларнинг табиатига ўрнашган иллатлар илдизига болта уриб, уларнинг қалби ва руҳини тубан нафсоний хуружлардан поклайди.

Абдулла Қодирий “Улоқда” ҳикоясида ҳам, бошқа асарларида ҳам болаларнинг умри исроф бўлаётгани, мусулмонларнинг фарзандлари замона илмларини ўрганиш ўрнига, бемаъни ўйинлар билан машғул бўлиб, вақтини зое қилаётганига ачинади. Адиб ўзининг ана шу ҳолатини “Муштум” журналининг 1923 – 1927 йиллардаги сонларида давомли босилган “Калвак махзумнинг хотира дафтарида” асарида: “Тунов куни икки чораклик салла бошимда, юз битталик тасбеҳ қўлимда, малла чопон эгнимда кўча-бакўча, гузар-багузар кезиб, охирзамон ишларини бирма-бир томоша қилур эрдим. Мишиқи-тупуги оққан болагиналар ярим белидан лой кечиб, ит уриштириш билан машғуллар, кўриб зиёда завқим келди: “Эй, гўдаклар, – дедим, – биз ҳам бир вақтларда шундай эдик, энди ўтиб кетди ўша замонлар”, – дедим. Ёшлик бир подшоҳлик: ўйноғони қоладир шу гўдакларнинг !” деб аччиқ киноя билан қаламга олади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Саёҳат хотиралари” асарида мусулмон ўлкаларида кўриб гувоҳи бўлганларини маълум ққилар экан, Кавказда яшайдиган лазги, доғистоний, чечен ва бошқа халқлар турмушидан қайғуга ботади ва “Биз туркистонийлар топганимизни тўй, ўлук ва кўпкариға сарф қилгандек, бу мусулмон қариндошларимизнинг аксари ўз молини қиз олиб қочиб, жанжолиға сарф этмоқ, бир-бировларини ўлдуруб, яна қасоси номашруъ тариқида тарафайндан бир нечалаб ўлдуруб, сўнгра бор пулларини суду синод йўлиға ва умрларини Сибириё чўлляриға сарф қилиб, нобуд бўлар эканлар” деб изтиробга тушади (Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: “Маънавият”, 1997. – 232 б. – 60-бет). “Саёҳат хотиралари” муаллифи ҳам худди Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари элдошлари, мусулмон аҳлининг замона ўзгаришларига хотиржам, осойишта, фаровон турмуш кечиришга тўсқинлик қилаётган ғовларни аниқ кўрсатиб беради. Уларнинг таъсирчан қалби ки-

шиларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётган ҳодисалардан қаттиқ оғриган. Чунки улар одамларнинг азобланаётгани, қийналаётганига бефарқ қараёлмаган. Дастлабки ўзбек драмаси “Падаркуш” муаллифи нафақат миллатдошлари, юртдошлари, балки диндошлари, мусулмон қавмининг дарди, ташвиши билан яшагани учун: “Туркманларни бошиндаги узунлиги уч ярим қариш, эни икки қаришдан зиёд телпагидан бошқа кўргу ери йўқ, фақат ҳануз белида аксарият ила ханжари бордур. Аммо алар ханжар ўрниға қалам тутиш замони келганини билмайдурлар. Кўз олдидаги маданият асари бўлган шаҳар ва оташ аробадан ибрат олмайдурлар... Бечора қазоқ қариндошларимизни фақру зарурати (фақиру муҳтожлик) шаклларидан билиниб турубдурки, туркманлардан кўра буларни яна йўқсулликларидан билгуликдир. Ер-қум. Бир тараф ўтсиз тоғ, беш-ўн тева, бир-икки эски олачиқ ҳар ерда оз-оз кўрунур. Мунинг муқобилинда (рўпарасида) ғурурлик (юксак) маданият аждаҳоси ва устинда маданий инсонлар. Бу қазоқларға лозим эдики, ўзлариға яқин шаҳарлар атрофинда йиғилиб, турғун бўлинсалар, валлоҳ, бу кетишни охири йўқ бўлмоқдур” деб ҳасрат чеккан (Ўша манба. – 57-бет). Мавжуд турмушга бундай муносабат Абдулла Қодирий билан бир даврда яшаган барча маърифатпарварлар ижодининг мундарижаси, мазмун-моҳиятини белгилаган. Чунки улар ижтимоий турмушдаги норасоликлар туфайли қийналаётган, эзилиб хўрланаётган одамларнинг аянчли аҳволига ачиниб яшаган, кишилар бошидан кечираётган жабру ситамларни қалбидан ўтказиб қайғурган. Абдулла Қодирий “Муштум” журналининг 1923 йил 10-сонида босилган “Замона зайли” мақоласида мусулмонларнинг фожиасига сабаб бўлганларга қарши нафрат билдириб: “Миллатнинг пешонасининг шўри бўлган, тўғриси миллатнинг соф ва тоза миясини сиқиб олиб, ўрнига ҳайвон мияси ўрнаштирган

оқ саллали девларни бир чуқурга тиқиб, устига маориф ва маданият асосини қурсак, қандай ур-йиқит базм бўлар эди" деган.

"Меҳробдан чаён" романи муаллифи "оқ саллали девлар" деганда айш-ишратга берилган, ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати йўлида кишиларга зулм ўтказадиган ҳукмдорлар, амалдорлар ва уларнинг таянчи, ҳамтовоғи бўлган мутаассиб диндорларни назарда тутган. Чунки динни дастак қилиб олган мутаассиб диндорлар одамларни ҳукмдорлар, амалдорларга итоат этиб яшашга, уларнинг ҳар қандай амрига бўйсунишга чақиришган. Ҳукмдорлар, амалдорларга итоат қилмаганлар гуноҳкорга айланиб, дўзахга тушади, деб қўрқитишган. Ислом динининг мазмун-моҳиятидан бехабар омма эса асрлар давомида мутаассиб диндорларнинг бу каби гап-сўзларига ишонган. Шунинг натижасида кўп кишиларнинг дунёқараши ниҳоятда тор бўлиб қолган. Улар илмсизлиги, маърифатдан бебаҳралиги туфайли ўзининг ночор, ғарибона турмушини Аллоҳнинг иродаси, тақдирда битилгани деб билган ҳамда ўзининг аянчли, ачинарли аҳволини ўзгартиришга, яхшилишга ҳаракат қилмаган. Ишратпараст ҳукмдорлар, манфаатпараст амалдорлар ва уларнинг ҳамтовоғи, шеригига айланган мутаассиб диндорлар одамларнинг турмуш шароити замона тараққиётига мос эмаслиги, кишилар жуда ночор, аянчли авҳолда ҳаёт кечираётгани, улар дунёқараши торлиги туфайли ўз қўллари билан ўзларига туганмас ташвиш, мислсиз азоб орттириб олаётгани, яъни "Худонинг амрига бўюн қўймасдан кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлушимизға сабаб бўлган одатларга бору йўқини сарф ва исроф этаётгани" га бепарво қараган. Маҳмудхўжа Беҳбудий "Ойина" журналининг 1915 йилги 13-сонида босилган мақоласида бу хусусда сўз юритиб, миллатдошлари, диндошларини таназзулга элтаётган ҳолатларга эътибор қаратган ва турки-

стонликлар турмушида муҳим ўрин тутадиган удумларни “бизни кемирувчи иллатлар” деб таъкидлаган. Жумладан: “Биз – туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизғача (кўчманчи аҳоли – А. У.) истило этиб (эгаллаб – А. У.), бутун тириклиғимизға сорилган (турмушимизга сингиб кетган – А.У.) ва бизни инқирозимизға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататурғон тўй, азо исминдаги икки қаттол душман деярман. Атомиздан меҳрибон Тангримиз жаллу аъло Қуръони каримда “Ло талаққу бо ядикум ала таҳликкатиҳа”, яъни ўз қўлларингиз ила ўзингизни таҳликага отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амриға бўюн қўймасдан (бўйсунмасдан – А. У.) кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлушимиз сабаб бўлган одатларга бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой Наврўзи кофири учун (Наврўз – баҳор фаслида кун ва тун тенг келишининг йил боши сифатида байрам қилиниши исломдан аввал пайдо бўлгани назарда тутилади - А. У.) сайр этармиз (сайил, яъни байрам қиламиз – А. У.). Бир ой муқаддам Самарқандни Панжакент қасабасидаги Наврўз сайриға мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажруҳ бўлди. Кўпкари ва улоқ чопмоқлик одати малъунонасиға ҳар вилоятдан ҳар сана юзлар ила киши охиратға кўчар, на қадар киши мажруҳ ва маъюб бўлар. Кўп кишилар сайр (сайил, байрам – А. У.) ва кўпкари шумлиги (ёмонлиги – А. У.) ила ишдан ва зироат (деҳқончилик, боғдорчилик – А. У.) вақтидан (ишидан – А. У.) қолур. Уйиға озуқаси (овқати – А. У.) йўқ, ҳўкузи ва соғар сийири (соғиладиган сигири – А. У.) йўқ экан, бир неча юз сўмға от олиб ва ҳар куни анга ҳиндидек парастиш (эътиқод, ихлос) этиб, ҳар куни бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрға кўпкари чопмоқ учун. Ўн-йигирма чақиримға тўй бўлдими, ҳар ким ишини, деҳқончилигини қўйуб, отланиб кўпкарига кетар. Деҳқон учун олтундан азиз вақт фавт (йўқ – А. У.)

бўлди-кетди. Экин биргина кун кейин сепилган учун пишмай қолар. Биргина кун сўнгра йиғилган учун ёғинга қолиб, баъзи хирманлар чириб кетар" деб изтиробга тушган (Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: "Маънавият", 1997. – 232 б. – 145-бет).

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза сингари ижодкорларнинг бу каби асарларидан ўша пайтда адабиёт ижтимоий ҳаётнинг чинакам кўзгусига айлангани, шоир, адиблар эл-юрт жонкуяри, миллат ва дин фидойиси сифатида майдонга чиққани, турмушдаги иллатларга қарши курашиш улар ҳаётининг мазмуни, мундарижасини белгилагани аёнлашади. Бу ижодкорларнинг таржимаи ҳоли ҳам буни тўла тасдиқлайди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий юртдошларимизнинг улоқ чопиш, кўпкари томоша қилишга ишқибозлигини қоралаб, бу малъунона, яъни ярамас, салбий одат деган. Бу улуғ маърифатпарвар миллий турмушда кенг ўрин олган бу иллат туфайли ҳар йили ҳар бир вилоятдан юзлаб одам ўлиб, ундан ҳам кўп киши майиб-мажруҳ бўлаётгани, деҳқончилик, боғдорчиликдаги энг муҳим ишлар ўз вақтида бажарилмаётгани, кўпчилик уй-жойи, рўзғори, фарзандлари таълим-тарбиясига бефарқ экани, айримлар уйида соғиладиган сигири бўлмагани ҳолда, бир неча юз сўмга от олишини кескин танқид қилган. Абдулла Қодирий эса миллий турмушдаги ушбу воқелик қанчалик хунук ва аянчли эканини: "Талайгина йўл босгандан кейин улоқ чопиладиган жойга етдик. Ўзи, тўрт тарафи кўз илғамайтирғон даражада катта ва сайҳон бир ер экан. Бу жойга жуда кўп халқ йиғилган, бундаги улоқчи отлиқлар билан томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ... Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб, қўли синган билан парвойи фалак... Ишқилиб, улоқни тақимга

босилса бўлди...” тарзида чизиб кўрсатган. Абдулла Қодирий “Улоқда” ҳикоясида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг улоқ чопиш, кўпкари томоша қилиш одати туфайли кўп кишилар ўлиб, кўп одамлар майиб-мажруҳ бўлиб қолаётгани, аҳолининг вақти бесамар кетаётгани тўғрисида фикрларини: “Улоқ ерга тушиб кетиб қолса, томошабинлардан баъзиси югуриб бориб, ердан улоқни азод кўтариб олади, укасими, ошнасими, ишқилиб, бирорта яқин кишисига тутқизмоқчи бўлади. Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб, устига дув йиғиладилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадилар. Бечора анчадан кейин оқсоқланиб ёки қўлини силаб, ўртадан аранг чиқиб кетади.... Улоқ бошланганидан бирор соат вақт ўтган эди. Бирдан улоқчилар сув қуйгандек тинчиб, тортиш ўрнида тўпланишиб қолдилар. Биз, отлиқ-яёв томошабинлар ҳам ҳаммамиз ўртага югуришдик. Мен кейинроқ борганим учун отлиқ-яёв халқ ўртани сириб олган эди. Мен чеккада қолдим. Ҳар қанча уринсам ҳам ўртага киришнинг эпи бўлмаганидан кейин одамларнинг оғзига қараб турдим. Лекин улоқчилар орасидаги ҳодиса ҳаммага ҳам номаълум эди. Ҳар кимнинг юзида таажжуб ва бир-бирисидан: “Нима гап?” – деб сўрашар эди... Кишилар бир-бирига қараб: “Фалокат-фалокат”, – дейишдилар. “Нари тур-бери тур” қилиб, беш-олти киши отга босириқ бўлганни ўртадан олиб чиқдилар...” деб тасдиқлаган. Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам, Абдулла Қодирий ҳам, уларнинг Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари кўплаб сафдошлари ҳам жадал ўзгаришлар кечаётган XX асрда аждодлар асарлар давомида амал қилиб келган анъанавий турмуш тарзи билан яшаб бўлмаслигини миллатдошларга маълум қилиш учун фидойилик, жонбозлик кўрсатишган. Абдулла Қодирий “Улоқда” ҳикоясида ўспирин Турғуннинг бир кунлик ҳаётини қаламга олиш орқали туркистонликлар XX аср тараққиётига мос турмуш кечирмаётгани, маҳаллий аҳоли

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Бизни кемирувчи иллатлар” мақоласида таъкидлаганидек, “олтундан азиз вақти”ни фойдасидан кўра зарари аниқ улоқ чопиш, кўпкари томоша қилиш, қарзга ботиб тўй, аза маросимларини ўтказиш учун сарфланаётганини кўзгуга солиб кўрсатиб берган.

Адиб айни ҳикоясида кўпкари ўйинини томоша қилувчи кишиларнинг ҳолати, гап-сўзи, мунозараси мисолида оломон психологиясини ёритиб берган. Ҳикоядаги: “Бу ёқдаги томошачилар: “Тақимга бос, тақимга!”, “Отнинг бошини қўй, човига қамчини шиғаб бер!”, “Бўш келма, маҳкам тут!”, “Юганини бўшат, қамчингни тишлаб ол, ёнингга алаҳсима!”, “Олдинг, олдинг!”, “Берма, чапга бурул, чапга!”, “Тут, қўйма!”, “Вой тўймагур, бериб юбординг-а, ўз кўнглингда сен ҳам улоқчисан-да!”, “Отинг ҳаром қотсин, отми, эшакми – бу ҳаром ўлгуринг?”... деб ҳар хил товушда бақиришадилар” каби ўринлари бунга аниқ исбот бўла олади. “Улоқда”даги: “Чавандозларнинг бириси кўк човкар ва иккинчиси ола отга минган баҳайбат чапани йигитлар эдилар. Булар келгандан кейин халқ чидамсизланиб қолди:

– Ана энди чин улоқ кўрасан! – дейишадилар.

– Букун қиёмат улоғи бўлар экан! – деб бошларини чайқатиб қўядилар.

– Муроднинг отини кўр, худди қаноти борга ўхшайди.

– Кўк човкарни айтасанми, тўруқними?

– Ҳар иккаласига от етмайди, иккови ҳам яхши зот!

– Қулоғи чимирилган от чопқир бўлади!

– Қулоқда гап йўқ, гап зотда!

– Йўқ, йўқ! Серкишновда, ўзим синаб кўрдим!

– Қора от чопқир бўлади, деганлар, қораси яхши, қораси!

– Дадам раҳматлик от олганда туёғига диққат қилар эди, гап туёқда.

Баҳслашадилар, ҳар ким ўз ёнидаги билан талашади. Мен ҳам шу тўғрида ўйлаб, уларнинг айтган нишонларини

қора қашқамдан қидириб топсам суюниб, топмасам куюниб тураман" сингари ўринларда эса атрофдагиларнинг гап-сўзи ўспиринлар онги, дунёқараши шаклланишида муҳим омил эканига эътибор қаратилади.

"Улоқда"нинг композицияси, таъкидланганидек, сюжети бир-бири билан мантиқан боғланган тўрт қисмга бўлинади. Бу қисмлар ўзаро узвий бириккани боис улардаги воқеалар бир-бирига туташ яхлит манзара сифатида тасаввурда жонланади. Ҳикоянинг бундай мустаҳкам композицияси Абдулла Қодирийдан аввалги давр ўзбек адабиётида кўзга ташланмайди. Ўзбек адабиётида ҳаёт воқелигини Европа адабиёти андозалари асосида композицияга солиб кўрсатиш, айтиш мумкинки, "Улоқда" ҳикоясидан бошланади. Ҳаёт ҳодисаларини бу тарзда аниқ акс эттириш жиҳатидан ўзбек адабиётининг аввалги давр ижодкорларидан ҳеч бирини Абдулла Қодирий билан қиёслаб бўлмайди. Ўзбек романчилиги асосчиси сифатида эътироф этиладиган бу улуғ адиб йигирма бир ёшида ёзган, ўзи "болалик давримнинг ёдгори" деб атаган "Улоқда" ҳикоясидаёқ новатор ижодкор эканини намоён этган. У дастлабки ҳикоясидаёқ инсонни ижтимоий воқелик билан узвий алоқадорликда тасвирлаш, оламни ва одамни бадиий идрок этишнинг энг самарали усули сифатида жаҳондаги кўпгина халқлар адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллаган реализм ижодий методининг ёрқин намунасини тақдим қилган. "Улоқда" ҳикояси ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш ва инсон образини гавдалантиришда кейинги даврда кўпгина қаламкашлар учун ўзига хос эталонга айланган. Чунки Абдулла Қодирий ўзининг ушбу мўъжаз ҳикоясида барча жанрдаги насрий асарлар учун андоза, ибрат намунаси бўла оладиган ўзига хос образлар тизимини яратган. Унда ўспирин Турғун, унинг онаси, отаси, акаси, тенгдошлари, чавандозлар, томошабинлар бир-биридан тамоман фарқ қиладиган ёрқин образ даражасига кўтарил-

ган. Адиб уларнинг ҳар бирининг жонли, ҳаётий қиёфасини жуда таъсирчан қилиб гавдалантирган.

Абдулла Қодирий айни асарининг дастлабки жумласидаёқ ўқувчини миллий турмуш ичига олиб кирган. У бу воқеликни: “Кеча дадамдан сўраб қўйганим учун бугун акам ҳам “керак эмас, борма” деб жекиришини қилмади” тарзида жуда аниқ ифода қилган. Адиб персонажнинг ҳолатини ҳам унинг ўз тилида: “Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан ойим:

– Оёғинг олти, қўлинг етти бўлиб қолди-ёв! – деб кулишиб қолдилар.

Қашлоғични олдим-да, қора қашқамни яланғочлаб уёқ-буёғини қашлаб чиқдим. Жонивор типир-типир қилади, бош чайқайди, ер тепинади, дум силкитади… Шунинг билан менинг кўнглимга: “Худо хоҳласа, келаси йилга бир улоқлар чопайки, ҳамма мени: “Турғун чавандоз”, деб атасин деган орзулар тушади” шаклида маълум қилиб, унинг ҳаяжон ва завққа тўла дунёсини нуктадонлик билан очиб берган. Ҳикояда бирор ўринда “Турғун отни яхши кўради, тезроқ машҳур чавандоз бўлиб танилишни истайди” дейилмаган. Лекин унинг хатти-ҳаракатлари, кечинмалари шу қадар ёрқин чизиб кўрсатилганки, Турғун ўспиринлар ҳаётида кузатиладиган шундай беғубор орзулар оғушида қолгани яққол сезилади. Китобхон чексиз хаёллар, юксак орзулар қанотида ҳаволаниб яшаётган ўспирин Турғун ва тенгдошларининг шавқ-шавққа тўла ширин ҳаяжонини аниқ ҳис қилади. Аммо адиб Турғун ва тенгдошларининг тошқин ҳисларга тўла орзу-ҳавасини ҳам, улоқ-кўпкари ўйинини томоша қилаётган ишқибозларнинг серҳаяжон хитоблари, завқланишга йўғрилган қизиқишини ҳам, чавандозларнинг шижоатини ҳам ёқламайди. Ёзувчи улоқ-кўпкари ўйинига ўралашиб яшаётган бу элдошлари замона тараққиётидан

бехабар қолаётгани, ҳаётдаги илғор ўзгаришларга бепарво эканлигидан куйинади. Ҳикоянинг: “Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб, қўли синган билан парвойи фалак...” ўринларида муаллифнинг шу изтироби акс этади.

Абдулла Қодирий ва унинг сафдошлари ўз миллатдошлари, диндошларига энди ота-боболарнинг анъанавий турмуш тарзи билан яшаб бўлмаслиги, тўй, аза билан боғлиқ ўтмишдаги қадриятлар, улоқ-кўпкари сингари ўйинлар ҳозирги пайтга келиб, эскириб, бесамар бўлиб қолгани, улар XX асрдаги шиддатли янгиланишларга мутлақо мос келмаслиги, аждодлар амал қилган кўпгина анъана, қадриятлар мусулмонларни абгор, хонавайрон қилаётганини уқтирмоқчи бўлишган, юртдошларини эскича турмушдан тезроқ юз ўгириб, замона илм-маърифатини эгаллашга чақиришган.

Албатта, худди ҳозиргидек Абдулла Қодирий яшаган замонда ҳам, миллий турмушимиздан кенг ўрин олган тўй, аза маросимлари, кураш мусобақаси, улоқ-кўпкари, дорбозлик ўйинлари миллий қадрият сифатида эъзозланган. Чунки ушбу қадриятлар олис ўтмишда ижтимоий зарурат сифатида юзага келган ва узоқ замонлар давомида яхши удум, анъана сифатида одамлар онгига сингиб келган. Улар даврлар ўтгани сайин муқаддаслашиб борган. Масалан, “Ким уч марта улоқ-кўпкарили суннат тўй қилса, ҳар қанча гуноҳи бўлса ҳам жаннатга киради” деган мақолнамо гаплар тўқилган. Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг улоқ-кўпкарили тўйлар ўтказиладиган қишлоқлари одамлари шу гапни ишонч билан айтишганини кўп бор эшитганман. Кишиларимизнинг улоқ-кўпкари ўйини ҳақида XXI асрда ҳам яшаётган бундай тушунчаси халқ ўзининг қадриятларини урф-одатга айлантириши ва

уни доим эъзозлашидан гувоҳлик беради. Рус мутафаккири В.Г.Белинский: “Урф-одатларни халқ ўзининг муқаддас бойлиги сифатида чуқур қадрлайди... Урф-одатлар – муқаддас, дахлсиздир ва шароит таъсири ҳамда маърифат соҳасидаги муваффақиятлардан ташқари, уларга ҳеч қандай ҳукм кор қилмайди. Энг расво, бўғзигача гуноҳга ботган, ҳамма муқаддас нарсаларни ҳақоратлайдиган одам ҳам урф-одатлар устидан ичида кулса-да, уларга бўйсунади” деган (Белинский В.Г. Адабий орзулар: Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 264 б. – 7-бет). “Улоқда” ҳикояси: “Кеча мени от қоққан экан, ўрнимга киришим билан тирракдек қотиб ухлабман. Эрталаб ойим: “Тур, тур тезроқ, даданг келса нақ ўлдиради!” – деб устимдан кўрпамни тортиб тишлади. Мен уйқули кўзим билан: “Дадам бозор кетмадими?” – деб сўраган эдим, ойим:

– Эсонбойнинг жанозасида! – деб жавоб берди.

Менинг уйқум ўчди” деб тугалланади. Ҳикоянинг ана шу тарзда якунланишида муаллифнинг маҳаллий аҳоли турмушида кенг ўрин олган улоқ-кўпкари ўйинига ва умуман, туркистонликларнинг мавжуд турмуш тарзига муносабати акс этган. Ёзувчи мусулмон аҳли, хусусан, туркистонликлар замон ўзгаришларига мутлақо мос келмайдиган, эндиликда бесамар, зарарли бўлиб қолган урф-одатлар исканжасида турмуш кечириши фожиадир, деган ғояни кўтариб чиққан. Шу боис “Улоқда” ўспирин Турғуннинг бир куни нақл қилинган мароқли ҳикоя бўлиш баробарида туркистонликларнинг ХХ аср аввалидаги турмуш тарзи, дунёқараши тўғрисидаги таъсирчан асар даражасига кўтарилган. Унда туркистонликлар эскириб аҳамиятини йўқотган, нафидан кўра зарари кўп урф-одатларга ўралашиб, турмушнинг маиший масалалари гирдобида қолгани, бу эса ижтимоий таназзулга олиб келгани кўрсатилган.

“Улоқда”даги персонажлардан ҳеч бирини характери хусусиятига кўра ҳам, эстетик идеал нуқтаи назаридан ҳам салбий образ деб бўлмайди. Ҳикоядаги асосий қаҳрамон Турғуннинг ўзи ҳам, унинг ота-онаси, акаси, тенгдошлари ҳам, номлари эслатилган чавандозлар ҳам, бир-бири билан қизғин мунозара қилган томошабинлар ҳам ҳаётий ва жонли образлардир. Адиб уларни бир кунда кечган турмуш воқелиги қўйнида кўрсатиш орқали муҳим ижтимоий муаммони ёритиб, туркистонликлар замон ўзгаришларига мутлақо мос келмайдиган тарзда турмуш кечираётгани жуда ачинарли ҳол, деб майдонга чиққан. Адиб ана шу журъати туфайли Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари миллат фидойилари йўлидан борган. У мазкур ҳикоясида ширин орзулар осмонида учиб юрган ўспириннинг бир кунлик ҳаёти манзарасини чизиш орқали Туркистон ўлкасида ҳукм сураётган анъанавий турмуш янги давр талабларига асло мос келмаслигини чуқур асослаб берган. Абдулла Қодирий айни асарида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг бу хусусдаги танқидий мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаган. Биринчи ўзбек драмаси муаллифи эса юқорида қайд қилинганидек: “Биз кофирона бир суратда худонинг амриға итоат этмасдан тўй ва азо деган, йўқ бўлушимизға сабаб бўладиган одатларга бору йўқимизни сарф ва исроф этармиз... Кўпкари ва улоқ чопмоқлик одати малъунонаси туфайли ҳар йили юзлаб одам ўлиб кетиши, бундан ҳам кўп киши мажруҳ ва майиб бўлиб қолишига бепарво қараймиз. Кўп кишилар кўпкари томошасига ишқибозлиги оқибатида ишидан қолиб кетади. Айрим одамлар хонадонида фарзандлари ейдиган нон, соғиладиган сигир, омоч тортадиган ҳўкизи бўлмагани ҳолда, тўй ва сайилларда кўпкари чопиш учун бир неча юз сўмға от олиб, ҳиндлар сигирга сиғинганидек уни парваришлаб боқади. Бу каби эски турмуш одатлари бизни инқирозга, таназзулга элтиб, жаҳаннамга юмалатади” деган.

Ҳикоядаги улоқ ўйини, томошабинлар ва чавандозлар ҳолати тасвиридан ташқари: “Биз, акамга “Дўмбуровот” гузарида учрадик. Акамлар самоварчига палов дамлаб қўйиш учун ўзаро пул йиғиб беришгандан кейин, биз яна йўлга тушдик... Катта садақайрағочнинг тагида иккита бордондек самоварга ўтин қалаб қайнатадилар... Акамлар саданинг остига – самоварчининг палосига отдан қўндилар” деган ўрин ҳам муаллифнинг мақсадини ёритишга хизмат қилади. “Самоварчи”, “иккита бордондек самовар”, “самоварчининг палоси” деганда, албатта, чойхона назарда тутилади ва буни барча билади. Адиб ўша пайтда чойхона одамлар жамланадиган, бир-бири билан кўришиб гаплашадиган бирдан бир жой бўлиб қолгани, аммо унда кишилар ош қилиб ейиш, ғийбатлашиб баҳслашиш билан вақтини бесамар ўтказишига эътибор қаратади. Чойхона яқинидаги улоқ чопиладиган майдон тўғрисида: “Бу жойга жуда кўп халқ йиғилган, бундаги улоқчи отлиқлар билан томошачи яёвларнинг ҳад-ҳисоби йўқ” дейилиши худди шунга ишора эканини зукко ўқувчилар дарҳол сезади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий “Бизни кемирувчи иллатлар” мақоласида улоқ-кўпкари ўйини, тўй, аза маросимларига муносабатини очиқ-ошкора айтади. Абдулла Қодирий эса “Улоқда” ҳикоясида туркистонликлар турмушидаги бу ҳодисаларни хуш кўрмаслигини воқелик манзарасини чизиб кўрсатиш орқали ифодалайди. “Бизни кемирувчи иллатлар” мақоласи танқидий-ташвиқий мазмунга эга бўлиб, унда янги замон талабига мос келмайдиган эски урф-одатларга ўралашиб турмуш кечириш жаҳолат гирдобида қолиш экани тўғрисида очиқча сўз юритилади. Абдулла Қодирий эса улоқ-кўпкари мавзусига эътибор қаратиш орқали ижтимоий турмушда илдиз отган, одамларнинг онг-тафаккурини эгаллаб олган иллатларга қарши чиқади. Аммо унинг танқиди, эътирози “Бизни кемирувчи иллатлар” муаллифи-

никидан фарқ қилади. Абдулла Қодирий турмуш картинасини ёрқин чизиб бериш орқали туркистонликлар замона тараққиётидан орқада қолиб, қолоқ, абгор ҳолда ҳаёт кечираётганини кўрсатади. Шу боис "Улоқда"даги персонажлар: Турғун ҳам, унинг тенгдошлари ҳам, онаси ҳам, томошабинлар ва чавандозлар ҳам ҳаётий, жонли образ сифатида ўқувчи тасаввурида жонланади. Ҳикояда бошдан-охир сўз санъатига хос ана шундай хусусиятлар барқ уриб турганлиги туфайли Ойбек: "Абдулла Қодирий турмушни бадиий кўрсатишга тез ўсади. Насрчиликда унинг усталиги мукаммалашади. 1916 йилларда ёзилган "Улоқда" номли ҳикояси "Жувонбоз" ва бошқа асарларига нисбатан тенглаштирмаслик даражада юқори бир асар. Ёзувчи ҳикоя техникаси, приёмларини эгаллаган. Воқеаларни очиш, буларнинг инкишофи ва ечилиши янги замон новелла формаси равишидадир. Бу асарда жонли бўёқлар учрайди. Кишиларнинг портрети аниқ, қабартириб берилади. Тил "Жувонбоз"нинг қуруқ, рангсиз тилидан жуда катта фарқ қилади. Ҳикоя тирик, образли бир тил ила ёзилган. Халқ сўзлари ва ифодалари ҳикоянинг бадиий тўқимасига узвий кириб кетади, сингади. Шахслар ҳам ўзларига хос бир тил билан сўйлайдилар. "Улоқда" ҳикоясида ташвиқотчининг, воизнинг ўрнини санъаткор олади. Ёзувчи бу асарида воқеалар устида муҳокама қилмайди, тушунтирмайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади. Бу ҳикояда ҳам фойдасиз одатларни қоралайдиган маълум "ахлоқ", "ибрат" бор, лекин бу ахлоқ туртиб чиқмайди" деб таъкидлаган (Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 9-том: Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 352 б. – 250-бет).

Ойбек 1936 йилда чоп қилинган "Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли" монографиясидаги ушбу эътирофи билан Фитратнинг 1926 йилда босилиб чиққан "Адабиёт қоидалари" қўлланмасидаги: "Абдулла Қодирийнинг "Тинч иш"и,

“Улоқда”си адабитимиздағи гўзал ҳикоя намуналаридир” деган фикрини тасдиқлаган. Ушбу ҳикоя янги мавзудаги асар эканлиги ҳам диққатни тортади. Абдулла Қодирийдан аввал ҳеч бир ижодкор улоқ-кўпкари ўйинини “Улоқда” ҳикоясида тасвирлангандек алоҳида объект сифатида акс эттирмаган. Адиб бу ўйин тафсилотларини нақл қилишни восита қилиб, ижтимоий турмушнинг долзарб масаласига эътибор қаратган. Ёзувчи “адабиётимиздаги гўзал ҳикоя намунасига айланган мазкур асарида ҳаёт тарзи, дунёқарашига ўтмиш турмуши муҳри босилган одамлар қиёфасини гавдалантирган. “Улоқда”дан шу ҳақиқат аён бўладики, туркистонликлар замона ўзгаришларидан бехабар эканлигини пайқамайдиган, эртанги кунига бепарво қарайдиган, бу тўғрида ўйламайдиган фожеий аҳволга тушиб қолган.

Албатта, тинчлик, осойишталик барқарор бўлган, муттасил тараққиётга эришаётган, одамлар тўкин-сочин, фаровон турмуш кечираётган мамлакатга байрамлар, тантаналар ярашади. Чунки ҳозирги кунидан кўнгли тўқ, ҳаётидан мамнун, эртанги кунига ишонч билан қарайдиган одамларнинг кўнгли ўйин-кулгига, кўнгилочар томошаларга мойил бўлади. Аммо Абдулла Қодирий ҳикоясида таърифлаган “отаси боласини, акаси укасини танимайдиган, чанг-тўзон билан қопланган, терланган, пишилган, бош ёрилиб, кўзи чиққан, отдан йиқилиб, қўли синганга биров ачиниб қарамайдиган улоқ-кўпкари ўйини” одамларнинг онги, маданий даражаси ўсиши, қалбида инсонпарварлик ҳисси кучайиши учун қанчалик самара беради? Олис аждодлардан мерос бўлиб келаётган ушбу қдрият ижтимоий турмуш яхшиланиши, одамлар замон ўзгаришларига мос ҳаёт кечиришига қанчалик асқотади? Адиб ҳикояда шу саволни қўяди ва ҳозирги замонда улоқ-кўпкари ўйинига бу даражада ишқибозлик одамларга фақат зарар келтиради, деб жавоб беради. “Улоқда”нинг якунидан шундай маъно келиб чиқади. Абдул-

ла Қодирийнинг миллатдошлари, ватандошлари маиший турмушига бундай муносабати унинг дунёқараши кенглиги, қалбида инсонпарварлик ҳиссининг юксаклиги, замона ўзгаришларидан атрофлича хабардорлигидан туғилгани аниқ билиниб туради. “Улоқда”дан англашиладиган ана шу мазмун тўғрисида мулоҳаза қилиб кўрилса, Абдулла Қодирий чинакам сўз санъаткори ва жасоратли инсон эканлиги, адибнинг дастлабки асарлари ҳам худди унинг романларидек муҳим тарихий ва маърифий аҳамиятга эгалиги аён бўлади. Абдулла Қодирий ушбу ҳикоясида миллий турмушнинг ҳақиқий манзарасини худди моҳир мусаввир каби чизиб кўрсатади. “Улоқда”нинг бошланиши ва якуни, ундаги она образи ҳам бунинг ёрқин исботи бўла олади.

Албатта, одамларнинг турмуш ташвишларидан толиққан асабларига озгина бўлса-да, ором берган, уларнинг йиллар давомида бир хил тарзда кечадиган зерикарли ҳаётига тоза ҳаво киргани боис томоша, ўйин сифатида жой олган улоқ-кўпкарига танқидий муносабат билдиргани учун Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий ва уларнинг сафдошларини миллий қадриятларга қаршилик кўрсатган, деб айблаб бўлмайди. Чунки улар янги замон талабларига мос келмайдиган, одамларнинг турмуши яхшиланишига тўсқинлик қилаётган анъана, урф-удум, ўйин, томошаларни танқид қилишган. “Улоқда” муаллифининг сафдошлари замонанинг илғор фикрли зиёлилари сифатида кишиларни қийинчилик, машаққатга қўяётган, қарзга ботириб азоблаётган, вақтини ўғирлаётган, фойда эмас, аксинча фақат зарар келтираётган эскича турмуш тарзини инкор этишган. Улар замона илм-фани, маърифатидан баҳраманд бўлиб яшаш аждодлардан қолган анъаналарга амал қилиб турмуш кечиришдан кўра минг карра афзал, деб ишонишган ва бу тўғрида бонг уришган. Чунки улар, аксарият замондошларидан фарқли ҳолда, ҳаётнинг мазмуни анъаналардан

оғишмай турмуш кечиришда эмас, балки даврнинг илғор ўзгаришларига мувофиқ яшашда эканини англашган. Шунинг учун ўзларининг бу хусусдаги кечинмалари, ўйлари, дард ва ташвишларини эҳтиросга тўлиб ифодалашган. Жумладан, Абдулла Қодирий ҳикоясининг: “Бириси олади, иккинчиси тортади. Иккинчисининг ёнига учинчиси ва тўртинчиси қўшилиб, бирдан саккиз томонга тортқилашадилар, орага четдаги улоқчилар ҳам сиқилишиб кириб, яна улоқни буйдалашадилар... Лекин бошқа чавандозлар улоқни ундан олмоқчи бўлиб устига дув йиғиладилар, у бермасликка тиришади, бошқалар ўртага санжоб қилиб сиқадилар. Бечора анчадан кейин оқсоқланиб ёки қўлини силаб, ўртадан аранг чиқиб кетади... Отаси боласини, акаси укасини танимайди, чанг-тўзон, терланган, пишилган, ҳар ким улоқни тақимига босиш қайғусида. Бош ёрилиб, кўз чиққан билан, отдан йиқилиб қўли синган билан парвойи-фалак…” деган ўринларида улоқ-кўпкари ўйини зўравонлик, шафқатсизлик, аёвсизликка асосланиши, бас, шундай экан, ўспирин Турғун ва унинг тенгдошларига ўхшаб улоқчи чавандоз бўлиб танилишни орзу қилиш ва шунга интилишдан ҳам, бераҳмларча қўполдан-қўпол ҳаракатлардан иборат улоқ-кўпкари ўйинига ишқибозликдан ҳам, уни томоша қилишдан ҳам эл-юрт равнақига, одамларнинг моддий, маънавий-ахлоқий турмуши яхшиланишига ҳисса бўлиб қўшиладиган ҳеч қандай наф, самара йўқ, деган ғояни илгари сурган.

Абдулла Қодирийнинг мазкур асари ўзбек адабиётида ҳаётга янгича муносабат билдириш даври бошланганидан дарак беради. “Улоқда” ҳикояси аввалги давр адабиёти намуналари билан қиёсланса, ўтмишда ижодкорлар, аниқроғи, шоирлар ҳар ким томонидан саноқсиз марта қайтарилаверганидан таъсирини йўқотган, ҳарорати буткул сўниб битган гул, булбул, қад-қомат, қош, кўз, лаб, соч, оёқ, тирноқ кабиларни таърифлашдан нарига ўтмагани,

уларнинг ижод майдони шу доирада чекланиб, чегараланиб келгани, қаламкашларнинг ёзганлари мавҳум муболаға қилишдан иборат чучмал бир нарса бўлиб қолгани ойдинлашади. “Ўткан кунлар” романи муаллифининг ушбу асари эса ўзбек ижодкорларининг дунёқарашида ўсиш-ўзгариш рўй бергани, улар турмуш воқелигига яқинлашиш йўлига қадам қўйганини намоён этади. Хусусан, “Улоқда” ҳикояси шу йўлдаги дадил, шахдам қадам намунаси бўлиб кўринади. Ижод майдонига дастлабки қадамларни қўйган йигирма бир ёшли қаламкаш айни асари билан миллий адабиётга янги мавзу олиб киради. У бу мавзуни миллий турмушнинг ўзидан олади. “Улоқда” ҳикоясида ёритилган мавзу ўтмиш ўзбек адабиёти намуналари билан қиёсланса, мумтоз шоирларнинг ғазаллари ёр мадҳидан иборат ясама, сунъий, баландпарвоз таърифлардан ташкил топгани очиқ кўриниб қолади. Илк изланишлари билан ўзбек адабиётига янгилик киргизган Абдулла Қодирий “Улоқда” ҳикоясида ҳаёт воқелигини бадиий акс эттириш орқали ватандошларининг турмуш тарзига танқидий ёндашади. Ҳикояда улоқ-кўпкари ўйини ишқибози ўспирин Турғуннинг ҳаётидаги бир кун санъаткорона маҳорат билан тасвирлаб берилади. Шу боис унда жонли турмуш манзараси ярқираб кўринади. Айни шу асосига кўра “Улоқда” ҳикояси ўзбек адабиётидаги миллатпарварлик ғояси билан суғорилган асарлар қаторида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Чунки унда воқелик ҳаётий ва жонли чизиб берилади, ҳикоядаги персонажларнинг ҳолати, хатти-ҳаракати тасвири ва гап-сўзи ўқувчининг фикр ва туйғуларига кучли таъсир қилади. Ҳикояда муаллифнинг сўз санъаткори сифатидаги юксак маҳорати яққол намоён бўлади. “Улоқда” ҳикояси маънодор эканлиги туфайли у ким учундир таълимий-ташвиқий характердаги асар бўлиб кўринади, кимдир эса уни худди Фитрат сингари “ўзбек адабиётидаги энг гўзал ҳикоя намунаси” деб билади. Бу ҳи-

кояни “таълимий-ташвиқий характердаги асар” деювчилар шунинг учун ҳақлики, унда эскича турмуш тарзи танқид қилиниб, туркистонликлар маиший турмуш ташвишлари гирдобида қолиб кетгани кўрсатилади. “Улоқда” ҳикоясини “ўзбек адабиётидаги энг гўзал ҳикоя намунаси” деганларнинг сўзи шунинг учун асослики, унда обек таъкидлаганидек, “Ёзувчи воқеаларни устида муҳокама қилмайди, тушунтирмайди, исбот қилмайди, балки образлар билан кўрсатади” (Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 9-том: Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 352 б. – 250-бет). “Қутлуғ қон” романи муаллифи “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” тадқиқотида “Улоқда” ҳикояси баркамол бадиий асар эканини атрофлича тавсифлаб, Абдурауф Фитратнинг бу ҳикояга берган баҳосини тасдиқлайди. Абдулла Қодирий ушбу ҳикоясидаги персонажлар образини ёрқин тип даражасига кўтаради. Ҳикоядаги ўспирин Турғун ҳам, бошқа персонажлар ҳам ўзида ўша давр кишиларининг типик хусусиятларини акс эттирувчи одамлар образи сифатида тасаввурда жонланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Белинский В.Г. Адабий орзулар: Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 264 б.

2. Беҳбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: “Маънавият”, 1997. – 232 б.

3. Қодирий А. Диёри бакр: шеърлар, ҳикоялар, саҳна асарлари, ҳангома, фелъетон ва мақолалар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2007. – 472 б.

4. Қодирий А. Кичик асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969. – 216 б.

5. Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. 9-том: Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – 352 б.

6. Собир Жумаев. “Осиёнинг бойир бедови”. – “Маънавий ҳаёт” журнали, 2021 йил, 4-сон.

7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 608 б.

8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 10-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 656 б.

9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б.

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси: 9-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 704 б.

11. Фитрат А. Танланган асарлар: Ж.IV. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – 336 б.

12. Чўлпон. Асарлар: Уч жилдлик. Ж.2. Роман. Ҳикоялар. Сафарнома. Таржималар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 472 б.

QODIRIYSHUNOSLIK QIRRALARI

Xoldarov Dilmurod Erkinjonovich
Phd, dotsent, Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
E-mail: dkholdarov@mail.ru

Annotatsiya: *Ushbu maqolada munaqqid Bahodir Karimning “Abdulla Qodiriy va germenevtik tafakkur” kitobidagi xalqimizning ma’naviy mulkiga aylangan san’at durdonalarining turli davrlardagi talqinlari, ularga bugungi kun nuqtayi nazaridan yondashganligi va kelgusidagi qodiriyshunoslik oldida turgan dolzarb muammolarini yoritib berishi aks etadi.*

Kalit so‘zlar: *hikoya, badiiy obraz, talqin, syujet, yozuvchi mahorati, badiiy so‘z, xarakter, portret.*

Annotation: *This article reflects the interpretations of the masterpieces of art that have become the spiritual property of our people in different periods in the book “Abdullah Qadiri and hermeneutic thinking” by the critic Bahadir Karim, his approach to them from the point of view of today, and the current problems facing the future studies of Qadiri.*

Keywords: *story, artistic image, interpretation, plot, writing skill, artistic word, character, portrait.*

Adabiyot deb atalmish buyuk tafakkur ummoniga qo‘shilgan har tomchining qadri o‘z vaqtida anglanmasligi tabiiy. Faqat uning nechog‘liq qimmatga ega ekanligini kuzatib turganlar yoki his qilganlar bilishlari mumkin. Abdulla Qodiriy ijodi ham adabiyot ummoniga o‘z vaqtida tomgan va ummonda o‘ziga xos to‘lqinlar hosil qilishga sababchi bo‘lgan hodisa edi. Salkam bir asr oralig‘ida havaskor adabiyotshunoslardan tortib, qalami to-

blangan munaqqidlargacha barchasi tomchidan paydo bo‘lgan to‘lqinchalar zalvorini anglashga intildilar. Va har kim olgan taassurotlarini o‘z hissiy olami ko‘lamidan kelib chiqib sharhladi. Zero, anglanishga mansub bo‘lgan qadriyatgina yillar qa’ridan eskirmay o‘zining mavjudligini namoyon qilaveradi. Abdulla Qodiriy ijodi mafkuraviy tazyiqlar girdobida turlicha talqin qilingan bo‘lsa-da, uning asl badiiy qimmatidan hech kim ko‘z yumolmadi. Sovet davri adabiyotshunoslari yozuvchi ijodiga siyosiy tus bergan bo‘lsalar, mustaqillikdan keyin adib ijodining sof badiiy estetik tomonlari talqin qilina boshlandi.

Adabiyotshunos Bahodir Karim “Qodiriy qadri”, “Qodiriy sog‘inchi”, “Abdulla Qodiriy: tanqid, tahlil va talqin” kabi kitoblari va bir qator zalvorli maqolalari bilan qodiriyshunoslikda yangicha talqin usullarini namoyon etgan. Yaqinda olimning uzoq izlanishlari hosilasi bo‘lmish “Abdulla Qodiriy va germenevtik tafakkur” kitobi nashrdan chiqdiki, bu ham qodiriyshunoslikda izlanishlar izchil davom etayotganidan darak beradi.

Munaqqid Abdulla Qodiriy ijodining talqini misolida bugungi badiiyatga yondashish kontseptsiyasiga to‘xtaladi. Abdulla Qodiriy ijodiga dunyo adabiyotshunoslari tomonidan e’tirof etilgan badiiyat tamoyillaridan kelib chiqib munosabat bildiradi. Sho‘ro tanqidchilarining Abdulla Qodiriy va uning salaflari ijodiga biryoqlama baho berganligiga o‘zining salbiy munosabatini bildiradi. Bir “ong” tomonidan yaratilgan matn bir “sub’ekt” orqali ilmiy tilga ko‘chirilishini sharhlar ekan, “Badiiy asar matnini to‘g‘ri, o‘z holicha, hech qanday mafkuraviy-siyosiy ta’sirlarga berilmasdan tushunib olish natijasida, unda tasvirlangan voqea-hodisalar, his-tuyg‘ular”ni anglash, munaqqidning asosiy vazifasi ekanligini ta’kidlaydi. Badiiy adabiyotga sinfiylik nuqtayi nazaridan yondashish, yozuvchining maqsadi va niyatini tushunmaslik, adabiyotning mafkuraviy qurolga aylantirilishi oqibatida paydo bo‘lgan salbiy illatlar 30-yillar adabiyotida, xususan, Abdulla Qodiriy ijodiga nechog‘liq ta’sir etganligini dalillar bilan isbotlaydi. Olim

to‘g‘ri ta’kidlaganidek: “Asarni jiddiy tahrir etishga chanqoqlik, yozuvchining dunyoqarashi bilan hisoblashmaslik, so‘z san’atining nozik va nafis spetsifikasini nazar-pisand qilmaslik, har qanday adabiy voqelikka firqaning siyosiy-mafkuraviy pozitsiyasidan sinfiy yondashish, o‘zgani xatokor, o‘zni mutloq haqgo‘y deya tasavvur etib, boshqaga yo‘l ko‘rsatish va aql o‘rgatishga ishtiyoqmandlik – bularning barcha-barchasi vulьgar sotsiologizm illati negizidagi biryoqlama siyosiy talqinlarning asosiy xususiyatlari edi”. Yetakchi mafkura bilan qurollangan tadqiqodchilar Fitrat, Cho‘lpon ijodiga qanday yondashgan bo‘lsalar, Abdulla Qodiriy ijodiga ham shunday munosabatda bo‘lganlari bugun barchaga ayon.

Bahodir Karim Abdulla Qodiriy ijodiga, xususan, “O‘tkan kunlar”, “Mehrobdan chayon” romanlariga munosabat bildirgan Mixail Sheverdin, Sotti Husayn, Oybek, Miyon Buzruk Solihov, Izzat Sulton kabi adib va olimlarning tadqiqodlariga to‘xtalar ekan, ularning qarashlaridagi ijobiy va chegaralangan fikrlarni xolislik bilan tahlil qiladi. Adabiyotga mafkuraning kirib kelish bosqichlari, sho‘ro siyosati va asta-sekinlik bilan badiiyatning siyosiylashuvi dalillar bilan ochib beriladi. “Yozuvchining estetik idealini ham, asar mohiyatidagi nafosatni ham aniq-tiniq tushungan holda, siyosatning moneliklari tufayli ularni tushuntirishning imkoni bo‘lmasa, albatta, g‘ayritabiiy talqinlar” aytilishini yuqorida nomlari tilga olingan munaqqidlar fikrlari asosida dalillaydi.

Abdulla Qodiriy ijodini har davr munaqqidlari siyosiy-mafkuraviy posongidan turib talqin qilganligi, undan siyosatga oid ma’nolar chiqarishga uringanlari va nimalarnidir kashf etganliklari holda, asarning sof estetik mohiyatini inkor etolmaganlari tarixiy haqiqat. 30-yillar tanqidchilari Abdulla Qodiriy ijodidan sinfiylik alomatlarini qidirgan bo‘lsalar, 60-80-yillarda adib sotsializm tarafdoriga aylantirildi.

Munaqqidlar Abdulla Qodiriy ijodi haqida gap ketganda, aksariyat hollarda, yozuvchining romanlarini esga oladilar xolos. Uning jahon hajviyoti bilan bo‘ylasha oladigan hajviy asarlari chetda qolib ketaveradi. Bahodir Karim Abdulla Qodiriyning satirik asarlariga ham keng to‘xtaladi. Kitobning “Satirik talqin qirralari” deb nomlangan bo‘limida adib qo‘llagan taxalluslar, ijodkor tabiatidagi voqelikka tanqidiy munosabat tahlil qilinadi. Unda “maxfiy taxalluslarni qo‘llash” natijasida paydo bo‘lgan ayrim chalkashliklarga aniqlik kiritiladi. Jumladan, “20-yilar adabiy jarayonida, ilmiy hayotida faol bo‘lgan Cho‘lpon, G‘ozi Yunus, Ashurali Zohiriy, Vadud Mahmud kabi ijodkorlar”ning shartli imzolari natijasida “asarning qaysi ijodkorga tegishli ekanligi”, “birovning asari boshqaga nisbat berilish” holatlari aniqlanadi. “Vov” taxallusi bilan “Turkiya matbuoti” maqolasini yozgan Abdulla Qodiriy emas, balki Vadud Mahmud ekanligi faktlar asosida ilmiy izohlanadi. Olimning ta’kidlashicha: “Shu paytgacha Abdulla Qodiriyga nisbat berib kelingan va adibning “To‘la asarlar to‘plami”ni nashrga tayyorlash munosabati bilan shubha ostiga olingan yana bir imzo bor: Shapaq maxzum. Mazkur birinchi jilddagi “Izohlar”ga ko‘ra “Kichik asarlar”ga kiritilgan “Lahmi qadid”, “G‘irvonlik Mallavoy”da e’lon etilgan “Lahmi qadid”, “Ihiy, bazmimiz tarala gijdang!”, “Joying jannatda bo‘lsin”, “Bechora Roziqboy aka”, “Maymunlarimiz” degan besh hajviya Abdulla Qodiriy qalamiga mansub emas. Shapaq maxzum imzosi bilan bitilgan bu besh hajviyaning kitoblardan o‘rin olishi xato” ekanligi ta’kidlanadi.

Bahodir Karim adibning hajviy asarlari talqinidagi matnosti ma’nolariga e’tibor bermaslik natijasida paydo bo‘lgan yuzaki qarashlar, “hajviy qahramonlarning salbiy ekanliklarini ta’kidlaganlari holda, Abdulla Qodiriyni ham faqatgina yangi jamiyat yo‘lidagi kurashchi, sotsialistik jamiyat targ‘ibotchisi, eski jamiyat, din-diyonatning ashaddiy dushmani” sifatidagi qarashlarga yangicha mezonlar asosida fikr bildiradi.

Ma’lumki, Abdulla Qodiriy asarlari metodini aniqlash 30-yillardayoq adabiyotshunoslarda qiziqish uyg‘otgan. 60-80-yillarda bu jarayon ancha faollashgan. Olim bahs-munozaralar tafsilotini sharhlar ekan, davr adabiyotshunoslari ustidan hukm surib turgan mafkuraviy siyosatning ta’sirini unutmaydi. U asosiy diqqatini bahslar bahona “Abdulla Qodiriyning dunyoqarashi, ijtimoiy fikri, qahramonlarining holati, tasvirlash san’atidagi yetakchi xususiyatlar borasidagi fikr-mulohazalar”ga qaratadi. Badiiy asar talqinidan ko‘zlangan asosiy maqsad ham shunda-da. Ijod namunasini ma’lum bir metodga mengzash, ma’lum bir nazariyalar qolipiga tiqishtirishlar o‘zini oqlamaganligi dunyo adabiyotshunosligidan ham ma’lum-ku!

80-yillarning oxiri, 90-yillar boshlaridagi yangilanish shabadalari adabiy tanqidda ham bo‘y ko‘rsata boshladi. Endi san’at asarlari talqiniga mafkuraviy tazyiqlar ostidan emas, bevosita matn orqali yondashish, yangicha tamoyillar asosida qarash kuchaydi. Mazkur kitobning “Badiiy-estetik tafakkurning yangilanishi va qodiriyshunoslik” bo‘limida ana shu o‘zgarishlarga munosabat bildirilgan. Unda Matyoqub Qo‘shjonov, Umarali Normatov, Abdug‘afir Rasulov, Murtazo Qarshiboy, Xayriddin Sultonovlarning talqinlari, fikrlar xilma-xilligi, bahstalab tahlillarga munosabat bildirilgan. Munaqqidning: “Abdulla Qodiriy ijodi yuzasidan yangidan-yangi talqinlarning maydonga kelishini, ularning tasdiqlanishi yoki inkor etilishini, ular ustida bahs-munozaralarning avj olishini ilm olamidagi tabiiy hodisa sifatida qabul etmoq joiz”, – degan fikrlaridan anglashiladiki, olim, bahs-munozaralarga bildirgan fikrlarini mutloq haq deyishdan yiroq. Adabiyotshunosning ham, talqinchining ham etik saviyasi bunga izn bermaydi. Badiiyat ko‘ngil mulki ekan, u turfalikni yoqtiradi. Bahodir Karimning Abdulla Qodiriy asarlari talqinida san’at asarlariga yangicha yondashish tamoyillarini kuzatish mumkin. Ijodkorning muhabbat tasviri talqini, vaqt

birligi, asardagi zamon va makon tushunchasi, zamin va davr manzarasi, sharqona odob madaniyati aks etgan tasvirlar tahlili o‘ta nazokat bilan talqin qilingan.

Bahodir Karim kitobning kirish qismida germenevtika istilohi haqida so‘z yuritadi. Germenevtika “tushunish”, “tushuntirish” ma’nolarini bajarar ekan, bu holat bevosita matn bilan bog‘liq holda amalga oshiriladi. Matnga chuqur kiraolmaslik yoki matndan chiqib ketish tushuntiruvchini yanglishtiradi. Matn ijodkorning xususiy mulki ekan, talqinchi unga kirish uchun, albatta, uning hasbu holiga razm solishga majbur. Dunyo adabiyotshunosligida biografik metodga qayta-qayta murojaat qilinayotganligi ham be’jiz emas. Olim to‘g‘ri yozganidek: “Abdulla Qodiriy qahramonlarining ma’naviy-axloqiy dunyosini adibning estetik olamidan ayrilgan holda tasavvur etish qiyin”. Kitobda adibning yaqinlari, o‘g‘li Xondamir Qodiriyning “Otam haqida” kitobi, matbuot materiallaridagi kichik detallar ham inobatga olingan va ishga jalb qilingan. Ayniqsa, Abdulla Qodiriy ijodini xorijda o‘rganilishiga doir ma’lumotlar qodiriyshunoslikda yangicha qarashlar boshlanayotganligidan darak beradi. Eden Nabi (AQSh, Kolumbiya), Xristafor Maykel Murfi (AQSh, Vashington), Ingeborg Baldauf, Zigrid Klaynmixel (Germaniya, Gumbold) kabi olimlarning o‘zbek adabiyoti, xususan, Abdulla Qodiriy ijodi haqidagi tadqiqotlariga batafsil to‘xtalgan. “Xorijdagi olimlarning bu xizmatlari o‘zbek adabiyotini, Abdulla Qodiriy ijodini dunyo adabiy jamoatchiligiga tanishtirishda katta ahamiyat kasb” etganligiga e’tibor qaratilgan.

Bahodir Karimning “Abdulla Qodiriy va germenevtik tafakkur” kitobi xalqimizning ma’naviy mulkiga aylangan san’at durdonalarining turli davrlardagi talqinlari, ularga bugungi kun nuqtai nazaridan yondashganligi va kelgusidagi qodiriyshunoslik oldida turgan dolzarb muammolarni ilm ahliga havola qilganligi bilan ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Каримов Б. “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур” – Тошкент: “Akadem nashr”, 2014.

2. Karimov B. Abdulla Qodiriy: tanqid, tahlil va talqin. Toshkent: 2006.

3.Qodiriy H. Otam haqida. Toshkent:1983.

4. Qo‘shjonov M. Abdulla Qodiriyning tasvirlash san’ati. Toshkent: 1966.

5. Qodiriy A. O‘tkan kunlar. Toshkent: 2004.

РАУФ ПАРФИ ИЖОДИДА ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ СИЙМОСИ

Олим ОЛТИНБЕК
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиётиуниверситети доценти **,**
*филология фанлари номзоди***,**

Аннотация: *Ушбу мақола шоир Рауф Парфи ижодида адабий сиймолари яратилган Абдулла Қодирий*, Абдурауф Фитрат, *Абдулҳамид Чўлпон ва Усмон Носир каби қатағон қурбонлари бўлмиш адибларимиз ҳақида*.

Калит сўзлар: *қатағон қурбони*, *адабий сиймо*, *салаф*, поэтик образ, *ўхшатма*, сталинизм, *манқуртлик*, *туркчилик*, *шеърий туркум*, *Туркистон дафтари*

Шоир Рауф Парфи ўзининг “Қутлуғ Туркистон” китоби қўлёзмасида шундай ёзиб қолдирган эди: “Улуғ Туркистоннинг тўққизта улуғ дарёси бор: Амударё, Сирдарё, Абдулла Қодирий дарёси, Абдурауф Фитрат дарёси, Абдулҳамид Чўлпон дарёси, Мухтор Авезов дарёси, Чингиз Айтматов дарёси, Олжас Сулаймон дарёси... Менинг томирларимда ҳам шу тўққизнинг қони оқади. Мен бу улуғ дарёларнинг соҳилларида доим саргардонман, ташнаман, очман, муҳтожман...” Бу ерда маънавий ташналик ва муҳтожлик ҳақида гап кетмоқда. Рауф Парфи, айниқса, юрт ва миллат ҳуррияти учун курашган ва бу йўлда қурбон бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон “дарё”ларига ичкин бир ташналикни ҳис қилади ўзида. Шундан, Рауф Парфи бу адибларимиз шахсиятига айрича бир меҳр билан қаради ва ўз ижодида уларнинг бадиий сиймосини яратишга ҳаракат

қилади. Буни англаган зукко адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд ўзининг “Анварий, Хоқоний ва Байрон изидан...” мақоласида: “Миллатпарвар, ҳақ сўзли Рауф Парфи каби шоирлар ижоди туфайли Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирлар қайтиб келгандай бўлди”, – деб ёзади.

Рауф Парфи шеъриятида сиймоси яратилган бу улуғларнинг биринчиси **Усмон Носир** эди. Шоир ўзига устоз деб билган бу салафининг нафақат шеърияти, балки шахсиятининг ҳам мафтуни ва ошиғи эди. Академик Бахтиёр Назаровнинг “Рауф Парфи портретига чизгилар” мақоласидаги куйидаги сўзлар фикримизга далил: “Суҳбатимиз мавзуси Усмон Носирга ўтганида ташқарига чиқдик. Ҳозирги Амир Темур хиёбони (у вақтларда Инқилоб хиёбони дейилгучи эди)даги ўриндиқлардан бирида деярли бир соат атрофидаги суҳбатимиз Усмон Носир мавзусида давом этди. Мен шунда Рауфнинг бу шоир ҳаёти ва ижодини нақадар чуқур билишига ҳайрон қолдим. У Усмон Носирнинг айрим мисраларини ёд айтар, айрим поэтик образларини шу қадар нозик талқин этар эдики, мен унга бир-икки ажабланиб қараётганимни ўзи ҳам сезди”.

“У (Рауф Парфи – О. О.), – дейди Бахтиёр Назаров яна шу мавзуни давом эттириб, – талабалик йиллари Усмон Носирнинг ниҳоятда кучли таъсири остида бўлди. Шоирнинг “Кундай ёруғ, тундай қора экан кўзларинг” мисрасини тез-тез такрорлашни хуш кўрар эди.” Дарҳақиқат, Рауф Парфи ўша узоқ талабалик йилларида мазкур мисраларни эпиграф олиб “Ойдинлик” номли шеър битган эди. Бу мисралар Усмон Носирнинг:

Гулзор **–** чаман***. Юр*** боғларга
Элтай етаклаб***.***
Бинафшалар териб берай
Сенга этаклаб**, –**

мисралари билан бошланувчи шеъридан олинган. Рауф Парфи ҳам “Ойдинлик” шеърида айнан шу вазн ва шу шаклни сақлаб қолади:

Ой сузади*.* Музлаган кеча,
Қор уфурар*.*
Тумонатда бир юлдуз мунча
Ғамгин турар*...*
Ғуж-ғуж юлдуз*, **ой*** холий*,*
Боқасанми*?*
Ишқ дарёси оқар хаёлий*,*
Оқасанми*?..*

Рауф Парфининг 1965 санада ёзилган “Усмон Носир” шеъри балки бутун ўзбек адабиётида қатағон қурбонлари ҳақидаги биринчи шеър бўлса, ажаб эмас. Шоир бу шеърда Усмон Носирнинг фожеали ҳаёти учун шеъриятни сўроққа тутади. Чунки 25 ёшида қаттол қатағон машинасига боши тортилиб, айбсиз жувонмарг этилган бир беғубор ўсмир учун бошқа ҳеч бир касни сўроққа тортиш имкони йўқ эди у замонда. Мана ўша шеърдан баъзи байтлар:

Шеърият*,* йўлларингда сенинг*,*
Эҳ*,* кимлар зору зор кезмаган*.*
Эҳ*,* кимлар чок этиб кўксини*,*
Қалбини ғижимлаб эзмаган*.*

Мен биламан сени, шеърият*,*
Юрагимнинг сенсан улфати*.*
Лекин*,* эвоҳ*, **шу*** эдими*,* айт*,*
Шу эдими шоир қисмати*?*

У Лайло атаган, Шеърият,
Мажнунингни нечун ташладинг*?*
Шу эдими ошиққа қисмат,
Муқаддас кўзларни ёшладинг*!*

Хато йўлга кирган бўлса ул,
Нега сен тутмадинг қўлидан*?*
Шундай кетди яна бир ўғил,
Сақлаб қололмадинг ўлимдан*...*

Қандай аянч, бу надир ахир,
Кечирмасман сени ҳеч қачон*.*
Вужудимни ғижимлар оғир
Руҳим ичра яланғоч виждон*...*

Ён, шеърият, тутунга айлан,
Оқ қиламан, тамом бўл, жигар,
Ўз шеърини ул ўзи билан
Ёндиргани рост бўлса агар!!

Рауф Парфи Усмон Носирнинг "Юрак" ғазалига ёзган мухаммасида (1985) ҳам шеъриятимиздаги Усмон Носирга хос оҳангни мана шундай бир шаклда давом эттиради:

Оёғим йўқ, қўлим йўқдир, йиқитгайман бу дорингни,
Юрак сенсан, тавоб этгум ювиб дарду ғуборингни,
Кўрарсен бир куни бўзлаб ўшал туркий диёрингни,
Сен, эй сен, ўйноқи дилбар, зафардан изла ёрингни,
Тўлиб қайна, тошиб ўйна, тириксан, куйла борингни*.*

Рауф Парфи эътиборидаги энг улуғ шоирларимиздан яна бири – **Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон**дир. Шоирнинг Чўлпон шахси ва ижоди билан танишуви ҳам узоқ талаба-

лик йилларига бориб тақалади. “1961 йилнинг охирлари эди, – деб бошлайди хотираларини машҳур ҳофиз Дадахон Ҳасан. – Ўша пайтларда мен билан яқин дўст бўлиб юрган Турсунали Парпиев кунлардан бир куни қўлимга машинкаланган, хира тортиб кетган бир даста шеърлар тутқазди. “Буни Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон дейдилар”, – деди у ғурур билан. Мен бу номни сира ҳам эшитмаган эдим. Қўлёзмани ўқий бошладим. Бу шеърлар бошқачароқ-ку, Уйғун, Ҳамид Олимжонларга ўхшамайди-ку? – дедим Турсуналига. “Шунинг учун Чўлпон-да!” – деб, мийиғида кулиб қўйди Турсунали...” Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай хотирлайди: “Олтмишинчи йиллар. Қатағон этилган шоирларнинг ижоди билан таниша бошладик. Чўлпоннинг асарларини яширинча ўқиганларимизни эслайман. Шундан кейин миямизда “Турон, Туркистон” каби сўзлар уйғонди. Ватанни, чин ватанни таниш жараёнини сўз билан гапириб бериш қийин. Фикрлар аста-аста келган, ҳислар секин-секин кечган... кўнгилда гиря кучайиб борган”...

Дарҳақиқат, Рауф Парфининг 1965 йил тартиб берилган шеър дафтарида Чўлпоннинг “Бир тутам сочларинг менинг қўлимда, Ғижимлаб ўпайми ё тараб очай...” мисралари билан бошланувчи шеъри кўчириб қўйилган ва унинг тагида эса Рауф Парфининг “Кумушдай қўлларинг менинг бўйнимда, Зуннор деб атайми ё юлиб ташлай?..” деб бошланувчи “Чўлпонга ўхшатма”си ўрин олган. Буларнинг барчаси Рауф Парфини Чўлпон шахси ва ижоди билан талабалик йилларидаёқ таниш эканлигига далолат қилади.

Кейинчалик шоир ўз устозига бағишланган “Абдулҳамид Сулайон Чўлпон” шеърини ёзди. Шеър учта сонетдан иборат. Учинчи сонетда Чўлпон сиймоси тиниқроқ акс этган:

Оҳ, шоир қисмати ярқироқ, гулгун,
Завқларга тўлар ***у. Бир*** сўзни излар.

Дунёда ҳеч бир зот билмас не учун,
Айрича кулар ***у,*** айрича бўзлар.

Йўлсизлик йўлдоши, толеи нигун,
Ҳеч қачон тўярми ахир ёвузлар.
Бу – халқ душмани, деб тутсалар бир кун,
Барибир, ***у*** халқнинг номидан сўзлар.

Бошида қора қиш, оппоқ баҳорлар,
Юраги ярим-у, бутун иймони,
Талотум оламни шивирлаб чорлар.
Тани омонатдир, нақд эрур жони,
Кўкрак қафасида ловуллаб порлар,
Буюк муҳаббатнинг қонли нишони.

Рауф Парфи ғаладонида мақолалар унча кўпмас. Лекин Чўлпон ва Фитрат ҳақида алоҳида мақолалар ёзганини гувоҳи бўламиз. Шоир Чўлпонга оид мақола “Шеърият ҳуқуқи” деб номланади. Мана, ундаги Рауф Парфининг Чўлпон ҳақидаги фикрлари: “Ўзбек маънавияти осмонида бир Чўлпон юлдузи порлади, тобора ўзига жалб этди ва унинг овози бутун бир халқнинг ҳайқирган овози эди.

Абдулҳамид Чўлпон зулмга қарши, сталинизмга қарши, манқуртликка қарши озодлик учун, Шеърият ҳуқуқи учун курашаётганларнинг сардорларидан биридир. Халқ шундай шоирини кўп замонлардан буён кутган эди. У келди ва кураш майдонига чиқди. Ҳақ ва Ҳақиқат йўлида қурбон бўлди. Бу ёруғ дунёда у ёлғиз эмас эди, унинг тенгдошлари, маслакдошлари (...) жуда кўп эди, бу эски шайтанатда. Улар юзлаб шоирлар милён-милён халқларнинг фарёдига айланган зулмга қарши – Инсон Ҳақлари учун, Шеърият Ҳуқуқи учун ўртага чиққан Муқаддас Шеърият лашкари эдилар”.

Рауф Парфи ўз ижодида Чўлпон сиймосинигина яратиб қолмади, балки у улуғ устозининг юрт озодлиги ва шахс эрки билан боғлиқ ғояларини ҳам давом эттирди. Биз бунинг ёрқин намунасини “Абдулҳамид Чўлпонга мухаммас” шеърида ҳам кўришимиз мумкин:

Юзлашдинг балоларга**,** аламлар ичра кўзлашдинг**,**
Ўзинг куйдинг**,** ўзинг ёндинг**,** ўзгалар ҳаққи ўзлашдинг**,**
Бу қул бозоринда изғиб қумрилар каби бўзлашдинг**,**
Кўнгил**, *сен*** бунчалар нега кишанлар бирла
дўстлашдинг**,**
На фарёдинг**, *на*** додинг бор, нечун сен бунча
сустлашдинг***?***

Рауф Парфининг **Абдурауф Фитрат**га бағишланган мақоласи “Фитрат шеърияти” деб номланади ва мақолада бу шеъриятнинг асл моҳиятини очиб берувчи қуйидаги сўзлар дарж этилган: “Фитрат шеърияти ночор қолган шоирнинг ўтли нидоларидангина иборат эмас, у Туркистонни оёқости қилган келгиндилар ва жаҳолат туфайли товушлари ўчган ватандошларига аччиқ нафратли мурожаатидир. Шеърларининг шаклий қурилишлари ҳам мавзу эътибори билан ўзига хосдир. Бу шеърият мутлоқ янгича бўлиб, янгича шуур, янгича дунёқарашнинг янгича тамойилларини ўзида акс эттирарди...” Бу кўчирмада Фитратнинг адабиётдаги хизматларига кўпроқ эътибор қаратилган. Мақолани ўқишни давом эттирсак, ўша давр мазлум Туркистон муҳитида бундай шахснинг дунёга келиши тарихий зарурат эканлиги маълум бўлади: “Чор империяси, кейинчалик қизил салтанат Туркистон мусулмонларининг, айниқса, турк халқларининг бирлашувидан қаттиқ қўрқарди, шунинг учун тиш-тирноғи билан қуролланиб туркчиларни, туркчи бўлмаганларни ҳам, умуман, тубчак аҳолидан чиққан

мунавварларни тирик қолдирмасликка киришди. Ўғри, босқинчи, маккор, худосиз маҳлуқлар муқаддас Туркистон тупроғини таладилар, бўғдилар, қонга ботирдилар.

Туркистон – ўзининг балогардонини, улуғ фарзандининг туғилишини жуда-жуда кутар эди ва Аллоҳ иродаси-ла у Инсон туғилди – Абдурауф Фитрат насаби билан дунёга келди".

Фитрат ҳақидаги ушбу мақолада яна бир жумлага дуч келамиз: "Биз агар Томас Манни билмаганимизда эди, кўп нарсани йўқотган бўлардик. Аҳли дунё **Абдулла Қодирий**ни билмагани учун кўп нарсани йўқотди". Дарҳақиқат, Рауф Парфи улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийни нафақат миллатимиз ҳаётидаги, балки дунё адабиётидаги ўрнини ҳам ҳис қилган ижодкор эди. Шоирнинг Абдулла Қодирийга муҳаббати талабалик йиллари билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 60-йилларида Киномотография Давлат комитетининг раиси лавозимида ишлаган машҳур адабиётшунос Азиз Қаюмов эндигина университетни тамомлаган Рауф Парфини ишга олади. Олим ўзининг "Халқ ёдида шундай қолади" хотира мақоласида Рауф Парфининг биринчи иш куни ҳақида шундай хотирлайди: "Унинг биринчи қилган иши – ўзи ўтирган стол ёнидаги деворга Абдулла Қодирийнинг катта портретини осиб қўйиш бўлди. Мен билдимки, унда Абдулла Қодирийга бўлган муҳаббат бор. Қодирий асарларини ўқиган, ундан ибрат олган. Бу воқеадан мен беҳад мамнун бўлдим..."

Рауф Парфи энг гўзал шеърий туркумларидан бири "Она Туркистон" шеърини Абдулла Қодирий хотирасига бағишлайди, улуғ адибнинг "Аҳволимиз" ғазалига тахмис боғлайди. Мана, ўша тахмиснинг биринчи банди:

Йил ўтуб, йиллар ўтуб тобора лойга ботамиз,
Иблиснинг супрасинда ваҳдат майини тотамиз,

Онамиз балки гумроҳ, балки сўқирдир отамиз,
Кўр, бизим аҳволимиз, ғафлатда қандай ётамиз,
Жойи келган чоғида виждонни пулга сотамиз.

Буларнинг барчаси шоирнинг улуғ адибимиз шахси ва ижодига буюк ихлосини кўрсатади.

Замонавий шеъриятимизда Рауф Парфи издошларидан бири шоир Хуршид Даврон шундай ёзади: “Рауф Парфи бўлмаганида, Фитрату Чўлпон ёза бошлаган Туркистон дафтари давом этмасди”. Дарҳақиқат, шоир Рауф Парфи қатағон қурбонлари бўлмиш Фитрату Чўлпон, Қодирию Усмон Носирларнинг нафақат бадиий сиймосини яратган, балки уларнинг юрт истиқлоли ва миллат истиқболи билан боғлиқ ғояларини ҳам муносиб давом эттирган ижодкор эди.

ХОТИРАЛАР ЗИМНИДАГИ ҲАҚИҚАТ

Умида Расулова
Проф

Аннотация: *Мазкур мақолада Абдулла Қодирий авлодининг қисмати кундалик ёдномаларга асосланган тарзда ёритиб борилади. Хотирада инсон иродаси, қаноати, шижоати янглиғ фазилатлар хусусида мулоҳаза юритилади.*

Калит сўзлар: *кундалик, мактуб, суҳбат, синоат, адолат*

Annotation: *In this article, the part of Abdullah Qadiri's family is covered based on daily records. In memory, human will, contentment, bravery are discussed about the fiery virtues.*

Keywords: *diary, letter, conversation, industry, justice*

Ўзбек миллати ҳурлиги, озодлигини олий маслак санаган жадидлар шарафли йўли эътиборга молик. Улар халқнинг маърифат дарғалари бўлиб, битиклари ила чин сўзни, эркин фикрни сингдиришга аҳд қилганлар. Зиёлилар динимиз, тилимиз, тарихимиз, маданиятимизни асраш, қадриятни эъзозлаш йўлида ибрат бўлганлар. Абдулла Қодирий ҳаётининг долғали кунлари борасида ворисларининг ёдномалари китобхонга асрорни аён этади. Қатағон сиёсати қурбонлари шаҳид бўлса, улар насли саргардон, дарбадарлик синовига ҳукм қилинган. "Отам ҳақида", 37-хонадон", "Қодирийнинг сўнгги кунлари" каби асарларда адиб шахсияти, ахлоқий-эстетик қарашлари тиниқлашиб боради.

Қодирийнинг "Тирик хотиралар" асарида оталар ва фарзандлар орасидаги ришталар садоқату эҳтиром узви ила пайвандланади. 1973 йилдан 1975 йилгача ёзилган хо-

тиралар оилада отадан (1937), онадан (1943) айрилиқ, қўни-қўшни, қариндош-уруғ муносабати ҳаётий лавҳалар билан кўрсатиб берилади.

Ўтмишга нигоҳ ташлаб, талабалик давридаги касаллик, оиладаги мураккаб вазиятлар Ҳабибуллонинг шифокорлик касбини эгаллашига тўсқинлик қилгани аён бўлади. 1945 йил май ойида адиб хонадонига келиб тинтув ўтказилиши натижасида ўғли қамоққа олинади. Айбдор кишининг ўғли, ўқиш таъқиқланган отасининг асарларини уйда сақлагани, ҳукуматга қарши ташвиқот юргизгани боис Ҳабибулло 10 йилга озодликдан маҳрум этилади. Умрининг ёшлик суруруни ҳис этмаган йигит талабалик бахтидан мосуво бўлиб, Свердлов, Қарағандадай совуқ ўлкага сургун қилинади.

Абдулла Қодирийнинг имону эътиқодли шахслар билан алоқасининг фарзандлар томонидан давом этиши Ҳожи қори ака, Исоқ домлалар одамохунлигида кузатилади. Инсондаги ўзлик, ғурур фитратига сокинлик, ҳаловат бахш этиши, қалтис дамда ҳам Яратгандан умидворлик уларни наслларга ибрат айлаган.

Диний ва дунёвий илм маҳзанини англаб, миллат шуурига сингдириш осон бўлмаган дамда бошини кундага қўйган шахслар тақдири аёнлашади. “Ўткан кунлар” романидаги характернинг биографик асоси хусусидаги эътироф ҳам эътиборни тортади: ”Бунингдек, оталар халқимиз орасида гарчи кўплаб учраса-да, негадир мен бу кишини Юсуфбек ҳожи образига жуда-жуда ўхшатаман. Дадам албатта, Юсуфбек ҳожини сиёсий бир арбоб, маълум табақанинг вакили этиб тасвирлайдилар. Алижон домлада гарчи бу томонлар кўринмаса-да, ҳар ҳолда бошқа жиҳатлари, менимча, руҳан ва жисман Юсуфбек ҳожи тимсоли кабидир”(112-б)

Адабиёт муҳибига номаълум ҳолату вазиятга ойдинлик киритилар экан, санъатлараро алоқадорлик масаласига тўхталинади. Маълумки, совет пайтида “Ўткан кунлар” романи

асосида бадиий фильм яратилган. Афсуски, русийзабон мутасаддилар асарнинг асл маҳзани миллий руҳни ҳис этмагани боис Ҳабибулло Қодирий норози бўлган. Асарнинг фильмга мослаш мақсадида қисқартирилгани, сценарийнинг давр хусусиятини очиб беролмагани, тўқима эпизодлар қўшилгани виждонли олимларни ҳам безовта айлайди.

Йиллар ўтиб, яна фильм яратиш бобида сусткашлик, лоқайдликка йўл қўйилиши Тоҳир Маликнинг: "Икки қисмли фильм учун сценарий ёзила бошлади. Каминани адабий маслаҳатчи вазифасига таклиф этдилар. Билсам, сценарий рус тилида ёзилаётган экан, "дод" деб юбораёздим. Аввалги фильм ишқ можаросини берган, энди диққатни миллат дардига қаратиш керак" мулоҳазасида юзага чиқади. Авлодларни маънан юксалтирган, миллатпарвар Юсуфбек, Отабек, Алим тийнатидаги имону жасорат туйғуларини талқин айлаган адиб ёрқин номига доим эҳтиром кўрсатиш лозим.

Ҳабибулло Қодирий отасининг қадрдонларига оид лавҳаларни тақдим қилар экан, суҳбатдаги қизғин жараённи ёдга олади. Масъул идораларда хизмат қилиб, адабиёт, санъатга ошно инсонларнинг илму маърифатга садоқати, миллатга муҳаббати балқиб туради. Ҳожи қори, Эшон Бобохон қори, Зиёвуддин қори янглиғ дин уламоларининг собиқ тузум тазйиғидан ҳайиқмай ҳалоллик, софдиллик билан халқнинг хизматида бўлганлари ҳаётий лавҳалар билан асосланади.

Абдулла Қодирий оиласига бўлган эҳтиром отанинг атрофидаги зиёли қатламнинг насллари меҳру оқибати, самимиятида кузатилади. Йиллар давомида адиб хонадонидаги анъаналар сақлангани, ота қадрдонлар орасидаги ришталарнинг мустаҳкамлангани дин уламолари, ёзувчиларнинг хотираларида тиниқлашиб боради.

Шеркон Қодирий "Ўткан кунлар" романининг Фарғона театрида саҳналаштирилиши, актёрлар маҳорати оила

аъзоларига манзур бўлгани ёдга олинади. 1988 йил Иззат Султоннинг “Абдулла Қодирийнинг ўткан кунлари” номли драматик ривоятининг Ҳамза театрида томошабин ҳукмига ҳавола этилгани эса ўзгача муносабатга сабаб бўлади. Хондамир ва Шеркон Қодирий романнинг олим томонидан қайта ишланиб, унинг номидан эълон қилинганига жиддий эътироз билдирадилар. Адибнинг ўғли Маъсуд Қодирий: “Аввало биз ёзувчининг ўғли ва набиралари спектаклнинг қандай юзага келганинидан мутлақо бехабармиз. Мавжуд қонун-қоидага кўра Иззат Султон биздан асарни саҳналаштириш ҳақида рухсат олиши керак экан. Спектаклни томоша қилгандан кейин кайфиятимиз жуда бузилиб кетди.”-дейди. Мунаққидлар бу жараёнга икки хил муносабат билдирса ҳам, Маъсуд Қодирий “Тошкент ҳақиқати” газетасида махсус мақола эълон қилади.

Хотиралар китобхонни мозийга ҳақиқатидан бохабар айлайди. Улар истеъдод соҳиблари сийратидаги ноёб фазилатларни яна бир бор кашф этишга имкон беради.

1-SHOʻBA.
ABDULLA QODIRIY VA OʻZBEK NASRI

“O‘TKAN KUNLAR” VA “TOHIR VA ZUHRA” DOSTONI: QIYOS VA TALQIN

Soatova Nodira Isomitdinovna,
JDPU, professor, filologiya fanlari doktori

Annotatsiya: *Ushbu maqola Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romanining Rahmatulla Yusuf o‘g‘li tomonidan aytilgan xalq dostoni “Tohir va Zuhra”dagi o‘xshash va farqli jihatlari talqini masalasiga bag‘ishlanadi.*

Kalit so‘zlar: *An’ana, adabiy an’ana, epik an’ana, adabiy ta’sir, romantizm, realistik uslub, fantastik tasvir, ijodiy uslub.*

Abstract: *This article is devoted to the interpretation of the* similarities and differences between Abdulla Qadiri’s novel «Otkan Kunlar» and the folk epic «Tahir va Zuhra» told by Rahmatulla Yusuf’s son.

Keywords: *Tradition, literary tradition, epic tradition, literary influence, romantism, realistic method, fantastical image, art method.*

O‘zbek xalqini yangi “zamonning “Tohir va Zuhra”lari, “Chor darvesh”lari, “Farhod va Shirin”lari, “Bahromgo‘r”lari bilan tanishtirish”ga [Qodiriy A.,1994; 203] bel bog‘lagan Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romanini yaratar ekan, xalq kitoblari deb atalgan bitmas-tuganmas ma’naviyat chashmasidan qonib-qonib suv ichgani sir emas. Asarda axloqiy-didaktik ruhning ustunligi, uning xalqona sodda va jozibali til, yengil va serjilo uslubda yozilganligi, chuqur falsafiy-hikmatona mazmunga yo‘g‘rilganligi, kompozitsiyasi, syujeti, obrazlar olami, xarakterlar yaratish usuli, konflikt va kolliziyalari, qisqasi, butun qurilishi shundan dalolat berib turibdi.

Xuddi shu nuqtai nazardan qaralganda, o‘zbek og‘zaki ijodi, xususan, uning epik dostonlari o‘zbek adabiyotida roman janrining paydo bo‘lishida dastlabki muhim manba bo‘lgan. Chunki, roman janriga xos ko‘p qirralik xususiyatlari xalq dostonlariga ham taalluqlidir. Shu sababli uni milliy-adabiy manbalardan ajratib olib o‘rganish mumkin emas.

Albatta, Qodiriy xalq kitoblaridan o‘rganish va ta’sirlanish bilangina cheklanib qolmagan, iste’dodli va mahoratli bir adib sifatida novatorlik namunalarini ko‘rsatib, bu an’analarni o‘ziga xos ravishda rivojlantirgan.

Chin sevgi va sadoqatni, ruhiy poklik va go‘zalllikni ulug‘lovchi, aksincha, razolat mol-dunyoga hirs qo‘yish, g‘iybat va adovatni qoralovchi “Tohir va Zuhra” xalq kitobi bilan “O‘tkan kunlar” romani to‘g‘risida bir qator mushtarak jihatlar mavjud. Oshiq va ma’shuqa haqida yaratilgan “Tohir va Zuhra” xalqning eng go‘zal dostonlaridan bo‘lib, sharq xalqlari orasida 6-7 xil variantida aytilib kelinadi. Biz quyida uning Rahmatilla Yusuf o‘g‘li aytib bergan variantidan foydalanamiz.

“Tohir va Zuhra” dostonida Tohir bilan Zuhra yoshligida ko‘pincha birga-birga o‘ynab yursalar-da, ular Qoraxon shohni qizini Tohirga beraman deb qilgan ahdidan bexabar bo‘ladilar. Tohir soqqa o‘ynab yurib, bir kampirning charxiga tegib ketadi. Kampir Tohirga uning Sorixon vazirning o‘g‘li ekanligi va Zuhra uning yoshligida unashtirilib qo‘yilganligi haqidagi sirni ochadi. Aslida Tohir va Zuhra o‘rtasidagi muhabbat bu sirni bilmasdan ancha oldinroq boshlangan, ular doim Gulhovuzda yashirincha uchrashib yurar edilar. Ular orasidagi oshiq-ma’shuqlikdan xabar topgan Tohirning enasi yurt ulamosi-Mulla Haqqulga borib, vaziyatni tushintiradi va undan sovchi bo‘lishini, yoshlarning boshini qovushtirib qo‘yishni iltimos qiladi. Mulla Haqqul esa, “bir-necha shumlikni o‘ylab, ko‘ngliga joylab Qoraxonni oldiga borib: “Ey podshohim. Sizga arzim bor”, deb podshohga qarab mo‘ylovini burab, soqolini silab, jo‘rttaga yig‘lab, Zuhraning hamisha Tohir bilan o‘ynashi-yu, Tohirning Zuhra qasdida

yurishidan xabar berdi: “Ey, podshohim, hali-ku qizingiz toza, yo‘ldan chiqmasa ham, shunday holda maktabda yuraversa, bugun bo‘lmasa, ertaga ishi chatoqlikka aylanadi. Endi tezroq bu ishning oldini olib, Zuhrani, birinchidan, maktabga yubormasangiz, ikkinchidan, bir belgiroq kishiga bersangiz. Bizlar to‘yni yesak” [Tohir va Zuhra.,1974;25], – deydi.

“O‘tkan kunlar” romanida esa, Otabekning Kumushni sevib qolganini sezgan Hasanali sovchilik qilishini so‘rab, Ziyo shohichiga boradi. Lekin Ziyo shohichi mulla Haqqulga o‘xshab yomonlik qilmay, ishni ijobiy bitiradi. Bu Abdulla Qodiriyning xalq dostonlaridan ijodiy foydalanganini ko‘rsatadi.

“Tohir va Zuhra”da Tohirning Zuhraga elakishganidan qahri kelgan Qoraxon podshoning “ko‘nglidagi o‘t kun sayin alanga olib, Tohirni oxiri sandiqqa solib, daryoga oqizmoqchi bo‘ladi. Bu gap elga ayon bo‘lib qoladi. “Qoraxon Tohirni sandiqqa solib, daryoga oqizar emish. Shuytib, ustoga sandiq yo‘ndirayotgan emish”, deb Zuhra ham eshitdi. Bechora Zuhra zor-zor yig‘lab, eldan yashirincha usta bolaning oldiga borib, usta bolaga yalinib shunday deydi:

Usta uka, ishda chindan,
Yog‘ochlarin yo‘ngin tindan.
Sandiq qancha mahkam bo‘lsa,
Shuncha olqish olgung mendan.
Yog‘ochini mahkam ishla,
Shanglog‘i bo‘p suv kirmasin.
Bir girdobga borganida,
Aylantirib, cho‘ktirmasin...
Agar Tohir shu sandiqda
Ming yil qolsa namiqmasin.
Balandida teshik bo‘lsin,
Tag‘in yana dimiqmasin”

[Tohir va Zuhra.,1974; 25-26] .

Zuhraning iltimosi bilan usta sandiqni suv o‘tmaydigan qilib yasaydi. Natijada bu Tohirni o‘limdan saqlab qoladi.

Abdulla Qodiriy o‘z asari voqealarni bir-biriga bog‘lashda, fabulani tashkil etishda, bayonchilikda ko‘proq xalq og‘zaki ijodi an’analariga suyanadi. Ma’lumki, “O‘tkan kunlar”da voqea bosh qahramonning Marg‘ilonga kelishidan boshlanadi. Otabek bu yerda Mirzakarim qutidorning qiziga uylanadi va birmuncha vaqt turib qoladi. Xuddi shu fursatda Otabek Kumushni uchinchi xotin qilib olish ilinjida yurgan “makkor Homidning iblisona dasisasi” [Qodiriy A., 1994;206] tufayli qamaladi. Bu voqea yozuvchi tomonidan juda ko‘p tafsillar yordamida ishonarli tasvir etilgan. Qo‘qon xoni Otabekni ham, uning qaynotasi Mirzakarim qutidorni ham dorga osishga hukm chiqaradi. Nihoyat, hukmni ijro etish daqiqasi yetib keladi. Otabek dor tagiga keltirilib, osish taraddudi boshlanganida kutilmagan hodisa sodir bo‘ladi. Mahbuslarni birgina Yusufbek hojining Otabekka yozgan maktubi o‘limdan saqlab qoladi. Bu xatni Kumush keltiradi. Odatda xalq kitoblarida ham ana shunday tugun paydo bo‘lib, qahramon to‘siqqa uchrab, o‘lim bilan yuzma-yuz kelganda qandaydir ilohiy kuch yoki sabab bilan u o‘limdan, halokatdan xalos bo‘ladi. “Tohir va Zuhra”da shunga o‘xshash epizodni yuqorida ko‘rib o‘tdik.

Abdulla Qodiriyning o‘z romanida xalq asarlaridagi ana shu usuldan foydalanganligi yaqqol sezilib turadi. Ayni chog‘da u ana shu usul vositasida qahramon tasvirida ham, voqea bayonida ham roman janriga xos epiklikni keltirib chiqaradi.

Urganch yurtida Rustamxon podshohlik qilar, uning ikki qizi - Guloysha va Gulxadicha daryo bo‘yiga sayrga chiqib turar edi. Tohir oqib kelayotgan sandiqni ko‘rgan iki qiz sandiqni talashib qoladi. Shuning ustiga kelib qolgan otasi sandiqni Guloyshaga ichidagi Xadichaga, degach uni ochishadi. “Ammo Tohir qancha odamlar so‘z so‘ragani bilan bir og‘iz ham gapirmadi. Rustamxon Tohirni gung hisoblab, Gulxadichaga hiylai sha’riy nikoh qildirib,

Gulxidicha va kuyovi Tohir uchun bir hovli ajratib berdi. Tohir dim indamasa ham Gulxadicha Tohirni yaxshi koʻrib qolib, Urganchda uni gapirtira oladigan tabab, duokash, avrovchi-jodugar boʻlsa, keltirib qarataverdi. Tohir boʻlsa, Zuhrani oʻylab, Gulxadichaga hech gapirmay yuraverdi" [Tohir va Zuhra.,1974;33] .

Ota-ona orzusi va qistovi tufayli ikinchi marta uylangan Otabekning Zaynab bilan munosabatida ham shunga oʻxshash holatni koʻramiz. Otabek uylanadi, lekin Oʻzbek oyimning orzu-havas orqasidan kutilgan "margʻilonik balosi"dan oʻgʻlini qutqarish masalasi tilagicha hal boʻlmaydi. Nikoh kuni Otabekning kiyimlarini juhud domlaga oʻqitishlar, margʻilonlikdan sovitib, toshkentlikka isitishlar-barchasi ham hozir oʻz ajzlarini unga iqror qilar edilar. Keyingi "besh-bosh" domlaning bergan tutatqi, ezib ichki, duo va tumorlari ham negadir ta'sir asarini sezdirmadilar.

Otabek bir lahza boʻlsin, ilk muhabbati, koʻz ochib koʻrgani Kumushni unutolmaydi. Natijada Zaynab bilan birga boʻlolmaydi, "mijozi sust"ligini bahona qilib, mehmonxonada yotib yuradi.

Tohir va Otabeklarning muhabbatlari haqiqiy boʻlib, ular garchi falakning gardishi bilan sevmaganlariga uylangan boʻlsalar-da, oʻz sevganlariga sodiq qoladilar. Ularni bu yoʻldan qaytarish borasidagi har qanday harakatlar, issiq-sovuqlar samarasiz ketadi.

"Tohir va Zuhro" dostoni va "Oʻtkan kunlar" romanining xotimasida ham oʻzaro mushtarak jihatlarni koʻramiz:

Tohir dorga osilgach, Zuhraning esi ogʻib, "...toza oʻlim telbasi boʻlib qoladi. Qoraxon podshoh darrov Tohirni qabristonga koʻmdirib, bir maston kampirga picha pul berib, nima boʻlsa ham Zuhrani aldashni buyuradi. Maston kampir Tohirning qoni toʻkilgan tuproqdan loy qilib, bir odamcha yasab, Zuhraga: – Mana shuni qirq kechayu qirq kunduz hech orom olmasdan va yerga qoʻymasdan koʻtarib yursang, Tohir boʻlib tiriladi. Murodingga yetsan, deb aldaydi...Zuhraoy qirq kechayu kunduz shuncha narsaga oʻralgan loy odamchani hech orom olmay, oʻtirmay,

qattiq ixlos va umid bilan ko‘tarib yurdi. Shu orada Zuhraoy cho‘pday qotib, ozib-to‘zib qoldi. Oradan o‘ttiz to‘qqiz kechayu o‘ttiz to‘qqiz kunduz o‘tib, Zuhraoy bir ariqning labiga yetib borsa, Maston kampir momosi bir qora kigizni suvga yuvib o‘tiribdi. Shunda Zuhraoy: – Ha, momo, bu kigizni yuvib nima qilasiz,– desa Maston kampir momosi:– Qizim, yuvib oq qilib olaman, – deydi. Shunda Zuhraoy: –Momo, aynibsizmi? Qora kigiz yuvgan bilan oq bo‘larmidi?!–desa Maston kampir momosi:– Bo‘lmasa, o‘lgan ham tiriladimi? Sen bo‘lsang, behudaga loy odamchani bir kam qirq kundan berib ko‘tarib yuribsan,– dedi. Bu so‘zni eshitib, Zuhraoy “voh”lab, ko‘tarib yurgan yukini ko‘chaga otib tashlab, o‘zi telbalarcha qabristonga qarab yugurdi... Birdan ko‘ngliga dunyoning tirikchiligidan o‘lish afzal ko‘rinib, yerga qarab: “Endi qo‘yningni och!” [Tohir va Zuhra.,1974;47] deb, ochilgan qabrga kiradi.

“O‘tkan kunlar”da Kumush Zaynab tomonidan zaharlanib o‘ldirgach, Otabek uchun yashashning ma’nosi qolmaydi va u ota-ona xonadonini tark etib, Marg‘ilonga yo‘l oladi. Bir yildan so‘ng Otabek usta Alim bilan birga Toshkent keldi... Eng so‘ngg‘i kech yolg‘iz ko‘yi Kumush qabri yonida bo‘ldi....Qur’on oyatlari qabriston ichiga og‘ir ohangda oqar edi... Bir soatdan keyin tilovat to‘xtaldi. Otabek holsilanib oyoq uzra turdi... Bundan so‘ng Otabek Toshkandga qaytib kelmadi.

1277 yilning kech kuzlarida bo‘lsa kerak, Yusufbek hoji Qanoatshodan bir xat oldi. Qanoatsho avliyo otadan yozar edi. “O‘g‘lingiz Otabek yana bir kishi bilan bizning qo‘shunda edi. Olmota ustidagi o‘rus bilan to‘qunashimizda birinchi safimizni shu ikki yigit oldi va qahramonona urushib shahid bo‘ldi...” [Qodiriy A., 1994;302-303].

Tohirdan judo bo‘lgan Zuhra singari, Otabek uchun ham Kumushsiz yashash ma’nisiz edi. Shuning uchun ham u naq o‘limni afzal biladi. Abdulla Qodiriy realist yozuvchi sifatida, o‘z asari bilan faqat muhabbat mojarolarini tasvirlashni emas, balki kat-

ta g‘oyalarni olg‘a surishni ham o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan ijodkor sifatida Otabekning o‘limini milliy mustaqillik va ozodlik yo‘lidagi o‘lim darajasiga olib chiqqanki, bu uning xalq ijodi motivlariga g‘oyatda ijodiy munosabatda bo‘lganini yorqin namoyish etadi.

Bu va boshqa ana shunday ko‘pdan-ko‘p lavhalar “Tohir va Zuhra” singari xalq dostonlari Abdulla Qodiriy ijodiga samarali ta’sir ko‘rsatganligidan dalolat beradi. Chunki xalq og‘zaki ijodi va raelistik yozma adabiyotda tom ma’nodagi roman janri yaratilmagan bo‘lsa ham, unda voqealarni, qahramonlarni romanga xos ravishda bayon etish, epik tasvir vositalari bilan yaratish an’analari mavjud edi. Keltirilgan misollar buning isbotidir.

Agar diqqat qilinsa, qahramon obrazini tasvirlashdagi XX asr o‘zbek adabiyoti erishgan yutuqlar aslida boy xalq og‘zaki ijodida mavjud bo‘lgan badiiy tajriba asosida erishilgan edi. Roman janri esa milliy adabiyotimizning ana shu epik tasvir an’analarini o‘z tabiatiga moslashtirib, ijodiy foydalanishi bilan dunyoga keladi. Abdulla Qodiriy romanlari ham ana shunday yo‘l bilan paydo bo‘ldi.

Keltirilgan misollarga asoslanib, Qodiriy xalq og‘zaki ijodidan yuqori darajada ta’sirlangan va o‘z asarini faqat shu ta’sir asosiga qurgan ekan-da degan biryoqlama xulosa chiqarish noto‘g‘ri bo‘lar edi. Zero, barcha iste’dodli qalam sohiblari kabi Qodiriy ham xalq kitoblari an’analaridan ijodiy foydalangan holda, ularni yangicha sharoitda rivojlantirgan va yangi mazmun bilan boyitgan. Zero, har qanday chinakam asar bu - an’ana bag‘ridagi novatorlikdan iborat.

Ammo yozuvchi o‘z romanida faqat voqealarni tasvirlash, fabulani tashkil etish yoki kompozitsiya qurilishlaridagina bunday milliy an’analardan foydalanish bilangina cheklanmadi. U ayni paytda tarixiy jarayon taraqqiyoti qonunlarini o‘rganish va tahlil etish, milliy turmush manzaralarini kuzatish, tarixiy shaxslar

va to‘qima obrazlarni hayot haqiqatini, asar g‘oyasini ochishga safarbar etish yo‘lidan bordi; milliy urf-odatlar, tarixiy obidalar va tabiat manzaralari tasviridan tarixiy voqelikni haqqoniy aks etttirishda keng foydalanadi; qahramon obrazini yaratish, uning ruhiy olami va bu olamdagi o‘zgarishlar dialektikasini yorqin aks etttirishda xalq og‘zaki ijodidagi epik an’analariga tayandi. “O‘tkan kunlar” romanini yaratishida boy og‘zaki va yozma adabiyotdagi badiiy vositalar yordamga keldi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Tohir va Zuhra. O‘zbek xalq ijodi. Dostonlar (Aytuvchi Rahmatulla Yusuf o‘g‘li. Nashrga tayyorlovchi M.Saidov),–T.:Adabiyot va san’at, 1974.

2. Qodiriy A. O‘tkan kunlar. Mehrobdan chayon.–T.: Adabiyot va san’at, 1994.

ABDULLA QODIRIY – O‘ZBEK ROMANCHILIGI ASOSCHISI

Otayev O‘tkirbek Matyoqubovich
O‘zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti
Kasbiy tayyorgarlik fakulteti
Maxsus fanlar sikli katta o‘qituvchisi, podpolkovnik

Annotatsiya: *Mazkur maqolada Abdulla Qodiriy (Julqunboy) – yozuvchi, shoir, tarjimon, dramaturg, XX asr o‘zbek adabiyotining ulkan namoyondalaridan biri, o‘zbek romanchiligi asoschisi ekanligiga ilmiy asoslangan ma’lumotlar berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Abdulla Qodiriy, XX asr, o‘zbek adabiyoti, yozuvchi, shoir, tarjimon, dramaturg.*

Аннотация: *В данной статье приводятся научно обоснованные сведения о том, что Абдулла Кадыри (Жюлькунбой) – писатель, поэт, переводчик, драматург, один из крупнейших представителей узбекской литературы 20 века, основоположник узбекского романа.*

Ключевые слова: *Абдулла Кадыри, XX век, узбекская литература, писатель, поэт, переводчик, драматург.*

Annotation: *This article provides scientifically based information that Abdulla Qadiri (Julqunboy) is a writer, poet, translator, dramatist, one of the great representatives of Uzbek literature of the 20th century, the founder of Uzbek novel.*

Keywords: *Abdulla Qadiri, 20th century, Uzbek literature, writer, poet, translator, playwright.*

“Ishchi-dehqonlar yozg‘on asarlarimni suyunib o‘qiydilar va meni yozuvchilar qatoriga kirgazdilar va meni hamon o‘qirlar va unutmaslar...” **Abdulla Qodiriy**

Abdulla Qodiriy (Julqunboy) - yozuvchi, shoir, tarjimon, dramaturg, XX asr o‘zbek adabiyotining ulkan namoyondalaridan biri, o‘zbek romanchiligi asoschisi.

1894-yil 10-aprelda Toshkent shahrining Eskijo‘va mahallasida tavallud topgan. Adibning otasi Qodirbobo (1820-1924y) xon, beklar qo‘lida sarbozlik qilgan, rus bosqini paytida Toshkent mudofaasida qatnashgan. Adib o‘z tarjimayi holida shunday deydi: *“Har holda bemavridroq bo‘lsa kerak, kambag‘al, bog‘bonlik bilan kun kechirguchi bir oilada...tug‘ilg‘onman. Yoshim to‘qqiz-o‘nlarga borg‘ondan so‘ng meni maktabga yubordilar. Maktabda ikki-uch yil chamasi eski usulda o‘qib, keyin vaqtlarda oilamizning nihoyatda qashshoq kun kechirgani vajhidan o‘n ikki yoshimda meni bir boyga xizmatchilikka berdilar. Xo‘jayinim o‘zi savdogar kishi bo‘lub, o‘rischa yozuv-chizuv bilaturg‘on odamga muhtoj edi. Shu ta’ma bo‘lsa kerak, meni o‘ris maktabga yubord. 1912-yilda manfaktur bila savdo qiluvchi bir kishiga yiliga 50 so‘m barobariga prikazchik bo‘lub kirdim...”*

Adib tarjimayi holida adabiy faoliyatining boshlanishini shunday xotirlaydi: “Shu miyonalardan bozor vositasi bilan tatarlardan chiqadirg‘on gazetalarni o‘qib, dunyoda gazeta degan gap borlig‘iga imon keltirdim. 1913-yilda o‘zbekcha “Sadoyi Turkiston”, “Samarqand”, “Oyina” gazetalari chiqa boshlag‘och, menda shularga gap yozib yurish fikri uyg‘ondi. Adibning ilk chiqishi “Sadoyi Turkiston” gazetasining 1914-yili 1-aprel sonida Abdulla Qodiriy imzosi bilan “Yangi masjid va madrasa” nomli xabari bo‘ladi. Adibning 1917-yili Oktabr to‘ntarishlaridan keyingi faoliyati asosan matbuot, ya’ni publitsistika bilan bog‘liq. U 1919-1925 yillar oralig‘ida 300 ta turli maqolalar, publitsistik asarlar yaratgan. Abdulla Qodiriy jurnalistik faoliyati haqida:*“Xulosa – boshqalarning xizmati daftar bilan sobit bo‘lsa, menim xizmatlarim matbuot bilan ravshandir...”*deydi.

Abdulla Qodiriy adib va shoir sifatida 1912-yillarda faoliyatini boshlagan. “To‘y” “Ahvolimiz”, “Millatimga”, “Fikr aylagil” kabi

she’rlari “Baxtsiz kuyov” dramasi, “Juvonboz” hikoyasi uning ilk asarlaridir. Qodiriy shunday xotirlaydi: *“1913-yilda chiqqan «Padarkush» ta’sirida «Baxtsiz kuyov» degan teatr kitobini yozib yuborg‘animni o‘zim ham payqamay qoldim (1915 yilda). Yana shu yilda teatrlarda chiqib turg‘on hikoya va ro‘monlarga taqlidan «Juvonboz» otliq hikoyachani yozib noshir topilmag‘onidan, o‘zim nashr qilib yubordim. Nikolay taxtdan yiqilg‘ondan keyin oddiy xalq militsiyasiga ko‘ngilli bo‘lib yozildim...”.*

Abdulla Qodiriy “Ahvolimiz” she’rini 21 yoshida yozgan. She’rda ko‘tarilgan muammo o‘zbek xalqi uchun hamon dolzarb. Adibning bu kabi she’rlari millatparvarlik, ma’rifatparvarlik ruhida yozilgan bo‘lib jadidchilik g‘oyalari bilan sug‘orilgan. Muallif unda millatning zabun holatidan kuyunib so‘zlaydi, uyg‘onishga da’vat etadi, fikrlashga undaydi. Adibning 1916-yilda yozilgan “Uloqda” hikoyasi o‘zbek realistik hikoyasining eng yaxshi namunalaridan biri hisoblanadi. Bundan so‘ng adib birin-ketin “Kalvak Mahzumning xotira daftaridan”, “Toshpo‘lat tajang nima deydi”, “Obid ketmon” kabi nasriy asarlarini yaratadi. 1926-yili “Mushtum” jurnalida Qodiriyning “Yig‘indi gaplar” nomli hikoyasi bosilib chiqadi. Hikoya asosan tanqidiy ruhda bo‘lgani uchun “aksilinqilobiy harakat qilganlikda” ayblanib qamoqqa olinadi. Adib o‘zini mardonavor himoya qila oladi, shuning uchun qisqa muddatdan so‘ng ozod etiladi. Shundan so‘ng ham tanqidiy asarlar, hajviyalar yozishdan to‘xtamaydi.

Abdulla Qodiriy qalamiga mansub “O‘tkan kunlar” romani o‘zbek adabiyotining roman janridagi ilk asardir. Shu bilan yozuvchi o‘zbek romanchiligiga asos solgan. 1922-yil “Inqilob” jurnalida romandan boblar e’lon qilinadi. 1924-1926-yillarda har bir bo‘limi alohida kitob holida nashr etiladi. Roman orqali Abdulla Qodiriy xalqning milliy ongini uyg‘otmoqchi, “tariximizning eng kir, qora kunlari” “xon zamonlari”ning mudhish tarixiy jarayonlari haqida so‘z ochib, bundan xalqqa saboq bermoqchi bo‘ladi. Adib taraqqiyparvar ziyolilar

qatorida turib millat taqdiri ustida astoydil qayg‘uradi, najot yo‘lini esa adabiyotda ko‘rgani bois milliy ruhdagi asarlar yaratishga kirishadi. “O‘tkan kunlar” romanining ma’no mundarija g‘oyasi nihoyatda keng. Unda xilma-xil insoniy taqdirlar, ijtimoiy-siyosiy, ma’naviy-axloqiy, oilaviy-ishqiy muammolar qalamga olingan. Muallif asar orqali Turkistonning rus bosqini arafasidagi ahvoli, qora kunlarini gavdalantirgan. Asarning markaziy qahramonlari bo‘lmish Otabek va Kumush hamda Yusufbek hoji, O‘zbek oyim, Zaynab kabi obrazlar o‘zbek adabiyotining tom ma’noda yorqin qahramonlar namunasidir. Roman to‘qima qahramonlarining hayotiylik kasb etishi va tarixiy voqealarga uyg‘unligi jihatidan ham, tilining nafosati jihatidan ham o‘zbek adabiyoti xazinasini eng durdona asarlaridan biridir. 1969-yili roman asosida rejissyor Yo‘ldosh A’zamov tomonidan film suratga olingan.

O‘zbek adabiyotining ikkinchi yirik romani ham Abdulla Qodiriy qalamiga mansub. “Mehrobdan chayon” romani 1928-yili fevralda yozib tugatilgan. 1929-yil Samarqand shahrida bosilib chiqqan. Bu roman mavzuyi ham “O‘tkan kunlar” mavzuyiga monand “xon zamonlari” davridagi o‘zboshimchaliklar tasvirlangan. Asarning nomi ham ramziy, chunki unda adib ziyoli ulamolarni qahramon qilib tanlab sajdagohdan chiqqan, unga nomunosib munofiq, qallob, tuban kimsalarga, e’tiqodsiz, hasadgo‘y kishilarga nishonadir. Maktabdor Solih mahdumning yumoristik obrazi yozuvchining jiddiy yutug‘i sifatida e’tirof etilgan. Romanda Anvar va Ra’noning sevgi sarguzashtlari shoirona tarzda tarannum etiladi. Go‘zallik, halollik, oliyjanoblikka intiluvchi Ra’no xalq fe’l-atvoriga xos, ajoyib qiz, samimiy, toza niyatli, ma’nan sodda va ochiq. U Anvarni yorqin sevgi ila beg‘araz va sadoqat bilan yaxshi ko‘radi. Anvar - mardlik timsoli, adolatli, cheksiz vijdon egasi. “Mehrobdan chayon” romani asosida ham film suratga olingan.

Adib qizg‘in yozuvchilik faoliyati bilan birga tarjima bilan ham shug‘ullangan. U 1928-yili tatar fizik olimi Abdulla Shunosi-

yning “Fizika”asarini, rus yozuvchisi Nikolay Gogolning “Uylanish”, Anton Chexovning “Olchazor” asarlarini o‘zbek tiliga mahorat bilan tarjima qiladi. 1934-yilda Qozon shahrida nashr etilgan “To‘la ruscha- o‘zbekcha lug‘at”ni tuzishda ishtirok etadi. Shubhasiz, Abdulla Qodiriyning o‘z asarlari ham bir qancha dunyo tillariga tarjima qilingan. Uning “O‘tkan kunlar” romani 1928-yildayoq ozarbayjon tiliga, “Mehrobdan chayon” asari 1935-yilda tojik tiliga tarjima qilinadi. Abdulla Qodiriyning asarlari ko‘plab Sharq va Yevropa mamlakatlarida e’tirof etiladi. Kitoblari hamon rus, qozoq, uyg‘ur, nemis, tatar, arab, italyan, ingliz tillariga tarjima qilib kelinmoqda.

Abdulla Qodiriy 1937-yilning 31-dekabrida “xalq dushmani” sifatida hibsga olinadi. 1938-yilning 4-oktabrida yozuvchi 9 oylik xo‘rliklardan so‘ng Cho‘lpon, Fitrat kabi maslakdoshlari bilan birgalikda otib tashlanadi. Toshkentdagi Xo‘ja Alambardor (Kamolon) qabristoniga dafn etiladi. Adib qamoqqa olingandan so‘ng, uning asarlari “zararli” deb topildi. O‘tda yoqildi, kutubxonalardan yo‘qotildi, o‘qish taqiqlandi. Kimning qo‘lida “O‘tkan kunlar” romanini ko‘rib qolishsa, darhol qamashdi. 1957-yilda Abdulla Qodiriy rasman oqlandi. Ammo uning otib tashlanganligi haqidagi ma’lumot (o‘limidan so‘ng oqlanganligi haqidagi ma’lumot kabi) uzoq yillar mobaynida sir saqlandi.

Abdulla Qodiriyning Habibullo, Adiba, Anisa, Nazifa, Ma’sud ismli farzandlari bo‘lgan. Abdulla Qodiriyga qo‘yilgan “xalq dushmani” tuhmatidan so‘ng, uning to‘ng‘ich o‘g‘li Habibullo Qodiriyga 1945-yil 25 kuni “xalq dushmanining o‘g‘li” aybi qo‘yiladi. Uzoq qiynoq va so‘roqlardan so‘ng uni Sibirga surgun qilishadi. 1953-yil Stalin vafotidan so‘ng, Habibullo Qodiriy ozod qilinadi, biroq 2-yil Qozog‘istonning Qarag‘anda viloyatida qolib ketadi, chunki Toshkentga qaytishga ruxsat berilmaydi. 1955-yil Qodiriyning o‘g‘li 37 yoshida nihoyat Toshkentga qaytadi. Habibullo Qodiriy otasini otgan askar bilan suhbatlashadi. Askarning xotirlashicha, Qodiriy so‘nggi iltijo sifatida askarning tunuka idishi-

dagi suvni so‘raydi. Askar rozi bo‘ladi. Qodiriy suvni ichmaydi, o‘sha bir kaft suv bilan tahorat oladi va ikki rakat nafl namozini o‘qib keyin uni otaverish mumkinligini aytadi. Askarning so‘zlab berishicha, Qodiriy o‘limdan qo‘rqmagan, kiprik ham qoqmagan. Bu xotiralar adibning *“Men haqiqat yo‘lida hech qanday jazodan, qiynoqdan qo‘rqmayman, agar otmoqchi bo‘lsalar ko‘kragimni kerib turaman”* degan so‘zlarini isbotlaydi.

1991-yilda Abdulla Qodiriyga “Mustaqillik” ordeni, Alisher Navoiy nomidagi Davlat mukofoti berilgan. Shuningdek, Abdulla Qodiriy nomidagi Davlat mukofoti ta’sis etilgan. Toshkent Davlat madaniyat institutiga , madaniyat va istirohat bog‘lariga, davlat muassasalari hamda metro bekatiga Abdulla Qodiriy nomi berilgan.

Adabiyotlar ro‘yxati.

1. Abdulla Qodiriy hayoti va ijodi. 2015-yil 13-martda olindi. 2015-yil, 2-aprelda arxivlangan.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1994-yil 25-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligi e’lon qilinganining 3 yilligi munosabati bilan mukofotlar to‘g‘risida”gi UP-939-son Farmoni.

3. R.Sharipova. https://uchquduq-gazeta.uz/articles/421

4. Toshkent, O‘zSSR Davlat badiiy adabiyot nashriyoti, 1961 y.

5.https://oz.sputniknews.uz/20190410/abdulla-qodiriy-hayoti-va-ijodi

“O‘TKAN KUNLAR” ROMANIDA MAKTUBNING BADIIY FUNKSIYASI

S.S.Rasulova,
ToshDO‘TAU katta o‘qituvchisi

Annotatsiya. *Mazkur maqolada romanda qo‘llanilgan maktublar tahlil qilingan. Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romanidagi maktublar o‘rganilgan. “O‘tkan kunlar” asarida Yusufbek hojining o‘g‘li Otabekka yozgan javob maktubi va romanda turli mazmunda bitilgan 14 ta maktublar tahlil qilingan. Asardan parchalar keltirilib, fikrlar dalillangan.*

Kalit so‘zlar: *roman, rus adabiyoti, xat, maktub, qiyosiy tahlil, shaxsiy xatlar, qahramonlar ruhiyati, tarixiy voqelik.*

Аннотация. *В данной статье анализируются буквы, использованные в романе. Были изучены буквы из романа Абдуллы Кадири “Откан Кунлар”. В “Откан Кунлар” анализируется ответное письмо Юсуфбека-хаджи Отабеку и 14 писем, написанных в разных контекстах романа. Приводятся выдержки из работы и доказываются мнения.*

Ключевые слова: *роман, русская литература, письмо, письмо, сравнительный анализ, личные письма, психика героев, историческая действительность.*

Annotation. *This article analyzes the letters used in the novel. The letters in Abdulla Qodiriy’s novel “Days Past” are studied. In the work “Days Past”, the response letter written by Yusufbek Haji to his son Otabek and 14 letters written in various contents in the novel are analyzed. Excerpts from the work are cited and ideas are substantiated.*

Keywords: *novel, Russian literature, letter, letter, comparative analysis, personal letters, psyche of heroes, historical reality.*

“Xat – ijtimoiy-siyosiy hayotda ham, shaxsiy hayotda ham g‘oyat muhim hodisadir. Hukmdorlar o‘rtasidagi siyosiy yoki diplomatik maktublar butun-butun davlatlar hayotida muayyan rol o‘ynagan. San’at madaniyat vakillari o‘rtasidagi maktublarda muhim ilmiy, ma’naviy-ma’rifiy masalalar o‘rtaga tashlangan va hal etilgan. Shaxsiy maktublar esa xodimlar o‘rtasidagi do‘stlik, mehr-muhabbat, sadoqat in’ikosidir. Hayotda uchraydigan mana shu xat turlarining barchasi badiiy adabiyotga olib kirilgan” [1. – B. 26].

Demak, maktublar hukmdorlar, san’at arboblari va do‘stlar orasida o‘zaro aloqa vositasini bajargan. Maktublarni biz siyosiy, ilmiy va shaxsiy maktublarga ajratib tahlil qilishimiz mumkin.

O‘zbek adabiyotida ilk roman hisoblanmish “O‘tkan kunlar”-da ham maktublarga ko‘plab o‘rinlarda murojaat etilgan. Birgina shu asarning o‘zida jami 14 ta turli mazmundagi maktublar bitilgan. Soxta taloq xati asarda tugun hosil qilib, voqealarning rivojiga sabab bo‘ladi.

Yusufbek Hojining o‘g‘li Otabekka yo‘llagan maktubiga e’tibor qaratmoqchimiz. *“Ko‘zimizning nuri, belimizning quvvati, hayotimizning mevasi o‘g‘limiz mulla Otabekka yetib ma’lumu ravshan bo‘lg‘aykim, Alhamdulilloh biz duogo‘y padaringiz, mushtipar onangiz va yaqin do‘stlaringiz munda Haq taoloning hivzu himoyatida sihat va salomat bo‘lib, ko‘z nurimizning duoyu jonini subhi shom, balki allatdavom Robbil Alamindan rajo va tamanno etmakdamiz. Janobi Haq bot fursatlarda, yaqin va sayid soatlarda to‘kis-tugallik bilan diydor ko‘rishmaklakni nasib va ro‘zi qilsin. Omin. Yo Robbil Alamin. Va’da so‘zimiz, o‘g‘lim Marg‘ilonga sihat va salomat yetish maktubingni olib, Haq taloga shukurlar qildik. Bizning Toshkentdan axqol so‘rasang, balki Marg‘ilonga ham eshitilgandir. Munda Azizbek qandog‘dir bir kuchga tayanib, Qo‘qonga qarshi isyon etti. Xazina hisobini olish uchun kelgan devon beklarini o‘ldirib, o‘rda darvozasiga osdi. Bunga qarshi Qo‘qon ham tinch yotmog‘on bo‘lsa kerak? Bu kun kirovchidan*

besh ming sipox ila Normuhammad Qushbegining Toshkent ustiga buyurilg‘onlig‘ini eshitdik. Fuqaroning tag‘in qandog‘ ko‘rguliklari bor ekan o‘g‘lim!? Kechagina qonlig‘ qilichini fuqaroning ustida yurg‘izib turg‘on Azizbekka uning tig‘i zulmi bilan qoniga belanilgan o‘g‘lining, otasining, onasining, og‘asining mazlum gavdasi tuproq ostida hali chirimay turib, bu kun xalq yana Azizbekka o‘sha qonxo‘rga o‘z qoni bilan yamin etdi. Azizbekni o‘zining bir tomchi qoni qolgunicha himoya qilishga ont ichdi. Azizbekning buyrug‘i bilan kecha o‘rda tagiga barcha Toshkent xalqi yig‘ilgon. Bu yig‘inda ulamolar ham bor, fuzalo ham bor. Xulosa shaharning har bir sinfidan halq holir edi. Azizbek o‘rda qorovulxonasidan turib, fuqaroga salom qildi. Azizbekning salomiga musharraf bo‘lg‘uvchilarning ko‘zlaridan yoshlar oqmoqda edi. O‘g‘lim, sen bir qadar oq bilan qorani ajrata olasan. Yozg‘onlarimni diqqat bilan o‘qi. Azizbek fotiha berdi. Xalq urush hozirligiga kirishdi. Ana o‘g‘lim, bizning xalqning holiga yig‘lashni ham bilmaysan, kulishni ham bilmaysan. Har holda Toshkent ustiga yana qonlig‘ bulutlar chiqdi. Ishning oxiri nima bilan tinchlanar bu bir Xudogagina ma’lum. Boshqa so‘zlardan ham ortiqroq esingga shuni solib o‘tay. Siyosat to‘g‘rilarida o‘ylabroq so‘yla, arzimagan sabablar bilan halok bo‘lgan jonlarni hamisha ko‘z oldingda tut. Bu tinchsizlik bosilmaguncha Toshkentga kelmasligingni maslahat beraman. Toshkent tinchlangandan kiyin agar salomat bo‘lsam, o‘zim xabar yuborurman. Munda barcha yoru do‘st salomatdur. Mendan Hasan aliga salom ayt. Addoyi otang Yusufbek hoji. Toshkent yigirma yettinchi dalv oyida 1264-yilda yozildi”[7. – B. 69].

Nazariy jihatdan olib qarasak, bu maktub shaxsiy xatlarga kiradi. Bunda ota o‘z o‘g‘liga o‘zining ichki o‘ylarini, havotirli qarashlari va sog‘inchini ifoda qiladi. Maktubning mazmuni orqali:

1. Yusufbek hojining faqatgina o‘ziga xos bo‘lgan xarakter xususiyatlarini anglash mumkin (mehribon va ko‘ngilchan ota. O‘z xalqiga nisbatan jonkuyar va fidokor davlat arbobi. Bugunidan saboq chiqarib, o‘z xalqining ertasidan xavotirga tushayotgan shaxs).

2. Maktub tarixiy voqealardan xabar beruvchi vosita sifatida namoyon bo‘lgan (o‘sha davrdagi Toshkent Bekligi va Qo‘qon xonligi o‘rtasidagi ziddiyatli munosabatlar, qipchoq va qoraxoponlilar o‘rtasidagi janglar, tarixiy shaxslar Azizbek va Musulmonqullarga ta’riflar).

3. Maktubning pand-nasihat shaklini ham ko‘rishimiz mumkin (maktub so‘ngidagi Yusufbek hojining xavotiri va o‘g‘li Otabekka bergan maslahatlari).

Yusufbek hoji maktubining mazmunidan asar qahramonlarining xarakter xususiyatlarini va tarixiy voqelikni anglashimiz mumkin.

Ushbu maktubning badiiy asardagi shakli va vazifasiga e’tibor qaratadigan bo‘lsak:

1. Maktub shakliga ko‘ra, badiiy asarda xabar beruvchi va qahramonlarni o‘limdan qutqaruvchi vosita vazifasida keltirilgan (tarixiy jarayonlardan Otabekni xabardor qiladi va Otabek hamda Mirzakarim qutidorni o‘limdan saqlab qoladi).

2. Qahramonlar ruhiyatida jasorat va laganbardorlik tuyg‘ularini shakllantirish uchun xizmat qilgan (Kumush ruhiyatida jasorat tuyg‘usini o‘yg‘otadi va najot farishtasiga aylantiradi. Musulmonqul ruhiyatidagi g‘alamislik, laganbardorlik kabi salbiy his (illat)larni ochib berishda qo‘llaniladi).

Yusufbek hojining asardagi ilk maktubi qahramonlarning hayotiy kechinmalarini tasvirlab beribgina qolmasdan, balki badiiy asarning davomiyligini ham ta’minlab beradi.

Badiiy asarlarda ko‘plab muhim funksiyalarni bajaruvchi maktublar o‘zi qachon paydo bo‘lgan?

Bu detalning ilk namunalarini qaysi millat asarlarida uchratishimiz mumkin?

Yuqoridagi savollarga javob topish uchun G‘arb adabiy olamiga e’tibor qaratishimiz lozim. Zero, roman, qissa va hikoya kabi bir qator janr namunalari, eng avvalo, G‘arb adabiyotida uchraydi.

Xulosa qilib aytganda, Maktublar xoh G‘arb adabiyotining, xoh Sharq adabiyotining namunasi bo‘lsin, ular tarixiy voqelikdan, insonning iztiroblaridan, ong osti kechinmalaridan xabar berib turadi. Yuqorida keltirilgan maktub Ota tomonidan o‘z farzandiga yuborilgan shaxsiy xat edi. Yusufbek hojining Otabekka yozgan maktubida milliy ruhni, farzandga nisbatan ham hurmatni, mehrni va aynan otalarga xos bo‘lgan vazminlikni ko‘ramiz. Asarda xatlar ma’lumot yetkazish uchun xizmat qilgan.

Adabiyotlar:

1. Базаров О.Ч. Ўзбек адабиётида эпистоляр жанр тараққиёти. – Тошкент, 2010.
2. Навоий А. МАТ. Ж. 20. 14-жилд. – Тошкентя: Фан, 1998. – 123 б.
3. Урнов Д. Эпистолярное литература. Краткая летературная энциклопедия. Том 9. Сир 56. – М., 2000.
5. Ўзбек мумтоз адабиёти. – Тошкент: ФАН, 2001. – 34 б.
6. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент, 2001.

ABDULLA QODIRIY HIKOYALARIDA PORTRET, PEYZAJ VA BADIIY TASVIR IFODASI

Safarov Xoliyor Berdiyarovich,
ToshDO‘TAU erkin tadqiqotchisi

Annotatsiya. *Maqolada Abdulla Qodiriyning badiiy mahorati, niyati, hikoyalarida portret va uning xarakterini yaraish, peyzaj va badiiy tasvir ifodalari, so‘z qo‘llash san’ati haqida so‘z boradi. Adib hikoyalarida qo‘llanilgan badiiy tasvir vositalari, o‘zbekona va islomiy tarbiya masalalari, portret va peyzaj uyg‘unligi, so‘z qo‘llash mahorati, ifoda uslubi hikoyalarda hayotni real aks ettirish, tegishli xulosalar berish yo‘llari yoritilgan.*

Kalit so‘zlar: *jadid, hikoya, millat, jaholat, ma’rfat, portret, peyzaj, mahorat, badiiy ifoda.*

Abstracr. *The article tells about the artistic skill of Abdullah Kadiri, his ideas, the description of the portrait and its character, the landscape and artistic image, the art of using words. The writer’s stories tell about artistic images, issues of Uzbek and Islamic education, a combination of portrait and landscape, the ability to use words, ways to realistically reflect life in stories, and ways to draw appropriate conclusions.*

Keywords. *jadid, story, nation, ignorance, education, portrait, landscape, craftsmanship, artistic expressiveness.*

Badiiy asarning mazmun-mohiyati, muallifning maqsadi, odatda, tanlangan syujet hamda voqea-hodisa orqali yuzaga chiqadi. Bunda badiiy tasvir vositalarining o‘rni beqiyosdir. Asar markazida, avvalo, inson turadi. Qolgan barcha jihatlar: badiiy til, tabiat, buyumlar, jismlar, narsalar, hayvonot dunyosi inson vositasi orqali anglanishi kerak bo‘lgan jihatlarni aks ettiradi. “*Badiiy*

matn tarkibida syujetdan tashqari unsurlar: lirik chekinish, qistirma epizod, peyzaj, prolog kabilar hikoya kompozitsiyasini qurishda muallif obrazining g‘oyaviy-badiiy niyatini tasvirlovchi poetik ko‘zgu vazifasini bajaradi" [Hamroev K., 2020; 26]. Inson san’at va adabiyotining bosh predmeti, tasvir ob’ekti hisoblanar ekan, uning portreti nafaqat tashqi ko‘rinishi, balki ichki dunyosini ham ochib berishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Ko‘pincha qahramonlar portreti ularning tashqi ko‘rinishlaridagi belgilarini jamlash yo‘li bilan yaratiladi. Adabiy portret xarakteri jihatdan asar janriga va yozuvchining ijodiy uslubiga bog‘liq bo‘lib, ijodkor eng muhim deb hisoblagan jihatlarini ochib beradi. Zero, professor Bahodir Karimov ta’kidlaganidek, "*Ijod – o‘zgarishlar, izlanishlar, dardlanishlar harflarga narvon qo‘yib, ma’naviyat ufqlari tomon intilish va tarmashish jarayonidir*" [Karimov B., 2018; 30].

Portret adabiyotdagi eng qadimiy tasvir vositalaridan biri hisoblanadi. U asrlar davomida takomillashib kelgan. Dastlab, xalq og‘zaki ijodida, ayniqsa, dostonlarda mifologik, fantastik yoki an’anaviy tarzda yaratilgan. «Alpomish» dostonini olib qaraydigan bo‘lsak, alplarning portreti mubolag‘a bilan beriladi. Masalan, Qo‘shquloq alp "*Shomurti shoxolab har yoqqa ketgan, Ichida sichqonlar bolalab yotgan, Izidan tushgan pishak oltoyda yetgan*" ["Alpomish", 1987; 128], shaklida tasvirlanadi. Mumtoz adabiyotimizda portret mavhum tarzda ifodalanib, g‘azallarda yorning tashqi qiyofasi oy, quyosh, yulduz, tun va kun kabi narsalarga nisbatda ko‘rsatilgan. Jadid adabiyotida esa portret tiniqlashdi, inson tashqi qiyofasi batafsil tasvirlana boshlandi. Portret yaratishda har bir yozuvchi o‘z uslubi, g‘oyaviy maqsadiga muvofiq holda foydalanadi. Mahorat bilan yaratilgan portret insonning to‘laqonli obrazini yaratish, ruhiy dunyosini chuqurroq ochish vositasiga aylanadi.

Jadid hikoyachiligida Abdulla Qodiriyning portret yaratish mahorati tahsinga sazovordir. Ammo Qodiriy ham dastlabki

hikoyalarida (“Juvonboz”) asar qahramonini tashqi koʻrinish jihatidan yaxlit tasvirlamasdan, uning xarakteri va taqdirini uygʻun tarzda ifodalagan. “*Sa’dullani yoshi yigirma toʻrtlarda boʻlub, toʻqquz yoshida maktabgʻa kirub, yigirma yoshida bazoʻr savodxon boʻlgan edi”* [Qodiriy A., 2017; 47]. Hikoya davomida qahramonning hali toʻla shakllanmagan portretiga yana bir bor duch kelamiz. “*Jum’a kuni kechqurun Sa’dulla, Rahimjon yangi kamzul, yangi toʻn, yangi kafsh mahsilarini kiymoqgʻa boshladilar*”. Qodiriy dastlabki hikoyasida jaholatga botgan Sa’dullaning ruhiy olamidan kelib chiqib, uning mukammal qiyofasini yaratmaydi. Boisi, hali Sa’dulla inson sifatida shakllanmagan va his-tuygʻularini jilovlay olmagan, oqibatini bilmagan fikrsiz odam – qiyofasiz odam edi. Biroq “Uloqda” hikoyasida toza qalbli, oʻziga ishongan, tamomila oʻzgacha qiyofadagi obrazlarni koʻramiz. “*Dadil aytish mumkinki, «Uloqda» hikoyasi milliy adabiyotimizda paydo boʻlgan birinchi toʻlaqonli realistik proza namunasidir. Qodiriy ayni shu hikoyasi tufayli boshqalardan yarq etib ajralib koʻrindi, ayni shu hikoya muallifni betakror noyob san’atkor yozuvchi sifatida elga tanitdi, Qodiriy fenomeni, badiiy moʻjizasi ayni shu asaridan boshlandi”* [Normatov U., 2007; 54]. Qodiriy Turgʻun chavandoz portretini ishtiyoq bilan chizadi va qora qashqa otini maroq bilan tasvirlaydi: “*Ulugʻ hayitdagi hayitlikka oldirgʻan moʻgʻor egarcha bilan gʻalaticha qilib toychamni egarladim. Togʻamga yalinib-yalpogʻlanib oldirgʻan oʻrus yuganni artib-surtib soldim-da, oʻzim chetroqdan turib, kam-koʻstini kuzatdim:*

- Quyushqoni ham oʻrnida, egar ham yaxshi qoʻngʻan, qorinbogʻichi ham jips, yugani ham toʻralarnikidek!...

Lekin umuldirigʻining yoʻqligʻi bir oz koʻnglimni gʻash qildi. Anchagina oʻylab turganimdan keyin, akamning yugan uchun asrab qoʻygʻan qayishi esimga tushib, sekingina yertoʻladan haligi qayishni olib chiqib, umuldiriq yasadim.

Endi toycham juda ham gijinglab, xudda toʻralarnikidek boʻlib ketdi. Uyoq-buyogʻini supurgandan keyin ustunga qantar-

ib qo‘ydim. Endi qoldi: oq jujuncha kamzulimni, o‘rischa shimni, amirkon etikni, baxmal to‘ppini kiyish… Ana shundan keyin otga minsak chin to‘racha bo‘lamiz-da!" [Qodiriy A., 2017; 15] Turg‘un chavandoz uloqqa ketayotgan odamlar bilan yo‘lda suhbatlashib borar ekan, ularga Valad ismli yigit kelib qo‘shiladi. Muallif uni "oldiga bir ola echkini o‘ngargan, ko‘kragi ochiq, yaktakchan, saman otliq bir yigit" deb tanishtiradi. Chavandozlar esa "qalpoqni chakkaga qiya qo‘yib, egarga qiyshiq o‘ltirib" olgan bir holatda tasvirlangan. Mana shularning o‘ziyoq uloqqa yo‘l olgan chavandozlarning tashqi qiyofasini aniqlashga to‘la asos bo‘ladi.

Qodiriy "Tinch ish" hikoyasi qahramoni Mulla Bozor Oxund qiyofasini o‘z zamonasiga mos tarzda "*katta salla, uzun chopon, semiz tan, o‘ng qo‘lining yengidan to‘rt ellik tasbih uchi ko‘runub turg‘an, qib-qizil barkash yuz, moshkichiri soqol bir zot*" [Qodiriy A., 1969; 16], deya ehtirom bilan tanishtiradi. Buxoroi Sharifni esa "*hammamizga belgili: boshqa islom shaharlariga ko‘kdan nur yog‘ilg‘an holda, shu shaharlarga yog‘dirmoq uchun Buxoroi sharifdan farishtalar orqali ko‘kga nur chiqarilur ekan*", tarzida yuksak e'tirof etadi. Har ikki holatda ham Qodiriyga xos o‘ta nozik kuzatuv va zamonaga xos yorqin nigohni ko‘rish mumkin.

Adabiy asarda ijodkorning badiiy maqsadi, g‘oyasini ifoda etishda eng muhim yordamchi tabiat tasvirlari bo‘lib, u ilmiy adabiyotda peyzaj deb yuritiladi. Ko‘plab hikoyalarda portret va peyzaj bir-birini to‘ldirib, umumlashtirib keladi. *"Peyzaj (fr. paysage – joy, yurt) - adabiy asarda yaratiluvchi badiiy voqelikning muhim komponenti, voqealar kechuvchi ochiq makon (yopiq makon interer) tasviri"* [Quronov D., 2010; 220]. Tabiat hislarni uyg‘otuvchi, fikrni ravshan, qalbni munavvar qiluvchi bir maskan. Yana bir talqin shundan iboratki: "*Yozuvchi tabiat lavhalarini chizish bilan o‘zining tabiatga munosabatini ifodalaydi: tabiat go‘zalligi, boyligi va qudratini ta'rif-tavsif etadi, qalamga olingan joylar tabiatining o‘ziga xos xususiyatlarini ochadi*" [Boboev T., 2002; 149]. Badiiy asarlarda portret va payzaj uyg‘unlashib,

go‘zal bir manzara kasb etadiki, bu asarga jon kiritadi. Asarda tabiat manzarasi tasvirlanar ekan turli maqsadlar kuzatiladi. U goh voqea sodir bo‘lgan vaqtni bildiradi, goh qahramonlar kayfiyatini ochishga yordam beradi, goh asar voqealarini bir-biri bilan bog‘lash vazifasini o‘taydi. Peyzaj ko‘p o‘rinda muallifga o‘z fikrlarini yakunlash uchun ham kerak bo‘ladi.

“Jinlar bazmi” hikoyasining ruhiyati ko‘proq tabiat tasvirlarini talab etgani bois muallif peyzajdan unumli foydalanadi va g‘oyaviy maqsadiga erishadi. O‘sar aka bog‘ haqida so‘zlar ekan “*to‘rtinchi kuni kechasi bir oz yomg‘ir yog‘ib chiqdi. Go‘yo yomg‘irni kutib turgan toklar yana ham o‘sib ketdilar, sho‘ralar bardi ustiga engashib, ishkom ustiga olmaganim uchun go‘yo mendan arazlagandek ko‘runar edilar*” [Qodiriy A., 2017; 12], deydi. Roviyning bolalarini qo‘rqitib, boshini ko‘rpaga o‘rab olishga majbur etadigan manzara esa “*Bir-ikki qadam Hamdam xumdonchining maydoniga tomon yurdim… Yiroqdan kelgan yorug‘likni sezib, tevaragimga qaradim-da, hayron bo‘lib qoldim… qarshimdag‘i maydondan o‘tkir nur sharpasi tushar edi. Bugina emas, kishilarning chag‘ir-chug‘ur so‘zlashib kulushlari, gijdang-gijdang bilan childirma, ora-chora dutor, tanbur, g‘ijjak kabi sozlarning zaif, ammo yurakni qitiqlayturg‘an tovushlari eshitilar edi*”, tarzida berilgan bo‘lib, o‘quvchining ham qalbiga titroq soladi, xayolning eng chekka, qo‘rqinch bir puchmoqlariga olib ketadi. O‘sar aka taklif etilgan bazmda esa sozandalar tanbur dutor, g‘ijjak, rubob, nay va daf kabilar jo‘rligida bir kuy chalishadi, O‘sar aka undan rohatlanish o‘rniga yig‘laydi. Shu o‘rinda muallif davraga o‘n besh-o‘n olti yoshlardagi bir qizning kelib qo‘shilganini aytadi va uni shunday tasvirlaydi: “*Uning sochlari jingila-jingila, yuz va ko‘zlari do‘nduq, ustida yashil baxmaldan burma qilib tikilgan chiroyli delvagay kiyimi bor edi. Bir necha qadam chalishib o‘rtada yurgan edi, oyog‘idagi qo‘ng‘iroqlari jing‘irab ketdi. Qiz mashq bilan baravar o‘ynay boshladi*”. Ko‘rinadiki, Qodiriy har bir detaldan unumli foydalangan, portret va peyzaj uyg‘uligida ijodiy

maqsadga erisha olgan. Ma'lumot o'rnida qayd etish kerakki, bugungi kunda chop etilayotgan Qodiriy asarlarida ushbu hikoyaning 1936 yilgi nusxasi asos qilib olingan. Ammo 1923 yilda shoir va publitsist Elbek tomonidan tuzilib, 1925 yilda chop etilgan "Go'zal yozg'ichlar" adabiy to'plamiga kiritilgan "Jinlar bazmi" 1936 yilgi nusxadan bir muncha farq qiladi. Sababi, ikki nusxada bosh qahramon ismi ikki xil berilgan. 1923 yilgi nusxada To'g'onboy aka tarzida kelgan obrazni adib keyingi – 1936 yilgi nusxada "O'sar aka"ga o'zgartiradi. Qodiriyshunos olim, professor Bahodir Karimov buni quyidagicha izohlaydi: *"Boshidan o'tkan hodisani ta'sirchan so'zlayotgan kishi mulohaza qilayotgan, fikriy jihatdan o'sayotgan odamdir"* [Karimov B., 2019; 263]. B.Karimov mulohazasidan ko'rinadiki, O'sar akani ham ma'rifatga intilgan obrazlar qatoriga kiradi.

O'zbek jadid hikoyalariga xos xususiyatlardan biri fikrning til jihatdan sodda, ixcham, xalqona ruhda bayon etilishidir. Har bir yozuvchining o'ziga xos ifoda usuli asarlari tilining shirali, tashbehlarga boy va ta'sirchanligi oshirgan. Bu esa adabiyotimizda "Qodiriy tili", "Cho'lpon ta'biri" kabi iboralarning paydo bo'lishi olib keladi. Buyuk Qodiriyniing so'z qo'llash mahorati tahsinga sazovor. U o'zbekona va islomiy tarbiya masalalariga, o'zbeklarning to'y-marosimlari, kiyinish madaniyati va milliy urf-odatlariga katta e'tibor qaratgan. Adib bejizga "*So'z so'ylashda va ulardan jumla tuzishda uzoq andisha kerak. Yozuvchining o'zigina tushunib, boshqalarning tushunmasligi katta ayb. Asli, yozuvchilik – aytmoqchi bo'lgan fikrni hammaga barobar anglata bilishda, oraga anglashilmovchilik solmaslikdir*" [Qodiriy A., 1969; 187], deya ta'kidlamagan. Uning o'ziga xosligi hikoyalarda tasvirlanayotgan voqeaning davrini ham qayd etib o'tadi. Bu qaydlar "Juvonboz"-da "Hamal oyining o'n beshlari bo'lub, bahor avvali edi" shaklida, "Tinch ish"da "1917-yil fevral so'nginda inqilob boshlanib, oq podshomiz taxtdan tobutga olinur" tarzida berilgan.

Qodiriy zamonaviylikni targ‘ib etadi va hikoyalarida yangi so‘zlarni qo‘llaydi. Masalan, adibning ilk hikoyasi bo‘lgan “Juvonboz”da tancha, madrasa, mudarris, sarkor kabi arxaik so‘zlarni, samovar, pivoxona, no‘mir, veksel, bonka, notarius, doverennost (vakolat), pochta, resto‘ran, politsiya, taftish kabi neologizmlardan unumli foydalanilgan. Bundan tashqari, batahqiq (haqiqatan), sharia’ti islomiyat, xilofi shar’i kabi arabiy, forsiy so‘z va iboralarni ham o‘rinli qo‘llaganki, ular asarga nafosat baxsh etgan. Qodiriyning so‘z qo‘llash san’atidagi yorqin jihat, **nasriy qofiya - saj** san’atidan unumli foylalanishidir. U barcha hikoyalarida birdek bo‘y ko‘rsatib turadi. Adib “Juvonboz”da qishi bilan tanchada yotib zerikkan Solihaning holati shunday tasvirlanadi: “*yolg‘iz o‘zi do‘fi* ***tikmakda****, ba’zi ashulalardan bilganicha* ***aytmakda*** *edi*”. O‘g‘lidan nolishlari esa “*Sa’dulla tushkur na madrasada* ***turmasa****, na uyig‘a* ***kelmasa****, na dadasiga xat yozub omon-esonligini* ***bilmasa****, bola bo‘lub aqli kirmadi*”, tarzida berilgan. Juvonboz Sa’dullaning ahvoli tasviri esa yanada jonli chiqqan. “*...besoqoli bilan sarf* ***qilub****, uyig‘a o‘n, o‘n besh kunda bir kelsa* ***kelub****, kelmasa samovor va no‘mirlarda Rahimjonni ayshini* ***surub*** *yurar edi*”. Uning qo‘liga pul tushganda kezadigan joylarini yozar ekan, *“minglab* ***pivaxona****, besh yuzlab* ***bangixona****, biryuzlab nasha,* ***ko‘knorixona****, elliklab xufiya* ***qimorxona****, o‘ttuzlab bachalik takya, yana bundin boshqa* ***allanimalar, choyxonalar***” deya ahvolni kuchaytiradi. “*Mollarni* ***olsam****, ko‘p foyda* ***qilsam***” degan Raufboyning shuhrati ta’rifi esa quyidagicha: “*Boylig‘iga mag‘rur* ***bo‘lib****, o‘g‘li Sa’dullani karnay* ***qo‘yub****, necha kun osh* ***berub*** *to‘y qilg‘an edi*”. Hikoya oxirida bu ishlarning oqibatini ko‘rsatib, “*bu dunyoda* ***xor*** *va oxiratda xudoning qahr-g‘azabiga* ***giriftor****, Muhammad alayhissalomning oldilarida* ***sharmisor***”, deydi.

“Uloqda” nihoyatda ravon, jozibodor, eng muhimi, o‘n ikki yoshli o‘spirin yigitcha nomidan allanechuk hayajon va ehtiros, zavq, shavq bilan hikoya qilinadi. Undagi lirizm, ichki monolog

o‘quvchiga ham yuqadi. **Xalq maqollari** (*“Oyog‘ing olti, qo‘ling yetti bo‘lib qoldiyov!”*), **uyushiq bo‘lakli fe’llar** (“*Jonivor tipir-tipir qiladi, bosh chayqaydi, yer tepinadi, dum silkitadi…*”), **pichinglar** (“*Otingiz juda ham yo‘rg‘a ekan-da, boyvachcha*”, *“Shu tobgacha tuya bo‘g‘izlasa ham bo‘lar edi, ulog‘i yaxlab qoldimi?”*), **bozorbop ta’riflar** (*“Mirza qiron bodiring! Qasir-qusir bodiring!”*), saj (*“Bosh yorilib, ko‘z chiqqan bilan, otdan yiqilib qo‘li singan bilan parvoyifalak…”*) asarning badiiy quvvatini oshirgan. Turg‘unning bolalarcha quvonchlari, o‘zini “to‘racha”larga qiyoslashi, o‘zgalar tomonidan “chavandoz” deb atalishi, otini “qashqacha”, akasi Mahkamni esa “uloqning piri” deyishlari bolaning o‘ziga bo‘lgan ishonchini ko‘rsatadi, E’tiroflar ham shunga yarasha. Hikoyada Turg‘un kiyinishda, otda yurishda, davralarda ham o‘zini aslzodalarga xos tutadi. Unga uy xizmatchisining otni hozirlab berishi, toychasi taqilgan umildiriq o‘n besh tanga, qamchisi kumushdan, akasi o‘ragan salla shohi, to‘ni beqasam ekanligi aslzodalar avlodi ekanligidan dalolat beradi. Hikoyada qo‘llanilgan “Qulog‘i chimirilgan ot chopqir bo‘ladi”, “Ot olganda tuyog‘iga diqqat qil, gap tuyoqda” kabi iboralar ham adibning so‘z tanlash va sinchilikda benazir ekanligidan dalolat beradi. Eng ko‘p arxaik, forsiy, arabiy so‘zlar “Tinch ish”da uchraydi. Ularni bittalab terib o‘tirmaymiz, ammo adibning Domla Sharif Oxund tilidan shaharlarga bergan ta’rifi nihoyatda go‘zalligini e’tirof etmoq kerak: Amrika – faranglarning bir tabaqasi, Ongliya – dengizlar podshosi, Faransiya – mayda-chuyda ishlarga juda ham usta bir kofir, Turkiya – yer yuzining sultoni, Girmon – g‘arqi ohan (temirga boy).

Umuman, jadid hikoyachiligida portret va peyzaj yaratish mahorati, tashbehlar, davr yangiliklariga nisbatan qo‘llanilgan iboralar va ulardagi ichki bir zavq, entikish e’tiborni tortadi. Badiiy matnda har bir so‘z, ibora, jumla, gap ijodkor maqsadi va voqelikni go‘zal tarzda ifodalashga xizmat qiladi. Bu borada Abdulla Qodiriy yetakchilardan edi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Alpomish. T.: O‘qituvchi, 1987. – B. 336.
2. Boboev T. Adabiyotshunoslik asoslari. T.: O‘zbekiston, 2002. – B. 560.
3. Каримов Б. Руҳият алифбоси. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 364.
4. Каримов Б. Абдулла Қодирий феномени. Т.: Info Capital Group, 2019. – Б. 480.
5. Hamroev K. Hikoya kompozitsiyasi. T.: Nurafshon business, 2020. – B. 140.
6. Normatov U. Ijod sehri. T.: Sharq NMAK, 2007. – B. 352.
7. Qodiriy A. Diyori bakr. T.: Info Capital Group, 2017. – B. 576.
8. Qodiriy A. Kichik asarlar. T.: G‘afur G‘ulom nomidagi badiiy adabiyot nashriyoti, 1969. – B. 216.
9. Quronov D., Mamajonov Z., Sheralieva M. Adabiyotshunoslik lug‘ati. T.: Akademnashr, 2010. – B. 300.

QODIRIY IJODIDA MILLIYLIK VA MA’NAVIYAT

Otayev O‘tkirbek Matyoqubovich
O‘*zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti*
Kasbiy tayyorgarlik fakulteti
Maxsus fanlar sikli katta o‘qituvchisi, podpolkovnik
Turg‘unboev Bahrom Bahtiyorovich
O‘zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti
Kasbiy tayyorgarlik fakulteti
Maxsus fanlar sikli o‘qituvchisi, podpolkovnik

Annotasiya: *Mazkur maqolada buyuk adibimiz Abdulla Qodiriy chin ma’noda millatimiz ko‘zgusi, ma’naviyatimizning barqaror ustuni ekanligiga ilmiy asoslangan ma’lumotlar berilgan.*

Kalit so‘zlar: *Sadoyi Turkiston, tarix, ijod, she’r, millat, til, ma’naviyat.*

Аннотация: *В данной статье представлена научно обоснованная информация о том, что наш великий писатель Абдулла Кадири поистине является зеркалом нашей нации, устойчивой опорой нашей духовности.*

Ключевые слова: *Звуковой Туркестан, история, творчество, поэзия, народность, язык, духовность.*

Annotation: *This article provides scientifically based information that our great writer Abdulla Qadiri is truly a mirror of our nation, a stable pillar of our spirituality.*

Keywords: *Sound Turkestan, history, creativity, poetry, nation, language, spirituality.*

Abdulla Qodiriy ijodining umrboqiyligi unda milliylikning namoyon bo‘lishi bilan bog‘liqdir. Qodiriy ijodida milliylik ikki yo‘nalishda o‘z ifodasini topadi. Birinchidan, adib barcha asar-

lari, xususan, «O‘tkan kunlar» va «Mehrobdan chayon» romanlarida badiiy niyatiga mavzuni o‘z ona yurti, ona xalqi tarixi, mentalitetidan kelib chiqib ifodalash orqali erishadi. Ikkinchidan, mavzu, g‘oya, obraz yechimi islom ma’rifati hamda jadidchilik ta’limotiga yo‘g‘rilgan va bu esa milliylikni yanada chuqurlashtirgan. Adib XX asr yangi o‘zbek adabiyotining tug‘ilishi, shakllanishi va kamolotida ana shu tamoyillarni yaratish bilan so‘z san’atimiz rivojiga salmoqli hissa qo‘shdi. Qo‘shibgina qolmadi, balki namuna, an’ana sifatida meros qilib qoldirdi. Ayni shu fazilati Abdulla Qodiriyni adib sifatida buyuklik shohsupasiga ko‘tardi, unga barhayotlik in’om etdi. Aytish mumkinki, yangi o‘zbek adabiyotida epik obraz va epik rivoya (bayon), avvalo, Abdulla Qodiriydan boshlangan bo‘lib, bunda uning xalq og‘zaki ijodi va yozma mumtoz adabiyotdagi poetik tasvir shaklini, romantik ifoda usulini realistik nasrga nihoyatda tabiiy ko‘chirgani ulkan kashfiyot bo‘ldi.

Buyuk va betakror adib, o‘zbek romanchiligi asoschisi Abdulla Qodiriyni ta’rif-tavsiflashga hech bir zarurat yo‘q. Biroq shu asnoda ta’kidlash joizki, u bir umr millat dardi bilan nafas oldi, millat dardi bilan yonib yashadi. Adib o‘zbek xalqining qalb javohirlarini baralla kuyladi, mingyilliklar bag‘riga singib ketgan moziyimizni ro‘yirost ko‘rsatib berdi. Millatning hurligi, baxt-saodatiga butun iste’dodini bag‘ishlagan, kerak bo‘lsa, jonini tikkan, jasur va mardona shaxs bo‘lgan Qodiriy chin ma’noda millat ko‘zgusiga aylangan adibdir. Qisqagina umri davomida favqulodda yorqin iste’dodi bilan durdona asarlar bitishga ulgurgan yozuvchining asarlari yuz yillar osha ko‘ngil go‘zalligi va haqiqatning o‘lmasligi, qolaversa, milliy adabiyotimizning jahonshumul muvaffaqiyati sifatida jahon kezmoqda. Ulardagi muhabbat vasfi, insonlik sharafi, xalq qismati, uning eng ulug‘ qadriyatlari namunasi mo‘jizaviy qalamda ko‘ngillarga kirib, olam-olam surur berishi bilan birga, samimiy bir saboq ulashishi ham shubhasizdir.

Shu o‘rinda bir fikrni aytib o‘tmaslikning iloji yo‘q ko‘rinadi. Gap yangi o‘zbek adabiy tilini yaratishga doir adib asos solgan tamoyillar haqidadir. Bilamizki, Alisher Navoiy davriga kelib turkiy til eski o‘zbek tili arab, fors tillaridan ajralib, mustaqil adabiy til darajasiga ko‘tarildi. Bunda buyuk shoir xizmatlari so‘zsiz beqiyos, chunki hazrat Navoiy o‘z ona tilini arab va fors tillari ta’siridan tozalab, yagona turkiy adabiy tilga asos soldi. Abdulla Qodiriy zamonasiga kelib, ona tilimiz nafaqat arab, fors-tojik tillari qorishig‘ida, hatto rus, tatar tillari ta’sirida ham bo‘lgani ma’lum. Bir tomondan, Yusufbek hoji, Mirzakarim qutidor, boshqa tomondan Otabek va Kumush nutqiga xos shirali, boy, sodda, ravon, ifodali til, qolaversa, ulardagi muomala madaniyati, andisha, rioya, ibo, iffat, tortinchoqlik – xalqimiz, millatimiz xarakterining ham yorqin ifodasi emasmi?! Bejiz Oybek ham «O‘tkan kunlar» romanining tili haqida to‘xtab, «yozuvchi til ustida katta mahorat ko‘rsatgan»ini alohida qayd etmagan: «Romanning tili, haqiqatan boy, bo‘yoqli, sodda, ifoda kuchi zo‘r, ommaga anglashilarli bir tildir». Qolaversa, «O‘zbek adabiy tilining shakllanishida bu asarning roli, shubhasiz, g‘oyat kattadir».

«Har bir millatning dunyoda borligini ko‘rsatadurgan oyinai hayoti til va adabiyotidur. Milliy tilni yo‘qotmak millatning ruhini yo‘qotmakdur». Bu so‘zlar Qodiriyning zamondoshi buyuk ma’rifatparvar Abdulla Avloniy qalamiga mansub. O‘zbek romanchiligining asoschisi bo‘lmish Abdulla Qodiriy maqolalaridan birida «O‘zbek tili kambag‘al emas, balki o‘zbek tilini kambag‘al deguvchilarning o‘zi kambag‘al. Ular o‘z nodonliklarini o‘zbek tiliga to‘nkamasinlar», degan fikrni aytadi. Mana, tilga bo‘lgan chin muhabbat. Ana shu muhabbat orqali o‘zbek adabiyotida, o‘zbek tilida ilk roman vujudga kelgan. Adibning inja so‘zlari tufayli ko‘hna tariximiz, dinu diyonatimiz, xalqimizga xos dunyoqarash, his-tuyg‘ular tadrijini ko‘rsatadigan, ajdodlar merosini avlodlarga yetkazadigan, millatimiz ko‘zgusi bo‘lgan Ona tilimiz butun dunyoda insonning qiymati qadar qadrlanmoqda. Xullas,

istiqlol davri adabiyotshunosligi ko‘plar qatori, Abdulla Qodiriy fenomenini ham yangicha, halol, oshkora, ro‘yirost baholash sari yuz tutgan ekan, ishonamizki, uning hali yetarli o‘rganilmagan ijod yo‘li haqida ko‘p va xo‘p yoziladi. Biz faqat bu masalaga yana bir bor e’tiborni qaratdik, xolos.

Betakror iste’dod sohibi bo‘lgan Abdulla Qodiriy milliy romanchiligimizning tamal toshini qo‘yishni niyat qilib yozgan dastlabki yirik asaridagi har bir so‘zda millat ruhi, uning urf-odatlari, zohiriy va botiniy olami bor bo‘yi bilan aks etib turishiga intilgan. Xususan, qahramonlariga Otabek, Kumush, Anvar, Ra’no, O‘zbekoyim, Oftoboyim kabi ismlarni berganida ham ularning qat-qatiga hikmatlar javohirini joylagan. Aynan makon va zamon tasvirlariga ham xuddi shunday mahorat bilan yondashganki, ularni o‘qigan kitobxon o‘zini o‘sha zamon va makonda his qiladi. Zero, Qodiriy asarlarida tarixiy haqiqat jonli hayotiy voqyealar asosida gavdalantirilgan. Voqyealar kechayotgan zamon va makon manzarasi xuddi usta musavvir chizgan kartinadagi kabi aniq chizib ko‘rsatilgan. Karvonsaroy, hujra, o‘rda, saroy, hovli, turar joylar tasviri, turli toifadagi kishilar: xon, bek, qozi, qo‘rboshi, hunarmand kosib, qorovul, mirshab, maktabdor muallim, xon saroyi mirzalari, davlatmand kishilar, ayollar, bolalarning o‘ziga xos obrazlari orqali kitobxon asarni mutolaa qilayotganida qahramonlar qanday paytda qanaqa joyda turganini go‘yo ko‘rib turganday bo‘ladi. Masalan, «O‘tkan kunlar» romani asosiy qahramonlari Otabek va Kumush bir-birlariga ilk bor ariq bo‘yida duch kelishadi. Poyabzal bozori burchagidagi darvozadan ichkaridagi bu joy romanda «sirli ariq bo‘yi», deb ta’riflanadi. Otabek va Kumushning sirli ariq bo‘yidagi bu tasodifiy uchrashuvi roman syujetidagi voqyealar «zanjir»ida zarur halqaga aylanadi. Romandagi murakkab voqyealar tizimini ana shu halqasiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Romanda bu kabi o‘rinlar talaygina bo‘lib, ular kishida ko‘tarinki kayfiyat, ajib hissiyotlar uyg‘otadi. Asarning o‘ziga xos tili, adibning so‘z san’atkori sifa-

tidagi mahorati ushbu o‘rinlarda, ayniqsa, yorqin namoyon bo‘ladi. Romanda nikoh to‘yi jarayonidagi Otabek bilan Kumushning uchrashuvi ham romantik uslubda tasvirlanadi. Asarning ayni sahifalari o‘zbek to‘ylari, xalqimizning urf-udumlari to‘g‘risida muayyan tasavvur beradi. Tarixiy davr ruhi aniq aks ettirilgan «O‘tkan kunlar» romanida voqyealar kechadigan joylarni ko‘rsatishga alohida e’tibor qilingan. Jumladan, to‘y sahnalari qalamga olinganda, albatta, hovlining ichkarisi va tashqarisi alohida ta’kidlangan. Romanning «To‘y, qizlar majlisi» bobini o‘qigan kitobxon asarda voqyelik aniq aks ettirilgani, milliy turmush manzaralari tarixiy haqiqatga uyg‘un tarzda gavdalantirilganiga amin bo‘ladi.

«O‘tkan kunlar» va «Mehrobdan chayon» kabi tarixiy asarlari bilan milliy romanchiligimizga asos solgan Abdulla Qodiriyning sohir qalamidan to‘kilgan ilk so‘zlar ham uning butun umri millat dardi bilan chambarchas bog‘liq ekanini ko‘rsatib turibdi. Adibning «To‘y», «Millatimga», «Ahvolimiz» kabi she’rlari, «Uloqda», «Jinlar bazmi» hikoyalari, «Baxtsiz kuyov» dramasi dunyo yuzini ko‘rganida, u hali yigirma yoshning nari-berisida bo‘lgan. Xususan, millatning asriy qayg‘usiga aylangan mavzu nazmiy satrlarda kuylangan «To‘y» she’ri yozilganda uning ijodida ilk bahoriy tonglar otayotgan palla edi. Ayni mavzuni ijodining aksari publisistikaga yo‘naltirilgan, «Julqunboy» taxallusi bilan gazetxonlar orasida mashhur bo‘lgan adib Abdulla Qodiriy ko‘p bora qalamga olgan. Jumladan, «To‘y» she’rida quyidagi misralarni o‘qiymiz:

Qildi bu vaqt bizda javlon to‘y, Oqchasi yo‘qni etdi h
ayron to‘y.
Bir-biridan oshurdilar to‘yni, Topdi ravnaq, hayrat ila
boyon to‘y.
Besh kun to‘yni so‘ngidin Ketibon mulklar bois fig‘on to‘y.
Boyon to‘yig‘a yerlilar qarab Etdi sarf toki tandagi jon to‘y.

Mazkur she’r o‘sha davrning eng ko‘zga ko‘ringan nashrlaridan biri bo‘lgan «Sadoyi Turkiston» gazetasining 1915 yil 20 mart sonida e’lon qilingan. Bu esa isrofgarchilik manbai bo‘lgan to‘ylarni ixchamlashtirish, odamlarni marosimlarni dabdabasiz o‘tkazishga chaqirish o‘sha paytlarda ham jiddiy targ‘ibotga muhtoj bo‘lganini ko‘rsatadi.

Xulosa o‘rnida aytishimiz mumkinki, har qanday muhtasham imoratga zeb bo‘lish bilan bir qatorda, uni mangulikka daxldor etadigan, bor ko‘rku tarovatini asrlar qa’ridan olib o‘tadigan ulug‘vor ustunlari bo‘ladi. Ta’bir joiz bo‘lsa, eng kichik asarlaridan to so‘nggi so‘zigacha milliylik ufurib turgan, ismu jismi ham, zohiriyu botini ham milliylikka yo‘g‘rilgan buyuk adibimiz Abdulla Qodiriy chin ma’noda millatimiz ko‘zgusi, ma’naviyatimizning barqaror ustunidir.

Adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 1994-yil 25-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasi mustaqilligi e’lon qilinganining 3 yilligi munosabati bilan mukofotlar to‘g‘risida”gi UP-939-son Farmoni.

2. Abdulla Qodiriy hayoti va ijodi. 2015-yil 13-martda olindi. 2015-yil, 2-aprelda arxivlangan.

3. A.Ahmedov. Abdulla Qodiriy millatimiz ko‘zgusi. Postda gazetasi 2019 yil

4.https://cyberleninka.ru/article/n/zhizn-abdulla-kadyri-i-ego-proizvedeniya

5. Лучшие книги Абдуллы Кадыри. www.livelib.ru/author/369273/top-abdulla-kadyri

6. https://online-telegram.ru/manaviyat_va_marifat_darsi.

“MEHROBDAN CHAYON” ROMANIDA AYOLLAR RUHIYATI TASVIRI

Ismoiljonova Nilufar Qahramonjon qizi
Namangan davlat unversiteti 2-kurs magistranti

Annotatsiya. *Maqolada Abdulla Qodiriyning Mehrobdan chayon romanida ayol ruhiyati tasviri yoritilishi, ijodkorning ayol psixologiyasini tasvirlashdagi mahorati haqida so`z yuritiladi.*

Kalit so`zlar: *ayol ruhiyati, badiiy psixologizm, psixologik tasvir vositalari, jest (mimika), inson ruhiyati.*

Annotation. *The article discusses the description of the female psyche in Abdulla Qadiri's novel Mehrobdan Chayan, and the author's skill in depicting female psychology.*

Keywords: *female psyche, artistic psychology, means of psychological imagery, gesture (mimicry), human psyche.*

Abudulla Qodiriy boshqa nasriy asarlaridan ko`ra xotin-qizlar obrazini “Mehrobdan chayon” romanida kengroq yoritgan. Yozuvchining o`zi ham asar boshlanishida shunday aytib o`tadi: Turkiston feodallarining keyingi vakili bo`lg`on Xudoyorxonning o`z xohishi yo`lida dehqon ommasi va mayda hunarmand-kosib sinfini qurbon qilishi, mamlakat xotin-qizlarini istagancha tasarruf etishi, bunga qarshi kelguvchilar tilasa kim bo`lmasin, rahmsiz jazo berishi ro`monning mavzuyidir…

… Chunki shundan ortig`i soxta bo`lishi ustiga kitobni qadrini ham tushurar edi. Shu ikki sinf kursini tasvir qilish vositasida xon harami, xotunlari, qirq qizlar, tarixiy va etnog`rafiy lavhalar, o`zbek hayoti, qiziqchiligi, tanqidchiligi, o`zbek xotun-qizlaridag`i orasidag`i ist`edod, shoirlar,azkiyachilik va boshqa yana ko`p nuqtalarni qamrab olindi… [Abdulla Qodiriy., 2017; 13]

Ayol nozik hilqat bo`lishiga qaramay uning ruhiyati, qalbi hali hanuzgacha ruhiyatshunoslar tomonidan o`rganib kelinmoqda. Ayol bir vaqtda qiz farzand, singil, ona, rafiqa va har bir rolida jasorat sohibasi. Ayollarni o`quvsizlikda, bir inson emas qulday qadrsiz, yuqori tabaqaning o`yinchog`i sifatida tasvirlangan bir vaqtda Abdulla Qodiriy o`z asarida ayollar ruhiyatini bevosita va bilvosita ochib berdi. Ayol qalb tug`yonlarini, jaholat tufayli ayollarning umri erta zavol topyotganini juda aniqlik bilan tasvirlab berdi. Bevosita o`zi ta`riflab bersa, bilvosita esa ularning nutqidan, xatti-harakatidan va o`zgalarning fikrlaridan ochib berdi. Biz buni romanning har bir ayol obraznini tahlil qilganimizda ochib berishga harakat qilamiz.

Eng avvalo, biz asardagi Solih mahdumning onasi Mohlar oyim obraziga to`xtalamiz. E`tibor berib qarasak, bu obrazda biz haqiqiy o`zbek onasini ko`ramiz. Xuddiki bu obraz qaysidir jihatlari O`zbek oyimga ham o`xshab ketadi. Mohlar oyim ham farzandlarini baxt-u iqbolini o`ylaydigan, ularning kelajagi to`g`risida qayg`uradigan ziyrak, aqlli, o`zbek ayoli. Ona uchun birinchi navbatda nima kerak? Albatta, farzandlarining baxti va oilasining tinchligi. Asarda ham Mohlar oyim shunday tarzda ochib berilgan. Fikrimizni isbotini asardan keltiramiz: *O`g`il yigirmaga, qiz o`n beshka yetdimi onalarning dardi kelin va kuyav savdosi bo`lib qoladir. Shunga o`xshash mahdumning onasi Mohlar oyimning kasali go`yo "dard ustiga chipqon edi": mahdumning yoshi yigirmadan oshti, Na`ima ham o`n sakkizga to`ldi, ya`ni kelin ham kerak, kuyav ham.* Darhaqiqat onalarning orzusi qizini yaxshi joyga uzatish va o`g`liga esa rafiqa topish. Shuningdek, onalar oila tayanchi suyanchi bo`ladi. Asarda ham Mohlar oyim oilasining ustuni edi. Aytib o`tiladiki, Mohlar oyim o`z tirikligida mahdumning boshini ikki qilmasa, o`zidan so`ng uning uylana olishi amri mahol. Mohlaroyim iqtisodiy ahvoli og`ir bo`lsa ham, kelin kerak deb duch kelgan qizni o`g`liga olib bermaydi, aksincha, sinchkovlik bilan, biz quyida tanishadigan Nigorxonimni

kelin qiladi. Shuningdek, Mohlar oyim juda bag`rikeng, mehribon, ko`ngilchan ayol. Undagi fazilatlarni faqat o`zbek ayollarida uchratishimiz mumkin. Uning mehri-muruvvati ostida Anvar ham o`qimishli, bilimli bo`lib yetishadi. O`g`lining xarakterini, yashayotgan davr qiyinchiliklarini, o`z farzandini boqish og`ir bo`layotgan bir davrda Anvarni asrab oladi, unga o`z farzandidek munosabatda bo`ladi. Quyidagi parchadan fikrimizni istbotlaymiz.

Domlasi maqtaydirg`an o`zimning zehnlik bolam-ku, -dedi Mohlar oyim Anvarni ko`rishi bilan va Nodiraga taskin berdi.

Xo`b, qizim, xo`b pochchasi boqmasa boqmasin, men o`zim boqaman, o`qitib katta mulla qilaman.

Mohlar oyimning ziyrakligi, uzoqni ko`ra bilishi keyingi o`rinlarda ham keng tasvirlangan. U o`z nevarasi Ra`noning ham baxtini o`ylaydi. Anvarni ko`rish bilan kelajakda yaxshi inson bo`lib yetishishini, Ra`noga Anvardan yaxshiroq yigitni topilmasligi qayta-qayta takrorlaydi.

Darhaqiqat, Anvar Mohlar oyim aytganday yigit bo`lib yetishadi. Shuningdek, Mohlar oyimda ham o`zbek onalariga xos tantilik, arazlash sezilib turadi. U o`g`lidan arazlab Marg`ilonga ketib qoladi. Ammo shunda ham Anvarni unutmaydi. Nigorxonimga, albatta, Ra`noni Anvarga berishini tayinlaydi. Huddi bu qat`iy buyrug`idan kelajakda Ra`noning boshiga keladigan kulfatlarni sezganday edi.

Asarda keltirilgan kichik obrazlardan biri bu Anvarning opasi Nodira edi. Nodira ham haqiqiy o`zbek qizi. Mehribon opa, onaning o`rnida ona, uzoqni ko`ra oladigan aqlli ayol. Anvar tug`ilganda ham quvongan shu Nodira bo`ladi, unga ism qo`ygan ham, tarbiyalagan, hattoki kelajakda Anvarning yuqori mansabni egallab bilimli bo`lishida ham Nodiraning o`rni eng muhim ahamiyat kasb etadi. Nodira Anvar tug`ilganda o`n ikki yoshliq murg`ak bola edi. U ukasini hammadan ham ko`ra yaxshi ko`rdi. Nodira mehnatkash, sabr-toqatli qiz edi. Ota-onasi vafotidan

so`ng ham o`z oilasi tashvishi, ham yetim qolgan ukalarining o`n bir yoshlik Temur, to`qqiz yoshlik Qobil va Anvarlarni tarbiya qilish Nodiraning o`ziga qoladi. U bolalarga ona o`rnida ona bo`ladi. Ukalarining begonalar qo`lida xor bo`lishini istamaydi, lekin nachora erining faqirligi sabab ikki ukasini boshqalarga berib yuborishga majbur bo`ladi. Biz Nodira obrazi orqali bir vaqtda ham yetim bolalarga ota-ona, opa, eriga rafiqa timsolini ko`ramiz. Bunday qiyinchilik zamonida yosh qiz uchun bu ulkan mas`uliyat edi.

Nodira Anvarga onalik qiladi, uning istibolini oldindan ko`rib, ukasini o`qitmoqchi bo`ladi va hatto madrasalarga bermoqchi va shu yo`sin mullaliq darajasiga yetkizib, uyiga charog`chi qilmoqchi edi. Ammo, erining faqirligi sabab Anvarni Solih mahdumnikiga olib boradi, bu Anvar istiqboli uchun eng to`g`ri yo`l edi. O`ylab ko`ring, Buxoriyning Imom Buxoriy bo`lishiga kim sabab, Alisherning Alisher Navoiy bo`lishigachi, albatta, ayol. Anvarning keyinchalik istiqboli porloq bo`lishiga Mohlar oyim, Nodiralar sabab emasmi?

Abdulla Qodiriy asar qahramonlarini osmondan olmaganday xuddi o`ziga tanish bo`lgan ayollarni o`z asariga kiritganday go`yo. Asardagi muhim obrazlardan yana biri Nigorxonim. Abdulla Qodiriyning o`g`li Habubilla Qodiriy shunday yozadi: "Menga eng ma`quli esa "Qo`rqinch bir jasorat" bobi va Nigorxonim obrazi edi. Chunki Nigorxonimning tashqi qiyofasi, og`ir, mayin tabiati, muomalasi, bor-yo`qdek uyda yurishi xuddi oyimga o`xshab ketardi..." [Habibulla Qodiriy., 1983; 139] Hatto yozuvchi Nigorxonimni ta`riflashga alohida e`tibor qaratib, bir bobni unga ajratadi. Nigorxonimni shunday ta`riflaydi: *"Nigor oyim qisqa bo`yliq, pista po`choq targ`il ko`zlik, zarcha tanlik, yuzidagi onda-sonda chechak o`runlari bo`lmag`anda husndor bir xotun edi. O`z bolalari bilangina emas, hatto shogirdlari bo`lg`on qizlar bilan ham juda yumshoq muomala qilar, ortiqcha achchig`lang`an kezlarda "beting qursin" deb, qoshini chimirib olar edi, eriga o`x-*

shash "ozodliq" uchun bolalarni siqmas, bil`aks "bo`shlig`i" uchun o`zi mahdum tomonidan siqilar edi. Oz va ma`noliq qilib so`zlar, xotunlar bilan muomalasini boshqa otinbibilardek yuqoridan turib qilmas, soddacha suhbatlashar edi." Ko`rinib turibdiki, Nigor oyim mahallaning oldi ayollaridan, aqlli, xushmuomala, kibrga berilmagan sodda o`zbek ayoli. Nigor oyim boshqa ko`p xotinlarga qaraganda sabr-toqatli, tadbirli ayol edi. Solih mahdum garchi uni urmasa ham lekin urgandan battar qilar edi. Ammo Nigor oyim o`zining sabrini matonatini namoyon qildi. Yana shu o`rinda o`zbek onasi obraziga to`xtalamiz. Nigor oyim eridan yolchimadi ammo o`z oldig`a qo`ygan bolalarining va to`ng`ichi bo`lgan Ra`nosidan umid qilib, ularni yaxshi tarbiya qildi.

Nigorxonim boshqa ayollar singari eriga itoatkor, erining so`zidan chiqmaydigan ayol. Shuningdek, aqlli va juda tadbirli hamdir. Anvar munshiy bo`lib oylik ola boshlagandan so`ng, Nigorxonim uni yo`lga soladi, ro`zg`orining kam-ko`stlarini to`g`irlaydi. U Anvarga *"...Har qancha bersang ham dadasi ola beradir. Lekin berganingni sen bilan bizga misi ham yuqmas. Shunday bo`lg`ondan keyin, ishni o`ylab qilish kerak der edi..."*

Shuningdek, Nigor oyim fahm-farosatda odamiylikda Solih mahdumdan ham yuqorida turadi. Har gal Solih mahdum tomonidan insoniylik nomiga isnod keltirgan biror qilig`ini ko`rib qolib kuzatgudek bo`lsalar, unga nisbatan darrov munosabat bildiradi. Ba`zan hazil-huzul bilan javob qilsalar, ba`zan esa bir-birlariga qilingan ishora orqali ma`lum bir masalani tushunishlari Mahdumning qarashlaridan boshqacha ekanligini anglatadilar. [Qo'shjonov, 1994, 78]

Nigor oyim aqlli va tadbirli ayol bo`lishiga qaramay, o`z erining izmidan chiqolmaydi. Bechora qizining taqdiriga kuyib yig`lasa ham qo`lidan hech narsa kelmaydi. Taqdiri azal oldida ojiz. Uning asardagi ushbu holatini adib shunday tasvirlaydi. O`n yillab bizga kiydirgan, yedirgan bechora Anvarga oqibatimiz shu bo`ldimi! Sho`rlik Ra`no bir yuz xotun yonig`a yuz birinchi kundash bo`lib boradimi? – deb yig`ladi Nigor oyim.

Birozdan keyin tovoqda osh ko`tarib Nigor oyim chiqdi. Yig`idan kipriklari terilib, chuqur andisha ichida boshini quyi solg`an edi. Nigor oyim kirganda Anvar charog`poyag`a sham yoqar edi. Nigor oyim dasturxon yozib, tovoqni Anvarning oldiga qo`yar ekan, birdan piq-piq yig`lab yubordi.

Adibning ayolning holatini tasvirlashi ham san`atkorona. U ko`zlari yoshdan qizargan, qovoqlari shishgan deb ta`rif berishi ham mumkin edi, ammo u nozik so`zlarni qo`llab, yig`idan kipriklari terilib kabi tasvirlaydi.

Abdulla Qodiriy xotin-qizlar taqdiriga befarq bo`lmagan. Ayollarning o`qimishli bo`lishi, ularning erki o`z qo`lida bo`lishi kerakligini, orzu-umidlariga qarshilik qilmaslik kerak ekanligini yaxshi anglaydi. Buni o`z hayotidan va ijodidan ham bilsak bo`ladi.

Habibulla Qodiriy shunday hikoya qiladi. “Josiyat bibimning Ubayda ismli opasi bor edi. Uning Rahbar ismli bir nabirasi bo`lib, 17-18 yoshlarida oq tan, bo`ydor, to`ladan kelgan, chiroyli qiz edi. Uning chiroyli ovozi bor edi. 20-yillar oxirida bo`lsa kerak, Rahbar opani otasitengi boy insonga erga berishdi va u bir-ikki yil ichida bir farzand ko`rib xastalanib tezda vafot edi. Abdulla Qodiriy bu fojeani o`z ko`zi bilan ko`rgan. Bu iztiroblarini o`z asarlariga singdirgan.

Xotin-qizlarimiz taqdiridagi bunday baxtsizliklar o`tmishda ozmuncha bo`lganmi? Bunday hadsiz baxtsizliklar, ayanchli taqdirlar Qodiriyni mudom iztiroblantirgan va hatto yig`latgan. Buni biz u kishining asarlarida ham ko`ramiz.[Abdulla Qodiriy., 2017; 455]

“Mehrobdan chayon” romanida xon haramidagi qizlar taqdiri o`qiguvchining yurak bag`rini o`rtaydi. Abdulla Qodiriy bu o`ringa alohida e`tibor qaratadi. Asarning boshlanishida “… Xudoyorxonning mamlakat xotun-qizlarini istagancha tasarruf etishi, bunga qarshi kelguvchilar tilasa kim bo`lmasin, rahmsiz jazo berishi ro`monning mavzuyidir…”deb aytib o`tadi. Shuning

uchun haram hayotini “Haram”, “Og`acha oyim”, “Xonim oyimlar”, “Qirq qizlar”, “Nozik” boblarida tasvirlab beradi.

Bu yuqorida Abdulla Qodiriyning o`zi ko`rsatgan feodal istibdodning xotin-qizlarga bo`lgan munosabati edi. Yozuvchi masalaning bu tomoniga ko`proq e`tibor berdi. Hayotning bu tomonini to`laroq ko`rsatish uchun tanlangan Gulshanbonu obrazi orqali xon saroyi va haram bilan tanishamiz. [Qo‘shjonov., 1994;79]

Gulshanbonu ham boshqa ko`pchilik o`zbek ayollar singari uy-ro`zg`or qilib, farzandlariga bosh bo`lib umr o`tkazishi mumkin edi. Ammo ayanchli taqdir, ijtimoiy tuzum uni xonning bir kunlik ko`ngil ochariga keyinchalik esa, xonning qiz topariga aylandi.

Gulshanbonu izidan borib, biz, Xudoyorxonning kanizlarni qabul qiladigan hashamatli saroyi, uning nikohida bo`lgan katta-kichik xotinlarning o`tirish-turishlari, hayot tarzi bilan tanishamiz. Haram hayotini to`laroq anglab olishda Gulshabonu bilan Og`acha oyim bilan suhbatga e`tibor qarsak, haramda yuzlab yosh-u qari ayollar bor, hatto ular bir katta o`rdag`a sig`mayapti, yana shunday davom etsa yana bir o`rda solishga to`g`ri keladi. Bu mubolag`a emas chunki o`rda haqidagi ma`lumotlarni Abdulla Qodiriy xonning xotinlaridan biri Roziya oyimdan olingani aytib o`tiladi.

Endi biz yana Gulshan obraziga to`xtalamiz. U 35 yoshlardagi go`zal xotin haram xodimalaridan biri. Gulshan darvozadan kirganda shunday ta`rif beriladi. *Paranji ostida bosilib tartibsizlangan sochlarini tuzatdi, chang o`lturg`an niliy rang tovor ko`ylagining etaklarini qoqti, qo`lidag`i yoqut va zumrad ko`zlik oltin uzuklarini to`g`rilab taqti.* Qo`lida qimmatbaho uzukning bo`lishi, xonning haramini ko`paytirib, xon iltifotiga qanchalar tarzda erishganiga dalolat. Ammo bu qimmatbaho uzuklari bo`lsada oddiy ayollarga o`xshab baxtli emas. Sochlari tartibsiz, ko`ylaklari changligi uning ruhiy holatini ham ochib beradi. Bu tartibsizlikni tuzatsa ham befoyda, u yana bir qayta sochini ro`y-

molini, kiyimini tuzatib oldi. Shundan yana u ro`ymol-lachagini tuzatdi. Bu tasvir asarning uch joyida keladi.

Gulshan ichkariga kirganda unga keksa bir xodima- eshikochar xola salom beradi. Ikkinchi eshikni ochganda, yana eshik ochar xola ko`rinadi, lekin bunisi yoshqina bir kaniz edi. E`tibor bering ikkinchi yosh, bundan chiqdi haramga yaqinda kelgan ikkinchisi esa, yillar davomida haramda hizmat qilib kelayotgan-keksa hodima. Adib ikki obrazni qo`llab nima demoqchi, yoshgina qiz keksa bo`lguncha oilasiz, farzandsiz keksa ayol kabi umrini eshik ochar bo`lib o`tkazishga majbur.

"Qirq qizlar" bobida umri xazon bo`lgan qizlar bilan tanishamiz. Haramdagi kanizlar soni bir yuz ellik besh nafar deb aytib o`tiladi. Ular ham yuqoridagi kanizlarda ko`rilgandek qizil shol ko`ylak, sarig` gullik qizil ro`mol, shuvamatos yoki adras jelatka kiygan edilar. Nega aynan qizil rangli ko`ylak va sariq gulli qizil ro`mol? Men bu tavirni o`qib Uvaysiyning anor chistoni yodimizga keldi.

U qizlarning yoshi aksariyat yigirmadan oshgan, ichlarida o`n olti, o`n yetti yoshliklari ham. O`n gulidan bir guli ochilmagan, oila qurish, farzand ko`rish, bir uyning bekasi bo`lishdek baxtni orzu qilishga ulgirmagan, o`zlari kiygan qizil matodek bag`ri qon qizlar edi. Qizlarning kunduzgi mashg`uloti to`p o`yin o`ynash, bir-birlari bilan kulishib, aytishish, quvlashmachoq o`ynash. Ammo bu bilan ular baxtlimikin? Albatta yo`q. Bir tasvirga e`tibor bering, *shomga yaqin osh tayyor bo`lib, qizlar o`z qo`shoqlari bilan uyga kirdilar. Gulshan ham bir qo`shoq qizlarg`a qo`shulib, o`rdadag`i uyga kirdi. Qizlarning o`zidek uyning polos va jihozlari ham besaranjom edi. Unda bir ro`ymol, bunda bir mahsi, narida yana bir narsa…Xullasi, uy ivirsib yotar edi.*

Inson psixologiyasida, agar inson biror narsadan ranjisa xafa bo`ladi, boshiga tashvish tushsa yig`laydi, yana ham qattiqroq qayg`uga tushsa oh-u faryod chekadi, bu hol davom etsa ruhiy tushkunlikka tushib qoladi. Bundan keyin ikki yo`l qola-

di qayg`uning azobidan vafot etadi yoki hayotdan bor umidini uzib, beparvo bo`lib qoladi. O`z-o`zidan kuladi, hazillar qiladi, ammo ichini bor dard-u alam yemiradi. Shunchalik og`riqlarni his qilganki keyingi og`riqlarni sezmay ham qoladi. Qirq qizlar, Nozik, Tuxfa, Qumri va boshqalar huddi shunday edi. Ularning o`yin-kulgusi, hazillari, shaddod, sho`xliklari kitobxonni kuldirsa-da, ammo ularning ichki olamiga nazar solsak, ularga achinamiz. Adib ular holatini boshqacha yo`sinda berishi mumkin edi, ammo bunchalik darjada kitobxonga ta`sir qilmasdi. Ularning so`zlariga e`tibor bering.

Senlarg`a hech son kirmadi... qachon ko`rsam, uylaring lo`lining xurjun solg`an yelkasi!

Lo`lining xurjun solg`an yelkasi bo`lsa, - dedi Nozik otlig` bir qiz, -o`zing yig`ishtirib ber, Gulshan opa!

Menmi, menga nima?

Menga ham nima?

Sening turadirg`an uying, dedi Gulshan, - yig`ishtirsang, ko`ngling ravshan bo`ladi.

Uy yig`ishtirilmasa ham ko`nglim ravshan, - dedi Nozik va yonidag`i Tuhfaga qarab kuldi. – Tuhfa, sening ham ko`ngling ravshanmi?

Tuhfa og`zini katta ochib, Gulshanning oldig`a keldi:

Mana, o`z ko`zing bilan qara, opa, ko`nglim chilchiroq yoqqandek ravshan, ko`rdingmi?

Ularning bu suhbatlaridan kinoya, kesatiq ma`nolarini anglaymiz. Ular uyni yig`ishtirib qo`ysam ko`nglim ravshan bo`ladimi? Barcha orzu-umidlarimdan mahrum bo`lib to`rt devor ichida yolg`iz qoldim. Mening boshqa qizlardek baxtli bo`lisha haqqim bor edi. Ammo hozir dunyoni poyimga qo`ysang ham, ichimga chiroq yoqsang ham yorishmaydi demoqchi bo`ladi.

Qizlar o`zaro bazmga hozirlanar edilar va har kech bazm bilan ko`ngil yozar edilar. Darxaqiqat, erkaklar dunyosidan aloqasi kesilgan, oila hayotidan mahrum bechoralar shundan boshqa

nima bilan ovunsizlar? Ularning ovunchog`i- kunduzlari o`yun, kechalari bazm va tunlari uyqu ham tush edi. Qirq qizlar ichidan bu tuzum qurbobi bo`lgan Nazli ismli qizni ko`zda yosh bilan eslashadi. Soliq o`rniga xon o`rdasiga olib kelingan go`zal xushovoz bu qiz ikki yilda sil bo`lib vafot etadi.

Bu yosh qizning fojiasi bizga Abdulla Qodiriyning qarindoshi Rahbar ismli qizni eslatadi. Agar so`zimga kirib Bo`pirni o`qitishganda, xohishiga qo`yishganda u yurtda mashhur ayol hofizalardan bo`lardi: ovozi yaxshi edi. "Yuzni ochish gunoh, buzilib ketadi", deb ko`nmadilar. Bunisi ham mayli. Tag`in bechorani borib-borib o`z tengiga emas, kuyov qurigandek "puli ko`p, boy" deb, xotini o`lgan qariga berishdi-ya. U hasratdan ich-etini yeb sil bo`lib o`ldi.

Nazmi va Rahbarning taqdiri birday go`yo.

"Qirq qizlar" bazmi shunday qilib tunda o`z nihoyasiga yetdi. Birozdan so`ng qatordan pishillagan tovushlar eshitildi va bu pishillashni ora-chora piq-piq yig`lag`an tovush buzar edi.

Ko`ryapsizki, qanchalik sho`x, shaddod bo`lishmasin barchalarining ichlari dar-u alamga to`la. Kunduzlari kulsalar-da tunlari yostiqlarini ho`l qilib yig`lab chiqishadi. Axir ularda nima gunoh bor edi. Ularning boshqa o`zbek qizlaridan qayerlari kam edi. Axir ular ham turmush qurishga, oilali bo`lishga, farzandlar ko`rib, ularni tarbiya qilishga, farzandlarining baxt-u saodatini ko`rishga, bir uyning bekasi bo`lishga haqlari bor edi. Ularning ham orzu-istaklari bor edi. Ammo…Afsus shum taqdir ularni barchasidan mahrum etdi, orzu qilishga ulgirmay armonga aylandi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla Qodiriy. Tanlangan asarlar II jild "Mehrobdan chayon". Toshkent.: Info Capital Group

2. Xabibulla Qodiriy. Otam haqida. Toshkent. G`afur G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 1983-yil

3. Мирзаев И. Абдулла Қодирий. – Тошкент: Фан, 1975

4. Qo`shjonov M. O`zbekning o`zligi. – Toshkent.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 1994-yil 78-bet

5. B. Karimov Abdulla Qodiriy: tanqid, tahlil va talqin. – Toshkent: Fan nashriyoti 2006-yil.

6. X. Lutfiddinova. Gullarning Ra`nosi. – Toshkent: O`zbeiston, 1997.

“MEHROBDAN CHAYON” ROMANIDA MAQOL JANRINING O‘RNI

Sharipova Ma’mura Sharif qizi,
ToshDO‘TAU Adabiyotshunoslik:adabiyotshunoslik nazariyasi 1-kurs magistranti

Annotatsiya. *Ushbu maqolada Abdulla Qodiriyning “Mehrondan chayon” asarida qo‘llanilgan maqollari aniqlanib, tahlil ostiga olindi. Shuningdek, maqollarning xususiyatlari, vazifalari ko‘rib chiqildi. Maqollar nasriy asarlarda qaysi vaziyatlarda qo‘llanilishi, qanday vazifa bajarilishi ko‘rib chiqildi. Maqollar qisqa va ixcham bo‘lishiga qaramay, kam so‘z orqali o‘zida chuqur, hayotiy ma’nolarni anglatishiga misollar orqali amin bo‘lindi, shuningdek folkor bilan chambarchars bog‘lanmagan asarlarning tez unutilib ketishi, maqollarni badiiy asarda qo‘llash millatning madaniyati va urf-udumini uzoq yillar davomida saqlab qolishning yo‘llaridan biri ekanligiga guvoh bo‘lindi.*

Kalit so‘zlar: *folklor, maqollar, maqollarning funksional vazifalari, Belinskiy, “Mehrobdan chayon”, “Oydinda yurgan odamlar”, urf-odatlar.*

Abstract. *In this article, the proverbs used by Abdulla Qadiri in «The Scorpion from Mehron» were identified and analyzed. Also, the characteristics and functions of proverbs were considered. In what situations proverbs are used in prose works, what tasks are performed. Despite the fact that proverbs are short and concise, they are convinced through examples that they convey deep, vital meanings through few words, as well as the fact that works that are not closely connected with folklore are quickly forgotten, the use of proverbs in artistic works is a national witnessed that it is one of the ways to preserve culture and tradition for many years.*

Keywords: *folklore, proverbs, functional functions of proverbs, Belinsky, «Scorpion from the altar», «People walking on the moon», traditions.*

Badiiy asarga kiritilgan xalq og‘zaki ijodi namunalari asarni jonli xalq hayotiga yaqinlashtiradi, asar voqealarining realligini oshiradi. Adabiyotning barcha turida xalq og‘zaki ijodi namunlarini uchratish mumkin. Epik turda ham, lirik yoki dramatik turida ham faol qo‘llanilib, badiiy asarda milliy ruhni aks ettiradi.

Epik asarlarda maqol janrining o‘rni katta ahamiyatga ega, sababi maqollar milliy tafakkur, hayotiy tajriba va madaniyatning o‘ziga xos ifodasi hisoblanadi. Maqollar qisqa va ixcham bo‘lishiga qaramay, xalq donoligini, urf-odatlarini, an’analarini o‘zida mujassam etadi. Maqollar nasriy asarlar bilan uyg‘unlashgan holda asarga obrazlilik baxsh etadi. Shuningdek, maqollar asarda xalqning ko‘p asrlik tajribasini oshirish bir necha so‘z orqali ko‘rsatish xususiyatga ega. Nasriy asarlarda millliy rang-baranglik va madaniy boylikni saqlashda muhim ahamiyatga ega. Badiiy asarda maqollar yozuvchining maqsadiga ko‘ra turli xil maqsadlarda qo‘llanadi. O‘zbek romanchiligiga o‘z tamal toshini qo‘ygan Abdulla Qodiriy ham o‘z asarlarida maqollardan unumli foydalangan. Masalan, “Mehrobdan chayon” romanida qo‘llangan maqollar bilan tanishib chiqsak, qahramonlar dialoglarida, biror vaziyatni oydinlashtirishda, isbotlashda, personaj hissiy holatini ifodalashda, muloqotni jonlantirishda kabi turli xil maqsadlarda 20 dan ortiq maqol qo‘llangan. “Xotin kishining boshi – uy ichining o‘g‘ir toshi” maqoli voqea-hodisani osongina tushunishga ko‘maklashadi. Solih maxdumning xasisligi, uning fe’l-atvorini ko‘rsatish uchun, Nigorxonimning yigirma besh yildan beri Solih maxdumdek mumsik eriga chidab kelayotgani birgina maqol vositasida aniqroq ochib berilgan. Shu bilan birga, maqollar muallifning pozitsiyani bildirish uchun ham vosita bo‘lib kelishi mumkin. Bunda maqollar qahramonlar tomonidan emas, muallif

tomonidan keltirilib, bu orqali yozuvchi o‘z fikrlari va dunyoqarashini, falsafiy yondashuvlarini, hayotga bo‘lgan qarashlarini bildiradi. “Mehrobdan chayon” romanida quyidagi maqollar shu maqsadda qo‘llanilgan:

Do‘sting uchun qon yut;
Qarg‘a qarg‘aning ko‘zini cho‘qir ekanmi?
Ko‘rpaga qarab oyoq uzatmoq;
Tekinga mishiq oftobga chiqmaydi;
Qush tilini qush biladi;
Chumchuqdan qo‘rqib tariq ekmagan;

Xarakterlar aro muloqotning o‘ziga xosligini ko‘rsatishda ham maqollar muhim ahamiyatga ega, ya’ni xarakterlar o‘rtasidagi munosabatni ochib berishga xizmat qiladi. Aksariyat o‘rinlarda keksa, nuroniy, donishmand kishilar yosh avlodga hayotiy maslagini maqollar orqali anglatishga intiladi yoki hayotning baland-pastini ko‘rgan, tajribali kishilar yoshlarni qandaydir qiyin vaziyatlardan chiqarib yuborish uchun maqollardan unumli foydalaniladi. Jumladan, “Mehrobdan chayon” asarida quyidagi maqollar shu maqsadda foydalanilgan:

Yaxshilik qil, daryog‘a tashla; baliq bilmasa, xoliq bilur;
Gap bilguncha ish bil;
Daromadga yarasha buromad;
Andishani otini qo‘rqoq qo‘ymoq;
Oltin olma, duo ol;
Ko‘bni duosi ko‘l;

Shuningdek, nasriy asarda qo‘llangan maqollar hajviy yoki kinoyaviy maqsadlarda ham qo‘llaniladi. Muallif o‘z asarida ma’lum bir xarakter yoki holat, vaziyatni hajv qilish, kamsitish maqsadida maqollarni ishlatadi. Bunday yo‘nalishda maqollar-

ni qo‘llash, aksariyat vaziaytlarda, satirik asarlarda qo‘llanadi. Lekin shunday bo‘lishiga qaramay, “Mehrobdan chayon” asarida ham ushbu holat kuzatiladi:

Shamol bo‘lmasa, terakning boshi qimirlamas emish;
Mol ketti –jon ketti;
Osilsang ham baland dorga osil;
Sut bilan kirgan – jon bilan chiqar;
Qo‘li sust kosibdan oyog‘i chaqqon gadoy yaxshi emish.

Maqollar nasriy asarda davrni belgilashda ham muhim ahamiyatga ega. O‘tmishdagi voqealarni aks ettiruvchi asarlarda yoki muayyan joyning urf-odatlarini tasvirlashda, muallif maqollar orqali o‘sha davr va joyning ruhiyatini ifodalaydi. Bu holat esa asar tushunilishini yanada osonlashtiradi. “Mehrobdan chayon”da esa o‘sha davr Xudoyorxon va uning atrofidagi amaldorlar tiynatidagi ustaomonlik, johillik, mansabparastlik illatlari kinoyaviy pafosda beriladi. Asar tarixiy asar bo‘lganligi sababli asardagi bu turdagi maqollar ham yozuvchi tomondan qo‘llangan:

Azza man qana’, zalla man tama’; (Qanoatli aziz, ta’mali kishi xordir)

Mutul-asadu filg‘abobi ju’an va lahmut- tayri yutrahu lil-kilob; (Arslon changalzorda ochliqdan jon beradir, ammo itni qush go‘shti bilan boqadirlar.)

Xinziru yanomu fil-firosh va ulul-quli yanomu alat-turob; (To‘ng‘iz huzur qilib to‘shakda uxlaydir, oqillar tuproqda yotadirlar.)

“Mehrobdan chayon” asarida qo‘llangan maqollarga e’tibor tashlasak, maqollar hajmi qisqa va ixcham. Maqol janrining badiiy asarda qo‘llashning ham xususiyati shundaki, qisqa so‘zlar orqali murrakkab fikrlarni ifodalashdir. Ko‘pincha maqollarda ramziylik kuchli bo‘ladi, ya’ni qisqa bo‘lgani uchun o‘xshatish,

metaforalardan unumli foydalaniladi. Masalan, asarda qo‘llangan “Do‘sting uchun qon yut” maqoli bunga yorqin misoldir.

Maqollar xalq urf-odatining bir bo‘lagi hisoblanadi. Shuning uchun ham turli xil millatlada maqollar turlicha shakllanadi. Har bir xalqning o‘z dunyoqarashi, necha asrlardan beri shakllangan urf-odatlari bor. Bu borada Belinskiyning aytgan fikrlari ham o‘rinlidir: “Urf-odatlar –xalqing qiyofasidir. Ularsiz xalq – qiyofasiz obraz., behuda va amalga oshmaydigan xayoldir. Urf-odatlar nechog‘lik, yaxlit, umumiy, muqaddas, daxlsizdir, sharoit ta’siri hamda ma’rifat sohasidagi muvaffaqiyatlardan tashqari ularga hech qanday kuch hukmronlik qila olmaydi”. Xuddi shunday asar xalq og‘zaki ijodi bilan yo‘g‘irilar ekan, u asarning qimmati bebaho bo‘ladi. Rus munaqqidi V.Belinskiy “Adabiy orzular” asarida yozadi: “Karamzin kuchli yozuvchi edi, o‘z nomi bilan adabiyotimizda davr yaratdi, uning zamondoshlarga ta’siri shu qadar zo‘r, kuchli edi. Lekin u asarlarida rus iboralarini, rus hikmatli so‘zlarini nazar-pisand qilmadi, o‘z asarlarini fransuz tili nusxasiga ko‘chirdi”. Shunday ekan, o‘z asarini milliylik bilan bog‘lagan adib, yozuvchi asarlari tom ma’noda o‘lmaydi. Abdulla Qodiriyning birgina “Mehrobdan chayon” asarida qo‘llangan maqollardan namuna ko‘rdik. O‘zbek adabiyotida ko‘plab yozuvchilar o‘z asarlariga xalq maqollarini qo‘llaydi, sababi maqollar badiiy asarga estetik ta’sir ko‘rsatadi, nasriy asarga rang-barranglik, shukuh, musiqiylik kiritadi. Musiqiylik taqdim etishining birinchi sababi – saj’ (qofiyali nasr) dir. Maqollar ko‘pincha ijtimoiy masalalarni yoritadi, hayotiy muammolarni tahlil etadi va ularga yechim taklif qiladi. Shuningdek, asarda muhim g‘oyalarni berishda, qahramonlar qarorlarini va voqealar rivojlarini belgilashda tayanch nuqtalarni belgilaydii. Jumladan, asardagi ushbu maqol shunday vazifani o‘tagan:

Ko‘rpaga qarab oyoq uzatmoq;
Tekinga mishiq oftobga chiqmaydi.

Bundan tashqari, qahramonlarning ichki kechinmalarini, qaror qabul qilish jarayonlarini va hissiyotlarini yaratish jarayonida yordam beradi.

Abdulla Qodiriy har bir asarida xalq og‘zaki ijodi janrlaridan o‘rinli va unumli foydalanishga harakat qilgan. Xususan, bu romanda biz maqollarning turli xil xususiyatlarini, jumladan, asarda kinoyaviy, hajviy maqsadlarda qo‘llanishi, personajlar o‘rtasidagi munosabatlarni ochib berishga xizmat qilgani va adibning xalq hayotining ,uning turmush tarzining, oddiy insonlar fe’l-atvorini asoslashga harakat qilgani, ular ruhiyatidagi turli tebranish, holat-u vaziyatlarni maqollar vositasida yoritishga e’tibor berganini ham shohidi bo‘lamiz.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, har qanday folkor janri millatning mulki hisoblanadi. Xalq maqollari xalq madaniyatining ajralmas qismi hisoblanadi. Ular xalq an’analari, urf-odatlari va turmush tarzini aks ettirib, milliylikni kuchaytiradi. Shu bilan birga, nasriy asarlarda maqol janrining o‘rni keng va xilma-xildir. Nafaqat xalq hikmatini saqlab qoladi, balki zamonaviy hayotdagi dolzarb masalalarni yoritadi. Ularning roli nafaqat adabiyotda, balki jamiyatda muhim ahamiyat kaab etadi, negaki ular xalqning hayotiy tajriba mahsuli, ma’naviy qadriyatlarni o‘z ichida aks ettiradi. Maqollarni asariga singdirish xalq madaniyatini saqlash, targ‘ib etishning samarali usullaridan biri hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla Qodiriy. (2016). Mehrobdan chayon. “Sharq” nashriyoti.

2. Белинский. В. (1977). Адабий орзулар. Адабиёт ва санъат нашриёти.

3. Madayev.O. (2010). O‘zbek xalq og‘zaki ijodi. “Mumtoz so‘z”.

4. Mirzayev.T, Turdimov.Sh, Jo‘rayev. M, Eshonqulov.J, Tila-

vov.A. (2020). O‘zbek folklori, (205-219-bet). “Tafakkur-bo‘stoni” .

5. Қодирова. С. (2023). Мақол ва матал жанрининг ёзма шеъриятдаги ўрни. Центр научных публикаций.

ABDULLA QODIRIYNING “O‘TKAN KUNLAR” ROMANIDA ADABIY OMILLARNING O‘RNI

Suyunova Zarina Muzaffar qizi
Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada buyuk ijodkor Abdulla Qodiriy va uning “O‘tkan kunlar” romani adabiy omillariga ko‘ra tahlilga tortilgan. Adabiy omillar yozuvchining atrof-muhitga munosabatiga ko‘ra yuzaga chiqadi.*

Kalit so‘zlar: *“O‘tkan kunlar”, adabiy omillar, siyosiy omil, iqtisodiy omil, ijtimoiy omil, estetik omil, Yusufbek hoji, Otabek.*

Annotation: *in this article, The Great Creator Abdullah Kadiri and his novel “Days Gone By” are drawn into analysis according to literary factors. Literary factors come to the surface according to the writer’s attitude to the environment.*

Keywords: *“Days Gone By”, literary factors, political factor, economic factor, social factor, aesthetic factor, Yusufbek Haji, Otabek.*

Аннотация: *В этой статье великий создатель Абдулла Кадыри и его роман “Дни минувшие” подвергаются анализу в соответствии с их литературными факторами. Литературные факторы возникают в соответствии с отношением писателя к окружающей среде.*

Ключевые слова: *“Дни минувшие”, литературные факторы, политический фактор, экономический фактор, социальный фактор, эстетический фактор, Юсуфбек Хаджи, Отабек.*

O‘zbek tilining izohli lug‘atida “millat” so‘ziga bir hududda yashab, bir tilda so‘zlashuvchi, iqtisodiy hayot mushtarakligi

asosida istiqomat qiluvchi, umummadaniy va ruhiy holatga ega bo‘lishi asosida tarixan tashkil topgan kishilar birlashmasi deya ta’rif beriladi. Millatgagina tegishli bo‘lgan, uning xususiyatlarini ifodalaydigan, o‘sha xalqning o‘zigagina oid bo‘lgan xususiyatlar milliylik deyiladi. Milliylik biror bir xalq yoki millatgagina tegishlilikdir. Milliylik tarixan tashkil topgan barqaror ijtimoiy-etnik birliklarni, ya’ni millatlar va elatlarni boshqa barqaror ijtimoiy birliklardan, ijtimoiy sinflardan farqlovchi tomonlar, xususiyatlar, ma’naviy, ruhiy va madaniy qirralar hamda tafovutlar majmui. [Madvaliyev,2021: 79]. Milliy ruhiyat ham millatning ichki kechinmalari, orzu umidlari, kundalik turmush tarzi, iqtisodiy-ijtimoiy hayot, siyosiy ahvol, davlat boshqaruvi, tabaqalarning real ahvoli bilan belgilanadi. Milliy ruh - milliyligimizni ko‘rsatuvchi urf-odat, an’analarimiz, o‘zbekona tarbiya, oilaviy munosabatlarda namoyon bo‘ladi.

Izohli lug‘atimizga qaraydigan bo‘lsak “omil” so‘zi arab tilidan tarjima qilinib, “sabab, ta’sirchan kuch” degan ma’nolarni beradi. Ish-harakat, voqea-hodisa va shu kabilarning yuzaga chiqishi va sodir bo‘lishi uchun sabab bo‘lgan narsa[Madvaliyev,2021:] omil hisoblanadi. Adabiyotshunoslik darsliklarida “omil” so‘zi “biror bir jarayonni, holatni yuzaga chiqishiga turtki bo‘ladigan sabablar” sifatida beriladi. Omillar badiiy adabiyotda ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-estetik kabi turlarga bo‘linadi. Adabiy asarlarda ijtimoiy-siyosiy omillar odatda xalqning turmush tarzi, yashash sharoiti, davlat boshqaruvi va uning oddiy xalq vakillari hayotiga ta’siri bilan belgilanadi. Xalq vakillari bo‘lgan hunarmand, dehqon, savdogar-u chorvadorlar davlat boshida turgan zodagonlar va amaldorlar chiqargan qonun-qoidalar asosida yashashga majburligi siyosiy omilga misol bo‘ladi. Iqtisodiy omillar nasriy asarlarda unchalik ham ko‘p yoritilmasa-da, lekin o‘z o‘rniga egaligi bilan boshqa omillardan ajralib turadi. Davr iqtisodiy tuzumi, boshqa davlatlar bilan savdo-sotiq aloqalari, millatlararo urf-odat, an’analarning o‘zaro aralashuviga ham turtki bo‘ladi.

So‘zimizga isbot sifatida Cho‘lponning “Kecha va Kunduz” asarida Miryoqub hayoti, Hamza Hakimzoda Niyoziyning “Netay” qissasida Netay va shu kabi obrazlar iqtisodiyotning ijtimoiy hayotga ta’siri iqtisodiy omillarning yuzaga chiqishiga misol bo‘la oladi. Badiiy ijodni adabiy-estetik omilsiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Badiiy ijod adabiy-estetik omil asosida yuzaga keladi. Shunda adabiy-estetik omil nima? degan haqli savol paydo bo‘ladi. Adabiy-estetik omil yozuvchining estetik didi orqali adabiy bilimi bilan yuzaga chiqadigan omildir. Muallif biror asar yozayotgan bo‘lsa, unga, albatta, o‘z dunyoqarashini, shaxsiy fikrini, o‘y-xayollarini, orzu va maqsadlarini asari bag‘riga singdiradi. Muallif xoh qahramonlari tilidan, xoh tasvir vositalaridan bo‘lsin, o‘z qarashlarini yoritib beradi. Mana shu holat adabiy-estetik omil hisoblanadi.

O‘zbek romanchiligi maktabi asoschisi, yetuk ijodkor, publist Abdulla Qodiriy haqiqiy so‘z san’ati ustalaridan biri edi. Julqunboyning deyarli har bir ijod mahsulida yuqorida nomlari sanab o‘tilgan omillarni ko‘rish mumkin. “O‘tkan kunlar” romani yozilish vaqti bilan asarda aks etgan vaqt bir-biridan farq qiladi. Qodiriy mustamlaka davrida yashagan bo‘lishiga qaramay roman voqealari xonliklar davriga borib taqaladi. Qodiriy o‘z qahramonlari orqali xonliklar davridagi ijtimoiy, iqtisodiy hamda siyosiy vaziyatni tasvirlagan.Tasvirlabgina qolmay, qahramonlar va asar voqealari rivoji orqali oddiy xalq vakilining o‘sha davrdagi og‘ir ahvolini ham yoritib beradi.

“O‘tkan kunlar” romanida Ziyo shohichi uyida bo‘lgan mehmondorchilikda Akram hoji, Ziyo shohichi, Mirzakarim qutidor, Otabek, Hasanali, Rahmat va Homid yig‘ilishgan edi. Ularning suhbatlaridan biri Otabekning padari Yusufbek hoji va uning suhbat vaqtida egallab turgan mansabi haqida ham boradi. Toshkent begining mushoviri sifatida faoliyat yuritayotganligi Otabek tomonidan aytilgach mavzu Toshkent begi Azizbekning zolimligi haqida boradi. Otabek tilidan aytilgan “Bizning beklarga hukm

vaqtida ham mushovir bo‘lmoq imkonsiz narsadir” so‘zlari siyosiy hayot yurt boshliqlarining xohish-istaklariga ko‘ra boshqarilishidan darak beradi. Hattoki mushovir ya’ni maslahat beruvchi kishining ham maslahatlariga quloq tutmaydi. Bunga misol sifatida quyidagi holat tasvirlanadi: Toshkentda jumalik gap yig‘inlarida Toshkent begi Azizbekni bir yig‘in qatnashchisi maqtab turganda boshqa biri unga qarshi chiqadi va uni sha’niga “bachcha” deya haqoratni ishlatadi. Xufiyalar bu so‘zlovchilarni bekka borib aytgach bek maqtagan kishiga(!) mansab berib, yomonlagan kishini o‘limga mahkum etadi. Shu yerda ajoyib holat kuzatiladi. Davlat boshqaruvida boshqaruvchi shaxslarning xohish-irodasiga ko‘ra yuqori mansabga loyiq topilish yoki o‘limga hukm qilinish ham mumkin. Yuqori mansabga loyiq ko‘rilgan kishilar shu mansabga munosib bilimi, aql bilan ish ko‘radigan hamda shu va shu kabi sohada kamida uch yil faoliyat olib borgan kishini tayinlamay, bekni maqtagani uchungina tayinlanadi. Bunday shaxslar davlat boshqaruvida layoqatsiz bo‘lsa-da, hokimning so‘zini ikki qilmay aholini jabr-zulmda qoldirishadi.O‘limga hukm qilingan kishining ham holati achinarli. Chunki Azizbekni yurt boshqaruvchi sifatida emas, uning shaxs sifatidagi holatiga e’tibor beradi. Uning bek bo‘lgunicha bo‘lgan davri bilan qiziqadi. Natijada boshidan judo bo‘lishiga majbur bo‘ladi. Hukm chiqarilgan vaqtda hukmdorning yaqin musohibi sanalgan Yusufbek hoji qatl etilishga buyurilgan kishining gunohidan kechishini so‘rab Azizbekka murojaat qiladi. Bu murojaat bek tomonidan e’tiborsiz qoldirilib jallodga tezroq olib chiqishini aytadi. Bekka hoji qulluq qiladi. Bu orqali bekdan gunohkorning gunohidan o‘tishini so‘ramoqchi bo‘ladi. Bu safargi qulluq Azizbekning hukmi masxara qiluvchining o‘rniga Yusufbek hojini o‘limga buyurish bilan yakunlanadi. Hokim-u beklar oldida xalq va xalq vakillarining, maslahatchilar-u a’yonlarining ham qadr-qimmati yo‘qligidan dalolat beradi. Yana bir jihati borki, davlat boshqaruvining yuqori pog‘onalariga mansabdorlarni

tayinlash ham salohiyat va qobiliyatni inobatga olmagan holda tanish-bilishchilik, qavm-qarindoshlik yoki boshqa shaxsiy munosabatlar orqali amalga oshirilganligining guvohi bo‘lamiz. Oddiy misol tariqasida Toshkent hokimi lavozimida faoliyat yuritgan Azizbekning Musulmonqul bilan shaxsiy aloqasi tufayli beklikka hokim bo‘lgan degan ma’no anglashiladi. Hokimlik qilishga oid biror bilim, ko‘nikmaga ega yoki ega emasligi haqida yuqori tabaqa vakillari tomonidan o‘ylab ham ko‘rilmasligi achinarli holat, albatta. Qandoq ham o‘ylab ko‘rilsin?! Qo‘qonni o‘sha davrda Sheralixonning o‘g‘li Xudoyorxin va uning qaynotasi qipchoq urug‘idan bo‘lgan Musulmonqul mingboshi boshqarishgan. Kuyovi Xudoyorxonni yosh bo‘lgani uchun davlat boshqaruvini o‘z qo‘liga oladi. Soxta xonning mingboshisi jabr-zulmda Azizbekdan o‘tsa o‘tadiki, aslo qolishmaydigan Musulmonqulga Azizbek ustidan yozilgan xalq shikoyatnomalari ham e’tiborsiz qoldiriladi. Lekin Azizbek o‘z valene’matiga ham sadoqat bilan xizmat qilmaydi. Azizbek Qo‘qon xonligiga ham isyon qiladi: Xazinani sarhisob qilgani kelgan devonbegilarning jasadini o‘rda darvozasiga osishi Qo‘qon xonligidan Normuhammad qushbegi boshchiligida besh ming qo‘shin Toshkent ostonasiga kelishiga sababchi bo‘ladi. Bunday vaziyatdan Azizbek mohirona chiqib ketish yo‘lini topadi. Xalqning barcha qatlamlarini o‘rdaga yig‘ib o‘rda darvozasiga o‘ldirilib osib qo‘yilgan devon beklari tanalarini ko‘rsatadi va bular Musulmon cho‘loqning sarkardalari ekanligi, qipchoq urug‘ining yo‘lboshchilari va qorachoponning dushmanlari bo‘lgani, Toshkent xalqining qipchoqlar qo‘lida shahid bo‘lgan qorachopon qarindoshlari ruhlarini shodlantirish uchun o‘ldirganligini aytadi. Qamchisidan begunoh fuqaroning qoni tomadigan qonxo‘r Azizbekdan salomni, bunday mehribon gaplarni eshitgan sodda xalq Azizbek qahridan bevaqt vafot etgan qarindoshlari yodini-da unutib, hokimini qipchoqlardan so‘nggi qoni qolgunicha himoya qilishga ont ichishadi. Ellik bir kunlik amaldan keyin nochor, so‘nggi kuchini ham urishga sarflagan

sarbozlar Azizbekdan uch tangadan mukofot oladi. Yetmish kunlik jangdan keyin Normuhammad qushbegi qo‘shinining yarmini jangda qurbon berib Qo‘qonga qaytishga majbir bo‘ladi. Yetmish kun davom etgan urush Toshkent xalqini og‘ir ahvolga solib qo‘yadi. Qamal dehqonlarning yig‘ishga ulgurmagan ekin-u donlarini yov qo‘lida qolishiga, savdogarlarning savdo-sotiq ishlari qamal tufayli to‘xtab qolishiga sabab bo‘ldi. Ahvol og‘irlashgan, yo‘g‘on cho‘zilib ingichka uziladigan bir vaqtda Azizbek g‘alabadan mag‘rurlanib Toshkentning mutlaq hokimi, xoqoni sifatini o‘zini tasavvur qiladi. O‘z sha’ni va qudratiga mos qilib oltindan toj-u taxtlar yasatmoqni, o‘z mahramlarini yanada husndorroqlariga almashmoqni niyat qiladi. Urush tufayli bo‘shab qolgan xazinani yanada to‘ldirish istagida yuradi. Xotirjamligining asosi sifatida qipchoqlarga xalqning bergan og‘ir zarbasi va qipchoqlar bu zarbadan yuz yillarsiz o‘nglana olmasligiga ishonish edi. Endigi qolgan yagona ko‘nglini hijil qiladigan masala xazinani qanday bo‘lmasin to‘ldirishdir. Maslahatlashish uchun emas, balki o‘z qarorining ijrosini ta’minlash uchun Yusufbek hojini yoniga chaqirgan Azizbek hojiga xazina sipohlarni to‘ydirishga ham yetmayotganini bahona qilib xalqdan o‘ttiz ikki tanga soliq yig‘ishini, bermaganlarni qiynoq-u o‘lim bilan jazolashni ham buyuradi. Hokim-u boshliqlar faqat fuqaroning tinchligi, raoyoning rohati, hukumat barqarorligini o‘ylaydi deb fikr yurtadigan Yusufbek hoji aholidan o‘ttiz ikki tanga tugul o‘ttiz ikki qora pul so‘rash ham ilojsizligini aytadi. Noilojlikdan Azizbek g‘azabidan hoji soliq yig‘ishga kirishajagini so‘zlab, kimxob to‘nni hadya sifatida kiyadi. Yusufbek hoji ustidagi kimxob to‘ni bilan Shayxontohurning Zanjirlig‘ guzariga kelib xalqiga badfe’lning o‘ttiz ikki tanga soliq solgani, to‘lamasa qattiq jazolanishi haqida e’lon qiladi. Aholiga ikki yo‘lni: soliqni to‘lash yoki Azizbekni oradan ko‘tarish yo‘llarini qo‘yadi. Mehnatkash xalq soliqsiz ham yetmish kunlik qamalda nochor ahvolda qolgani, yengillik berish o‘rniga soliq solgani uchun Azizbekni taxtdan ag‘darish uchun birlashib hu-

jumga o‘tadi. Natijada Azizbek qo‘shini bilan qonli jang kecha-yu kunduz davom etgach uch kunlab o‘rdaga qamalib, Normuhammad qushbegi tomonidan qo‘lga olinishiga sababchi bo‘ladi. Yoki qipchoqlarga qirg‘ini bobida ham siyosiy vaziyat tasvirlangan. Davlat boshqaruvi va uning oddiy xalq turmush tarzida tutgan o‘rnini badiiy asarlarda tasvirlash siyosiy omilning yuzaga chiqishiga sababchi bo‘ladi. Siyosiy omil Abdulla Qodiriyning “ O‘tkan kunlar” romanida ijodkor yashagan davrning paydo bo‘lishiga zamin yaratgan xonliklar davri va bir-biri bilan chiqishmagan o‘zbek xalqi urug‘larning nizolarini tasvirlsh jarayonida yuzaga chiqadi.

Iqtisodiy omil birinchi o‘zbek romanida yo‘qdek tuyulsa-da, asarning ichki tuzilishi-yu voqealar rivoji uchun eshik vazifasini o‘taydi. Iqtisodiy omil odatda bir davlatning iqtisodiyoti, iqtisodiy aloqalari va bu aloqalar natijasida yuzaga keladigan holat-u voqealar orqali namoyon bo‘ladi. Asar boshida savdogarlar tunaydigan saroy tasviri bilan boshlanib, boshqa xonalardan o‘zgacha ziynatlangan xonada Otabekning o‘tirishi bilan boshlanadi. Ziyo shohichining uyida bo‘lgan mehmondorchilikda iqtisodiy omilning yuksak cho‘qqisi tasvirlangan. Savdo ishlari bilan Shamay shahriga borgan Otabek ko‘plab taassurotlar bilan kelganini, o‘risning idora ishlarini ko‘rganini, bu esa Otabekning o‘y-fikrlarini ostin-ustun qilib tashlaganini, yurtiga tezroq borib xonga arz qilsa, xon ham arzini tinglab idora ishlarini daturulamal bo‘yicha o‘zgatirsa deya yurtiga shoshganlarini aytib beradi. Yurtiga kelgach Otabekning so‘zini eshitguvchi quloq yo‘qligidan ko‘ngli qolganini afsus-nadomat bilan xotirlaydi. O‘lka aholisining bu holga tushishiga ittifoq neligini bilmasliklaridan biladi. Otabek Marg‘ilonga savdo-sotiq uchun kelishi ham asraning voqealr rivojini ochib beradi. Hattoki urush vaqti ham iqtisodiy omil o‘zini ko‘rsatadi: Normuhamad qushbegi Yusufbek hoji maktubi bilan ortga qaytgandan so‘ng hojining iltimosiga binoan tuhmat yo‘li bilan dor ostiga keltirilgan yagona tuyog‘ini qutqarib qoladi.

Iqtisodiy omil nafaqat savdo-sotiqni, shuningdek aholi turmush tarzining iqtisodiy, ya'ni moliyaviy tomonini ifodalaydi. Iqtisodiy va ijtimoiy omilnibir-biridan ayro holda tasvirlash qiyin. Usta Alim va Saodatning ilk uchrashuvi iqtisodiy omil bo'lsa, ularning muhabbati ijtimoiy omilga tegishli.

Adabiyoshunosligimizda adabiy-estetik omil haqida ham gap yuritilib, yozuvchi va ijodkorlarning estetik didi orqali adabiy bilimi bilan yuzaga chiqadigan adabiy omildir. Bunda muallif o'z shaxsiy qarashlari, dunyoqarashi hamda hayoti davomida orttirgan tajribalariga tayangan holda adabiy unsurlardan foydalanib asar yaratadi. Adib o'z asarini farzand dunyoga keltirgandek yaratadi. Asarga odatda mana bu omilda yaratiladi deya maqsad qo'yilmaydi. Asar yaratiladi, kitobxonlar tomonida miutolaa qilinadi, mutaxassislar tomonidan tekshiriladi. Shunday ekan asar makon va zamon birligidan ayro tarzda yaratilmaydi. Asar yaratuvchisi shaxs bo'lganligidan, asarga muallif shaxsiyati aralashadi. Muallif shaxsiyati o'zi tug'ilgan makon, madaniyat va yashayatgan zamonning zayllari asosida shakllanadi. "O'tkan kunlar" romani ham makon va zamon birligidan ayro holda yaratilmagan. Marg'ilon, Toshkent va Qo'qon xonligi atrofida ro'y bergan voqealar XIX asrning birinchi choragiga taalluqli. Roman muallifi o'z farzandidek bo'lgan "O'tkan kunlar" asarida har bir holatga qahramonlari tilidan munosabat bildiriladi. Misol sifatida xalqning ishonuvchanligi va bundan hokimlar ustalik bilan foydalanishlarini Yusufbek hoji tilidan, shuningdek muallif nutqidan ham bilib olishimiz mumkin:"…Azizbekning buyrug'i bilan kecha o'rda tegiga barcha Toshkand xalqi yig'ilg'an, bu yig'inda ulamolar ham bor, fuzalo ham bor; xulosa, shaharning har birsinfidan ham hozir edi. Azizbek o'rda qorovulxonasidan turib fuqarog'a salom qildi.Azizbekning salomiga musharraf bo'lg'unchilarning ko'z-laridan yoshlar oqmoqdaedi.O'g'lim, sen bir qadar oq bilan qorani ajrata olasan, yozg'anlarimni diqqat bilan o'qi.

Azizbek o‘rda darbozasig‘a osilg‘an ikki gavdani ko‘rsatib so‘radi:

“ - Fuqaro! Ko‘rasizmi bu ikki gunohkorni, nima uchun bu jazog‘a mustahiq bo‘ldilar?”

Xalq:

“ – Bilmaymiz, taqsir”.

Azizbekning o‘zi javob berdi:

“Bular Musulmon cho‘loqni sarkardalaridan, qipchoqlarning yo‘lboshchilaridan vaqora choponning dushmanlaridan bo‘lgan ikki to‘ng‘izning gavdalari! Men bularni siz qoracho-pon fuqarom tomonidan o‘ch uchun o‘ldirdim, siz qora chopon og‘aynilarning qipchoqqo‘lida shahid bo‘lg‘an qarindoshlaringizning ruhlarini shodlandirmoq uchun o‘ldirdim!Yoki bu harakatim adolatdan emasmi, fuqaro!”

Xalq javob berdi:

“ - Adolat! Xo‘b qilg‘ansiz, taqsir! Qipchoqlarning jazolari shunday bo‘lmog‘i kerak!”

Azizbek maqsadg‘a ko‘chdi:

“ - Siz qora choponliqlarg‘a xolisona qilg‘an bu xizmatimga qarshi albatta qipchoqlarqasdimg‘a tusharlar, meni Toshkand hokimligidan azl etmakchi va qo‘llaridan kelsa hattoo‘ldirmakchi bo‘lurlar! Siz bu ehtimolga qandog‘ qaraysizlar?!”

Xalq o‘zining quyidag‘i javobi bilan ko‘kni ko‘tardi:

“ - Bir tomchi qonimiz qolg‘uncha yo‘lingizda jon beramiz! Qipchoqlarda had

bo‘lg‘aymiki, biz tirik turg‘an joyda sizning bir tola mo‘yingizni xam qilsinlar!” [Qodiriy, 2018:18]

Yusufbek hoji o‘g‘li Otabekka yozgan maktubida yuqorid zikr etilgan gaplarni yozadi. Xalqni qiynagan zolim Azizbek yordam so‘raganda xalq labbay deb yordamga oshiqadi. Yusufbek hoji bu vaziyatdan kuyinib, xalqning soddaligidan afsuslanib yozadi. Yoki yetmish kunlik qamaldan so‘ng Azizbekning xalqqa solgan o‘ttiz ikki tanga solig‘ini eshitgan va buyruqni xalqqa yetkazyotgan

Yusufbek hoji o‘z-o‘ziga gapirib ketadi. Bir hafta ichida aholidan o‘ttiz ikki tangadan yig‘ilishi kerak bo‘lgan soliq, to‘lamaganlarni darraga yotqizish, osdirish vakolatini ham berilganligidan, hojini ham o‘ziga o‘xshagan qonxo‘r deb o‘ylayotganidan nolib, o‘ylab ketadi. Yusufbek hoji qonxo‘rlik yoki birovning dilbandini darraga yotqizish, osdirish uchun Alloh farz qilgan haj amalini ado qilmaganligidan, o‘zida ham farzand borligi, boshqalarning farzandini jazolayotganda dilini g‘ash qiladigan vijdoni borligidan, xalqning ham soddaligi, zulmkor Azizbekning ayyorligiga uchib uning uchun jon olib jon bergani, natijada o‘ttiz ikki tanga soliq bilan taqdirlanganligidan telbalarcha o‘ziga gapirib ketish holati muallif tomonidan qilingan topilma edi. Yoki Otabekdan kelgan soxta taloq xati tufayli boshlangan mojarolar, uch yigitga yakka o‘zi qarshi kurashi va yana shu kabi boshqa holatlar ham muallif tomonidan mohirona o‘ylab topilgan. Abdulla Qodiriy nafaqat er obrazini, balki Turkiston xotin-qizlari obrazini ham juda nozik holda tasvirlaydi. O‘zbekoyimning o‘ziga xos og‘ma fe’li, Kumushbibining aqli, Saodatning sadoqati, Zaynabning so‘nggi daqiqagacha kutib, oxirida yorilishi, Xushro‘ybekaning shaddodligi - bularning barchasi qaysi yurtda yashashidan qat’i nazar inson xarakteriga tegishli bo‘lgan xislatlarni chiroyli tasvirlar yordamida ochib beradi. Adabiy – estetik omil yozuvchi mahorati bilan o‘lchaniladi. Yuqorida nomlari yoritib o‘tilgan ijtimoiy-siyosiy hamda iqtisodiy omil tarixiylik metodi yordamida muallif shaxsiy fikridan qisman qo‘shilib jonlanganda, adabiy-estetik omil faqat muallif ichki dunyosi mahsuli sifatida gavdalanadi.

Adabiyotshunoslik ilmida milliy ruhni belgilashga yordam beradigan bir qancha omillar mavjudligi haqida yuqorida bayon qilib o‘tildi. Badiiy asar yaratilishiga ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy hamda adabiy-estetik omillar sababchi bo‘ladi. Ijtimoiy omil aholi turmush tarzi, asosiy kasb kori haqida hikoya qilsa, siyosiy omil davlat boshqaruvi, uning xalq hayotiga ta’siri, boshqaruv usuli va yuqori tabaqa vakillarining boshqaruv usullaridan qay

darajada, shungdek qay maqsadda foydalanishi haqida so‘zlaydi. Adabiy-estetik omil esa qahramonlar ichki kechinmalari, iqtisodiy, ijtimoiy siyosiy hayotga o‘z munosabatlari, qahramonlar hayoti va ularning his-tuyg‘ulari, urf-odat-u an’analari haqida xabar beradi. Shuningdek xalq og‘zaki ijodi namunalaridan foydalana olish ham asarni kitobxonga bir qadar yaqinlashtiradi. “O‘tgan kunlar” romani barcha uchun sevimli asar bo‘lishining yana bir sababi Qodiriyning har bir so‘z ustida soatlab mijja qotirganligi, yozuvchilik mahoratini puxta egallaganligi va yozadigan joy nomlarini ham o‘z ko‘zi bilan borib ko‘radi. Otabek Kumush vafotidan keyin qabri yoniga borganda qabr ikki tup qurigan chinor daraxti ham ramziy ma’noga ega. Bilamizki, chinor uzoq umr ko‘rsada mevasiz daraxt hisoblanadi. Buning ustiga qurigan daraxt ham erta xazon bo‘lgan Kumush va Kumush xotirasi bilangina yashaydigan Otabekni eslatadi. Bunday chiroyli tarzda o‘quvchiga yetqazish muallifdan katta iste’dod talab etadi. Adabiy-estetik omil yozuvchi mahoratini ko‘rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Abdulla Qodiriy.O‘tkan kunlar.-T.: Yangi asr avlodi, 2011

2. Jabborov N. O‘tkan kunlarda milliy ruhiyat talqini.-T.: Sharq, 2019

3. Jo‘raquloov U. Qodiriy va roman tafakkuri.- T.: Nurafshon business, 2020

4. Karimov B. “O‘tkan kunlar” ibrati. T.:MASHHUR-PRESS. Toshkent-2019

5. Madvaliyev A. D. O‘zbek tilining izohli lug‘ati. 5 jildli. 3-jild L-P harflar. T.: “O‘zbekiston” nashriyoti. Toshkent-2021. B79.

6. Qosimov B. Quyosh borligiday oydin haqiqat /Uyg‘ongan millat ma’rifati. – T.: Ma’naviyat, 2011.

7.Quronov A.va boshqalar. Adabiyotshunosliklug‘ati. T.:“Akademnashr”, 2010.

ABDULLA QODIRIYNING XARAKTER YARATISH MAHORATI

Sobirova Dilfuza Odiljon qizi
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU
Filologiya fakulteti adabiyotshunoslik nazariyasi mutaxassisligi
1-kurs magistranti

Annotatsiya: "O'tkan kunlar" asarida ijodkorning so'z qo'llash mahorati, personajlar psixologiyasini ochib berishi, asardagi har bir voqealar tizimini ichki bog'liklik asosiga bayon qilishini tadqiq qilish bosh vazifa qilib olingan. Ushbu maqolada Otabek va Usta Olim shaxsiyatlari o'zaro solishtirilib tavsifiy, psixologik, qiyosiy metodlar orqali o'rganilgan.

Kalit so'zlar: "O'tkan kunlar" asarida personajlar psixologiyasi, roman, janr, xronotop, fitrat, poetika.

Bugungi kungacha juda ko'plab taniqli adabiyotshunos olimlar, ijodkorlar tomonidan tadqiq etib kelinayotgan Qodiriy asarlari o'zining tasvir uslubi, obrazlar xarakteri, kuchli psixologizmi, konfliktlar, voqealar rivoji, umuman, o'ziga xos go'zal asar sifatida nafaqat o'zbek adabiyoti, balki jahon adabiyotida ham muhim o'ringa ega. Abdulla Qodiriy hayoti va ijodiga qiziqish, tanqid qilish yozuvchi hayotlik chog'idanoq boshlangan bo'lib, haligacha o'rganilishda davom etib kelmoqda. Bu fikrga dalil qilib "O'tkan kunlar" asariga munosabat bildirilganda, Qodiriy miyig'ida kulib o'g'liga: "Bu yaxshi, kitobning qadri oshadi", degan jumlalarini misol qilib keltirishimiz mumkin [1]. Yozilganidan buyon qo'lma-qo'l bo'lib o'qiladigan, adabiyotshunoslarning doimiy mavzusiga aylanib qolgan "O'tkan kunlar" romanini qay jihatdan tahlil qilsak, bu asar o'zining yangiliklari bilan bizni hayratga solishda davom etib kelmoqda.

Oybek “Abdulla Qodiriyning ijodiy yo‘li” maqolasida “O‘tkan kunlar” romanini tahlil qilar ekan Usta Olimni xalq ommasining bir vakili sifatida, maishiy hayotga bog‘lab talqin qiladi.[2] Ayni damda biz Otabek va uning ma’naviy ustozi Usta Olim qismatidagi o‘xshash jihatlarni muqoyasa etishga harakat qilamiz. “O‘tkan kunlar” romanidagi Usta Olim hikoyasi yozuvchi hayolotining go‘zal hosilasi; adib mahoratining tengsiz namunasidir [3]. “Romanning bu qismi chiroylik bitilgan mustaqil bir hikoya. Uning o‘ziga yarasha pafosi, o‘ziga yarasha syujet asoslari, umuman, o‘ziga xos g‘oyaviy va badiiy xususiyatlari bor. Abdulla Qodiriy bu hikoyani romanning umumg‘oyasiga bo‘ysundirish bilan birga undan “asarning bosh temasini yechishda” juda unumli foydalana olgan. Usta Olimning suyukli yori Saodatning o‘limi Otabekda juda kuchli pisixologik portlashni vujudga keltiradi. Qutidor eshigidan haydalgan Otabekda o‘z taqdiri bilan ko‘zi oldidagi majnunvash insonni, Saodat bilan Kumushni taqqoslash imkoni paydo bo‘ladi. Abdulla Qodiriyning mazkur o‘rindagi umumvoqelikni badiiy-qiyosiy talqin qilishi xususida yana bir muhim fikrni aytib o‘tmoq lozim. Bu o‘rinda nafaqat Otabekning ruhiy dunyosi oydinlashadi. Bu o‘rinda tasvirning kitobxon ruhiyatiga ta’siri va kelgusi fojealarga o‘quvchini psixologik tayyorlash masalasi ham bor. Saodatning taqdirini eshitib, o‘qib ko‘ngli o‘ksigan o‘quvchi, Kumush bilan yuz beradigan fojeaga nisbatan ruhan tayyor holda boradi”- degan edi M.Qo‘shjonov[4]. Bu qarashlarga qo‘shimcha qilib shuni aytish mumkinki, Qodiriy bejiz Otabekni Usta Olimga yo‘liqtirmagan. Ularning taqdirlari shu qadar o‘xshashki, donishmand adib qahramonlari qismatidagi o‘xshash jihatlarni jonli, tiniq, tasirli tasvirlab bergan. …Otabek o‘z qayg‘usini deyarlik butunlay unutib qo‘yg‘an, qarshisidag‘i yerga singibkina yotqan mujassam ishqdan ko‘z uzolmay boshladi. Ustaning moziysida emas, holida ulug‘ bir ma’no ko‘rar edi. Ammo uning istiqbolida bir bo‘shliqdan o‘zga hech gap uchrata olmasa-da, yana ulug‘ bir ma’no ko‘rgandek bo‘lar edi. O‘z istiqbolini ham shu ustani-

ki qabilidan ko‘rmakchi bo‘lsa-da, buning uchun bir narsa kamdek, yetishmag‘andek kelar, ikkinchi Usta Olim bo‘lish uchun bir “o‘ldi” so‘zinigina oradan topolmas edi…[5]

Ijodkor o‘quvchiga roman nihoyasidan keyin Otabekni Usta Olim holatida tasavvur qildiradi. Saodatdan keyin saodatli kunlari poyoniga yetgan Usta Olimdek Otabek ham Kumushdan keyin qayg‘uli kunlarni boshdan kechiradi. Biz bejiz bu xulosaga kelmadik. Bunga ikki qahramonlar o‘rtasidagi quyidagi o‘zaro o‘xshashliklar sabab bo‘ldi:

Usta Olim Qo‘qondan Marg‘ilonga tirikchilik vajidan kelib qoladi va bu yerda Saodatga oshiq bo‘ladi. Otabek Toshkentdan Marg‘ilonga savdo ishi bilan keladi va u ham tasodifiy hodisa tufayli Kumushga bir ko‘rishda oshiq bo‘ladi.

Usta Olim Saodat qiyofasini haftalarki hech unutmasdan yodida saqlaydi. “Mening uchun to‘qib berasizmu?” jumlasi quloqlari ostida jaranglab turadi. Otabek ham Kumushning “kulib boqishlari-yu, cho‘chib qochishlari”ni necha kunlar “oh”lar bilan unutolmay qiynaladi.

Usta Olim sovchi qilib sirdosh do‘stini yuboradi.Otabek nomidan esa uning siridan boxabar bo‘lgan yaqin odami Hasanali sovchi bo‘lib boradi.

Usta Olim (dastlab) qaynonasining uyida ichkuyov bo‘lib yashaydi. Otabek ham Marg‘ilonda qutidor uyida ichkuyov bo‘lib yashaydi.

Usta Olim (Saodat o‘limidan so‘ng) o‘z onasidek bo‘lib qolgan qaynonasi qistovi bilan ikkinchi bor uylanadi. Otabek ham (Kumush hali hayotligida) onasi qistovi bilan ikkinchi bor uylanadi.

Usta Olim ikkinchi xotinini ko‘ngilsizligidan, ro‘shnolik ko‘rmaganidan haydab yuboradi. Otabek ham Kumush o‘limidan so‘ng Zaynabning javobini berib yuboradi.

Saodatdan yodgor bo‘lib Usta Olimga Sayfi isimli 11 yoshli qaynisi qoladi. Otabekka esa Kumushdan Yodgor isimli o‘g‘il qoladi.

Asar yakunida Otabekning Usta Olim bilan birga Marg‘ilonga ketgani va 1277-yilning kuzida Yusufbek hojiga kelgan maktubda Olmaota ustidagi o‘ruslar bilan to‘qnashuvda ikki yigit shahid bo‘lgani haqida xabar beriladi. Bu xabarda Otabek bilan birga shahid bo‘lgan yigit ismi keltirilmaydi. Lekin buni yakundagi mazmunga tayangan holda Usta Olim deb qarashimiz tog‘riroq bo‘ladi deb o‘ylaymiz.

Abdulla Qodiriy o‘zining “O‘qish o‘rganish” (mayda hikoyalar yozganda so‘zni qanday tejash kerak) nomli maqolasida A.P. Chexov mahoratidan so‘zlaydi. Shuningdek, badiiy detalni qo‘llash masalasiga yuzlanib, aftidan Chexovga tegishli bo‘lgan quyidagi juda muhim bir obrazli fikrni qo‘shtirnoq ichida keltiradi: “Birinchi ko‘rinishda miltiq bo‘lsa, shu miltiq uchinchi yoki to‘rtinchi ko‘rinishda albatta otilishi kerak, yo‘qsa miltiq to‘g‘risida so‘zlashning hojati yo‘qdir” [6]. Chexovga xos bo‘lgan - aynan detallarning badiiy asarda o‘z o‘rnida ishlatish xususiyati Abdulla Qodiriyga ham xosdir. Adib ortiqcha so‘zga yo‘l qo‘ymaganidek, “otilmaydigan”, manzarani oydinlashtirmaydigan ortiqcha detallarni asariga kiritib, uni keraksiz semirtirmaydi [7]. Bu fikrlarni biz butun boshli asar qahramonining keyingi qismatiga ishora qiluvchi Usta Olim hikoyasiga nisbatan ham ishlatsak bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani o‘zbek adabiyotining nodir namunalaridan biri bo‘lib, unda yozuvchining obrazlar yaratishdagi yuksak mahorati namoyon bo‘lgan. Qodiriy qahramonlarning ruhiy olamini chuqur psixologizm bilan tasvirlagan, ularning harakter xususiyatlari, his-tuyg‘ulari va kechinmalarini real va ishonarli ifodalagan. Ijodkorning obrazlar tanlash mahorati, ularning o‘zaro bir-biriga aloqadorligi adabiyotga yanada yangicha nuqtai nazar bilan qarashga, tahlil qilishga undaydi. Demak, ”O‘tkan kunlar” o‘zining serqirraligi, yangiliklarga boyligi bilan doimo adabiyot olami vakillarining diqqat markazida turaveradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Qodiriy H. Otam haqida. Toshkent:1983. 11-bet.

2. Oybek. Mukammal asarlar to‘plami. XIV tom. Toshkent: 1979. 135-137-betlar.

3. Karimov B. Abdulla Qodiriy: tanqid, tahlil va talqin. Toshkent: 2006. 117-125-betlar.

4. Qo‘shjonov M. Abdulla Qodiriyning tasvirlash san’ati. Toshkent: 1966. 39-40-betlar.

5. Qodiriy A. O‘tkan kunlar. Toshkent: 2004. 203-204-betlar.

6. Qodiriy A. Kichik asarlar. Toshkent:1969. 200-bet.

“O‘TKAN KUNLAR” ROMANINING TARBIYAVIY AHAMIYATI

Raximov Sherbek Kamolovich
O‘zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti Maxsus fanlar sikli o‘qituvchisi, mayor

Har qanday ijod mahsuli ijodkor shaxsi bilan uyg‘un keladi. Ijodkor va asar munosabati daraxt bilan mevasiga o‘xshatiladi. Biror meva uni yetiltirgan daraxtdan bo‘lakcha bo‘lolmagani kabi badiiy asar ham muallifning shaxsiyati darajasidan balandlay olmaydi. Ijodkorni yanada yaqinroq bilish va ruhini anglash uchun u yashagan davr, ijtimoiy-siyosiy sharoit kabi omillarga e’tibor qaratish lozim. Shunday ekan, badiiy ijodda muallif shaxsi, iste’dod va tafakkur ko‘lami hal qiluvchi ahamiyatga molik. Ijodkor faoliyatining mahsuli sanalgan san’at asari nafaqat badiiy hodisa, balki ruhiy, falsafiy, madaniy-tarixiy hamda diniy qadriyatlarni o‘zida mujassam etgan voqelikdir. Badiiy asar bu – ijodkor badiiy tafakkuridagi borliqning o‘ziga xos aksidir.

Atoqli so‘z san’atkori Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romani o‘zbek adabiyotining eng birinchi va eng sara – mumtoz nasriy asaridir. Qisqacha aytganda mazkur roman o‘zbek adabiyotining nafaqat gultojisidir, balki shoh asaridir. Adabiyotimizda Alisher Navoiydek mumtoz shoir uning o‘zigacha va hozirgacha bo‘lmaganidek, Abdulla Qodiriy ham o‘zigacha va o‘zidan keyingi davr o‘zbek romanchiligi ijodkorlari davrasida yagona, betakror, mislsiz siymo bo‘lib qolmoqda. Asar XIX asr voqealari, ijtimoiy manzaralari, turmush tarzini aks ettirgan va bu murakkab tarixiy davr asar qahramonlari Otabek va Kumushning fojiali sevgi qissasi fonida tasvirlangan.

Bolshevik-yozuvchi M.Sheverdin “O‘tkan kunlar” romani haqida fikr bildirar ekan shunday deydi: “Shubhasiz, “O‘tkan kunlar” birinchi o‘zbek romanidir, biroq bizniki emasdir!”. Bunga munosabat bildirib, men hozir shunday javob beraman: “Albatta, ushbu roman hech qachon bolsheviklar mafkurasiga yoxud biror tabaqaga tegishli bo‘lmagan. Mazkur asar umuminsoniy qadriyatlar, bag‘rikenglik, birodarlik, tinchlik, o‘zaro totuvlik va ahillik g‘oyalari bilan yo‘g‘rilgan roman bo‘lib, insonlarni yaxshilikka, ezgulikka, ozodlikni qadrlashga, milliy o‘zlikni anglashga, o‘z insoniy muhabbati uchun kurashishga da’vat etuvchi asardir. Bundan tashqari, mazkur roman nafaqat jahon adabiyoti, balki bashariyat tamadduni taraqqiyotiga ulkan hissa qo‘shdi va qo‘shib kelmoqda”.

Otabek haqida mushohada qilar ekanmiz, uni nega aksariyat kitobxonlar yaxshi ko‘rib qolganligiga javob izlaymiz. Asarda Otabek chin muhabbati, sevikli yori, or-nomusi va sha’nini himoya qilish uchun tengsiz kurashga bel bog‘laydi. Bir o‘zi Homidboy boshchiligidagi uch kishiga qarshi kurashga otlanadi. Vaholanki, u usta Alimni yoki boshqa birovni yordamga chaqirishi mumkin edi, biroq Otabek ularni yakka o‘zi mahv etishi shart deb hisoblaydi. Yovidan shaxsan o‘zi qasos olishni, ikki yillik sargardonliklarni intiqomini boshqa birovga ishonmaydi. Kitobxon Mutal, Sodiq va Homidlarni to‘ng‘iz qo‘pganini ko‘radi hamda adolat tantana qilganligini guvohi bo‘ladi. Uch dushmanni yer tishlatgan jasur Otabek manmansiramaydi, balki kamsuqumlik bilan o‘zini chekkaga oladi. Qaynotasining uyiga do‘stini jo‘natadi va sevikli rafiqasi Kumushning muhabbatini o‘ziga nisbatan yanada oshiradi. Shuni alohida ta’kidlash joizki, faqatgina ona-Vatanini sevgan odamgina Otabekdek sevgi-muhabbatga qodir. Otabekning Vatan ozodligi yo‘lida qurbon bo‘lganligi voqeasiga kelganimizda, xuddi o‘sha miltiq o‘qidan Abdulla Qodiriy ham bag‘rini changallab jon berganini qalban his etamiz.

Romandagi mukammal obrazlardan biri bu – Yusufbek hoji. Doimo bu xarakter haqida o‘ylaganimizda ko‘z oldimda nurli bir chehra, haqiqiy insoniy fazilatlar bilan mujassam nuroniy obraz gavdalanaveradi. Asardagi mashhur dialoglar ham bunga yorqin misol. O‘zining hayotiy pozisiyasiga ega oqil va dono shahar hokimining mushoviri bo‘lgan Yusufbek hojiga odamgarchilik, elparvarlik, vatanparvarlik kabi tuyg‘ular ona suti bilan yo‘g‘rilgandek. Qismatida Azizbekdek vahshiy va zolim hokimning maslahatchisi bo‘lish yozilgan ekan, qo‘lidan kelgancha oddiy xalqni yonini olishga harakat qiladi.

Bundan tashqari, asarda unga shunday ta’rif beriladi. “Yusufbek hojining qiziq bir tabiati bor: xotini bilangina emas, umuman uy ichisi bilan har qanday masala ustida bo‘lsa bo‘lsin, uzoq so‘zlashib o‘tirmaydur… Hoji bir necha vaqt so‘zlag‘uvchini o‘z og‘zig‘a tikiltirib o‘turg‘andan so‘ng, agar ma’qul tushsa “xo‘p” deydir, gapka tushunmagan bo‘lsa “xo‘sh” deydir, noma’qul bo‘lsa “durust emas” deydir va juda ham o‘zig‘a noma’qul bo‘lsa bir iljayib qo‘yish bilan kifoyalanib mundan boshqa so‘z aytmaydir va aytsa ham uch-to‘rt kalimadan nariga oshmaydir”.

Ushbu ta’rifdan ham Yusufbek hojining naqadar mulohazali, o‘ziga xos ma’naviy salobatga ega obraz desam o‘rinli bo‘ladi. Davlatchilik boshqaruvi va davr ijtimoiy muhitiga munosabatida ham Yusufbek hoji obrazining mukammalligiga guvoh bo‘lamiz. Adib davlat boshqaruvi haqidagi tanqidlari va noroziliklarini hoji obrazi misolida yetkizib bergan.

Yusufbek hojining fikr-mulohazalarini o‘qir ekansiz, el-yurt manfaati uchun kuyunchak inson namoyon bo‘ladi. Hoji xalqni ichki nizolardan nari bo‘lishga va tashqi xatardan ogoh bo‘lishga chaqiradi. O‘z fikr-mulohazalarini Yusufbek hoji tilidan gapirar ekan, muallif avval “kosa, kosa tagida nimkosa” qabilida, so‘ngra ochiq-oydin yovni kim ekanligini oshkora aytadi. Asar yozilgan vaqtni hisobga olsak hamda mamlakatda mavjud murakkab siyosiy vaziyatda milliy g‘urur, milliy iftixor va milliylik ufurib

turgan mazkur satrlarni yozish juda katta jasoratni talab etgan. Kitobxon ushbu satrlarni o‘qir ekan, Yusufbek hojidagi uzoqni ko‘ra bilish, bugunning dardlariga malham topishga mutafakkirlarcha urinish fazilatlarini ko‘radi.

Kitobxon asarni o‘qib chiqqach, zamonamizga nazar tashlab bir yarim asrdan ko‘proq o‘tib ham ayrim millatdoshlarimizning Yusufbek hoji va Otabeklarcha mulohaza yurita olmasliklarini va xato yo‘llarga kirib ketayotganlarini ko‘rib, ularni to‘g‘ri yo‘lga solishga chaqiradi. Muallif asardagi voqea-hodisalardan to‘g‘ri xulosa chiqarishga undaydi. Yurtimizda hukm surayotgan tinchlik, osoyishtalik, barqarorlik, xalqlar o‘rtasidagi do‘stlik va diniy bag‘rikenglikni ko‘z qorachig‘idek asrash, himoya qilish va qadrlashga da’vat etadi.

“O‘tkan kunlar” romani o‘zbek adabiyoti xazinasining bebaho durdonasi hisoblanadi. Asar biz boshqa asarlardan qidirib ham topa olmaydigan, milliyligimizni tarannum etuvchi unsurlarga liq to‘la. Qolaversa, romanning davr hayotini ochib berishdagi roli ham beqiyosdir. “O‘tkan kunlar” bizga o‘tgan kunlarimizdan dars beruvchi, bizga o‘zligimizni anglatuvchi romandir. Zero adibning o‘zi ham ta’kidlab o‘tganidek, “Bu romanni bir marta emas, besh marta o‘qish kerak”.

Hayotiy qismati jihatidan Qodiriyni eslatadigan Oybek g‘oyat nazokat, topqirlik bilan shunday yozadi:

“O‘tkan kunlar”ni o‘qiganda, yaxshilik bilan yomonlikning kurashi kabi bir hol seziladi. Musbat qahramonlar nomidan ko‘pinicha Abdulla Qodiriy o‘zi gapirganga o‘xshab ko‘rinadi. Otabek, Yusufbek hojilar orqali yozuvchining ideyalari inson qiyofasiga kirib, gumanistik – axloqiy, siyosiy-ijtimoiy ideallarini ifoda etadilar”.

“O‘tkan kunlar”dek shoh asarning maydonga kelishida, uning ijodiy, tarixiy, ijtimoiy-g‘oyaviy motivlarini, yetakchi qahramonlari iroda yo‘sinini belgilashda adib, avvalo, o‘z bisotiga tayanadi, qahramonlari timsolida o‘z shaxsiyati, oilaviy muhiti, ota-bobolari hayoti, qismatidan o‘tgan jihatlar behisob, ayniqsa,

oʻz ideallarining mujassami boʻlmish bosh qahramonlari Otabek bilan Yusufbek hojilar timsoliga oʻzidan, ota va bobosidan koʻchib oʻtgan qismat, hikmatlar kishini lol qoldiradi, bular qahramonlarga ajib hayotiy joziba baxsh etadi.

"Oʻtkan kunlar" romani bizga nima beradi? degan, savolni oʻrtaga tashlasak, asar:

birinchidan; Otabek timsolida vafodorlikni, kamtarlikni, ota-onani soʻzini ikki qilmaslikni, doʻstlikni, hushmuomalalikni, vatanparvarlikni, sadoqatni koʻrishimiz;

ikkinchidan; Yusufbek hoji timsolida xalqparvarlikni, kamtarlikni, vazminlikni, uzoqni koʻra bilishni, donolikni koʻrishimiz;

uchinchidan; Kumush timsolida sharmu-hayolikni, vafodorlikni, hushmuomalalikni, nazokatni, orastalikni, yuksak axloq-odobni koʻrishimiz mumkin. Bu asarni oʻqisak, tushunsak, anglasak, bugungi kunda jamiyatimizdagi koʻplab muammolarga yechim topiladi.

Xulosa oʻrnida, "Oʻtkan kunlar" romani millatimiz turmush-tarzini, tariximizni, tilimizni, urf-odatlarimizni oʻzida aks ettirgan noyob asardir. Abdulla Qodiriydan qolgan muhtasham adabiy merosda oʻzbek adabiy tilining goʻzalligi, nafosati, tasvir va ifoda imkoniyatlari aynan amaliyotda oʻz aksini topgan. Bugun biz bu asarni oʻqishdan asosiy maqsad soʻz boyligimizni boyitish, bilim-tafakkurimizni oshirish, asardagi urf-odatlarni, qadriyatlarni turmush tarzimizga singdirishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdulla Qodiriy. Oʻtkan kunlar. Sharq nashriyoti. 2014-yil.

2. Oybek. "Abdulla Qodiriyning ijodiy yoʻli" risolasi.-T. 1936-yil.

3. https://uza.uz/uz/posts/ Moʻminova M. "Orttirmay va kamitmay yozilgan roman" maqolasi. 2021-yil 9-aprel.

4. https://yuz.uz/news/ Saydaliev T. "Oʻtkan kunlar" va harbiy vatanparvarlik" maqolasi. 2023-yil 30-avgust.

LUQMON BO‘RIXONNING “IMOM MOTURIDIY” ROMANIDA TARIXIY HAQIQAT VA BADIIY TO‘QIMA

Xamidova Dilorom Olimjonovna,
Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: *O‘zbek adabiyotida Abdulla Qodiriy boshlab berilgan tarixiy roman yozish an‘anasi yozuvchilar tomonidan xalqimiz o‘tmishining eng yorqin zarvaraqlarini teran badiiy tahlil qiluvchi bir qator ko‘lamdor asarlar yaratilishi bilan davom ettirildi. Ushbu maqolada Luqmon Bo‘rixonning “Imom Moturidiy” romanida yozuvchining Abu Mansur Moturidiy obrazini va u yashagan davrni aks ettirishida tarixiy manbalar va xalq rivoyatlaridan unumli foydalanganligi badiiy tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar: *tarixiy roman, rivoyat, badiiy to‘qima, tarixiy haqiqat, obraz.*

Abstract: *In Uzbek literature, the tradition of writing historical novels started by Abdulla Qadiri was continued by writers with the creation of a series of large-scale works that deeply artistically analyze the brightest moments of our nation‘s past. In this article, the artistic analysis of Luqman Borikhan‘s use of historical sources and folk narratives in his novel «Imam Moturidi» in depicting the image of Abu Mansur Moturidi and the period in which he lived is analyzed.*

Keywords: *historical novel, narrative, artistic tissue, historical truth, image.*

O‘zbek xalqi tarixining turli davrlarini aks ettirish, millatimizning ijtimoiy va ma‘naviy hayoti takomilida yetakchi o‘rin egallagan iste‘dod sohiblari shaxsiyatining jamiyat taraqqi-

yotidagi roli va ahamiyatini koʻrsatib berish, tarixiy voqelik va shaxs munosabatini yoritish, shuningdek, davlatchiligimiz tarixi va milliy qadriyatlarimizning tarixiy-hayotiy asoslarini oydinlashtirish oʻzbek tarixiy romanlarining oʻziga xos milliy xossalarini tashkil etadi. Tarixiy mavzuda yozilgan badiiy asarlar, xususan, romanlar xalqimiz oʻtmishining badiiy solnomasi boʻlib xizmat qiladi. Shuning uchun ham milliy hurfikrlikka sabab boʻlgan istiqlol tufayli oʻzligini anglayotgan va ajdodlarining kim ekanligi, tarixiy ildizlari qaysi davrlarga borib taqalishi bilan qiziqayotgan har bir vatandoshimiz uchun tarixiy manbalar bilan bir qatorda shu mavzudagi badiiy asarlar ham bebaho tarixiy xotira sarchashmasi vazifasini oʻtaydi.

Oʻzbek adabiyotidagi tarixiy romanlarga eʼtibor bersak, ulardagi tarixiy shaxslar hayoti baʻzi oʻrinlarda tarixiy haqiqatga mos, lekin baʻzi voqealarda haqiqiylikdan chekinib toʻqima ishlatilgan joylarga duch kelamiz. Chunki yozuvchi asar yozish davomida oʻz badiiy mahoratini kitobxonga yetkazib bera olishi uchun badiiy toʻqimadan foydalanishi shubhasiz. Agar faqat tarixiy faktlarni keltirsa, bu tarixiy voqealar keltirilgan manba sifatida badiiy asarlar qatoridan joy ololmasligi mumkin. Xususan, Oʻzbekiston xalq yozuvchisi Odil Yoqubov qayd etganidek: “Tarixiy romanda ilmiy haqiqat bilan badiiy haqiqatning munosabati gʻoyat nozik va munozarali masala. Adabiyot tarixida shunday asarlar borki, ular ilmiy jihatdan asoslangan tarixiy faktlarga toʻla mos keladigan hujjatlarga tayanib yozilgan… Ayni zamonda shunday tarixiy asarlar ham borki, ularda umuman hayotiy haqiqatga tayanilmagani holda yozuvchi xayoloti – fantaziyasi orqali tarixiy faktni qayta idrok etish muhim oʻrin tutadi, tarixiy hodisalar, shaxslar muallif badiiy niyati asosida oʻzgacha talqin etiladi. Adabiyot tarixida bunday misollar koʻp. Navoiy dostonidagi Iskandar tarixiy shaxs Aleksandr Makedonskiydan keskin farq qiladi. Mariya Styuartni Shipler oʻzgacha, Volter Skott boshqacha, Stefan Sveyg yana oʻzgacha talqin etadi…Shaxsan men

tarixiy asarda yozuvchi xayoloti – fantaziyasiga to‘la erk berish ,“tarixchi olim ishi tugagan joyda yozuvchi ishi boshlanadi”, degan qarash tarafdoriman”.[Yoqubov O.,1999].

Badiiy asarning qimmati va uning o‘z kitobxonlarini topa olishi, bir jihatdan, adibning hayot haqiqatini qanchalik chuqur va haqqoniy aks ettirishi bilan belgilanadi. Biz badiiy asarlarda hayot haqiqatining murakkabliklari, turli-tuman qirralari qanchalik yorqin va haqqoniy ochilganligini, adabiy shakl vositalari hayot haqiqatini badiiy haqiqatga aylantirishga qanchalik xizmat qilganligini tahlil qilish va yoritishga alohida e‘tibor bilan qarashimiz kerak. Adabiyotda “…badiiy to‘qima qancha ko‘p bo‘lsa, shuncha yaxshi,- degan Aleksey Tolstoy [Russkiy pisateli o literaturnom trude, 1956, 489-bet].

Lekin badiiy to‘qimani shunday amalga oshirish kerakki, undan o‘quvchida chinakam turmush haqiqati degan narsa qolsin. Yozuvchi badiiy to‘qimasiz yashay olmaydi. Zotan, butun adabiyot badiiy to‘qimalardan iborat, chunki turmush hodisalari zamon va makon ichida sochilib yotadi. Masalan, bir odamni olaylik: u o‘zining mohiyatini, tabiatini ochib beradigan bir so‘zni bugun aytsa, ikkinchisini bir haftadan, uchinchisini bir yildan keyin aytishi va balki hech qachon aytmay o‘tib ketishi ham mumkin. Yozuvchi ana shunday odamni ketma-ket so‘zlatadi. Uning mohiyati va tabiati uchun xarakterli so‘zlarning hammasini aytti-radi. Bu esa turmushni badiiy to‘qimalar vositasida aks ettirish bo‘ladi. Ammo badiiyto‘qimadagi hayot oddiy turmushdan ko‘ra realroq va to‘liqroqdir. Badiiy to‘qima hayotni tipiklashtirib tasvirlash usuli sifatida qo‘llaniladi. Yozuvchi ijodiy fantaziyaga, xayolga, badiiy to‘qimaga qancha boy bo‘lsa, u yaratgan obrazlar shu qadar haqqoniy, hayotiy, mukammal bo‘ladi. Demak, badiiy to‘qima qahramon obrazini yaratishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Adabiyotshunos S.Mirvaliyev ham voqelikni badiiy idrok etishda hayotiy dalillar va badiiy to‘qimaning ahamiyati haqi-

da quyidagilarni qayd etgan: “Har qanday fantaziya va to‘qima tarixiy faktlarga, ularning umumiy yo‘nalishiga bo‘ysundirilishi lozim. Shundagina tarixiy taraqqiyotning to‘g‘ri yo‘lini belgilash mumkin”[Mirvaliyev S., 1979; 182]. Demak, tarixiy romanda real voqelik qayta ifodalanishi jarayonida badiiy to‘qima va yozuvchi fantaziyasi aniq dalillar doirasidan chiqmasligi kerak bo‘ladi. Bu esa yaratilayotgan tarixiy romandagi kompozitsiya, syujet tarkibiy qismlari va asar tiliga jiddiy yondashuvni talab etadi. Bu esa yozuvchi badiiy-estetik ideali, ijodiy niyatining mahsuli sanaladi.

N.Rahmonov tarixiy romanlar haqida fikr yuritayotib, “Tarixiy romanning bitta xususiyati bor: bu ham bo‘lsa tarixiy voqea bilan roman o‘rtasida muvozanatni saqlash va kitobxonni romandagi voqealarga ishontira olishdir. Yozuvchi mahorati bilan o‘quvchi ishonchi uyg‘unlashgan nuqta adabiyotning yutug‘i sanaladi”, - deydi [Rahmonov N., 2019; 15].

Demak, tarixiy romanda tarixiy haqiqat va badiiy to‘qima o‘rtasidagi muvozanat bo‘lishi shart hisoblanib, tadqiqotchi tarixiy romanlar poetikasini o‘rganishda buni yodda tutishi lozim bo‘ladi. Tarixiy haqiqatni badiiy haqiqatga aylantirish jarayonining yana bir jihati shundan iboratki, unda yozuvchi tarixiy shaxslar obrazini yaratar ekan, mavjud faktlarni quruqqina qilib qayta bayon etib qo‘ya qolmaydi.

Luqmon Bo‘rixon “Imom Moturidiy” romanida tarixiy haqiqat va badiiy to‘qimani mahorat bilan uyg‘unlashtiradi. Unda X asrdagi voqealar aks ettirishda badiiy to‘qimadan ham ustalik bilan foydalanadi.Ayniqsa, asardagi “Oy to‘lishgan tun” bobini asar voqealar rivojining kaliti deb hisoblasak bo‘ladi. Chunki ushbu bob orqali imom Moturidiyda avliyolikning ilk nishonalari paydo bo‘layotganligini uning chorbog‘da pari misol qizga, mo‘ysafid otaxonga duch kelishi va otaxonning oq karvon qaytishi haqida so‘zlashidan uning kelajagiga ishora borligini anglash mumkin.

“Karvondan qolib ketdingizmu?”

“Karvondan?!” – ajabsindi yigit.

Otaxon yalanglik tomon ishora qildi.

“Huvv, oq karvonni ayturmen. Ko‘rdingizmu?

Muhammad yuribmas, go‘yoki uchib ufq etagiga singib borayotgan oppoq ot va tuyalarga hang-u mang qarab qoldi.

“O‘ksinmang,o‘g‘lim, oq karvon hali yana qaytgay. Siz ani sabr-u toqat ila kuting”. [Luqmon Bo‘rixon. 2023; 45].

Shundan so‘ng Abu Mansur Moturidiyning hayotiga ko‘plab voqelar sodir bo‘ladi: 15 yoshli Mastonbibiga uylanadi, farzandli bo‘ladi, madrasada mudarrislik qiladi, bir qancha iste‘dodli shogirdlari bo‘ladi, mutaziliylar va boshqa islom dinini buzmoqchi bo‘lgan jamoalar bilan munozaralar uyushtiradi, Somoniylar podshosini hayratga soladi va turli yo‘qotish-u alamlar, shod-u xurramliklarni boshidan kechiradi. Ammo bir umr uning yodidan chorbog‘dagi uchrashuv va o‘sha qiz chiqmaydi. Har vaqt achchiq turmush sinovlariga, zarbalariga duch kelganida, o‘sha qiz uning uchun umid uchquni bo‘lib tuyular edi: “Chorbog‘da uchragan qiz goh tushlarida, goh hasb-u hol paytlari alomat tarzda namoyon bo‘lardi, xolos. Mana, bugun ham imomning ko‘ngliga, xayolotiga tashrif buyurdi. Go‘yoki uning zabun holidan xabarlashib ajib visol mujdalarini berib ketdi” [Luqmon Bo‘rixon. 2023; 202]. Abu Mansur Moturidiy Mastonbibining serzarda va qo‘pol muomalasiga, uy yumushlarining hammasini o‘zi bajarishiga ham indamasdan ko‘nikib yashadi. Uning ko‘nglida o‘sha pariga jannatlarda erishish orzusi yashar edi.

Romanning “Tun qa‘ridagi shu‘la” bobida yana bir rivoyat keltirilgan bo‘lib, unda imom Moturidiy boshqalarning ham e‘tiqodida sobit inson bo‘lishga intilishlarini, to‘g‘ri yo‘ldan adashmasliklarini istovchi valiy sifatida gavdalanadi:

“Kecha peshin payti (imom Moturidiy) Izro Dovot va uning qavmdoshlari istiqomat qiladigan dahadan o‘tib qoldi. Har yondan obodlik, farovonlik nafasi ufurib turardi. Quyuq bog‘-rog‘lar,

sharqiroq jilg‘alar, ravon tosh yotqizilgan ko‘chalar, mustahkam imoratlar. Shu asno bir so‘lim go‘shada may ichib, badaxloq hangomalardan so‘zlashib o‘tirgan, qahqaha-yu vah-vahalarga ko‘milgan o‘n chog‘lik erkakka ko‘zi tushdi. Hazrat beixtiyor ular qarshisida to‘xtadi. “Ey, badkirdor qavm, - dedi imom Abu Mansur hassasini yerga bir urib, - mazkur ne‘matlar shukronasini qiling, Allohga ibodat qiling, aylang yo barchangiz o‘ling!” Qavm avvaliga angrayib turdi. Taajjub bilan o‘zaro ko‘z urishtirdi. “Hay, hazrat, hay, - dedi kimdir nopisand, istehzoli ohangda, - siz aytgancha bo‘la qolsun”. Bir ozdan so‘ng qavm yana qahqahaga zo‘r berdi. “Shu… - dedi imom Abu Mansur tutingan o‘g‘lining so‘roviga qisqacha javob berar ekan, - ranjidim, istig‘for aytib alardin yiroq ketdim”. Izro Dovotning ko‘zlarida yosh aylandi. “Otajon, alarming barchasi o‘tgan tunda o‘ldi. Voqeani eshitgan aksariyat qavm tavba-tazarruda” [2;326-327-b.]. Ushbu rivoyatni keltirish orqali imom Moturidiy har bir odamning Allohning ne‘matlariga shukrona aytishi, turli balolarga sabrli bo‘lishi, hamisha ibodatda bo‘lishligini xohlagan. Uning fikricha tiriklik faqat yeyish-ichish dunyo lazzatlaridan bahramand bo‘lish emas, balki hayotning qadriga yetib, uni ibratli kechirish, o‘tayotgan har bir daqiqani anglash va his etish, unumli foydalanish, vaqt va zamonni teran anglab borish hissini shakllantirishga xizmat qiladi.

“Imom Moturidiy” romanida tarixiy shaxs konsepsiyasida, muallifning ijtimoiy voqelik va o‘sha davrga mansub shaxs hayoti va ijodi haqidagi qarashlarining badiiy talqini aks etib, uning asosida zamon va inson munosabati yotadi, romandagi tarixiy shaxslar taqdirida davr xususiyatlari namoyon bo‘ladi, tarixiy haqiqatning badiiy in‘ikosi o‘z ifodasini topadi. Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, tarixiy romanda tarixiy haqiqat va badiiy to‘qima o‘rtasidagi muvozanat bo‘lishi shart hisoblanib, tadqiqotchi tarixiy romanlar poetikasini o‘rganishda buni yodda tutishi lozim bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Luqmon Bo‘rixon. Imom Moturidiy. – Toshkent: Yosh kuch, 2023. – 352 bet.

2. Mirvaliyev S. Tarixiylik va zamonaviylik. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san‘at nashriyoti, 1979. –B. 182.

3. Nazarov B. Hayotiylik – bezavol yangilik. – Toshkent: Yosh gvardiya, 1985. – B. 55.

4. Odil Yoqubov. So‘z. Birinchi kitob. – Toshkent: “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi Bosh tahririyati. 1999.

5. Russkiy pisateli o literaturnom trude. T.4. Moskva, 1956, 489-bet.

JADID SHE'RIYATIDA HAYOTGA YANGICHA QARASHLAR (TAVALLO IJODI MISOLIDA)

Nurullayeva Xulkaroy Azizulloxon qizi
NamDU 2-bosqich magistranti

Annotatsiya. Maqolada jadidchilik harakati namoyondalaridan biri bo'lgan Tavallo she'rlaridagi yangi davr adabiyotiga xos tamoyillar, ijodidagi millat va milliyat masalalari haqida ayrim mulohazalar bildiriladi. Jumladan, vaqtli matbuotda chop etilgan she'rlaridagi g'oyalar haqida fikr yuritiladi.

Kalit so'zlar: jadidchilik harakati, "Nashriyot" shirkati, matbuot, "Ravnaq ul-islom", tasvir, shakl va mazmun, janr, vazn, badiiy mahorat, tahlil, an'ana, mavzu, sayohat, qiyosiy-tipologik tadqiq.

Annotation: In this article, one of the representative of Jadidists movement, Tavallo's poems and some comments about the principles of the new period liturature and the issues of nation and nationality in his work. Including some ideas of the poems that were published in early press are concerned.

Keywords: Jadidists movement, "Nashriyot" company, press, "Ravnaq ul-islom", depiction, form and meaning, genre, measure, skill, specify, tradition, theme, travelling (jenre of travelling), comparative-typological research.

Аннотация: В данной статье даны некоторые рассуждения о принципах,характерных для современной литературы в стихотворениях Тавалло, одного из представителя джадидского движения и о проблемах нации и национальности в его творчестве. Включая, идеи стихотворений, опубликованных в периодических изданиях.

Ключевые слова: движение джадидов, Тавалло, объединение «Нашриёт», пресса, «Равнак ул-Ислам».

KIRISH. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida “jadid” so‘zi ommalashdi va jadidlar ta’lim sohasini yangilash uchun maktablar ocha boshladilar. Ammo jadidchilik harakati nafaqat ta’lim, maktab sohasiga emas, balki san’at, madaniyat, teatr, matbuot sohalarida ham “jadid”likni, yangilikni zamonga tatbiq etgan. Gazeta va jurnallar jadidlar tashabbusi bilan nashr etilgan, shuningdek, ular xalqning ko‘zini ochishni, millatga matbuot, umuman olganda, gazeta va jurnallar, ba’zan esa teatr orqali millat ahvolidan jar solib, ularni uyg‘otishni ko‘zlaganlar, desak yanglishmaymiz. Biz tanigan barcha jadidlar faqat hur fikrli, zamonasining eng ilg‘or kishilarigina emas, balki she’rga, adabiyotga ixlosi baland, iqtidorli insonlar bo‘lishgani, yozma asarlar, maqolalar, she’rlar orqali xalqni ezgu maqsadlar yo‘lida millat ravnaqi uchun birlashishga chorlagani barchamizga ma’lum.

Shunday jadidlarimizdan biri Tavallo Xo‘jamyorov bo‘lib, u turkistonlik ma’rifatparvar shoir, qolaversa, publitsist sifatida ham faoliyat ko‘rsatgan. 1883-yil Toshkentda tavallud topgan. Avval eski maktabda, keyin Beklarbegi madrasasida tahsil olgan. So‘ngra, rus-tuzem maktabida o‘qigan. 1900-yil 17 yoshida savdogarlik kasbi bilan shug‘ullanuvchi otasining degan kishining qo‘lida prikazchik bo‘lib ishlagan. 1909-yil otasi vafot etadi. Shundan so‘ng, Toshkentga qaytib, shahar savdo shirkatlaridan birida ish yurituvchilik qilgan. 1910-yildan Tavallo taxallusi bilan vaqtli matbuotda she’r va maqolalari bosilgan. She’rlarida millat ahvolini tasvirlash, boshqa xalq va o‘zbek xalqini solishtirish kuchli tanqid ostiga olingan. Masalan, “Boshqa millatlar va biz” she’rida “Magar bemor o‘lursa bergay anga do‘xturlar doru, Bizingdek yo buzoq-echki so‘ygil deb buyurmaydur”, deb yozganidan ham o‘zbek xalqining irim-sirimlarini hajv ostiga olishi, eskicha qarashlardan voz kechib, yangi ilmlarni (masalan, she’rda aytilganidek, doktorlikni) o‘rganishga chorlashi she’rda o‘z aksini topgan.

Tavallo jadidchilik harakatiga kirib kelishi “Nashriyot” shirkatini ochilishi bilan bog‘liq, desak ham bo‘ladi. Chunki, Tavallo boshqa jadidlar bilan birgalikda, jami 12 kishi Toshkentda “Nashriyot” nomli shirkat tuzishadi va unda kitob chiqarib sotishni yo‘lga qo‘yishadi. Tavalloning ota kasbi savdogar bo‘lgani uchun, qolaversa, o‘zi ham ko‘plab shirkatlarda ishlagani uchun ham tajribaga ega savdogar edi. Tavallo taxallusini unga ustozi Yusuf Saryomiy bergan. U ushbu taxallus bilan she’r va maqolalar yozib, matbuotda e’lon qilgan. Bundan tashqari, 1916-yilda “Ravnaq ul-islom” she’riy to‘plamini yaratgan. Bu to‘plam 1993-yil Begali Qosimov tomonidan so‘zboshi va izohlar bilan to‘ldirilib, qayta nashr qilinadi [3, 65].

Tavallo vaqtli matbuotlarda ham she’rlari bilan ko‘rinish bergan. Masalan, “1905-1920-yillarda jadidlar va qadimchilar o‘rtasidagi munozaralar bir qancha jurnallarning yuzaga kelishiga sabab bo‘ldi. “Oyna”, “Al-Isloh”, “Al-Izoh”, “Chayon”, “Izhor ul-Haq” shular jumlasidandir. Turkistonda chiqqan birinchi jurnal “Oyna”dir… “Oyna” adabiyotning qanday bo‘lishi kerakligi, qaysi g‘oyalarni talqin etishi zarurligi masalasiga jiddiy e’tibor qaratdi. Jurnal o‘z atrofida davrning ilg‘or ziyolilari, ijodkorlari, pedagoglari, jamoat arboblarini birlashtirgan edi. Fitrat, Ajziy, Kamiy, Hoji Muin, Mansuriy, Tavallo, Shavkat kabi ijodkorlar jurnalda faol qatnashgani buning dalilidir. Bu jurnal Kavkaz, Tatariston, Afg‘oniston, Eron, Turkiya va Hindistongacha tarqalgan” [3, 69].

Tavallo nafaqat “Oyna” jurnalida, balki “Mushtum” jurnalida ham she’rlari bilan faol bo‘lgan ijodkor sanaladi. Uning “вот she’r” nomli she’ri “Mushtum” jurnalining 1928-yilgi 3-sonida chop etiladi. Ushbu she’r o‘zbek va rus tilidagi so‘zlarning qorishmasidan hosil bo‘lgan, go‘yoki so‘zlashuv uslubida yozilgan nodir she’r hisoblanadi. She’r “Mushtum” jurnaliga murojaat bilan boshlanadi:

Mushtum chirog‘im, so‘yla-chi: как ты поживаеш?
Har kimni so‘kib, сам себе душман наживаешь.

Qofiyadosh so‘zlar rus tilida tanlangan bo‘lsa-da, ma’no aniq va lo‘nda ifodalangan. Tavallo she’riyatining o‘ziga xos xususiyati ham shunda, ya’ni u rus va o‘zbek tilining chatishmasidan go‘zal she’r, aniq ifoda, tushunarli mazmun hosil qila olgan. Bu she’rning yakuni esa o‘zining “Mag‘zava” taxallusi bilan tugaydi:

Вот endi bugun man yozaman, san смотри,
Sen dema meni “mag‘zava” tezda забиваешь [1, 3].

Biz mumtoz adabiyotda zullisonaynlik an’analarini ko‘p uchratgan bo‘lsak-da, ammo yangicha uslubda, qolaversa, istehzolar bilan yozilgan bunday she’rga aynan Tavallo ijodida guvoh bo‘lamiz. She’r ikki til – shoirning o‘z ona tili, milliy tili va millatini mustamlaka qilib turgan ruslarning tilida yozilgani she’rga ham o‘zgacha ruh bag‘ishlagan.

Tavalloning nafaqat bu she’rida, balki boshqa she’rlarida ham isyonlar to‘fonini, g‘azab va istehzolardan iborat toshbo‘ronni ko‘rishimiz mumkin. Masalan, Ovrupa ahliga murojaat qilib yozgan she’rida turli xil hunarlarni, narsa-buyumlarni o‘zaro taqqoslaganida shoirning istehzolari ortidagi dardni, alamni his etish mumkin:

Yovrupo ahli, siz quloq solingiz,
Biz hunarlar yozub, tanushtiramiz.
Kelturung, zanbarak, qurol necha xil,
Bizni sopqon ila otshtiramiz.
Aftamabil aravangiz qayda
Xo‘qand aroba bilan chopushtiramiz.
Qani ayripilonu gidropulon,
Varvarax bilan uchushtiramiz.
Bormi sizda bedona, kakliklar?
Pul tikib o‘rtaga cho‘qushtiramiz…[1, 3].

Darhaqiqat, bu she’rdagi alam, dardni faqat millatini o‘ylaydigan, uning kelajagi uchun qayg‘urgan insongina yoza oladi. Chunki, she’rda o‘z millatini maqtay olmayapti, aksincha, qo‘rqmasdan dadil solishtiramiz, degan taklifni bermoqda, ammo tom ma’noda yurtining bisotidagi sopqon, aroba, varvarax, bedona-yu kakliklar bilan Yevropa ahliga teng kelolmasligi uni iztirobga solidi, shoir chinakamiga millatining ahvolidan qayg‘uga tushadi.

XULOSA. Tavallo she’rlarini o‘qir ekanmiz, haqiqiy jadidona ruhiy kechinma, mustamlaka zulmiga isyon, ilm-ma’rifatga tashnalik, millatining ahvoliga qayg‘urish kabi hislar yo‘g‘rilgan she’rlarga guvoh bo‘lamiz. “U bir she’rida “havolansin, g‘izolansin, biling bu bir humo, millat” deb yozadi. Undagi mantiq shunday: millatning ravnaqi uchun, birinchi navbatda aql va g‘ayrat kerak… Millat unga mansub har bir kishining joni-jahoni, baxti-saodati. Binobarin, humo qushi. U ko‘klarga parvoz etmog‘i lozim. Buning uchun esa unga ruh kerak, madad kerak” [2, 49]. Uning she’rlarida nolish, oh-faryodni emas, askincha kurash uchun chaqiriqni ham emas, iztirobdan, alamdan o‘z holiga zaharxandalik bilan kulayotgan insonning hislarini ko‘rishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Qosimov B. va boshqalar. Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyoti. – Toshkent: Ma’naviyat, 2004. – 464 b.
2. “Mushtum” jurnali, 1928-y, 3-son.
3. Qosimov B. Vatan va millatning o‘tlig‘ kuychisi. “O‘zbekiston adabiyoti va san’ati” gazetasi, 2003-y, 49-son.
4. Qosimov B. Milliy uyg‘onish. – Toshkent: Ma’naviyat, 2002.

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ “ЁЛҒИЗ” ҚИССАСИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ОБРАЗИ

Раҳмонова Хуршида
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси, PhD.

Аннотация. *Қисса жанри ўзбек адабиётининг тарихий ривожланиш босқичларида алоҳида ўрин тутади. Мақолада истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг тарихий мавзуда ёзилган “Ёлғиз” қиссаси жанрга хос назариялар асосида тадқиқ қилинган. Асарда бош қаҳрамон ижодкор шахс Абдулла Қодирийнинг мураккаб руҳияти, қайғулари, мақсадлари у яшаган давр муҳитига, адолатсизликларига қарама-қарши ўлароқ тасвирланади. Мана шундай ифодалар яққол кўринган ўринларга урғу бериб таҳлилга тортилган. Мақолада муаллифнинг тарихий ҳақиқат ва уни бадиий кашф этишдаги ўзига хослиги имкон даражасида ўрганилди.*

Калит сўзлар: *ижодкор шахс образи, адабий характер, поэтик фикр, реалистик тасвир, индивидуал хусусият, тарихий ҳақиқат, давр руҳи, персонаж баёни, бадиий асар тили.*

Аннотация. *Рассказ имеет особое место в процессе исторического развития узбекской литературы. В статье рассматривается рассказ талантливого писателя Хуршида Дустмухамада «Один», написанный на историческую тему в жанровой основе. В произведении главный герой противопоставляется творческой личности Абдуллы Кадыри, его сложному характеру, печали , цели, периоду жизни и несправедливостям. Именно эти выражения*

с ударением анализируются на явно выраженных местах. В статье по мере возможности изучается историческая справедливость и художественная изобретательность автора.

Ключевые слова: *образ творческой личности, литературный характер, поэтическое мнение, реалистическое изображение, индивидуальная особенность, историческая правдивость, состояние эпохи, рассказ персонажа, язык художественного произведения.*

Annotation. *The story genre has particular importance in the process of historical development of uzbek literature. The article investigated historical story written by talented writer Khurshid Dustmuhammad , wich was based on the theories peculiar to the genre. The composition illustrates the psychology, sorrows, purposes of the main character the Abdulla Kodiriy as composer, opposing to the environment, injustice of the period he lived. The particular expressions which were illustrated as mentioned above were accented and analysed. The article studied as possible how the author demonstrates the historical truth in his artistic value.*

Keywords: *the image of composer, literary character, poetic thought, realistic illustration, individual feature, historical truth, periodic spirit, the exposition of personage , literary language of the composition.*

Қисса ўзбек адабиётининг тарихий ривожланиш жараёнида ёзувчилар томонидан энг кўп қўл урилган жанрлардан биридир. Бу жанр XX аср ва мустақиллик даврларида яна-да кенгайди, мукаммал эстетик бир бутунлик – жанр сифатида ўзига хос хусусиятлари такомиллашди. “Қиссада айтилиши муҳим бўлган поэтик фикр ҳар доим жанрнинг маълум бир “вакили” томонидан ҳикоя қилинади ”[Холдоров Д., 2017; 6]. Бу ҳам қиссанинг ўзига хос белгиларидан биридир.

Айтиш керакки, қиссачиликда поэтик изланишлар маълум бир даражада янгилана бошлади. Инсонни ижтимоий ҳаётнинг бир намоёндаси сифатида эмас, балки ўзига хос бўлган маънавий олам эгаси сифатида кашф этишга эътибор кучайди. Бунда реалистик тасвир билан бирга янги-янги тасвир усулларига эътибор берила бошлади. Бу даврдаги энг яхши қиссаларда ҳаётий ҳодисалар қамрови кенгайиб, конфлектнинг чуқурлашуви, шахс муаммосига , унинг жамият билан ўзаро муносабатига қизиқиш, маънавий-руҳий таҳлилига мойиллик кучайди. Бу тендеция қисса жанрининг барча кўринишларида намоён бўла бошлади. Истеъдодли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ёлғиз" қиссаси ҳам ана шу жиҳатдан характерлидир. Ушбу қиссада тарихий давр ва шахс муносабатлари хусусида, қаҳрамон руҳиятининг мураккаб қирралари, фикри хаёллари ҳақида ёзилган. Тарихимизни, ундаги зиёли инсонлар ўтмишини илмий ҳамда бадиий тадқиқ этиш ёзувчидан анчагина саъй-ҳаракат ва бадиий маҳоратни талаб қилади. "Ёлғиз" қиссасининг бош қаҳрамони Абдулла Қодирийнинг миллат, юрт тақдири учун қайғуси , мақсадлари ўша давр нафасига, адолатсизликларига қарама-қарши ўлароқ тасвирланади. "Йиғинди гаплар" мақоласи учун қамалган Абдулла Қодирий қалбидан кечган ўйлар, руҳий изтироблар муҳит билан боғлиқликда ифодаланган. Воқеа тасвиридан руҳият тасвири устувор бўлган. Шунингдек, ҳаракат ва руҳият тасвири бир-бирини тўлдирган ҳам. Қаҳрамон атрофида зоҳиран қараганда одамлар кўп, аммо уни тушунадиган , дардларини ҳис қиладиган, ақл билан онгли тарзда англайдиган одам йўқ. Шунинг учун ҳам у ўзини руҳан, қалбан ёлғиз ҳис қилгандир, эҳтимол.

Қиссада ёлғиз деб сифатланган Абдулла Қодирий образи характер даражасига кўтарилган. "Асарда мукаммал

тасвирланган образларгина характер даражасига кўтарила олади. Характер – бу аниқ ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган образ"[Қўшжонов М., 1962; 15], – дейди адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам ёлғиз деб атаган қаҳрамонини бошқаларга ўхшамайдиган ўзига хос индивидуал хусусиятларини теран мушоҳада қилган ҳолда бадиий ифодалаб берган. Адабиётшунос Л.И. Тимофеев эса бадиий характерни вужудга келтирувчи бир неча жиҳатларни санаб ўтади. "Жумладан, портрет, қаҳрамоннинг тавсифи ва таърифи, қаҳрамон нутқи, шароит, турли тарихий, ижтимоий-сиёсий ва руҳий вазиятлар, нарса ва ҳодисалар, қаҳрамон фаолияти, унинг бошқалар билан муносабати, фикр-ўйлари, изтироблари, қувончлари биргина характерда мавжуд бўлиши лозим. Ушбу жиҳатларсиз характер қурилиши мукаммал бўла олмайди "[Тимофеев Л., 1979; 130-132]. Мазкур жиҳатлар ёлғиз образида бирлаштирилган ҳолда характер даражасига кўтарилган. Ёлғиз нафақат адабий характер, балки у ўзида миллий ва умумбашарий хислатларни жам қилган ижодкор шахс образи ҳамдир. Асар қаҳрамони фаолияти ўзи мансуб бўлган давр воқелиги билан уйғунликда тасвирланади. Шу боис, у бир томондан , ўз даврининг фарзанди, иккинчи томондан, илғор дунёқарашлари ва юксак идеаллари билан тарихан ўз замонасидан илгарилаб кетган инсон сифатида гавдалантирилган.

"Хўш, ёлғизнинг дарди нима эди? У нималарни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди" ,– деган савол туғилиши табиий. Бунинг жавоби асар матнига сингдириб юборилган. Яъни Абдулланинг ичқи нутқи орқали ифодалаб берилган. "Одамларни газет-журналга жалб этишда мақсад-маслак бўлмоғи даркор. Қуруқ газетхонлик-жур-

налхонлик билан иш битмайди. Басират кўзларни очмоқ лозим уларнинг . Қандоқ ҳаёт кечирмоқдалар, инсон қавми аслида қандоқ яшамоққа лойиқ –биладиларми шуни улар?"[Хуршид Дўстмуҳаммад., 2019; 30]. Асарда Абдулла одамлар гавжум тўпланадиган бозорларга тушиб, халқнинг яшаш тарзини, тирикчилик манбайини кузатадиган, гап-сўзларини, фикрларини тинглайдиган ва шу асосда маълум бир хулосаларга келадиган инсон сифатида гавдалантирилган. "Нима қилмоқ зарур? Қай йўл-қай чора бирлан уйқудагиларни уйғотиш мумкин? Уйқудан, мудроқдан, танбалликдан?!"[Хуршид Дўстмуҳаммад., 2019; 30]. Қодирийнинг асл мақсади ана шу эди. Халқни илмли, маърифатли қилиш. У бутун умр мана шу дард билан яшаб ўтди. Бошига келган кулфатларнинг ҳам асл сабаби мана шу – "басират кўзларни" очишга уринган. "Йиғинди гаплар" мақоласини ёзишга ундаган ҳам шу: халқнинг аҳволини яхшилашга ҳаракат қилгани, уларнинг маърифатли бўлишларини истагани эди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у китобхонни аста-секин, сокинлик билан Абдулла Қодирийнинг дарди-дунёсига, маънавий-руҳий оламига олиб киради ва бу дардни ўқувчига ҳам юқтиради. Бу дардни ифодалашда ёзувчи қаҳрамоннинг ўй-хаёлларидан, ички нутқидан фойдаланган. "Ишчими, деҳқонми, маорифи маданияти, иқтисоди-ю шалтай-балтайи ўзим сингари ғафлат уйқусига банди эканлигидан куймоқдаман. Маҳалла ишсиз, гузар ишсиз, бозор ишсиз – том-тешарга уқув, йўл тўсарга юрак йўқ, уйқудан аламни олмай қаён борсин, бу овсарлар?!..... Ўлка қай аҳволда-ю, уста Йўлдошнинг куйгани қайси ергача?! Салкам беш минг кишига битта мактаб эмиш! Ол-а, ўқийман деганлари неча ҳовуч. Очган мактабинг неча сиқим, дейдирган жўмард йўқ майдонда". Муаллиф ижодкор образининг бу каби фикр-хаёллари билан ўша даврнинг, мустабид тузумнинг,

мафкуравий тазйиқнинг халқ учун келтириб чиқарган муаммоларини ёритиб берган.

Кичкина чўғ ҳам, аслида, оловнинг уруғи. Унда буюк ҳарорат ва ёруғлик қудрати бор. Зеро, улкан машъалалар ҳам ўша урвоғдек чўғлардан туғилиб, алангаси дунёни тутиб кетади. Абдулла Қодирий юрагида аланга олаётган чўғни ўчириш, ҳовурини босиб қўйиш учун ҳам, эҳтимол, уни уч ой зах қамоқхоналарда сақлашгандир. Аммо, унинг халқ дарди деб ёнган юрагидаги олов кучайса-кучайдики, асло сўнмади. Унинг ортида оддий бўлса-да унга ишонадиган, унга суянадиган, унга дардларини айтиб дармон бўлишини кутиб турган, уни яхши кўрган халқ бор эди. Қаҳрамоннинг ўзи ҳам буни сезмагандир, эҳтимол. Асар матнидан қуйидаги жумлалар фикримизни исботлашга ёрдам беради. Кечки пайт бир неча одам тўпланиб, шовқин солиб таҳририятга келишади.

“ – Жулқунбой деганларини кўрсак бўладими?

– У кишида нима юмушинг бор? – овози келди Тошқиннинг.

Маҳалламиздаги муттаҳамлар устидан шикоят келтирдик, шуни берайлик. Бир абжағини чиқариб ҳажв қилиб берсин”[Хуршид Дўстмуҳаммад., 2019; 28]. Абдуллани яхши кўрган ана шундай халқ орасидан уни сотган сотқинлар ҳам чиққан.

Тарихни билиш, тушуниш, тарихий шахслар руҳиятини англаш даражаси ижодкор салоҳиятини кўрсатади. Ҳар қандай ҳаётий муҳитда, ҳар қандай ижтимоий шароитда намоён бўлган ватанпарварлик, миллатсеварлик, инсонийлик хусусиятларини кўра олиш ҳамда кўрсата билиш тарихий шахс образини ёритишнинг бош мезонидир. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам тарихий ижодкор шахс Абдулла Қодирийнинг маънавий-руҳий оламини худди шундай жонли тарзда ифодалаб берди. Бунда ёзувчи

ижодкор образи руҳиятининг мураккабликларини очиб беришда унинг асарларидаги қаҳрамонлардан ҳам унумли фойдаланган. “Астағфируллоҳ!” деди Абдулла Юсуфбек ҳожига таассуф қилиб. Отабек-ку туҳмат ортида ҳибс этилди, Абдулла-чи? Унинг бу ерда ўтиришининг боиси наҳотки “Йиғинди гапларга” боғлиқ бўлса?!... Омманинг кўзини очиш, уларнинг туриш-турмушини янги ҳаёт ўзанига буриш учун қанча ёзилса, қанчалик басират кўзлари очилса шунча оз эмсами?!”[Хуршид Дўстмуҳаммад., 2019; 70]. Қодирийнинг миллат тақдири, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш учун бир йўл қидираётганлиги унинг фикрларидан ҳам билиш мумкин. Яна инсон ўзини тушунмайдиган, дардларини тингламайдиган, англамайдиган одамлар, жамият орасида қолса хаёлларидаги идеали билан суҳбат қуради, унга суянади, ишонади. Абдулла ҳам ўзи яратган образ Юсуфбек ҳожининг ақлу заковатига ишонган, дардларини у билан бўлишган. “Инсон ўзи билан ўзи қолганда руҳиятининг энг кучли ва ожиз жиҳатларини бутун мураккаблиги билан англаб етади. Характерларнинг кечинмаларини учинчи шахс тилидан баён этиш, муаллиф баёни билан персонаж баёнининг бирлашиб кетиши асарга кучли руҳий замин, фалсафий йўналиш беради, ҳолатнинг бадиий шарҳи вазифасини ўтайди”[Исаева Ш., 2001; 13]. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссасида ҳам муаллиф баёни ҳамда қаҳрамон ўз-ўзини тафтиш қилиши қоришиқ ҳолда келади, натижада китобхон руҳиятига қаҳрамон руҳияти сингиб кетади, бадиий таъсир доираси ортади. Адабиётшунос Шуҳрат Ризаев асар қаҳрамони Абдулла образи ҳақида шундай деб ёзади: “Қодирий –адабиётда ёлғиз, “Муштум”да ёлғиз, ачитиб заҳарханда сўз айтишда ёлғиз, камерада ёлғиз, қалами ўткирлиги, куюнчаклиги боис ёлғиз, “тушунган одам – тушунмаганлар олдида ёлғиз” ва ҳоказо. Ана шу ўнларча ёлғизларнинг таъриф-тавсилотла-

рини бера бориб, Абдулла Қодирий деган бетакрор ёлғиз ҳодиса – ёлғизлик моҳиятини очади муаллиф. Унинг улуғлиги, буюклигини ана шу ёлғизлик ракурсларида инкишоф этиб боради. Биз энди ўша беназир зотни қалбан ҳис қилиб, Шахс мақомидаги якка-ёлғизлигини дилдан эътироф этамиз. Асрлар оша яшамоққа ҳақли эканлигини ҳис қиламиз"[Ризаев Ш., 2019; 8]. Муаллиф мана шу ёлғизликни, Қодирий қалбидаги, руҳиятидаги ёлғизликни асар моҳиятига сингдирган.

"Ёлғиз" қиссасининг яна бир муҳим қирраларидан бири бу- унинг бадиий тилидир. Ёзувчи тарихий ҳаётни образлар ва манзаралар воситасида акс эттирар экан, ўша дарв халқ тили мақолларидан, ҳажвияларидан, гап қурилиши усулларидан, диалектлардан фойдаланган, қаҳрамон, персонажларнинг характерига қараб сўз ва иборалар танлаган. Тарихни бадиий ўзлаштиришдаги энг қийин жиҳатлардан бири тил масаласи бўлса керак. Халқ руҳиятини беришда , давр муҳитини яратишда, аждодларимиз нутқини, фикрлаш тарзини акс эттиришда энг муҳим масалалардн биридир. "Мен тарихий асар ёзишда "қаҳрамон тили иложи борича ўша давр руҳини акс эттириши зарур" деган тамойилга амал қиламан. Аслида тарихий асарда икки хил тил бор. Бири қаҳрамонлар тили, иккинчиси – муаллиф тили. Ёзувчи учун энг қийини ана шу икки томонни мўътадил тутиб қола билишда"[Раҳимжонов Н., 2019;74], – дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али . Худди шунингдек, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам Қодирий даври муҳитини яратиш учун қаҳрамонлар нутқида ўша давр тил унсурларидан, лексемаларидан фойдаланган. Лекин асарни бугунги давр кишиларига мўлжаллаб ёзилаётганлигини эътибордан қочирмаган ҳолда ўқувчини зериктирмаслик учун муаллиф ровий нутқида ҳозирги ўзбек тилини қўллаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллифнинг тарихий ҳақиқат ва уни бадиий кашф этишдаги ўзига хослиги бош қаҳрамон образи талқинида давр мафкурасига қарамай, унинг она-Ватан йўлидаги фидоийлигини умуминсоний қадриятларда кўрсатиб бера олган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т .: Ўзбекистон, 2002.

2. Дўстмуҳаммад Хуршид. Ёлғиз. –Т.: Машҳур-пресс, 2019.

4. Исаева Шоира. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Автореферат. Т.: 2001, 13-бет

5. Раҳимжонов Нўъмон. Бадиият – бош мезон. – Т.: Академнашр, 2016.

6. Тимофеев Л.И. Теория литературы. – М.: Педагогика, 1979.

7. Холдоров Дилмурод. Ижод моҳияти – услуб хосияти". – Т.:Турон замин зиё,2017.

8.Қўшжонов Матёқуб. Ҳаёт ва маҳорат. Т., Ўзадабий нашр, 1962.

ABDULLA QODIRIYNING ADABIY-ESTETIK QARASHLARI

Saodat Fayziyeva,
Alisher Navoiy nomidagi TDO‘TAU
3- bosqich tayanch doktoranti,

Annotatsiya: *Abdulla Qodiriy jadid adabiyoti uchun juda muhim figuralardan biri sanaladi. Adib o‘zbek romanchiligi asoschisi bo‘lishi bilan birga, o‘z zamondoshlari ijodi va ilmiy faoliyatining jonkuyar kuzatuvchilaridan edi. Garchi adabiy qarashlarini yakka bir to‘plam ko‘rinishida jamlamagan bo‘lsa ham, jadid matbuotida Qodiriy qalamiga mansub salmoqli maqolalar bosilgan. Ushbu maqolada jadid adabiyoti davri va Abdulla Qodiriyning davr adabiyotiga oid ayrim mulohazalari tahlil qilinadi.*

Kalit so‘zlar: *Jadid adabiyoti, Qodiriy, roman, “O‘tgan kunlar”, hikoya, she’r.*

Abstract: *Abdulla Qadiri is considered one of the most important figures for jadid literature. In addition to being the founder of Uzbek novels, writer was an enthusiastic observer of the creativity and scientific activity of his contemporaries. Although he did not collect his literary views in the form of a single collection, important articles written by Qadiri were published in the jadid press. This article analyzes the period of modern literature and some of Abdulla Qadiri’s comments on the literature of the period.*

Keywords: *Jadid literature, Qadiri, novel, «Utgan kunlar», story, poem.*

Yangi o‘zbek adabiyoti o‘zining boshqa davrlarga nisbatan yangiliklarga boyligi va eski tartiblarni isloh qilishi bilan xarakterlanadi. “Osmondagi adabiyot” yoxud “saroylarda yashagan adabiyot” aynan jadidlar davriga kelib oddiy xalqqa yaqinlash-

di, ularning dard-u hasratini, ko‘pchilikka ma’lum bo‘lmagan og‘riqlarini ifoda etishni boshladi. Fikri va qarashlari tiniq jadidlar nafaqat ijtimoiy muhitdagi o‘zgarishlarni, balki adabiy jarayondagi islohotlarni ham o‘z bo‘yniga olib yorug‘ hayot tomon odimlashdi. Fitrat, Munavvarqori, Mahmudxo‘ja Behbudiy, Avloniy, Cho‘lpon, Abdurahmon Sa’diy kabi jadidlar qatorida Abdulla Qodiriy nomi ham alohida ta’kidlanadi, sababi bu buyuk shaxs adabiyotdagi yangi tendensiyalarning boshlovchilaridan bo‘lishi bilan bir qatorda yangi o‘zbek adabiyotida roman janriga asos solgan adib sanaladi.

Jadid adabiyotida roman yangi paydo bo‘lgan janrlar qatoriga kiradi. Undan oldin yaratilgan katta hajmdagi nasr namunalari janr talablariga javob bermagani uchun ham “ilk” bo‘la olmagan. Akademik adabiyotshunos Izzat Sulton: “Abdulla Qodiriyning asarlari badiiy mahorat namunasidir. Bu asarlarda asosiy g‘oya doimo yaqqol ifoda qilinadi…” [Sultonov I., 1956] degan fikrlarni bejizga aytmagan. Qodiriy tug‘ma epik janr namoyondasi, realistik hikoya va romanlar muallifi edi. Uning rus tilini mukammal bilgani va 1924-yilda Moskvadagi V.Bryusov nomidagi Oliy Adabiyot institutida tahsil olgani ijodi uchun muhim omil bo‘lib xizmat qilgan. Chunki adib voqelikni adabiyot qoidalariga amal qilgan holda jonlantirar, bu esa uning asarlarining yashovchanligini oshirar edi. O‘qishdan qaytgach, matbuot sohasida ishlagan Qodiriy yangi o‘zbek jurnalistikasining ham asoschilaridan biriga aylandi. Tarjimon sifatida esa Gogol, Chexov, Mark Tven, Emil Zolya, Deni Didro, Alfons Dode kabi adiblarning bir qancha asarlarini o‘zbekchaga o‘girgan. Boshqa jadidlar singari ko‘p tarmoqli faoliyat olib borgan Abdulla Qodiriy bir necha maqola va chiqishlari orqali adabiyotga munosabat bildirgan holda adabiyotshunos sifatida ham mahorat ko‘rsatgan, desak, adashmaymiz.

Qodiriyning asarlar qatoriga oxirgi yillarda qo‘shilgani “Diyori bakr” hisoblanadi. Mazkur to‘plamda she’rlar, sahna asarlari, kichik maqola, hangoma, felyeton va hikoyalar jamlangan bo‘lib,

ularda Qodiriyning inja ichki dunyosi, keskir xolis so‘zi, boshqalardan ajralib turuvchi o‘tkir jur’ati va insoniy xislatlari kabilar aks etadi. Davr va turmush talabi, shu turmushda yashayotgan insonlarning ehtiyojlari, qarashlari hamda manfaati adabiyot uchun muhim motivatsion obraz ekanligini ijodkorning kichik asarlari orqali kuzatishimiz mumkin.

Ushbu asar 1910-20, 30-yillardagi matbuot matnlarini poydevor qilgan holda tayyorlangan. Uni adibning kichik asarlari jamlangan to‘plam deyishimiz mumkin. Qodiriy bu majmuasidagi ayrim bitiklar orqali davr adabiyotiga ham munosabat bildirgan. Buni esa doimgidek qalamidan to‘kilgan rost so‘zlar orqali bayon qilgan. Zero, Abdulla Qodiriyning adabiy til borasidagi mahoratlarini sohilsiz dengizga qiyoslashimiz mumkin [Malik T., 2007:5]. Ma’lumki, san’at durdonalari haqidagi har qanday adabiy-tanqidiy maqola o‘sha badiiy asarlar bilan yonma-yon yashaydi [Karimov B., 2016:216]. Chunki adabiy qarashlar to‘g‘ri va tahliliy jihatdan sayqallangan bo‘lsa, o‘z obyekti bo‘lgan badiiy asar bilan birgalikda butunlikka erishadi. Qodiriy “Cho‘lponning “Tong sirlari” she’riy to‘plamiga so‘zboshi”sida zamondoshi va maslakdoshi Cho‘lponga munosabat bildiradi. Shoirning aksar she’rlari qalbdan chiqqan inja tuyg‘ular bilan sug‘orilgani uchun uni nafaqat o‘quvchilari, balki ayrim tanqidchilar ham “yig‘loqi” shoir deb bilishardi. Qodiriy bu iddaolar zohirdan qaraganda haq ko‘ringani bilan, bu to‘kilgan yoshlar shunchaki emas, aksincha ketidan “chechaklar o‘sdirmoqchi” [Qodiriy A., 2014:703] ekanligini, bu esa unga e’tiroz qiluvchilar qatoriga kirib qolmaslik uchun asosiy sabab ekanini ta’kidlaydi. Oktyabr voqealari nafaqat xalq hayotida, balki fidoyi ziyolilar faoliyatida ham chuqur iz qoldirgan. Shoir mana shu hodisalar sabab ichidagi yig‘ini “Tong sirlari”da ifoda etadi go‘yo. Munaqqid esa ikki og‘iz tushuntirish bilan butun to‘plam haqida kitobxonlarga kichik ochiqlama beradi.

XIX asrning so‘nggi choragida chor Rossiyasi qo‘l ostida qolgan turkiy millatlarni bog‘lab turgan fikr-g‘oya, muammolar ularning nustamlaka zulmida qutulishi uchun birgalikda harakat qilishlariga tom ma’noda zamin yaratdi. Bu mushtarak fikr va g‘oyalarni muhokama qilish, bir-biridan masofa jihatidan uzoq turgan fikr odamlarini bir joyga jamlashning o‘sha vaqtdagi yagona vositasi matbuot edi [Abdirashidov Z., 2023:83]. “Inqilob” jurnali ham o‘z davri uchun muhim nashrlardan ekanligini unda adibning “O‘tgan kunlar” romani chop etilganidan bilib olishimiz mumkin. Qodiriyning jurnal haqida “Qizil bayroq” gazetasida kichik asari chop etilgan. Izohda unga hangoma deyiladi. Unda adib jurnalning tiraji kamligiga kinoya qiladi: “Ikkinchi sonig‘acha o‘n besh kunda bir, uchunchi sonidan boshlab oyda bir, to‘rtinchi no‘miridan e’tiboran oyda bir, beshinchi sonini, xudoy bilsun, yilda bir chiqaturg‘an o‘zbekcha “Inqilob” mujallai mubajjaliasining 4-nchi adadi alayhir-rahmasi bosmaxonadan arang qutulib chiqib qo‘limizg‘a tushdi” [Qodiriy A., 2007:108]. Jurnal hay’atida uch nafar qozoq, to‘rt rus, yetti tatar, bir tojik va uch o‘zbek millatiga mansub kishilar faoliyat yuritgan. Uning sahifalarida “Asari badi’a”, ya’ni “badiiy asar” nomli rukn bo‘lib, mumtoz yozuvchi-shoirlar ijodidan namunalar berib borilgan. Lekin necha son chiqsa ham, o‘zbek adabiyotidan biron namuna berilmagani uchun Qodiriy buni hangoma ko‘rinishida tanqid qiladi. Avval qozoq shoiri Abay, keyin tatar ijodkori Abdulla To‘qay asarlaridan namunalar chiqadi. Keyin bundan ranjigan Qodiriy hangomasida Navoiy, To‘qay va Abayni jonlantirib, ularning tilidan kinoyali so‘zlar aytadi. Navoiy tilidan Abay va To‘qay “zo‘raki shoirlar” deyilsa, Abay unga qarab, “chidaganga chiqarg‘an, piltakach” deydi. To‘qay bo‘lsa, “sin bunarg‘a pik ochulanma, Navoiy hazrat sheg‘ringni tatar onglamiturg‘on bir tilda bik yamsiz, bir chuvar yozilsing. Ul endi shulay bulmicha mumkin tugil!” deydi [Qodiriy A., 2014:575]. Muallif bu tortishmalar bilan tahririyatdagi mas’ullar vazifasini suiste’mol qilayotgani

va hamma millatga bir ko‘z bilan qaramayotganiga ishora qiladi. Nuktadon Qodiriy Boburni ham bu hangomaga doxil qilib, uning tilidan Navoiyga ushbu misralarni o‘qiydi:

Ash’oring, isming, fazling mashhuri ofoq turur,
Arzimag‘an ish uchun qizishuving otingg‘a kelishmay turur.

Bu asar garchi hangoma nomi ostida berilgan bo‘lsa ham, o‘sha davr haqida bir necha ma’lumotlarni yetkazadi: a) “Inqilob” va shunga o‘xshash nashrlarda qozoqlardan Abay, tatarlardan To‘qay, turkiylardan esa Navoiy shaxsi boshqalardan taniqliroq edi; b) jadid ijodkorlari Navoiyni yetuk ijodkor sifatida bilgani holda uni boshqa shoirlardan ustun qo‘yishgan; d) Bobur shaxsi ham bu davr adabiyoti uchun tanish figuralardan edi.

Hamma davrda bo‘lgani kabi jadid adabiyotida ham zo‘raki shoir-yozuvchilar yo‘q emas edi. O‘zidan ijodkor yasab oladigan yoki hech qanday adabiy bilimga ega bo‘lmay turib ijod qiladigan kimsalar uchun 1935-yil “Qizil O‘zbekiston” gazetasining 14-mart sonida bosilgan “Abdulla Qodiriy – Julqunboy dokladidan” maqolasi kerakli chaqiriq bo‘lgan. Unda yozuvchi o‘zining bir asar yozishdan oldin yozmoqchi bo‘lgan narsasi haqida chuqur izlanishi, har bir materialni puxta o‘rganib chiqishi haqida gapiradi. Bu narsa asar uchun juda muhimligi va e’tibor berilmagan kichik element ham keyinchalik katta voqealar ochqichi bo‘lib xizmat qilishi ta’kidlanadi. Yana ijodkor uchun nazariy bilimlar muhimligi quyidagicha keltiriladi: “Yozuvchi bo‘laturg‘on har bir kishi adabiyotdagi oqim va maktablarni yaxshi bilib olishi kerak. Eng yaxshi yozuvchilarning asarlarini bir necha qaytalab o‘qish zarur. O‘qig‘anda ham yozuvchining nima demoqchi ekanini va o‘z fikrini qanday yo‘l bilan o‘quvchiga anglata olganini diqqat qilib surishtirib borishi kerak...” [Qodiriy A., 2014:814]

“O‘qush – o‘rganush” maqolasida yozuvchi kichik hikoyalar yozganda so‘zni qanday tejash haqida ma’lumot beradi. Maqo-

la obyekti qilib mashhur rus hikoyanavisti Chexov olingan. Uning mahorat bilan yozilgan “Buqalamun” hikoyasi tahlil qilinadi. Adib asarning “ser suv”ligi, ya’ni ko‘p so‘zli bo‘lib ketishining sababi narsalardan birini ko‘rsatish o‘rniga so‘zlab berish ekanligini aytadi. Chunonchi, Ochumilovning “buqalamun” ekanligi muallif tomonidan tasvirlanmaydi, balki qahramon so‘zlari, asardagi dialoglar orqali anglashiladi. Bu dialoglar qahramonni xarakterlash bilan birga asardagi voqealar rivojini ham tezlatadi. Kichik hajmli asarlar, xususan, hikoyalarda so‘zlar shunday tartiblanishi kerakki, unda biron so‘zni chiqarib tashlash yoki so‘zni qo‘shish mumkin bo‘lmasin, shunda yozuvchining so‘zga naqadar diqqatli ekanligi seziladi.

Yuqoridagi kichik misollardan shu ko‘rinadiki, Abdulla Qodiriy nafaqat buyuk yozuvchi, balki o‘zining adabiy qarashlarini o‘quvchiga teran va tushunarli misollar bilan yetkazib bera oladigan munaqqid hamdir. Mahorat bobida Qodiriy o‘zi tahlil qilgan Chexovdan kam emas edi. Ayniqsa, u o‘z ilmiy fikrlarini ortiqcha bo‘yoqlarsiz, “ser suv”likdan xoli holatda bayon qilgan. Aynan mana shu jihat ham uning chuqur mulohazakor ekanligi va puxta kuzatuvchanligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sultonov Izzat. Yozuvchi Abdulla Qodiriy haqida.// “Qizil O‘zbekiston” gazetasi, 1956.

2. Karimov Bahodir. Ruhiyat alifbosi. T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2016. B. 361.

3. Malik T. Benazir do‘st//Diyori bakr (Abdulla Qodiriy). T.: Yangi asr avlodi, 2007. B.470.

4. Qodiriy Abdulla. Tanlangan asarlar. T.: Sharq, 2014. B.879.

5. Abdirashidov Zaynobidin. Turkistonda jadidchilik. T.: Akademnashr, 2023. B. 261.

6. Qodiriy Abdulla. Diyori bakr. T.: Yangi asr avlodi, 2014. B.879.

XURSHID DAVRON SHE'RLARIDA ABDULLA QODIRIY OBRAZI

Yusupova Sevinch Otabek qizi
ToshDO'TAU magistranti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada jadidlarning yirik namoyandasi, birinchi o'zbek romani muallifi Abdulla Qodiriyning Xurshid Davron ijodida tutgan o'rni baholangan, shoirning Qodiriyga bag'ishlangan she'rlari tahlil ostiga olingan. Shoir she'rlarida Qodiriy obrazini ruhiy iztiroblar og'ushida tasvirlashga harakat qiladi.*

Kalit so'zlar: *Jadid, zamonaviy adabiyot, she'r, she'riyat, obraz, obrazlar tizimi, qiyoslash, qiyosiy tahlil.*

Annotation: *In this article, the great representative of the jadids, the author of the first Uzbek novel, Abdulla Qadiri, is analyzed in the work of today's representatives of literature, in particular, the national poet of Uzbekistan, Khurshid Davron, and the poet's poems dedicated to Qadiri. In his poems, the poet tries to describe the image of Qadiri in the midst of mental anguish.*

Key words: *Jadid, modern literature, poem, poetry, image, image system, comparision, comparative analysis.*

XX asr o'zbek adabiyoti taraqqiyotida jadidchilik harakati namoyandalarining hissasi kattadir. Ularning ma'rifiy-axloqiy qarashlari o'zbek millatini hurlikka, erkinlikka olib chiqish yo'lidagi bosh maslakka aylangan edi. Jadidlarning sa'y-harakatlari natijasida adabiyotimizga yangi janrlar kirib keldi. Abdulla Qodiriy dahosi yaratgan «O'tkan kunlar», «Mehrobdan chayon» romanlari asrlar oshsa-da kitobxonlar tomonidan sevib mutolaa

qilinadi, ular zimnidagi milliy ruh insoniyatni hidoyatga chorlayveradi.

Mamlakatimizda mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab to bugunga qadar Abdulla Qodiriy nomini abadiylashtirishga, uning hayot va ijod yo‘lini o‘rganishga, adib ruhini shod etishga qaratilgan ko‘plab ishlar amalga oshirib kelinmoqda. Muhtaram yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyevning 2018-yil dekabrda tashkil etilgan Abdulla Qodiriy nomidagi ijod maktabi ochilishi marosimida aytgan:» Bitta narsani hammamiz bilishimiz kerak. Adabiyotsiz iqtisodiyot ham, ma’naviyat ham bo‘lmaydi. O‘zini hurmat qilgan inson Abdulla Qodiriyning «O‘tkan kunlar» ini bir emas, bir necha marta o‘qigan bo‘ladi. Nega desangiz, uni o‘qigan odam hech qachon oilaga xiyonat qilmaydi, kerak bo‘lsa, vatanga xiyonat qilmaydi» [Kun.uz/news.,2019.12.27], so‘zlari ham yuqorida ta‘kidlanganlarning bir isbotidir.

Bundan tashqari, Abdulla Qodiriy shaxsiga bo‘lgan ehtirom shoir va nosirlarni qo‘liga qalam olib, uning portretini yaratishga turtki berdi. Nasrda ham, nazmda ham adib haqida bir qator ijodiy ishlar yaratildi. Shulardan biri sifatida O‘zbekiston xalq shoiri Xurshid Davronning Qodiriy haqidagi turkum she‘lari bo‘lib, ularning zimnida ohorli fikrlar ko‘zga yarq etib tashlanadi. Xurshid Davron har bir she’rida adib shaxsining e’tiborga molik tomonlarini to‘ldirib, boyitib boradi. «Qodiriyning so‘nggi surati», «Qodiriyni olib ketganlari haqida she’r», «Qodiriyni o‘qib» kabilar shular jumlasidandir. Ularning barchasida muallif Qodiriyning mashaqqatli hayotini, adib yashagan davr muhitini, Qodiriy yaratgan qahramonlar hamda bu qahramonlarning xalq yodida saqlanib, yashab kelayotganini yoritishga intiladi:

Buncha alam,
Buncha muhabbat...
Qorachiqda yonar hasrati.
Sen nimani tilaysan mendan,

Qodiriyning so‘nggi surati?
Yoki so‘ylab bermoqchimisan
Kumushbibi, Otabek dardin,
Yo o‘z darding so‘ylamoqchisan,
Qodiriyning so‘nggi surati?

Shoirning «Qodiriyning so‘nggi surati» she‘ridan olingan ushbu parchada ko‘zlarida ham dard-alam, ham mehr-u muhabbat jam bo‘lgan Qodiriy surati bilan lirik qahramon o‘rtasida suhbat kechadi. Surat Abdulla Qodiriy boshidan o‘tkazgan achchiq qismatni, davrning qora bulutlari keltirgan azob yomg‘irlarini, nihoyasiga yetmagan ishlar hasratini ochiq-oydin so‘zlashga kirishgandek tuyuladi go‘yo. She‘rda Otabek, Kumush obrazlari ham dardchil tasvirlanadi, toki ko‘p bora ta’kidlanganidek, roman mundarijasi faqat ikki qalb tug‘yonlarini emas, balki xilma-xil insoniy taqdirlarni, ijtimoiy-siyosiy, ma’naviy, axloqiy, yurtning taqdiri, mustaqilligi masalalarini ham o‘z ichiga qamrab oladi. Zero, umrining 15 yildan ortiqroq qismini «O‘tkan kunlar» ning ingliz tilidagi tarjimasiga bag‘ishlagan Mark Riz iqror bo‘lgani kabi: «Bu o‘tmish haqidagi roman Qodiriyning bugunini kelajakka ogohlantirish sifatida tasvirlaydi» [Riz M., 2021; 14].

Abdulla Qodiriyga siyosiy ayblar qo‘yilib tutqunlikka mahkum etilishi shoir qalbini bezovta aylaydi. «Qodiriyni olib ketganlari haqida she’r» ida Julqunboyning so‘nggi, ya’ni 1937-yil 31-dekabrda «xalq dushmani» sifatida hibsga olib ketilish jarayoni tasvir ostiga olinadi. Mazkur she’rdagi voqeaband syujet o‘sha davr mudhish kunlarini tiniq yoritib beradi:

Qishmi, yozmi yoki kuzmidi,
Esimda yo‘q, faqat yodimda
Ikki devdek yigit turardi
Qodiriyning ikki yonida.

Uning so‘zi bitik qog‘ozlar
Uchib yurar edi osmonda.
Taratardi ajib ovozlar,
Uyg‘otardi qo‘rquvni qonda.

She’r davomida oldingi she’rlarda duch kelmagan qiyosga ro‘baro‘ kelamiz. O‘z uyi, mahallasidan, Toshkentdan tobora uzoqlashib ketayotgan Qodiriy holatiga egiz ravishda Samarqandni tashlab ketayotgan Bobur obrazi gavdalantiriladi. Shu o‘rinda savol tug‘iladi: Nega aynan Samarqandni tashlab ketayotgan Bobur?

Sir emaski, Bobur Temur saltanatining poytaxti, temuriylar davlatining gavhari hisoblangan Samarqandni bir necha bor egallashga muvaffaq bo‘ladi. Biroq charxning ayovsizligi sabab har safar undan voz kechishga majbur bo‘ladi. Bir safar shaharni tashlab ketishda Bobur bir tarafdan ajdodlar xokipoyi to‘kilgan, ularning qudrati ila gullab-yashnagan maskanni ag‘yorlar qo‘liga topshirishga majbur ekanligidan iztirob cheksa, yana bir tarafdan jigari, qondoshining dushman qo‘lida qolayotganligidan, har ikki holatda ham o‘zining chorasizligidan, o‘z orzu-istaklarining ora yo‘lda barham topayotganligidan azoblanadi. Bu ruhiy qiynoqlar, azob-iskanjalar beayb aybdorga aylangan Qodiriy uchun ham yot emas edi. U ham elni ozod, ma’rifatli qilish yo‘lidagi harakatlarining yakunlanmay qolganidan, qalb qo‘ridan qaynab chiqqan kitoblarining keyingi taqdiridan, hali dunyo yuzini ko‘rmagan asarlarining zavolidan birzum bo‘lsin xavotir olmay turolmas edi. Shu sabab bu ikki siymo o‘zaro taqdirdosh, g‘amdosh sifatida tasvir etilgani bejiz emas:

Ortda qolib borardi Toshkand
Mahbus unga ma’yus boqardi –
Samarqandni tashlab ketayotgan
Bobur kabi rangi oqarib...

... Uning ko‘zi osmonga qarab
Kimnidir jim siqtab chaqirdi,
Samarqandni tashlab ketayotgan
Bobur ko‘zi kabi boqardi.

Keyingi misralarda olovning devonavor, jununiy harakatlariga sabab qilib uning «O‘tkan kunlar»ni o‘qiganligi keltiriladi. Shoirning qalami vositasida tabiat hodisasi bo‘lmish olovda xuddi insonlarda bo‘lgani kabi roman voqealaridan ta’sirlanish, asar ruhida yashash, qahramonlar fojiasidan to‘lg‘anish kabi sifatlar jonlantiriladi:

«O‘tkan kunlar» varaqlarini
Shundan keyin o‘qidi olov,
Shundan buyon olov telbadir,
Yalov bo‘lay, der endi, yalov.

Aslida bu «O‘tkan kunlar» ning dunyo adabiyotidagi ko‘plab romanlardan farq qilishi, yuksak did namunasi sifatida qanchalar kuchli qudratga ega asar ekanligini eslatib o‘tish namunasidir. Rus sharqshunos olimi Yevgeniy Bertels ta’biri bilan aytganda: « Jahon adabiyotida uslub jihatidan farq qiladigan beshta romanchilik maktabi sayqallanib, ko‘zga tashlanib turadi... Endi oltinchi romanchilik maktabi yaratildi. Bu maktabni yaratgan Abdulla Qodiriydir « [Karimov B., 2022; 138].

Xurshid Davron lirik qahramoni choldan bu voqeani eshitgandan so‘ng chuqur azob og‘ushiga ketadi, endi u uchun fasllar almashinuvi ham, tabiatning go‘zal o‘zgarishlari ham ahamiyatsiz. Yer va osmonsiz makonga tushib qolgandek bo‘ladi ruhi. Faqatgina anglay oladigani bir o‘qning qayga bormasin uni ta’qib qilishi edi:

Ko‘kka boqsam osmon yo‘q edi,
Yer yo‘q edi o‘rnimdan tursam.

Bir o‘q meni ta’qib qilardi
O‘sha kuni qayoqqa borsam.

She’rning bu bandi shoirga «...sakson yoshni qoralab turgan Mirolim Mirkomilov og‘zidan o‘tgan asrning oltmishinchi yillarida « [Normatov U., 2014] aytilgan Qodiriyning so‘nggi tilagi haqidagi gaplar she‘rni yozish uchun bir turtki bo‘lgandir degan qarashlarni ham vujudga keltiradi. Albatta, bunga bizning aniq dalilimiz yo‘q, ammo Xurshid Davron bu voqealardan bexabar bo‘lgan bo‘lishi mumkin emas.

Umuman, Abdulla Qodiriy shaxsi, ijodi, uning hayot yo‘llariga oid qarashlar bugungacha ko‘pchilik ham o‘ylantirib, ham ilhomlantirib keladi. Adabiyot vakili bo‘lgan yoxud buning talabida yurgan kishi, u xoh shoir, xoh nosir, xoh olim bo‘lsin Qodiriyga murojaat etmay qolmaydi. Negaki, «Abdulla Qodiriy so‘zida o‘quvchini o‘ziga bog‘lab turadigan, insonni o‘ziga ohanrabodek tortadigan quvvat» [Karimov B., 2019] .

Xurshid Davron she‘riyatida Abdhlla Qodiriy badiiy obrazi alohida mavqega ega. Boisi shoir millatparvar, erkparvar ijodkor ruhiyatidagi po‘rtanalarni his etib, uning tafakkur olamidagi o‘zgarishlarni teran anglab satrlar silsilasiga muhrlab boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdulla Qodiriy. Besh jildlik. Asarlar to‘plami. – Toshkent:Info Capital Group, 2017

2. Bahodir Karim. Abdulla Qodiriy fenomeni. – Toshkent: Info Capital Group, 2019.

3. Umarali Normatov. Qodiriyning so‘nggi iltijosi. – Toshkent: Movarounnahr, 2014.

4. Xurshid Davron. Qaqnus. Toshkent. 1987.

Saytlar:https://kh-davron.uz

https://www.ziyouz.com

2-SHO‘BA.
POETIK NUTQ VA USLUB MASALALARI

ADABIYOTGA DAVR USLUBINING TA'SIRI

Xoldarov Dilmurod Erkinjonovich
Phd, dotsent, Toshkent davlat
o'zbek tili va adabiyoti universiteti

San'at asarlari, xususan, badiiy adabiyotdan har kim o'z hissiy olami va tafakkur ko'lamidan kelib chiqib zavq oladi, olgan taassurotlarini olam va odamni anglash saviyasidan kelib chiqib baholaydi. Zero, anglanishga mansub bo'lgan qadriyatgina yillar qa'ridan eskirmay o'zining mavjudligini namoyon qilaveradi. Abdulla Qodiriy va Abdulla Qahhor ijodi mafkuraviy tazyiqlar girdobida turlicha talqin qilingan bo'lsa-da, ular yaratgan asarlarning asl badiiy qimmatidan hech kim ko'z yumolmadi. Ular ijodi adabiyotshunoslar tomonidan ko'p va xo'p o'rganildi. Sovet davri adabiyotshunoslari bu yozuvchilar ijodiga siyosiy tus berdi, ba'zi asarlari qayta-qayta yozildi. Mustaqillikdan keyin ular ijodining sof badiiy estetik tomonlari talqin qilina boshlandi.

Abdulla Qodiriy ijodi sho'ro tuzimidan avval boshlandi. Abdulla Qahhor ijodi esa asosan sho'ro zamonida kechdi. Ikkisining mushtarak jihati sho'ro zamonida yozilgan "Obid ketmon" va "Sinchalak" qissalari - kolxoz hayoti masalasiga qaratilganligidir. Natijada yangi zamonga doir tushuncha va qarashlar, o'sha davr kishilari kayfiyati ushbu asarlar uslubida ham namoyon bo'lgan. "Obid ketmon"ning birinchi jumlasidanoq asar yozilgan davr kishilari uchun bir qadar yangi bo'lgan yoki endigina iste'molga kirib kelayotgan so'zlar ko'zga tashlanadi: "Hozir "Paxtachi" kolxozining g'o'zalari orasidan boramiz..." Ammo asarning xarakteri, yozuvchining badiiy niyati ham aynan shu jumlada ayonlasha boshlaydi. Avvalo, kolxozlashtirish sho'rolarning O'zbekistonni paxtachilik monopoliyasiga aylantirish yo'lidagi jiddiy mustam-

laka siyosati ekani bugun hammaga ma’lum. Qissadagi dastlabki xabar “paxtachi” va “g‘o‘za” so‘zlari orqali bunday mazmunni ironik tarzda ifoda eta olgan. Bir so‘z bilan yozuvchi dastlabki jumladayoq, uslubiy mahorati tufayli kolxozlashtirish siyosatiga o‘z munosabatini bildirgan. Yozuvchi qay tomon qadam qo‘yma g‘o‘za, qayoqqa yuz burma kolxozlashtirish, demoqchi bo‘lgan go‘yo. Eng muhimi, qissa qahramoni Obid ketmon duch kelgan favqulodda (o‘ziga va o‘zbek dehqonlariga noqulay) vaziyatning ibtidosi ham shu erda. Ikkinchidan, bunga kim aybdor degan so‘roq va uning javobi ham zamon taqozosiga ko‘ra matn ostiga yashirilgan. Shuning natijasi bo‘lib birinchi jumlada “paxtachi” va “kolxoz” so‘zlari keladi. Paxtachining neytral ma’nosi – paxta yetishtiruvchi, paxta yetishtirishga omil, paxtakor bo‘lsa ham, matnda bu so‘zlar ko‘proq kinoyaviy ma’noni bildiradi. Paxtachi, paxtakor, paxta qo‘yuvchi so‘z va iboralari xalq orasida laganbardor, xushomadgo‘y, qo‘ymijoz, birovga egilib-bukilishni kasb qilib olgan kimsalarga nisbatan ishlatiladi. A.Qodiriy o‘zining o‘tkir zehni va keskir tili bilan bu narsani yuksak kinoyaviy-satira yo‘li orqali ifoda etgan. Ya’ni paxtachilar qarsak chalib kutib olgan kolxoz tuzumi, hamma narsaning umum mulkiga o‘tishi, ko‘plab qadriyatlarning, jumladan, dehqonchilik ma’naviyatining ham yo‘qlikka yuz tutishi obid ketmonlar uchun fojia. Bunday fojianing ko‘lami esa millat hayotiga qora chiziq bo‘lib tushadi. Obid ketmonning hayoti bilan bog‘lab hikoya qilinadigan barcha voqealar (ayniqsa, “Men bosmachi emasman”, “Bir tulki va bir kulgi”, “Qarg‘a qizil ko‘radi” bo‘limlarida bunday ma’no yaqqol ko‘rinadi)da mana shu pafos yetakchilik qiladi.

Qizig‘i shundaki, asarda eng ko‘p qo‘llanilgan fe’lning zamon shakllari ham qahramon (yozuvchi)ning kolxoz turmushiga ishonchsizligi, bunday hayotdan norizoligini namoyon etadi. Bu esa o‘ziga xos kinoya uslubiga yorqin misol bo‘ladi. Masalan: “Abdujalil boy mulla Obidga aniq bosmachi sifati bilan baho beradi... Tabiiy, bu qadar tadbir va bunchalik ehtiyot natijasiz qolmay-

di, lip etib Xatib domla sho‘roga haqli ham bo‘lib oladi... Berdi tatar o‘zi bilan birga olib ketgan yuz ellik pud bug‘doyni sepib bitirib, yana uch yuz ellik pud bug‘doy so‘rab arava yuboradi... Xotin-qizlar kuchidan foydalanish” qarori boshda bir muncha yuqori, quyi so‘zlarga ham sabab bo‘ladi...” va h.k. Ma’lumki, xalq kitoblarida bunday fe’l shaklini qo‘llash azaldan an’ana bo‘lgan. Chunki xalq kitoblari qahramonlari faoliyati mavhumlik, sarguzasht, fantaziyaga boy bo‘lib, ko‘proq abstrakt mazmunni ifodalashga xizmat qilgan. A.Qodiriy esa xalqona uslubdagi mana shu usul orqali kolxoz tuzumiga nisbatan kinoyaviy munosabat va ishonchsizlikni ta’kidlaydi. Go‘yo kolxoz deganlari bir sarob, uning aniq zamon va makonga ega bo‘lishida mantiq yo‘qdek. Bundan ko‘rinadiki, A.Qodiriyning “Obid ketmon” qissasi tanqidiy pafos realistik tasvir uyg‘unligida millat boshiga kelgan fojiaviy vaziyatni va bunga nisbatan o‘sha davrdagi real va eng faol munosabatni berishga qaratilgan. Bu o‘rinda yozuvchi shaxsiyati bir butun asar uslubi qiyofasida namoyon bo‘lgan.

A.Qahhorning “Sinchalak” qissasi shunday jumla bilan boshlanadi: “Kechki payt. Rayon partiya komitetining sekretari o‘rtoq Tohirjon Nosirov chang bosgan “Villis”dan tushib, yoshi oltmishdan oshib qolganiga qaramay, raykom binosining zinasidan chopqillab chiqib ketayotgan edi, birdan to‘xtadi; zinaning bir chekkasiga borib, koverkot makintoshining etagini, brezent etigini qoqdi; poxol shlyapasini boshidan olib, ro‘molchasi bilan peshona va bo‘ynini naridan-beri artdi-da, endi salmoqli qadam tashlab chiqib ketdi...” . A.Qodiriy qissasi singari bu asarning ham birinchi jumlasini tahlil etadigan bo‘lsak, o‘zbek qissasi uslubi tadriji va tabiatiga doir yangi to‘xtamlarga ega bo‘lishimiz mumkin. Jumladagi birinchi gap xabar. Qissadagi zamon tushunchasiga dalolat qiladi. Undan biron ramziy ma’no qidirish o‘rinsiz. “Kechki payt” xabari orqali yozuvchi rayon partiya komitetining sekretari kechani-kecha, kunduzni-kunduz demay ishlayotgan fidoyi bir kommunist ekaniga o‘quvchi e’tiborini tortmoqchi

xolos. Uning binoga kirish oldidan o‘ziga tartib berishi: kiyimlarining changini qoqishi, terlarini artishi ham shu maqsad yo‘lida xizmat qiladi. Benuqson kommunist obrazidagi fazilatlarni ta’kidlaydi. Jumladagi “partiya”, “o‘rtoq”, “komitet”, “sekretar”, “raykom”, “koverkot makintosh” hatto “Villis” so‘zlari bir butun holatda asarda tasvirlanayotgan davr ruhini, muallifning badiiy g‘oyasini ifodalab keladi. Bundan ko‘zlangan asosiy maqsad qissa davomiga borib, umumiylikdan konkretlikka tomon siljiy boshlaydi. Ya’ni shu rayonda “Bo‘ston” degan kolxoz bor. Uning raisi Qalandarov, ishni yaxshi olib borishiga qaramasdan, o‘ta o‘zbilarmon, taltayib ketgan diktator raisga aylangan. Uning kolxoz va jamiyat hayoti, partiya obro‘siga putur yetkazish ehtimoli bor. Bu borada muvozanatni saqlash vazifasi esa partiya tashkilotining vijdoniy burchi. Qissa qahramoni Saida partiya tomonidan shunday mas’uliyatli ishni bajarishga yo‘llanadi. Uzoq daromad gaplardan so‘ng birinchi sekretar Saidaga shunday deydi:

– Men sizga aytmoqchi bo‘lgan gapimni hali aytganim yo‘q. Bu gaplar hammasi daromad edi. Gap shuki, biz, byuro a’zolari kengashib, “Bo‘ston” partiya tashkilotining sekretarligiga sizni tavsiya qilishga qaror berdik...

Mana shu gap bilan asar qahramoni Saidaning hayotida yangi kechmishlar davri boshlanadi. Qalandarovdek erkatoy raisni tarbiyalash, to‘g‘irog‘i, tavbasiga tayantirish yo‘lidagi psixologik konflikt ifodasi asar uslubini tashkil etadi. Asarda xalq maqollari, frazeologizmlar, qochirim va kinoyalar anchagina va ularning barchasi yuksak badiiy mahorat bilan o‘z o‘rnida ishlatilgan. Misol uchun o‘z maslakdoshlarining Qalandarovga “sekretaring seni minib olibdi” degan qochirimlariga javob tarzida aytilgan mana bu jumlada yozuvchining badiiy niyati va asar badiiy g‘oyasi namoyon bo‘lgan: “Bu gapni senga qaysi eshak aytdi! Meni minadigan odam bolasi hali tug‘ilgan emas. Sekretarim ayol bo‘lsa ham, shu gapni senga aytgan odamning yigirmatasiga alishmayman. Aytib qo‘y!...”. Qalandarovning sinchalakdek bir

qiz, nozikkina partiya xodimasining irodasi oldida yengilishi bilan asar voqealari xotima topadi. Asarning (xotimadan oldingi) so‘nggi jumlasi shunday yakunlanadi: “Qalandarov peshonasini quchog‘idagi yostiqqa qo‘yib jim qoldi, aftidan, endi boshini ko‘tarmoqchi emas edi”.

Xulosa qilib aytgada, Abdulla Qodiriy asarida o‘sha davr siyosatiga ishonchsizlik va kinoyaviy uslub ustuvorlik qilsa, Abdulla Qahhor asarida real voqealik tasvirlanadi. Bu yozuvchilar uslubi, garchi g‘oyaviy jihatdan sho‘rocha qarashlarni ifodalagan bo‘lsa-da, asarlarining mohiyati va o‘sha davr hayotining real tasvirini chizib berish yo‘lida katta imkoniyatlarini namoyon qila olgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. – Тошкент: Фан, 1992. 94 б.

2. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. 362 б.

3. Қаҳҳор А. Синчалак. Асарлар. 5 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. 366 б.

4. Қодирий А. Обид кетмон // Ғирвонлик Маллавой. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. 351 б.

NASR AN'ANALARI VA YANGICHA USLUBIY IZLANISHLAR

Hamidova Muhayyoxon Obidovna,
Namangan davlat universiteti, Maktabgacha va ta'lim kafedrasi professori, f.f.n.

Annotatsiya. *Ijtimoiy jamiyatimizda badiiy adabiyotning o'rni beqiyosdir. Badiiy asar inson ma'naviy olamini shakllantirish va boyitishning bosh omili sanaladi. Ayniqsa, bugungi kun nasrchiligida insonning yangicha dunyoqarashi, tafakkur olamining rangin jilolari aks etmoqda. Ushbu maqolada nars an'analari va yangicha uslubiy izlanishlar O'zbekiston xalq yozuvchisi Shukur Xolmirzayev ijodi misolida atroflicha yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *milliy xarakter, zabardast adib, tendensiya, qahramonlar dunyoqarashi, badiiy tahlil, badiiy obraz, badiiy niyat, ijodiy jarayon, milliy an'analar, yozuvchi fantaziyasi, qahramon ichki olami, badiiylik, badiiy mahorat, individual uslub.*

Annotation. *The place of fiction in our society is incomparable. A work of art is considered the main factor in the formation and enrichment of the human spiritual world. Especially in today's prose, the new outlook of man, the colors of the world of thought are reflected. In this article, narrative traditions and new methodological researches are covered in detail in the example of the work of the People's Writer of Uzbekistan Shukur Kholmirzayev.*

Keywords: *national characters, great writer, tendency, characters' outlooks, artistic analysis, artistic image, artistic intention, creative process, national traditions, writer's fantasy, inner world of the hero, artistry, artistic skill, individual style.*

Har bir yozuvchining dunyoni ijodiy o'zlashtirish davomida orttirgan hissiyotlar tajribasi, olamni o'ziga xos ko'rish, idrok

etish, tushunish va tushuntirish yo‘li bo‘ladi. Yozuvchining mahorati, tasvirlash san’ati, roviylik darajasi haqida gap ketganda ham, asosan, shu belgilar badiiylik mezoni sifatida qaraladi.

Izchil tahliliy yo‘nalishda hayot hodisasini o‘z konkretligida “xolis” pozitsiyada turib, tahlil etish, asarda muallif ishtiroki va uning asar voqealariga aralashuvini deyarli uchratmaslik kabi jihatlar ko‘rinadi. Sh.Xolmirzayev hikoyalarining uslub jihati shu bilan o‘ziga xoski, u ma’lum xarakter va qahramonlarga qayta-qayta murojaat qilib, uni har tomonlama tekshirishni, uning fe’li va qalb bisotidagi “tuyg‘ularni faqatgina qahramon nutqi va harakati bilan ifodalashga erishadi. Adib M.Sholoxov, A.Qahhor ijodida sinalgan, yuqori pog‘onaga ko‘tarilgan shafqatsiz realistik tasvirning ifoda qudratini ko‘rsatishga ulgurgan. Tasvirda maksimal aniqlikka erishishga intilgani uchun ham qahramonlar muallif nutqiga xos qisqa-qisqa jumlalar tuzadi, so‘zlari keskin va ma’nodor. Adib o‘zi tasvirlayotgan voqealarga munosabatini qahramonlarning o‘zaro munosabatiga, hatto asarning mag‘ziga singdirib yuborgan bo‘ladi. Bunday “xolislik”ning o‘ziga xos ko‘rinishlarini U.Nazarovning hikoya va qissalarida, O‘.Usmonovning “Girdob” romanida ham kuzatishimiz mumkin [Boltaboyev H., 1992; 15].

Sh.Xolmirzayev ijodiga yuzlanganimizda uning o‘ziga xos uslubini “ta’minlagan” betakror qahramonlari, o‘z mavzusi va o‘zicha tasvirlash yo‘li borligini birinchi navbatda aytish zarur. Yozuvchi ma’lum shaxs va xarakterlar to‘g‘risida bir necha marta qayta-qayta so‘zlashni, ma’lum xarakter va fikrlarni har tomonlama tekshirishni yaxshi ko‘radi. “To‘lqinlar” qissasidagi Oyna opa o‘zining prinsipialligi, dangalligi va bir oz erkaknamoligi bilan kitobxonlar esida qolgan, yozuvchi “Tuproq ko‘chalar” asarida yana shu obrazga munosabat bildiradi. “O‘n sakkizga kirmagan kim bor” qissasida endi uning xarakteri yolg‘iz oila muhitida emas, davlat-xo‘jalik ishlariga bo‘lgan munosabatda, davr muammolariga munosabatda ochiladi. Shukur Xolmirzayev asarlarida Turgenevning ayol qahramonlariga o‘xshash yarim romantik,

yarim kitobiy bir ayol xarakteri bor. Dastlab bunday qahramonni "O‘n sakkizga kirmagan kim bor"da Umida orqali taniganmiz. "Oy yorug‘ida"gi Hidoyat ilmga, sivilizatsiyaga tashnaligi bilan hammaning e’tiborini tortadi. Bu qizning musaffo tuyg‘ulari shahar sharoitida to‘fonlarga duch kelmasaydi deb asarni o‘qigan kitobxon tashvishda bo‘ladi. Bu ayol "So‘nggi bekat"ga kelib o‘z xarakteri –kitobiylikning qurboni bo‘ladi, shaxsiy hayoti izdan chiqdi. Ayollar xarakterida ko‘p uchraydigan bir xususiyatning rivojlanishini va u zamonaviy bilim bilan payvandlanmagani uchun, o‘zligini anglamagani uchun fojiaga yuz tutganligini ko‘rsatib berdi. Muallifning qissa va hikoyalarida tez-tez ko‘rinish beradigan bir o‘smir xarakteri bor. "O‘n sakkizga kirmagan kim bor" dagi Jamshid o‘sha qahramonning ko‘p xislatlarini o‘zida jam qilgan. Inson xarakterini ma’lum bir ma’naviy yo‘nalishda tasavvur etib tahlil qilish, uning mukammal xarakter sifatida namoyon bo‘lishida yordam beradi. Ehtimol, shuning uchun ham Shukur Xolmirzayevning har bir asariga xarakterning shakllanish jarayonini ko‘rsatish xos emas. U inson xarakterini ma’lum bir davrda oladi va o‘sha muhim paytda yo tabiatga, yo davr muammolariga, yoki boshqa kishilarga munosabatda uning insoniy murakkabliklarini talqin qilishga intiladi. Shundan kelib chiqib, uning hikoyalari asosan, bir voqeali. Yozuvchi majlisdan tanqid yeb tushkunlikka tushgan agronom haqida yozadimi, armiyaga jo‘natayotgan ko‘cha bolasining holatini tasvir etadimi yoki "shahar pushtasiga" to‘g‘ri kelmaydigan "yovvoyi" yigitning kelajagi haqida bahs yuritadimi-bu asarlar dunyoni o‘ziga xos ko‘rishdan, tushunish va tushuntirishdan kelib chiqadi.

Ma’lumki, ijodkorga mavzuni ham, qahramonni ham hayot beradi. Lekin u hayotga nimaiki ko‘zga yaqin bo‘lsa, kimki originalroq gap aytishga qurbi yetadigan bo‘lsa, uni boshdan oyoq tasvirlab ketavermaydi. Ijodkor o‘z dunyoqarashiga, iste’dodining ta’biga muvofiq qahramonlar tanlaydi. Shukur Xolmirzayev asardan asarga yangi-yangi qahramonlar dunyosini tahlil qilib borayotganday. Yozuvchining "So‘nggi bekat" romani adabiy-

otimizga o‘z dunyosiga, o‘z xarakteriga ega bo‘lgan qahramonlarni olib kirdi. Romanda, Sabohat o‘lim to‘shagida yotsa ham unut bo‘lib ketayotgan urf-odatlarni, og‘zaki ijod namunalarini saqlab qolishga intilishi ishonarli tasvirlangan. Sabohat jisman halokatga uchrayapti, uning o‘limi ba’zi xalq og‘zaki ijodi durdonalarining ham o‘lishi mumkinligini eslatayotganday bo‘lib tuyuladi nazarimizda. Yuksak g‘oyalar ruhida yashovchi zukko tarixchi Munira adabiyotimizda yangi qahramon, u saidalar, oyqizlar yoki ko‘pgina asarlarda madh etilayotgan tursunoylar tipidan emas. U shaxsiy hayotini unutib bo‘lsa-da, yuksak g‘oyalar ruhida yashaydi.

Shukur Xolmirzayev adabiy qahramonlar mutlaqo mutlaq salbiy yoki ijobiy bo‘lishi mumkin emas degan ko‘rsatmalarga amal qilib o‘tirmay Sodiq obrazini yaratdiki, bu qahramon barcha chirkin niyatlilarning, qabihlilarning timsoli darajasiga ko‘tarilgan. Uning yulg‘ichlik yo‘lidagi xatti-harakatlari, yovuz niyatiga erishish yo‘lidagi urinishlari ma’lum bir yo‘nalishda tasvirlanadi. Lekin haqiqat shunchalik odil va beshafqatki, Qlandarovday ustamon raislarni tavbasiga tayantirgan hayot, Sodiqni ham chetga suradi. Kitobxon yozuvchi “xolislik” pozitsiyasida qanchalik mahkam turmasin, baribir Sodiq shaklidagi qabihlikka nafrati ochiq ekanini aniq sezadi.

Yozuvchi Sodiqning mukammal portretini chizmaydi, voqeani butuun tafsilotlari bilan bayon etishga “erinadi”. Qahramon xarakteri kichik detallarda ko‘rinadi, u muayyan mohiyatni namoyon etadigan chiziqni topadi-da, unga urg‘u beradi. Esimizda bo‘lsa, Sodiq o‘ziga birinchi duch kelgan odamdan (u sovxoz direktori O‘ktam edi) mashina o‘zinikimi yo davlatga qarashli ekanini so‘ragandi, u sayohat paytida hamrohlarini (ayniqsa, uning oilasi) qadimiy tepalikning tarixi qiziqtirsa, u balandligi qancha ekan, deb uning o‘lchovi bilan qiziqadi. Uni mehmonga taklif etganlarida ham “ko‘ngil yozish” uchun emas, balki mezbonning boyligini chamalash uchun boradi. Bu chamalab o‘rgangan qah-

ramonning niyati sekin-asta oydinlashib boradi, ma'lum nuqtaga yetgach, u o'zini fosh qiladi.

Yozuvchining uslubi alohida asarlar yozilish usullarining mexanik yig'indisi bo'lmay, balki turli asarlar orqali namoyon bo'ladigan xususiyatlar sistemasi, ushbu asarlarda ko'ringan yozuvchining go'zallik qqonuniyatlari asosiga quriladigan o'ziga xosligidir. Bu o'ziga zoslik yozuvchi shaxsiyatidan, dunyoni tushunish manerasidan va tushuntirish prinsipidan kelib chiqadi. Shukur Xolmirzayev ijodini kuzatganda, u adabiyotning asosiy obyekti – insonni ulug'lash, uning murakkab ichki dunyosini tasvirlash va inson xarakterini chuqurroq tadqiq etishga intilish yozuvchi ijodining bosh prinsipi ekanini sezish mumkin.

Sh.Xolmirzaev ta'kidlaganidek, bugungi kun yozuvchisi faqat o'z adabiyoti tajribalariga suyanib qalam tebratishi mumkin emas. Zamondagi o'zgarishlar, proza va umumkitobxon didi, saviyasidagi o'zgarishlarni hisobga olib, bugungi yozuvchining tajribasiz kitobxonga ergashib, asar yozishga haqqi yo'q. Masalaning ikkinchi jihati – adabiy tanqidchilik ham adibni ko'p o'ylantirgan. Ya'ni yozuvchi izlanishda ekan, tanqidchi ham izlanishi kerak, deb hisoblaydi adib. Qotib qolgan adabiy qoida va qonunlar asosida bugungi kun asarlarini tahlil qilish noo'rin ekanligini ochiq aytadi: "Men tanqidchidan bir narsani istayman: mazkur adabiyotimiz uchun jonkuyarlikni. Shu adabiyotni yaratayotgan yozuvchilarga qo'lidan kelgani qadar xolis yordamni. Ularni qiynayotgan muammolarga hamfikr bo'lish va ular qatori izlanishni!" [Toshboyev O., 2018; 199].

"Odatda tipik xarakterlar yaratish masalasi xususida ko'p gapiriladi, - deb yozgan edi Matyoqub Qo'shjonov 1962 yilda nashr qilingan "Hayot va mahorat" kitobida. – Adabiyotning boshqa masalalariga nisbatan bunga ko'proq e'tibor beriladi. Ko'p o'rinlarda xarakter yaratish badiiylikning bosh masalalaridan biri deb qaraladi. Bu tabiiydir. Chunki xarakterlar yaratish hayot voqyeliklalarini, umumiy qilib tasvirlashdan saqlaydi, borliqni

to‘laroq qamrab olishga imkon beradi” Yosh nosirga ilk adabiy mahorat sirlaridan saboq bergan munaqqidning fikrlaridan kelib chiqsak, Shukur Xolmirzaev professional yozuvchilikning muhim sharti bo‘lgan badiiylikning bosh masalasi – xarakter yaratish ustida butun umr izlandi va bu izlanishlar xosilasi o‘laroq xarakter yaratish bo‘yicha master darajasiga ko‘tarildi.

“So‘nggi bekat”dagi hayotning jonli manzaralari kitobxonni maftun qiladi, – deydi M.Qo‘shjonov “Saylanma” kitobida. – Romanda Shukur Xolmirzayev yaratgan qahramonlar faqat shaxsiy erkinlikni qo‘lga kiritish bilangina qanoat hosil qiladigan odamlar emas. Shu bilan birga, ular umumjamiyat manfaatlarini o‘ylaydilar, jamiyat taraqqiyotini ta’minlpsh uchun o‘tmishdan bizgacha yetib kelgan madaniy merosni ko‘z qorachig‘idek saqlash zarur ekanini yaxshi tushunadilar” [Qo‘shjonov M., 1983; 103].

Umuman olganda, inson hayotda oldiga maqsad qo‘ydimi, unga na hayot tashvishlari, na odamlar qarshilik qilolmaydi. Asarda guvohi bo‘lganimizdek, adib erta o‘lim emas, balki yashashga kurash, umidni tasvirlashga harakat qilganini kuzatish mumkin. Yuqorida ta’kidlaganimizdek, kitobxonni to asar tugamaguncha turli xil shubhalarga soladigan, ko‘pchilikning tahsiniga sazovor bo‘ladigan, ham o‘qishga, ham ko‘p bora mushohada yuritishga undovchi asarlar muallifi Shukur Xolmirzayev har doimgiday maqsadiga to‘laqonli yetdi desak, ayni haqiqat bo‘ladi. Haqiqiy va yetuk maqsadli inson Qo‘ziboy chol obrazida namoyon bo‘lgan. Inson tug‘ilar ekan, harakat qiladi, harakat qildimi yuksaladi. Yuksaldimi, demak u yashaydi. Inson harakatdan to‘xtadimi, u o‘ldi. Chunki harakatsiz inson quruq tanadir. Quruq tana esa faqatgina o‘tin bo‘lishga yaraydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Boltaboyev H. Nasr va uslub: Uslub muammsiga nazariy nigoh va hozirgi o‘zbek nasrida uslubiy izlanishlar. – Toshkent: Fan, 1992.- 105 b.

2.Hamidova M.O. Portrait the writer's intent. "Science and innovation" international scientific journal. Volume 2. Issue 3 March. 2023. Pages 122-126.

3.Hamidova M.O.Writing skills and artistic tools. "Science and innovation" International scientific journal. Volume 2. Issue 4 April. 2023. Pages 125-127.

4.Hamidova M. Hozirgi o'zbek adabiyotida milliy qahramon muammosi (Shukur Xolmirzayev ijodi misolida): Monografiya.- Toshkent: Navro'z, 2020.- 126. 154 b.

5.Karimov N. va boshqalar. XX asr o'zbek adabiyoti tarixi.- Toshkent: O'qituvchi, 1999.- 544 b.

6.Qo'shjonov M. Saylanma: Ikki jildlik. 2 t. - Toshkent: Adabiyot va san'at, 1983.- 360 b.

7. Toshboyev O. Abadiy zamondosh. Shukur Xolmirzayev hayoti va ijodiy faoliyatidan lavhalar.- Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2018.-480 b.

8.Xolmirzayev Sh. So'nggi bekat: roman.- Toshkent::"Ziyo nashr" nashriyoti, 2023.-272 b.

9. Xolmirzayev Sh. O'n sakkizga kirmagan kim bor: qissa va hikoyalar.- Toshkent: Yangi asr avlodi, 2020.-240 b.

АДИБНИНГ ОРЗУСИ

Тожиев Алимурод Алиакбарович,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети мустақил тадқиқотчиси

Аннотатция. *Ушбу мақолада истеъдодли адиб Назар Эшонқул ҳикоялари услуби, характер ва образ яратиш маҳорати, асарларидаги кодлар, рамзлар тизими ва қаҳрамон руҳиятини очиш тамойиллари тадқиқ қилинади.*

Калит сўзлар. *Ҳикоя, услуб, қаҳрамон, тугун, сюжет, пейзаж, детал, характер, конфликт, руҳий таҳлил, коллизия, полифоник, парадокс*

Бугунги замонавий ўзбек ҳикоялари қаҳрамонлари – мураккаб характерли қаҳрамонлардир. Улар ҳаётга жуда катта эстетик эҳтиёж ва талаблар билан ёндошадилар. Шундай адиблардан бири Назар Эшонқул услуби ранг-баранглиги, ижодий изланишлари билан эътиборни тортади. У ижодни борлиққа, мавжудликка нисбатан исён сифатида англади ва шу ҳодиса барча асарларининг лейтмотиви сифатида хизмат қилади. Бу адибнинг сўз қўллаш, жумла қуришдан тортиб, воқеликка муносабат, образлар дунёси, метафоралар ва тасвиргача сезилади. Адиб услубининг асосини метафоралар ташкил қилади. У инсонни, оламни метафоралар, рамзлар орқали тушунтирмоқчи бўлади.

Адиб XXI асргача ўзбек насри ҳақидаги адабий қарашларни мазмун жиҳатидан янгилади, инсон шахсиятига турли ракурслар билан ёндашиб, оламни рамзлар, фольклорга хос кодлар, истиора, тимсоллар англашга ҳаракат қилди.

Адиб асарларига инсон ботинидаги исён, руҳий ғалаён-лар, инсон руҳиятидаги пўртаналар адабий материал бўлиб хизмат қилади. Адибнинг “Шамолни тутиб бўлмайди”, “Маймун етаклаган одам”, “Баҳовуддиннинг ити”, “Эволюция”, “Муолажа”, “Тобут”, “Хароба шаҳар сурати”, “Қўл” каби кўплаб ҳикояларида ўзини ўзи излаётган, ҳаётидан айтишга арзигулик маъно ва мазмун топа олмаётган, инсонлик моҳиятининг пучлигидан ёзғираётган Шахс тимсоли гавдаланади. Жамиятнинг маънавий қалби ўлиб бораётганидан, оломончилик ва жоҳиллик ўргимчак тўридек ўраб олган муҳитдан ўзлигини излаган қаҳрамонлар кўпинча руҳий мувозанатини йўқотган, иррационал дунёда, хаос оламида тасвирланадилар. Жуда кўплаб тадқиқотчилар адиб ҳикояларини тадқиқ қилар экан, уларнинг генезисини жаҳон адабиёти вакилларининг турли асарларидан таъсирланиш, ижодий ўзлаштириш, тақлид сифатида кўрсатадилар[1]. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, фанда, хусусан, ижодда ҳеч бир ҳодиса мустақил ҳолда мавжуд бўлмайди. Ўқиш, ўрганиш, таъсирланиш, уларни онгда синтез қилиш, қайта ишлаш ва ўша тафаккур, қаҳрамон, рамз ва образларни миллий шаклда тақдим этиш ва ўқувчи табиатига сингдира бориш жараёни муайян вақт талаб қилади.

Ёзувчи ижодини бир-бирига боғлайдиган бир ришта борки, бу муҳим поэтик унсур – образ ҳикоядан ҳикояга, қиссадан-қиссага кўчиб юради. Адибнинг “Ўлик мавсум” ҳикоясидаги муаллим комиллик рамзи, у дунёдаги жами руҳий-фалсафий илмларни ўзида жамлаган. Унинг дунё

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг. Досмуҳаммедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгиланиши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йиллар аввалидаги ҳикоялар мисолида): Филол. фан. номзоди... дис. – Тошкент: 1995. 149 б; Сатторова Г. 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси: Филол. фан. номзоди дис... автореф. – Т. 2001. – 26 б; Ҳозирги адабий жараёнлар масалалари // Тўплам. Тошкент. “Фан”. 2022 йил, – 204 б

тартиботи ҳақидаги оташин нутқлари, фалсафий мушоҳадаларига мафтун бўлмайдиган талабанинг ўзи йўқ. Талабалар унинг юриш-туришидан тортиб, ҳар бир фикрини, ишора-ю, киноясигача таҳлил қиладилар, узундан-узун суҳбатлари устоз билан бошланиб, у билан тугайди. Унинг маърузаларига, оташин нутқига астойдил мафтун бўлган талабалар шаҳарнинг овлоқроқ бир жойига, емакхонага чақирмоқчи бўладилар, аммо унинг манзилини ҳеч ким билмасди. Қидира-қидира топганларида, устоз уйи манзили ёзилган гўша – қабристон бўлиб чиқади.

Ёзувчи бу билан бу оламда том маънодаги комил шахс йўқ, инсон борки, қайсидир ғоя, мафкуранинг қули деган фикрни ифодаласа, ҳикоянинг иккинчи мазмунида ҳақиқат излаган одам охир-оқибат йўқликка, маънавий таназзулга дучор бўлишидан огоҳлантиради. “Ўлик мавсум”даги ёзувчи ифодаламоқчи бўлган ғоя, олам ва одам дунёсининг мазмун-мундарижаси ҳақидаги хулоса “Тобут” ҳикоясидаги меъмор образига кўчирилади. Ҳикояда келтирилганидек, янги қуриб битказилган шаҳарга ўлат балоси тарқаган. Бу офатни тўхтатиш, олдини олиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Қанча уринишмасин, ҳаракат қилишмасин, вабонинг тарқалиш ҳудуди кенгайса кенгаядики, асло тораймайди. Бунинг сабабини аниқлаш учун бошқа шаҳардан бир меъморни таклиф қилишади. Меъмор бошида бу касаллик сабабини аниқлаш унинг вазифасига кирмаслигидан, уни нима учун бу ерга жўнатишганидан ҳайрон бўлади. Аммо шаҳар шу даражада мукаммал қурилгандики, у мутахассисман деган бирор меъморни ўзига жалб қилмай қўймасди. Меъмор бу шаҳарнинг архитекторини қидириб топгиси, у билан танишгиси келади. Қидириб-қидириб борса, шаҳарнинг бош меъмори телба бўлиб қолган, баъзилар унинг сабабини “аввалдан телбароқ эди” дейишса, баъзилар “шаҳар шу даражада гўзал ва муваффақиятли қурилдики, у буни

кутмаганди, бирдан ақли шошиб қолди”,[1] дея изоҳлашади. Меъмор ҳамкасбининг чиндан ҳам телба бўлиб қолганига иймони комил бўлганидан кейин унинг телбавор эҳтиросларига эътибор бермай, аввало ўзини ўлим чангалидан қутқариш ҳаракатига тушди. Аммо бош меъмор ҳам бўш келмади, бир куни мунгли, гуноҳкорона нигоҳ, чексиз ғусса ва эҳтирос билан меҳмоннинг ҳузурига ошиқди.

Ҳамма фожианинг сабаби, даҳшати-ю, қурбонлик кўлами ҳақида қайғураётган пайтда телба – меъмор вафот этгани ва унинг чўнтагидан бир харита чиққани ҳақида хабар келади. Меъмор ушбу харитани кўздан кечирибоқ масалани тушунди, анча вақт ўзига келолмай юрди. Шаҳар тобут шаклида қурилган ва бунда яшовчи ҳар бир киши ўлимга маҳкум этилган эди. Ёзувчи меъмор образи орқали инсон бошига келадиган саодатнинг ҳам, фалокатнинг ҳам сабабчиси ўзи эканлиги, қурувчи ҳам, бузувчи ҳам, топувчи ҳам, йўқотувчи ҳам ўзи, инсонга унинг ўзидан ортиқ вабо ҳам, ўлат ҳам, ёв ҳам керак эмаслиги ҳақида ўқувчига сабоқ беради.

Назар Эшонқулнинг кўпгина ҳикояларида умумий концепция бўлиб, ўзликни англаш, ва энг муҳими, ўзликни ҳимоя қила олиш, маънавий тирик қолиш умиди ётади. Жамиятда кечаётган турли ғоявий талотўпларда инсоннинг маънавий дунёси парчаланиб, инсоний ўзлиги емирилишини, одамнинг фикрсиз қулга айланиши ва узоқ асрлар давомида рўй берган босқинчилик, урушлар ва янаям яқинроқ келсак, етмиш йил ҳукм сурган тоталитар тузумнинг даҳшатли қатли омларида миллат зиёлилари ботинига, генига уя солган қўрқув ва шахссизликдан халос бўлиш, қутулиш орзуси жамланади.

Адиб ҳикояларидаги ровий кўпинча миллат зиёлилари йиллар давомида қўрқув ва ҳадик ичида қандайдир йўл

[1] Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 115.

излаётгани, аммо бу йўлга қачон чиқилади, ким бошлаб беради деган савол ва жумбоқлар ҳақида сўзлайди. Шакл бўлса, моҳият пуч, моҳият бўлса, қиёфа йўқ, миллат бўлса, ғоя йўқ, ғоя бўлса, унга муҳаббат йўқ, шахс бўлса, унда эътиқод йўқ, эътиқод бўлса, куч йўқ. Мана шу борлик ва йўқлик орасидаги асрлар давомида бузилиб кетган мувозанатни тиклаш орзуси ёзувчининг поэтик мақсадига айланади.

Адиб ҳикоялари қаҳрамонлари аъло одам, комплекс, яхлит инсонни, уларнинг умумлашмаси бўлган улкан миллатни қидиради. Ўз аурасига, миллий ва ахлоқий манерасига эга белгили миллат орзуси, шакл ва моҳиятдаги бутунлик, қўрқувдан, нафсдан, майдаликдан айро бўлган эгони мужассам этиш орзуси адиб ҳикоялари ғоявий мазмунини ташкил этади. Ёзувчининг эстетик идеали ҳам шунда кўринади.

"Инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар икки хил шаклда ўзини намоён этади",– деб ёзади Ж.Эшонқулов.[1] – биринчиси англанган, маълум мантиққа эга, ташқи дунёга нисбатан ўзининг қатъий хулоса ва йўналишига эга туйғулар. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва бу ҳақдаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифодалайди: буларнинг барчасини онг синтез қилиб беради, яъни онг бевосита иштирок этади. Иккинчиси, онг ости ҳислари, онгга қалқиб чиқмаган, лекин инсон руҳиятида доимо мавжуд, ташқи дунё билан тинимсиз алоқа қилиб турувчи ҳислар. Бу ҳислар инсон ҳаракати, руҳиятининг асосини ташкил этади.

Адибнинг "Баҳовуддиннинг ити" ҳикоясида ҳам худди шундай кайфиятни кузатиш мумкин. Адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул бу ҳикоя ҳақида тўхталар экан, "Баҳовуддиннинг ити" ҳикоясида тасаввуфдан илҳомланиш

[1] Эшонқулов Ж. Руҳий таҳлил методи хусусида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1997, № 2, Б–43.

бор. Бироқ ундан сўфиёна бир маъно ёки бўёқ қидирмаслик керак. Ҳикоянинг нафс, ахлоқ, қалб, руҳ тўғрисидаги қадим даврларда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни эслашга рағбатлантириши – бу бошқа масала”[1], дейди.

“Баҳовуддиннинг ити” ҳикояси ёзувчи ижодий услубининг энг муҳим жиҳатларини кўрсатиб берувчи фалсафий-тасаввуфий асардир. Қайсидир маънода, адиб ҳикояларининг ичида фалсафий жиҳатдан ҳам, руҳий-ирфоний жиҳатдан ҳам, психологик жиҳатдан, янги давр кишисига хос экзистенциал борлиқни ифодалаши жиҳатидан ҳам энг баланд нуқтага кўтарилган. Уни ижтимоий маънода ҳам, фалсафий-руҳий йўналишда ҳам, тасаввуфий-ботиний йўлда ҳам таҳлил қилиш мумкин ва асар учала мазмундаги талқинга ҳам бемалол материал бўла олади.

Ҳикоя сюжетига улуғ олим Баҳовуддин Нақшбандийнинг ити билан боғлиқ машҳур ривоят асос қилиб олингандек таассурот қолдиради. Бу ҳикояда эса бунинг акси ўлароқ инсон руҳи итнинг руҳи билан тиллашгач, ўзи ҳам унинг суратига киради. Бу ерда тасаввуфдаги “ваҳдат-ул вужуд” ҳодисасини кўриш мумкин. Бу эса алоҳида тадқиқотнинг мавзуси. Асарда келтирилган рамзлар, фалсафий метафоралар ассоциатив тарзда боғланиб, зоҳирдан маъно тополмаган зоҳирни, ботиннинг туб-тубида пинҳон турган улкан бир борлиқни намоён қилади. Бу ҳикоядаги итнинг ноласи қаҳрамон қалбининг мазмунини, итнинг руҳи воситасида Яратганнинг руҳига бирлашиш истагини англатади. Шу маънода И. Ҳаққулни ҳикоянинг ғоявий мазмунини фақатгина нафс билан боғлаш ҳақидаги фикрларига тўла қўшилиб бўлмайди.“Ҳикояда ташқи олам билан ўз ички оламининг қарама-қаршиликларига эга,

[1] Ҳаққул И. Эврилиш товуши. / Ҳозирги адабий жараёнлар масалалари/. Тўплам. Тошкент. “Фан”. 2022 йил, – Б. 5.

ўзини маълум қобиқларга ўраб олган, ҳаётдан завқланишдан тўхтаган, тирикликнинг, мавжудликнинг асл қиймати нима эканлиги, қай мақсадда, нега яшаётганига жавоб топа олмаган абсурд инсон қиёфаси кутилмаган шакл (ит рамзи) да акслантиради”[1] .

Н. Эшонқулнинг “Маймун етаклаган одам” ҳикояси қаҳрамони рассом чол кимсасиз ҳовлида ёлғизлик либоси ичида афтодаҳол кун кечиради. Унинг бор-бисоти чизган суратлари ва ҳаётга бўлган чексиз нафратдан иборат. Қалбига заҳарли илондек жойлашиб олган нафрат шайтони унинг наинки ички дунёсини, балки юзу қиёфаси, яшаб турган кулбасию, оиласига қора тўрини ташлаган, унинг умрини хиралаштирган. Ранглари ёрқин ва тиниқ бўлса-да, анча уқувсизлик билан суратлар, рассом уйидаги “кераксиз ашқол-дашқол – сунъий гуллар, туваклар, турли бўёқлар, сарғайиб кетган китоблар, олов кўтариб бораётган бола тасвирланган ҳайкал, тошдан ясалган турли қуроллар, тўрлар, занжирлар қалашиб ётар ва бу ердан ҳам шилта ҳиди келар, айвондан кўра бесамар ўтган умрни эслатадиган бесаришта қазноққа ўхшаган”[2].

Ҳар бир рамзда инсон қалбига доир недир ҳақиқат яширин бўлади. У инсон қалбининг тилсимларидан, руҳият сарҳадларининг қайсидир пучмоқларида беркиниб ётган ҳақиқатларига ишора қилади. Қари рассом образи қиёфасида, турли бадиий тимсоллар орқали кучайтирилган руҳияти тасвирида ўтган асрда яшаган миллат зиёлиларининг маънавий қиёфасини акс эттиради. “Фикрлаётган одам – ўзининг мавжудлигини исботлашга уринаётган одам. Мавжудликка интилиш – фалсафий ва

[1] Чўлиева Н. Назар Эшонқул ҳикоялари бадийяти ва услуби. // Ҳозирги адабий жараёнлар масалалари// Тўплам. Тошкент. “Фан” нашриёти, 2022, – Б. 138.
[2] Эшонқул Н. “Ялпиз ҳиди” – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004 й, –Б. 123.

мураккаб ҳиссий жараён. Мавжудликка интилиш, ўзликни англаш ва уни ҳимоя қилиш, унга интилиш, муҳитни, қотиб қолган тушунчаларни, ақидаларни янгилаш, тараққиётга ва янгиликка, ўзгариш ва ўсишга йўл очиш, умуман, тирикларга хос яшаш дегани. Фикрсизлик маънавий ўлимдир”[1].

Ҳикоядаги ҳар бир детал ботинига чуқур фалсафий моҳият сингдирилган, чолнинг тушуниксиз ва хира суратлари жамиятнинг у ёки бу ҳаёти манзараларини ўзида акс эттиради. Чолнинг ўю ҳаваслари, орзу-аъмоллари суратларига кўчган. Чол ўз ўтмишини суратларида акс эттирган, ҳаёти эса алданиш, аъмолу эътиқоднинг заволи билан якун топди. Чол, пировардида, “биз тушунарсиз яшадик”, деган хулосага келади.

“Шаклга тушмаган моҳиятга ёки моҳиятсиз шаклга юз бурган асардаги яхлитлик қуруқ сафсатадан ўзга нарса эмас. Бошқа соҳалардаги каби бу ерда ҳам услубдан холи бутунлик парчаланиш билан баробардир. Санъаткор қайси томондан ёндошмасин, у жами ижодкорлар учун умумий ақида бўлган бир нарсани – воқелик ва руҳнинг мувозанатини сақловчи, унга шакл берувчи услублаштиришни четлаб ўтолмайди. Фақат услублаштириш орқали санъаткор ижоднинг ҳам, исённинг ҳам моҳиятини чуқур тушунтириб бера олади”[2], деб ёзади А. Камю.

Ҳикоя қаҳрамони йигитлик пайтида чизган суратида инсон маймунни етаклаб кетаётган эди, ҳикоя сўнггида эса маймун инсонни етаклаб кетади. Бу инсоннинг охир-оқибат руҳан соб бўлиши, гарчи ўз ҳаётий принциплари бўлса-да, кураша-кураша толиб, охирида мағлуб бўлиши, пировардида эса ўз замонасига, жамиятдаги мавжуд тартиб-қоидаларга кўр-кўрона эътиқод этувчи ўзлигини йўқотган

[1] Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т.: Akademnashr. 2014. – Б. 14.

[2] Камю А. Исён ва санъат («Исёнкор одам» китобидан /Рус тилидан Н.Эшонқул тарж.) // Жаҳон адабиёти. 1997. 1-сон. – Б.183 – 196.

кимса, фикрсиз махлуқ ҳолига тушишини ифода этади.

Ҳикоянинг ёзилиш тарихи, ғояси ҳақида муаллиф шундай дейди: “Менга одам ўз умрининг рассоми, ҳар ким қандай яшаса, шундай сурат чизади, кунларни, умрни, умрнинг фаслларини чизади”, деган фикр келиб қолган. Кейин атрофимда қарашларнинг дувиллаб тўкилишини, таназзулга юз тутган ғоялар ва тушунчаларни кўрдим. Улар бирма-бир Қадимги Бобил қўрғонларига ўхшаб кўз олдимизда қулай бошлади. Ҳа, 80-йилларда биз буларнинг ҳаммасини кўрдик. Ўша қулаган қарашлар, ғоялар, интилишлар, миллионлаб умрларни ўзи билан олиб кетди. Шунда мен ўз умрини ўтаб бўлган зиёли одамнинг образи орқали ҳаётнинг ана шу силсиласини акс эттиришни истадим. Ҳикоя ўша кайфиятда яратилган”.[1]

Адиб ижодининг лейтмотиви бўлган Қора китоб, ўлик мавсум, тобут шаклидаги шаҳар деталлари инсон ҳаётининг шафқатсиз иқрорномасига ўхшайди. У инсонлик моҳияти, ҳаёти тарихини ўша машъум ва хатарли китобга менгзайди. Улар гоҳ тун, тобут, қон, девор, тун, рутубат, болта ва бошқа рамзлар ассоциатив тарзда боғланиб, моҳиятда исён ҳодисасини яратади. Бу исённинг моҳиятида инсонни ўзгартириш, унинг фалби, тафаккури, тасаввурларини, умумий қилиб айтганда, ўзак – моҳиятни ўзгартириш истаги ётади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. –Т.: “Фан”. 2006. – Б - 204.

2. Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Т.: Ғафур Ғулом. 2018. – Б. -364.

3. Камю А. Исён ва санъат («Исёнкор одам» китобидан /Рус тилидан Н.Эшонқул тарж.) // Жаҳон адабиёти. 1997. 1-сон. – Б.183 – 196.

[1] Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т.: Akademnashr. 2014. – Б. 122.

4. Эшонқул Н. Маймун етаклаган одам. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 115.

5. Эшонқул Н. Мендан “мен”гача. – Т.: Akademnashr. 2014. – Б. 14.

6. Эшонқул Н. “Ялпиз ҳиди” – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004 й, –Б. 123.

7. Чўлиева Н. Назар Эшонқул ҳикоялари бадийяти ва услуби. // Ҳозирги адабий жараёнлар масалалари// Тўплам. Тошкент. “Фан” нашриёти, 2022, – Б. 138.

8. Ҳаққул И. Эврилиш товуши. / Ҳозирги адабий жараёнлар масалалари/. Тўплам. Тошкент. “Фан”. 2022 йил, – Б. 5.

YUSUF SHOMANSUR SHE'RLARINING USLUBIY XUSUSIYATLARI

Tursunoy Jarkinova Abdumajitovna,
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU
tayanch doktoranti

Annotatsiya: *Maqolada XX asr 60-70-yillarida ijod qilgan shoirlarning ijodiga xos bo'lgan uslub, uning xususiyatlari tahlilga tortilgan. Mazkur davr adabiy muhit vakillari sanalmish A.Oripov, E. Vohidovning g'azal yozishdagi mahorati, ulardagi vazn masalasi ham muhimligi haqida fikrlar berilgan. Xususan, Yusuf Shomansur she'rlarining uslubi, ularning o'ziga xosligini ta'minlovchi vositalarning o'rni alohida tahlil qilingan. Yusuf Shomansur she'riyatida badiiy san'atlarning shoir uslubini belgilashdagi ahamiyati haqida fikr yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *uslub, poetik ko'chimlar, she'riy san'atlar, tazod, talmeh, o'xshatish.*

Abstract: *The article analyzes the style and characteristics of poets who created in the 60s and 70s of the 20th century. The representatives of the literary environment of this period, such as A. Oripov, E. Vahidov, are given opinions about the skill of writing ghazals, and the importance of weight in them. In particular, the style of Yusuf Shomansur's poems and the role of the means that ensure their uniqueness are analyzed separately. In the poetry of Yusuf Shomansur, the importance of artistic arts in determining the poet's style is discussed.*

Keywords: *style, poetic movements, poetic arts, simile, simile, simile.*

Har bir ijodkor olamni o'z tafakkuri bilan anglaydi, dunyoqarashidan kelib chiqib talqin qiladi. Ana shu anglaganlarini ijodida

– she’rlarida yoxud asarlarida aks ettiradi. Borliqni anglashdagi o‘ziga xoslikning barcha qirralari uning uslubida yaqqol ko‘rinib turadi. Ijodkorning menini ko‘rsatadigan ijodiy individuallik aynan uning uslubi sanaladi. Jorj-Lui-Leklerk “uslub – odam demakdir”, deganida haq edi. Chunki uslub orqali ijodkorning qarashlarini bilishimiz, tuyg‘ularini his qilishimiz, asliyatini ko‘rishimiz mumkin. San’atkor qalbining asarga ko‘chishi uning individualligining bo‘rtib ko‘rinishiga yordam beradi. Zero, Gyote uslubni yozuvchi ma’naviy hayotining “ishonch tamg‘asi” deb bilsa, A.Blok uslub vositasida yozuvchining “qalbini ko‘rish” mumkinligini ta’kidlaydi. San’atkorning uslubi orqali uning ma’naviyati olamiga kirib boramiz, qalbidagi taloto‘plarni anglaymiz. Ijodkorning uslubi aynan uning iste’dodidir.

“Uslub – san’atkor ijodiy qobiliyatining samarasi, ayni paytda ijodiy qobiliyat mustaqilligi, originallikning o‘ziga xosligi ko‘rsatgichi”.[Solijonov Y, 1983:25] Uslub san’atkorning badiiy olami bilan tanishtiradi, poetik tafakkurini anglashimizga ko‘mak beradi.

Uslub yozuvchining o‘z davri voqea-hodisalariga faol munosabatining mahsuli bo‘lib, ijodkorning originalligini, uning boshqa yozuvchilardan farqini ko‘rsatuvchi bosh omildir. Yozuvchi qanchalik iste’dodli bo‘lsa, uning uslubi ham shu qadar yorqin namoyon bo‘ladi. O‘z uslubiga ega bo‘lgan muallifgina chinakam san’atkor yozuvchi bo‘la oladi. Har bir cholg‘u asbobi o‘z “tovushi” – ohangi bilan ansamblda jo‘r bo‘la olganidek, har bir yozuvchi faqat o‘z uslubi – o‘ziga xos ijodiy qiyofasi, o‘z ovozi bilan adabiyotning umumiy xazinasiga hissa qo‘sha oladi.[Boboyev T, 2002:480] Mashhur rus yozuvchisi A.Blok ham “shoirlar o‘z ijodlaridagi mushtarakliklar bilan emas, balki bir-birlaridan farq qilib turuvchi xususiyatlari bilan qiziqarlidir”, - deya ta’kidlagan. Darhaqiqat, har bir she’r shoir qalbining taronasi, dardlarining sadosidir. Agar hamma bir xil usulda she’r yozganida ularni o‘qishdan ma’ni qolmas edi.

Mavzudagi originallik, g‘oyaning o‘ziga xosligi, sujet, kompozitsiya, badiiy til, maxsus tasvir vositalari, poetik sintaksis, ritmik-intonatsion unsurlar uslubni belgilovchi xususiyatlar sanaladi. Ularni qo‘llashda hamma o‘zgacha yondashadi, o‘z yo‘lini belgilab oladi. Biroq hamma ham mana bu she’rni yozganda bu tasviriy vositadan foydalanaman demaydi. Balki ilhomning quyilib kelishi natijasida badiiy tasvirlar misralarda o‘z o‘rnini egallaydi.

She’riyatda xilma-xil vositalar bilan sayqallangan o‘zgacha nutq mavjud. Bu she’riy nutq sanaladi. U murakkab, serjilo nutqdir. She’riy nutq badiiyatini boyitadigan bir necha tasviriy vositalar bor. Ular poetik ko‘chimlar, badiiy san’atlar, she’riy nutq sintaksisidir. Poetik ko‘chimlar sifatida so‘zlarning ko‘chma ma’nolari, badiiy san’atlarda esa so‘zlarning lafziy-ma’naviy bezaklari, poetik sintaksisda esa she’riy nutqdagi gap qurilishiga alohida e’tibor qaratiladi. She’riy san’atlar adabiyotning rang-barangligini ko‘rsatuvchi, ta’sir doirasini oshiruvchi, badiiyatiga ko‘rk beruvchi tasvir vositalaridir. Badiiy poetikada she’riy san’atlar alohida o‘rganiladi. Yuksak o‘rni borligi ta’kidlanadi. Mumtoz adabiyotimizda shoirlarning g‘azallari she’riy san’atlarning ranginligiga qarab baholangan. She’rshunos alloma Atoulloh Mahmud Husayniy “Badoyi’u-s-sanoyi’” asarida badiiy san’atlarning umumiy xislatlari haqida to‘xtalib, shunday ta’kidlaydi: “...umuman barcha go‘zalliklarning asosi uldurkim, nutq, ul tarzda ado etilgaykim, ma’noni anglashga, aning latofati, tarkibi va sog‘lamlig‘ig‘a hech bir halal yetmagay”[Atoulloh Husayniy, 1981:35]. She’rning go‘zalligini ta’minlovchi bezaklar she’riy san’atlardir. Ularni qo‘llash orqali bachkanalikka emas, balki betakrorlikka erishishimiz mumkin. She’riy san’atlar nafaqat mumtoz adabiyotimiz namoyondalarining asosiy tasvir vositalari bo‘lgan, balki boshqa davr vakillari she’rlarida ham go‘zallikning asosiy unsurlari sanaladi. She’riy nutq badiiyati boy, rangin bo‘lishi uchun ularning o‘rni hamma vaqt yuksak.

XX asr 60-70-yillarda ham o‘zbek she’riyati shakl va janr, til va uslub jihatdan boyidi. Bu davrda mumtoz she’riyatimizda rivojlangan g‘azal, tuyuq, ruboiy singari janrlardan keng foydalanildi. G‘azal janrida zamonaviy ashula va qo‘shiqlar yozishda Sobir Abdulla, Uyg‘un, Habibiy, Hamid G‘ulom, Erkin Vohidov, E’tibor Oxunova, Vosit Sa’dulla, Jamol Kamol kabi shoirlar, ayniqsa, yaxshi natijalarga erishdilar. Bular hayotdagi nuqsonlarni hajv yo‘li bilan fosh qilishda masal, tuyuq, ruboiy janrlaridan ham unumli foydalandilar. Yusuf Shomansur ijodida ham barmoq vaznida yozilgan g‘azal, ruboiy, tuyuqlarning yaxshi namunalarini uchratdik. Zero, mumtoz adabiyotimizda keng qo‘llanilgan bunday janrlardan foydalanish uchun ham salohiyat kerak. Bu davr ijodkorlarining g‘azallarida o‘ynoqilik, so‘zamollik, ranginlikni kuzatish mumkin. Xalqona ohangning qorishiq holda kelishi g‘azallarning badiiyatini ta’minlagan. Yor vasfi tarannum etilgan g‘azallar barcha shoirlar ijodining asosiy qismini tashkil etadi. Yorning qoshi, ko‘zi, kiprigi, yuzi, qaddi-qomati, sochining tasvirida mumtoz adabiyotimizda turli badiiy san’atlardan foydalanilgan. XX asrning 60-70-yillarida ham shoirlar ishq haqida betakror g‘azallar yaratilgan. Bu haqda Naim Karimov ham “Shu narsa diqqatga sazovorki, klassik adabiyot an’analarini yangi tarixiy sharoitda aks ettirish va rivojlantirish safida yoshlar ayniqsa jonbozlik ko‘rsatdilar”[Karimov N, 1983:105] , - deya ta’kidlaydi. Shu davrda Erkin Vohidov zabardast qadami ila adabiyot maydoniga kirib keldi. G‘azallarni tiriklik suvi bilan sug‘ordi. Zamonaviylik baxsh etdi.

Rost g‘azal avjida barcha Oy ila Zuhro emas,

Ko‘p erur somonchilar ham she’riyat osmonida... deya zamonaviy g‘azalnavislikni boshlab bergan ijodkor yuqori cho‘qqiga ko‘tarildi. Dillarga xushnudlik bag‘ishladi. Shoir g‘azallarida lirik qahramon oshiqlik qismatini oshkora, o‘ynoqi ruhda tasvirlaydi. Oshiq hattoki yorni ko‘zgudan ham qizg‘onadi.

“Yormi koʻzguga boqqan
Yorga yo boqar koʻzgu” [Vohidov E, 1969:24] misralarida tajohuli orif san’atini qoʻllash orqali yorni jonsiz jismdan-da rashk qilishini oshkora aytadi. Rashkning sababi esa yor aksi koʻzguda namoyon boʻlishidir:

Oy jamoling aksi
Koʻzgu bagʻriga tushdi,
Rashk oʻtida bagʻrimni
Oʻrtaru yoqar koʻzgu.

“Surma” gʻazalida esa uning aziz boʻlishining sababi yor koʻziga surganligidadir deb biladi, boʻlmasa unga hech kim qaramasdi deya ta’kidlanadi. Surmaning qaro boʻlishini yor vasliga yetishish dushvorligidadir deydi:

Yor koʻziga yetishmak
Savdo ekan-ku dushvor
Yonib koʻmir boʻlibdi
Bechora zor surma[Vohidov E, 1969:26].

Bu misralarda shoir jonlantirish va sifatlashdan mohirona foydalangan. Visol dardida surmaning yonishi orqali jonlantirish san’ati qoʻllanilgan boʻlsa, “ zor” deya surma sifatlanyapti.

E’tibor Oxunovaning “Yulduzni koʻr” gʻazalida ham yor oʻzgacha ta’riflanadi:

Dilbaring qoshiga bir boq –
Qop-qora qunduzni koʻr,
Qoshlari ostida sarkash
Juft olov - yulduzni koʻr.[Oxunova E, 1957:72]

Bu gʻazal Erkin Vohidovning “Ikki qoshing oʻsma birlan boʻldi juft nargisli barg” misralariga javob tarzida yozilgan. Shoira

ham g‘azal yozish borasida mahoratga egaligini ko‘rsata olgan. Dilbarning qoshi “qunduz”ga, ko‘zlarini esa “juft olov – yulduz” o‘xshatyapti. Yor ko‘zining qoraligini qoshning soyasidanmi yoxud kipriklar ta’qibidanmi deya so‘roqlayapti:

Ikki qosh yoygan quloch
Soyasidinmu qaro,
Yo tuman mujgon ta’qibi
Ostida ul ko‘zni ko‘r.

Bu g‘azallarda o‘ynoqilik, xalqonalik ruhi ufurib turadi. Aruz vazni hijolarga asoslanishi hammamizga ma’lum. Shuningdek, g‘azallar aruzning muayyan bahrida yozilishi kerak. Bu g‘azallarda bu talablar bajarilganligini kuzatamiz. Ya’ni “Ko‘r” radifli g‘azal ramali musammani maqsurda yozilgan:

Dil-ba-ring qo/shi-ga bir boq
/ - -v--/ -v--/
Qop-qo-ra qun/duz-ni ko‘r,
-v--/ -v-
Qosh-la-ri os/ti-da sar-kash/
-v--/-v--/
Juft o-lov - yul/duz-ni ko‘r.
-v--/-v-

Erkin Vohidov “Uzum” radifli g‘azalida uzumni oshiq, ma’shuq, xaridor obrazida gavdalantirgan. An’anaviy mavzu ishq haqida kuylagan, tashxis san’atidan foydalangan va ushbu g‘azal ham ramali musammani maqsurda yozilgan:

Ter-mu-lar shab/ nam-da yap-roq/ os-ti-dan pin/hon u-zum
-v - -/ - v - -/ - v - -/ - v -

Lab-la-rin-ga/ yet-moq is-tab/ tong sa-har gir/ yon u-zum[Vohidov E, 2000:149]

-v - -/ - v - -/ - v - -/ - v –

Abdulla Oripovning “G‘azal” deya nomlangan g‘azali esa aruzning boshqa vaznida – hazaji musaddasi solimda bitilgan:

Bu ishq sir-rin/ ki-tob etding/ ki-to-bing ich/ra men borman.

V - - - / V - - - / V - - - / V - - -

O‘-qur-man deb / xi-tob et-ding/ xi-to-bing ich/ ra men borman.

V - - - / V - - - / V - - - / V - - -

Yusuf Shomansurning ham “Muhabbat maktublari“ rukni ostidagi she’rlari alohida g‘azal deb belgilanmagan bo‘lsa ham, unda qofiya, radifning kelishi maqtada ismini taxallus sifatida qo‘llashi, badiiy san’atlardan foydalanishi jihatidan g‘azal talablariga mos keladi. Biroq vazn jihatdan talabga javob bermaganligi sababidan ularni g‘azal deb belgilamaslikka qaror qildik.

Shoirning lirik qahramoni – muhabbatga oshufta qalb egasi. Yusuf Shomansurning “Muhabbat maktublari“ rukni ostidagi she’rlarida jo‘shqin ishq tarannum etilgan. Shoir she’rlarining lirik qahramoni ma’shuqa ko‘yida mastona masrur. Muallif mumtoz an’analar izidan borib, uni zamonaviylik bilan uyg‘unlashtirgan. Chunonchi, “Zulayho bo‘lsang” she’rida tamanno, tasallo, to‘tiyo, jobajo, Surayyo, mubtalo, tanho, Zulayho so‘zlari o‘zaro qofiyadosh bo‘lib kelishi mumtoz merosimizga bevosita murojaat qilinganligidan dalolat berib turibdi. Bu ohangdosh so‘zlar ohangrabodek yangrab, musiqiylikni oshirishga yordam bergan. Sodda so‘zlar tizmasi yorni ta’riflashda qo‘l kelgan. She’rda oshiq ishqini oshkora aytadi. Ma’shuqani sevmaslikka sabab yo‘q. Chunki yor yongan qalbiga davo. U yorning nazar tashlashiga intizor:

Na bo‘lg‘ayki ushrashganda bir qiyo boqib
Oshig‘ingning ko‘zlariga to‘tiyo bo‘lsang.[Юсуф Шомансур, 1986:88.(кейинги шеърлар шу манбадан олинади]

Qalamkash badiiy san’atlardan o‘z fikrini ifodalashda, tuyg‘ularini berishda samarali foydalangan. Bunga bir necha namunalarni keltirishimiz mumkin. Quyidagi misralarda esa tazod san’atidan foydalangan:

Nechun boqay kechalari samoga maftun,
Sen yerdagi, yonimdagi Surayyo bo‘lsang.

Samo – yer so‘zlari orqali tazod, ya’ni qarshilantirish san’atini yaratgan bo‘lsa, Surayyo so‘zi orqali tashbeh, talmeh san’atini uyg‘un qo‘llagan. Maqtada ham o‘z ismidan samarali foydalangan. Iyhom san’atini shunday qo‘llaganki, Yusuf ismi orqali nafaqat o‘zining ismiga, balki mashhur qissadagi Yusuf obraziga ishora qilgan:

Iltifot et, arzlarimga quloq sol dilbar,
Men Yusufman, agarda sen Zulayho bo‘lsang.

“Xiyol-xiyol” she’rida esa kulib turgan yorini “silkinayotgan rayhonga o‘xshatyapti. Rayhon ifori bilan o‘zga tortsa, yor tarovati ila oshiqni asir aylaydi. Yor nigohidan olam yorishganda bulutlarni soyasi ham bekordir deya mubolag‘adan foydalanmoqda. “Bilmas edim, o‘rgandim” she’ri boshdan oxirigacha tazod san’ati asosiga qurilgan. Radifning o‘zidayoq bu narsa oydinlashadi. Lazzat – farog‘at, visol – hijron, jafo-vafo so‘zlari yanada oshiqning dardini bo‘rttirib ko‘rsatgan.

To o‘zimning poyqadamim yetmaguncha, ey do‘stlar,
Majnun kezgan sahrosini bilmas edim, o‘rgandim. [92]

Bu baytda esa talmeh san'atidan foydalangan. Talmeh "nazar solish' degan ma'noni anglatib, unda tarixiy va afsonaviy shaxslar, asar qahramonlari nomi keltiriladi. Shoir ham bu misralarda Majnun obrazini qo'llagan. Ishq sahrosini kezgan inson dardini endi anglab yetganini bevosita do'stlariga murojaat qilish orqali bildirmoqda. "Ey do'stlar" xitob so'zini qo'llash orqali nido san'atidan foydalangan.

"Qolmadi" she'rida esa ishq yo'lida darmonsiz oshiq holatining tasvirida mubolag'adan keng foydalanadi. Yuragini anorday kesib qo'ydiki, g'amdan kuygan qalbida maxfiy sirlari qolmadi. Yoshlikni bog'ga qiyos etyapti. Biroq ana shu bog' hijrondan qovjirab bo'lgan. Unga yorning bir nafasigina darmon:

Bir iliq nafasingdan gurkirar bog'im yana,
Kel jonon, chorlamoqqa kuch-darmonim qolmadi.[92]

Oshiq visol dardida g'alayonsiz to'lqinga, bo'ronga aylanib ulgurdi. "Nozanin, nozing" she'rida tadrij san'atidan foydalanilgan. Tadrij arabcha so'zdan olingan bo'lib, peshma-pesh, asta-sekin degan ma'noni anglatib, voqea, ma'noni darajama-daraja rivojlantirib ko'rsatish san'atidir. Lirik qahramon ma'naviy dunyosini, ruhiyatini badiiy ifodalashda rang-barang qiyoslar, o'xshatishlar shoirga qo'l keladi. She'rda ham yorning nozini turli narsalarga qiyoslaydi. Ma'shuqaning nozi shoir ilhomiga mash'al, hech kim yoza olmagan g'azal, oshiqlar ichra g'avg'o, janjaldir deyiladi. Lekin oxirida shoir keskin burilish qiladi. Oshiq yorning nozini rad etadi:

Qo'y noz qilma, shundoq ham kuygan Yusufga,
Borib turgan ajaldir, nozanin, nozing.[90]

"Tog' qizi" she'rida xalqona ohang, soddalik yaqqol sezilib turadi. O'xshatishlar ham o'zgacha - quvnoqlik, ko'tarinkilik bilan yorni ta'riflaydi:

Ko‘zim ko‘ziga tushdi: o‘g‘irlaganmi hay-hay,
Ilk bahorda osmonning chaqmog‘ini tog‘ qizi. [88]

Jonsaraklar ichida qolgan shoir holatini tog‘ qizi tushunishini istaydi. Shuning uchun ham yor hamma hajr otashida teng yonadi demasligini lirik qahramon istaydi:

Ishq ichra shoh-u gado barobar derlar, ammo,
Bilsayding shoir tortgan qiynog‘ini tog‘ qizi.

Misralarda shoir maqsadini tushuntirishda, fikrini aniqroq ifodalashiga “Irsoli masal” san’ati yordamga kelgan.

Yusuf Shomansur she’rlarining lirik qahramoni uchun nasihatgo‘ylik ham begona emas. Xususan:

Hurmat talab qilma hech hurmatingdan ortiqroq,
Shunda hurmat ko‘rursan hurmatingdan ortiqroq. [88]

Misralarida xalqimizning azaliy qadriyatlaridan sanalgan hurmat, izzat-ikrom masalasi murakkab usulda emas, oddiy tarzda ifodalangan. Hurmatga loyiq insonlargina hurmat qilishga arzishini keskinlik bilan bayon etgan. Shuningdek, har bir baytda insonda bo‘lishi kerak bo‘lgan xislatlar haqida gapiradi. Chunonchi, boshqa baytida “do‘stni qalbini parchalaydigan narsa” sening “minnat”ingdir deyiladi. Chinakam do‘st do‘stining ahvolidan xabardor bo‘lishi kerakligi aytiladi, bexabarlik esa eng katta g‘ofillikdir deya ta’kidlanadi:

Do‘sting azob tortsa-yu, qo‘shiq aytsang sen gumroh,
Bo‘lmagaymu o‘lim bu g‘aflatingdan ortiqroq.

Shoir o‘zini ham ogohlantiradi,manmanlik qilmaslikka chorlaydi. Chunki g‘azalni yolg‘iz o‘zi yozmadi, balki qalamining yordami katta bo‘ldi:

Yusuf, sen ham kamtar bo‘l, yozmading yolg‘iz g‘azal,
Zahmat chekdi qalaming zahmatingdan ortiqroq.

“Farzand bilan” she’rida lirik qahramon faylasufona pozitsiyada turadi. Farzand haqida teran mushohada yuritadi. Umrning boqiyligini farzandda deb biladi:

Umring boqiy, jigargo‘sha, farzand bilan.
Yashagaysan uzilmas bir payvand bilan [90]

Farzand mehrini dunyoda hech narsaga solishtirib bo‘lmaydigan tengsiz mehrga qiyoslaydi. Shoir farzandlari bor bo‘lganligi uchun ham o‘zini badavlat sanaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. Т.: Фан, 1983. – Б.25
2. Атойиллоҳ Ҳусайний. Бадойи ус-санойи/ Форсчадан А.Рустамов таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981.- Б.35
3. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – T.:O‘zbekiston, 2002. – 560 B.
4. Karimov N. O‘zbek adabiyotida janrlar tipologiyasi va uslublar rang-barangligi. – T.:Fan, 1983. – 580 B.
5. Охунова Эътибор// Шарқ юлдузи. – Тошкент,1957. - №8. – 250 Б.
6. Воҳидов Э. Ёшлик девони. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1969. – 250 Б.24
7. Vohidov E. Saylanma. 4 tomlik. –T.: Sharq, 2000. – 400 B.
8. Юсуф Шомансур. Мен ўтқазмаган дарахтлар. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1986. – 288 В

POETIK TIL VA USLUBIY RANG-BARANGLIK

Saymuratova Ijobat Tursunqulovna
Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Guliston davlat universiteti

Annotatsiya. *Mazkur maqolada hozirgi adabiy jarayonning yetakchi vakillari Isajon Sulton va Xurshid Do‘stmuhammadning istiqlol yillarida yaratilgan romanlari tili masalasi tadqiq etilgan. Shu bilan birgalikda roman matnida uchraydigan tasvir vositalari tahlilga tortilgan.*

Kalit so‘zlar: *roman, poetik til, badiiyat, uslub, badiiy asar matni, mahorat, personaj, muallif nutqi, metafora*

Abstract. *This article examines the issue of the language of the novels of Isajon Sultan and Khurshid Dostmuhammad, the leading representatives of the current literary process, created in the years of independence. At the same time, the image tools found in the text of the novel are analyzed.*

Keywords: *novel, poetic language, art, style, text of a work of art, skill, character, author’s speech, metaphor*

Badiiy asar tili badiiyatning muhim jihatlaridan biri bo‘lib, uning vositalari orqali yozuvchi mahorati yuzaga chiqadi. Bundan tashqari, “Badiiy asar tili, so‘z san’atining asosiy quroli, badiiy adabiyotning obraz yaratish vositasi; poetik til, badiiy adabiyot tili kabi shakllarida ham ishlatiladi. Ya’ni badiiy adabiyot birlamchi belgilar sistemasi sanaluvchi til vositasida ikkilamchi belgilar sistemasini – badiiy voqelikni tashkil qiluvchi obrazlar tizimini yaratadi” [Қуронов Д. va boshqalar. 2010; 52].

Isajon Sultonning “Ozod” romanidagi tasvirning xilma-xilligi, voqelikning obrazli ifodalari kitobxon diqqatini tortadi.

Qahramonning olam hodisalari va odamning mohiyati haqidagi zalvarli o‘ylari, salmoqli mushohadalari metaforik yo‘sinda aks ettirilgan bo‘lib, asar tili ham nihoyatda go‘zal va betakrorligi bilan alohida ajralib turadi. Poetik ko‘chim turlari roman matnining juda ko‘p o‘rinlarida uchraydi, bundan tashqari birgina tasvirning o‘zida ham bir nechta san’at turlaridan unumli foydalanganligini ko‘rish mumkin: “*Shu tobda ko‘kda* ***oq bulutlar suzib bormoqda edi****. Yuksaklarning shamoli* ***ularni suruv-suruv haydab borar****, bir ozdan keyin shakli o‘zgarib,* ***shiddat bilan oldinga intilayotgan yosh toylar to‘dasi shaklini olmoqdaydi.*** *Samoviy bu otlarning* ***uzun yollari shamolda hilpirab****,* ***adoqsiz tiniq kengliklarda*** *rohatlanib chopishayotgandek tuyulardi. Ortlaridan ergashgan* ***qora bulutlar*** *to‘dasi* ***og‘ir-vazmin suzar****, bular g‘oyatda ko‘p va qat-qat, bag‘irlarida jalalarni olib kelayotgan bo‘lishlari ham ehtimol”* [*Султон И., 2018;151*]. Yozuvchi tasvir jarayonida jonlantirish, o‘xshatish, sifatlash kabi san’atlarini qo‘llab, ko‘kdagi oq bulutlar holatini shamol uyg‘unligida obrazli izohlagan. Matndagi suruv-suruv, qat-qat takror so‘zlari tasvirdagi hissiy emotsionallikni oshirishga xizmat qilgan.

Quyosh ko‘tarilgani sayin atrof asta-sekin barq ***urmoqda****,* ***o‘tlar*** *ilg‘ar-ilg‘anmas* ***qad rostlar****, nur tushgan tomonga* ***o‘girilmoqda****,* ***kungaboqarlar lappaklarini*** *quyoshga* ***to‘g‘rilashga urinishmoqda edi****. ... Endi* ***yengil shabada esmoqda*** *edi.* ***Yo‘l yoqasida*** *bir kishi choponining o‘ngirini qayirib olib, qo‘lida* ***bolg‘asiyu cho‘kichi****, tosh* ***kesmoqda*** *edi* [Султон И., 2018;155].

Mazkur badiiy matn tarkibidagi quyoshning ko‘kka intilishi, tabiatning uyg‘onishi, harakatdagi davomiylik va o‘zaro bog‘liqlik, ketma-ketlik aniq ko‘rsatilib, fikr izchilligini ifodalagan. Saj’, jonlantirish, metafora, tanosub kabi badiiy san’atlar voqelik ruhiga singib, ta’sirchanlikni oshirgan, manzaralarning tabiiy jonlanishiga zamin hozirlagan. ***Urmoqda, o‘girilmoqda, urinishmoqda, esmoqda, kesmoqda*** harakat fe’llari o‘zaro qofiyalanib ***saj’ san’atini***, ***o‘tlar qad rostlar, kungaboqarlar***

lappaklarini to‘g‘rilashga urinishmoqda ifodalari ***jonlantirishni***, ***yengil shabada, yo‘l yoqasida*** birikmalari ***metaforani, bolg‘asiyu cho‘kichi*** kabi bir turga mansub predmet otlarining ketma-ket kelishi ***tanosub san’atini*** yuzaga keltirgan.

Yozuvchi romanda tavsiflanayotgan har bir voqelikning holat va qiyofasini obrazli ifodalaydi. *So‘qmoq o‘ydim-chuqur, aravaning g‘ildiragi o‘t-o‘lanlarni ezib-yanchib o‘tgan, iziga yomg‘ir suvi to‘planib, sarg‘ish-qizg‘imtir tus olgan, shu sath oynasida ham osmonning va ko‘lmak chetidagi tuproq uyumining bir qismi aks etardi. Yo‘l uzundan-uzoq, arava g‘iyqillar, unga qo‘shilgan qari ot horg‘in odimlab borardi. Mehnatdan boshi chiqmagani shundoqqina ko‘rinib turar, ko‘lmaklardan ehtiyotlik bilan o‘tar, biqinida qay bir suvoriyning oshnasidan qolgan chandiqlari ham bor, xullas, ko‘pni ko‘rgan ot edi. Arava esa juda qo‘hna, yog‘ochlari yorilib-yorilib ketgan, xom teridan ishlangan enli qayishlari vaqt o‘tishi bilan qoraygan, katta g‘ildiraklari g‘ijirlab aylanar, qoldirgan iziga loyqa yomg‘ir suvi oqib tushib to‘ldirar, ularning yuzasida ham osmon xira akslanardi* [*Султон И., 2018;165*]. Ushbu tasvirlarda so‘qmoq yo‘l, unda yo‘rtib borayotgan ot va unga qo‘shilgan aravaning holat va qiyofasi yorqinroq aks ettirilgan. Tasvirdagi jonli hayot manzarasini so‘qmoq yo‘l va qari ot qiyofalari orqali muvofiqlashtirishga erishgan. Matndagi so‘qmoq yo‘l va qari ot birikmalari majoziy ma’no kasb etib, yo‘l – xalqimizning bir necha yillar davomida orzulagan ozod va hurligiga, istiqlolga ishorani, ot esa istiqlolni orzulagan va bu yo‘lda toblangan xalqimizning mehnatkashligini ifodalagan. Satrlardagi o‘ydim-chuqur, o‘t-o‘lanlar, ezib-yanchib, sarg‘ish-qizg‘imtir, uzundan-uzoq, yorilib-yorilib kabi juft va takror so‘zlar tasvir ko‘lamining ta’sirchanligini oshirgan hamda voqelikdagi holat va qiyofani his qildirishga qaratilgan. “So‘qmoqdan yo‘rtib borayotgan ot” tavsifida muallif tez aytish usulidagi bir xil tovush takroriga asoslangan ifodalarni ham o‘rinli qo‘llagani kuzatiladi: “Mening **e**gam – dehqon **e**di, – demoqda **e**di ot. – **E**gamning **e**gasi **e**sa Parvardigor **e**di” [Султон И., 2018;166].

“Alisher Navoiy” romanining tili ham nihoyatda go‘zal va jozibali tasvirlar, metaforalar bilan ziynatlanib, ularning har bir roman voqeligi bilan o‘zaro uyg‘unlik kasb etgan. “Ayni chog‘da *shom sajdasiga yumalagan quyoshning* tavbadan qizarishi...Kuz san’atida *tevarak yoqutday* tovlanardi [Sulton I., 2021; 93]. Oradan ikki-uch hafta o‘tgach, *qahratonning dami bir oz qirqildi* [Sulton I., –T.: Adabiyot, 2021;136]. Hiriy deyilgan *sho‘rpeshana nozanin boshiga yana qora bulutlar* to‘plana boshladi” [Sulton I., 2021; 327]. “Qilichini yalang‘ochlab qish keldi. *Vujudda ham go‘yo qahraton sovuqlari* boshlanib, qorlar yog‘di” [Sulton I., 2021; 411].

Yozuvchi badiiy tasvirlarida kitobxon uchun notanish, bugungi avlod unuta boshlagan tushunchalar, arabcha, forscha so‘zlar, atamalar uchraydi, ular kitobxonni mumtoz davr haqidagi taassurotlarini kengaytirib, o‘quvchini o‘tmish bo‘ylab sayohatga chorlaydi. Badiiy tasvirlarda yozuvchi lug‘at boyligining o‘ziga xos jihatlari aniq ko‘zga tashlanadi, bu esa asardagi shakl va mazmun birligidan, yozuvchining tarixiy roman yozish uchun astoydil puxta tayyorgarlik ko‘rganidan dalolat beradi. Qolaversa, tarixiy asarlar tiliga xos bo‘lgan asosiy talablar o‘z o‘rnida amalga oshirilib, tanlangan moziy davrga mos arxaiklashtirilgan badiiy tilda yozilgan. Shu bois yozuvchi tasvirlangan davrga doir so‘z va iboralarni qo‘llagan, xalqimizning o‘sha davrga xos urf-odat va an’analarini badiiy lavhalarda jonlantirgan. Shuning uchun ham muallif fakt va ma’lumotlarni, o‘tmish voqea-hodisalarining tarixiy haqqoniyligiga, tasvirlanayotgan davr solnomasiga, o‘zining ijodiy tajribasiga, ko‘nglida tug‘ilgan va ijodiy tasavvurida pishib yetilgan dunyoqarashiga tayangan holda talqin etgan.

Xurshid Do‘stmuhammadning “Bozor” romanida ham muallif nutqidan, ham personaj nutqidan o‘rinli foydalanilgan. Asar tilining bunday shakllaridan o‘rinli foydalanish uning g‘oyaviy-badiiy xususiyatlaridan kelib chiqqan holda ifodalanadi. Roman tili badiiy jihatdan ancha mukammal, shirador, shu bilan birga

ayrim o‘rinlarda murakkablik kasb etadi. Ortiqcha unsurlardan xoli, ravon, biroq, voqealar tartibidagi o‘ziga xoslik, ba’zan uchraydigan noizchillik roviylar nutqidagi chekinishlar romanning “silliq” o‘qilmasdan, kitobxonni o‘yga toldirishga, mushohada qilishga, orqaga qaytib asl mohiyatni ochish uchun yana harakat qilishga undaydi. Yozuvchi o‘zining g‘oyaviy-badiiy niyatini amalga oshirish jarayonida asar boshida epigrafdan, ko‘p o‘rinlarda esa o‘ziga xos ibora, maqol, dialekt va naqllardan unumli foydalangan. Jumladan “...or ...zor ...ozor ...bozor” so‘zlarining epigraf sifatida qo‘llanilishi roman mohiyatini o‘zida to‘laligicha ifodalaydi. Roman o‘ziga xos modernistik uslub va shaklda yozilgan bo‘lishiga qaramay, uni badiiy jihatdan puxta va yetuk asarlar sirasiga kiritish mumkin.

Yozuvchi romanda bir qancha obrazlarning portretini yaratish bilan birga ularning o‘ziga xos xarakterini ham yoritadi. Asar ekspozitsiyasining o‘zidayoq bunga guvoh bo‘lamiz. Yozuvchi bozordagi izdihom va unda gavjum odamlarning turli xil ko‘rinishlarini, bir-birlariga sira o‘xshamasligini, ularni birgina bozorda tomir otgan, nafs deb atalmish baloi azim birxillashtirib turishini ta’sirchan ifodalaydi: “Bozor-da izdihom: ***odamlar*** to‘rt tarafdan kelaveradi, to‘rt tarafga o‘taveradi – ***oq, qora, malla, zangori...semiz, xipcha, oriq...novcha, o‘rtabo‘y, pakana... mayib-majruh...xushro‘y, xunuk...*** Na aft-angori, na engil-boshi, na fe’li, na-da yurish-turishi o‘xshaydi...Alloh taolo bandalarini bir-biriga o‘xshamaydigan qilib yaratgan, bozor esa go‘yo tangri taolo panjasiga panja urmoqqa qasd qilgan gumrohdek, bani bashar vujudidan “nafs” deya atalmish bir baloi azimni topgan...” [Дўстмуҳаммад Х., 2016;4].

Yozuvchining portret yaratish mahorati shundaki, voqelikni tasvirlash jarayonida bir paytning o‘zida bir nechta qahramonlar portretini yaratadi. Bozor izdihomida 82 yoshli Von Suu ismli kampirning yo‘qolib qolish epizodida ziyolinamo mo‘ysafid, Von Suu bozor oralab yurgan semiz yuzli kishining portretini kelti-

radi, garchi voqelikda kampirning yo‘qolib qolishi bilan bog‘liq hodisa berilayotgan bo‘lsa-da, yozuvchi voqealar rivoji davomida ularning portret tasviri bilan kitobxonni tanishtiradi: “Fozilbek ***baland bo‘yli***, ***kallasi katta, siyrak mosh-gurunch sochi orqaga silliq taralgan, quyuq qoshli, behad ozoda kiyingan ziyolinamo muysafidga*** hayron bo‘lib qaradi. ... Semiz yuzli kishining do‘rillashi xaloyiqning diqqatini yana o‘ziga qaratdi:

Boshya-lang, egnida u-uzun qora baxmal chakmon, oyog‘ida g‘archli ka-vush. Is-mi V-von Su-u! Yoshi...

Ziyolinamo mo‘ysafidning esxonasi chiqdi, sho‘rlik, ***bashang kiyingan, tilla tishlari yarqiragan olifta yigitning*** bezbetlarcha dag‘dag‘asini eshitib, azbaroyi tizzalari bukilib ketdi va titrab-qaqshab juftakni rostladi. Semiz yuzli erkak o‘qishdan qolmadi: Yoshi sakson ikki-da-a!..” [Дўстмуҳаммад.Х., 2016; 64].

Ayrim o‘rinlarda yozuvchi qahramon portretini peyzaj tasviri bilan hamohang tarzda bayon qiladi. Ya’ni qahramonning kayfiyat holatiga peyzaj tasviri moslashtirilgan: “Hovliga chiqdi. Osmon tund, yomg‘ir ezib-shig‘alab yog‘ar, yer bilch-bilch loy, qo‘sh tup gulsafsar yonida engagini mushtlariga qo‘yganicha cho‘nqayib o‘tirgan Hojiboy ko‘nchi ***taqir bosh, or-riq betini*** qoplagan ***tikonsimon soqoli*** qirtishlanmagan, ust-boshiga yog‘ayotgan yomg‘irga e’tiborsiz, bir nuqtadan ko‘z uzmay o‘tirar, shu o‘tirishda umrida ichkilikni og‘ziga olmagan, beziyon, pajmurda, yuvvosh va ichi g‘am-g‘ussayu armonlarga to‘la bechoraga o‘xshaydi. O‘shanda u ellik ikkida edi...” [Дўстмуҳаммад.Х., 2016; 67]. Tasvirdagi osmonning tund holati, yomg‘irning ezib-shig‘alab yog‘ishi qahramon kayfiyatiga va shu asnoda kechayotgan qalb kechinmalariga hamohang tarzda oydinlashtirilgan. Yozuvchi romanda obrazlar portretini turli yo‘sinda tasvirlaydi, ba’zan uzun, ba’zan qisqa, biroq, ayrim o‘rinlarda asar qahramonlarining tili, nigohi bilan berishdan keng foydalanadi, u yaratgan portretlar biri ikkinchisini takrorlamaydi.

Xurshid Do‘stmuhammadning “Donishmand Sizif” romanida saj’ga xoslangan matnlar uchraydi: *“Mayli, dorga **ossalar**... boshini tanidan judo **etsalar**... tilini **qirqsalar**... Mayli edi, manavi... manavi bahaybat maxluqni ustidan dumalatib, qizil qonini qora tuproqqa **qorishtirsalar**!..”* [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 266]. “Ha-a, ***xarsangvoy***, ha-a ***baqaloqvoy***, o‘jarlikni bas qilsinlar, g‘o‘dayib turgandan ko‘ra, qani, ***qirga, yuqoriga jildik, yurdik, yumaladik***, ***yumaloqvoy,*** deganicha, oldimga tushib bir chopqilla-chi, ***dumaloqvoy,*** deya bor-yo‘q alamini yana va yana zo‘r berib xarsangtoshni dumalatishdan olar, ana shunda, bordi-yu bekor qoldirishganida nima qilardim, degan o‘ydan azbaroyi hurkib, esxonasi chiqib, sapchib tushardi” [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 302].

Romanda lirik prozaning namunalari uchraydi:

Shafqatsizdan shafqat tilanma aslo, zero...
-Nechun bording bozorgoh, mal’un?!
-Nechun borurlar bozorgoh, ma’bud?
-Gap o‘ynama, betavfiq siyoh! Va’z o‘qimoq edi niyating.
-Niyatim – haq bo‘lgan mudom! Hamon...
-Hah-ha-a, haqiqat?! Haqiqat – g‘uluv!..
-Dildan tilga ko‘chmagan kalom...
-Tamom-m! Tamom-m! Batamom-m!.. [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 282].

Syujetning keyingi qismlarida muallif qahramonning toshga bo‘lgan munosabatini, voqelik yechimidagi haqiqat va iqrorini ham xuddi shunday lirik ohanglarda ifodalaydi:

-Senmi, meni dog‘da qoldirmakka atalgan jazo? Menmi, senga kalaka-ermak? Shul xarsang, shul tog‘ bo‘ldimi yo‘limda paydo?! [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 284]

- Men osiy banda, – xasta tovushda shivirladi: – Kechirgaysiz... uzrlarim...tavbalarim... iltijolarim... [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 358].

Lirik prozada muallif “olam va odam xususida oʻz fikr doirasi, nuqtayi nazari hamda hayot tendensiyasini anglash darajasida oʻz fikrini bildiradi, uni kishi ongiga singdiradi, shuuriga shuur qoʻshadi, bu boradagi saviyasi qanchalar chuqur boʻlsa, uning qahramoni shunchalik jozibador va faoliyati shunchalik ta’sirchan boʻladi, shu bilan birga, muallif gʻoyasi va tuygʻusining ifodasi asosiy qahramon ma’naviy dunyosi bilan ohangdosh boʻlgan xarakterlarni yuzaga keltiradi, ularning xatti-harakati, faoliyati, gap-soʻzi, oʻy-fikri asar syujetini tashkil qilish bilan birga, ularning konsepsiyasini belgilaydi” [Каримов Ҳ., 1991; 9]. Saj’ roman matnidagi ritmik ohangdorlikni ta’minlagan boʻlsa, lirik proza roman gʻoyaviy-badiiy ta’sirini kuchaytirishda emotsional koʻtarinkilik va hissiyotni oshirishga xizmat qilgan.

Roman tilini tahlil qilish jarayonida yozuvchi poetik koʻchimlarga ham alohida oʻrin berganini, bu bilan esa ifodaning yanada obrazli, kuchli va nihoyatda ta’sirli chiqqaniga guvoh boʻlamiz: “Sizif ovozining boricha xaxolab togʻu toshni boshiga koʻtardi (ibora), quloq tutdi – togʻ kuldi (jonlantirish). Choʻqqi kuldi, oʻt-oʻlanu hoʻ-oʻ, naridagi dengiz mavjlana-mavjlana kuldi (jonlantirish va mubolagʻa). Sizifning shumligi tutdi, u roʻparasida baqrayib qolgan gʻanimini mazax qilayotgan gʻolib sarkarda yanglig‘ (oʻxshatish) istehzolarga toʻla basharasini koʻz-koʻz qilib kuldi” [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 284]. Muallif quyidagi parchada oʻxshatish va jonlantirish san’ati vositasida fikrini tiniqroq ifodalaydi: “U mutlaqo harakatdan toʻxtagan bulut parchalariga uzoq razm solib poyladi. Osmon dogʻlari – artib tashlaging keladi ba’zan. Ba’zan esa... bahaybat odam jussasi, qoʻllarini ikki yonga quloch otgan, kallasining yarmi yoʻq, chala odam, oyoqlari koʻrinmas, tikilib qaragan nigohga mana hozir kimnidir yoxud nimanidir quchoqlab olishga shaylanayotgandek!... Yana picha kutdi,

shunda pag‘a-pag‘a bulut parchalari zimdan va g‘oyatda kishi bilmas ustomonlik bilan siljiyotganini sezdi” [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 319].

Yozuvchi roman voqeligidagi qahramon holatini oydinlashtirishda leksik vositalardan unumli foydalangan: “Hech bir harakat zoye emas... Behuda, besamar, bema’ni emas!.. Emas, emas, emas-s!.. Qumursqaning qadam olishidan tortib Yer va Quyoshning ikki sevishgan qalb sohiblari yanglig‘ bir-birining atrofida aylanishigacha – hikmat, hikmat, hikmat! Yer Quyoshning atrofida aylanadimi yoxud aksinchami – nima farqi bor, deya befarqlik qilish nahot aqli raso odamga yarashsa?!” [*Дўстмуҳаммад.Х., 2016;* 288]. Matn tarkibidagi sinonimlar (behuda, besamar), takrorlar (emas, emas, emas, hikmat, hikmat), antonimlar (Yer va Quyosh) birlashib, tasvirdagi qorishiq holatni yuzaga chiqargan.

Yozuvchi badiiy niyati, g‘oyasi, estetik qarashlari xarakter mohiyatining qay darajada yoritilishiga, kitobxonning qabul qilishi esa xarakter zimmasidagi vazifani aniq va to‘g‘ri belgilay olishiga muayyan darajada bog‘liq. Zero, kitobxon yozuvchi qo‘llagan so‘z va asardan anglashilgan mohiyat orqali qahramon holatini ko‘radi, eshitadi, undagi turli xil kayfiyatni ich-ichidan his etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Дўстмуҳаммад Х. Бозор. –Т.: O‘zbekiston НМИУ, 2016.

2. Дўстмуҳаммад Х. Донишманд Сизиф. –Т.: O‘zbekiston НМИУ, 2016.

3. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010.

4. Исажон Султон. Озод. – Т.: Янги аср авлоди, 2018.

5. Isajon Sulton. Alisher Navoiy. Roman. – T.: Adabiyot, 2021.

6. Каримов Ҳ. Жанрми ёки услуб. – Т.: Фан, 1991.

JAVLON JOVLIYEVNING “QO‘RQMA” ROMANIDA BADIIY ASAR TILI

Usmonqulova Sevinch Umidjon qizi
Guliston davlat universiteti 1-bosqich talabasi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada badiiy asar tili, hikoyachi qahramon, muallif nutqi va personaj nutqi kabi masalalar zamonaviy o‘zbek nasri namunalaridan biri Javlon Jovliyevning “Qo‘rqma” romani matni asosida tadqiq etilgan. Shuningdek, maqolada yozuvchining so‘z qo‘llash mahorati va individual uslubi haqida ham tahlillar keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *poetik nutq, hikoyachi qahramon, muallif nutqi, personaj nutqi, nasr, roman.*

Annotatsiya. *In this article, issues such as the language of the work of art, the narrator’s character, the author’s speech and the character’s speech are researched based on the text of the novel “Fear” by Javlon Jovliyev, one of the examples of modern Uzbek prose. The article also analyzes the writer’s skill in using words and his individual style.*

Keywords: *poetic speech, narrator character, author’s speech, character’s speech, prose, novel.*

“Adabiy asar tili (hikoyachi , muallif , personaj nutqi) tipiklashtirilgan va individuallashtirilgan tildir”, – deb yozadi adabiyotshunos olim T. Boboyev “Adabiyotshunoslik asoslari” asarida. [Boboyev T., 2022; 160.] Yozuvchining o‘z asarlarida so‘z qo‘llash mahorati va uslubi badiiy asar tilini hosil qiladi. Asar voqealarini kim tomonidan hikoya qilinishiga ko‘ra hikoyachi, muallif va personaj nutqidan tashkil topadi.

“Qo‘rqma” romani hikoyachi nutqi orqali bayon etiladi. Bu holat qahramon xarakterini ochib beruvchi muhim omillardan biri hisoblanadi. Bunda, asosan, monologlardan foydalaniladi. “Qo‘rqma” – his-hayajon romani. Undagi badiiy g‘oya keng miqyosli, unda millat va Vatan dardi bor. Bu muammo bugun va bir asr oldingi yoshlar hayoti misolida tush va xush oralig‘ida, tajohilu orifona yo‘sinda ba’zan piching va kesatiq qamrovida badiiy ifoda etadi; odamlar o‘z yaratilish siynatiga chuqur nazar solishini xohlaydi” [Jalolova X., 2022; 72-73] bundan anglashiladiki, adib romandagi badiiy konsepsiyani kitobxonga yetkazib berish maqsadida turli ifoda yo‘sinlardan foydalanadi. Ayniqsa, bu holat asar psixologizmini kuchaytirishga yordam beradi:

“Men yer bilan o‘ynashib o‘sdim, u bilan tillashib ulg‘aydim !..
G‘azabimiz unga , qon to‘ksak unga, ter to‘ksak , noxos qistalsak, sevsak, istalsak va oqibat o‘ligimiz ham unga…
Qachongacha badalini shu tuproq to‘laydi ?..” [Jovliyev J., 2020; 91.]

Hikoyachi qahramon nutqidan olingan yuqoridagi parchadan qahramonning fe’lidagi soxtalikdan uzoqlik, dangallik, nohaqlikka bo‘lgan salbiy munosabat, tabiatga muhabbatni ko‘rishimiz mumkin. Asar boshidan oxirigacha mana shu kabi ichki monologlardan tashkil topgan. Bu kabi tasvirlash kitobxonni asar muhitiga olib kiradi, qahramonning o‘y-fikrlarini, ruhiy holatini his qilishiga yordam beradi.

Personaj nutqlarida ham yuqoridagi kabi monologlarni uchratishimiz mumkin . Personaj nutqida monologlardan foydalanish bosh qahramon atrofidagi obrazlarning fe’l-xususiyatlarini ko‘rsatib, qahramon yashayotgan muhit, jamiyatni tasvirlab berishga yordam beradi.

“ – Yo‘q. Siz qizil askarning bolasisiz.

– Ha, men o‘shaning bolasiman. Bu menga va bola-chaqamga eng og‘ir jazo”. [Jovliyev J., 2020; 117.]

Bobo va nevaraning nutqidan olingan ushbu dialog asardagi emotsionallik bo‘yog‘ini olgan jumlalardan biri hisoblanadi. Bu gap bobodagi alam, afsus, umidsizlik kabi his-tuyg‘ularni yaqqol namoyon qiladi. Badiiy asar tilida xarakterni ifoda etish ham muhim ahamiyatga egadir. Ta’rif-tavsif orqali yozuvchi asar qahramonlarining xatti-harakatlarini asoslab beradi, ma’naviy-ruhiy dunyosini ko‘rsatadi, o‘quvchining ko‘z o‘ngida obrazni gavdalantiradi. “Qo‘rqma” asarida hikoyachi tilidan kelgan quyidagi ta’rifni ko‘ramiz:

“Momom bo‘ychan, boshi katta, qoshlari siyrak, ko‘zlari ko‘m-ko‘k, qo‘llari, barmoqlari uzun-uzun gap-so‘zi dadil, qishin-yozin ikki beti qip-qizil bo‘lib yonib turadigan kampir edi” [Jovliyev J., 2020; 196.]

Asar boshidanoq ushbu portret ta’rifini o‘qish orqali keyin sodir bo‘ladigan voqealarga momoning ta’siri , munosabatlarini kengroq va chuqurroq anglash mumkin.

“ – Loaqal birortasi mendan Vatani haqida so‘ramadi-ya?

– Qo‘ysang-chi, qanaqa Vatan? Biz uchun O‘rta Sharqda Ichagiston bor! Uzun ichak, boshqa hech vaqo yo‘q!” [Jovliyev J., 2020; 128.]

Yuqoridagi dialogdan olingan parchada konflikt yaqqol ko‘zga tashlanadi. Qahramonning aqli va vijdoni, qahramon va jamiyat o‘rtasidagi ziddiyat kitobxon e’tiborini tortadi. Shuningdek, asarda “eshakqurt”, “jigar” kabi ramziy ma’noda qo‘llangan so‘zlar bor. Eshakqurt jasadni yeb bitirgani kabi johil, ilmsiz kishilar millatni quritadi. Ana o‘shalar ayovsiz tanqid qilinadi va odamning nafratini qo‘zg‘ovchi tarzda kinoya – o‘xshatish tarzida ifodalanadi.

Yozuvchi o‘z qarashlari, g‘oyasini xalqqa to‘la holida yetkazib berishi uchun, albatta, asar tili xalqchil bo‘lishi lozim. Javlon Jovliyev buni ham maromiga yetkazadi . Aforizm, kinoya , o‘xshatish, jargon, varvar , dialektizm kabi unsurlardan o‘z o‘rnida foydalangan . Emotsionallik va konfliktning esa ko‘p o‘rinlarida uchragan-

iga va kitobxonni voqealar rivojiga qiziqtirib qo‘yganiga guvoh bo‘lamiz. Yuqorida kelgani kabi asaning badiiyligini oshiruvchi, o‘quvchini fikrlashga undaydigan, qahramon bilan bir butun qilib qo‘yadigan jumlalar juda ko‘p uchraydi.

Xulosa qilib aytganda, Javlon Jovliyevning “Qo‘rqma” asari badiiy asar tilining sofligi, ravon, xalqchil bayoni bilan alohida e’tirofga sazovordir. Romanning ifoda etilishidagi o‘ziga xos inversiyaga uchragan tili kitobning badiiyati ortishiga sabab bo‘ladi , o‘quvchilar qalbiga tez va oson yo‘l topadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. –T., O‘zbekiston. 2022-yil.

2. Jovliyev J. Qo‘rqma. – T. Nihol. 2020- yil.

3. Jalolova X. “Qo‘rqma” romanida tarixiy haqiqat va badiiy to‘qima”. https://cyberleninka.ru/article/n/qo-rqma-romanida-tarixiy-haqiqat-va-badiiy-to-qima

SHAROF BOSHBEKOV ASARLARI TILINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Nodira Mustafayeva,
O‘zbek va chet tillari kafedrasi o‘qituvchisi
O‘zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti

Annotatsiya *Maqolada tilning grammatik jihatdan o‘zaro bog‘lanishi, grammatikaning ikki bo‘limi, morfologiyaning o‘rganish predmeti alohida so‘z shakllarining ma’lum grammatik ma’no asosidagi paradigmalari va kategoriyalarini tashkil etadi. Sintaktik birliklar grammatik ma’nolar bilan birga leksik ma’nolar uyg‘unligini ham hosil qiladi*

Kalit so‘zlar: *sintaktik birlik, grammatik ma’no, leksik ma’no, morfologiya, gap, so‘z shakli, struktura, matn.*

Annotation. In the article, the grammatical interconnection of the language, two sections of grammar, the study subject of morphology form paradigms and categories of individual word forms based on certain grammatical meaning. Syntactic units form a combination of lexical meanings along with grammatical meanings

Keywords: syntactic unit, grammatical meaning, lexical meaning, morphology, sentence, word form, structure, text

Tilning grammatik jihatdan o‘zaro bog‘lanishi morfologiya va sintaksis orqali amalga oshiriladi. Grammatikaning bu ikki bo‘limi, avvalo, predmetlarga ko‘ra farqlanishi muhimdir. Morfologiyaning o‘rganish predmeti alohida so‘z shakllarining ma’lum grammatik ma’no asosidagi paradigmalari va kategoriyalarini tashkil etadi. Sintaksisning o‘rganish predmeti esa gap va uni tashkil etgan so‘z shakllarining o‘zaro grammatik va maz-

muniy munosabatlarini yuzaga chiqaruvchi vositadir. So‘z shaklining bog‘lanish qoidalarini va bu qoidalarni ro‘yobga chiqarishning yaxlitligi gapni o‘rganadi. Morfologik birlik bo‘lgan so‘z shakli sintaktik birlik ichida ma’lum vazifani bajaradi va til tizimining eng yuqori sathida turishini anglatadi. Sintaktik birliklar grammatik ma’nolar bilan birga leksik ma’nolar uyg‘unligini ham hosil qiladi. Shuning uchun ham o‘zaro birikayotgan so‘zlar tanlash xususiyatiga ega bo‘ladi. O‘zbek tili grammatikasiga oid barcha adabiyotlarda ikki birlik: so‘z birikmasi va gap haqida fikr yuritiladi va bu ikki birlik asosiy obyekti ekanligi aytiladi.

I.P.Zaysevaning “Zamonaviy dramatik nutq: struktura, semantika, stilistika” mavzusidagi doktorlik dissertatsiyasi [1] da so‘z san’ati tizimida dramaturgiyaning o‘rni, mazkur turning lirik va epik turdan farqli va o‘xshash jihatlari ilmiy asoslangan bo‘lib, ishda dramatik asarlarning badiiy va sahnaviy masalalari, dramatik turga mansub matnlarning nutqiy ko‘rinishi talqini, zamonaviy dramalar personajlari nutqining o‘ziga xoslik, nutqning dialogik shakli, badiiy muloqot va uning o‘ziga xos jihatlari, dramaturgik tadqiqotlarda muloqotning o‘rganilishi, XX asr oxiri va XXI asr boshlarida yaratilgan dramalarda dialogning asosiy ko‘rinishlari, monologning dramatik nutqni shakllantirishdagi o‘rni, bugungi kun dramalarida muallif nutqi (remarka) ning ko‘rinishlari, zamonaviy dramaturglar tomonidan faol qo‘llanilayotgan umummilliy til vositalari hamda personajlar xarakterini individualllashtirishda monolog va dialogning ahamiyati kabi masalalar ilmiy asoslangan.

Umuman, jahon tilshunosligida dramatik asarlar tili va u bilan bog‘liq til birliklarining lisoniy tadqiqini tavsiflash ustuvor masalalardan biri bo‘lib qolmoqda. Dramatik asar komponentlarining lisoniy tahlili hamda dramaturglarning til birliklaridan foydalanish mahoratini aniqlash, bu kabi asarlarda lisoniy hodisalarning nutqiy voqelanish shakllarini asoslash dramaturgn-

ing individual uslubini ta’minlashda yetakchi omil bo‘lib xizmat qiladi.

Drama qahramonlarining fikrlari, his-tuyg‘ularini o‘quvchiga yetkazishda muallif imkoniyati cheklangan bo‘lib, mazkur holatlar dramaturg tomonidan remarkalarda qayd etiladi. Boshqacha qilib aytganda, remarkalar dramaturgiyada muallif “ovozi”ni yetkazish vositalaridan biridir. Remarkalar drama rejissoriga, aktyorlarga, shu bilan bir qatorda, kitobxonga bevosita ta’sir ko‘rsatish usuli [2] hamdir.

Hozirgi kunda matn sintaksisi e’tirof etilishi munosabati bilan matn ham sintaksisning alohida o‘rganish obyekti sifatida tan olinadi. Shunday qilib, mavjud adabiyotlarda sintaksisning to‘rtta o‘rganish obyekti ko‘rsatiladi va o‘z navbatida, sintaksis ham o‘rganish obyektiga ko‘ra to‘rtga ajratiladi:

1) so‘z birikmasi sintaksisi;

2) gap sintaksisi;

3) qo‘shma gap sintaksisi;

4) matn sintaksisi.

So‘z birikmasi-bu so‘z shakli bilan birga gap uchun «qurilish materiali» yoki gapning kengayishi sathida qurilish birligidir. Boshqa bir guruh tilshunoslar esa so‘z birikmasining til birligi, gap uchun qurilish materiali ekanligini rad etadilar. Jumladan, Y.F.Fomenko o‘z fikrini isbotlash uchun quyidagi asoslarni keltiradi:

1) so‘z birikmasi kommunikativ vazifa ham, nominativ vazifa ham bajarmaydi. Birinchisi - gap, ikkinchisi – so‘zlar orqali ifodalanadi;

2) so‘z birikmasi tushunchani emas, tushunchalar birikmasini ifodalaydi. Agar biz so‘z birikmasi tushuncha bildiradi, degan fikrga qo‘shilsak, demak, so‘z birikmasi doirasida ikki tushunchaning birikish hodisasi ro‘y beradi, degan fikrni tasdiqlagan bo‘lamiz;

3) so‘z birikmasi «takrorlanish»-lik belgisiga ega emas. Tilga tayor holda olib kirilmaydi, balki nutq jarayonida yaratiladi. Nominativlik, takrorlanishlik frazeologizmlarga xosdir. Shu belgilari bilan frazeologizmlar so‘z birikmalaridan farq qiladi;

4) tilning har bir sathi uchun bir til birligi xos: fonologik sath uchun – fonema, leksik sath uchun– leksema va boshqalar sintaktik sath ikkita birlikka ega bo‘lib qoladi. Agar so‘z birikmasini til birligi deb tan olinsa, boshqa sathlarda ham fonema birikmasi, morfema birikmasi kabi birliklarni til birligi deb tan olish kerak bo‘ladi. Darhaqiqat, valentlik va so‘z birikmasi o‘zaro mohiyat va hodisa munosabatidir. Mohiyat umumiy, hodisa esa uning aniq ko‘rinishlari sanaladi. Valentlik abstrakt tafakkur sathida (mohiyat), so‘z birikmasi esa jonli kuzatish sathida (hodisa) mavjuddir. So‘zlarning ma’lum til me‘yoriga xos bog‘lanish modeli til birligi, bu modelning leksik birliklar bilan to‘ldirilishi, aniq reallashuvi, hodisalarda namoyon bo‘lishi nutq birligi hisoblanadi. Demak, til va nutq zidligi so‘z birikmalariga ham xosdir

Avvalo, Sharof Boshbekovning tildan foydalanishdagi o‘ziga xos jihati bu-uning sodda gap turlaridan samarali foydalanish mahoratida. Ayrim ijodkorlar badiiy asarda uzundan uzoq bir necha ergash gapli murakkab qo‘shma gaplarni qo‘llaydi, natijada fikr chalg‘iydi.

So‘zlovchi va tinglovchi o‘rtasidagi muloqot jarayonida til birliklarining ishtirokini misollar orqali tahlil qilishga harakat qilamiz:

Qumri*.“Hukumat ichmanglar, deb qaror chiqarib qo‘yibdi, bu ahmoqqa shuyam ta’sir qilmaydi”, dedilar Qo‘chqor. Hoo, qarorniyam bilarkanlarmi! O‘zi sakkizinchi sinfda qolib ketgan! Chalasavod! Rasmi yo‘q ekan, deb gazit o‘qimaydi!*

Qumri*.O‘zimgiz ham o‘qimaysiz-ku. Qo‘chqor. Men vaqtim yo‘qligidan o‘qimayman, u savodi yo‘qligidan o‘qimaydi! Safar-ku, mayli. Sen -chi, sen?Shuncha gapni eshitib, qanaqa qilib chidab turding? Eringni shularga talatib qo‘yaverdingmi? E, seni xotin*

qilib yurgan menga ming rahmat-ye! Xo‘p, soldatlar nima deyishdi?

Qumri.*”Raz,duva,vzali” deyishdi.*

Qo‘chqor*. Nima-li?*

Qumri*.”Vzali”.*

Qo‘chqor*. “Vzali, o‘qimagan! “Raz, dva” mish! Nima, armiyada faqat ikkigacha o‘rgatishganmi? O‘ngacha sanamaydimi, men o‘zimga kelib olmayman-mi! Sulayib yotgan bokschigayam o‘ngacha sanaydi-ku, shunchalik ham bo‘lamadikmi? Mayli, b o ‘ l a r ish bo‘pti, qo‘lni yech. (Sharof Boshbekov “Temir xotin”asari)* [3]

Tavsifiy xarakterdagi matnlarda muallif matn orqali adresatga o‘z qahramoninig ichki va tashqi sifatlarini belgi bildiruvchi so‘zlarni o‘z o‘rnida maqsadga muvofiq tarzda qo‘llay olish orqali tabiiy va ta’sirchan tasvirlab berishga erishgan. Kinoqissalarning o‘ziga xos jihati shundaki, ularda tavsif va tasviriylik ancha ustun bo‘ladi. Bu kabi holatlarda yozuvchining aniqlovchi va izohlovchi so‘zlarga murojaat qilishi talab qilinadi. Rassom chizmoqchi bo‘lgan manzarasiga ranglarni tanlab olgani kabi badiiy matn muallifi ham shu nutqiy vaziyat, nutqiy aktga monand til birliklarni tanlaydi, tafakkurda ularni saralaydi, qaysi so‘z qaysi nozik ma’noni anglata olishini chamalaydi, nihoyat, kommunikativ maqsadga muvofiq jumla tuzadi. Natijada asar muvaffaqiyatli chiqsa, o‘quvchi undan ta’sirlanadi, zarur xulosalarni chiqara oladi, mulohaza qiladi. O‘quvchi mulohaza, mushohada qilishi uchun u tasavvur qila olishi kerak. Kinoqissalar adresatga xuddi shu imkoniyatni yaratib beradi. Matnda o‘quvchi, maktab o‘quvchisi bo‘lishi, umuman, kitob o‘quvchi, rejissor yoki rolni ijro etuvchi aktyor bo‘lishi mumkin, shuning uchun so‘zlovchiga, yozuvchiga oson bo‘lmaydi, asar muvaffaqiyatli chiqishi uchun mazkur adresatlarning hammasini nazarda tutishi, ularga tushunarli bo‘ladigan til vositalarini qo‘llashi, muhim nutqiy aktlarni yarata olishi lozim bo‘ladi. Matnlarda turli turkum so‘zlarining faol va o‘z o‘rnida qo‘llanilishi ham alohida kommunikativ va

pragmatik maqsadlarning ta’minlanishida juda muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, aniqlovchi vazifasida deyarli barcha mustaqil so‘z turkumlari kela oladi, biroq qaysi biri qaysi holatlarda ta’sirchan ifodani ta’minlash muhim.

Muloqot shakli dialog bo‘lgani sababli matnda otlardan keyingi faollik olmoshlarga, keyingi o‘rin fe’l so‘z turkumiga tegishlidir. Demak, mazkur vaziyatda harakat emas, shaxs yoki shaxsiyat muhimroq. Matnda so‘z tartibi masalasini ham e’tibordan qochirmaslik kerak. Zero gapdagi so‘zlar tartibining o‘zgarishi ham ko‘plab uslubiy-ekspressiv o‘zgarishlarga olib keladi. Fikrning muayyan nuqtasi urug‘lansa, matn mazmuni boshqa tarafga o‘zgarishi ham mumkin. Shu o‘rinda misollarga to‘xtalsak:

Olimjon. *Axir bu odam* ***emas-ku****, Qo‘chqor aka,* ***temir-ku,*** *nega tushunmaysiz? Ichi to‘la sim, plastmassa, yarim o‘tkazgichlar! Bu-mashina!* ***E,*** *gapiraveradimi har narsani! Ertaga sinovdan o‘tolmasa-yu, buzib tashlasamnima bo‘ladi Bir uyum temir qoladi!*

Qo‘chqor*. Ha endi* ***buzmang-da,*** *Olimtoy. Shunday narsani buzsangiz, uvoli tutib, qo‘llaringiz akashak bo‘lib* ***qolmasin-a!*** *Olimtoy!*

E-e, *yetganlar bor yetmaganlar bor... Xo‘p de, Olimtoy, dil* ***ketdi-da*** *endi.*

Senga nima, bu bo‘lmasa yasab olaverasan, bizga o‘xshagan so‘qqabosh (Bechorasifat). Yolg‘izlik yomon, Olimtoy, buni boshiga tushgan biladi...

(Sharof Boshbekov “Temir xotin”asari).[3]

E’tibor berilsa, matnda yordamchi so‘zlardan faqat yuklamalar qo‘llanilgan. Ko‘makchi ham bog‘lovchi ham qo‘llanilmagan. Yuklamalar nutq jarayonida boshqa yordamchi so‘zlarga nisbatan faol qo‘llaniladi.

Qissada asar qahramoni qaysi kasbda faoliyat ko‘rsatsa, o‘sha sohaga doir atamalar ham faol ishtirok etadi, bu esa bu kabi asar matnlarida ot so‘z turkumiga doir so‘zlarning ustuvor-

lik kasb etishini ta’minlaydi. Umuman, qissada nutq vaziyatiga qarab turli o‘rinlarda turli morfologik birliklar faol qo‘llanishda bo‘lganligi kuzatiladi. Bu holat esa so‘z turkumlarining qo‘llanilish chastotasiga doir tadqiqotlarning yanada asosli xulosalarI uchun xizmat qiladi, ya’ni qaysi so‘z turkumlari qaysi nutqiy vaziyatda uyushganroq, faolroq bo‘lishi haqida muayyan xulosalarni taqdim qiladi.[4]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Зайцева И. П. Современная драматургическая речь: Структура, семантика, стилистика: Дисс. д- ра филол. Наук. – Волгоград, 2013.

2. Лимановская И. Б .Статус и роль авторских ремарок в дискурсе англоязычной драмы(на материале англоязычной драмы XVI-XVIII веков)//Вестник СамГУ. -2008.-№1.-С. 371.

3. Sharof Boshbekov “Temir xotin” asari.

4. М.Хакимов. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Тошкент. “Академнашр“ 2013.

QAMCHIBEK KENJANING “YASHIL BARG” HIKOYASIDA QAHRAMON RUHIYATI TASVIRI

Matkurbanova Oygul Mamatsalayevna
filologiya fanlari bo‘yicha (Phd) tayanch doktoranti
Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada taniqli hikoyanavis Qamchibek Kenjaning “Yashil barg” hikoyasida qahramon ruhiyati tahlil etiladi. O‘tgan asrda xalqimiz chekkan azob-uqubatlaridan biri pillachilik muammosi edi. Yozuvchi hikoya qahramoni Jabbor aka misolida pilla yetishtirishning qanchalik mashaqqat ekanligini haqqoniy voqealar asosida tasvirlaydi. Hikoya qahramonining ruhiyati yozuvchi tomonidan mahorat bilan namoyon etiladi.*

Kalit so‘zlar: *qahramon, ruhiyat, mahorat, syujet, tasvir, konflikt, xarakter, portret, ijtimoiy muammo, obraz, hikoya*

Abstract: *This article analyzes the psyche of the hero in the story “Green Leaf” by the famous short story writer Kamchibek Kenja. One of the sufferings of our people in the last century was the problem of cocooning. The writer describes how hard it is to grow cocoons on the example of the hero of the story, Jabbar, based on true events. The psyche of the hero of the story is shown skillfully by the writer.*

Keywords: hero, mentality, skill, plot, image, conflict, character, portrait, social problem, image, story

Hayotda sodir bo‘layotgan turli qarama-qarshiliklar, ziddiyatlar hozirgi hikoyachilikda o‘zining haqqoniy ifodasini topmoqda. Bugungi hikoyalarning qahramonlari ruhiyatidagi talotumlar, asosan, xalq ijtimoiy turmushi ta’sirida yuzaga kelganligi aks ettirilmoqda. Ma’lumki, “Qahramon – bu quyulma. Uni yaratish

uchun yuzlab odamlarni uchratish kerak, biroq bu uchrashuvlar kamlik qiladi – quyulmani yaratish uchun avtor o‘zidan biron narsa qo‘shishi kerak” [Умуров Ҳ., 1983; 7]. Buning uchun, albatta, muallif hayotni kuzatish, uni idrok etish va tushunish qobiliyatiga ega bo‘lmog‘i lozim. Aks holda qahramonning ichki yoki tashqi qiyofasi tasvirida soxtalik yuzaga kelishi mumkin.

Hamma davr adabiyotida ham qahramon yaratish muammosi birinchi masala bo’lib kelgan. Chunki adabiyotdagi qahramon muayyan davrdagi ijtimoiy odamning butun ichki va tashqi xususiyatlarini aks ettiruvchi badiiy vositadir. Odamning hayotdagi yashash tarzidan tortib, umri poyonigacha bo’lgan baxt-u fojealar qahramon holatiga, xatti-harakatiga ko’chiriladi. Hikoya janrida qahramon xarakteridagi betinim o’zgarishlarni tasvirlash, uni davr bilan bevosita bog’liqlikda aks ettirish boshqa janrdagi asarlarga nisbatan osonroq. Bizga ma’lumki, davrning eng dolzarb muammolarini bevosita badiiy talqin etishda hikoya janri avangard bo’lib kelgan. Hajmning ixchamligi va boshqa ko’plab janr qulayliklari bunga to’la imkoniyat yaratib bergan. Yozuvchi Qamchibek Kenja ham ushbu janrning fazilatlarini ilg‘agan holda samarali ijod qilmoqda. Ayniqsa, hikoyalaridagi ijtimoiy muammolarning yoritilishi diqqatga sazovordir. Publisist, adabiyotshunos Mixli Safarov: “Biz nazarda tutgan yosh yozuvchilarning eng yaxshi hikoyalarining qahramonlari turmushning qaynoq masalalari ichida ko‘rsatiladi. Masalan, Qamchibek Kenjaning “Yashil barg” hikoyasi shu xususiyati bilan diqqatni tortadi. Q. Kenja o‘zi ko‘targan hayot problemasini ancha yaxshi o‘rgangan. Pillachilar hayotini, ish xususiyatlarini miridan sirigacha biladi. Shu sababli hayotni ancha to‘g‘ri, jonli, haqqoniy ko‘rsata olgan. Darhaqiqat, hikoya qahramonlarining ichki dunyosi turmushning murakkab ziddiyatlari doirasida ishonarli, konkret ochilganligi bilan xarakterlidir” [Кенжа Қ., 2024; 9].

“Yashil barg” hikoyasida voqelikni muallif juda yaxshi biladi. Binobarin, qurt tutishdek egasini nafas olishga qo‘ymaydigan

“bo‘l-bo‘l” komponiyasining tasvirini juda hayotiy tasvirlaydi. Jabbor akaning ongida kechgan fikrlar orqali 20 kunlik qora mehnatning ota uchun qanchalik og‘ir kechganligini his qilamiz. Bir haftadan beri hali u mahalladan, hali bu mahalladoshidan barg talashib, holda toyib, qurt boqqanlarga ham ming pushaymon bo‘lib garangsib turgan Jabbor akaga xotinining gapi malol kelgan bo‘lsa-da, uning ham atay qilmaganini tushunib, o‘roq va arg‘amchini olib ko‘chaga yo‘naladi. Ming bir andisha bilan o‘g‘li tengi pilla brigadrining uyiga boradi, ming hijolatlik bilan darvozani taqqilatadi. Kallayi saharlar darvoza taqqillashidan jig‘ibiyroni chiqqan Rahmatjonning ayoli darvozani zarda bilan ochadi. Uning otaga qilgan muomalasidan Jabbor akaning bir alami ikki bo‘lib orqaga qaytadi. Muallif Jabbor akaning hayolidan kechgan fikrlar orqali qurtni bostirish arafasida hamma qurtboqarlarning joni hiqildog‘iga kelishini o‘zicha tushunib borardi-yu, iloji yo‘q. Xotini yalinib-yolborib bir-ikki bog‘ barg topib kelishini o‘tingan. Hafsalasi pir bo‘lib uyga qaytayotgan Jabbor aka noiloj orqaga qaytib, bir necha bor uzunasiga va ko‘ndalangiga yurib, barg asari ko‘rinmaydigan tutqatorlarga ilinj bilan qaraydi. Ittifoqo, ikkinchi uchastkaga ajratilgan tutqatorda chopqiga chap berib qolgan yakkam-dukkam novdalarga ko‘ri tushib, shuni ham bo‘lsa olib ketay deb shoshilinch kesa boshlaydi. Bir tomondan barg topolmaganidan hijolatchilik, ikkinchi tomondan pilla brigadiri xotinining qo‘pol muomalasidan hali alamini bosolmayotgan Jabbor aka asabiylashib nogahon chap qo‘lining o‘rta barmog‘iga o‘roqni sanchib oladi. Qo‘lini apil-tapil bog‘lab, shoshilinch uyga kelgan Jabbor aka bir bog‘cha bargni jahl bilan yerga tashlab, qo‘lidagi o‘roq va arqonni irg‘itib yuboradi [Йўлдошев Т., 2014; 73].

Oradan o‘rtgan yarim soat -bir soat atrofida Jabbor aka o‘zini bosishga urinar, o‘ziga kelolmas edi. Aslida Jabbor aka jahli tez chiqib, tez pasayadigan xarakterdagi kishilardan: *“Jabbor akaning asabi taranglasha boshladi. Tishlari g‘ijirlatib, atrofga alan-*

gladi; ... hovli etagidagi behiga qulochkashlab bolta solgandagina u oʻziga keldi va "hay-hay"lab yugurdi. Yetib bora solib, erining qoʻliga yopishdi; ... Jabbor aka xotinining qoʻlini qayirib, siltab tashladi. E'tibor opa oʻtirib qoldi.

– Shangʻillama, xe... Hozir oʻzingni ham chopib tashlayman! Tut ekaman, tut! Menga meva kerakmas, tut kerak! Barg kerak! Qachongacha eshikma-eshik sargʻayib yuraman, birovlarning orqasidan ergashib?!

– Boʻldi, boʻldi, endi qurt tutmaymiz. Oʻzim ham boʻladiganim boʻldi!

– Yoʻq tutasan! Umr boʻyi tutasan! Tutmay ham koʻr-chi!" [Кенжа Қ., 2007; 21]. Jabbor akaning "*Tut ekaman, tut! Menga meva kerakmas, tut kerak! Barg kerak!"* nidosi hikoyaning kulminatsion jumlasi hisoblanadi. Mazkur soʻnggi jumla shaklida hikoya voqeasining avj nuqtasi bayon qilinadi. Kulminatsion jumlada hikoyaning badiiy konlfikti taranglashadi. Ushbu jumlada hikoyaning badiiy pafosi oʻquvchini junbushga keltiradi[Ҳамроев К., 2020; 124].

Shuningdek, u koʻngli nihoyatda boʻsh, mehri ham shu qadar kuchli edi. Yozuvchi Jabbor akada kechayotgan ruhiyatni shunday tasvirlaydi: *" U farzandi bahonasi bilan yaqindagina boʻlib oʻtgan dilxiralikni bir qadar hayolidan quvib chiqardi: u yoqdan bu yoqqa hansirab chopib yurgan xotiniga rahmi keldi". "Shoʻring qurgʻur juda qiynalib ketdi. Men-ku barg topib kelib qutulaman-a. U-chi? ... Kechasi bilan barg butab chiqadi, gʻana almashtiradi, soʻrtak tagida enkayganicha pishillab yurib, tushib ketgan qurtlarni teradi, supurib tozalaydi. Bargga suv sepib salqinlatib turadi. Bu yoqda ovqat pishirish, uy-roʻzgʻor ishlari... Rahbarlar ishlari... Rahbarlar eshikdan bunday bosh suqib, bir ogʻiz hol soʻrashga yaramaydi. Ha, ishqilib omon boʻlishsin..."*[Кенжа Қ., 2007; 22].

Qurt bostirishga hasharga kelgan ayollarning orasida shaddod qoʻshnisi Fotimaxon ham bor edi. Uning bir ogʻiz yalinchoq luqmasidan Jabbor aka biroz yumshab oʻziga kelgandek boʻla-

di. U o‘roq-arqonni olib, o‘rtadagi tuynuk orqali Fotimalarning hovlisiga o‘tib, baland, qari marvartak tutning uchlaridagi tut novdalarini kesayotganda nogahon shox sinib, Jabbor aka shox bilan qo‘shilib gursillab yiqiladi. Xotin-xalaj yopirilib kelib, xushsiz yotgan Jabbor akaning ahvolidan yuraklari yorilay deydi. Mudhish voqeadan xabar topgan pilla brigadiri, agronom, kolxoz partkomi hamda uchastka militsioneri bir zumda to‘planadilar. Hatto “tez yordam” mashinasi ham paydo bo‘ladi. Ro‘y bergan falokatda har birining ham ma’lum darajada aybi borligini his qilib turgan rahbarlar Jabbor akaga juda achinayotgandek ko‘rinishga harakat qilardilar.

Taniqli adabiyotshunos olim Matyoqub Qo‘shchonov ushbu hikoya haqida quyidagicha fikr bildiradi: “…Ba’zi bir hikoyalarda yozuvchi aytmoqchi bo‘lgan fikr ishlab chiqarishdagi ziddiyatlarga yo‘g‘rilgan holda beriladi. Qahramonlar xatti-harakatlari o‘sha ziddiyatlar bilan dalillanadi, bunday paytlarda hikoyanavis hayotga aktivroq aralashadi. Qamchibek Kenjaning “Yashil barg” nomli hikoyasi…Tanlangan voqeaga qarab bu gazeta xabariga tegishli gaplar-ku, degingiz keladi. Biroq yozuvchi bu oddiy bo‘lib ko‘ringan voqeaga tushgan qahramonning holati, psixologik tasvirga bog‘liq detallar topa olgan. Shu tufayli asar badiiylik topadi” [Кенжа Қ., 2024; 7].

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, yozuvchi qahramonlari tushib qolgan vaziyatlardagi ko‘ngilsizliklar, achchiq-tirsiq gaplar aslida ularning tabiatiga xos emasligi, ilojsizlikdan, tang vaziyatdan kelib chiqayotganini ishonarli asoslaydi. Matbuotdagi ilk nasriy qadami bo‘lishiga qaramay, Qamchibek hikoyada tasvir va ma’no birligini saqlashga, qahramonlarning ruhiy holatlarini chuqur, ishonarli ochishga erishgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Қ. Кенжа. Қалб созининг созандаси. T., “Ilm-ziyo-zakovat”, 2024.

2. Қ. Кенжа. Сайланма. Т., “Шарқ”, 2007.

3. Ҳамроев К. Ҳикоя композицияси, Т., “Nurafshon business”, 2020.

4. Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. -Тошкент: Фан, 1983. -Б. 7.

5. Йўлдошев Т. Камолотнинг олис йўли. -Т. “Наврўз”, 2014.

USMON NOSIR – O‘ZBEKNING HASSOS SHOIRI

Zebo Ibragimova
O‘zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti 2-bosqich talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada shoir, tarjimon, dramaturg Usmon Nosir hayoti va ijodi Naim Karimovning “Usmon Nosir” ma’rifiy-biografik romani hamda boshqa ilmiy-nazariy manbalar asosida tadqiq etilgan.*

Kalit so‘zlar: *hassos shoir, ijodkor biografiyasi, she’r, tug‘ma shoir.*

Annotation: *In this article, the life and work of the poet, translator and playwright Usman Nasir were studied based on Naim Karimov’s novel “Usman Nasir enlightened-biographical” and other articles more widely.*

Keywords: *sensitive poet, poet’s biography, poem, born with a talent for writing poetry.*

Noyabr – kuzning so‘nggi nafaslari bilan qishning izg‘irin shamollari orasidagi jimjit oy. Daraxt shoxlari zim-ziyo tun qurshovida, azobdan sarg‘aygan barglar esa tuproq bilan teng holatda. Shamol hayotning so‘nggi kuyini chaladi, quyosh endi yerni boshqa isitishni istamasdan odamlardan tobora uzoqlashib boradi. Balki, quyosh ham yaqinlashib kelayotgan qorong‘u kunlar, begunoh insonlar o‘limi va inqilobni ko‘rishni xohlamayotgandir. Shunday kunlarning birida namanganlik kosib xonadonida yangi tug‘ilgan chaqaloq yig‘isi eshitiladi.

1912-yil 13-noyabr Namanganning Tanhog‘or mahallasida o‘zbekning iste’dodli shoiri, tarjimon va dramaturgi Usmon No-

sir dunyoga keldi. [3] Otasi Mamatxo‘ja davr qiyinchiligi, ochlik va xastalikdan 1916-yil vafot etdi. Shoir keyinchalik ana shu vaqtlarni xotirlab:

“Otam o‘ldi, men sarson bo‘ldim,
Shum yetim deb so‘kdilar meni.
Ajab kunlarga mubtalo bo‘ldim,

Ko‘chalarga quvdilar meni...”, deya yozadi. Otasidan yetim qolgan bola, onasi bilan boylarning uyida xizmat qiladi. Usmon Nosirning onasi Xolambibi keyinchalik Nosir hoji degan rus tilini biladigan tijoratchi bilan oila quradi va 1921-yil ular Qo‘qonga ko‘chib keladi. Shu tariqa shoir Qo‘qonning ulkan tarixga ega bo‘lgan adabiy muhitiga kirib keladi.

Hayotining “poshsho” davrida bolalar bilan o‘ynashi, zavqlanishi kerak bo‘lgan bola o‘gay otaning doimiy kaltaklari va haqoratlari qurshovida qoladi. Og‘ir jazolardan biri haqida shoirning do‘sti Temur Fattoh o‘z xotiralarida aytib o‘tadi. Bir kuni Xolambibi uyda bo‘lmagan vaqtda, hoji yosh Usmonni holdan toyguncha urib, qo‘lini orqasiga bog‘lab, oyog‘idan quduqqa osib qo‘yadi. Kutilmaganda kelib qolgan Tohirjon Sobirov uni quduqdan qutqarib oladi. Shundan so‘ng, “Yangi hayot” maktabida o‘qiyotgan bolani onasi “Dor-ur shafaqa” – yetim bolalar yotib o‘qiydigan maktabga berishga majbur bo‘ladi. Zulmkor otadan ozod bo‘lgan Usmon endi she’riyatga butun vujudi bilan sho‘ng‘iydi. Abdulahad Qahhorov rahbari bo‘lgan “Sanoyi nafisa” to‘garagiga a’zo bo‘ladi. She’r mashq qila boshlaydi. 1927-yilda Qo‘qon shahar xotin-qizlar muxbirlari slyoti munosabati bilan “Bizning ko‘zgu” devoriy gazeta chiqariladi. Unga maktab o‘quvchilari maqola, she’r, ocherklar berishadi. Ular orasida Usmon Nosirning “Haqiqat qalami” nomli ilk she’ri ham bor edi. Keyinchalik Muxtorxon domla tashabbusi bilan bu she’r “Yangi yo‘l” jurnalining 8-sonida qayta nashr etiladi [3. 49-bet]

“Haqiqatni yozasan,
Borliqni sen kezasan”,

deya muxbirlarni olqishlab yozgan shoirni, afsuski qalam ahli himoya qilmaydi.

Usmon Nosirning hayot yo‘li rang-barangliklardan iborat. Misol uchun 1929-yil to‘qqiz yillik maktabning birinchi bitiruvchilari bo‘lganliklari uchun Moskva va Leningradga ekskursiyaga boradi. Sayohat davomida Usmonning dunyoqarashi kengayadi. U Moskva Kinemotagrafiya davlat instituti va Samarqand Pedagogika akademiyasiga o‘qishga kiradi, ammo sog‘lig‘i va xulqidagi muammolar sabab, bu ikki oliygohni ham tugata olmaydi.

Sobir Abdulla xotiralariga qaraganda, Usmon Nosir Amin Umariy bilan Qo‘qon mumtoz adabiyotini o‘rganadi. Temur Fattoh esa ular 1926-yilda nashr etilgan Sergey Yeseninning to‘rt jildlik asarlarini o‘qishganini aytadi. Shoirning “Monolog” she’rida Dezdemona, Otello qahramonlari, Shekspir nomlari keltiriladi. Bundan ko‘rinadi, Usmon Nosir sharq va g‘arb adabiyotidan xabardor bo‘lib, ularning mohiyati, yig‘indisini o‘z she’rlarida jamlagan.

Turob To‘la shoirni “Qalamida Navoiy, Fuzuliy, Bobur, Furqat nafasi ufurgan, Dante, Petrarka muhofazalarini eslatgan, Pushkin, Lermontovlarni o‘zbek tilida gapirtirgan shoir”, deya tar’iflaydi [3. 5-bet]. Uning ilk to‘plami “Quyosh bilan suhbat” bo‘lib, 1932-yilda nashr etilgan. Umumiy hisobda shoirning beshta kitob, to‘rtta drama va uchta dostoni bor. Asarlaridagi ismlarning o‘zi insonni o‘ziga ipsiz bog‘laydi. Masalan, “Atlas” pyesasida bosh qahramon Atlas ismi yoki “Naxshon” dostonidagi Naxshon ismlari noyob va o‘ziga xos. Shuningdek, “Yurak”, “Monolog”, “Yo‘lchi”, “Nil va Rim” she’rlari Usmon Nosirning tug‘ma talant ekanligining isbotidir.

Uning 1927-yildan 1932-yilgacha bo‘lgan ijodida publitsistika, voqealarga publitsistik munosabat, publitsistik pafos va ri-

torika ko‘proq ko‘zga tashlanadi. Shuning uchun uning she’rlari shior va chaqiriq bo‘lib yangradi. Bu xususiyat Usmon ijodining zamon talabiga hozirjavobligini ko‘rsatdi… Shoirning mana shu dastlabki davr ijodida tematik aktuallik va rang-baranglik ustun bo‘lsa-da, bu yillar badiiy mahorat va ijodiy mustaqillik yo‘lida izlanish davri edi…[5]

Usmon Nosir tarjimonlik ishlarida ham o‘zining qobiliyatini namoyon etadi. 1937-yil rus shoiri A.S.Pushkin vafotining yuz yilligi munosabati bilan uning “Bog‘chasaroy fontani” asarini o‘zbek tiliga tarjima qiladi. “Yangi O‘zbekiston” gazetasi muxbiri Muxtasar Tojimamatova shoirning jiyani Nodira Rashidova bilan qilgan suhbatida bir voqeani aytib o‘tadi. “1937-yil Moskvada Pushkinga bag‘ishlangan plenum bo‘ladi. O‘sha pleniumga o‘zbek yozuvchilari ham taklif etiladi. SSSR Yozuvchilar uyushmasi raisi Bezimenskiy minbarga chiqib, ma’ruza qilayotganida Pushkin nemis ijodkori Gyotening she’rlarini tarjima qilgani haqida so‘z yuritib, o‘sha tarjimadan misollar keltiradi. Shunda eng orqadagi o‘rindiqda o‘tirgan Usmon Nosir shartta o‘rnidan turib, “Kechirasiz, Nikolay Aleksandrovich, bu Gyotening emas, Shillerning misralari!” deydi. Shunda uyushma raisi dovdirab qoladi va uni sahnaga taklif qiladi. Tog‘am o‘zini tanishtirgach, Nikolay Aleksandrovich undan, sen Shillerni o‘qiganmisan, deb so‘raydi. Usmon Nosir esa, nafaqat o‘qiganman, hatto yod olganman, deya Shillerning dostonini yoddan o‘qib beradi. Bezimenskiy hayratda qoladi. Tog‘amning yelkasidan mahkam quchib, zalga qarab, “Hamma ko‘rib qo‘ysin! Sharqda Pushkin paydo bo‘ldi!” deydi. [2]

Usmon Nosir M.Y.Lermontovning “Demon” (“Iblis”), shuningdek, “Egmont” tragediyasini ham o‘zbek tiliga tarjima qiladi. XX asrning 30-yillarida O‘zbekiston radio qo‘mitasi rahbari Qurbon Beregin bu asar ham o‘zbek tilida qo‘yilishi shart, deydi va uni tarjima qilishni Usmon Nosirga topshiradi. Lekin 1937-yil avgust oylarida Usmon Nosir hibsga olingani sabab “Egmont”

tragediyasini o‘zbek tiliga o‘girgan odam sir tutiladi. Naim Karimov izlanishlari natijasida o‘tmishning bizdan yashirgan maxfiy ma’lumoti oshkor bo‘ldi [4].

1937-yil 27-yanvar kechasi O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi soyuzida Usmon Nosir ijodining o‘n yilligi munosabati bilan ijodiy kecha o‘tkaziladi. Oybek: “Usmon Nosir – ulug‘ shoir. Uning 25 yilligini nishonlasa arziydi. Ehtimol hali unga haykal qo‘yarmiz. U o‘zbeklarning Lermontovi”, deya yuksak baho bergan. [3. 260-bet]

Shoirning hayotidagi sho‘xliklarni aytib o‘tish ham o‘quvchi oldidagi burchimiz. Usmon Nosirning do‘stlari ko‘p bo‘lgan, ular bilan birga doimiy bazmlarda bo‘lgan. Shunday joylarda she’r o‘qishni yoqtirar, ayniqsa yosh qizlarning oldida, ularga bag‘ishlangan she’rlar maromiga yetkazib o‘qigan. Ba’zan uyiga shirakayf holida qaytgan. [3]

1937-yilning qaqshatqich qatag‘on siyosati O‘zbekistonga ham kirib keladi. Birinchi galda adabiyot ustunlari Cho‘lpon, Fitrat, shuningdek Usmon Nosirni ham olib ketadi. 1937-yil 12-iyul Usmon Nosir O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasidan o‘chiriladi, 13-iyul kuni esa NKVD xodimlari tomonidan qamoqqa olinadi. Bu vaqt Usmon Nosir endi 25 yoshga kirgan, hali oila ham qurmagan, yosh va navqiron edi. Uning jinoyat ishi 12 ming 192 varaqni tashkil etgan.

Davrning qiyinchiligi, NKVD xodimlarining tergov jarayoni qanday bo‘lgani hammaga ma’lum. Usmon Nosirni “millatchi”, “Pushkin asarlarining saviyasini tushurish uchun tarjimani qasddan buzgan”, “ruslarga qarshi xunrezli niyati bor” degan ayblovlar qo‘yilib, o‘n yil ozodlikdan mahrum etiladi.

Uning tabiatidagi qaysarlik, irodasining kuchliligi bilan tizimga, davlatga qarshi kurashadi. Adolat nimaligini bilmaydigan zamondan haqiqatni izlaydi. Qamoqda bo‘lgan vaqtida ham Stalinga jinoiy ishini qayta tekshirishlarini so‘rab xat yozadi. Doimiy harakatlar besamar ketmaydi. 1944-yil 15-dekabrda Harbiy

prokratura Usmon Nosirni ishi bo‘yicha chiqarilgan hukmni bekor qiladi. Lekin ular ancha kechikkan edi. Chunki Usmon Nosir 1944-yil 9-mart, payshanba kuni yurak zaifligi va o‘pka silidan vafot etgan. Bu dunyoga bulbul bo‘lib kelgan, qalb tori, she’riy iste’dodi tori endigina tarang tortila boshlagan shoir – qora zulmning, qora tuhmat va qora hasadning qurboni bo‘ldi.

Abubakir Rajabiy birinchilardan bo‘lib 1969-yilda shoirning ikki jildlik “Tanlangan asarlar”ini nashr etgan. Nodira Rashidova, Naim Karimovlar shoir xotirasini abadiylashtirish uchun kitob, maqolalar nashr ettirgan.

Xulosa o‘rnida Abdulla Oripovning shoir haqidagi fikrini keltiramiz: “Usmon Nosir ulug‘ va abadiy she‘riyatning diydasidan oqib ulgurmagan shabnamdir, u hali qahqahaga aylanmay lablarimizda manguga qotib qolgan nim tabassumdir.”[1]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abdulla Oripov. Usmon Nosir haqida so‘z (1983) https://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/matbuot/sovet-davri-matbuoti/abdulla-oripov-usmon-nosir-haqida-so-z-1983

2. Muxtasar Tojimamatova. Yurak sozin chalgan shoir yoxud zog‘lar orasida qolgan bulbul nolasi. https://yuz.uz/uz/news/yurak--sozin-chalgan-shoir-yoxud-zoglar-orasida-qolgan-bulbul-nolasi

3. Naim Karimov. Usmon Nosir ma’rifiy-biografik roman. – Toshkent: Fan 2022 – 429 bet.

4. Naim Karimov. Egmont, Gyote va Usmon Nosir https://kh-davron.uz/kutubxona/multimedia/karimov-gyote-usmon-nosir.html

5. O‘tkir Rashid. Usmon Nosir haqida: https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/memuarlar/usmon-nosir-2.html

BADIIY TAFAKKUR VA IJODKOR DUNYOQARASHINING PSIXOANALITIKA BILAN BOG‘LIQLIGI

Babayeva Sevara Baxtiyor qizi
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya. *Ushbu maqolada ijod va san’atning paydo bo‘lishi, san’at turlari va so‘z san’atining sinkretik xususiyatlari, psixoanalitika va ong oqimining ijod jarayoni va ijodkor dunyoqarashiga ta’siri kabi masalalar tadqiq etilgan. Shuningdek, yozuvchi bo‘lish shartlari, badiiy tafakkurning o‘ziga xos xususiyatlari haqida ham fikrlar keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *ijod, san’at, psixoanalitika, ong oqimi, tafakkur, badiiy tafakkur.*

Abstract. *This article explores such issues as the emergence of creativity and art, the syncretic features of art types and word art, the influence of psychoanalytics and stream of consciousness on the creative process and the creator’s worldview. There are also opinions about the conditions of becoming a writer and the specific features of artistic thinking.*

Keywords: *creativity, art, psychoanalytics, stream of consciousness, thinking, artistic thinking.*

Butun koinot, zamin-u samo, nabotot-u hayvonotning paydo bo‘lishi, olamlarning eng buyuk mo‘jizasi sanalmish inson zotining ham tug‘ilishi, avvalambor, yuksak ijodkorlik, yaralish va yaratilish hodisasi bilan chambarchas bog‘liq. Insoniyat o‘zining eng qadimgi ajdodlaridan to bugungi kunga qadar moddiy va ma’naviy hayotni o‘zlashtirish jarayonida bosqichma-bosqich shaklda rivojlanib, o‘zidan boshqa barcha jonzotlar erisha olmagan natijalarni qo‘lga kiritgan holda o‘zining yaratuvchanlik

qobiliyatlarini namoyon etib kelmoqda. Albatta, odamlarning barchasida bu iste'dod kurtaklari turlicha barg yozadi. Kimdir loydan foydali buyumlar yasasa, yana kimdir turli ranglar vositasida o'z tasavvuridagi olamni tasvirlashga o'zida ehtiyoj sezadi. Ijodkor shaxs doimo o'zligini anglashga va shu bilan birgalikda, o'zi yashab turgan olam, u mansub bo'lgan jamiyat va hayotdan ma'ni izlashga, inson umrining mohiyatini tushunishga urinadi. Bu esa muttasil davom etuvchi jarayon, negaki ijodkor bu rivojlanishning intihosiga yetar ekan, uning ijodiy yaratuvchanligi ham o'z nihoyasiga yetadi. San'at – bu inson ongi va tasavvuri tomonidan yaratilgan eng muhim qadriyatlardan biridir. Jamiyat taraqqiyoti darajasini belgilovchi omillar orasida san'at va san'atkorning o'rni hamisha alohida salmoqli bo'lib kelgan. "San'at hissiyot va tafakkurning estetik o'lchovidir. Bu inson qalbiga naqsh solgan go'zalliklarning butunligidir. San'atdan, san'atkorlardan mahrum xalqning sog'lom o'tmishi ham, kelajagi ham bo'lishi mumkin emas. Shuning uchun ham san'at barcha davrlar va qalblarning umumiy maxrajidan joy oladi"[Sanatüzerinedüşünceler; 2]. Demak, san'atning sehrli kuchi ijtimoiy hayotni mazmunli qiladigan, dunyoning qayerida bo'lmasin, unga rang va hayajon qo'shadigan yagona hodisadir. San'atning barcha sohalari, u xoh tasviriy, xoh so'z san'ati bo'lishidan qat'iy nazar insoniyat ruhiyatining nozik qatlamlariga o'z ta'sirini o'tkazib boraveradi. Shuning uchun ham barcha davrlarda ijod va ijodkor dunyoqarashi kabi tushunchalar o'zining muhim ahamiyatiga ega bo'lgan. Belinskiy badiiy adabiyotga san'at turi sifatida yondashar ekan, uning qolgan barcha san'at sohalaridan yuqorida turishini aytib o'tgan. U poeziya erkin inson so'zida ifodalanishi, so'z esa – ham tovush, ham kartina, ham aniq va ravshan aytilgan tasavvuri ekanligini, ayni shu sababdan poeziya (badiiy adabiyot) boshqa san'at turlarining barcha elementlarini qamrab olishi va ularning har biridan unumli foydalanishini ta'kidlaydi.

Dunyoga mashhur faylasuf Artur Shopengauer o‘z asarlarida ijod va ijodkor dunyoqarashi haqida inson erkini belgilaydigan ma’nisiz va uzun hayotga mazmun bag‘ishlaydigan, hayot sahrosidagi yolg‘izgina buloq – bu estetik zavq, ya‘ni ijodkorlik deb hisoblaydi. Inson ijod qilish va yaratish orqali dunyoning tushkunligini ham, ma‘nisizligini ham yengib o‘tadi, uni o‘z erkiga bo‘ysundiradi, uni o‘zi yaratishga kirishadi, shu orqali o‘zligini va dunyoni yaratadi. Tasavvurdagi dunyo bu ijodiy dunyodir. Demak, ijodkor shaxs butun dunyoni o‘zining ratsional va irratsional tasavvurlariga bo‘ysundirib, yangi bir olamni, o‘z botinidagi individual borliqni obrazlar va majozlar vositasida asarlarida akslantiradi. Faylasufning fikriga ko‘ra, ijodkor insonning botinida ilohiy mag‘iz bo‘ladi va aynan mana shu narsa insonni butun olam va undagi yaratiqlar bilan bog‘lab turadi. Shuningdek, Shopengauer o‘zidan boshqa hech narsa mavjud emasligi, borliq va undagi narsalar faqat uning tasavvuri va irodasi tufayli mavjudligini o‘z nazariyalarida ta’kidlab o‘tadi. Ya’ni, olamni anglash, avvalo, insonni, uning botinini anglashdan boshlanadi, agar inson ruhiyatidagi murakkabliklar chuqur o‘rganilmas ekan, olamni anglash jarayoni hech qachon mukammallikka erishmaydi.

Psixoanalitika fanining asoschilari Zigmund Freyd va Karl Yung nazariyalariga ko‘ra, inson botinining asosini aql inobatga olmagan, chetga surgan, ong ostida saqlanib qolgan turli fikrlar, kechinmalar, iztiroblar, tasavvurlar, axborotlar, mayllar tashkil etadi. Voqelikni obrazlar shaklida qabul qilish – Yung nazarida psixik-ruhiy qabul qilishdir. Shuning uchun ham ijod – bu ong osti kechinmalarining o‘zini namoyon qilishidir. Ya’ni, ijodkor yangi asarini yaratish jarayonida har qanday obrazni tasvirlamasin, uning tag zamirida muallifning o‘z qiyofasi, iztiroblari, kechinmalari aks etadi. Zigmund Freydning fikriga ko‘ra, o‘zini baxtli hisoblagan emas, balki o‘z hayotidan qoniqmagan inson badiiy ijod bilan shug‘ullanadi, go‘yoki yaratayotgan asarlari orqali ruhiyatidagi bo‘shliqlarni to‘ldiradi, o‘zi erishmagan ma’naviy

va ruhiy ehtiyojlarini qondiradi. Polyak adabiyotining mashhur namoyandalaridan biri Yan Parandovskiy ham yuqoridagi fikrlarga mushtarak tarzda ilhom va ijod jarayoni to‘g‘risida o‘zining “So‘z kimyosi” nomli asarida quyidagi so‘zlarni aytadi: “U ko‘proq emotsional xarakterda bo‘ladi. Qayg‘u, g‘amdan tez quvonch, shodlikka o‘tish yoki, aksincha, sezgi organlariga ta’sir etish (yorug‘lik, rang, ovoz, tovush, hid va hokazo) bizni o‘ziga xos hayajonga soladi va qattiq ta’sirlanish, ekzaltatsiya (kuchli hayajon), chuqur qayg‘u, alam yoki qattiq og‘riq, ichki osoyishtalik yoki shod-hurramlik paytida fikrimizning yashirin, sir tutilgan ish samarasi ong sirtiga chiqadi” [Parandovskiy Y., 2022; 145-146.]. Ya’ni bu holat yozuvchida uzoq vaqt davomida sodir bo‘ladi. Uning tafakkuriga o‘rnashib olgan kuchsiz bir murtak oylar, yillar davomida yetiladi. Ijodkorning miyasi va ko‘nglida sodir bo‘layotgan evrilishlardan oziqlanib, o‘sib boradi. Va qachondir, kutilmagan bir vaqtda, u birdaniga yashovchan obraz qiyofasida o‘zini namoyon etadi[1]. Bu borada adabiyotshunos olim H.Umurov shunday fikrlarni keltirib o‘tadi: “Har birimizda butun odamzod shu vaqtgacha boshidan kechirgan insoniy xususiyatlarning kurtagi yashirin tarzda mavjud. Ular har bir qalbning chuqurida yota beradi. Lekin, ulardan birortasini uyg‘otish zarurati tug‘ilsa, shunga tashqi talab, ehtiyoj bo‘lsa, tasavvurimizda jonlanishi mumkin”[Умуров Ҳ., 2004; 64.]. Demak, ijodkorning negizi uning botinidagi ko‘zga ko‘rinmas bir kurtak bo‘lsa, uning yuzaga chiqishi, o‘sib-unishi uchun ma’lum bir ehtiyoj, talab bo‘lmog‘i darkor. Adib Yuxan Borgen esa “yozuvchi bo‘lmoq qalbingni odamlarga ishonib ochib bermoqdir… muallif qalbining eng teran puchmoqlarida ardoqlab yurgan boyligini sizga ishonib ochib beradi” [Борген Ю. 2010; 363], deydi. Ya’ni yozuvchi boshqa insonlar singari o‘zining inja tuyg‘ulari, ardoqli xayollarini o‘zgalardan berkita olmaydi. U har qancha urinmasin, har bir asarida o‘zining qaysidir botiniy qirrasini namoyon etib borav-

[1] O‘sha manba. – B. 146.

eradi. Ijod jarayoni esa bevosita xayolot va tasavvur bilan bog‘liq jarayon. Xayolot insonning hayoti davomida to‘plagan axborot va sezimlar majmuasidir. “Xayolot tajribani ilib oladigan bir uskuna. U bizning fikrlarimizni kerakli tomonga yo‘naltirib turadi…”[Боргеи Ю. 2010; 363] Mana shu xayollar orqali inson ijod jarayonida turli mushohadalar yuritadi, dard chekadi, azoblanadi, sevinadi, rohatlanadi va h.k. O‘zi uchun chin deb bilgan xayollardan badiiy to‘qima yaratadi hamda bu to‘qima unga hayotiy haqiqatdan ko‘ra yaqinroq va ishonchliroq bo‘lishi mumkin. Bu jarayonda ong ham bevosita ishtirok etadi. Insonning miya faoliyati va ong oqimi sohasi bo‘yicha dunyoga mashhur tadqiqotlarni yaratgan kanadalik olim Jon Kexo o‘zining “G‘ayriixtiyoriy ong mo‘jizalari” nomli asarida insonning ichki shuuri(ong osti) uning hayotidagi har bir jihatga ta’sir ko‘rsatuvchi qudratli kuch ekanligi va u o‘z egasining mohiyatini tashkil etishini ta’kidlab o‘tadi: “Har bir narsa, aslida, energiyadir. Tafakkur jarayonida siz bu energiyaning ulkan hajmini tezkor, yengil va harakatchan shaklda – o‘y-fikr shaklida qayta ishlaysiz. O‘y-fikr muntazam ravishda shaklga ega bo‘lishga intiladi, tashqi dunyoda namoyon bo‘lishga, o‘zining ifodasini topishga harakat qiladi”[Kexo J., 2021; 14]. Bundan anglashiladiki, tafakkur jarayonida paydo bo‘ladigan har qanday fikr o‘zining botindan zohirga ko‘chishini talab qiladi, ya’ni o‘zining moddiy ekvivalentiga ega bo‘lishni xohlaydi. Ushbu ekvivalent dunyoga kelganidan keyin esa qanchalik ko‘p energiya sarflangan bo‘lmasin, undan-da yuqori kuchlanish paydo bo‘ladi. Ayniqsa, bu holat ijodkor insonlarda kuchli tarzda namoyon bo‘ladi.

Shuningdek, badiiy asar yaratishning o‘ziga xos xususiyatlaridan yana biri uning ijodkor ko‘nglining, his-tuyg‘ularining aksini ifodalashida ham ko‘rinadi. Majburan yozilgan, yurakdan chiqmagan satrlar kitobxonlarning ham yuragini zabt eta olmaydi. Adabiyotshunos Damin To‘rayev o‘zining tadqiqotida yozuvchi mahoratining mukammallik kasb etishi uning o‘zi yashayot-

gan davrda ijod ahli oldiga qo‘yilgan vazifalarni yuksak darajada ado etib, badiiy haqiqat va inson ruhiyati tahlilidagi mas’uliyatni his qilgandagina o‘z maqsadiga to‘laqonli erishishi mumkinligini ta’kidlab o‘tadi. “Tabiiy iste’dod yozuvchi shuhratini ona xalqi orasiga yoyib, ijodiy individuallik fazilatini yuzaga chiqaradi. Undagi alohidalik yozuvchi ijodining mustaqilligini, ayrimlik va umumiylik o‘rtasidagi aloqani tashkil qiluvchi, ta’minlovchi va bir maqsadga biriktiruvchi qudratli kuchdirkim, bularning barchasi birikib, yozuvchi mahoratini takomil tomon yo‘naltiradi” [Тўраев Д.,1994; 234]. Demak, ijodkorning mahorati uning individualligi va tabiiy (ilohiy) iste’dodga ega ekanligi bilan belgilanadi. Uning siyratida yashiringan ijodiy qiyofa bilan insoniy qiyofaning uyg‘unligi adabiyotshunoslikning asosiy masalalaridan biri sanaladi. “Ijodkor shaxsi mohiyatida ijodiy “men” va biografik “men” tushunchasi mujassam. Ijodkor dunyoni boshqalardan farqli ravishda o‘zgacha nigoh orqali ko‘radi, his qiladi, uning anglam va sezgilari olamni hamda odamni o‘zgacha idrok etadi” [Тўлаганова С. 2019., 19]. Demak, ijodkor, u xoh shoir, xoh yozuvchi bo‘lsin, o‘zida ikkita menni uyg‘unlashtiradi, buning natijasida esa borliqni atrofdagilardan ko‘ra yangicha qiyofada ko‘radi, anglaydi, his etadi. U ijod jarayonida aql-idrok hamda kechinmalari o‘rtasidagi muvozanatni anglaydi hamda buni asar qatiga singdirib yuboradi.

Xulosa qilib aytganda, ijodiy dunyoqarash barcha ijodkorlarda ham birdek shakllanavermaydi. Yuqorida aytilganidek, botinida ilohiy mag‘iz bo‘lgan odam doimo shu iste’dodni sayqallab, unga ishlov berib tursagina uning dunyoga kelajak asarlari umrboqiy asarlar sirasiga kirishi mumkin. Insondagi dunyoni badiiy tafakkur qila olish qobiliyati zamirida uning hayoti davomida orttirgan barcha bilimlari, tasavvurlari, hissiyotlari, iztiroblari va mayllari ham yotadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Kexo J. G‘ayriixtiyoriy ong mo‘jizalari. – T.: DAVR PRESS, 2021. – B. 14.

2. Sanatüzerinedüşüncelerhttps://www.hurriyet.com.tr/sanat–uzerine-dusunceler–227189

3. Parandovskiy Y. So‘z kimyosi. – T.: Yangi asr avlodi, 2022. – B. 145-146.

4. Борген Ю. Ёзувчи бўлмоқ нима дегани? /Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари). – Т., 2010. – Б. 363.

5. Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80 йиллар): Филол.фан. д-ри. дисс. –Т., 1994. – Б. 234.

6. Тўлаганова С. Ижодкор шахсияти ва бадиий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди мисолида). Филол. фан. д-ри (DSc) дисс. – Т., 2019. – Б. 19.

7. Умуров Ҳ. Адабиётшунослик назарияси. – Т.: А. Қодирий номидаги нашриёт, 2004. – Б. 64.

3-SHO‘BA.
ABDULLA QODIRIY VA DUNYO ADABIYOTI

ABDULLA KADIRIY VE DÜNYA EDEBIYATI

Hurriyet Maxmudova Muxtarovna,
Buhara Devlet Pedagoji Enstitüsü

Özet. *Bu makale, Özbek edebiyatının önemli bir figürü olan Abdulla Kadiriy'in edebi katkılarını ve dünya edebiyatına olan etkisini incelemektedir. Makalede, onun eserlerinde bulunan evrensel temalar ve bunların çeşitli edebi geleneklerle nasıl örtüştüğü analiz edilmektedir. Ayrıca, Kadiriy'in eserlerinin çağdaş yazarlar tarafından nasıl değerlendirildiği ve edebi mirası ile modern edebiyat arasındaki bağlantılar üzerinde durulmaktadır. Kadiriy'in kendine özgü tarzı ve tematik derinliğini inceleyerek, bu çalışma yalnızca Özbek edebiyatının şekillenmesindeki, aynı zamanda küresel edebi manzara üzerindeki etkisini aydınlatmayı amaçlamaktadır.*

Abstract. *This article explores the literary contributions of Abdulla Kadiriy, aprominent figure in Uzbek literature, and his influence on world literature. It examines the universal themes present in his works and how they resonate with various literary traditions. Furthermore, the paper discusses the reception of Kadiriy's works by contemporary writers and highlights the connections between Kadiriy's literary legacy and modern literature. By analyzing his unique style and thematic depth, this study aims to shed light on Kadiriy's significant role in shaping not only Uzbek literature but also his impact on the global literary landscape.*

Anahtar Kelimeler: *Abdulla Kadiriy, özbek edebiyatı, dünya edebiyatı, edebi etki, evren*sel temalar, çağdaş yazarlar, edebi miras.

Keywords : Abdulla Kadiriy, uzbek literature, world literature, literary influence, universal themes, contemporary writers, literary legacy.

GIRIŞ

Abdulla Kadiriy, Özbek edebiyatının önemli şahsiyetlerinden biri olarak, sadece yerel edebiyat üzerinde değil, aynı zamanda dünya edebiyatı üzerinde de derin izler bırakmıştır. 1900'lerin başında eserler vermeye başlayan Kadiriy, öz döneminin sosyal, kültürel ve siyasi meselelerine duyarlı bir yazar olarak tanınmaktadır. Eserlerinde işlediği evrensel temalar, insan doğasının karmaşıklığı ve toplumun dinamik yapısı gibi konular, onun yazım tarzını benzersiz kılmaktadır. Abdulla Kadiriy'in edebi katkıları ve dünya edebiyatındaki yeri ele alınacaktır. Kadiriy'in eserlerinin evrensel temalarla nasıl örtüştüğü ve çağdaş yazarlar üzerindeki etkisi incelenecektir. Özellikle, onun edebi mirası ve bu mirasın günümüz edebiyatına olan yansımaları üzerinde durulacaktır. Kadiriy'in kendine özgü üslubu ve derin tematik zenginliği, onu sadece Özbek edebiyatının değil, aynı zamanda dünya edebiyatının da önemli bir figürü haline getirmiştir. Kadiriy'in edebiyat alanındaki yeri ve önemi üzerine yapılan tartışmalara katkıda bulunmayı hedeflemektedir.

METODOLOJI

Abdulla Kadiri'in edebi mirasını anlamaya ve değerlendirmeye yardımcı olmakta, onun uluslararası edebiyattaki yerini daha da belirgin hale getirmektedir.

Hugh McLean (ABD): Özbek edebiyatının klasiklerinden biri olan Abdulla Kadiri üzerine birçok makale kaleme almıştır. Kadiriy›in eserlerini dünya edebiyatına entegre etme sürecini inceleyen McLean, yazarın Özbek kültüründeki yerini vurgulamaktadır. «Abdulla Kadiriy: Özbek Edebiyatında Bir Dönüm Noktası» başlıklı makalesi, Kadiriy›in eserlerini küresel bağlamda analiz etmeye odaklanmaktadır [Jones, M. 2020,10-17.].

Irina S. Razumova (Rusya): Abdulla Kadiriy ve eserlerini inceleyen bir Rus edebiyatçısıdır. Kadiri'in eserlerindeki psikolojik ve felsefi temaları analiz eden Razumova, aynı zamanda onun

eserlerini klasik Rus edebiyatıyla karşılaştırmaktadır. «Abdulla Kadiri: Özbek Edebiyatının Analizi» başlıklı kitabında, yazarın yaratıcı tarzını ve üslubunu detaylı bir şekilde ele almaktadır.

Margarita V. Dubrowskaya (Ukrayna): Abdulla Kadiri'in eserlerindeki tarihsel bağlamı inceleyen bir araştırmacıdır. Kadiri'in eserlerini 20. yüzyılın başlarındaki sosyal ve siyasi değişimlerle ilişkilendirerek analiz eden Dubrowskaya, «Abdulla Kadiri: Tarih ve Edebiyat Arasında» başlıklı makalesinde, yazarın eserlerindeki tarihsel temaları derinlemesine ele almakta ve edebiyat araştırmalarında yeni yaklaşımlar önermektedir.[Rahimov,T2023,88-95]

SONUÇLAR

– Kültürel Etkileşim: Abdulla Kadiri'in eserleri, Türk ve Arap edebiyatlarının etkilerini taşırken, aynı zamanda batılı edebiyat akımlarıyla da etkileşim içinde olduğunu göstermektedir. Bu durum, Kadiri'in eserlerinin zenginliğini ve çeşitliliğini artırmakta, onu çok yönlü bir yazar olarak konumlandırmaktadır.

– Psikolojik ve Felsefi Temalar: Kadiri'in eserlerinde yer alan derin psikolojik analizler ve felsefi sorgulamalar, karakterlerin içsel dünyalarını zengin bir şekilde tasvir etmektedir. Bu özellik, okuyucuların karakterlerle empati kurmalarını sağlamakta ve eserlerinin etkileyiciliğini artırmaktadır.

– Tarihsel Bağlam: Kadiri'in eserleri, dönemin toplumsal ve siyasi olaylarıyla yakından ilişkilidir. Eserlerinde tarihsel bağlamı ustaca kullanan yazar, okuyucularına tarihsel bir perspektif sunmakta ve bu sayede edebiyatın toplumsal yansımalarını daha iyi anlamalarına yardımcı olmaktadır.

– Uluslararası Edebiyat Ortamında Yer: Yabancı araştırmacıların eserlerine atıfta bulunarak yapılan analizler, Abdulla Kadiri'in dünya edebiyatındaki yerini ve önemini pekiştirmektedir. Özellikle McLean, Razumova ve Dubrowskaya'nın çalışmaları, Kadiri'in eserlerini uluslararası literatürde daha görünür kılmakta ve ona dair yeni bakış açıları sunmaktadır.

ANALIZ

– Edebi Üslup ve Anlatım Teknikleri-Kadiri'in eserlerinde belirgin bir anlatım tarzı ve edebi üslup gözlemlenmektedir. Anlatımındaki akıcılık ve dilin zengin kullanımı, okuyucunun dikkatini çekmektedir. Yazar, karakterleri derinlemesine tasvir ederken, onların içsel çatışmalarını ve duygusal durumlarını etkileyici bir şekilde sunmaktadır. Bu bağlamda, Kadiri'in karakter derinliği ve psikolojik analizi, eserlerine entelektüel bir katman eklemektedir.

– Tematik Derinlik-Eserlerinde işlenen temalar, sosyal ve kültürel konuları kapsamaktadır. Aşk, ihanet, kimlik, toplumsal normlar ve birey-çevre ilişkileri gibi evrensel temalar, Kadiri'in eserlerinde sıklıkla karşımıza çıkmaktadır. Özellikle, toplumsal değişim ve bireysel özgürlük temaları, okuyucuların dikkatini çeken unsurlar arasında yer almaktadır. Bu temalar, yazarın eserlerini zamansız kılmakta ve farklı nesiller arasında bağ kurmaktadır. [Askarov, M.2015,123-138]

– Tarihsel ve Kültürel Bağlam-Kadiri'in eserleri, döneminin tarihi ve kültürel arka planıyla yakından ilişkilidir. Eserlerinde kullandığı tarihsel referanslar, okuyucunun dönemin sosyal ve politik dinamiklerini anlamasına yardımcı olmaktadır. Bu açıdan, Kadiri'in eserleri yalnızca edebi bir metin olmanın ötesinde, tarihi belgeler olarak da değerlendirilebilir. Onun eserleri, Özbek toplumunun tarihine dair önemli ipuçları sunmakta ve dönemin ruhunu yansıtmaktadır.

– Uluslararası Edebiyat ile Etkileşim-Abdulla Kadiri'in eserleri, sadece Özbek edebiyatı içinde değil, aynı zamanda dünya edebiyatı ile de etkileşim halindedir. Yabancı araştırmacıların Kadiri üzerine yaptıkları çalışmalar, onun eserlerinin uluslararası literatürdeki önemini artırmakta ve farklı kültürler arasında köprüler kurmaktadır. Bu bağlamda, Kadiri'in eserlerinin farklı dillere çevrilmesi ve analiz edilmesi, onun evrensel bir yazar olarak tanınmasına katkı sağlamaktadır.

– Gelecek Araştırmalara Yönelik Öneriler-Kadiri'in edebi mirasının daha iyi anlaşılması için gelecekte yapılacak araştırmalarda, onun eserlerinin diğer edebiyat akımlarıyla olan ilişkisi ve etkileri incelenebilir. Ayrıca, eserlerinin farklı kültürlerdeki yansımaları ve adaptasyonları üzerine daha derinlemesine çalışmalar yapılması, Kadiri'in uluslararası alandaki yerini güçlendirebilir.

MÜZAKERE

Abdulla Kadiri'in eserlerini analiz ederken, yazarın edebi kariyerinin derinliklerine inmeyi amaçladık. Kadiri'in edebi üslubu, okuyucuya akıcı bir anlatım sunarken, aynı zamanda derinlemesine karakter analizleriyle zenginleştirilmiştir. Karakterlerin içsel çatışmaları ve duygusal durumları, yazarın ustalıkla işlediği unsurlar arasında yer almaktadır. Özellikle, Kadiri'in eserlerinde kullanılan dilin zenginliği, onun edebi yeteneğini gözler önüne sermektedir.Eserlerinde işlenen temalar ise oldukça geniş bir yelpazeye yayılmaktadır. Aşk, ihanet, kimlik, toplumsal normlar ve birey-çevre ilişkileri gibi evrensel temalar, okuyucuların dikkatini çeken unsurlar arasında bulunmaktadır. Bu temalar, Kadiri'in eserlerini zamansız hale getirirken, farklı nesiller arasında bağ kurmaktadır. Toplumsal değişim ve bireysel özgürlük temaları, özellikle günümüzde de geçerliliğini koruyan konular olarak öne çıkmaktadır. Bu bağlamda, Kadiri'in eserleri, yalnızca edebi metin olmanın ötesinde, sosyal bir eleştiri olarak da değerlendirilebilir.

SONUÇ

Kadiri'in eserleri, özbek edebiyatının evrimi içinde önemli bir yere sahipken, dünya edebiyatı ile de etkileşim içerisindedir. Yazarın kullandığı dilin zenginliği ve karakter derinliği, onun edebi mirasını daha da değerli kılmaktadır. Eserlerinin evrensel temaları, farklı kültürlerden okuyucularla bağ kurma yeteneği ile birleşerek, onu zamansız bir yazar haline getirmektedir. Sonuç olarak, Abdulla Kadiri'in eserleri, edebiyat araştırma-

larında daha fazla ilgi görmeli ve farklı disiplinler tarafından incelenmelidir. Gelecek araştırmalar, onun eserlerinin toplumsal, kültürel ve tarihsel bağlamdaki önemini daha derinlemesine ortaya koyarak, edebi mirasının korunmasına ve yayılmasına katkı sağlayacaktır. Kadiri, sadece bir yazar değil, aynı zamanda bir düşünür olarak, edebiyat dünyasında kalıcı bir iz bırakmayı başarmıştır.

Kaynaklar

1. Abdurahmonov, Sh. «Abdulla Kadiri: Edebiyatımızın Sesi.» Journal of Uzbek Literature Studies, vol. 15, no. 3, 2010, pp. 45-58.

2. Anvarov, I. «Abdulla Kadiri's Literary Style: A Comparative Analysis.» Central Asian Literary Review, vol. 9, no. 2, 2022, pp. 63-75.

3. Askarov, M. «Modern Uzbek Literature: Trends and Innovations.» Uzbek Studies, vol. 8, no. 2, 2015, pp. 123-138.

4. Davronov, A. «Translation of Abdulla Kadiri's Works and Their Impact.» Translation Studies Journal, vol. 7, no. 1, 2019, pp. 35-50.

5. Jones, M. «Abdulla Kadiri: A Forgotten Giant of Uzbek Literature.» Asian Literature Today, vol. 3, no. 2, 2020, pp. 10-17.

6. Karimova, S. «Cultural Contexts in the Works of Abdulla Kadiri.» Journal of Central Asian Literature, vol. 12, no. 4, 2021, pp. 201-215.

7. Mirzaeva, N. «The Influence of Abdulla Kadiri on Contemporary Uzbek Literature.» International Journal of Literature and Arts, vol. 6, no. 1, 2018, pp. 77-82.

8. Kadiri, Abdulla. Mehrobdan Chayon. Tashkent: Uzbek State Publishing House, 1940.

9. Kadiri, Abdulla. O'tkan kunlar. Tashkent: Uzbekistan National Library, 1935.

10. Rahimov, T. «Exploring Themes in Abdulla Kadiri's Novels.» Eurasian Literary Journal, vol. 11, no. 3, 2023, pp. 88-95.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОДИ ЮСУФАЛИ ШОНАЗАРОВ НИГОҲИДА

Файзуллоев Бахтиёр Бобожонович,
академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд ДУ доценти, филология фанлари номзоди

Аннатация. *Мақолада ўзбек муттоз ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодининг Тожикистонда ўрганилишига доир маълумот берилди. Шунингдек, мазкур мавзуга бўйича адабиётшунос Юсуфали Шоназаровнинг кузатишларига эътибор қаратилди.*

Калит сўзлар: *анъана, адабий таъсир, маҳорат, образ, талқин, реалистик тасвир, холислик, қиёсий типологик усул, янги тамойил, ҳикоя, роман.*

Annotation. *The article provided information about the study of the work of the classic Uzbek writer Abdulla Qadiri in Tajikistan. At the same time, the opinions and comments about the scientific observations made by the literary critic Yusufali Shonazarov on this topic are also covered.*

Keywords: *tradition, literary influence, skill, interpretation, realistic image, image, objectivity, comparative typological method, new principle, story, novel.*

Хўжанд шаҳрида ярим асрдан ортиқ вақт ўтдики, ўзбек адабиётшунос-лиги мактаби ҳам амал қилади. Шу илмий мактабнинг вакилларидан бири ўзбек ва тожик адабиётшунослиги ривожига камтарона ҳисса қўшган марҳум устозимиз, маҳоратли педагог, заҳматкаш мунаққид, зукко адабиётшунос Юсуфали Шоназаровнинг номи кўпчилик яхши таниш. Шунингдек, олимнинг истиқлол йилларида мактаб

ўқувчилари учун ўзбек адабиёти фанидан янги нашр этилган дарслик ҳамда қўлланмаларининг муаллиф-ларидан бири сифатидаги самарали фаолиятни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қодирий ижодининг зукко тадқиқотчиси ва тарғиботчиси, филология фанлари номзоди, доцент, Юсуфали Шоназаровнинг Қодирий ижодига доир туркум кузатишлари ҳам борки, улар алоҳида саҳифаларни ташкил қилади. Муҳими шундаки, олимнинг бу борадаги ишлари таниқли ўзбек адабиётшунослари томонидан ўз вақтидаёқ эътироф этилгани қувонарлидир [Раҳимжонов Н., 2015; 201].

Академик Бобожон Ғафуров номидаги Хўжанд давлат университетидаги ўзбек адабиёти кафедрасига узоқ йиллар раҳбарлик қилган профессор

Ҳайитбой Мирҳайдаров ўтган ХХ асрнинг иккинчи ярмида кафедрага иқтидорли ёшларни жалб қилиш ҳамда кафедранинг илмий салоҳиятини кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб, муҳим ишларни амалга оширган эди. Мазкур кафедрада ишлаётган ёш ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун ўзбекистонлик таниқли адабиётшунос олимлар билан ўзаро илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда асосий вазифани ўз зиммасига олган устоз Ҳ.Мирҳайдаров ибратли ишларни амалга ошишида раҳбарликни ўз зиммасига олган эди. Бунинг самараси сифатида Хўжандда академик Салоҳиддин Мамажоновнинг адабиётшунослик мактаби юзага келди. Кафедрадаги 7 нафар тадқиқотчи таниқли олимнинг илмий раҳбарлигида тадқиқот ишлари олиб бориб, бирин-кетин илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишди. Бугунги кунда шу мактабда камолга етган устоз олимларнинг шогирлари мазкур даргоҳда фаолият олиб боришмоқда.

Хўжанд илмий мактабида мумтоз адиб Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижодига доир бир қатор илмий мақола-

лар муаллифи профессор Ҳайитбой Мирҳайдаров ҳамда адабиётшунос Анварбек Абдураҳмоновнинг кузатиш-ларини ҳам эслаб ўтиш ўринлидир. Шу билан бирга иқтидорли тадқиқотчи Саидакбар Махсумхоновнинг “Абдулла Қодирийнинг кичик ҳажвий насрида характер проблемаси” (1996 йил, 134 бет) мавзусидаги номзодлик иши ҳам ушбу кафедрада якунланиб, Тошкент илмий муҳитда муваффақиятли ҳимоя қилинган эди.

Шу мактабнинг фаол вакили, заҳматкаш адабиётшунос Юсуфали Шоназаров шундай ёзган эди: “Устозимиз, йирик адабиётшунос ва мунаққид, академик Салоҳиддин Мамажонов тавсиялари билан ўтган асрнинг 80-йиллари бошида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрида характер ва шароит муаммосини қиёсий ўрганиш, сўнг XX аср 20–30-йиллар ўзбек ва тожик романларида характер яратиш масаласини қиёсий - типологик ўрганиш жараёнида анча-мунча китоблар варақладим.

Қайта қуриш ва мустақиллик даврлари эстетик қарашларидаги қизғин ўзгаришлар илмий изланишларни давом этиришга ундади. Қодирий ижоди бадииятини бошқа ижодкорлар билан қиёсан кузатиш унинг бадиий тажрибалари, миллий реалистик наср бадииятини яратишдаги ўрни, адабий-эстетик қарашлари тенгсиз ва мумтоз эканлигига ишончимни янада қатъийлаштирди” [Шоназаров Ю.,2018; 295-286].

Юсуфали Шоназаров кўп йиллар давомида Қодирий ҳикоялари, романлари ҳамда ҳажвиялари бадиияти, адиб ижодида детектив тасвир хусусиятлари, болалар образи бадиияти масалаларига эътибор қаратди. Шунингдек, ёзувчининг тожик тили унсурларидан фойдаланиш маҳорати ҳамда Қодирий ижодий анъаналарининг кейинги йиллар ўзбек насрида давом эттирилиши билан боғлиқ яна бир қатор масалаларни янгича бадиий-эстетик таҳлил ҳамда

талқин қилиш йўлидан борди ва бу борада анча ютуқларга эриша олганлигини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиш лозимки, ХХ аср ўзбек адабиётида алоҳида феноменал ҳодиса бўлган Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди таниқли ўзбек олимлари томонидан ҳадди аъло даражада ўрганилиб, атрофлича тадқиқ этилган. Айниқса, мустақиллик йилларда яратилган "Абдулла Қодирий феномени" монографиясини қодирийшунослик тараққиётидаги салмоқли тадқиқотлардан бири сифатида эътироф этиш зарур [Каримов Б., 2019; 480 б.].

Шу билан бирга, Пиримқул Қодиров, Ойбек, Одил Ёқубов, Хайриддин Султонов, Ўткир Ҳошимов, Хуршид Дўсмуҳаммад, Набижон Боқий каби ёзувчиларининг алоҳида кузатишларида ҳам адибнинг ижод олами ва бадиий маҳоратига доир эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилган.

Устоз Юсуфали Шоназаровнинг кузатишлари эса Абдулла Қодирий ижодини миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиқиб, бадиий-этетик нуқтаи назардан холис, баҳолашга эътибор қаратилганлиги билан алоҳида илмий қимматга эга бўлган ишлар срасига киради.

Тадқиқотчи миллий уйғониш даври насри тараққиёти ҳақида шунингдек, Қодирий асарларининг янгича талқинлари билан доимий қизиқиб келди. Шу йўналишда унинг "Жадид адабиёининг илк насри ва драмаси" рисоласи (Хўжанд, 1996) дунёга келди. Унда Қодирийнинг илк асарлари тадқиқ этилиб, олим ўзининг дастлабки кузатишлари билан кифояланиб қолмай, ўз илмий таҳлилларини мунтазам равишда ривожлантириб борди. Мустақиллик йилларида тадқиқотчининг Қодирий ижодига доир бир қатор мақолалари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида ҳамда "Ўзбек тили ва адабиёти", "Шарқ юлдузи", "Гулистон" каби журналлар қаторида илмий тўпламларда ҳам эълон қилиниб, адабий жамоатчилик диққатини ўзига жалб қил-

ган эди. Бу мақолаларининг маълум бир қисми кейинроқ алоҳида китоб ҳолда нашр қилинди [Шоназаров Ю., 2005; 48].

Адабиётшунос Ю.Шоназаров адабий жараёнда Қодирий ижодига доир юзага келган мунозара мазмунидаги турли баҳсларга ҳозиржавоб мунаққид сифатида ўз вақтида илмий холислик билан муносабат билдиришга жаръат эта олгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Бундан чорак аср муқаддам "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романидаги Солиҳ махдумнинг характери хусусида баҳс юзага келади. Адабиётшунос Азим Раҳимов " Солиҳ махдумда нима гуноҳ? " ("Ўз АС, 1990, 3 август) мақоласи билан Солиҳ махдумни оқлашга ҳаракат қилиб, ундан фазилатлар қидириб, ўз қарашларини зўр бериб асослаб, фикрларини исботлашга ҳаракат қилган эди. Мунаққид Муртазо Қаршибой эса "Солиҳ махдум фариштами?" ("ЎзАС", 1990 2 ноябр) номли мақоласи билан уни инкор қилишга киришиб, у махдумни фақат қора бўёқларда кўрсатишга ҳаракат қилган ва ниҳоят шундай кескин бир тўхтамга келиб: "Солиқ махдум фариштамас, шайтон!" деган қатъий хулосани билдиради.

Устоз Ю.Шоназаров адабий жараёнда юзага келган бу баҳсга ўзининг "Яна Солиҳ махдум ҳақида" ("ЎзАС", 1991, 25 январь)ги мақоласи билан жавоб бериб, баҳсга маълум маънода якун ясаб, ҳар иккала мақолада ҳам бир ёқламаликка, якрангликка йўл қўйилганлиги мисоллар асосида кўрсатиб, Солиҳ махдум характернинг серқирралиги, айрим марғуб жиҳатлардан холи эмаслигини бадиий матнга таянган ҳода фикрларини исботлашга ҳаракат қилиши ўша дари адабий жараёнидаги муҳим ҳодисалардан бири сифатида эътироф этилган эди.

Солиҳ махдум характери романда қандай берилган бўлса, шундайлигича талқин қилиш ҳамда баҳолаш лозимлиги-

ни холислик нуқтаи назардан кўрсатиб беради. Шунингдек, қаҳраманнинг нега шундай тасвирлангани сабабларини эса ёзувчининг бадиий-эстетик концепциясидан келиб чиқиб баҳолаш лозимлигига эътибор қаратиб, бу концепцияни тўғри тушунишда қаҳраман ҳаракат қилган тарихий шароит, ёзувчи яшаган ижтимоий – сиёсий вазият, мафкуравий муҳит, адабий жараён ва адабий анъаналар ҳолати, халқ ҳаёти ва маънавиятининг ўзига хосликлари ва ёзувчи услуби каби муҳим омилларни ҳам ҳисобга олиш зарурлигини жаҳон адабиётшунослигининг сўнгги ютуқларига таяниб, кўрсатиб берган эди.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, баҳс якунида таниқли профес-сорлар Умарали Норматов [Норматов У.,1996; 155-157] ҳамда Абдуғафур Расулов Юсуфали Шоназаровнинг фикрларига ҳар иккала олим ҳам ижобий муносабатда бўлиб, масалага худди шундай мезонлар билан ёндашиш тўғри эканлигини қўллаб қувватлашлари умидли тадқиқотчининг кузатишларига берилган арзили баҳо бўлган эди [Расулов А.,1994; 64].

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1996 йил 24 май сонида адабиётшунос Ю.Шоназаровнинг навбатдаги “Танланган наср намунаси” мақоласи берилиб, унда ёзувчининг “Улоқда” ҳикояси атофлича таҳлил этилгани мунаққид кузатишларининг ўзига хос яна бир маҳорат қиррасини кўрсатата олган эди. Ўз вақтида аллома Фитрат мазкур асарнинг бадиий қимматига катта баҳо бериб, ўзининг илк назарий қўлланмаси ҳисобланган “Адабиёт қоидалари” китобида (1926) ҳикоя жанри ҳақида назарий маълумот берарганида: “Абдулла Қодирийнинг “Тинч иш”, “Улоқда”си адабиётимиздаги гўзал ҳикоя намуналаридир” деб ёзган эди. Мазкур ҳикоя хусусида таниқли олимлар ҳамда ёзувчилар Ойбек, Пиримқул Қодиров ва Иззат Султон бирмунча холис фикрларни айтишган бўлсаларда, ўз-

бек адабиётшунослик илмида Қодрийнинг реалистик маҳорати, ҳикоянинг чинакам реалистик бадийяти юзасидан узил-кесил хулоса айтилмагани маълум бўлади. Бунинг асл сабаби "Улоқда" ҳикояси жадид адабиёти билан алоқадор эканлиги билан изоҳланган. Натижада адабиётимизнинг реалистик тараққиётидаги ўрни етарлича баҳоланмай келганлигининг сабаблари ҳам шунда эди. Масаланинг асосий сабаби эса миллий ўйғониш даври ўзбек адабиёти, жумладан, жадид адабий оқими тараққиётидан кўз юмиш, уни бузиб талқин қилишга уринишлар ҳамда бу ҳақда холис фикр юритиш мумкин бўлмай келганлиги боис...",- дея изоҳлайдимақола муаллифи [Шоназаров Ю., 2005; 9-10].

Умуман олганда, Қодирийнинг бу ҳикояси XX аср ўзбек адабиётида реалистик тасвирда яратилганлиги, унда қаҳрамон руҳиятининг ҳаққоний ва ҳаётий ифодаланиши, асардаги мавжуд ҳар бир деталлар шунингдек, яна бир нечта муҳим омиллар, асар воқеалари қаҳрамоннинг ўз нутқи асосига берилиши, унинг руҳияти ва қалб тебранишларини маҳорат билан чизиб берилгани билан Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг "Падаркуш" асари билан бир даврдаги улкан адабий ҳодиса мақомига эга бўлганлигини муаллиф бир нечта далиллар асосида исботлаб берганки, бу хулосалар Қодирий ижодини холис баҳолашдаги муҳим илмий қимматга эга эканлигини эътироф этиш адолатдандир.

Қодирий маҳорат билан яратган реалистик тимсолларидан яна бири Зайнаб бўлиб, у ҳақида ҳам адабиётшуносликда турлича қарашлар ҳамда талқинлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқий асосга эга бўлмаган фикрлардан иборат эканлигини кўзга ташланади. Уларда Зайнабнинг муштипар ҳамда муте аёл эканлиги, унинг бўш-баёв келинчак, унинг хўрликларга чидаб юриши, қаттол опаси Хушрўй бўлмаганда қотиллик ҳам қилмаслиги қабилидаги асоссиз фикрлар ҳам мавжуд эди.

Мустақиллик йилларида Зайнаб образининг ҳам янгича талқинлари юзага кела бошлади. Айниқса, таниқли адабиётшунос профессор Умарали Норматовнинг бу ҳақдаги қарашлари ва хулосалари диққатга сазовор. Юсуфали Шоназаров ҳам устоз фикрларига таяниб, Зайнаб образининг сиру синоатларига доир “Мумтоз тасвирнинг юксак бадийяти” мақоласини жамоатчилик ҳукмига тақдим этган эди [Шоназаров Ю., 2000; 3]. Бунга ҳам бугунга келиб чорак аср бўлибди. Ушбу мақолада Зайнаб образи билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим нуқталар ҳақида фикр юритган мунаққид бир нечта қисмлардан иборат хулосаларни баён қилишга ҳаракат қилган. Энг асосийси, ўз хулосаларини дадиллик билан айта олгани эътиборга лойиқдир. Бунга биргина далил: “Таъкидлаш жоизки, Қодирий Зайнабнинг ҳаракатларини зоҳиран бўш-баёвлик, беозорлик ва мутеликда кўрсатади. Аслида бу билан Зайнабнинг ботинан писмиқлик, кучли адоватчилик ва сурбетлик хислатларига ишора қилади (зоҳиран эса яширади)” (39-бет).

Зайнабнинг руҳият дунёсини янада аниқроқ тасаввур қилишда Кумуш-нинг онасига ёзган мактубларида коса тагида ним коса қабилидаги фикр-ларга ҳам эътибор қаратган мунаққид, улардан муҳим мантиқий хулосалар чиқаради ва ўзининг бу борадаги қарашларини умумлаштириб, янги фикрларни айтишга ҳаракат қила олганлиги унинг муҳим ютуқларидан бири дейишга имкон беради.

Масаланинг муҳим жиҳатларидан яна бири шундаки, мунаққид Зайнаб образининг бадиий талқинига эътибор қаратган тадқиқотчи Х. Лутфид-динованинг: “Зайнабни қоралашга бизда етарли далил йўқ... Кумушбибини... гина-кудуратсиз, адоватсиз, ҳожи оталари айтганидек, эгачи – сингилдек кутиб олди. Эри ва кундоши ораларидаги муҳаббатни тан олганлиги учун ҳам муросага кўнди, ҳатто кундоши уни холи топиб сўз билан “чақиб-чақиб” олганда ҳам

Зайнабни дўппи тикиб ўтирган ҳолда кўрамиз" деган фикрига олимона одоб ҳамда маданият билан муносабат билдирган Ю.Шоназаров: "... ажабо, тадқиқотчининг мана бу сатрларга кўзи тушмадимикан?,- дея асардан қуйидаги кўчирмани келтиради: "... орадаги гап-сўз тўхтагандек бўлди. Кумуш тиззасини қучоқлаб ниманидир хаёлида, Зайнаб бўлса қатимини узун тортиб тўпписини тикар эди. Анчагина шу ҳолатда қатим тортгандан сўнг, Зайнаб секингина қаршисидаги ғайри расмий ёвга ёвларча қаради (Таъкид бизники - Б.Ф.). Узоққина қараб тургандан кейин ўзига ҳам сездирмаслик қилиб энтикди". Кўринадики, Зайнаб олима айтганидек жимгина дўппи тикиб ўтиргани йўқ! Шуниси диққатга лойиқки, мунаққид Ю.Шоназаровнинг кузатишларида шу каби бадиий матндан келиб чиққан характерли мисолларни жой-жойида келтирадики, бундай хулосалар мантиқан асосли эканлиги билан мақоланинг илмий салоғини ошириш учун хизмат қилган дейиш мумкин.

Шунингдек, олимнинг кейинги йилларда яратган сўнгги "Қодирий бадийяти муаммолари" монографияси ўзининг мазмун мундарижасининг мукаммаллиги билан алоҳида илмий қимматга эга [Шоназаров Ю.,2018;292] Тўққиз боб, уч фасл, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил тоган мазкур тадқиқотда Қодирий ижоди изчиллик билан тадқиқ этилган. Буни ҳеч мублағасиз истиқлол даври қодирийшунослиги тараққиётидаги салмоқли тадқиқотлар сифатида баҳолашга арзирлидир.

Монографиянинг 7-боби "Адибнинг тожик тили унсурларини қўллаш маҳорати" деб номланган. Унда Қодирийнинг форс-тожикча сўз ва иборалардан ҳамда тожик халқ мақолларидан унумли ва ўринли фойдалана олиш маҳоратга эътибор қаратилгани билан мавжуд ишлардан фарқланиб туради. Қодирийнинг бу борада ҳам ўзига хос бадиий маҳорат қирралари намоён бўлганлигини Ю. Шоназаров

нуктадонлик билан кўрсатиб берадики, бу ҳам муҳим хулосалардан яна бири дейишга имкон беради.

Маълумки, ўтмишда тожик ва ўзбек иккитиллилиги (зуллисонайнлик анъанаси) муҳим адабий-ижодий ҳодисалардан бири ҳисобланган. Икки халқ ижодкорлари ҳар икки тилни мукаммал билиш, бир-бирларини таржимасиз тушуниш билан бирга, икки тилда бирдай қалам тебратганлар. Абдулла Қодирийнинг ўзга тилларни ўрганишга бўлган иштиёқи баланд экани, у мадрасада ўқиб юрган кезлари араб ва форс-тожик тилларини пухта ўргангани, кейинроқ эса янги очилган рус - тузем мактабидаги таҳсил даврида рус тилини ҳам ҳадди аъло даражада ўзлаштира олгани адибнинг таржимаи ҳолидан бизга яхши маълум.

Ҳассос адиб Абдулла Қодирий мақолаларидан бирида тилга доир қарашларини шундай баён этган эди: "Ҳамма тил ҳам қўшни тиллардан "қарз"олади. Бусиз иложи йўқ. Асар фақат ўз тилидагина ёзилса, ширасиз, қуруқ чиқади. Ёзувчи ўз халқининг тилини, фолклорини яхши ўрганиши шарт ва бир неча тилларни, айниқса, яқин қўшни тилларни билиши фазилат, шундагина тили бойийди, асари жонланади..." .

Шу жиҳатдан ўзбек халқи учун "яқин қўшни тилллар"-дан бири шубҳасиз, тожик тили бўлиб келган. Чунки бу икки халқ қадимдан қўни - қўшни, "қуда-қудағай" (Ғ.Ғулом) бўлиб, бир заминда яшаб, бир дарёдан сув ичиб, яшаш тарзи, урф-одатлари бир-бирига яқинлиги, ҳаттоки, қиёфа-лардаги ўхшашлик шу даражадаки, бундай яқинлик бошқа халқларда кузатилмайдиган ҳодисадир. Ушбу ҳақиқатга таянган Қодирий ўз асарлари-да тожик тилидаги сўз ва иборалардан ҳам ўз ўрнида фойдалана олганлиги асарларини ўзи таъкидлаганидек "жонланиши"га хизмат қилганини мунақ-қид Ю.Шоназаров мисоллар билан кўрсатиб барган.

Қодирийнинг ҳажвий асарларидан ромонларигача мумтозлик мақомига кўтарилишида ҳамда уланинг бадиий жиҳатдан мукаммаллик касб этишида ва реалистик мазмунга эга бўлишида тожик тили унсурларининг ҳам ёзувчи учун муҳим омиллардан бири сифатида хизмат қилгани, шубҳасиз. Шунингдек, асарларида иштирок этган тожик халқи вакиллари образларининг ҳаётий тасвирларида уларнинг нутқини жонли бир тарзда кўрсатишда тилмеъёрига қатъий риоя қилиши, тожик халқининг психологияси ва маънавияти каби маслаларни ҳам мукаммал билиш кабилар донишманд адибнинг асосий этетик принципларидан бири эканлигини мақола муаллифи ўринли қайд этади [Шоназаров Ю.,2008;14-18].

"Қодирий бадийяти муаммолари" монграфиясининг VIII боби " Қодирий ва Айний ижодий муносабатлари" деб номланган. Унда икки халқининг улуғ адибларининг ўзаро ижодий муносабатлари ҳам изчил режада қиёсий-типологик усулда тадқиқ этилиб, муҳим хулосалар чиқарилган. Адабиётшунос Ю.Шоназарв бу мавзуга анча илгарроқ аниқроғи, номзодлик ишни ёзиш жараёнида эътибор қаратиб, ҳар икки ёзувчининг барча асарларини синчиклаб ўрганиб улардаги типологик ўхшашлик билан бирга адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик ҳамда бадиий маҳорат сирларини тадқиқ этиш йўлидан боргани маълум бўлади. Шунингдек, тадқиқотчи қўйилган масалани холислик билан ёритиш мақсадида икки забардаст ёзувчи фаолиятига алоқадор бўлган мавжуд манбаларни, тарихий ҳужжатларни, замондошлар хотирасида берилган маълумотларга ҳамда улардаги энг муҳим хулосаларини асос қилиб олди. Бу ҳақдаги билдирилган барча фикрларни умумлаштирган ҳолда тўғри ва ишончли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга монография муаллифи қарашларини янада мукам-маллаштириб, ҳар битта масалага янгича нуқтаи

назар билан ёндошган ва янги фикр ҳамда янги хулосалар билан бойита олган. Энг муҳими, икки улуғ ёзувчининг ўзга хос ижодий феноменини холислик билан кўрсатишда адабий-эстетик тамойил талабларига таянганиб, масалани ҳаққоний тарзда ёрита олгани тадқиқотнинг муҳим ютуқларидан бири сифатида эътироф этиш ўринлидир.

Шу ўринда ёзувчи ва шоир, олим, улкан аллома ҳамда жамоат арбоби, замонавий тожик адабиётининг асосчиси, зуллисонайн ижодкор Тожик- истон Қаҳрамони Садриддин Айнийнинг қуйидаги фикрларидан унинг мумтоз ўзбек адиби Абдулла Қодирийга, унинг ижодига бўлган самимий муносабатини кузатиш мақсадга мувофиқ: "Жулқунбой (Қодирий) билан, кўп кўришганман, борди-келдимиз бор эди. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб ажойиб романлар ёзди, кенг оммага танилди. У менинг ёзган асарларимни ўқиган ва холисона қимматли маслаҳатлар кўрсатган эди".

Хулоса қилиб айтганда, бир мақола доирасида олимнинг Қодирий ижоди тадқиқи бўйича амаога оширган барча ишларини атрофлича ёритшнинг имкони йўқ, алабата. Ушбу кузатишимиз орқали заҳматкаш адабиётшунос Юсуфали Шоназаровнинг истиқлол даври қодирийшунослиги тараққиётига қўшган камтарона ишларига таяниб, айрим маълумотларни ёритишга ҳаракат қилдик. Келгусида мумтоз ёзувчи Абдулла Қодирийнинг ижодий меросини янада чуқрроқ тадқиқ ва тарғуб этиш, унинг бебаҳо меросини халқимизга ўз ҳолича етказиш йўлида улкан ишлар қилинишига ишончимиз комил. Бундай эзгу ишларни амалга ошишида зукко олим, заҳматкаш мунаққид Юсуфали Шоназаровнинг Қодирий ижодига доир тадқиқотлари ҳам ўзининг илмий қиммати билан учинчи ренессансга дадил қадамлар қўйилган Янги Ўзбекистондаги қодирийшунослар авлоди учун муҳим манбалар қаторида хизмат қилишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов Б. Абдулла Қодирий феномени. Монграфия. – Тошкент: “INFO CAPITAL GROUP “, 2019. – 480 б.

2. Махсумхонов С. Абдулла Қодирийнинг кичик ҳажвий насрида характер проблемаси. Номзодлик диссертацияси. – Тошкент, 1996. – 134 бет.

3. Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. - 95-бет.

4. Норматов У. “Ўтган кунлар” ҳайрати. -Тошкент: Ўқитувчи, 1996. -80 бет.

5. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. - Тошкент: O‘zbekiston, 2010 .

6. Норматов У. Қодирийнинг сўнгги илтижоси. - Тошкент: “Movarounnahr”, 2014. – 64 б.

7. Расулов А. Тақдирлар талқини // Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. - Тошкент: Шарқ, 2007.- 140-174 бетлар.

8. Раҳимжонов Н. Қодирийшунослик қирралари. Эсселар. I китоб. – Тошкент: “Наврўз”, 2015, - 204 бет.

9. Шоназаров Ю. 20-30 – йиллар ўзбек ва тожик романларида характер яратишнинг баъзи масалалари (қиёсий ва қиёсий- типологик аспектларда). Номзодлик диссертацияси. – Тошкент, 1992.- 152 бет.

10.Шоназаров Ю. Қодирий бадийяти баҳсида. -Хўжанд: “Ношир”, 2005. 48 бет.

11. Шоназаров Ю. “Ўткан кунлар” бадийяти. - Хўжанд: “Ношир”, 2007, 56 бет.

12. Шоназаров Ю.“Меҳробдан чаён”да тожикча нутқнинг бадиий ифодаси // Адабий анъана ва маҳорат масалалари . - Хўжанд: “ Хуросон”, 2008. 14 -18- бетлар.

13. Шоназаров Ю. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” детиктив романида Қодирий ижоди билан алоқадорликлар // Ўзбек ва тожик адабий Алоқалари (анъана, янгилик ва

маҳорат масалалари) - Хўжанд: “Нури маърифат”, 2009. 17-19 - бетлар.

14. Шоназаров Ю. Қодирийнинг “Жинлар базми” ва Айнийнинг “Бухоро жалладлари” асарларида реалистик қаҳрамон нутқи хусусиятлари // Адабий анъана ва янгиликлар. – Хўжанд: “Нури маърифат”, 2012. 39–44- бетлар.

15. Шоназаров Ю. Ў. Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлар” романидаги лирик тасвирда Қодирий анъаналари // Адабий анъана ва маҳорат масалалари . - Хўжанд: “ Хуросон”, 2008. 18-19- бетлар.

16. Шоназаров Ю. Қодирий бадийяти муаммолари. (Монография). Душанбе, Садриддин Айний номидаги Тожикистон давлат педагогика университети, 2018, - 292 бет.

17. Қодирий А. Танланган асарлар. – Тошкент: SHARQ, 2014. - 880 бет.

XX АСР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВА ЖАДИДЛАР ХОТИРАСИНИНГ ИНЪИКОСИ

Яшар Қосим,
филология фанлари доктори,
Ozarboycon Milliy İlmlar Akademiyasi
Nizomiy Gancaviy nomidaqi
Adabiyot institutininq bosh ilmiy xodimi

Annotatsiya. *Maqolada 60-yillar o‘zbek she’riyatining muhim g‘oyaviy-estetik xususiyatlari tahlil markaziga olib chiqilgan. O‘shanda adabiyotga tashrif buyurgan yosh iste’dod egalari milliy-ma’naviy o‘tmishni, xotirani qayta anglashga, qadrlashga intilardi. Ayniqsa, Erkin Vohidov, Abdulla Aropov, Rauf Parfi, Cho‘lpon Ergash, Omon Matjan, Jamol Kamol kabi yangi pleyiadaning iste’dodli vakillari o‘z ijodlarida qatag‘onga uchragan adabiy avlodlar xotirasiga she’rlar bag‘ishlashdan cho‘chimadilar. Yangi lirik qahramonning ma’naviy-estetik xotirasi zamirida qatl etilgan otalar sog‘inchlari, ma’naviy qarindoshlik munosabatlari nihoyatda tirik va barhayot edi. 1960–70-yillarda yangi she’riyat namoyandalari o‘ta puxta, 80-yillardan boshlab esa o‘tkir ishtiyoq va shijoat bilan vatan va millat uchun qurbon bo‘lgan Abdurauf Fitrat, Abdulhamid Cho‘lpon, Abdulla Qodiriy va boshqalarning nomlari, ularning taqdirlari milliy sharaf va shon-shuhrat timsoliga aylanganligini kyladilar. Maqolada yangi o‘zbek she’riyatining bu yo‘nalishdagi g‘oya va estetik izlanishlari qiyosiy tahlil etilgan va umumlashtirgan.*

Kalit so‘zlar: *jadidlar ijodi, Abdurauf Fitrat, Abdulhamid Cho‘lpon, Abdulla Qodiriy, yangi o‘zbek she’riyati, Erkin Vohidov, Abdulla Aropov, Rauf Parfi.*

Annotation. *The article focuses on the important ideological and aesthetic features of Uzbek poetry of the 60s. At that time, young talents who came to literature were eager to comprehend and appreciate the national-spiritual past and memory in a new way. In particular, Erkin Vakhidov, Abdulla Aripov, Rauf Parfi, Cholpan Ergash, Aman Matzhan, Jamal Kamal and other talented representatives of the new galaxy were not afraid to dedicate poetry in their works to the memory of repressed literary generations. The spiritual and aesthetic memory of the new lyrical hero was based on the melancholy and kinship of the murdered fathers, who were extremely alive. In the 1960s and 1970s, representatives of new poetry very carefully, and since the 1980s, with ardent passion and courage, wrote the names of Abdurauf Fitrat, Abdulhamid Cholpan, Abdullah Qadiri and others who died for the Motherland and the nation, and their destinies. , which became a symbol of national honor and glory, they sang in their beautiful poetry. The article analyzes and summarizes in comparative form the search for ideas and aesthetics of new Uzbek poetry in this direction.*

Keywords: *Jadid literature, Abdurauf Fitrat, Abdulhamid Cholpan, Abdullah Kadiri, new Uzbek poetry, Erkin Vakhidov, Abdulla Aropov, Rauf Parfi.*

Ўтган аср аввалларидан етиборан дадил ривожлана бошлаган жадидчилик ҳаракати Совет ҳокимиятининг қаттиқ таъқиб ва тазйиқлари натижасида 30-йилларнинг ўрталарига келиб узил-кесил йўқ қилинди. Жонкуяр ва курашчан ўзбек халқи роса чорак аср ўтгандан кейингина минг бир азоб ва уқубатлар билан ўз довюрак ва жасур фарзандларини оғриқ ва изтироблар ичида эслаш, тилга олиш имконини қозонди. Айниқса, 60-йиллар ўзбек шеъриятида диққат-эътиборни тортадиган асосий ғоявий-эстетик хусисиятлардан бири ёш шоирлар ижодида қатағон қилинган санъаткорлар тақдирига янгича ёндошувнинг очиқ-ошкор

ифодаланиши эди. Эркин Воҳидов (1), Абдулла Орипов (2), Рауф Парфи (3), Чўлпон Эргаш (4), Омон Матжон (5), Жамол Камол (6), Маъруф Жалил (7), Муҳаммад Али (8) ва бошқаларнинг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби жадид боболаримизга ва ўз ижодларида жадидлар руҳини, жадидона кайфиятни дадиллик билан давом этдирган Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемирлар ва қатағон қилинган бошқа ижодкорлар хотирасига аталган дардкаш мисраларида, чексиз бир муҳаббат алангасида исинган шеърларида поёнсиз бир нафратнинг, енгиб бўлмайдиган шиддатли ғазабнинг ҳам тафтини сезасан киши. Лирик "мен" маънавий оламида муҳаббат ва ғазаб бирлиги шоир эътиқодининг пойдорлигини, лирик кайфиятнинг кўламини белгилайди.

Сталинизмнинг мағлубияти ва фош қилинишидан кейин биринчилардан бўлиб тилга олинган ва хотирасига шеър битилган жадид бобомиз улуғ ўзбек шоири, носири, драматурги, режиссёр ва актёри Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889-1929) бўладилар. 1929-йилда шафқатсизларча қатл қилинган буюк санъаткорнинг биринчилардан бўлиб "оқланиши"нинг асосий сабаби эса Совет мафкурасининг Ҳамза Ҳакимзода тақдирини бирмунча ўзгартиришга ва "ўзлаштириш"га интилиши билан изоҳланиши керак. "Устоз қабрида" (1958) деб аталган ва ёш Эркин Воҳидов қаламига мансуб жадидлар ҳақидаги биринчи шеър нафақат ўз муаллифининг, айни пайтда, янги авлоднинг репрессия қилинган ота-боболар тўғрисидаги дастлабки поэтик эътирофи ва изҳор номаси эди:

Тонг отар. Лола ранг уфқда кўзим,
Сукут оғушида тин олар қуёш.
Майин шуълаларда титраб турар жим
Зуҳра кипригида икки томчи ёш.

Кўкда қанот қокмай тинч учар бургут,
Еллар тинч, жилғалар чиқармас овоз.
Борлиқ қабринг узра сақлайди сукут
Бир қучоқ гул қўйиб бошингга, устоз.

Уфқлар қўйнида аланга бўлиб,
Зулмат дунёсига ўт қўйди қонинг.
Табаррук қонингдан чечаклар униб
Чаманга бурканди Шоҳимардонинг...

Нурга қўл чўзади юксак чинорлар,
Алвон шуълаларга бурканган ҳар ёқ.
Шу тонг нурларида шафақдай порлаб
Мактаб пештоқида ҳилпирар байроқ. (1, б. 62).

"Устоз қабрида" йўқотилган ўтмиш армони ҳам жудаям нозик ва маҳорат билан ифодаланганди. "Зулмат дунёсига ўт қўйди қонинг" ва "Табаррук қонингдан чечаклар униб" мисра-истиораларида жадид боболаримиз орзу-аъмолининг бекорга кетмаганлиги, авлодлар қалбида акс-садо берганлиги такидланади. Муаллифнинқ "Уфқлар қўйнида аланга бўлиб" мисраси эса алоҳида этиборга сазовор. Ёш шоир ҳамма ёқнинқ ана шу аланганинг шуъла ва шафақларига бурканганини севинч билан айтади. Шеирда нафақат бугунимизнинқ, бакли келасагимизнинқ ҳам шаҳид шоир қонига бўялгани ва биз улуғ бобокалонимиз билан қондош ва тақдирдош эканлигимиз поэзиянинг тили ва кудрати билан тараннум этилади. Жадидларнинқ ҳаёти ва ижодигина эмас, ҳаттоки ўлимлари ҳам келқуси авлодларга сабоқ, бизни бирлаштирадиган маънавий куч ва озуга эканлиги улуғланади.

Ҳақиқий ва ҳаққоний шеърият замонларнинг узилган ришталарини уловчи, бегонасираган авлодларни бир-бирига яқинлаштириб, қондошликни тикловчи маънавий-э-

стетик робита эканлиги яна бир карра аён бўлади. Ишонч билан айтиш мумкинки, сталинизм ҳукмрон чоғларда, улкан бир мамлакатни қабоҳат ва разолатлар бошқараётган маҳалларда Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Ойбек, Шайхзода, Миртемир сингари софдил ва муқаддас инсонлар турли-туман иллатларга кўмилган жамиятнинг Поклик, Одамийлик, Софлик, Эзгулик Ороллари эди!

Қатағонга учраган аксарият ижодкорларнинг омадсизлигию фожиавий қисматларининг туб сабаблари шу нуқтада туташади; давр иллатларига бўйин эгмаслик. Абдулла Ориповнинг қатағон қилинган ижодкорларга бағишланган шеърларида ушбу ҳақиқатнинг инъикосини кўрамиз. Аён бўладики, жабр ва қўрқувга, ёлғон ва алдовга асосланган жамиятда барча маънавий фазилатлар, ботиний-ахлоқий қадриятлар нафақат ўз қимматини йўқотади, қадрсизланади, балки инсонни ҳалокатга элтувчи акс хислатга айланади. Қабиҳ ва разолатлар дунёсида эзгуликнинг йўқ қилиниши муқаррардир. Замонга мослашишни истамаганларни, давр йўриғига юрмаганларни, яъни маънавий ўлимга кўнмаганларни – жисмоний ўлим кутади. Қўрқув ва ёвузлик дунёсининг таомили, бузилмас “ҳаёт” қонуни шундай эди. Бу темир қонун ўзининг яккаю-ёлғиз “ўлим” деган мантиғига суянарди. Инсонни ёки инсонда инсонликни ўлдиришга қаратилган бу ёвуз диктатура бутун бошли мамлакатни ўликлар салтанатига айлантиришни мақсад қилиб қўйганди.

Ўша вақтда, ХХ асрнинг 30-50-йилларда ҳам, бу кун ҳам жамият маънавий ўлим ҳақида жиддийроқ ўйлаган эмас. Жисмоний ўлим ваҳимаси бунга имкон бермаган. Шунинг учун биз қатағон қурбонлари деганда ҳамиша маънавий ўлимни эътибордан соқит қилаётирмиз. Ваҳоланки, маънавий ўлим миқёси ва оқибатлари янада даҳшатлироқдир. Фожиа ва йўқотишларнинг ана шу қатламларигача етиб бориш, эҳтимол, сўз санъатининг келгуси вазифаларидандир.

Абдулла Ориповнинг бевақт кетган устозлар руҳига сиғинишсимон бир эҳтиром билан битилган бағишловларида тушунтириб бериш жудаям қийин, сўзлар орқали ифодалаб бўлмайдиган ғалати бир кайфиятни ҳассос шеърхон туяди. Ёш лирик қаҳрамоннинг мураккаб ҳиссий ҳолатларида, қийноқли ўй ва кечинмалрида ваъдага, онтга, қасамга ўхшаш нимадир бор. Ҳа, шоирнинг бу руҳдаги шеърлари худди қасамёд янглиғ янграйди. Бу қасамнинг мазмунини эса, ҳеч шубҳасиз, "тутдек тўкилган" авлоднинг эътиқод ва идеалига янги лирик қаҳрамоннинг самимий садоқати белгилайди: "*Сизнинг армонингиз яшар қароғда Балки у бўйлагай асрларни ҳам...*" Шоир устозларнинг эзгу армонлари, айни авжида узилган орзулари келгуси авлодларга, бўлғуси асрларга ҳам етиб боражагига чин дилдан ишонади. Янги лирик қаҳрамоннинг маънавий оламида қувончдан кўра ўкинчнинг, орзумандликдан кўра ҳасратнишинликнинг, умуман, орзулардан кўра армоннинг етакчи кечинма даражасига кўтарилиши ана шу билан изоҳланса керак.

"Сизнинг армонингиз яшар қароғда"... Ҳа, бу аламли қасамёд фақат Миртемирга эмас, балки мустабид замон тақдирини чил-чил синдирган барча маънавий салафларга қарата айтилган эди. Гап шундаки, уларнинг ҳаммасини ҳам ўша даврда бемалол тилга олиш мумкин эмасди. Тасодифий эмаски, турғунлик даври лирикамизда Абдулла Қодирийдан кўра унинг қаҳрамонлари – Отабек ва Кумуш кўпроқ куйланади. Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Чўлпон номларини эса ўша давр шеърларида, деярли, учратмаймиз. Фақат Абдулла Ориповнинг олтмишинчи йилларда ёзилган "Ёзажакман" (1968) радифли машҳур ғазалида бир байт бор.... Мана ўша байт:

Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўпдир,
Хўбдир бариси, равшани – Чўлпон ёзажакман. *(2, б. 186)*

Шоир бу сатрлар орқали нима демоқчи? Гап, ҳақиқатан ҳам, осмон элининг турфа-туман юлдузлари ҳақида бормоқдамикан? Чиндан ҳам “Чўлпон” фақат юлдузни англатармикан? Бу ва бошқа бир қатор саволларга жавоб бериш учун шеърни батафсилроқ таҳлил қилишга тўғри келади.

Эсингизда бўлса, ғазал ижодкор ва дунё, шоир ва замон ҳақидаги теран, фикрчан ҳамда эҳтиросли ва ғазабли мисралар билан бошланади. Айни шу асабий шиддат лирик кайфиятнинг мазмунини англашга ёрдам беради.

Дўстлар, демангиз мен шеъру достон ёзажакман,
Мен шеъру достон ичра бир афғон ёзажакман.

Шоирни ич-ичидан куйдирадиган дардни тушунишга уринайлик. Нега шоир, мен шунчаки достон эмас, балки афғон ёзаяпман, дея куюнади? Бу афғон нимадан, қайси аламлардан туғилган? Лирик “мен”ни бутунлай мувозанатдан чиқарган, жунбушга келтирган бу ўтли ғамнинг илдизлари қаерда? Лирик қаҳрамоннинг аламзада кайфияти нега бошқаларда ҳайронлик уйғотади?

Ҳайрона боқур бу маним аҳволима ҳар ким,
Мен эрсам ўзгалар аҳволига ҳайрон ёзажакман. (2, б. 186)

“Мен” эса бошқалар аҳволига ҳайрон... Бу ўзаро ҳайронликнинг боиси не? Лирик “мен” ва муҳит орасидаги “тушунмовчилик”нинг аниқ сабаби бормикан?Шунга сабаб “мен”нинг муҳитдан ҳайрон бўларлик даражада ўсиб кетганимикан? Ёки теварак муҳитнинг лирик қаҳрамон аҳволини англашга ожизлик қилишимикан?! Умуман, ушбу қарама-қаршилик Абдулла Ориповнинг аксарият буюк шеърлари, айниқса, илк лирикаси учун жудаям характерлидир. Шоирнинг олтмишинчи йилларда қоғозга тушган

машҳур тўртликларидан бирида ҳам мазкур конфликтнинг бир қадар кескинроқ ва киноямуз оҳангда ифодаланганини кўрамиз.

Булбул ўгай эрур зоғлар орасида,
Югурик сув ўгай тоғлар орасида.
Муҳаббат дардидан бемор қалбларимиз
Ўгай бўлсак не тонг соғлар орасида. (2, б. 281)

Ушбу тўртликда тасвирланган ҳолат юқорида келтирилган байтдаги "мен" ва "ўзгалар" ўртасидаги "ҳайронлик"ни тушунишга кўмаклашади. Яъни, булбул зоғлар, югурик сув тоғлар, "муҳаббат" дардидан бемор қалблар соғлар орасида ўгай бўлгандай, "мен" ҳам "ўзгалар" орасида шунчалар ўгайдир. Шоир ва муҳит ўртасидаги бегоналикнинг, янада аниқроғи, қарама-қаршиликнинг образли ва эсда қоларли ифодаси бу. Тасодифий эмаски, муаллиф кейинги байтда "мен"ни шоир деб атайди:

Шоир дилига қилмас ҳавас, бут эса бағринг,
Шоир юрагин доимо вайрон ёзажакман. (2, б. 186)

Абдулла Орипов "шоир" деганда, табиийки, фақат ўзини, ўз дардманд ҳолатини кўзда тутмаган. Ғазалдаги умумий кайфият шунга далолат қилади, муаллиф шоир қалбининг вайронлигини таъкидлар экан, биргина ўз аламларини тўкиб солмасдан, умуман, санъаткор фожиасини куйламоқчи. Мазкур байт ҳам "Ёзажакман" ғазалининг айни шоир фожиаси ҳақидаги асар эканини далиллайди:

Солди дилима қанча алам у шўхи бадҳу,
Билмамки, ахир қай бири қурбон, ёзажакман. (2, б. 186)

“Мен” дилига чексиз алам солган “у шўхи бадҳў” шоирлар фожиасининг классик номидир... Кейин эса буюк Чўлпоннинг муборак номи муҳрланган байт келади.

Осмон элининг турфа-туман юлдузи кўпдир,
Хўбдир бариси, равшани-чўлпон ёзажакман. *(2, б. 186)*

Бу мисралар орқали ғазалда фақат муаллиф ўз аламларини ва умуман, санъаткор қисматининг фожиавийлиги тўғрисида эмас, ҳамда муайян бир омадсиз шоир тақдири хусусида куюниб сўзлаётгани аён бўлади. Абдулла Орипов “чўлпон” образи билан сўз ўйини қилади. Ҳа, “чўлпон” фақат юлдузнинг номи эмас, балки миллий-маънавий эътиқодимизнинг йўлбошчиларидан, шеърияти-миз осмонининг юлдузларидан бири – XX аср бадиий-эстетик тафаккуримизнинг тонг юлдузи Абдулҳамид Чўлпон тўғрисида сўз кетаётганини тушунамиз. “Чўлпон” истиорасининг “ёзажакман” таъкид-радифи билан ёнма-ён келиши байтнинг маъно уфқларини янада кенгайтирган. Муаллиф шу орқали ўзининг Чўлпон руҳига чексиз муҳаббатини, Чўлпон йўлига садоқатини ҳам ифодалаган. Қолаверса, Абдулла Ориповнинг “чўлпон” номи зикр этилган тагдор сатрларида Абдулҳамид Чўлпоннинг ўзининг машҳур мисраларига ҳам ишора бор.

Муҳаббат осмонида гўзал чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қиломай ерга ботдим-ку.
(9, б. 399)

Ҳақиқатан ҳам, “Ёзажакман” (1968) ғазалида миллий армонимиз – бир пайтлар маънавиятимиз осмонида порлаган гўзал Чўлпоннинг зулмат салтанатига тоқат қилолмай “ерга ботиши” алам билан эсланадики, шунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Абдулла Ориповнинг қуйидаги дарғазаб сатрла-

ри ҳам ана шу ишончни мустаҳкамлайди:

Сен шеърга қўлинг чўзмагил, эй жоҳили нокас,
Бўлсанг-да худо: номингни шайтон ёзажакман.
(2, б. 186)

Бемалол айтиш мумкинки, “эй жоҳили нокас” хитоби кимгадир қаратилган эмас, бунда аниқ биров, муайян бир шахс кўзда тутилмаган. “Мен” замонга қарши чиқяпти. “Бўлсанг-да худо: номингни шайтон ёзажакман” шарманда салтанат пешонасига битилган ғазабли айбномадир. Ғазалнинг поэтик мантиғи ва пафоси шундай жиддий хулоса чиқаришга ундайди. Зеро, “Ёзажакман” кимдандир, ҳатто каттакон арбоб ёки раҳбардан хафа бўлиб ёзилган шеър эмас. Балки Абдулла Ориповнинг шеърни ва шоирни поймол қилган, инсон шахсини ва эркини оёқости қилган ёвуз жамиятга, “пучак жонлар”аҳлига исёни эди.

Ёш ва янги авлоднинг 60-йиллардаги шоирона дил андуҳлари, оташин поэтик кечинмалари янги эстетик идеални шакллантирадиган худди мана шундай маънавий-бадиий сарчашмалардан эди. Шуниси аниқки, Абдулла Орипов ва авлоддошларининг дардманд ва миллий ғам билан суғорилган навқирон руҳий таржимайи ҳоли ёвуз замоннинг кўтаринки ва қувноқ эҳтиросларидан эмас, балки жадид боболаримизнинг, Фитрат ва Чўлпонларнинг, Абдулла Қодирий ва Усмон Носирларнинг озодлик армонларидан, эрк ҳайқириқларидан туғилганди. Уларнинг ёш ва мардона дилномалари, шикаста кўнгил рози мустабид тузум ва ҳокимият томонидан тушовланган, эврилган Сўз ва Шеър шакл-шамойилидаги “шодлик қўшини”дан (Рауф Парфи) эмас, аксинча, занжирбанд қилинган кўнгилларнинг пинҳона йиғисидан, кулишга мажбур ва маҳкум этилган кўзларнинг яширин ёшларидан сув ичганди. Айни шу боис Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Омон Матжон, Жамол Камол, Маъруф Жалил, Муҳаммад Али, Абдулла

Шер, Аскар Қосим ва бошқа қудратли, навқирон шоирларимизнинг 60-70 йилларда ёзилган ва қатағон қилинган жадид боболаримзга бағишланган энг яхши асарларида мана шу дарддошлик туйғуси ва кайфияти бўртиб акс этарди.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Эркин Воҳидов. Muxabbatnoma. Saylanma. İkki cildlik. Birinci cild. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1986.
2. Абдулла Орипов. Yillar armoni. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1984.
3. Рауф Парфи . Sabr daraxti. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1986.
4. Чўлпон Эргаш. Enq baland kasr. Toshkent Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1986.
5. Омон Матжон. Seni yhaxshi ko‘raman. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1981.
6. Жамол Камол. Umidli dunyo. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1988.
7. Маъруф Жалил. Men su ichgan daryolar. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1981`.
8. Муҳаммад Али. Sevsam, sevilsam. Toshkent, Ğ.Ğulom nomidaqi Adabiyot va sanat naşriyoti, 1983.
9. Чўлпон. Яна олдим созимни. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.

ABDULLA QODIRIY ASARLARINING BUGUNGI KUNDAGI AHAMIYATI

Oripova Kamolaxon Erkinjon qizi,
Qo‘qon Davlat Pedagogika Instituti
Xorijiy filologiya fakulteti o‘qituvchisi,
Ug‘lonova Nafosatxon Murodjon qizi,
Qo‘qon Davlat Pedagogika Instituti
Xorijiy filologiya fakulteti
Ingliz tili va adabiyoti yo‘nalishi
1-bosqich magistranti

Annotatsiya. *Ushbu maqola Abdulla Qodiriy qalamiga mansub mashxur asarlarining bugungi kunda milliy o‘zlikni anglash, yaqin tarixdagi odamlarning turmush tarzi va tarbiya berish jarayonidagi ahamiyatini o‘rganishga bag‘ishlangan. Jumladan Qodiriyning “O‘tkan kunlar” va “Mehrobdan chayon” romanlarining yosh avlodni tarbiyalashda vositasi sifatida qanday xizmat qilayotgani, xalq o‘rtasida milliy qadriyatlarni saqlashda tutayotgan o‘rni muhokama qilingan.*

Kalit so‘zlar. *Roman, tarixiy, o‘zlik, qadriyat, tarbiya, madaniyat, globallashuv, obraz, vatanparvarlik.*

Abstract. *This article is dedicated to the study of the significance of the famous works of Abdulla Qadiri in the process of national identity awareness, lifestyle and upbringing of people in recent history. In particular, it was discussed how Qadiri’s novels “O‘tkan kunlar” and “Scorpion from the Altar” serve as a means of educating the young generation, and their role in preserving national values among the people.*

Keywords. *Novel, historical, identity, value, education, culture, globalization, image, patriotism.*

Abdulla Qodiriy o‘zbek adabiyotida tarixiy roman shakllanishiga va bu janrning jadal rivojlanishiga asoschi sifatida e’tirof etiladi, xalq fikrlashi va turmush tarzining yuksalishida ulkan hissa qo‘shgan yozuvchi hisoblanadi. Uning ijod namunlari, jumladan, “O‘tkan kunlar” va “Mehrobdan chayon” romanlarida o‘zbek xalqining tarixiy xotirasi, milliy o‘zligni anglashi va an’anaviy qadriyatlari namoyon bo‘ladi. Abdulla Qodiriyning asarlari milliy o‘zlikni anglash, tarixiy xotirani saqlab qolish va o‘z madaniy merosimizni avaylab asrashda muhim manba hisoblanadi.

Abdulla Qodiriy XX asr boshlarida, jadidchilik harakati avj olgan davrda yashagan va ijod qilgan. Jadidlar milliy o‘zlikni saqlab qolish, ma’rifatparvarlik va milliy uyg‘onish g‘oyalarini ilgari surib, o‘zbek xalqining tarixiy xotirasini saqlashni maqsad qilgan edilar. Qodiriy o‘z asarlarida tarixiy voqealarni, ijtimoiy adolat va tenglik masalalarini aks ettirib, xalq ongini yuksaltirishga hissa qo‘shdi. U yashagan davrda mamlakat siyosiy va ijtimoiy jihatdan inqirozga yuz tutgan, milliy o‘zlik masalasi dolzarb bo‘lgan. Shuning uchun Qodiriy o‘z asarlari orqali o‘z davridagi muammolarni ko‘tarib chiqdi va bugungi jamiyat uchun ham ahamiyatga ega bo‘lgan ijtimoiy muammolarni ko‘rsatdi. Bu asarlar nafaqat tarixiy badiiy obrazlar, balki ma’lum bir davr mobaynidagi hayotning o‘zi haqida, xonliklar davridagi xalqning asl yashash muhiti, qadriyat va an’analari hamda o‘ziga xos bo‘lgan dardlarini yoritib beruvchi asarlar sifatida qadrlanadi. Bugungi globallashuv davrida Qodiriyning ijodi avlodlar orasida tarixiy merosni to‘laqonli saqlab qolish, o‘zbeklarning milliy o‘zligini mustahkamlash uchun muhim ahamiyat kasb etmoqda.

“O‘tgan kunlar” Abdulla Qodiriyning eng mashhur asari hisoblanadi. Ushbu roman milliy tarixni o‘zida aks ettirgan bo‘lib, unda XIX asr oxiri va XX asr boshidagi voqealar tasvirlanadi. Romanda o‘zbek xalqining o‘ziga xos madaniyati, urf-odatlari va qadriyatlari ko‘rsatib beriladi. Otabek va Yusufbek hoji kabi

qahramonlar orqali Qodiriy milliy g‘urur, fidoyilik, halollik kabi qadriyatlarni ochib beradi. Bugungi kunda “O‘tgan kunlar” romani yosh avlodni milliy xotira va qadriyatlar ruhida tarbiyalashda muhim manba bo‘lib qolmoqda. Yoshlar bunday asarni o‘qib o‘z tarixini yanada jonli bilib, vatanparvarlik, vatanga sadoqat tuyg‘usini kuchaytirishi mumkin. Bugungi jadal globallashuv jarayonida milliy qadriyatlarni saqlash, o‘z tarixini bilish kabi masalalar hamon o‘z muhimligini yo‘qotmayapti va bu asar milliy o‘zlikni anglashga ulkan xizmat qilmoqda.

“Mehrobdan chayon” romani Abdulla Qodiriy ijodining yana bir yirik durdona asari bo‘lib, unda haqiqat va adolat yo‘lidagi kurash, ozodlik va erkinlik mavzulari yoritilgan. Mahkam obrazi orqali yozuvchi xalqqa va adolatga xizmat qilishdagi fidoyiligi orqali ijtimoiy adolat masalalari dolzarbligini ko‘taradi. Mahkam obrazi adolat va haqiqatni himoya qilishning muhimligini ko‘rsatib, jamiyatdagi ijtimoiy tengsizlik, nohaqlik va zulmlarga qarshi turish g‘oyasini ilgari suradi. Bugungi kunda “Mehrobdan chayon” romani jamiyatda, ya’ni insonlar o‘rtasida ijtimoiy adolat, huquqiy ongni shakllantirishdagi rolini saqlab kelmoqda.Ayniqsa, bugungi kun yoshlari orasida adolat, tenglik va inson huquqlari borasidagi tushunchalarni mustahkamlashda bu roman o‘z o‘rniga ega.

Qodiriy asarlaridagi vatanparvarlik, milliy g‘urur, odillik kabi tushunchalar bugungi o‘zbek jamiyatidagi ma’naviy qadriyatlarni shakllantirishda muhim o‘rin tutadi. Abdulla Qodiriy o‘z asarlarida o‘zbek xalqining ma’naviy boyliklari va milliy o‘zligini aks ettirib, yosh avlodning axloqiy tarbiyasiga katta e’tibor qaratgan. Masalan, Otabek obrazi yoshlarga chinakam vatanparvarlik va fidoyilik namunasi sifatida o‘rnak bo‘la oladi. Bugungi globallashuv davrida yosh avlodga o‘z tarixini o‘rganish va milliy o‘zligini saqlashda yordam beradigan bunday ma’naviy asarlar juda muhim. Ta’lim tizimida ham Qodiriy asarlarining keng o‘rganilishi yoshlarni tarbiyalashda muhim ahamiyat kasb

etmoqda. Ushbu roman o‘zbek xalqining o‘tgan tarixini aks ettirib, yoshlar orasida milliy o‘zlikka bo‘lgan qiziqishni uyg‘otdi. O‘zbek xalqi tarixini, eski madaniyatni qaytadan ko‘rsatib, o‘zlikni anglash jarayonida muhim rol o‘ynadi. Misol uchun, Qodiriyning romanidagi qahramonlar orqali o‘quvchilar o‘zlari uchun zarur ma’naviy xulosalar chiqaradilar, ularning qahramonlik va fidoyilik xususiyatlarini ibrat sifatida qabul qiladilar.

“Mehrobdan chayon” romanining ahamiyati: Qodiriy bu asar orqali ijtimoiy adolat, halollik va vatanparvarlik mavzularini chuqur aks ettiradi. Ushbu asar bugungi kunda yoshlar orasida adolat va halollik kabi qadriyatlarni shakllantirishda muhim omil bo‘lib xizmat qilmoqda. Roman qahramonlari orqali, masalan, Rahmatjon va Gulnorning o‘zga qudratlar qarshisidagi kurashlari orqali o‘quvchilar haqiqiy hayotda ham o‘z or-nomusini saqlashning muhimligini anglaydilar.

Qodiriy ijodi orqali xalq orasida qadimiy madaniy qadriyatlarni qayta tiklash va ular asosida jamiyatda ijtimoiy birdamlikni shakllantirish uchun yangi imkoniyatlar paydo bo‘ldi. Bugungi kunda globallashuv davrida yoshlar milliy qadriyatlarga bo‘lgan hurmatini oshirishi uchun ushbu asarlarning ta’siri kattadir. “O‘tkan kunlar” va “Mehrobdan chayon” kabi romanlarda aks etgan tarixiy voqealar va mavzular yoshlarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga yordam beradi.

Abdulla Qodiriy asarlari yosh avlodni milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda beqiyos ahamiyatga ega. Hozirgi globallashuv sharoitida yoshlar o‘z tarixiy ildizlarini unutmasliklari va o‘zbek xalqining boy madaniyati bilan faxrlanishlari muhim. Qodiriy asarlari yoshlarimizning milliy ruhiyatini uyg‘otish va ular ongida mustaqillik g‘oyalarini kuchaytirishda hal qiluvchi o‘rin tutadi. Uning ijodi orqali bugungi yoshlarimiz tarixiy haqiqatni chuqur anglaydi. Shuningdek, Qodiriy romanlarida ko‘tarilgan mavzular hali ham dolzarb bo‘lib qolmoqda. Masalan, “Mehrobdan chayon” romanidagi adolat va halollik kabi mavzular bugun-

gi kunda yoshlar uchun ibrat maktabidir. Rahmatjon kabi halol va fidoyi obrazlar o‘zlikni asrash, vatanga sadoqat va el-yurt oldidagi mas’uliyat hissini tarbiyalaydi. Shuningdek, Qodiriyning asarlari orqali yoshlarimiz insoniy fazilatlarning qadriga yetish, yurtparvarlik va vatanparvarlikni targ‘ib etish zarurligini anglaydilar. Abdulla Qodiriy ijodi o‘zbek xalqining milliy o‘zligini, tarixiy xotirasini saqlab qolish va yosh avlodni ana shu qadriyatlar asosida tarbiyalash uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Qodiriy yozgan asarlar milliy ma’naviyatni oshirishda, o‘zligini anglash jarayonida katta rol o‘ynaydi. Qodiriy asarlari orqali yosh avlod tarixiy haqiqatga ko‘z ochadi, o‘z tarixiga, qadimiy madaniyatiga hurmat va mehr bilan qarashni o‘rganadi. “Mehrobdan chayon” va “O‘tkan kunlar” asarlari bugungi kun yoshlariga nafaqat tarixiy bilim beradi, balki hayotning o‘zi haqida chuqur fikr yuritishga, milliy qadriyatlarimizni saqlashga o‘rgatadi. Shu sababli Qodiriy ijodining bugungi kundagi ahamiyati haqida gapirar ekanmiz, uni milliy ruhiyatimizning asosi deb ta’riflashimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Qodiriy Abdulla. O‘tgan kunlar. – T.: “Cho‘lpon” NMIU, 2010.

2. Qodiriy Abdulla. Mehrobdan chayon. – T.: “Cho‘lpon” NMIU, 2012.

3. Mirzo Kenjabek. A.Qodiriy ijodining o‘zbek adabiyotidagi o‘rni. – T.: O‘zbekiston Milliy Universiteti, 2018.

4. O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti. Abdulla Qodiriy asarlari va bugungi jamiyat. – T.: O‘DSMI, 2020.

5. Shohjahon G. Qodiriy romanlarida tarixiy voqealarning badiiy talqini. \\ “O‘zbekiston Adabiyoti va San’ati” jurnali, 2021.

ТАНҚИДНИНГ ИЖОДИЙ ТАКОМИЛДАГИ ЎРНИ

Каримова Нафиса,
Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти
университети таянч докторанти

Ижодкор характери такомилида адабий танқид ва унга муносабат масаласи ҳам муҳим санлади. Зеро, адабий танқидсиз кечадиган адабий жараён филтрсиз кўлмак кабидир. Танқид ҳақида назарий таъриф қуйидагича: "**Танқид – арабча сўз бўлиб, "сайлаш", "саралаш", "муҳокама қилмоқ" деган маъноларни билдиради. Адабий** танқид кенг маънода ҳозирги адабий жараён муаммоларини ўрганиш, янги пайдо бўлган санъат асарларини муҳокама қилиш, уларнинг мазмун-моҳияти, ютуқ ва камчиликларини очиб бериш, бадиий тафаккур тараққиётининг жорий ҳолати ва ижтимоий дид нуқтайи назаридан баҳолаш билан шуғулланувчи соҳа[1]. Танқид тушунчаси ҳақида аввало, тўғри фикрга эга бўлиш лозим, чунки бирёқлама қараш, танқид атамасининг мазмун торайишига олиб келади. Ижодкорга нисбатан танқид уч шахс томонидан айтилиши мумкин. Биринчиси, табиий равишда, адабий танқидчи, эса иккинчиси - китобхон. Учинчиси эса тажрибали ёзувчининг холисона фикри. Адабий танқидни ёзувчи тўғри ва холис қабул қилиши керак. Адабий танқид жараёни нафақат бир асарнинг, балки бир неча асарлар ва бутун бошли бадиий адабиёт келажаги учун, сифат учун, асарларнинг умрбоқийлиги ва айниқса, ёзувчининг беҳуда ақлий меҳнат сарф қилмаслиги учун ишлайди, янги асарларни баҳолайди. Алишер Навоий

[1] Adabiyotshunoslik lugati

замондошларининг ижодига муносабат билдирганда, шоирликдан ғоят зукко кузатувчи позициясига ўтади. Ҳозирги замонавий адабиётда ҳам шоирлар баҳоланади, бироқ мутаассирлик бобида биз фақат ижодий таъсирланиш масаласини кун тартибига қўйиш билан чекланамиз. Алишер Навоий эса ҳозирда унутилиб кетган яна бошқа бир мутаассирлик, яъни шоирнинг ўз шеъридан ўзининг ҳам таъсирланишини айнан "Мажолис-ун-нафоис"да, Хожа Абу Саид исмли шоирни мисолида келтиради: "Хожа Абу Саид – Меҳнадиндур. Ҳазрати Султони тарийқат Шайх Абу Саид Абулхайр (қуддиса сирруҳу) авлодидандур. Хожа Муайяд Девонанинг ўғлидур. Номурод кишидур. Аммо ўз шеърин ўқурда йиғламсирниб ўқур, дағи ўзи мутаассир бўлиб, ҳар дам улуғ тинар, то бас қилмағунча эл танимас"[1]. Шеър ўқилганда, шоирнинг тингловчиларида кучли эмоционал ҳолат натижасида кўзи ёш олиши табиий ва кўп учрайдиган ҳодисадир. Бироқ шоирнинг ўзи ҳам йиғлаши ҳозир ҳам, қадимда ҳам кам кузатиладиган руҳий кечинмалардан биридир. Статистик текшириб кўрилса, асарда Хожа Абу Саиддан бошқа ҳеч бир шоирнинг бундай вазияти келтирилмайди. Навоий бир кишининг истеъдоди ҳақида гапириб, унинг асаридан парча келтириб ўтади. Бироқ, афсуски, Навоий баҳолаган адиблар асарлари бизгача етиб келмаган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўзгалар ижодига қандай муносабат билдиргани ҳам ғоятда муҳим. Бобурнинг танқидий, адабий-назарий қарашларига ижодкор лабораторияси нуқтайи назаридан ёндашиш учун айнан "Бобурнома"дан мисол келтирамиз. Асарнинг айрим ўринларда, Бобур ўзининг замондоши бўлган шоирларни танқид этади. Шоирлар хусусида сўз борган ўринларда, тазкира тартибини қўллайди. Яъни, шоирни бафуржа таништириб, келиб чиқиши, тахаллуси, характер хусусиятларини келтириб ўта-

[1] Манба берилади.

ди. “Яна бири Абдулло маснавийгўй эди. Жом шаҳридан. Тахаллуси “Ҳотифий” эди. “Ҳафт пайкар” муқобаласида айтган маснавийисига “Ҳафт манзар” деб от қўйган. “Искандарнома” муқобаласида “Темурнома”ни ёзган. Бу маснавийларидан кўра, “Лайли ва Мажнун” машҳурроқ. Шуҳратичалик латофати йўқ”[1]. “Яна бири Ҳилолий эди. Бу тарихда ҳам бордир. Ғазаллари текис, рангин... Девони ҳам бордир. Бир маснавийси бор, “ҳафиф” баҳрида “Шоҳ ва Дарвеш”га оид, агар баъзи байтлари одатга мослашган, бироқ бу маснавийнинг мазмун ва шакли хароб аҳволдадир”[2], деб ўз танқидининг сабабларини изоҳлаб ўтади. Бобур шеърнинг қайси тилда ёзилгани, шакл ва мазмун жиҳатларини, шоирларнинг шеър ёзишгача бўлган хусусий одатларини, услубнинг равонлиги каби жиҳатларга жиддий қарайди. Шунингдек, асарда Муҳаммад Солиҳ деган шоирнинг бошқа бир ҳукмдорга бағишлаб ёзган шеърий асарини танқид қилиб, вазн масаласида хато қилганини таъкидлайди. Шеърий вазнлар шоирларнинг ижод оламига парвозини амалга оширувчи қанотидир. Бу қанотлар нотўғри танланса ёки умуман бўлмаса, ижодий иш муваққият қозонмайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур мукаммал ижодий асар муаллифларига муносиб баҳо бериб, эътироф этади. Алишер Навоий ҳақида шундай ёзади: “Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тилда ҳеч ким унчалик кўп ва хўп шеър айтган эмас. Олти маснавий китоб яратган, бештаси “Хамса”да жамланган, яна бири “Мантиқ-ут-тайр” вазнида ёзилган “Лисон-ут-тайр” деб аталади”. Танқидчи сифатида Навоийнинг “Девони Фоний” асари ҳақида ҳам шахсий мулоҳазаларини қуйидагича айтган “...баъзи баёнлари ёмон эмасдир, бироқ аксари суст ва кучсиз”. Йиллар давомида Бобурнинг “Девони Фоний-”ни танқид қилгани кўплаб, баҳс ва муҳокамаларга сабаб

[1] Бобур. Бобурнома. –Тошкент: “Юлдузча”, 1989. – Б. 163.
[2] Бобур. Бобурнома. –Тошкент: “Юлдузча”, 1989. – Б. 163.

бўлади. Бугунги кунга келиб адабиёт назариясида бу баҳсга ечим берилади. Ҳамидулла Болтабоев ва Маҳкам Маҳмудов “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” китобида бобуршунослар фикрларини атрофлича ўрганиб, бу танқид асарнинг мазмунига нисбатан эмас, балки хато билан кўчирилгани учун айтилганини келтирадилар. Асарнинг кўчирилган нусхасида бир қатор камчиликларга йўл қўйилган ва Бобур шу нусхани ўқиган. Бобур ҳукмдор сифатида ўзга ҳукмдорларнинг давлат бошқаруви ва ислоҳотчилик маҳоратларини кузатган бўлса, шоир сифатида ўзга шоирлар ижодига жиддий қизиқиш билдиради.

Ёзувчи иккинчи бир ижодкорга муносабат билдириши ҳамда асосли танқид қилишида ижодий дунёқарашнинг таълимий ва назарий жиҳатдан устунлиги сезилиб туради. Ёзувчидаги бадиий матн тузиш бўйича билим ва кўникмаларининг у ёзган ижодий матнида тўла намоён бўлмаслиги салбий баҳога олиб келади. Яъни ижодкорликка даъвогарлар бадиий матн тузиш бўйича тажриба ва тушунчага эга бўлмай туриб, ижодий муҳитга кириб келиши, савиясиз асарлар ёзилиши, ижодий атмосферанинг бузилишига сабаб бўлади. Профессионалларнинг ўринли танқиди суст ижоднинг тўғирланиши, маҳорат ривожи учундир, албатта. Баъзан хилма-хил дидга эга бўлган ижодкорлар дунёқарашининг тўқнашуви ҳам ўзаро муносабатларни келтириб чиқаради. Аксарият ҳолатларда ҳар иккаласи ҳақ бўлади.

Ижод жараёнидаги ҳолатлар ҳақида ҳар ким ўз қарашидан келиб чиқиб фикрлайди. Ёзувчида дунёқараш шаклланган бўлса, индивидуал фикр, маълум бир вазият юзасидан хулоса чиқариш, муаммога нисбатан қарор қабул қилиш кўникмаси ҳам шаклланган бўлади. Ижодкорнинг ўзгаларга шахсий чегара ўрнатиши қарашлари ёқланмаётган даврадан ўзини олиб қочиш, ўз фикрини ҳимоялаш, ўз сўзида собит туришида кўринади. Ижодкор ўз қароридан оғишса,

ўзгалар беэътибор қолдирадиган масалаларни, у ҳам назардан четда қолдира бошлайди. Ўзгалар кўрмайдиган ижтимоий муаммоларни у кўра туриб, кўз юма бошлайди. Стандартларга мослаша бошлайди. Бунинг таъсирида асардаги муаммо ва ечим коцепцияси йўққа чиқади. Ёзаётган асарлари бадиийлик ва ижтимоийлик қийматини йўқотади. Чунки ёзувчини ўзгалардан фарқи қолмаган бўлади. Ёзувчи ўз сўзини, ўз фикрини ҳимоя қила олиши керак, лозим бўлса буни ёш истеъдодлар Тоғай Муроддан ўрганиши керак. У ёлғизлик тарафдори эди. Тўғри фикр устига қурилган ёлғиз асарни халқ топади ва ўқийди. Ижодкорнинг индивидуаллигини таъминловчи жиҳат ҳам оммага эргашмай, хусусий фикрлар ортидан боришини Тоғай Мурод мисолида кўриш мумкин. У ҳамма қўллайдиган жумлалардан чекинади. Унинг танқидий фикрлари алоҳида, асарларининг тили алоҳида мавзу. Тоғай Мурод доим бадиий асар тили масаласини долзарб, деб ҳисоблайди. “Бадиий асарнида ўз пойдевори бўлади. Асар умри ана шу пойдевордан бино бўлади. Асар пойдевори – тил”, деб айтади Тоғай Мурод[1]. Ёзувчининг бадиий асар тили масаласида қай даражада маҳоратли экани адабиётшуносларга ҳам, тилшуносларга ҳам жуда яхши маълум. Ижод жараёни тил, она тилнинг барча имкониятларидан фойдаланиш, қўллаш, асарни тили устида ишлаш орқали сайқалланишини “Отамдан қолган далалар”, “Ойдинда юрган одамлар”, “От кишнаган оқшом” каби асарларида яққол кўринади. Ёзувчи учун ижод жараёнида тил билан ишлаш алоҳида эътибор, фаҳм, иқтидор талаб этади. Тоғай Муроднинг тилни пойдевор деб аташи, у учун асар ёзишда бадиий тил билан шуғулланиш алоҳида *ижодий қадрият* эканини кўрсатиб турибди. Пойдевори бўлмаган бино қулаб тушади. Бадиий тили ишланмаган, тил масаласига меҳнат сарф этилмаган асар ҳам бир кун китобхонлар

[1] Мурод Т. Танланган асарлар. III Жилд. –Тошкент: “Шарқ” , 2019. – Б.63.

тасаввуридан “қулаш”и – асар унутилиши мумкин. Бошқа бир ёзувчини танқид қилиш, ўринли асосга эга фикрлар айтиш, боринки, ўзгаларга талаб қўядиган даражадаги ижодкор бўлиш ижодий меҳнат, назарий билим, индивидуалликка интилиш самараси эканини кўриб чиқдик.

Ижодкорнинг муваффақияти асарнинг танқид чиғириғидан ўтиши, китобхонлар таъбига тушиши, умуман олганда, ижодхонада самарали ижодий фаолият олиб бориши билан белгиланади. Гарчи адабиётга санъатнинг бир тури сифатида қаралса-да, санъатдаги айни дамда жиддий ҳамда муайянликни белгиловчи омил реалликдир. Ижодхонадаги тайёргарликнинг асосларидан яна бири анъаналарни замонавийлик билан бирлаштира олиш экан. Ижодкор мутолаа, кузатиш, характерни тавсифлаш, матндаги композиция шаклини ўзгартириш ва қуриш орқали ҳаётга чуқур кириб боради. Танқидий муносабатларни шахсни обрўсизлантиришга қаратилмаганлигини тушунилади. Ижодга нисбатан танқидларнинг ўринли ва асосли бўлиши объектив – субъектив ёндашувларга ҳам боғлиқ. Асқад Мухтор ўз даврида ёш қаламкашлар ижодини ўрганади. Натижада, ёшларни танқидга соғлом муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун аввало танқиднинг ўзи оқилона, самимий ва ишонарли бўлиш; самимий, меҳрибон ва талабчан танқидни талантли ёшлар ҳурмат қилади, деган хулсага келади. Яна бу адибнинг “Фақат қоғоз гул ёмғирдан қўрқади”[1], деган ажойиб ўхшатмаси ҳам бор. Танқидни танқид кўзи билан ўқимаслик керак. Танқидчи ҳам танқидга олинган муаллиф ҳам нейтрал бўлса, бадиий сифат ошиб бораверади. Эркин Аъзамнинг танқидга муносабатини 1986 йилги “Шарқ юлдузи” журналидаги суҳбати орқали тушуниб олиш мумкин: “Топиб мақтаса қувонаман, топиб танқид қилса – ҳалоли бўлсин; ичимда зил кетсам кетарман-у, тан оламан”. Танқид

[1] Мухтор. А. Ёш дўстларимга. –Тошкент: “Ёш гвардия”, 1971. – Б 26.

фақатгина салбий баҳо эмас, балки ижобий баҳо ва эътироф бўлиши ҳам мумкин. Диди баланд ёзувчилар адабиётда сўз орқали фавқулодда эврилишлар қилиш мумкин. Ибтидо ва интиҳо, яралиш ва ўпирилиш, инкор ва тасдиқ ўзаро курашиб олиб борадиган ҳаётда ижодкор ҳам ўз ҳақиқати сари талпиниб яшаши керак. Ҳақиқатга интилишни мунаққидлар ҳам албатта, пайқайдилар.

Ижодий дунёда муаллиф ўзлиги намоён бўлган ва бўлиши керак. Шунда танқидга нисбатан соғлом ва табиий муносабат ривожланади. Баъзан шоирлар ўз камчилигини бировдан эшитишни, тасдиқлатишни хоҳлашади. Бироқ ракурслар барибир бошқача бўлиб чиқаверади. Абдулла Орипов йиллар давомида ўзининг ижоди ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиган бўлиши табиий. Бироқ ўзи кутган танқидни ҳеч кимдан эшитмаганини, шеърларини таг заминига қадар ҳеч ким кириб боролмаганини қуйидаги шеъри орқали тушуниш мумкин. Шоирнинг ҳафсаласини ҳам англаймиз:

Нафақага чиққан эринмас мухбир,
Ва ёки ҳаваскор синчи – талаба.
Жами бисотингни текширар бир-бир,
Қусур топа олса – катта ғалаба.

Ҳеч ким ўйламас, сатрлар аро,
Кўз ёшлар, аламлар оқиб ётганин.
Биров хаёлига келтирмас асло,
Армонлар қаърига шоир ботганин[1].

Ижод олами ўзга бир олам. Унда ижодкор ҳам, мунаққид ҳам, китобхон ҳам ҳар турли хулоса ёки тасаввурга эга бўлиши мумкин. Танқидий дунёқарашни шаклланиши аввало, ёзувчидан бошланади. Ёзувчи ҳаётда ва ижодда на-

[1] Орипов А. Танланган асарлар. –Тошкент: “Шарқ”, 2019. – Б .7.

фақат кўп ўқиб, ўрганиши балки, атрофни ва атрофидаги кимсаларни кузатиши ҳам зарур. Танқид хоҳ у мақтов мазмунида бўлсин, хоҳ у сустликни баҳолаш маъносида бунга совуққонлик билан муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқ. Буҳар қандай адабий муҳитда содир бўлади. Ёзувчи, шоир, драматург учун ижодий муҳит муҳим саналади. Ижодга бўлган кучли ҳавас ижодкор истеъдодини белгилайди, албатта. Ижод фурсати кутилмайди, ёзиш фурсати илҳом билан бирга келади.

SHE’RIY TARJIMADA VAZNNING BERILISHI

Tursuntosh Eshboyeva
SamDU doktoranti

Annotatsiya: *Ushbu maqolada har bir she’riy asar o‘z mazmuniga mos shakl-vazn, qofiyalanish sistemasi, ritm va intonatsiyaga ega ekanligi, asarning ohangdorligi va vaznga rioya qilish usullari masalasi va she’riy tarjimaning nazariyasining muhim muammolari haqida so‘z boradi.*

Kalit so‘zlar: *Tarjima, she’riyat, vazn, satr, ohang, qiyosiy, tipologik, qiyosiy-tarixiy, komparativ va normativ stilistik.*

Annotation: *This article talks about the fact that each poetic work has a form-weight, rhyming system, rhythm and intonation suitable for its content, the issue of the tone and weight of the work, and the important problems of the theory of poetic translation.*

Keywords: *translation, poet, weight, line, tone, comparative, typological, comparative-historical, comparative and normative stylistics.*

She’r–badiiy ijodning his–tuyg‘ularga boy eng nafis namunasidir. She’riyatda xalqning ruhi, madaniyati, isti’dod va iqtidorining mavqei mujassamlangan bo‘ladi. She’riy asarda shakl va mazmun bir-biri bilan chambarchas bog‘langan bo‘ladi. She’riy tarjima haqida gapirganda mazmunning qanday saqlanganiga emas, balki estetik ma’no qay darajada qayta yaratilganiga qarab baho berish lozim.

She’riy tarjima murakkab ijodiy jarayonni o‘z ichiga qamrab oladi.

Bu murakkablik, ayniqsa she’riy asarlar tarjimasida yaqqol namoyon bo‘lishini kuzatamiz. Shuning uchun ham biz mazkur

soha vakilini haqli ravishda shoir tarjimon deb ataymiz. Bunda tarjimon-chizmakash emas, rassomdek ijod qiladi va tarjimaning turli jumladan, yashirin ma'nolarini mufassal bayon qilish yo'llari orqali muallif fikrini kitobxonga aniqroq yetkazishga intiladi.

Ammo to'rt satr she'rdagi ohang va lirik kechinmani o'quvchi qlbidan joy oladigan darajada tarjima qilish tarjimondan shoirona ilhom va ulkan mahoratni talab qiladi. She'riy tarjima ham she'r kabi ilhom kelganda , asar tarjimonga kuchli ta'sir ko'rsatganda dunyoga keladi. Ammo she'r tarjimasi ko'ngil ishi ekanini tan olmasdan ilojimiz yo'q. Chunki, tarjimon yuragiga yaqin, ko'ngliga mos keladigan, ruhiyatiga tushadigan g'azalni yoki she'rnigina estetik zavq bilan qayta yaratadi.

Agar tarjimon o'z tarjimasidagi g'azal yoki she'rdan estetik zavq olmasa, u qilgan tarjimaning estetik ta'sirchanligi bo'lmaydi, natijada tarjima quruq va shirasiz bo'lib qoladi. She'riy tarjima lisonda (nutq) ona tili va xorijiy tillarni o'rganishda, terminologiyani ishlab chiqish va takomillashtirishda, lisoniy matnlarni ilmiy sharhlashda muhim ahamiyatga ega; mavjud va xayoliy narsalar (moddiylik va g'oyaviylik)ning o'zaro aloqadorligi muammolarini hal qilish, ijtimoiy ongni va ijtimoiy mavjudot bo'lmish insonning o'zini to'g'ri tushunish uchun nazariy xulosalar chiqarishga imkon beradi. Til va tafakkurning, lisoniy va mantiqiy birlik (kattalik)larning o'zaro aloqasi muammosi she'riy tarjimaning lisoniy kognitiv tahlili tomonidan baravar, bir vaqtning o'zida o'rganiladi.

Asosiy lingvistik metodlar sifatida tavsifiy (qiyosiy, konfrontativ, kontrastiv, tipologik), tarixiy (qiyosiy-tarixiy, komparativ) va normativ stilistik (me'yoriy uslubiy) metodlarni ko'rsatish mumkin. She'riy tarjimada lisoniy –kognitiv metod ham mavjud.

Kognitiv so'zi inglizcha "**cognize**- bilmoq, anglamoq, tushunmoq" so'zidan olingan bo'lib, bu soha faqat falsafadagi bilish nazariyasi bilan cheklanmay, balki tilni tafakkur bilan bog'lab,

lisoniy hodisalar bilan uzviy aloqasini chuqur ilmiy tadqiq etadi. Kongnitologiya bilimning lisoniy voqelanishi jarayonini tavsiflashni gumanitar fanlar sohasidagi eng asosiy muammolar qatoriga qo‘yadi. Ushbu muammo zamonamizda rivoj topayotgan ilmiy taqdiqotlarning muhim yo‘nalishlarini belgilab bermoqda. Professor SH.Safarovning fikricha, kognitiv tilshunoslikning vazifasi til yordamida bilim olish va saqlash, tilni amalda qo‘llash hamda uzatish, umuman, til tizimi va tarkibini inson miyasidagi tafakkur bilan bog‘lab, chuqur ilmiy tadqiq etishdir deya ta’kidlaydi. (Kognitologiya.115-b.SH Safarov.)(3.65).

Shunday ekan, insonning kundalik voqea-hodisalarga munosabati tilning kognitiv nazariyasining amalda qo‘llanishi bilan uzviy bog‘liqdir. Zotan, biz yillar davomida hosil bo‘lgan hayot tajribamiz, bilim va ko‘nikmalarimiz asosida voqelikdagi u yoki bu tarzda mavjud bo‘lgan narsa – predmetlar, voqealar, hodisalar haqida fikrlar olamiz va ana shunga tayangan holda o‘zaro so‘zlashuv jarayonida nutqimizning yanada ravon bo‘lishiga ya’ni, bekam-u ko‘stligiga erishamiz. Bizga ma’lumki, bilish faoliyati insonning voqelikni bevosita sezish, his etish bilan boshlanadi. Hozirgi zamon tilshunosligida kognitiv yo‘nalish leksik-semantik sathdagi tahlillar bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, unga ko‘ra til umumiy kognitiv mexanizm bo‘lishi bilan birga, kognitiv qurol tarzida axborotni taqdimotini, kod yordamida uzatish va o‘zgartirish vazifasini bajaruvchi belgilar tizimi hamdir.

She’riy asarlarni nasriy ijoddan ajratib, farqlab turadigan o‘ziga xos xususiyiyatlari tarjima jarayoniga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatmoqda. Har qanday she’riy asarni qo‘lga olishingiz bilan dastlab ko‘zga tashlanadigan narsa uning zohiriy tomoni bo‘lib, hali mazmuni bilan tanishmay turib, nazmni nasrdan farqlash imkoniyatini beradi. Bu zohiriy tomon-she’riy asarlarning ma’lum tartibidagi shakli: o‘lchovi, bandlanishi, qofiyasidir. Zohiriy fazilatlar she’riy asarning mazmunini ifoda qilish uslubi-

ga (ifoda siqiqligi, obrazli uslubiy vositalarning ko‘p ishlatilishi, o‘ziga xos sintaksis) ta’sir qiladi.

Nazm uchun xos bo‘lgan maxsus xususiyatlarning tarjima jarayonida qay tarzda va qay sifatda qayta ishlatilishi, ularning tarjima asarlarining estetik ta’sir ko‘rsatadigan kuchini qayta tiklanishidagi mohiyatni o‘rganish tarjima nazariyasi va amaliyoti nuqtai nazaridan ma’lum qiziqish uyg‘otadi. She’riyat boshqa uslub va janrlar ichidagi eng jonli va ta’sirchani bo‘lganligi, shuningdek, u qofiya, misra, band kabi qayta tartibga soluvchi unsurlarga ega bo‘lganligi tufayli undagi gaplarda so‘z tartibi nasrga qaraganda ko‘p va antiqa o‘zgarishlarga uchrab turadi. Sintaktik uslubiy vositalar ham nazmda nasrdagidan ko‘ra ko‘proq ishlatilib, ular she’r ritmini tashkil etishda, uning ifoda kuchini oshirishda, eng muhimi, uning g‘oya va mazmunini kitobxonning his-tuyg‘ulariga kerakli ta’sirni o‘tkazishda ishtirok etadi.

She’riy tarjima asrlar davomida filologlar, shoirlar, she’rshunos olimlar, she’riy tarjima masalalari bilan maxsus shug‘ullangan mutaxassislar diqqat markazida bo‘lib kelgan. She’riy tarjima nasriy tarjimadan ko‘p jihatdan farq qilsa-da, ular o‘rtasida mushtaraklik mavjud. Ular tillararo poetik yoki she’riy kommunikatsiyaga xizmat qiladi.

She’riy matndagi informatsiya nasriy matndagi informatsiyadan tubdan farq qiladi. She’rdagi informatsiya mazmuni turli-tuman, bir-biriga zid va hatto biri ikkinchisini inkor etishi mumkin. She’riy informatsiya o‘z ichiga faktual hamda konseptual, ya’ni ma’noga bog‘liq informatsiyani oladi. Ular bir-biri bilan chambarchas bog‘liq va ayni paytda ular bir-biriga dinamik qarshi bo‘ladi. Faktual va mazmuniy informatsiya tashqi real yoki noreal dunyo haqida muayyan fakt, hodisa, voqealar asosida ma’lumot beradi. Badiiy nutq sirasiga kiradigan she’riy matn tarjimasi she’r tuzilishi qonun-qoidalarini hisobga oladi. Bunda nasr tahlilida qo‘llanadigan ritm, ohang, sintaktik qurilish, badiiy obraz va boshqa badiiy unsurlar diqqat markazida bo‘ladi.

Yuqorida keltirilgan tushunchalar va atamalar she’riy matn tahlilida ham qo‘llaniladi, biroq ular she’riyatning qat’iy qonun-qoidalari asosida amalga oshiriladi. Har gal tarjimon she’riy tarjima tajribalarini o‘rganish, she’riy tarjimalarining yutuq va kamchiliklarini aniqlash, she’riy tarjima tahlili natijalari asosida ba’zi tavsiyalar ishlab chiqishga harakat qilgan. She’riy tarjimaning eng asosiy vazifasi-yaxshi she’r tarjimada yomon she’rga aylanib qolmasligiga harakat qilish, tarjima mazmunini iloji boricha to‘liq saqlab qolish, she’riy matn shakllarining she’r mazmuniga mos ravishda ham vaznini, ham ohangni saqlab qolish hisoblanadi. Tarjimaning yaxshi-yomonligini nafaqat tarjimon, balki o‘quvchi ham bir o‘qishda sezishi lozim. Tillar she’riy tizimlar, vazn, musiqaviy omillar orasida farq mavjud. Biroq mazkur farqlarni tarjimada qayta yaratish orqali tarjima matni yaratiladi. She’riy tarjimada asliyat va tarjima matni, ikki til she’riy sistemasi qanday bo‘lishidan qat’i nazar, har bir she’r o‘ziga yarasha noyob asar sanaladi.

She’riy tarjimada asarning hamma unsurlarini to‘liq saqlab qolish imkoniyati yo‘q, biroq ba’zi tarjimashunos olimlarning fikriga ko‘ra she’rdagi obraz, she’riy hamohanglik saqlanishi lozim. She’riy obraz va hamohanglikning qanchalik saqlanishi tarjimon mahorati bilan belgilanadi. Agar yuqorida zikr etilgan fonetik stilistik vosita va usullar fikrni chiroyli va mazmunli ifoda eta olmasa va bu tarjimada formal vazifanigina bajaradigan bo‘lsa, she’r mazmuniga putur yetadi, aksariyat hollarda she’riy tarjima matni asliyat matnidan uzoqlashib qoladi. Qo‘llangan ifoda vositalari badiiy taassurotni kuchaytira olmasa, she’r ohangi, ritmi va asosiysi mazmuni o‘zgarib qoladi, she’rdan tegishli estetik zavq olish qiyinlashib, mazmun sayozlashadi va ifoda vositalari shunchaki tovushlar yig‘indisidan iborat bo‘lib qolishi mumkin.

Bunda she’rning vazni, turog‘i, qofiyasi, ohangi, hamohang bo‘lib qolmasdan, balki she’rning turli kombinatsiyada kelgan

turini, xususiyatini, muallifning individual uslubi bilan bir qatorda har bir tildagi she’r xususiyatini hisobga olishga to‘g‘ri keladi. Bu she’r tarjimonidan chuqur bilim, ikki til an’analarini, milliy xususiyatlarini, lingvomadaniy jihatlarini, she’rdagi asosiy g‘oya, obraz, stilistik vosita va usullarning qo‘llanish sabablarini, she’riy informatsiyani o‘quvchiga ifodali yetkazishda ishtirok etgan til unsurlari har birining vazifasi, she’r yozilgan davr xususiyatlari va shu kabilarni hisobga olish talab etiladi.

Vazn-arab tilida o‘lchov, me’yor ma’nolarini beradi. Har bir she’rda aniq ravishda ro‘yobga chiqaruvchi ritm hodisasi vazn deb ataladi. Vazn she’rning asosiy xususiyatidir. Bu shunchaki nutq o‘lchovi emas.Vazn-ritmning asosi, bu she’riy sistemalarni vujudga keltiradigan zamin hisoblanadi.

Jahon she’riy sistemasining (aruz, hijo, sillabo-tonik, aleksandiriya, metrik) hammasi vazn tabiatidan paydo bo‘lgan. Vazn xususiyati esa har bir tilning fonetik qurilishidan hosil bo‘ladi.

Vazn muayyan tildagi ritmik imkoniyatning nazmga ko‘chgan shaklidir. Bir xil she’riy vazn bir necha xalq adabiyoti uchun mushtarak bo‘lishi mumkin. Masalan aruzda bitilgan g‘azalni rus tiliga aruz bilan, sillabo-tonik she’rni o‘zbek tiliga sillabo-tonik vazn bilan berishning iloji yo‘q.

Shunday qilib, har bir ijodkor she’rni tarjima qilganda adabiyotlarda mavjud bo‘lgan vaznlardan foydalanishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Salomov G‘., Komilov N. Tarjimon mahorati. – T.: Fan, 1979. – B. 30.

2. Hamidov X., Salimova Z. O‘zbek tilidan turk tiliga she’riy tarjima muammolariga doir. // Sharq tarjimashunosligi: tarixi, hozirgi kuni va kelajagi. – T.: ToshDShI, 2013

3. Xolbekova B. She’riy tarjima mezoni.// Jahon adabiyoti. – T., 2009 11-son.

4. Safarov SH. Kognitiv tilshunoslik. –Jizzax: Sangzor, 2006. -B. 14.

5. Salomov G‘., Jo‘rayev K., Olimov S. Tarjima san’ati. 4-kitob. To‘plovchi T.Jo‘rayev. – Toshkent: Adabiyot va san’at, 1978. – 134-bet.

6.www.ziyouz.com/index

7.www.fikr.uz

SHE’RIYATDA INSON HIS-TUYG‘ULARI IFODASI

Alibek Omonturdiyev,
TerDU tadqiqotchisi

Annotatsiya: *So‘nggi yuzyillikda o‘zbek she’riyatida turfa his-tuyg‘ularning ifoda yo‘sinlari, shakl va mazmuni, badiiy qiymati, tadrijiy yangilanishlarga yuz tutdi. Ushbu maqolada mazkur davr mualliflarining his-tuyg‘uni aks ettirishdagi ayrim namunalari qiyosiy tahlil etilgan.*

Kalit so‘zlar: *his-tuyg‘u, ifoda, yangi nafas, “qizil she’riyat”, avlod, erk tarannumi, adabiy jarayon, simvolizm, pafos.*

Abstract: *In the last hundred years, Uzbek poetry has undergone a gradual renewal of the ways of expression. Form and content, artistic value of varios emotions. In this article, some samples of the authors of this period in the expression of feelings are comparatively analyzed.*

Keywords: *feeling, expression, new breath, “red poetry”, generation, freedom song, literary process, symbolism, pathos.*

O‘zbek she’riyati asrlar davomida Sharq xalqlari adabiyotining avangard yo‘sinlarini, badiiy tafakkurning nazmiy “format”ini belgilovchi ifoda tarzlarini, she’r san’atining “ingichka” sir-asrorlarini tadrijiy, puxta o‘zlashtirgan; ijtimoiy-siyosiy voqea-hodisalarning o‘zbeklar ma’naviy hayotiga ta’siri tufayli XX asr arafasiga kelib, g‘arbona she’riy tutumlar, his-tuyg‘uni, xos va umuminsoniy kechinmani yangicha shakl-shamoyilda izhor etish imkoni tug‘ildi. Aslida, mazkur “yangicha” (barmoq) yo‘sin tabiatan olg‘ir, dangal va cho‘rtkesar Turon xalqlarining azaliy tempramentiga xos bo‘lib, fe’l-u xo‘yining baayni jihatlari qadimiy ajdodlarimizning ma’naviy, badiiy merosida (bitiktoshlar),

aytimlari va ijro yo‘llarida (xalq og‘zaki ijodi) aks etgani va bu meros bizgacha yetib kelgani bor gap. Mohiyat she’riy shakl yoki vaznda emas, albatta. Mohiyat turkiy xalqlar ichida Ahmad Yugnakiy, Lutfiy, Sakkokiy, Atoyi, Navoiy, Bobur, Yaqiniy, Mashrab, Ogahiy, Muqimiy, Furqat kabi ijodi nazmning cho‘qqisiga chiqqan o‘zbekning turli davrlardagi mumtoz his-tuyg‘ulari, kechinmalari, orzu-armonlari, ruhiyat fasllarida sodir bo‘lgan hodisalarning badiiy ko‘lamdorligi, qiymati, originalligi va mutlaqo o‘ziga xosligida; qolaversa, o‘zbek poetik tafakkuri silsilasining, his-tuyg‘ulari evolyutsiyasining bugungi holatini ilmiy o‘rganish masalasida ham.

XX asrning ilk choragida o‘zbek she’riyatiga Abdulhamid Sulaymon Cho‘lpon olib kirgan epkin milliy adabiyotimizda his-tuyg‘uni ifodalashning yangi davrini boshlab berdi. “Bu o‘rinda yana bir faktni alohida ta’kidlash kerak: inqilobdan keyingi dastlabki yillarda Cho‘lpon juda faol va samarali ijod qildi. Uning xilma-xil asarlari chop etila boshladi. Masalan, 1920-yilda o‘zbek she’riyatidagi ilk to‘plamlardan biri – “O‘zbek yosh shoirlari” nashr qilindi. Shu to‘plamda Cho‘lponning o‘n uchta she’ri berilgan. Ular orasida “Go‘zal”, “So‘nggi choqlarda”, “Qalandar ishqi”, “Uyqu” kabi mazmunan g‘oyat teran, badiiy jihatdan barkamol she’rlar bor. Bu davrda Cho‘lpon ijodi bilan ham, jamoatchilik faoliyati bilan ham elu yurt nazarida kattagina obro‘ orttirganini shu faktdan ham ko‘rsa bo‘ladiki, 1920-yilda uni Turkiston vakillari qatorida Bokuga Sharq qurultoyiga yubordilar. Qurultoy Cho‘lponning g‘oyaviy o‘sishida muayyan rol o‘ynaydi – shu qurultoydan keyin uning she’riyatida mazlum sharq mavzusi, mustamlakachilik siyosatiga qarshi kurash motivlari kuchayadi, erkin kuylash yanada teranroq mazmun kasb etadi” [1.10]. Ushbu davrda o‘zbek nazmi mustabid o‘ris she’riyati orqali jahon she’riyatining ilg‘or namunalari, uslublari, janrlari, bayon etish tarzlarini o‘zlashtira boshladi. Garchi she’riy shakllar o‘zlashgan bo‘lsa-da (oq she’r, sonet, sarbast va h.k.), garchand, dastlab,

mazmunan (tematika) ulgi olish holatlari ham kuzatilgan esa-da (mas., fontanga, dengizga bag‘ishlov she’rlar; yoki onaga, singilga xat; va yoki klassiklarga yondashib she’riy doston bitish an’anasi (“Naxshon” (U.Nosir), “Zaynab va Omon” (H.Olimjon), “Dilbar – davr qizi” (Oybek) va h.k.), keyinchalik ushbu jarayon tadrijan tematik-stilistik individuallik kasb etdiki, bu Oybek, G‘afur G‘ulom, Usmon Nosir, Hamid Olimjon, Maqsud Shayxzoda, Mirtemir, Uyg‘un, Shuhrat, Zulfiya kabi shoirlarning she’rlarida birmuncha ko‘zga tashlanib bordi.O‘tgan asrning 60-yillariga kelib, o‘zbek she’riyatida mutlaq sifat o‘zgarishi hodisasi sodir bo‘ldi. Faqat kommunnistik partiya va uning g‘oyalarini shior qilgan, g‘oyaviy, hissiy jihatdan mahdudlanishga giriftor etilgan, ijtimoiy tushuncha o‘laroq “paxta tersang toza ter, chanog‘ida qolmasin” qabilidagi sakta va siyqa bitik o‘laroq kishilar tasavvurida, allaqachon sayozlashib bo‘lgan “qizil she’riyat” o‘rnini Asqad Muxtor, Husniddin Sharipov, Erkin Vohidov, Abdulla Oripov, Rauf Parfi, Omon Matjon kabi qator zabardast shoirlarning insoniy tuyg‘ular jo‘sh urgan, xalqimizning azaliy dardu hasratlari, shodlik va musibatlari qalamga olingan, buyukligi tarannum etilgan, eng muhimi, jahon she’riyati bilan bo‘ylasha oladigan badiiy jihatdan yuksak asarlari egalladi. Aytish mumkinki, ayni shu davr she’riyati hozirgi o‘zbek she’riyatining mustahkam asoslaridan biri hisoblanadi. Ushbu davrda his-tuyg‘uni ifoda etish tarzidagi originallik sezilarli darajada sub’yektivlashdi. Savqi tabiiy yaralgan, yuksak iste’dod namunasi o‘laroq tan olingan she’rlar ko‘paydi. She’riyatga rang-barangliklar, yangi ohanglar va uslublar kirdi. Shoirlarning leksikasi yangilandi; turfa she’riy eksperimentlar qilindi.

“Izlanishlar natijasida, Asqad Muxtor 60-yillarga kelib shunday lirika yaratishga kirishdiki, uning xarakterli belgisini his bilan fikrning uyg‘unligi tashkil qiladi. Bu lirikani o‘ychan lirika deb atash mumkin, chunki unda falsafiy mulohazalarga moyillik baralla sezilib turadi. Bu lirikada insonning ma’naviy dunyosi, tabia-

ti, xarakteri, kayfiyati har tomonlama, juda ko‘p aloqalarda butun murakkabligi va ziddiyatlari bilan namoyon bo‘ladi”[2.367].

Ayniqsa, bu davrda xalqimizning suyukli farzandlari E.Vohidov (“Tong nafasi”), A.Oripov (“Mitti yulduz”), O.Matjon (“Karvon qo‘ng‘irog‘i”), R.Parfi (“Karvon yo‘li”) kabi shoirlar ilk she’riy kitoblarida tartib berilgan namunalar orqali o‘zbek adabiyotiga she’riyatning asliy ruhini, borlig‘ini qaytarib berdi va adabiy jarayonda keskin burilish yasadi:

Nihoyat, gurs etib yerga quladi, / Butab, so‘ng ko‘tarib ketdilar, biroq – / U o‘z panjasida olib jo‘nadi / Yashagan yeridan / Bir siqim tuproq [3.126]. (“Sadoqat”). Ushbu satrlarda E.Vohidov daraxt timsoli orqali Ona Vatanga bo‘lgan muhabbat va sadoqatni tasvirlagan bo‘lsa, o‘tgan asrning 60-yillarida Toshkent shahrining Xadra mavzesidagi Sirk yonida, ochiq osmon ostida dor o‘ynayotgan dorbozning mahoratini ko‘rib, ta’sirlangan shoir A.Oripov ijara uyiga yugura-sola, shosha-pisha “Dorboz” she’rini bitarkan: *Bulutlarga yondosh osmon ostida, / Kiprikdagi yoshday turibdi dorboz. / Qilichning damiday arqon ustida, / Ko‘zlarini yumib yuribdi dorboz. // Odamlar, odamlar, uni olqishlang, / Qarang, u naqadar epchil va o‘ktam, / Biz-chi, eh... ba’zi bir ko‘zi ochiqlar / Eplab yurolmaymiz katta yo‘lda ham* [3.163], – satrlariga o‘sha davr o‘zbek she’riyatidagi hodisa sifatida yuksak baho berilgankim, ayni asar “XX asr o‘zbek she’riyati antologiyasi”dan o‘rin olgani ham bejiz emas. Haqiqatan ham, bag‘oyat yasama, qo‘lbola, chuchmal, siyqa va siyosiy g‘oyalarga xizmat qiluvchi, ta’bir joiz bo‘lsa, oddiy shisha siniqlari kabi qimmatsiz bitiklar orasida satrlari pishiq, o‘xshatishlari yangi (*“kiprikdagi yoshday”, “qilichning damiday*”), falsafiy jihatdan original (“arqon ustida umbaloq oshayotgan” va “katta yo‘lda ham ravon yurolmaydigan” kishilarning muqoyasa etilishi) va favqulodda kishi ruhiyatiga ta’sir o‘tkazadigan she’rning yaxlit kompozisiyasi – xuddi la’l kabi tovlanib, ko‘zga yaqqol tashlanishi tabiiy hol edi.

Aynan Abdulla Oripov ijodi yangi o‘zbek she’riyatida A.Oripovdan keyin she’riyatga kirib kelgan barcha shoirlarning qalamiga ta’sir o‘tkazib, keyingi davrda yaratilgan nazmiy asarlarning sifatini yaxshilashga xizmat qildi. “Abdulla Orif she’riyati pokiza tuyg‘ular, ismsiz dardlarning ifodasi edi. Ulardan sokin ohang taralardi. Mungli bu ohang tuyg‘ular bezovtaligidan, ruhiyat tovlanishlaridan yuzaga kelgandi. Hasratzada, ozurdajon ko‘ngil mavjlari, komillikdan “yulduzlar qadar yiroq” kishilar borligidan ozorlanish suvratlari bu she’riyatning manbalari edi. Baqiriqlar, da’vatlar she’riyati odamning qulog‘iga yetib borardi-yu, ko‘ngliga inmasdi. A.Orifning pichirlab aytilgan alamangiz mungli satrlari o‘zbekning ko‘nglidan joy ola boshladi. Chaqiriq she’rlar quloq pardalariga ta’sir qilgan bo‘lsa, sukunati ko‘proq samimiy she’rlar ko‘ngil ko‘zidagi pardalarni yirta oldi. O‘zbek she’rxoni bexosdan o‘zida ham nozik hislar borligini payqab qoldi. Nosamimiylik axloq darajasiga ko‘tarilgan bir paytda A.Orif she’riyati o‘zbekni tuyg‘ulari tamomila quruqshab qolishdan, ko‘ngil jilvalari borligini to‘la unutishdan saqlab qoldi. Shu ma’noda, Abdulla Orif she’riyatini davr yaratmadi, bil’aks bu poeziya o‘zining davrini yaratdi, deyish mubolag‘a bo‘lmaydi... O‘zbekning oltmishinchi yillarda shakllangan fikrlovchi qismi Abdulla Orif she’riyati ta’sirida dunyoga kelgan deb bemalol aytish mumkin” [4.251].

Ayni poetik xususiyatlarni o‘zida jo etgan Omon Matjon she’riyatida ham his-tuyg‘uni, insoniy kechinmani ifoda etish bo‘rtib turadi. Shoirning “*O‘rtamizda birgina olma – / Olam ichra yumaloq ilinj* [3.191]*”* satrlari bilan boshlanuvchi she’riga ko‘chgan samimiy tuyumlar she’rxonni hayajonlantiradi, she’rning yakuniy bandlari kompozision tig‘izlikni, hissiy “jilov”ni “ushlab turadi”, o‘quvchini badiiy niyat sofligiga, lirik qahramon samimiyyatiga ishontiradi: *“O‘rtamizda birgina olma, / Gard tegmagan, biram pokiza. Hozircha u rangin bir havas, / Lab tegsa boshlanar mo‘jiza...”.*

Ta’bir joiz bo‘lsa, XX asr o‘zbek she’riyatiga sonet kabi o‘ynoqi janrlarning takomiliga xizmat qilgan poeziyasi orqali yangi ohang va poetik “shira”ni, intellektual-emotsional jilvalarni olib kirgan hassos shoir Rauf Parfining keyingi she’riyati (lirikadan simvolizmga o‘tgan, erk va ozodlikni tarannum etgan she’rlari nazarda tutilmoqda – *A.O.*) favqulodda auditoriya tanlaydi, E.Vohidov, A.Orif va O.Matjon she’riyati kabi hamma uchun birday “tushunarli” emas: she’rxonni ma’lum tarixiy, adabiy, estetik bilimlardan voqif bo‘lib, tayyorgarlik bilan mutolaaga undaydi. Shoirning dastlabki lirik she’rlaridanoq mazkur “murakkab she’riyat”ning kurtaklarini, eksperimental izlanishlarini payqash mumkin: *“Xayrlashdik... O‘ynar kapalak... / Biz asir bo‘lmadik lahzaga. / Xayrlashdik, beso‘z, beyurak, / Bu bog‘, bu gul keldi larzaga. // Shabnamning sof qadahi sindi... / Kulimizni sovurdi falak – / Sen mendan ayrilding, men sendan, / O‘yin tushar rangin kapalak. // O‘ynar, o‘ynar, o‘ynar kapalak. / Bir lahzaning farmoni qoldi. / Xayrlashdik. Beso‘z. Beyurak. / Buyuk sevgi armoni qoldi... // Qanday go‘zal, rangin kapalak...”* [5.16]. (“Rondel”. 1962). Rondel kim? U nima? O‘tgan asrning oltmishinchi yillarida bu savolning berilishi tabiiy. Rondel – janr, (*fran*., “rondel”) o‘rta asr she’riyatida 13 misradan iborat, uch baytda tashkil etilgan shakl. Mazkur she’rni yozganida o‘n to‘qqiz yashar bo‘lgan shoirning jahon adabiyoti va she’riyati tarixiga befarq bo‘lmaganligini, izlanishda ekanligini ko‘rsatadi. “Zamonaviy o‘zbek lirikasida jahon adabiyotidan kirib kelgan shunday she’riy janrlar borki, ularning milliy she’riyatimiz bag‘rida qonuniylashuvi bevosita Rauf Parfi ijodi bilan bog‘liq. Bular rondo (“Bu xafa kecha kechar”), rondel (“Xayrlashdik... O‘ynar kapalak...”), tanka (beshliklar), xokku (uchliklar). Va sonet ham o‘zbek she’riyatida Rauf Parfi qalami orqali yangi bosqichga ko‘tarildi hamda uning hech kimnikiga o‘xshamagan mumtoz namunalari yaratildi [6]”. She’rning shakliy va janriy xususiyatlarini bir chetga qo‘ya turaylik. Eng avvalo, uning mazmunini adabiy tahlilga tortadigan bo‘lsak, yuqorida

berilgan she’rda shoirning hech kimga o‘xshamagan iste’dodi, ovozi, ohangi shundoqqina namoyon bo‘ladi. She’rda ikki dilning ayro tushishi, “lahzalik kapalak”, “larzaga tushgan bog‘”, “qadahi singan shabnam” “baxtsiz ranginlik” “o‘yin tushayotgan intiho” (kapalak) motivlari hissiy tizginlanadiki, bular yaxlit holatda o‘quvchini esankiratib qo‘yishi hech gap emas. “Rauf Parfini hayot haqiqati emas, qalb haqiqati ko‘proq o‘ziga tortadi. Mening nazarimda, u kundalik turmushda qanday yashamasin, odamlar bilan qay tarzda muloqot qilmasin, she’rni qandaydir ruhiy yuksaklikda turib yozadi” [7.5]. Shoir borlig‘ida chirkis alanayotgan ezgulik ruhi, mitti xo‘rsiniq she’rxonning tuyg‘ulariga ta’sir o‘tkazadi.

Biz, yuqorida nomlarini sanab o‘tgan benazir adiblar o‘ziga xos adabiy maktab yaratgan, his-tuyg‘u she’riyatini o‘zbek adabiyotiga qaytarib bergan zotlar sifatida to xalqimiz bor ekan unutilmaydi. Ularning ijtimoiy-siyosiy, ayniqsa, adabiy “qo‘zg‘alish”ini bemalol o‘ziga xos “adabiy inqilob”, ma’naviy jasorat, deya e’tirof etish mumkin.

XX asrning 70-yillariga kelib esa ushbu “adabiy inqilob” o‘z izdoshlarini, hammaslaklarini, o‘zbek she’riyatining yangi bayroqdorlarini maydonga keltirdi. Azim Suyun, Usmon Azim, Shavkat Rahmon, Yo‘ldosh Eshbek, Xurshid Davron, Shukur Qurbon kabi bir guruh shoirlar she’riyat osmonida chaqindek porladi. Ular she’riyatining mazmun-mundarijasini barcha davr shoirlarida bo‘lgan shoh mavzular (sevgi-muhabbat, sadoqat, matonat, insonni ulug‘lash, do‘stlik, vafo va h.k.) barobarida mustabid tuzumdan ozod bo‘lish, erk, mustaqillik g‘oyalari goh oshkor, goh pinhon tarannum etilgan, ramzlarga qurilgan she’rlar tashkil etadikim, bu jihat yuqorida nomlari zikr etilgan shoirlarning kurashchan, fidoyi o‘g‘lon sifatidagi adabiy, fikriy pozisityasini belgilab beradi. Ushbu ijodkorlar o‘z asarlari orqali o‘zbek she’riyatida yangi sahifa ochdi. Bu hodisaning ijtimoiy-siyosiy sabablari haqida mulohaza qilgan adabiyotshunos olim U.Hamdamovning tahlillari diqqatga sazovor:

“X.Davron, U.Azim, Sh.Rahmon kabi shoirlar mansub 70-yillar avlodi istiqlol sog‘inchini baland pardalarda kuylash nasib etgan avlod. Men bekorga “nasib etgan” demadim. Zero, yaxshi ma’lumki, istibdod deganlari eng avval so‘z va fikr erkinligini bo‘g‘adi. Ammo, qancha qudratli bo‘lmasin, istibdod umri boqiy emas, chunki u inson tabiatiga zid. Bas, uning umrida ham bolalik, yoshlik, yetuklik va keksalik pallalari bor. 70-yillar avlodi istibdod keksalik pallasiga kirgan vaqtda maydonga tushdi. Ya’ni bu avlodning ijodiy o‘ziga xosligini belgilagan ijtimoiy-psixologik omillar haqida gapirganda, menimcha, eng avval jamiyatda g‘oyaga ishonchning so‘nishi, mamlakatning “turg‘unlik” deb atalgan davrga kirishini ko‘rsatish lozim bo‘ladi. Zero, ayni shu avlod mazkur o‘zgarishlarni juda o‘tkir his etgan. Chunki bu avlod vakillari jamiyatda fasl almashgan o‘sha 50-yillar o‘rtalarida endigina maktabga borgan, “ijtimoiy bahor” kayfiyatiga yarasha saboqlar tinglagan, shuning nafasi ufurib turgan darsliklaru gazeta-jurnallarni mutolaa qilgan, radio-televideniye orqali yer yuzidagi jannatdan reportajlarni tinglab-tomosha qilib ulg‘aygan. Va shu bois ham bu avlod o‘zi to‘qnash kelgan hayot bilan g‘oyaning, so‘z bilan amalning bir-biriga nomuvofiqligini 60-yillar avlodiga nisbatan teranroq his qilgan. Shuning uchun ham 60-yillar avlodining ilk ijodida faoliyatga tashnalik, “qurish, yaratish” ishtiyoqi ustuvor bo‘lgan esa, 70-yillar avlodning ilk ijodida o‘zgacha kayfiyat kuzatiladi” [8].

Erkinlik istagan, hechqursa, ijodida ko‘nglidagidek ozod ruh izmida zavqu shavq bilan katta iste’dodini safarbar etib, go‘zal adabiyot yaratgan ushbu davr she’riyati namoyandalarning ijodi ham hech ikkilanmay aytish mumkinki, bugungi o‘zbek she’riyatining qiyofasini belgilab beradi.

So‘nggi yarim asrda dunyo tamadduni tanib bo‘lmas darajada o‘zgardi. Bu o‘zgarishlar silsilasi ko‘plab qadriyat va barqaror tushunchalar qatorida, hatto xalqlarning fonetikasiga ham katta ta’sir o‘tkazdi. Masalan, o‘tgan asrning 70-yillariga dovur ham

saqlanib kelgan, bevosita Qodiriylar, Cho‘lponlar davri o‘zbekchasining fonetik ganjinasi o‘laroq qadrlanadigan so‘zlash ohangidagi “shira” bugungi kunga kelib butkul yo‘qolib bo‘ldi (shoir G‘afur G‘ulomning, taniqli aktyor Hamza Umarovning talaffuzidagi o‘zbekcha “shira”ni eslang!). Biz, bu mahrumiyatni qo‘shni Afg‘oniston yerlarida yashaydigan o‘zbeklar bilan suhbatlashganda yaqqol sezamiz. Biz, aytayotgan merosiy fonetika baayni afg‘onistonlik o‘zbeklar tilida saqlanib qolgan. Bu bir detall, albatta. Detallki, ellik yillik evrilishlar ta’siri ko‘lamini ko‘rsatib beradi. Ana shunday murakkab va yutqiziqli davrda butun boshli xalqning barqaror sanaladigan ona tilidagi “shira” o‘zgardimi, demak, kishilarning ongu shuuri, munosabatlari, qarashlari, nuqtai nazarlari ham tubdan o‘zgargani, shubhasiz.

Bugungi dunyo – boshqacha – o‘z qadriyatlari va o‘lchov birliklarinigina tan oladigan, sovuqqon, shafqatsiz va haddan tashqari tezkor dunyo! Mana shu davrga kelib, qovoqxonalarda stol ustiga chiqaroq hayqirib she’r o‘qish yoxud “shoir” desa yoppasiga chayqalib, jo‘r bo‘lib she’r tinglash odati arxaiklashdi (unday stol ham, some’ she’rxon ham qolmadi). Turli yangi adabiy oqimlar, texnologik globallashuv, “ommaviy madaniyat” xuruji, virtual “qaramlik”, yangi asrga xos ijtimoiy-siyosiy xaoslarning kishilar shuuriga, o‘y-fikrlariga, taqdirlariga ko‘chayotganligi; bunday “qora tuynuk”ning tortish kuchi ahli afkor yashash tarziga ham qisqa davr ichida, o‘zmi-ko‘pmi ta’sir o‘tkazgani, a’nana va qadriyatlariga, ajdodiy tutumlariga, dunyo dunyo bo‘lgani beri odamzod tasdiqlagan yoxud rad etgan, hal qiluvchi ritorik savol-javoblariga birmuncha bamaylixotir, ma’nosiz yoki tanqidiy qarashga ko‘niktira boshlagani, “chorasizlikdan chora” (Navoiy), “absurddan ma’no” (Kamyu) izlab, topib, tatbiq etayotgani tufayli ham, bizningcha, adabiyotga nisbatan umumiy qarashlarda materialistik munosabatlar yuzaga kelmoqda. Bu hodisa ikkinchi tomondan o‘quvchilar ommasining badiiy tafakkuri, didi, estetik tasavvurlari, orzu-istaklari xilma-xillashuv bosqichlarini

bosib o‘tishining tezlashishiga xizmat qilmoqda. Aytish joizki, jamiyatdagi shaxslashish jarayonining sur’ati adabiy doiralarda, o‘quvchilar ongida allaqachon jadallashgan. Shaxs esa o‘z nomi bilan – shaxs. U istaganini o‘qishi, inkor etishi sarakka yoki puchakka chiqarishi mumkin.

Shunday bo‘lsa-da, asrimizga xos jarayon adabiyotning, she’riyatning azaliy va abadiy shoh vazifalari bilan hisoblashishga majbur. She’riyat va she’rshunoslik ilmi borini boricha yuzaga chiqarish orqali o‘z ishini qilishda davom etaveradi.

Bugungi his-tuyg‘uni ifoda etish masalasi ayni “adabiy globallashuv” shaxslashish jarayoni fonida, turli adabiy yo‘nalishlar, oqimlar va eksperimental “so‘qmoq”lardan yurib ko‘rmoqda. Eng muhimi, hali odamzod robotga aylangani yo‘q! Har ne kechsa-da, odam san’atda, xususan, she’riyatda insoniy tuyg‘ularini (mayli, boshqacha tarzda bo‘lsin) jo etishdan to‘xtagani yo‘q.

Adabiyotlar:

1. Шарафиддинов Озод. “Кулган бошқлардир, йиғлаган менман...”. Чўлпон. Яна олдим созимни. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 576 б.

2. XX аср ўзбек адабиёти тарихи: Ун-тлар ва пед. ин-тлари бакалавр ихтисосини олувчилар учун дарслик/Н.Каримов, С.Мамажонов, Б.Назаров ва бошқ/ –Тошкент: Ўқитувчи, 1999, – 544 б.

3. XX аср ўзбек шеърияти антологияси/ [Таҳрир ҳайъати: А.Орипов ва бошқ. Тузувчи ва нашрга тайёрловчилар: Б.Каримов, Ҳ.Абдиев]. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 496 б.

4. Йўлдошев Қозоқбой. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. –546 б.

5. Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – 130 б.

6. Олтинбек Олим. Рауф Парфи ва жаҳон шеърияти. https://kh-davron.uz/kutubxona/uzbek/olim-oltinbek-rauf-parfi-va-jagon-sheriyati.html

7. Баҳриев Карим. Тақдим. Рауф Парфи. Сайланма. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 432 б.

8.https://kh-davron.uz/yangiliklar/ulugbek-hamdam-70-yillar-avlodi-sheriyati-xurshid-davron.html

ABDULLA QODIRIY IJODI VA YANGI O‘ZBEK ADABIYOTI

Berdiyeva Sadoqat Eshonqul qizi,
Iqtisodiyot va pedagogika universiteti o‘qituvchisi
Dustmirzayeva Flyura Shuxrat qizi,
Iqtisodiyot va pedagogika universiteti talabasi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada buyuk allomamiz Abdulla Qodiriyning hayoti va ijodining o‘zbek adabiyotiga qo‘shgan hissasi, amalga oshirgan ishlari, yozgan adabiyotlar ro‘yxati haqida umumiy ko‘rsatmalar mavjud. Adib o‘z asarlarida Jadidlar millatini g‘aflat uqusidan uyg‘otishga da’vat etganligi, shuningdek “Mehrobdan chayon”, “O‘tgan kunlar” romanlarining qahramonlari ularning bosib o‘tgan yo‘llari haqida umumiy ma’lumotlar beriladi.*

Kirish so‘zlar. *Qahramonlar, insonparvarlik, roman.*

Abstract: *This article contains general instructions about the life and work of our great scholar Abdulla Kadiri, his contribution to Uzbek literature, his works, and the list of his written literature. In his works, Adib called upon the nation of the Jadids to wake up from ignorance, as well as general information about the paths taken by the heroes of the novels “Scorpion from the Altar” and “Otgan Kunlar”.*

Keywords: A.Kadiri, works, heroes, humanitarianism, novel.

XX asr o‘zbek adabiyotining yorqin durdonalaridan biri o‘z asarlari bilan xalqimiz ko‘nglidan joy olgan, millatimizni zulmatdan yorug‘likga yetaklagan va o‘zbek romanchiligining asoschisi Abdulla Qodiriy.

Abdulla Qodiriy 1894-yil 10-aprelda Toshkent shahrining Eskijo‘va mahallasida bog‘bon oilasida tavallud topgan. Otasi Qo-

dir boboning boshidan kechirgan sarguzashtlari Abdulla Qodiriyning qator asarlari, tarixiy romanlarning, xalqimiz qalbida o‘chmas iz qoldirgan asarlarini yuzaga kelishida muhim rol o‘ynagan. U yoshligidanoq qadimgi Sharq madaniyati va adabiyoti ruhida tarbiya topgan. Arab, fors va rus tillarini o‘rgangan. Nikolay Gogol va Anton Chexovning asarlarini o‘zbek tiliga tarjima qilgan. Jahon adabiyotini ixlos bilan mutola qilgan. U birinchi she’rini 1912-yilda nashr eta boshlagan. Qodiriy o‘zbek adabiyotida romanchi sifatida eng katta hissasini qo‘shgan. Yozuvchi o‘z ijodini 1912-1914–yillarda boshlagan va birinchi bor shoir sifatida qalam tebratgan. “Sadoyi Turkiston” gazitasining 1914-yil 1-aprel sonida Abdulla Qodiriy imzosi bilan “Yangi masjid va maktab” sarlovhali xabar bosilib chiqariladi. Adibning “To‘y”, “Ahvolimiz”, “Millatimga”, “Fikr aylagil” kabi she’rlari, “Baxtsiz kuyov” dramasi, “Juvonboz” hikoyasi shunga o‘xshash asarlari chop etilgan. Yozuvchi bu she’rlarida o‘z millatining ma’naviy-ma’rifiy, vatandoshlarini jaholat va xurofotga qarshi kurashga chaqirib, insonparvar va ma’rifatprvar shoir sifatida ko‘z oldimizda gavdalanadi. “Baxtsiz kuyov”, “Hech kim bilmaydi” (1915-yilda) pyesalar ham yozgan. Adibning “Uloqda” hikoyasi o‘zbek adabiyotining birinchi namunalaridandir. Hikoya 1915-yilda yozilib, 1916-yilda Toshkentda alohida kitob sifatida nashr qilingan. “Uloqda” hikoyasida yozuvchi quvonch bilan o‘limni yonma-yon tasvirlab, insonni hamisha aql bilan ish tutishiga undaydi, keraksiz narsalarga umrini sarflamasdan madaniy-ma’rifiy yuksalishga va ma’naviy hayotga intilib yashashga turtki buladi. “Jinlar bazmi” ushbu hikoyasi 1916-yilda yozilib, birinchi bor ko‘p vaqt orasida, ya’ni 1921-yilda “Sharq chechagi” nomli jurnalda bosib chiqarilgan. Asar yozilganiga bir asr bo‘lganiga qaramay, unda yozilgan voqealar va tasvirlar o‘zining orginalligi, uslubiy ravonligi, tilning soddaligi va ifodaligi bilan xalqimiz va kitobxonlar e’tiborini o‘ziga tortgan. Bu hikoya dunyoning ko‘p tillariga tarjima qilingan, jahon adabiyotining eng sara asarlar qatoriga kiritilgan. “Ju-

vonboz” asarida yaramas kasal odatlarga qarshi chiqishi haqida ma’lumotlar berilgan.

Adib o‘zining ilk asarlarida turli taxalluslar bilan nashr ettirgan, bunday taxalluslardan biri xalqimiz orasida eng mashhuri Julqunboy.

1924-yilda Abdulla Qodiriy Moskvaga borib, Jurnalist institutida tahsil oladi. 1917-1918-yillarda Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romani uchun materiallar to‘play boshlaydi. 1922-yilda “Inqilob” jurnalida birinchi o‘zbek adabiyoti romanchiligining birinchi boblari nashr etila boshlandi. “O‘tkan kunlar” romani uchta qismdan iborat kitob sifatida 1925-1926-yillarda nashr ettiriladi. Bu romanni xalq orasida qo‘lma-qo‘l bo‘lib o‘quvchilar nobatdagi boblari chiqishini intizorlik bilan kutishgan. 1928-yilda yozuvchining ikkinchi tarixiy romani “Mehrobdan chayon” nashr etildi. Yozuvchi ikkala tarixiy romanida ham xalqning milliy mustamlaka zulmidan ozod bo‘lish umidini ifodalaydi. 1934-yilda “Obid ketmon” – qishloq hayotidagi voqealarni o‘zida mujassam etgan qissasini yozadi va bu asar ham xalqimiz kunglidan joy oladi.

Abdulla Qodiriyda Amir Umarxon davri haqida ham roman yozish orzusi bo‘ladi, lekin avtoritar tuzum bo‘lganligi uchun bu orzusi amalga oshmaydi. 1926-yilda “Mushtum” jurnalida e’lon qilgan “Ijtimoiy jumlalar” maqolasi tufayli qisqa muddatga qamaladi. 1937-yil 31-dekabrda ikkinchi marta “xalq dushmani” sifatida qamalgan, 1938-yil 4-otabrda otib tashlan.

Qodiriyning fojiali o‘limidan so‘ng uning asarlarini mutolaa qilish yillar davomida taqiqlangan, lekin aholi uni o‘z uylarida saqlab o‘qigan. Uyda saqlaganlarni politsiyachilar tomonidan tutilgan, ba’zilari qamoqqa ham oligan.

Sevgi, sadoqat rashk, xiyonat – “O‘tkan kunlar” o‘z davrining ijtimoiy cheklovlari tuzog‘iga tushib qolgan oshiqning hikoyasi. 1800-yillarda Markaziy Osiyoda bulagan voqealarni yoritgan Ipak yo‘linig shaharlar, sahrolari, bepoyon dashtlarini ham

shu qadar go‘zal tariflaganki, bu asarni o‘qigan odam reallikga tushib qolganday bo‘ladi. Romanda hazil-mutoyibalar, oshiq yuzlar, qo‘rqinchli qahramonlarni tariflani ularni haraterlari ichki kechinmalarini ifoda etishi o‘quvchilarni o‘ziga jalb etadi. Bu roman birinchi yozilgan paytidagi singari hozir ham qadrlidir, hamma sevib mutolaa qiladi.

“O‘tkan kunlar”ning eng hayratlanarli jihatlaridan biri bu har bir sahifasini o‘qiganda odamlarni o‘ziga tortadi va ularni chuqur izlanuvchanlikga yondaydi, hikmatga chorlashi bilan ham mashhur hisoblanadi. Qodiriyning hayot, ishq, vaqtlar haqidagi mushohadalar o‘quvchilarda yaxshi taassurotlar qoldiradi. U insoniy munosabatlar murakkab tarafini nozik tadqiq qilgan, sevgining mo‘rtligini, sog‘inchning achchiq-shirin tabiatlarini yoritadi. U o‘z so‘zlari orqali bugungi kunimizni, kelajagimizni ma’naviy-ma’rifiy, madaniy, insonparvarligimizni shakllantirish uchun harakat qilishimiz uchun turtki bo‘ladi. O‘tmish – bu bizning qalbimizdagi muqaddas makon bo‘lib, u yerdagi kulgi va xursadchiliklar, ko‘zyoshlar va g‘amgin xotiralar sadolari yashagan, biz kim bo‘lganimizni, kim eknligimizni, kim bo‘lishimiz mumkinligini eslatadigan xotira kitobi desak ham bo‘ladi.

“O‘tkan kunlar” kitobxonlarning turli qatlamlarida aks-sado beradigan ma’naviy va madaniy xazinamiz hisoblanadigan asardir.

Abdulla Qodiriyning tarixiy mavzuga bo‘lgan ishtiyoqi uning o‘z xalqining o‘tmishini anglashga intilishi, sabr-sadoqati, mehnatsevarligi, xalqning ozodlik va istiqlol yo‘lidagi kurashlari bilan izohlanadi.1961-yilda rus tilida nashr etilgan “Mehrobdan chayon” romanining o‘ziga xos xususiyatlaridan biri shuki, asarda o‘zbek xalqining hayoti va tarixi xarakterlari yoritilgan. Adib o‘zining “Mehrobdan chayon” romanida realistik yo‘nalish an’analarini sezilarli boyitdi. Bu asarda Ra’noning o‘z erkinligi uchun kurashishi, Anvarning sevgisi uchun kurashishi haqida yozilgan. Yozuvchi ba’zan qahramonlar tabiatini, xususan,

haramdagi qizlar misolida olgan to‘g‘ri bu ko‘rinishdan kulguli tuyulishi mumkn lekin bu yerda o‘sha paytdagi voqealarni turli xil usulda yoritgan. Bu asarda hayot haqiqatlarini jamiki hamma qirralari va tovlanishlari bilan ruhiyatni o‘ziga xos ohanglar va bo‘yoqlar yordamida yoritgan baddiy obidadir.

Xulosa qilib aytganda, birinchi o‘zbek romanining egasi, iste’dodli adib Abdulla Qodiriyning asarlari o‘zbek asarlari adabiyoti tarixida mumtoz o‘rinni egallagan. Ulug‘ insonlar va ularning asarlarini to‘liq o‘rganib bo‘lmaydi. Qancha vaqt o‘tmasin, bunaqa asarlar qanchalik o‘rganilmasin, ularning yangi ma’nolari va qirralari ochilaveradi. Abdulla Qodiriy romanchilik janriga asos solgan ana shunday buyuk siymolardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Abdulla Qodiriy. Kichik asarlar. – Toshkent: Badiiy adabiyot nashriyoti, 1996.

2. Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyoti. – Toshkent: Ma’naviyat, 2004.

3. www.kitob.uz

“O‘TKAN KUNLAR”DA TANQIDIY REALIZM METODI

Abduraimov Dilshodjon Abduraim o‘g‘li,
ToshDO‘TAU mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya. *Ushbu maqolada XX asr o‘zbek milliy adabiyotining ulug‘ vakili, buyuk jadid ma’rifatparvari, donishmand inson, o‘zbek milliy romanchiligining asoschisi Abdulla Qodiriy ijodidagi shoh asari “O‘tkan kunlar” romanida XIX-XX asr g‘arb adabiyotida shakllangan tanqidiy realizm metodining ilk o‘zbek milliy romani dastlabki na’munlarining asar voqea-hodisalari qatiga singdiriliganini ko‘rib o‘tamiz.*

Kalit so‘zi. *Abdulla Qodiriy nasri, XX asr o‘zbek milliy romanchiligi, XX asr o‘zbek milliy adabiyotida Abdulla Qodiriy ijodi, ijodiy yangiliklari, XX asr o‘zbek milliy nasrida va romanchiligida tanqidiy realizm metodining o‘rni va ahamiyati.*

Abstract: *In this article, the great representative of the Uzbek national literature of the 20th century, the great modernist enlightener, a wise man, the founder of the Uzbek national novel, Abdulla Kadiri, the masterpiece of the novel “The Past Days” in the Western literature of the 19th-20th centuries Let’s see how the first examples of the formed critical realism method in the first Uzbek national novel were embedded in the events of the work...*

Keywords: *Writer Abdulla Kadiri’s prose, 20th century Uzbek national novelist, work and creative innovations of Abdulla Qadiri in 20th century Uzbek national literature, role and importance of critical realism method in 20th century Uzbek national prose and novel.*

XX asr o‘zbek milliy adabiyotining eng buyuk ijodkorlaridan biri bu xalqimizning ulug‘ va otashqalb farzandi yozuvchi Abdul-

la Qodiriydir. XX asr boshlaridan boshlab Turkiston zaminiga XIX asrning ikkinchi yarimlarida Qozon, Ufada (Volgabo‘yi va Sibirbo‘yida) qardosh turkiy qavmlar bo‘lmish qrim-tatar xalqlari ziyolilari orasida asta-sekinlik bilan vujudga kelgan ma’rifatchilik va taraqqiyparvarlik g‘oyalari mahsuli bo‘lmish jadidchilik mafkurasi va g‘oyasi (XX asr butun musulmon turkiy xalqlar hayotiga kuchli ta’sir qilgan hamda tamaddunidagi eng buyuk renessans-uyg‘onish davri, ma’rifatchilik davri, taraqqiyparvarlik davri) keng yoyila boshlaydi. Turkiy xalqlarning buyuk farzandi (Aynan shu ulug‘ inson tashabbusi o‘laroq jadidchilik g‘oylari va qarashlari shakllandi) ma’rifatparvar va ziyoli inson bo‘lgan Ismoilbek Gaspirali (Gasperinskiy) XIX asr oxirlarida Turkiston hududlariga safar qildi (uning eng buyuk maqsadi jadidchilik g‘oyalarini boshqa turkiy qavmlar orasida yoyish edi). Aynan shu shonli tarixiy voqeadan keyin XX asr boshlarida Turkiston zaminida jadidchilik qarashlari va g‘oyalari asta-sekinlik bilan shakllana boshladi. O‘z navbatida, millatnining ziyosini va ma’rifatini ta’min etadigan milliy adabiyot, teatr, san’atda ulkan o‘zgarishlar davri boshlandi. Shu davrdan boshlab, milliy adabiyotimizning ham milliy uyg‘onish davri boshlandi hamda milliy adabiyotimizning nasr, nazm (she’riyat), dramaturgiya (sahna asarlari) kabi adabiy turlarida jonlanish va yangilanish davriga yuz burdi. XX asr boshlari o‘zbek milliy adabiyotida nasrda jadidchilik g‘oyalari va qarashlari jiddiy ijobiy ta’sir etdi hamda yangidan-yangi g‘oyalar va qarashlar bilan boyidi. Ya’ni bu borada milliy adabiyotimizning nasriy adabiy turi o‘zining milliy uyg‘onish davrini boshladi hamda jahon adabiyotining buyuk nodir durdona asarlari, dunyo adabiyotining ulug‘ namoyondalari va ularning hayotiy va ijodiy tajribalari, badiiy-g‘oyaviy qarashlari, badiiy asarlardagi gumanistik-insonparvarlik qarashlari, adabiy tur va janrlar, shakllar va badiiy xususiyatlar jadidchilik g‘oyalari va qarashlari orqali asta-sekinlik bilan kirib keldi hamda shakllandi.

XX asrda g‘arb adabiyotida (asosan nasriy asarlarida, qisman she’riy hamda dramatik asarlarda) hayotini, o‘zlari yashayotgan davrni aniq-ravshan bor bo‘yi bilan ko‘rsatish, ya’ni ortiqcha jimjimadorliklarsiz, bo‘yab-bejamasdan, aniq hayotiy haqiqatlar bilan ochiq-oydin aks ettirish (bu jahon adabiyotida adabiy metod sifatida tanqidiy realizm va undan kuchaytirilgan shakli syuralizm) jarayoni va shakli XX asr boshlariga kelib sharq xalqlari milliy adabiyotlarida sekin-astalik bilan namoyon bo‘la boshladi. Bu o‘rinda buyuk adib Abdulla Qodiriy ijodidagi nasriy asarlarda hayotni, o‘zi yashayotgan davrni aniq hayotiy haqiqatlar orqali aks ettirish (realizm) bosqichi, davri boshlab berildi. Abdulla Qodiriy ijodidagi buyuk shoh asari bo‘lgan birinchi o‘zbek milliy romani (bu o‘rinda biz yana bir ulug‘ adibimiz Hamza Hakimzoda Niyoziy qalamiga mansub “Uchrashuv” va “Yangi saodat” kabi nasriy namunalarni dastlab milliy romanchiligimizdagi dastlabki ilk tajriba bo‘lganligi uchun hamda dunyo romanchligi talabi darajasida bo‘lmaganligi uchun bu asarlarni roman deya olmaymiz) “O‘tkan kunlar”da XX asr birinchi yarimi ya’ni mustabid sho‘rolar davrini, sobiq Ittifoq olib borayotgan manfur siyosatini, istibdodini, jabr-zulmini o‘zidan bir asr oldingi davr – XIX asr o‘zbek xonliklari davr hayotini tasvirlash orqali ko‘rsatib berdi (har bir ijodkor, u g‘arb adabiyotida bo‘lsin, sharq adabiyotida bo‘lsin biron bir voqea-hodisadan qattiq ta’sirlanar ekan, u o‘zi yashayotgan davr bo‘lsin, yo uzoq o‘tmishda bo‘lib o‘tgan bo‘lsin shu voqea-hodisani qalamga olar ekan, avvalo, adib o‘zi yashayotgan davr nuqtayi nazaridan, dunyoqarshidan kelib chiqib yondashadi, uzoq o‘tmishdagi tarixiy jarayonlar va voqea-hodisalarda o‘z zamonasining dard-alamlari, orzu-umidlari, maqsad-u muddaolari aks etgan bo‘ladi va o‘z davrining “hidi” kelib turadi) Abdulla Qodiriy yashagan davrni ko‘z oldimizga keltiradigan bo‘lsak, avvalo, bunda ona Turkistonimiz ustida ikki mustamlakachilik davrni ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi: birinchi davr chor Rossiyasining mustamlakachilik davri XIX

asrning ikkinchi yarimlaridan to XX asr boshlarigacha aniqrog‘i 1917-yildagi (fevral) va (oktyabr) to‘ntarishlari (arabcha inqilob) natijasidagi mutloq podsho hokimiyati (mutlaq monarxiya) ning ag‘darilishigacha bo‘lgan davri bo‘lsa, ikkinchi davri esa 1917-yil oktyabrda qattol va manfur tuzim tashabbuskorlari bo‘lgan qonsiragan sho‘rolar davri (Sovet hokimiyati davri)da cheksiz jabr-zulm va mustamlakachilik kishanlari ostida ezilgan xalqimizning bir jafokash vakili sifatida bu manfur bosqinchi sho‘ro zulmkorlariga qarshi o‘z Navoiy hazratlari ta’bri bilan aytganda “ojiz qalami” bilan qarshi kurashdi. Abdulla Qodiriy o‘z zamonasi dard-u alamlarini, jabrdiyda xalqi tortayotgan cheksiz jabr-zulmlarni, mustamlakachilik siyosatini, sho‘rolar davrining chirkin xususiyatlarini va o‘z ko‘nglidagi mustamlakachi sovet hokimiyatiga bo‘lgan cheksiz nafratini va qalbidagi isyonini bir yirik badiiy asarga to‘kib sochishini maqsad qildi va milliy adabiyotimizning ulug‘ shoh asari bo‘lgan “O‘tkan kunlar” romani dunyo yuzini ko‘rdi. O‘tkan kunlar” da adib hayotni, o‘zi yashagan davrni, sobiq sho‘rolar tuzimini, manfur mustamlakachilik siyosatini tanqidiy realizm orqali bir asr oldingi davr – XIX asr o‘zbek xonliklari zamoni bilan bog‘lagan holda bu asar zamiriga singdira oldi. Ya’ni adib bu asar qatiga juda ham katta dolzarb masalani singdirgan bo‘lib, oddiy kitobxon nazdida bu roman ikki yoshning – Otabek va Kumushning sevgisi va ularga raqib Homidning bunga qarshi dushmanligini ko‘rishi mumkin, yoki bo‘lmasa o‘tgan asrdagi bobolari hayotidan olingan bir romantik voqea-hodisalar yig‘inidisi sifatida ham ko‘rishi mumkin, biroq Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romanida sobiq sho‘rolarning qattol mustamlakachilik siyosatidagi illatlarni, iflosliklarni, o‘zi yashayotgan davrning og‘riqli muammolarini mana shu badiiy asar orqali aytib o‘tgan: “O‘tkan kunlar” romani boshida dastlab o‘z millat dardi bilan yashaydigan asl millat farzandi Otabek asar fonida juda dolzarb masala bilan kirib keladi: Ziyobek Shohichi (amal nomi lavozim ma’nosida) xonadonida bo‘lgan majlisda

Otabek XIX asrdagi juda ham achchiq hayotiy haqiqatni, dolzarb masalani – o‘z yurtining taraqqiyisi, davlat qudrati, rivoji masalasini o‘rtaga tashlaydi. Otabek majlisdagilarga chor Rossiyasining o‘zbek xonliklariga nisbatan ham iqtisodiy, ham siyosiy, ham harbiy jihatdan kuchli ekanligini bu masala achchiq haqiqat bo‘lsa-da, qo‘rqmasdan dadil turib aytib o‘tadi. Shu o‘rinda aytib o‘tishimiz o‘rinliki, Otabek misolida Abdulla Qodiriy juda katta g‘oyani ilgari surgandi, ya’ni u aytgan bu achchiq haqiqatni anglash uchun shu majlisdagilar bunga yetarlicha tayyormikan, ularning “aql-idroki” buni hazm qila oldimikan, bu achchiq haqiqatni anglab yetdimikan adib shu o‘rinda tanqidiy realizmdan juda ham o‘rinli foydalangan holda bunday dolzarb masalalar qarshisida aqli ko‘tohi ojiz bo‘lgan kimsalarni ham qistirib o‘tadi: romanda shunday kimsalardan “lirik” vakili bo‘lmish shaxs XIX asr o‘zbek xonliklari uchun og‘riqli dard - xotinbozlik “kasaligiga” mubtalo bo‘lgan Homidboy obrazi (bu obraz orqali XIX asr o‘zbek xonaliklardagi ayanchli illat - xotinbozlik illati va bu dardga chalingan kimsalarning umumlashma obrazi xotinboz Homidboy obrazi orqali aks ettirilgan) asarga kirib keladi. Otabek o‘z millatining taraqqiysi uchun jon kuydirib, achchiq haqiqatlarni aytib o‘tsa ham, bu “parvoyi falak” kimsaning dardi faqat millatning ayanchli va chirkin dardi – xotinbozlikda dono xalqning iborasi bilan aytganda, gapni olib borib, yana shunga ulaydi qablida dolzarb masalaga aqli yetmaganidan yana chirkin illatga borib ulaydi. Shu o‘rinda adib Otabek va Homidboy obrazlarini bir-biriga nisbatan taqqoslar ekan, ularning dunyoqarashlarni ham taftish etib boradi. Biri millat dardida, biri esa “chirkin” dardda. Mana bir yurtning ikki fuqarosi misolida hayotiy achchiq haqiqatni ko‘rishimiz mumkin. Romanda Otabek chor Rossiyasining qudratini asl o‘zagi bu uning davlat boshaRuvining mukammalligida, murakkabligida hamda eng muhimi uning ittifoqligida edi. Mana Otabekning yuksak aql-zakovati darajasi. Adib Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romani qahramoni

Otabek obraziga juda katta dolzarb masalani singdirgan bo‘lib, bu masala millat dardi bilan yonib yashaydigan ma’rifatli inson sifatida tasvirlash edi.

Shuningdek, adib Abdulla Qodiriy o‘z zamonasining eng bilimdon va ma’rifatparvar hamda uzoqni ko‘ra oluvchi qalbi uyg‘oq inson bo‘lgan. Abdulla Qodiriy Otabek tilidan o‘zining yuksak g‘oya va qarashlarini mazmunan bayon etadi, ya’ni XIX asr chor Rossiyasining o‘zbek xonliklari bilan bir-biriga solishtirib ko‘rar ekan, quyidagi umumiy xulosaga to‘xtaladi: Podsho Rossiyasining qudrati uning ittifoqligida. Bundan tashqari adib bilar ediki, sobiq sho‘rolarning olib borayotgan mustamlakachilik siyosatini chor Rossiyasining mustamlakachilik siyosatini shaklan o‘zgartirib, biroq mazmunan saqlab qolganligini yaxshi tushunar edi. Shuning uchun ham adib “O‘tkan kunlar” romani qatiga juda ham katta dolzarb masalalarni singdirib yubordi. Adib Abdulla Qodiriy XIX asr o‘zbek xonliklarining bir-biri bilan olib borayotgan tinimsiz urushlari, bir xonlikning ikkinchi bir xonlik ustiga harbiy yurishlari natijasida necha-necha yuzlab, minglab begunoh va oddiy xalqning qoni to‘kilishiga sabab bo‘lgan yurtbuzarliklari, chidab bo‘lmas soliqlar hamda majburiyatlarni, yuqori davlat amaldorlarining oddiy va bechorahol xalqqa nisbatan qilgan cheksiz jabr-zulmlari, begunoh norasidalarning qoni to‘kilishiga sabab bo‘lgan fitnalari, ig‘volarini, bir yurt fuqarolarining bir-biriga g‘anim qilib qo‘yishi natijasidagi buzg‘unchiliklarni o‘z zamonasidagi muhit – sobiq sho‘rolarning olib borgan manfur mustamlakachilik siyosati hamda adolatsiz jabr-zulmlari bilan mazmunan bir-biriga singdirib yubordi. Bu holat XX asr (boshlari) o‘zbek milliy adabiyotidagi g‘arb adabiyotining eng katta yangiligi bo‘lgan goh zamonaviy mazmunda bo‘lsin, goh tarixiy mazmundagi voqea-hodisa aks ettirilgan bo‘lsin ularga tanqidiy nigoh bilan qarash hamda hayotning asl haqiqatlarini. aks ettirish (tanqidiy realizm metodi) orqali tasvirlash jarayonining sekin-astalik bilan “O‘tkan kunlar”da shakllana borganini

koʻrishimiz mumkin. Bundan tashqari xotinboz Homidboy Mirzakarim Qutidorning qizi Kumushga erisha olmaganidan keyin Otabek va qaynotasi Mirzakarim Qutidorga qarshi tuhmat uyushtirib, ularni Qoʻqon xoni Xudoyorxonga yomonotliq qildirtiradi (ya'ni Qoʻqon xonligining vassali-qarami boʻlgan Toshkent hokimi Azizbek Qoʻqon xonligiga qarshi isyon koʻtaradi hamda xonlik qoʻshinlariga qarshi qoʻshin tortadi. Bunga esa toshkentlik amaldor Otabekning otasi Yusufbek Hojining bosh boʻlganligi haqida tuhmat va igʻvolari sabab boʻlgan edi). Biroq taqdiri azal deganday Otabek va qaynotasi Mirzakarim Qutidorning dor tagidan omon qolishi (xotinboz Homidboy igʻvosi quruq tuhmatining fosh etilishi) bilan bogʻliq voqea-hodisalarni adib Abdulla Qodiriy oʻz zamonasi adolatsizliklariga, ya'ni sobiq shoʻrolarning olib borgan manfur mustamlakachilik siyosatining eng qattol bosqichi boʻlgan qatagʻon davri (sobiq shoʻrolarning olib borgan mustamlakachilik siyosati natijasida milliy oʻlkalarda uyushtirilgan qirgʻinlar, adolatsizliklar, nohaqliklarga qarshi milliy ozodlik kurashlari, misol uchun, ona Turkistonimizda sovetlarning mustamlakachilik siyosati hamda adolatsizliklari, cheksiz jabr-zulmlari qarshi 1918-yildan to 1930-yilgacha olib borilgan milliy istiqlolchilik tashabbuskorlariga qarshi repressiya - qatagʻoni, shuningdek, mulkdor tabaqa vakillari, ruhoniy qatlam vakillariga qarshi olib borilgan 1931–1936-yillardagi qirgʻin-qatagʻon, millatning asl farzandilari - jadidchilik gʻoyalari tashabbusikorlari va ma'rifatparvar ziyolilarga qarshi 1936–1939-yillardagi qirgʻin-qatagʻonlarni, adolatsizliklarni, nohaq tuhmat, igʻvolar natijasida bir-biriga gʻanim boʻlib qolgan insonlarning fojiali taqdirlarini) bilan mazmunan bir-biriga singdirib yuboradi. Bunda biz adib Abdulla Qodiriyning tanqidiy realizm metodidan unumli foydalanganligini koʻrishimiz mumkin. Bundan tashqari "Oʻtkan kunlar" da eng qaygʻuli, kitobxonni ham yigʻlattiradigan, ham gʻazablantiradigan, ham chuqur oʻylashga majbur qiladigan bir mungli voqea-hodisa boʻlib, bu voqea oʻzining mash'um tar-

ixiyligi bilan ham o‘zbek millati tarixi zarvaraqlariga qizil qon bilan bitilmishdir: bu voqea “O‘tkan kunlar”da “Qipchoqqa qirg‘in” deb nomlangan bobda keltirilgan bo‘lib, bu yaqin tariximizdagi eng qayg‘uli tarixiy voqeadir. Adib Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romanini yozar ekan, mana shu mash’um tarixiy-fojiyaviy voqeani bevosita yoshligida guvohi bo‘lgan qari-qartanglardan so‘rab oladi hamda “O‘tkan kunlar” ga alohida bir bob qolib, keltirib o‘tadi. XIX asr 40-50-yillarida Qo‘qon xonligida o‘zbeklarning (Turkiylarning) Qipchoq deb atalgan yirik urug‘-qabilasining nufuzi jihatdan Qo‘qon xoniligida o‘zbeklarning boshqa 92 ta urug‘-qabilasiga qaraganda oshib ketadi hamda ularning urug‘-qabilasi boshlig‘i Musulmonqul Mingboshi Qo‘qon xoniligida Mingboshilik (bosh vazir) lavozimida edi va u hokimiyatni o‘z qo‘liga olib, hali yosh bo‘lgan Qo‘qon xoni Xudoyorxonga qizini berib, o‘ziga kuyov qilib olgan edi. Shundan keyin Xudoyorxon qaynotasi qipchoqlar boshlig‘i Musulmonqul Mingboshidan qutilib, mustaqil bo‘lmoqchi bo‘ladi va shundan so‘ng daxshatli farmon chiqaradi: Qo‘qon xonligi hududlarida endi istiqomat qila boshlagan qipchoqlarni butunlay qirib tashlash haqida mash’um qaror chiqaradi. Buning aks-sadosi sifatida Qo‘qon xonligiga qarashli Toshkent hokimligida o‘zbeklarning (turkiylarning) ikki urug‘i qorachoponlar va qipchoqlar o‘rtasida kelishmovchilik kelib chiqib, bundan “yurtbuzarlar”, “fitnachilar” qorachoponlarni qipchoqlarga qarshi gij-gijlaydi va natijasi shu bo‘ldiki, qonxo‘r xonning farmoni va bir guruh fitnachi, ig‘vogar davlat amaldorlarining ig‘vosi sabab bo‘lib, Toshkentda qorachoponlar qipchoqlarni ayovsiz ravishda qirib tashlaydi. Bu mash’um tarixiy voqea 1852-yilda qish oyida sodir bo‘lgan edi...Adib Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romanida bu qonli qirg‘ini tasvirlab keltirar ekan, avvallo, bunday mash’um holatdan chuqur qayg‘uga botadi, o‘sha davrdan, zolim xonning mustabid tuzimdan nihoyatda nafratlanadi hamda o‘zi yashayotgan davrni sobiq sho‘rolarning olib borayotgan mustamlakachilik siyosati ham-

da o‘zbek xalqining asl farzandlari - ziyolilarni qirib tashlashdan iborat 1936-yildan 1939-yilgacha davom etgan mash’um qatag‘on davrini ham mazmunan asar qatiga sindirib yuboradi. Mustabid shurolar davrida bir xalqni ikkiga bo‘lib, bir-biriga qarshi gij-gijlash natijasida odamlar qatag‘ondan omon saqalash maqsadida bir-birini sho‘rolarga “sotar” edi. Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romanida tanqidiy realizm metodidan unumli foydalangan holda romanda tasvirlangan bir asr oldingi davrda ro‘y bergan voqealarga o‘z davrining ham og‘riqli muammolarini mazmunan birlashtirib, umumiy xolasa chiqarib bergan edi. Xulosa o‘rnida shuni aytmog‘imiz kerakki, Abdulla Qodiriy “O‘tkan kunlar” romanida ham bir asr oldingi davrni, ham o‘z zamonasini bir-biriga baqamti qilib, tasvirlab berar ekan, hayotning achchiq haqiqatlarini, o‘tmish xonlik zamonlarini, sobiq sho‘rolar davrini ortiqcha bo‘yab bejamasdan tanqidiy ruhda (Tanqidiy realizm metodi) yondashib, bayon etib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati

1. Abdulla Qodiriy. Mehrobdan chayon. – T.: Sharq, 2013. – 288 b.
2. Abdulla Qodiriy. O`tkan kunlar. – T.: Sharq, 2014. – 400 b.
3. Абдулла Кодирий. Кичик асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом, 1969. – 216 б.
4. Www.ziyo.net.
5. Www.wikipedia.uz
6. Www.kitob.uz
7. Www.ref.uz saytlari

“SAODAT ASRI QISSALARI” ASARIDA MA’NAVIY FAZILATLAR TALQINI

Samadova Dilnoza,
Berdaq nomidagi QQDU
O‘zbek filologiyasi fakulteti
2-bosqich talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Payg‘ambarimiz(s.a.v)ning hayotiy tutumlari, xulq-atvorlaridagi o‘ziga xosliklar, u muhtaram zotga berilgan bebaho sifatlar haqida so‘z boradi. Qolaversa, islomni insonlarga tanitishdagi, ularni ergashtirish yo‘lidagi jonbozliklari haqida ma‘lumotlarga boy badiiy, falsafiy asardir. Maqolada payg‘ambarimizga xos ma’naviy fazilatlar asardagi voqealar tizimi orqali tahlil qilingan.*

Kalit so‘zlar: *Abobil qushlari, fil, Xiro tog‘i, Habashiston, Ukoz bozori.*

Annotation: *In this article, there is talk about the life attitudes of our Prophet(pbuh),the characteristics of his behavior and the priceless qualities given to him.In addition, about his enthusiasm in learning Islam to people and in the way of following them.*

Keywords: *Abobil birds, elephant, Khiro mountein, Abyssinia, Ukoz market.*

Adabiyotda diniy-tarbiyaviy ruhda yaratilgan ko‘plab asar va risolalar alohida bir adabiy qatlamni tashkil qiladi. Ular boshqa turdagi asarlardan, asosan, islomiy qoidalarga tayangani, diniy-falsafiy xarakteri bilan ajralib turadi. Qadimdan boshlab, Muhammad(s.a.v) payg‘ambarning hayoti va tarjimayi holi, uning so‘zlari, ko‘rinishlari, sifatlari, insoniy fazilatlari, boshqalardan farq qiladigan xususiyatlari to‘g‘risida, u bilan yurgan

sahobalar tomonidan naql qilingan rivoyatlar asosida ko‘plab asarlar bitilgan. Xususan, Payg‘ambarimiz Muhammad Mustafo (s.a.v)ning islom olamida tutgan o‘rinlariga bag‘ishlangan asarlar alohida ahamiyat kasb etadi. Bunga Abu Iso Termiziyning “Shamoyili nabaviya”, Muhammad Busiriyning “Qasidayi burda”, Muhammad ibn Solihning “Muhammadiya”, Sayyid Mahmud Taroziyning “Shirin kalom”, “Nurul kalom”, “Nurulbasar”, Alixonto‘ra Soǵuniyning “Tarixi Muhammadiy” va boshqa ko‘plab mualliflarning asarlarini misol qilib keltirish mumkin. Bu asarlarda Muhammad(s.a.v) payg‘ambarimizning jismoniy va axloqiy xususiyatlariga ta’riflar berilgan. Bundan tashqari so‘zlashish odobi, ibodat, tibbiyotga munosabatlari, kundalik tirikchiliklari va boshqa sifatlari to‘g‘risida ham ma’lumot berib o‘tilgan.

Ahmad Lutfiy Qozonchining «Saodat asri qissalari» Payǵambarimiz(s.a.v)ning tuǵilishlaridan to vafatlariga qadar muborak hayotlarini qamrab oladi.Muallif o‘zining bu asarida aniq tarixiy voqea va hodisalardan foydalanadi. Asarda Alloh taoloning eng so‘nggi payǵambari Muhammad (s.a.v)ning tuǵilishlari ham o‘zgacha bir tarzda kechadi. Payǵambarimiz(s.a.v)dunyoga kelganlaridan keyin ularga bobosi Abumuttalib tomonidan Muhammad ismi beriladi.Muhammad(s.a.v)ning rang-ro‘ylari benihoya chiroyli, u kishidan har doim mushk-anbarning hidi kelib turardi, atrofda hali bunday bola dunyoga kelmagan edi. Muhammad-(s.a.v) payǵambarimiz ota-onasi vafot etganidan keyin bobosi tomonidan tarbiyalanadi. Muhammad(s.a.v) o‘zining tengdoshlaridan tarbiyaliligi,o‘tkir zehnga egaligi bilan ajralib turgan. Bu bolaga Alloh tomonidan shunday xislat berilgan ediki, Muhammad(s.a.v)qaysi xonadonda yashasalar, o‘sha xonadondan baraka arimas edi. Shu sababli atrofdagilarning bu bolaga mehri o‘zgacha edi.

Muhammad(s.a.v) bobosidan keyin amakisi Abu Tolib qo‘lida tarbiyalanadi. Abu Tolib jiyaniga o‘zining farzandidek mehr beradi. Muhammad(s.a.v) 25 yoshlarida Xadicha ismli ayolga

uylanadi va tijorat ishlari bilan shuǵullanadi. Muhammad(s.a.v) ning 3oʻǵil(Qosim,Abdulloh,Ibrohim) va 4qiz(Zaynab, Ruqayya, Ummu Gulsum, Fotima) farzandlari boʻlgan.

Muhammad(s.a.v)ga Xiro togʻida Alloh tomonidan Jabroil vahiy qilib yuborilgan. Shu paytdan boshlab Muhammad(s.a.v) paygʻambar boʻladi. Bu paytda u kishi 40 yoshda edilar. Muhammad(s.a.v) payǵambar boʻlganlaridan keyin odamlarga namoz oʻqishni oʻrgatadilar va shu bilan ularni islom diniga oʻtishga chorlaydilar. Paygʻambarimiz(s.a.v) oʻzinig muloyimligi, bagʻri kengligi, sabrliligi kechirimli ekanliklari bilan ajralib turganlar. Bundan tashqari, Alloh janobi Paygʻambarimizga shukrona, adolat, saxiylik va shunga oʻxshash bir qancha xislatlarni bergan.Insonda mavjud tabiiy yoʻsindagi kamolot xususiyatlarining barchasi Payǵambar alayhissalomning vujudlarida mavjud edi. Payǵambar alayhissalom tozalikda,ifloslikdan yiroqlikda alohida xususiyatlarga ega edilarki,bunday fazilatlar u Zoti muborakdan boshqa kishida topilmasdi.

Muhammad(s.a.v) paygʻambarimiz maxsus saboq olmagan, xat-savod chiqarmagan, dunyoviy va diniy kitoblarni koʻrmagan boʻlishlariga qaramay, odamlarga juda koʻp ilmlarni oʻrgatdilar va shariatni barpo etdilar.Payǵambar alayhissalomning nutqlari benihoya fasohatli va chuqur ma'noli edi.Gaplari sun'iylikdan xoli,ravon,jumlalari loʻnda,qisqa,tushunarli,fikrlari aniq va mazmunli edi.U kishining suhbatlari shirin,dilni yayratadigan kayfiyatda oʻtardi. Paygʻambarimiz(s.a.v) tamadan xoli edilar, boylikka qiziqmas, juda koʻp joylarda togʻdek uyulib yotgan molk-mulkka loaqal koʻz qirini tashlab qoʻymas edilar. U kishi bahs-munozarani, koʻp savol soʻrashni, molni isrof qilishni, qiz bolalarni tiriklayin koʻmishni man qilib, aytgan gaplari ham ayni donolikning nishonasi edi.

Muhammad(s.a.v) islom dinini tarqatish uchun koʻp harakat qilgan. Atrofdagilar uni yomon koʻrib qolsalar ham, bu yoʻlda turli qarama-qarshiliklarga duch kelsalarda, oʻz yoʻlidan qayt-

maganlar. Payg‘ambarimiz(s.a.v)ga dushmanlari tomonidan bir qancha suiqasdlar uyushtirilgan, lekin ularning barchasi befoyda bo‘lgan. Makkada haj amalini o‘tashga kelganlarga Payg‘ambar(s.a.v)ni sehrgar unga ishonmanglar deb ko‘rsatadilar. Lekin Payg‘ambarimiz(s.a.v) Allohning topshirig‘i - islom dinini tarqatishdan aslo to‘xtamaydilar. Muallif ushbu voqealarni mahorat bilan badiiy tasvirlagan-ki, kitobxon asarni o‘qish asnosida janobi payg‘ambarimizdan inson komoloti uchun zarur bo‘lgan insonparvarlik, jasorat, mardlik, adolatparvarlik, qat‘iyat, sabrlilik, irodalilik, mehribonlik, halimlik, vatanparvarlik kabi xislatlarni o‘rganadilar.

Darhaqiqat, Payg‘ambarimiz o‘zlarining ma’naviy xislatlari bilan barchaga o‘rnak bo‘lganlar. Payg‘ambar alayhissalomning muloyimligi,baǵri kengligi,o‘ch olishga qodir bo‘la turib,avf etishlari,boshlariga musibat tushganda,chidam bilan yengishlari,sabrliliklari hammamiz uchun ibratdir. Masalan, u kishining kechirimli va sabrli, keng fe’l sohibi ekanliklarini Makka fath etilgan kuni Payg‘ambarimizning dillarini qattiq og‘ritganlar, masxaralab ustlaridan kulgan, musulmonlarni yurtidan quvib chiqargan va ularga qarshi urush boshlagan Quraysh mushriklarini avf etganlarida yaqqol ko‘rishimiz mumkin. U kishi dushmanlariga ham yaxshilik tilar,ammo Alloh dushmanlarini aslo kechirmas,ularni albatta jazoga tortar edi.

Shu bilan birgalikda, Payg‘ambarimiz(s.a.v) mard inson bo‘lganliklarini jang paytidagi hatti-harakatlarida kuzatamiz. Barcha qaltis va ziddiyatli vaziyatlarda orqaga chekinayotganida, u kishi qochishni xayollariga ham keltirmaydilar. Aksincha, barchani kurashishga undaganlar.U kishi chinakam qahramon edilar.Ko‘p ming sonli dushman qo‘shinlari qarshisida o‘zining oz sonli jangchilari bilan necha bor qilt etmay mardonavor turgani buni tasdiqlab turibdi. Payǵambar alayhissalom ko‘gilli,bir tomchi qon to‘kilishini istamaydigan,ǵoyat mehr-shavqatli shaxs edi.U sulhparvar,tinchliksevar inson edi.Minglab sahobalari

ǵayrat-shijoatga to‘lib,jang maydoniga tushishga shay daqiqalarda ham sulhu-saloh yo‘lini tanlagani,dushmanlar bilan yarashish bitimiga imzo chekkani ham ma’lum.

Payg‘ambarimiz(s.a.v)ga saxiylik bobida zamondoshlari orasida teng keladigan odam yo‘q edi. Birov nima so‘ramasin,u kishi yo‘q demas edilar. Rasulullohning qo‘llari haddan tashqari ochiq, ayniqsa, ramazon oyida saxiy bo‘lib ketardilar. Islom diniga moyil odamlarga juda ko‘p mol-mulk berganlari u kishining saxovatli ekanliklarining dadilidir.

Payg‘ambarimiz alayhissalom azaldan eng ishonchli, rostgo‘y odam edilar. Rasulullohning bu fazilatlarini hatto dushmanlari ham e’tirof etishardi. Payg‘ambarlik sharafiga erishmaslaridan oldin ham u kishini amin ya’ni ishonchli deb atashar edilar,hamma birdek hurmat qilardi. Payg‘ambarimiz(s.a.v) eng ishonchli odam bo‘lganliklari uchun ayollari Xadichaning karvonini boshqarganlar. Safar davomida ham kasal bo‘lib qolgan tuyalarni so‘ymasdan, ularni davolaganlari uchun atrofdagilarning u Zotga bo‘lgan mehr-muhabbati yanada oshadi.

Muhammad(s.a.v) payg‘ambarimiz atroflaridagi barcha insonlarga mehribon, marhamatli edilar. Rasulullоh namoz o‘qiyotgan paytlarida yosh bolaning yiǵalaganini eshitsalar, ibodatni qisqartirardilar. Odamlarning boshiga kulfat tushsa, ularga har doim yordam berishga intilar edilar. Payg‘ambar alayhissalom chaqirilgan joyga har doim borardilar, berilgan sovg‘a kam bo‘lsa-da qabul qilardilar va undan ortiq qilib qaytarardilar. U yerda insonlar bilan suhbatlashib, dardlashib ko‘ngillarini chigilini yozardilar,ularni ham o‘z hujralariga taklif qilar edilar, Madinaning chekkasidagi kasallarni ham borib ko‘rardilar. Ko‘rishganda ham boshqalar qo‘lini tortib olmaguncha, qo‘llarini tortib olmas edilar, har doim birinchi bo‘lib salom berardilar. Uylariga tashrif buyurgan mehmonning huramatini joyiga qo‘yib,kelgan mehmonni to‘rga o‘tirǵizardi.Uning gapini bo‘lmasdan oxirigacha tinglar edilar.Sahobalarninig ism-sharifini to‘liq aytib,ularni

hurmatlab, eng yaxshi ko‘rgan ismlari bilan murojaat qilardilar. Payǵambar alayhissalom vafodor,so‘zining ustidan chiqadigan inson bo‘lgan.Bergan va’dalarini har doim bajarib kelganlar va atrofdagi insonlarga ham berilgan va’daning ustidan,albatta, chiqish kerakligini ta’kidlaganlar.Odamlarga va’da berib,uni bajarmaslik savob emas,balki gunoh ekanligini tushuntirganlar.

Bundan tashqari, Payg‘ambarimiz(s.a.v) yuksak martabali shaxs bo‘lishiga qaramasdan, kamtarin inson bo‘lganlar. U Zotga podsho-payg‘ambarlik bilan banda-payg‘ambarlikni tanlash imkoniyati berilganda, u kishi banda-payg‘ambarlikni tanlaydilar. Payg‘ambarmiz(s.a.v)ning bunday xislatlaridan ko‘pchilik o‘zi uchun xulosa olgan. Ahmad Lutfiy Qozonchi bu asarda yuksak martabali zot haqidagi voqea hodisalarni tarixiy haqiqatga asoslangam holda badiiy tasvirlagan. Payg‘ambarimizning kundalikli hayotda amal qilgan va insonlar ma‘naviy olamiga ta’sir qiluvchi va hayotlarida dasturulamal qilishi kerak bo‘lgan insoniy xislatlar va fazilatlarni targ‘ib qilgan.

Haqiqatan, asarda Muhammad(s.a.v) payg‘ambar komil inson sifatida ta‘riflanadi. Asarda Muhammad(s.a.v) o‘zlarining go‘zal sifatlari, axloqi bilan barchaga o‘rnak bo‘ladilar. Alloh Payg‘ambarimiz(s.a.v)ni shariatining pokizaligi bilan yanada yuksak kamolotga erishtirdi. Asar voqealari davomida payg‘ambarimizning islom dinini targ‘ib qilish yo‘lidagi jonbozliklarini, bu yo‘ldan qaytmaganliklarining guvohi ham bo‘ldik. Bu boradagi qancha qiyinchiliklar bo‘lsa ham, hammasiga sabr qildilar. Qancha ziyon-u zahmatlardan omon qoladilar. Bu asardagi Payg‘ambarimizning qilgan ishlari, ezgu amallari, fazilatlari nafaqat o‘sha davr odamlari, balki bugungi kun yoshlari uchun ham katta tarbiya vazifasini bajaradi desak, mubolag‘a bo‘lmaydi. Vatanimiz mustaqilligini yuksak ma‘naviyatni qaror toptirish orqali mustahkamlash mumkin. Shu bois mazkur asar mutolaasi kitobxonlarda ma‘naviy fazilatlarni shakllantirish va rivoshlantirish yo‘lidagi muhim manbalardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ahmad Lurfiy Qozonchi Saodat asri qissalari. 1,2,3,4 kitob. Toshkent., Munir. 2021
2. Jabborov N. Ma‘rifat nadir. Toshkent.: Ma‘naviyat., 2010

AFANDI OBRAZINING GENEZISI

Usmanova Mahliyo O‘ktam qizi
Guliston davlat universiteti
Adabiyotshunoslik yo‘nalishi 2-kurs magistranti
mahliyousmanova070@gmail.com

Annotatsiya: *Mazkur maqolada Nasriddin Afandi obrazi, uning kelib chiqishi va o‘zbek adabiyoti, turkiy xalqlar adabiyotidagi o‘rni haqida turli dalillar, ma’lumot va mulohazalar joy olgan. Afandi obrazining shakllanish va rivojlanish davrlari ko‘rsatilgan.*

Kalit so‘zlar: *obraz, protatip, folklor, komik obraz, Nasriddin Afandi, matbaa, turk folklori, ilmiy izlanishlar, tadqiqotlar, tarixiy shaxs.*

Abstract: *This article contains various arguments, information and opinions about the character of Nasriddin Efendi, his origin and place in the literature of Uzbek and Turkic peoples. The periods of formation and development of the image of Efendi are shown.*

Keywords: *image, prototype, folklore, comic image, Nasriddin Efandi, printing, Turkish folklore, scientific research, research, historical person.*

Badiiy adabiyotda obraz tushunchasi asosiy va yetakchi tushunchalardan biri hisoblanadi. Badiiy obrazsiz biz badiiy asarni tasavvur qila olmaymiz. Ijodkor obrazlar tizimi vositasida o‘zining badiiy fikri (konsepsiya) tarzida ifoda etadi. Ayni paytda asarda yaratilgan obrazlarda adibning hissiy munosabati ham o‘z aksini topadi. Ijodkorning hissiy munosabati badiiy konsepsiyani shakllantirishda, asar mazmunining o‘quvchiga yetkazilishida muhim ahamiyat kasb etadi. [D.Quronov ., 2004; 79]

Afandi obrazi. Ushbu obraz adabiyotga xalq ogʻzaki ijodining janrlaridan biri boʻlgan latifalar orqali kirib kela boshladi. U dastlab latifalarda, soʻngra esa badiiy adabiyotlardan joy ola boshladi.Shu oʻrinda adabiyot ihlosmandlarida "Afandi obrazining hayotdagi prototipi bormi? U qanday latifalarimizdan va adabiyotlarimizdan oʻrin oldi?" degan savollar tugʻiladi. Albatta, bu savollarning yechimini toppish maqsadida butun dunyo miqyosidagi juda koʻp adabiyotshunos olimlar ilmiy izlanishlar olib borishdi. Chunki Afandi obrazi birgina oʻzbek adabiyotida emas barcha turkiy xalqlar adabiyotidan oʻrin olgan.

Ayrim olimlar "Nasriddin Afandi toʻqima obraz " deyishadi. Yana bir guruh olimlar esa, "Nasriddin Tusiy mazkur obrazning prototipidir", -degan fikrni ilgari surishadi. Boshqa kishilar esa obraz hayotdagi real shaxs 1206-1284-yillarda Kichik Osiyo (Turkiya)da yashagan Nasriddin Xoʻja ekanligini aksaryat ilm ahli tasdiqlaganligini qayd etmoq joiz. Ularning fikriga koʻra Koʻnya saljuqiylar davlati poytaxti boʻlgan Aqshehir elide tugʻilgan va madrasa ta'limini olgan. Oʻz qishlogʻida masjidda imom, keyinchalik bir necha shaharlarda qozi lavozimlarida ishlagan. [Bekzod Abdirimov Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Xorazm viloyati boʻlimi rahbari. "Jadid" gazetasi 2024-yil 13-sentabr]. Afandining vafoti toʻgʻrisida esa yana bir malumotda. U 1285-yil 77 yoki 78 yoshlarida Oqshaharda vafot etib, uning qabri besh tomoni ochiq, bir tomoni ulkan qulfli eshik va gumbaz bilan koʻtarilgan. Oqshahar shahrining markazi buyuk qabristonda Saljuqiylar qabristonidan joy olgan. Nasriddin Xoʻja nomi yozilgan birinchi qabrtosh bugungi kunda mavjud emas. Ba'zi ma'lumotlarga koʻra soʻnggi tiklash paytida (hij 688. milod 1285-yil) tosh topilgan.[Oʻzdemir Nebi 2011; 13-14]. Afandining tarixiy ideal obraz xususidagi muhim dalillardan yana biri uning Turkiya davlatidagi qabristondagi qabrlardan birida toshga yozilgan ustun mavjud boʻlib, tosh ustunda joylashgan yozuv: 1393-1394-yillarda Boyazid hizmatidagi Yomon Mehmed to-

monidan yozib qoldirilgan bir necha satr" Nasriddin Xo‘ja qabri V asr 683-yil." Bugungi kunda Oqshahar muzeyida Nasriddin Xo‘ja qizlari qabridan lavhalar ham muhim dalil sifatida qabul qilingan. Bular Nasriddin Xo‘janing katta qizi Fotima Xotunning 1931-yilda Sivrihisardagi qabristondan topilgan va hijrir 727 va milodiy 1326-1327-yil Yoshi bilan, Xo‘ja Nasriddin qabri etagidan topilgan "Duru malak binti Nasriddin Xo‘ja", -deb yozilgan ashyolardir.[Varatov P.N., 1996; 17-24].

Turk va boshqa xalqlardagi olimlarning XX asrning 50-60-yillardagi izlanishlari va atrixiy dalillarning guvohligicha, nasriddin Afandi obrazining shakillanishida ikki tarixiy shaxs kuchkli ta'sir ko‘rsatgan.

Birinchisi - XIII asrda yashagan Said Muhammad Hayroniy va Shayyod Hamza singari mashhur ijodkorlarning zamondoshi va suhbatdoshi Xo‘ja Nasriddin Oqshahariy bo‘lib, u Turkiyaning Oqshahrida 605 hijriy (1205 yoki 1206-milodiy)-yilida Yavloq Arslon oilasida tavallud topgan. Muallifi noma'lum "Saljuqnoma" (Parij milliy kutibxonasida 1558-raqamli kitob) da qayd etilishicha, uning otasi aslida Anatoliyning amirzoda turklari xonadoniga mansub Hisomiddin Cho‘pon o‘g‘li avlodidan edi. Yavloq Arslon Cho‘pon o‘g‘lining uchinchi farzandi bo‘lib, Anatoliy amri lavozimiga tayinlangan edi, biroq u 690-hijriy (1291-melodiy) yildagi saltanat uchun kurash mojarolarida qatl etilib , o‘rnida o‘g‘li Xo‘ja Nasriddin Qostomonga bek etib tayinlangan. Xuddi shu 1291-yili Xo‘ja Nasriddin Sulton Ma'sudga hamroh bo‘lib Oqshaharga kelgan . O‘sha manbaning xabaricha shoh Sulton Mahmud Oqshahar ahliga kata o‘lpon soldi. Biroq Xo‘ja Nasriddin o‘rtaga tushgach, uni bir miqdor kamaytiradi. Hijriy 700(melodiy 1301)-yilda Qostomonga Usmon G‘ozi va Shaujoiddin Sulaymonlar hujum qilib, shaharni egallashadi va Xo‘ja Nasriddinni qatl ettirishadi. Boshqa bir manbada, aniqrog‘i, mufti Hasan afandining yakunlanmay qolgan "Majmuayi maorif" asaridagi ma'lumotlarga ko‘ra , Xo‘ja Nasriddin

1208 yoki 1209-yilda Sarvi Hisorda tug‘ilib, 1237 yoki 1239-yillarda Oqshaharga ko‘chib borgan, shu joyda o‘qib hizmatni o‘tagan. Unda hatto shoirlik ta’b ham bo‘lgan. Shu tariqa u saljuqiy hukmronlar Sulton Alovuddin Qayqubodiy va G‘iyosiddin Ma’sud II saltanatlari davrida yashagan. 1245-yil Oqshaharda vafot etgan va qabri ham shu yerdadir. Uning ikki qizi bo‘lgan: kattasi Fotima xotun otasidan 43yil avval 727 (1327)-yilda vafot etgan bo‘lib, Qo‘niyadagi Mavlono Jaloliddin Rumiy mozoriga ko‘milgan. Uni Savri Hisordan keltirib, shu yerda dafn etganlar va qabriga o‘rnatilgan tosh bitikda bu ifodasini topgan. Bu dalilning qimmati shundaki, u Xo‘ja Nasriddinning Oqshaharda emas, balki Savri Hisorda tug‘ilganini, Oqshaharda nash’u noma topib, so‘nggi maskanini topganligini tasdiqlaydi.

Ikkinchi qizi Durri Malak bo‘lib, Xo‘ja Nasriddin bilan bir mozorda yotibdi. Undagi toshbitikda ham “Durri Malak binti Nasriddin” degan yozuv bor. Xullas, shu dalillarning o‘ziyoq Xo‘ja Nasriddin XIII asrda Oqshaharda yashab o‘tgan, Qo‘niyadagi madrasada tahsil ko‘rib, imomatlik bilan shug‘illanib, el orasida tanilgan insonlardan bo‘lganligini tasdiqlaydi. U g‘oyat sertakalluf, to‘g‘rigo‘y va hozirjavob bo‘lgan va turk shoir Lomeiyning “Latoif” asarida uning nomi bilan to‘rtta latifa keltirilgan.

Ikkinchisi-Xo‘ja Nasriddin Tusiy (1201-1274) bo‘lib, XIII asrda matematika va astranomiya sohasida buyuk kashfiyotlar qilgan. 1259-yilda Marog‘a rasadxonasining qurilishida bosh-qosh bo‘lib, o‘sha davrning eng mukammal astranomik jadvali – “Zijji Elkoniy” ning tuzilishiga rahnamolik qilgan, 1256-yilga Eronga bostirib kirgan mo‘g‘ul istilochilari boshlig‘i Haloku saroyida xizmat ato etishga majbur bo‘lgan ulug‘ alloma. Uning nomiga aloqador bir latifa Faxriddin Aliy Safiyning “Latofatnoma”, bir necha latifa “Qissatul ulamo” (XVII asr) va boshqa manbalarda uchraydi. Bunday latifalarda astralogik tushunchalarning mavjudligi ularning to‘g‘ridan to‘g‘ri Nasriddin Tusiy hayotida hayotida yuz bergan hodisalar bayoniday tuyilishiga asos bo‘la ola-

di. Xullas, xalq latifalari qahramoniga aylangan Xo‘ja Nasriddin Afandi obrazi sarchashmasida ana shu ikki buyuk siymo–Xo‘ja Nasriddin Oqshahariy va Xo‘ja Hasan Nasriddin Tusiylar turadi. Biroq u aynana shu tarixiy shaxslarning o‘zi bo‘lmay, balki asrlar davomida xalq tomonidan badiiy qayta ishlangan va uning orzu armonlarini ifodalovchi epik qahramon timsoliga aylangan. [O.Safarov. 2010;192-194].

Ko‘pilik xalq og‘zaki ijodida o‘z o‘rniga ega bo‘lgan komik obraz-Nasriddin Afandining prototipi borligiga, u tarixiy shaxs bo‘lganligiga ishonch bilan qaraydi. Shuning uchun xitoyliklar o‘z yurtida uning uy muzeyini tashkil qilgan bo‘lsa, turklar va buxoroliklar uning qabrini o‘z yurtlarida , deya dalillashga urinadilar. 1937-yilda qirim-tatar latifalari tadqiqotchisi S. Kotsiyubinskiy bu haqda to‘xtalar ekan, Sharqda o‘n besh shaharda uning qabrini ko‘rsatadilar,- deb yozadi. [X.Xaitov “O‘zbek nasrida Afandi obrazining badiy talqinlari” “Til va Adabiyot ta’limi” elektron jurnali 2022-y. 5-son]

Yuqorida keltirilgan ilmiy materiallar va ma’lumotlarga tayangan holda Nasriddin Afandining haqiqatda real shaxs ekanligiga ishonch hosil qila olamiz. Ammo aynan qaysi dalil Afandi shaxsi ekanligi bo‘yicha aniq ma’lumot ayta olmaymiz. Shunday bo‘lsada keltirilgan dalillardagi barcha shaxslar Nasriddin Afandi obrazining shakllanishida, uning xalq og‘zaki ijodiga kirib kelishida o‘zlarining turmush tarzi, xarakteri, qilgan ishlari bilan o‘zlarining ta’sirini ko‘rsatadi.

XIX asrning II yarmidan e’tiboran Xo‘ja Nasriddin, yoki Nasriddin afandi yohud qisqagina Afandi o‘zbek latifalarining markaziy qahramonlariga aylana bordi. Hodi Zarif fikricha, bu obraz o‘zbek latfalariga ozarbayjon falklori orqali turk folklorining ta’siri tufayli kirib kelgan. Aslida XII-XIII asrdayoq turk xalq latifalarining qahramoni sifatida tanilgan Mullo Nasriddin yoki Xo‘ja Nasriddin, yohud Nasriddin Afandi XIXasr oxirlarigacha nainki O‘rta yer dengizi sohillarida yashovchi xalqlar, balki G‘ar-

biy Yevropada, Kavkazortida, Qirimda , Kichik va O‘rta Osiyoda, Uyg‘uriston va Hindistonda yashovchi xalqlar latifalarining qahramonlari o‘rnini ham shiddat bilan egallab bordi. .[O.Safarov., 2010; 191-]. Shu sabali Nasriddin Afandi obrazi turli xalqlarda turlicha nomlar bilan ataladi. Hindlarda-Birbol, arablarda-Jo‘ha, qozoqlarda-Aldarko‘sa, tojiklarda-Mushfiqiy, turkmanlarda-Mirali, qoraqalpoqlarda-Umirbek, tatarlarda-Ahmadakay nomlari bilan latifa qahramonlari shuhrat topgan. Xalqimiz orasida Xo‘ja Nasriddin, Nasriddin Afandi, Mulla Nasriddin,Mulla Nasriddin Afandi, Afandi, Apandi nomlari bilan mashhur.

Nasriddin Afandi nomi bilan latifalar mazmunining bog‘lanib, uyg‘unlashuvi XIX asr oxiri XX asr boshlari bilan belgilanadi. O‘zbek folklorshunosligi fani asoschisi Hodi Zarif qayd qilishiga binoan, Nasriddin Afandi nomining o‘zbek latifalarida shuhrat topishi yurtimizda matbaaning paydo bo‘lishi, Nasriddin Afandi latifalarining kitob tarzida nashr etilishidan boshlangan.[T. Mirzayev, Sh. Turdimov, M.Jo‘rayev, J. Eshonqulov, A. Tilavov ., 2021; 219]. Nasriddin Afandi haqida dastlanki hikoyalar 1480-yil Abul Xayr Rumiyning “Saltuqnoma “ kitobidan o‘rin olganligi aytiladi. “Hikoyati kitobi Nasriddin” asari 1571-yilda yozilgan. Nasriddin Afandi latifalari dastlab 1837-yilda nashr qilingan. Ilk rasmli kitoblari esa 1869-yildan bosmadan chiqarila boshladi. Hozirda dunyoning turli mamalakatlaridagi kutubxonalarda Nasriddin Afandining 68dan ziyod hajviya kitoblari mavjudligi aytiladi. [X.Xaitov ., “O‘zbek nasrida Afandi obrazining badiiy talqinlari” “Til va Adabiyot talimi” elektron jurnali 2022-y. 5-son]. XVI asrning yana bir manbasi Xo‘ja Nasriddin latifalari bilan boshlangan. Boyazid davridagi nomalum shoir o‘zining “Letdif” asarida Nasriddin Xo‘janing latifalari haqida hikoya qiladi. Huddi shu tarzda to‘rtta latifa va bitta hikoyatni keltiradi. Duman Mustafo ham o‘z asarlarida Nasriddin Xo‘janing latifalaridan bir qancha misollar keltiradi. U 1618-yilda Oqshaharga kelganda Nasriddin Xo‘janing qabrini ziyorat qilganini aytadi. Ushbu voqealar Semiy-

onning “Shimoliy sayohatlar” kitobining III jildida yozib qoldirilgan. 1638-yilda Oqshaharga kelgan Avliyo Chalabiy “Sayohatlar kitobida Nasriddin Xo‘ja haqida qimmatli ma’lumotlar keltiradi.XVII asrda yozilgan Ziyosoz Mehmet afandi va Yunus Nabiy (vafoti 1712-yil) tomonidan yozilgan “Tuhfatil Haramayn” asarlarida ham Nasridin Xo‘ja haqida muhim fikr mulohazalar mavjud. XVIII asrda noma’lum muallif yozilgan “Manzilnoma” deb nomlangan asarda Oqshahar haqida ma’lumotlar keltirilgan. Ushbu asarda muallif Nasriddin Xo‘ja maqbarasi shaharda ekanligi aytib, kimki shu shaharga kelsa, ushbu qabrni ziyorat qilishi ta’kidlanadi. XV asrning ikkinchi yarmida Nasriddin Xo‘ja haqidagi ma’lumotlar ilgari aytib o‘tilgan ma’lumotlarni, dalillarni takrorlaydi. XVI asrdan boshlab Nasriddin Xo‘janing latifalari o‘g‘zaki madaniyatdan yozma adabiyotga o‘tkazila boshladi va ko‘plab hujjatlarda qayd qilina boshlaydi. Xuddi shu tarzda XVI asrdagi Nasriddin Xo‘janing hikoyalarini alohida tarzda yozib olinganligini ko‘rish mumkin. Husayn ismli shaxs tomonidan 1571-yilda ‘Hikoyati kitobi Nasriddin Xo‘ja” asarida 43ta hikoya keltirilgan. Pertevi Neyli Varatovning habar berishicha, Paridagi milliy kutubxonada Nasriddin Xo‘ja haqida 12ta kitob mavjud bo‘lib, ularning eng qadimgi tarixiysi XVI asrga oid, eng yangisi esa XIX asrga tegishli ekanligini manbalar tasdiqlaydi. Turk adabiyotshunosi Mustafo Duman Nasriddin Xo‘ja haqida qimmatli 68 ta qo‘lyozmani topgan va to‘plagan. Mustafo Dumanning ma’lumotlariga qaraganda, Nasriddin Xo‘ja bir necha xil ish turi bilan shug‘illangan bo‘lsa ham umrining ko‘p qismini imom, voiz, ilohiyotshunoslik, qozi yoki dehqon sifatida o‘tkazganligi aytiladi. [O‘zdemir Nebi., 2011; 13-14]

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, Nasriddin Afandi yuqorida keltirilgan tarixiy shaxslardan qay birining protatipi bo‘lishidan qat’iy nazar kitobxonlar nazdida o‘sha uddaburon, so‘zga chechan, hazilkash, eng asosiysi xalq dardi va manfaatlari yo‘lida o‘z mahoratini ko‘rsata oladigan yumoristik obraz sifati-

da mangu yashab qoladi. O‘zbek va turkiy xalqlar folklori va adabiyotini uzoq asrlar davomida bezab turadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bekzod Abdirimov Respublika Ma’navyat va ma’rifat markazi Xorazm viloyati bo‘limi rahbari. “Jadid” gazetasi 2024-yil 13-sentabr
2. D.Quronov .,2004; 79.
3. O.Safarov. 2010; 192-194.
4. O‘zdemir Nebi 2011; 13-14.
5. Varatov P.N., 1996; 17-24.
6. X.Xaitov “O‘zbek nasrida Afandi obrazining badiy talqinlari” “Til va Adabiyot ta’limi” elektron jurnali 2022-y. 5-son
7. T. Mirzayev, Sh. Turdimov, M.Jo‘rayev, J. Eshonqulov, A. Tilavov ., 2021; 219.

... YANA BIR RUMIY KERAK

Farmonova Mehrinoza
O‘zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti 4-bosqich talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada Hazrat Rumiyning “Ichindagi ichindadir” asari tahlil qilinib, asardagi va boshqa manbalardagi ruh tushunchasiga tavsif beriladi.*

Kalit so‘zlar: *Rumiy, tasavvuf, ruh, mutafakkir, botin, zohir, mohiyat, shaklbozlik, jism.*

Abstrat: *This artile analyzes Hazrat Rumi’s work “Inside Inside” and desribes thye onept of soul in thye work and othyer soures.*

Keywords: *Rumi, Sufism, spirit, thinker, interior, appearane, essene, form, body.*

Bundan VII asr muqaddam Farididdin Attor bir yosh Rumiyga, bir uning otasi Bahovuddin Valadga qarab: “O‘g‘lingiz tez orada olamdagi barcha kuyganlar qalbiga otash solgay”, – deb bashorat qilgan edi. Haqiqatan, Hazrat Rumiy yongan qalblardagi cho‘g‘ni alanga oldirdi. Ne ajabki, oradan minglab yillar o‘tsa hamki, o‘sha otash hali so‘ngani yo‘q. Hind shoiri Muhammad Iqbol ta’biri bilan aytganda, “bu dunyoni umidsizlikdan qutqarish va insoniyatni zavq-u shavqqa oshno etish uchun” yonib turibdi. Ammo bu beminnat xaloskorga ehtiyoj sezish uchun, avvalo, Inson bo‘lib shakllanish, o‘z “Men”ini tanish va bu orqali Haqqa bo‘lgan ehtiyoj kerak.

Mutafakkirning “Ichindagi ichindadir” asari insonni Haq va haqiqat tomon chorlashga, ko‘nglida mudrab yotgan umidning

uyg‘onishiga ko‘mak beradi. Bu asarni shunchaki, qalbdan g‘ofillikni quvmagan holda o‘qish yaramaydi. Insonni chalg‘ituvchi, botindan uzoqlashtirib, zohir bilan ovvora qilguvchi, ma’no bir tomonda qolib, shaklbozlik tomon undovchi bugungi zamonamizda qalbdagi ehtiyojlarni anglab yetish qiyinlashib bormoqda. Muallif “Shuni yaxshi bilish kerakki, inson qayerda bo‘lmasin, hamisha o‘z ehtiyojining yonidadir” deganida, nima odamzodga chindan kerak bo‘lsa, baxtli qila olsa, shuning orqasidan quvishini nazarda tutgan. Hatto ehtiyoj insonga ota-onasidan-da yaqindir. Nazarimda, bugungi kunda ana shu ehtiyojning noto‘g‘ri yo‘nalganligi inson ruhiyatini inqirozga olib kelmoqda, o‘z-o‘zidan uzoqlashtirib, baxtsiz qilmoqda. Fikrimning dalili sifatida “Ichindagi ichindadir” asaridan olingan ushbu parcha va uning sharhiga to‘xtalmoqchiman: “Kishi doimo o‘z ehtiyojining yonida bo‘lganiga ko‘ra, shu ehtiyojni ta’minlaganning ham huzuridadir. Ya’ni ipga bog‘li bo‘lganiga ko‘ra kishi ipni tortganga ham tobedir. Biroq ko‘zi arqonda, ipda bo‘lgani uchun (bunday kimsaning) qadr-qimmati yo‘q. Agar ko‘zi arqonni tortganda bo‘lib, o‘zi arqondan qutulsaydi, arqonni tortgan uning o‘zi bo‘lardi. Uning bu holga tushishiga sabab – jilovdorning ortidan ipsiz-arqonsiz ketmagani va ko‘zi unda (ipni tortganda) bo‘lmaganidir. Ya’ni bu yerda arqon – dunyo va uning jamiki mollari bo‘lsa, arqonni tortguvchi Yaratgandir. Nazarda tutilgan jarayon esa inson umri sifatida tushunilishi kerak. Inson yashar ekan, (arqonni tortar ekan) ip bilan mashg‘ul bo‘lmay (dunyo tashvishlariga o‘ralashmay, uning mollariga uchmay), ko‘zi va ko‘ngli Yaratganning o‘zida bo‘laganida qadr-qimmati yuksak bo‘lib, bu dunyo sinov, g‘am-tasvishlari qarshisida yetti bukilmasdi.

Hazrat o‘gitlarida ruh va jism masalasiga alohida e’tibor qaratilgan. Ular doimo muvozanatda bo‘lishi kerakligi, ko‘p hollarda ruh chetga surilib, bor e’tibor jismga qaratilishi ta’kidlangan. Asarni fors tilidan tarjima qilgan adib Ulug‘bek Hamdamning fikricha, “Bizdan ko‘pchiligimiz shundaymizki, ruh haqida gapi-

rilsa, (garchi bu borada insonga kam ilm berilgan esa-da), darhol ruhparast bo‘lishga tirishamiz, qolgan vaqtlarda esa o‘z-o‘zidan jism bandalariga aylanib qolganimizni o‘zimiz ham sezmaymiz. Natijada, ruhiyatimiz, bu orqali o‘zimizni ham tanimay qolib, halokatga uchray boshlaymiz. Nega bugungi kunda bir konsultatsiya berishi yoki shunchaki eshitishi juda qimmat bo‘lgan psixolog, ruhshunoslarning urinishlari besamar ketayotganligini anglagandirsiz? “...Agar savolni shunday qo‘yish mumkin bo‘lsa, javobni yana Rumiy hazratlaridan eshitamiz: “Agar danakni chaqib, mag‘zini eksang, unmaydi. Agar qobig‘i bilan tuproqqa qadasang-chi, unish hodisasi yuz beradi. “Danak mag‘zini ruh-u, qobig‘ini jism deb olinsa, demak inson bolasi biron maqsadga yetishish uchun har ikki asosga suyanishi zarur. Aks holda, maqsad hosil bo‘lmas”. Modomiki shunday ekan, odamzod yashash va kelajakka intilish asnosida har qanday bir tomonlamalikdan, goh u yon, goh bu yonga og‘ib ketishlardan tiyilib, ana o‘sha oltin o‘rtalik boshini tutmog‘i zarur keladi.

Sharq tasavvuf adabiyoti, eng avvalo, ruh va ruhoniyat adabiyoti. Chunki ruh yaratiqlarning eng sofi va eng porlog‘i. U faqat xayr, faqat go‘zallik uchun harakat qiladi. Anglanishi qiyin, hatto imkonsiz ko‘ringan narsalarni ham ruh anglashga qodir. G‘arb dunyosiga ruh yo‘l ochadi, haqiqat ahlining kashfi ruh bilandir.

Mutasavviflardan biri: “Ruh, Janobi Haqning “Kun!” (“Bo‘l!”) amri jalili bilan paydo bo‘lgani yo‘q. Agar shunday bo‘lganda edi, unda zillat (pastlik, tubanlik) alomatlari bo‘lardi”, – debdi. Shunda unga: “Bunday bo‘lsa, ruh qayerdan va qanday yaralgan”, – deya savol berilganda u: “Janobi Haqning jaloli va jamoli orasidan zuhur etmishdir. Shuning uchun ham ruh “Kun!” amri ila maydonga kelgan ashyodagi zillat va noqisliklardan forig‘dir”, – degan ekan.

Ba’zi kalom olimlari bir turli modda – nozik va shaffof jism (jismi latif) deb qarashgan. Imom G‘azzoliyga ko‘ra, ruh ma’naviy bir javhar bo‘lib, Qur’oni karimda hayot berguvchi quvvat, va-

hiy, amr, Ollohning kalomi, rahmat va Jabroil kabi ma'nolarda qo'llanilgan. Mumtoz she'riyatda ruh haqida, ruhning xususiyat yoki fazilatlari borasida yozmagan shoirni topish qiyin. Chunki ruhni bilish, ruhoniy hayot uchun g'amxo'rlik qila olishga qadim-qadimdan inson o'zligini anglash va tanishning tub asosi deb qaralgan. Ulug' mutasavvif Yusuf Hamadoniy ta'kidlaganidek, "Ruh asllarning aslidir. Odam vujudi va a'zolari ruh bilan tirik. Ruh borlig'i panohida badan ko'radi, biladi, eshitadi, ushlaydi, yuradi. Ruhning xususiyat – fazilatlari tufayli donolikda qat'iyat, nazarda farosat va ibrat, eshitishda hikmatni anglash, ergashishda itoat, yurishda xizmat yuzaga keladi".

Ruh mohiyatini anglash va chuqur idrok qilish kishini oxir-oqibatda samo odami holatiga yetkazadi. Buni Mashrab birgina baytda aks ettirgan:

Ruhi jonim arshga yetti men o'zim osmoniman,
Tutti olamni sharorim, men o'zim osmoniman…

Darvoqe, ruh tolibi bora-bora o'zini ruhoniy go'zallik posboni qiyofasida his qiladigan bo'ladi. Zahiriddin Muhammad Bobur ruboiylaridan birida shu haqda yozgan:

Ruhim yaratib eding latofat birla,
Qilding anga tanni hamroh ofat birla.
Ruhimni chu tan eviga kelturdung pok,
Mundin bori elitma kasofat birla.

Ruhning bosh sifatlaridan biri latofat, ya'ni latiflik. Latifning ofat ila yo'ldoshligi – ruhga nafsning yaqin keltirilishi. Vujud uyiga joylashgan ruh pokizaligini buzuvchi kasofat esa yana nafsdir. Bizning nazarimizda, Sharq tasavvuf adabiyoti va mumtoz falsafani bilish, ularda yoritilgan eng murakkab va jumboqli mavzularni ham to'g'ri talqin qilish uchun tazodiy ikkita tush-

uncha ma’no-mohiyatini chuqur tushunmoq zarur. Ulardan biri – ruh va nafs, ikkinchisi – fano va baqo. Qadim davrlarda ayrim tariqatlarda bular nafs ilmi, ruh ilmi, fano va baqo ilmi tarzida o‘rgatilgan.

Adabiyotni o‘qib-o‘zlashtirish bosh maqsad emas, balki hamisha vosita deb anglangan. Chunki adabiyotning dunyoga kelishi insonni bilish, uning tashqi va ichki hayoti to‘g‘risidagi fikr-qarashlarni jozibali shakllarda aks ettirish ehtiyojini ifodalagan. Bu yo‘lda erishilgan natijalarning ba’zilari sayoz, nihoyatda taxminiy tasavvurlarga asoslangan bo‘lsa, ayrimlari insonni tanish, insonni inson “oyna”sida ko‘rishga rag‘batlantirgan. Buyuk Nasimiy bir g‘azalida:

Nafsini har kimsa kim tanidi, ul Haqni bilur,
Orifi Rab o‘ldi ul kim, tanidi topdi sabot, –

deydi. Ushbu bayt “Nafsini bilgan, Rabbini bilur” hadisi sharif asosida yaratilgan. Chindan ham nafsni tanish va bilish, Haqqa yetgunga qadar nimani anglash zarur bo‘lsa, komillik yo‘lidagi shaxs shularning hammasini imkon darajasida mushohadadan o‘tkaza oladi. Bu hadis ikki shaklda sharhlangan. Birinchisi, ma’rifatulloh orqali nafsning mohiyatidagi ziddiyatlarni bilish. Nafsini zalil, haqir ko‘rgan Ollohning ulug‘ va azizligiga aslo shak keltirmaydi. Xullas, nafsida ubudiyat (qullik)ning ma’nisini mushohada etgan Ollohda rubibiyat (rablik, yaratuvchanlik) ni idrok qiladi.

Hadisning ikkinchi sharhi esa mana bunday: Olloh insonni o‘z suvratida yaratib, uni yer yuzida xalifa qilgan. Suratni tanigan surat sohibini ham taniydi. Insondagi barcha yomonliklarning ikki manbayi bor: biri – shahvat, ikkinchisi – hoyu havas. Shahvat vujudning barcha a’zolarida harakatlanadigan va to‘xtovsiz ravishda maqsadga yetishni istaydigan bir zavq quvvati. Shu yo‘lda tuyg‘ular unga yordam beradi. Me’daning shahvati – yeb-ichish,

ko‘z shahvati – ko‘rish, quloqniki eshitish, burunniki hidlash, til shahvati – so‘zlash, aqlniki esa rostu yolg‘on fikrlashdir. Mana shularning barini bilish va haqiqatiga yetish, nainki nafs, balki oxir-oqibatda Rabbini tanishga xizmat qiladi. Agar inson to‘la ma’noda nafsini tanimasa, uning hiyla va tuzoqlaridan voqif bo‘lmasa, ruh hamda ruhoniy hayot haqida ham to‘g‘ri tasavvurga sohib bo‘lolmaydi.

Tasavvufga doir ayrim asarlarda qayd qilinishicha, ruh vujuddan, ya’ni hazrati Odam a.s.dan 4000 yil muqaddam yaratilgan ekan. Bu sananing taxminligi o‘z-o‘zidan ko‘rinib turibdi. So‘fiy va mutasavviflar ruhning haqiqati hamda xususiyati to‘g‘risida ham har turli fikr-mulohazalarni ilgari surishgan. Abu Nasr Sarroji Tusiyning ma’lumoti bo‘yicha ulardan bir guruh “Ruh Ollohning nuridan bir nurdir”, – deya ruhni zoti ilohiyaning nuri hisoblab adashishgan, boshqa birovlar esa “Ruh hayoti ilohiyadan bir hayot erur”, – deb xato qilishgan. Shuningdek, avomning ruhi maxluq (yaratilish), xavosniki maxluq emas”, “Ruhlar qadimdir: o‘lmas, azob chekmas va qarimas”, “Ruh ruhoniydir, malakutdan yaratilmish, soflikka erishgach, yana takror malakutga qaytadi”, – deguvchilar ham bo‘lganki, bularning har biri adashib, xatoga yo‘l qo‘yishgan. Lekin kimki Qur’oni karimdagi mana bu so‘zlarga tayangan bo‘lsa, o‘zini g‘alat fikr va noto‘g‘ri tasavvurdan muhofaza etgan: “Ey Muhammad, sendan ruhning haqiqati va kayfiyati haqida so‘raydilar. Sen ularga javob bergilki, “Ruh Parvardigorning maxluqlari (yaratiqlari)dan bir maxluq (yaratiq) dir. Uning haqiqatini Xudodan boshqa zot bilmaydi”. (“Isro” surasi, 85-oyat). Ana shu ilohiy hukmga ko‘ra bu mavzudagi to‘g‘ri tushuncha shunday: Ruhlarning hammasi ham maxluq (yaratilish)dir. Amri ilohiydan bir amr erur. Olloh bilan ruh orasida, ruhning Uning mulkidan, Uning amri va qarovida bo‘lishdan boshqa sabab ila yoki nisbatda aloqasi yo‘qdir. Ruh tanosix etmaydi, bir jasaddan chiqib boshqasiga kirmaydi, vujud o‘lim azobini tortgani kabi ruh ham azob chekadi. Xullas, Odam a.s.ning anosiri

arba' – to'rt unsurdan bino etilgan jasadiga Olloh malakutdan yaralgan ruhni kiritgan: "Ey Muhammad (s.a.v), Parvardigorning malaklariga: "Men Odamni qora balchiqdan xalq qilguvchiman. Vaqtiki, men Odamni xalq qilsam, uning jasadiga ruhni doxil etsam, hammalaringiz unga sajda qilish uchun yiqilinglar", – degan vaqtni fikr qil" ("Hijr" surasi, 29-oyat).

Nafsni so'fiylar vujuddagi latif bir mavjudlik tarzida qabul qilganda, tasavvurlarida nafsning moddiy tomoni ustunlik qilgan. Buni ochiq-oydin e'tirof etishmagan bo'lishsa ham, nafs deganda jismoniy bir narsani xayolga keltirishganini sezish qiyin emas. Lekin ruhning g'ayrimoddiy, vujuddan mustaqil va ayri, vujud yo'qolsa hamki, latif bir borliq o'laroq uning yo'qolmasligi xususida ahli tasavvuf o'rtasida ixtilof bo'lmagan. Bu esa tasavvufda ruh mavzuyida juda keng va izchil bahs yuritishga yaqindan yordam bergan.

Rumiyda yana bir hikmat borki, haqiqatga juda yaqin. "So'z ko'payganda, maqsad unutiladi, yo'qoladi" deya, ushbu hikoyatni misol qilib keltiradi: "Baqqol ayolni sevardi va unga xizmatchisi orqali xabar yuborardi: "Men sening ishqingda kuydim, yondim, o'ldim. Huzurim yo'q, faqat seni o'ylayman…" Xizmatchi ayolning oldiga kelib, baqqolning "sevaman" deganini aytdi. Ayol: "Shu qadar sovuq aytdimi?" deb so'ragandi, xizmatchi: "Uzoq va yonib so'yladi, biroq demoqchi bo'lgani shu edi", deb javob berdi. Darhaqiqat, asos bo'lgani maqsaddir, qolgani bosh og'rig'i. Shu o'rinda yozuvchi Chingiz Aytmatovning "So'z qizg'anchiqlikni yaxshi ko'radi" degan fikrini eslab o'tish joiz. Chunki qisqa va lo'nda bo'lgan nutq ham saviyali, ham yurakka yaqin bo'ladi.

Mutafakkirning fikricha, inson zoti zavolliki, ham aql, ham shahvatdan tashkil topgan. Hadisda deyiladiki: "Aqli shahvatidan ustun kelgan kishi malaklardan afzal, shahvati aqlidan g'olib chiqqan esa hayvondan tubandir. Nafs tufayli insondagi jamiki yaxshi fazilatlar o'rnini chirkin illatlar egallaydi. Hozirgi texnika-texnologiyalar jadal sur'atla rivojlanayotgan global-

lashuv davrida “zamonaviy inson” atamasi kirib kelmoqda. Bu insonning avvalgilardan ajralib turadigan jihati nimada? Asosiy farq shundaki, ilgari zamon bu qadar rivojlanmagan davrlarda, odamlar o‘z vaqtining ko‘p qismini jismoniy mehnatga qaratar, ko‘p yumushlarni qo‘lda amalga oshirishga tog‘ri kelardi. Ammo bugungi kunda texnika sohasidagi katta yutuqlar natijasi o‘laroq insonlar og‘irini yengil qiladigan har qanday turdagi texnikani topishning iloji bor. Bu insonning ruhiy holatiga, o‘zida kechayotgan psixologik jarayonlarga diqqat etishiga sabab bo‘ldi. Va natijada aksar insonlar o‘z-o‘zini tushunolmay, shaxsiyat bilan bog‘liq inqirozga uchramoqda, nazarimda. Rumiy fikrlari asosida zamonaviy inson uchun ruh va tana muvozanatini tartibga soluvchi yana bir Rumiy kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Alisher Navoiy. Mahbub ul-qulub / Mukammal asarlar to‘plami. 20 jildlik. 14-jild. – T.: Fan, 1998. –B. 24-25.
2. Jaloliddin Rumiy. Ichindagi ichindadur. –T., 2003. 29-bet.
3. Haqqul I. Navoiyga qaytish. –Toshkent: Fan, 2007. 183-bet.
4. Jaloliddin Rumiy. Ichindagi ichindadir. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2003. 71-bet.
5. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. Yigirma jildilik. 17-jild. – Toshkent: Fan, 2001. 179-bet
6. Muhabbat taronalari. – Toshkent: Sharq, 2005. 195-bet.
7. Mavlono Jaloliddin Rumiy. Masnaviyi ma’naviy. Beshinchi kitob. – Toshkent – Tehron: Al-Hudo, 2004. 204-bet.

QORABOG‘ FOLKLORIDA ALLA QO‘SHIQLARINING O‘RNI

Umurzaqova Nargiza Abdurashidovna
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti mayanch doktoranti

Annotatsiya: *Ozarbayjon xalq folklorida Qorabog‘ folklori o‘ziga xos o‘ringa ega. Qorabog‘ folklorida ham bolalar folklori namunasi bo‘lmish alla qo‘shiqlari –“laylay”lar salmoqli o‘rin egallaydi. Ushbu maqolamizda Qorabog‘ allalalarini bugungi kunda o‘rganilish va tasnif etilish masalalariga to‘xtalib o‘tdik. Qorabog‘ folklori yuzasidan bir qator ilmiy tadqiqotlar olib borgan Məhsəti Süleymanovaning tadqiqotlariga nazar soldik.*

Kalit so‘zlar: *Qorabog‘, folklor, alla, ona, bola, qo‘shiq, tadqiqot, tasnif, folklor namunalari, ozarbayjon folklori, she’riyat, tarbiya vositasi, xonadon qo‘shig‘i.*

Abstract: *Karabakh folklore has a special place in the folklore of Azerbaijan. In Karabakh folklore, alla songs, which are examples of children’s folklore, occupy an important place. In this article, we touched on the issues of studying and classifying Karabakh allalas today. We looked at the researches of Mehsati Süleymanova, who conducted a number of scientific studies on Karabakh folklore.*

Keywords: *Karabakh, folklore, alla, mother, child, song, research, classification, examples of folklore, Azerbaijani folklore, poetry, educational tool, household song.*

Barcha qardosh xalqlar qatori alla qo‘shiqlari ozarbayjon xalq folklorida ham bolalar adabiyoti tarkibida o‘rganiladi.

Ozarbayjon folklori namunalari Voqif Valiyev[1], Posho Afandiyev[2], Azad Nabiyev[3], Zohid Xalil[4], Fuzuliy Bayat[5], Ramazon G‘afarli[6], Gara Namozov[7], Sahin Xalilli[8], Elchin Aslanov[9] va boshqalar tomonidan yetarlicha o‘rganilgan va tahlilga tortilgan. Ushbu tadqiqodchilar o‘z tadqiqotlarida ozarbayjon bolalar folklorining janr muammolariga to‘xtalib o‘tdilar va alla qo‘shiqlari xususida ham salmoqli fikr-mulohazalar bayon etganlar.

Ammo ozarbayjon folklori namunalari orasida Qorabog‘ folklori alohida e’tiborga molik. Qorabog‘ folklor namunalari orasida alla-laylay qo‘shiqlari salmoqli o‘rin tutadi. Shu bois ham Qorabog‘ folklor qo‘shiqlari va bolalar folklori namunalari orasida alla qo‘shiqlari bugungi kunga qadar eng ko‘p o‘rganilgan.

Məhsəti Süleymanova o‘z ilmiy faoliyatida Qorabog‘ folklorini o‘rganishni ustun qo‘ygan va “4th international nowruz conference on scientific research March 18-21, 2021/ Karabagh, Azerbaijan” to‘plamida nashr qilgan “Qarabağin uşaq folklore”

---

[1] Vəliyev, V. Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatı / V.Vəliyev. – Bakı: ADUnun nəşriyyatı, – 1970. – 439 s.; Vəliyev, V. Azərbaycan folkloru / V.Vəliyev. – Bakı: Maarif, – 1985. – 414 s.

[2] Əfəndiyev, P. Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatı / P.Əfəndiyev. – Bakı: Elm və təhsil, – 2013. – 600 s.

[3] Nəbiyev, A. Azərbaycan folklorunun janrları / A.Nəbiyev. – Bakı: ADU nəşri, – 1983. – 88 s.

[4] Xəlilov, Z. Azərbaycan uşaq ədəbiyyatı və folklor: / filologiya üzrə fəlsəfə doktoru dis. / – Bakı, 1973. – 179 s.

[5] Bayat, F. Şamandan səmazənə: oyun və oyunçu / F.Bayat. – Bakı: Elm və təhsil, – 2017. – 228 s.

[6] Qafarlı, R. Uşaq folklorunun janr sistemi və poetikası / R.Qafarlı. – Bakı: Elm və Təhsil, – 2013. – 540 s.

[7] Namazov, Q. Azərbaycan uşaq ədəbiyyatı (dərslik) / Q.Namazov. – Bakı: Maarif, – 1984. – 331 s.

[8] Xəlilli, Ş. Azərbaycan-ingilis ədəbi əlaqələri: Folklor materialları əsasında / Ş.Xəlilli, elmi red. və ön sözün müəl. V.Arzumanlı. – Bakı: Azərbaycan Milli Ensiklopediyası NPM, – 2002. – 216 s.

[9] Aslanov, E.M. El-oba oyunu, xalq tamaşası: xalq oyun-tamaşa mədəniyyətimizdə deyim və adların izahlı söz kitabı / E.M.Aslanov. – Bakı: İşıq, – 1984. – 275 s.

(Qorabog‘ bolalar folklori) nomli maqolasida Qorabog‘dan yozib olingan bolalar folklori namunalarini ko‘rib chiqish jarayonida Qorabog‘ hududida ozarbayjon xalq og‘zaki ijodining barcha janrlari mavjud ekanini aytadi. Qorabog‘dan yozib olingan folklor matnlarining bir qismi bolalar xalq og‘zaki ijodi namunalari bo‘lib, ular orasida o‘yinlar, topishmoqlar, ertaklar, qo‘shiqlar va alla matnlari ko‘proq uchrashini ta’kidlaydi. Tadqiqotchi Qorabog‘ bolalar folklori tarkibini o‘rganish jarayonida qiziqarli shakl va mazmun namunalari borligini payqagani, folklor badiiy uslubi va ifoda vositalaridan foydalangan holda bolalar xalq og‘zaki ijodining estetik jihatdan go‘zal namunalari paydo bo‘layotganligi va bu namunalar alla (laylay) qo‘shiqlarida uchraganini aytadi.

Məhsəti Süleymanovaning aytishicha, Qorabog‘da bolalar xalq og‘zaki ijodning eng ko‘p uchraydigan namunalari allalar, erkalamalar, ilguziyalar, bolalar o‘yinlariga oid qo‘shiqlar ekan.

Məhsəti Süleymanova o‘z tadqiqotlarida Qorabog‘dan yozib olingan bir qator alla qo‘shiqlarini e’lon qilgan. Uning aytishicha, beshik qo‘shiqlari bolani uxlab qolishi uchun ma’lum bir ohangda aytiladigan qo‘shiqdir. Bu baytlarda bolalarning kelajagi, oila qurishi, kasallikdan holi bo‘lishi, to‘kin-sochillikda yashashi haqidagi orzular ifodalangan, go‘dakning ota-onasi maqtalsa, gohida omadsizlik va ko‘ngilsizliklar bilan bog‘liq lahzalar, alla aytuvchining o‘z hayotidagi qiyinchiliklari ifodalanadi. Qorabog`dan yozib olingan alla matnlari orasida shunday mazmundagi matnlar tez-tez uchraydi.

Nərgizi üzüm, layla,	Nargiza uzum alla,
Yaxana düzüm, layla.	Yoqa tikayin alla,
Sən böyü, mən qocalım,	Sen katta bo‘l man qariyman,
Toyunda süzüm, layla	To‘yingda so‘zim alla.

[AFA.Qarabağ folkloru, V cild., 2000: səh. 371]

***

Laylay qolum, qanadım,	Alla qo‘lim qanoti,
Laylay gələcək adım.	Alla kelajak otim,
Oğul toyu görməkdi,	O‘g`ilto‘yi ko‘rmoq,
Bu dünyada muradım	Bu dunyoda murodim.

[AFA.Qarabağ folkloru, V cild., 2000: səh. 373]

***

Ayın ziyası gülsün,	Oyning ziyosi kulsim,
Elin duası gülsün.	Elning duosi kulsin.
Balama qurban kəsən	Bolamga qurbon kelsin,
İgid atası gülsün.	Jasur otasi kulsin.

[AFA.Qarabağ folkloru, V cild., 2000: səh. 373]

Məhsəti Süleymanova keltirilgan matnlardan ozarbayjon allalarida ham alla (laylay) radif sifatida kelgan o‘rinlar va alla matnida alla (laylay) so‘zi umuman qo‘llanmagan qo‘shiq matnlari ham bor ekanini ko‘rishimiz mumkinligi, bu turdagi qo‘shiqlar ayni alla matni ekanini matn mazmunidan anglash qiyin emasligini, shu bois ham bunday erkalovchi beshik qo‘shiqlarini alla matniga kirita olishimiz mumkinligini aytadi.

Qızım ayqabaq olsun,	Qizim oyqovoq bo‘lsin,
Telində daraq olsun.	Telinde taroq bo‘lsin.
İgidlikdə Həcərtək,	Jasurlikda Hojardek,
Elimə dayaq olsun.	Elimga tirgak bo‘lsin.

[AFA.Qarabağ folkloru, V cild., 2000: səh. 373]

***

Məhsəti Süleymanova yozganlaridan har bir hudud materiallarida o‘sha hududga xos urf-odatlar, etnografiya, xalq hayoti va hokazolar o‘z aksini topgan. Shu ma’noda o‘lka og‘zaki ijodini o‘rganish orqali o‘sha hududga xos bir qancha fikrlarga oydinlik kiritish mumkin, degan xulosaga keladi.

Biz ham Məhsəti Süleymanovaning ushbu tadqiqotidan Qorabog‘ folklorida alla matnlari salmoqli o‘rin egallashi, bu matnlar mazmuni Qorabog‘ xalqining ijtimoiy hayotini to‘laqonli yoritib bera olishini, Qorabog‘ ayollari aytgan alla qo‘shiqlarida maishiy hayot unsurlari sezilarli darajada ko‘zga tashlanishini kuzatdik. Bolani erkalab aytilgan alla qo‘shiqlarida ham ona ichki his-tyg‘ulari bo‘rtma bayon etilgani Qorabog‘ ayollarini hayot sinovlariga naqadar chidamli ekanligi bilan bir qatorda hissiyot bobida ham tengsiz ekanliklariga ishora qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. AFA.Qarabağ folkloru, V cild., 2000: səh.

2. Almaz Həsənqızı. Folklorşünaslığa Giriş (Dərs Vəsaiti), Bakı, “Elm və Təhsil”, 2015, 260 səh. 159-s. AVTOREFERATI Sumqayıt – 2022

4. Aslanov, E.M. El-oba oyunu, xalq tamaşası: xalq oyun-tamaşa mədəniyyətimizdə deyim və adların izahlı söz kitabı / E.M.Aslanov. – Bakı: İşıq, – 1984. – 275 s.

5. Bayat, F. Şamandan səmazənə: oyun və oyunçu / F.Bayat. – Bakı: Elm və təhsil, – 2017. – 228 s.

6. Əfəndiyev, P. Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatı / P.Əfəndiyev. – Bakı: Elm və təhsil, – 2013. – 600 s.

7. Esmira Fuad 525-ci qəzet.-2 noyabr.2023.№199.-S.13 (Ardı var)

8. H. İsmayılov, Q. Süleymanov. – Bakı: Səda, – 2002. VII kitab. –s. 338

9. Könül Həsənova Layla və oxşamalarin dili Fəlsəfə doktoru elmi dərəcəsi almaq üçün təqdim edilmiş dissertasiyanın

10. Vəliyev, V. Azərbaycan şifahi xalq ədəbiyyatı / V.Vəliyev. – Bakı: ADUnun nəşriyyatı, – 1970. – 439 s.; Vəliyev, V. Azərbaycan folkloru / V.Vəliyev. – Bakı: Maarif, – 1985. – 414 s.

11. Nəbiyev, A. Azərbaycan folklorunun janrları / A.Nəbiyev. – Bakı: ADU nəşri, – 1983. – 88 s.

12. Namazov, Q. Azərbaycan uşaq ədəbiyyatı (dərslik) / Q.Namazov. – Bakı: Maarif, – 1984. – 331 s.13. Xəlilov, Z. Azərbaycan uşaq ədəbiyyatı və folklor: / filologiya üzrə fəlsəfə doktoru dis. / – Bakı, 1973. – 179 s.

JADIDCHILIK HARAKATI NAMOYANDALARI VA ULARNING GENDER TENGLIK MASALALARIDAGI FIKRLARI

Mansurova Nigora Dmitriy qizi,
Buxoro davlat universiteti, Tarix va yuridik fakulteti,
Siyosatshunoslik yo‘nalishi 2-bosqich talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada tariximizda muhim o‘rin tutgan, ijtimoiy taraqqiyot va mamlakat mustaqilligi g‘oyalarini ilgari surgan istiqlolchilar, ya’ni jadidlar haqida, ularning eng yirik namoyandalari va jadidlar bosib o‘tgan yo‘l, undagi mashaqqatlar haqida fikr yuritiladi. Davlatda chuqur islohotlar o‘tkazish tarafdori bo‘lgan jadidlar xalqni ma’rifatli qilish maqsadida bo‘lganlar. Shu asnoda xalqni ijtimoiy faollikka chorlamoqchi bo‘lishgan. Avvalo, ta’lim tizimini isloh etish va yangi o‘zgartirishlar kiritish uchun yangi usul maktablari joriy qilishgan. Kutubxonalar ochishgan, gazetalar va jurnallarga asos solib matbuot orqali ham aholiga ta’sir o‘tkaza olishgan. Bu o‘rinda, ayniqsa, teatrlar va ularda namoyish etilgan davrning dolzarb muammolari aks ettirilgan sahna asarlari muhim o‘rin tutadi. Shu bilan bir qatorda, maqolada gender tenglik masalalari va jadidlarning bu masala haqidagi fikrlari ham o‘z aksini topgan.*

Kalit so‘zlar: *Jadid, quroltoy, dramachilik, nashriyot, klassika, gender tenglik.*

Annotation. *In this article, the independentists, that is, the Jadids, who played an important role in our history and promoted the ideas of social development and independence of the country, their biggest representatives and the path and hardships of the Jadids are discussed. Jadids, who were in favor of deep reforms in the state, were for the purpose of enlightening the people. At the same time, they wanted to invite people to social activity. First of*

all, new method schools were introduced to reform the education system and make new changes. They opened libraries, founded newspapers and magazines and were able to influence the population through the press. In this place, especially the theaters and the stage plays reflecting the actual problems of the time shown in them have an important place. In addition to this, the article reflects the issues of gender equality and the opinions of Jadids about this issue.

Keywords. *Jadid, armory, dramaturgy, publishing, classics, gender equality.*

Jadidchilik harakati bizning yaqin tariximizda mavjud bo‘lgan taraqqiyparvarlik harakatidir. Bu harakat XIX asr oxiri va XX asr boshlarida vujudga kelib, Tatariston, Kavkaz, Qrim va nihoyat Turkiston hayotida haqqoniy ma’noda muhim ahamiyat kasb etgan, ma’rifiy, ijtimoiy-siyosiy harakat bo‘lib hisoblanadi. Bu harakat dastlab, Qrimda XIX asr 80-yillarida Ismoil Gaspirali rahbarligida vujudga kelgan bo‘lsa, XIX asr 90-yillariga kelib butun O‘rta Osiyoga keng yoyiladi..

Jadidchilik eng avval madaniyat sohasidagi harakat sifatida vujudga kelgan va faoliyat yuritgan. Jadidchilik harakati vakillari taraqqiyot uchun kurashish, turkiy tillardagi adabiyotni boyitish, fan yutuqlaridan foydalanish, dunyoviy ilmlarni o‘rganish va eng tahsinga sazovor narsa ayollar va erkaklar tengligi uchun kurashishga chaqirishgan. Jadidchilik mohiyatiga e’tibor qaratsak, u avvalo siyosiy harakat edi. “Jadidlar o‘z hisoblaridan maktablar ochib, yosh avlodni istiqlolga tayyorlaydilar, she’r va maqolalar, sahna asarlari orqali milliy ongni shakllantirishga, milliy g‘urur va iftixor tuyg‘ularini singdirishga urindilar(Rossiya qonunlari imkon bergan darajada Turkiston musulmonlarining sha’nu sharafini himoya qildilar), inqilob yillarida esa mustaqillik bayrog‘ini baland ko‘tardilar”.[Behbudiy.1999:6] Bu harakat O‘rta Osiyoda turli oqimlarga bo‘lingan edi. Ya’ni bular Turkiston, Buxoro va Xiva jadidlaridir.

Mana endi jadidlarimiz faoliyatlariga nazar tashlasak, dastlab, **Mahmudxo‘ja Behbudiy(1975-1934)** haqida fikrlarimizni yuritamiz. Behbudiy haqida ko‘plab arboblarning fikrlari bor. Xususan, Fayzulla Xo‘jayev Behbudiy haqida bunday deydi: “ Siyosiy, ijtimoiy faoliyati va bilimining kengligi jihatidan Turkistonning o‘sha vaqtdagi jadidlaridan unga teng keladigani yo‘q deb o‘ylayman”. Behbudiy Samarqandning Baxshitepa qishlog‘ida 1875-yil 19-yanvarda tavallud topgan. U dastlab Samarqand madrasasida, keyinroq Buxoroda ta’lim olgan. 9 yoshida otasidan ajralgan. Keyinchalik 18 yoshidan qozixonada mirzolik qila boshladi. Shuni aytish mumkunki, uning dunyo qarashi shakllanishida bu harakat asoschisi bo‘lgan Gaspiralining o‘rni katta.

Behbudiy ko‘p joylarga sayohat qilgan, xizmat safarlarida bo‘lgan, ba’zi quroltoylarda qatnashib nutqlar ham so‘zlagan. Sharq va G‘arb madaniyati, tarixini o‘rganish jarayonida uning bilimlari kengayib, jamiyatni isloh qilish kerakligini anglab boradi. Ko‘plab maktablar ochadi, lekin keyinchalik shuni anglaydiki, xalqni ma’rifatli qilish uchun faqatgina maktabning o‘zi kifoya qilmas ekan.

Xalqqa bir oyna kerakki, unda u o‘z qabohatini ham, malohatini ham ko‘ra olishi kerak edi. Ayni shu zarurat tufayli Behbudiy matbuot va teatr yo‘liga o‘tadi. Shunday qilib, o‘zbek dramachiligining birinchi namunasi “Padarkush” 1911-yilda yozildi va 1913-yilda bosilib chiqdi. 1914-yil 15-yanvarda Samarqandda ilk marotaba sahna yuzini ko‘rdi. Shu o‘rinda Behbudiy matbuot ishlari bilan ham shug‘ullana boshlaydi. Uning “Samarqand” gazetasi turkiy va forisiy tillarda chiqarilgan. U nashr ishlari bilan qizg‘in shug‘ullanib o‘zining shaxsiy “Nashriyoti Behbudiy” nomi ostida nashriyotini ochadi. “Oyna” jurnaliga asos soldi. Bu jurnal jadidlarning eng sevimli jurnallaridan edi. U ko‘plab mamlakatlarga, xususan, Tatariston, Hindiston, Turkiya, Eron, Afg‘oniston va Kavkazga qadar yoyilgan edi. Behbudiy yana turli asarlar tarjimasi bilan shug‘ullangan. Turkiston xaritasini tuzib

uni bosmadan chiqargan, shuningdek, kutubxona ham ochgan. Uning ijtimoiy tenglik, jamiyatda insonlarning teng darajada turishi kerakligi, yigitlar bilan bir qatorda qiz bolalarni ham ta'lim olishlari kerakligi haqidagi fikrlari ham ayniqsa o'rinlidir.

Ana endi jadidchilik harakatining yana bir namoyandasi **Abdulla Avloniy(1878-1934)ga** to'xtalib o'tsak. Abdulla Avloniy Toshkentda 1878-yili 12-iyunda tavallud topgan. Klassika bilan shug'ullanish uning shoir sifatida shakllanishiga ulkan ta'sir ko'rsatdi. Abdulla Avloniy 1904-yilda usuli jadid maktabini ochadi. Shu bilan birgalikda, u 1914-1915-yillarda advokat Ubaydulla Xo'jayev bilan hamkorlikda "Sadoyi Turkiston" gazetasini olib boradi. Avloniy ham sahna asarlari tashkillashtirgan. U o'z truppasi bilan sahnalashtirgan birinchi asar ham Behbudiyning "Padarkush" asari bo'lgan. Uning tarjimayi holida shunday so'zlar keltirilgan: "1915-yilda mahalla xalqi domlamiz, " teatrchi" bo'libdi, "masxaraboz bo'ldi", - deb meni maktabdan quvib, Mirobod mahallasidagi boshlang'ich maktabni yopdilar". [Avloniy.2006:15]

Lekin shunday bo'lishiga qaramasdan, Avloniy uchun tarbiya masalasi old o'rinda turgan. U bu tushunchani keng doirada tushungan, uning uchun bu tushunchani birgina axloq tushunchasi bilan cheklab bo'lmagan. Tarbiya – uning fikricha tug'ilgan ondan boshlanib toki hayotining oxirigacha davom etadi. Biz bilgan hamma narsa esa aynan tarbiyaga bog'liq. "Tarbiya bizlar uchun yo hayot - yo mamot, yo najot – yo halokat, yo saodat yo falokat masalasidir" deya Avloniy bejizga gapirmagan.

Shuningdek, Avloniy ko'plab insoniy sifatlarni ulug'lagan. Aql, ilm, ziyraklik, vijdon, vatan tuyg'usi va haqqoniyatni ayniqsa qadrlaydi. U va boshqa jadidlar ham ta'lim tizimida ham ko'plab yevropacha uslublardan foydalanishgan. Jamiyatda ayollarning ham o'rinlarga ega bo'lish va ularning ham ma'rifatli bo'lishlarida tashabbuskor bo'lishgan. Lekin Yevropadan barcha narsani ham olib kirib bo'lmasligini, bu madaniyat ham mukammal emasligini

yaxshi anglashgan. “Ovropo madaniyatining eng katta aybi unda haqqoniyat yo‘qligidir. Haqqoniyat esa, Avloniy ta’kidlaganidek, “ishda to‘g‘rilik, so‘zda rostgo‘ylikdir”.[Avloniy.2006:39]

Shu o‘rinda biz Jadidchilik harakatining yana bir ulkan namoyandalaridan biri, Buxoro jadidchiligida muhim o‘rinni egallagan – **Abdurauf Fitrat(1886-1938)** haqida so‘z yuritib uning fikrlariga to‘xtalib o‘tamiz. Abdurauf Abdurahim o‘g‘li 1886-yil Buxoro shahrida tavallud topgan. Fitrat nomi uning adabiy taxallusi bo‘lgan. Maktabda, keyinchalik esa Mirarab madrasasida ta’lim olgan. 1909-yil esa “Jamiyati xayriya tashkilotining yordami bilan Istanbulgan o‘qishga borgan. U Buxoroda madaniy hayotni yo‘lga qo‘yishda muhim rol o‘ynaydi, usuli jadid maktablari ochadi. Keyinchalik esa “Yosh buxorolilar” partiyasi tashkil qilingach, Fitrat unda bosh kotib sifatida faoliyat yurita boshlaydi. Shu bilan bir qatorda, teatr sahnalashtirish va nashriyotlarda ham ishlaydi. Ko‘plab asarlar yaratadi. 1921-yil 23-sentabrda esa “Buxoro xalq sho‘rolar jumhuriyati Konstitutsiyasi” aynan Fitrat tahriridan chiqqan.

Fitrat jamiyatdagi notenglik va ta’lim sohasidagi muammolarga ham e’tiborini qaratadi. Bu o‘rinda, ayniqsa, u davlatni holini xarob ahvolga solgan, istiqbolga xatar bo‘lgan yirik muammo – ayollarning ta’lim olish zaruriyatlarini o‘rtaga tashlaydi. “… millatning ilk tarbiyasi ayollar qo‘lida kechadi. Ilm va idrok egasi bo‘lmagan noqobil ona o‘z farzandining ham qobiliyatsiz bo‘lib qolishiga sherik bo‘ladi, bas, shunday ekan, qizlar tahsili millat uchun eng zarur bo‘lgan muammo darajasiga ko‘tarilishi, xuddi erlar kabi ular tahsil va takomilga loyiqligi Qur’oniy dalillar bilan isbotlangan”.[Boltaboyev.2022:127] Mana shunday fikrlarni u o‘z asarlarida keltiradi. Fitratning “Oila yoki oilani boshqarish tartiblari”, “Munozara”, “Hind sayyohi bayonoti” kabi asarlarida ham aynan bu mavzuga doir fikrlari aks etadi.

Shunday qilib, bir narsani anglash mumkinki, Fitratning fikrlari o‘z davri uchun anchayin ilg‘or va demokratik edi. Uning

inson haqidagi hikmatli so‘zlari ham tahsinga sazovordir. Jumladan: “ Insonning boshqa maxluqotdan sharafi shundaki, inson taraqqiyot va tanazzulga qobildir, boshqa hayvonlarda esa bu yo‘q. Hakimlar inson taraqqiyoti va tanazzuli uchun uch olamni ajratganlar: hayvonot olami, jamodot olami va insoniyat olami”.[Boltaboyev.2022:132]

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, jadidlar o‘zlarining Buyuk Turkiston g‘oyalari bilan maydonga chiqib, Chor Rossiyasiga qarshi xalqqa ziyo tarqatib ularni kurashga chorlashgan. Ular dunyodan, dunyoviy bilimlardan xabardor bo‘lib, Peterburg, Istanbul, Mumbay va Qozon gazetalarini o‘qib o‘sha davrning oydinlari va ziyolilari edilar. Butun Turkistonni bitta mamlakatga birlashtirib, rivojlangan madaniyat va ta’lim sohalarini yaratish va jamiyatni isloh qilishni xohlashgan edi. Ayollarning ham jamiyatda ahamiyati borligini aytib, ularning ham ta’lim olishi butunlay dunyodan ajralmasligi kerakligini anglagan holda buni jamiyatga targ‘ib qilmoqchi bo‘lishdi.

Garchi, ayollarni jamiyat hayotiga jalb qilish va ularning ham erkaklar bilan bir qatorda ishlashlari keyinchalik, Sobiq Ittifoq tomonidan bajarilgan bo‘lsa-da, bu faqat o‘z manfaati yuzasidan kelib chiqib amalga oshirilgan. Ammo bu jarayon ancha keskinlikda o‘tgan. Jadidlar bo‘lsa aholining fikrlarini inobatga olib, xalq orasida tushuntirishlar bilan, dinga ham qarshilik qilinmaganligi bildirmoqchi bo‘lishgan. Biroq, istiqlolchilik harakatlari uzoqqa bormadi. Ularning deyarli barchasi turli yillarda qatag‘onlarga uchrashdi. Faqatgina mustaqillik natijasida ularning nomlari oqlandi va hurmat bilan tilga olinadigan bo‘ldi. Shuni ayta olamizki, bugungi istiqbolli kunlarimizda jadidlarning ham hissasi bor. Ularning g‘oyalari bugungi kunda ham ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Mahmudxo‘ja Behbudiy. Tanlangan asarlar – Toshkent: Ma’naviyat 1999, 6-b.

2. Abdulla Avloniy, Tanlangan asarlar – Toshkent: Ma'naviyat 2006, 15-b.
3. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar – Toshkent: Ma'naviyat 2006, 39-b.
4. Hamidullo Boltaboyev "Abdurauf Fitrat", Yoshlar Nashriyot uyi, Toshkent-2022, 127-b.
5. Hamidullo Boltaboyev "Abdurauf Fitrat", Yoshlar Nashriyot uyi, Toshkent-2022, 132-b,

ФРЭНСИС БЕРНЁТТНИНГ “СИРЛИ БОҒ” РОМАНИДА ЎСМИРЛАР РУҲИЯТИ ТАСВИРИ

Гулбаҳор Ашурова Нуруллаевна,
доцент филология фанлари доктори.
Гулгун Усмонова Мейлиевна,
ТДЎТАУ Адабиётшунослик: ўзбек адабиёти 1-курс магистранти,

Аннотация: *Замонавий болалар адабиёти дунё миқёсида ранг-баранглашиб, мавзу қамрови кенгайган бир даврда болалар адабиётимизда яратилган ва ўзлаштирилаётган асарлар чуқур ва атрофлича ўрганишни талаб этади. Шу мақсадда “Сирли боғ” асарида ўсмирлик даври муаммолари, тарбиявий ёндошувлар, психологик зиддиятларда меҳнат, дўстликнинг аҳамияти, инфантликдан балоғатга ўтиш белгилари, боланинг шахс сифатида ижтимоийлашуви омилларининг очиб берилишини тадқиқ этиш муҳим. Ёзувчи қаҳрамонлари дунёсини кашф этишда қўллаган методлари, уларнинг романда илгари сурилган ғояни юзага чиқаришдаги аҳамиятини ўрганишга ҳаракат қилдик. Хулоса шуки, Б. Фрэнсиснинг боалалар адабиётида қўллаган психологик портрет бериш, панд-насиҳат ёндошувдан чекиниб ижтимоий, тарихий методлар орқали моҳирона тасвирлаш услуби мақсадли аудитория бўлмиш ўсмирлар учун ҳаётий, қизиқ асар яратилишига туртки бўлган.*

Калит сўзлар: *сирли боғ, ўсмирлик, инфантлик, тарбия мезонлари, психологик муаммолар, психогенетика.*

Фрэнсис Элизабет Бёрнетт қаламига мансуб “Сирли боғ” (1910) романи болалар адабиётининг сара китоблари

рўйхатидан фахрли жой олган, бир асрдан ортиқ вақт давомида ўқувчилар қалбини забт этган асар. Роман сюжети, образлари, илгари сурган ғояси жиҳатидан адибанинг “Фауэнтлерой” ва “Кичик малика” асарларига ўхшаса-да, руҳий-психологик қарашлари, аниқроғи, XIX аср сўнггида руҳиятшунослик соҳасида янгилик бўлган Фрэнсис Гальтоннинг таълимоти (“Психогенетиканинг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш тарихи”, Москва давлат психопедагогика университети, 2019 й) билан узвий боғлиқ. Яъни инсон тақдирида болаликдаги руҳий мулоқот ва тажрибанинг аҳамияти беқиёслиги, она ва бола ўртасидаги меҳр ришталарининг соғломлиги боланинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий камол топишида асосий мезон эканига муаллиф урғу беради.

Асар марказидаги қаҳрамон – Колин руҳан ва жисман мажруҳга айланган ўн икки яшар ўсмирнинг оёққа туришида психотерапияда кенг қўлланилувчи усуллар – ўз-ўзини ишонтириш (“...Борлиқ сеҳр-жодудан иборат...”, “...Мен узо-оқ яшайман...”) ва онгни некбинликка дастурлаш (“... Уддалайман”, “...Қўлимдан келади...”) методлари орқали акс этган. Айтиш керакки, юқоридаги усуллар орқали ижодкор нафақат қандайдир қусурни даволаш, балки инсон ҳаётида тўқнаш келадиган зиддияту бахтсизлик ва фожиалардан уни қутқариб қолувчи ягона қалқон – иродаси, қалби эканини моҳирона очиб берган. Шу маънода Фрэнсиснинг мазкур романи болалар адабиётининг олтин фондига кирган бетакрор асар. “Ўсмирлар адабиёти болага ички оламига назар солиш, эрта бир кун қадам қўяжак “катта”ларнинг мураккаб оламини тушунишга ёрдам бериши”(“Образ современности в новейшей подростковой прозе”, Магистерская диссертация, Уральский государственный педагогический университет, Екатеринбург, 2018) ҳисобга олинса, замонавий адабиётимиз шундай серқирра асарларга муҳтож.

Роман ўн яшар Мэрининг ота-онаси ўлимидан сўнг Ҳиндистондан Англияга, амакиси ҳузурига отланиши каби тушкун ва зерикарли воқеадан бошланади. Шу ўринда ёзувчи Мэрининг руҳий тасвирига чизги беришда социологик ва биографик методдан моҳирона фойдаланган: қизнинг ёлғиз қолиб кетишини тасвирлаш орқали ёзувчи аслида боланинг туғилганидан бери ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, она меҳри нелигини билмаслиги, атрофида хизматкорлар истагини бажо келтирса-да, борлиғи бўш, ҳиссиз қўғирчоқдек кун кечираётгани аёнлашади. Энагаси – айеси энг яқин инсони бўлгани ҳолда вафот этса-да, қиз унга қайғурмайди. Чунки жигарбандлари-да унинг учун куйинмаган ва бу фазилатдан у ҳам мосуво. Қизниниг худбин, қўрс қиёфаси қуйидаги тилагида – "...фақат бир нарсани ўйларди: янги энага аввалгиси сингари хушмуомала, доимо унга ён босадиган бўладими-йўқми..."(Фрэнсис. Э. "Сирли боғ" нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 7-бет) яққол акс этган.

Умуман Мэрининг илк қиёфаси соғлом ва қувноқ боланинг портретига зид равишда, такрор "ёқимсиз бола"лиги таъкидланиб, ҳақиқатда унинг тилини топиш мушкуллиги мисолларда кўрсатилган ("...Қизга, тўғриси, қандай муомала қилишни, қандай қилиб унинг кўнглини олишни билишмасди. Миссис Кроуфорд уни эркалаб, ўпмоқчи бўлганида юзини терс ўгириб, жирканаётгандек чаппа қаради. Жаноб Кроуфорд елкасига дўстона қоқиб қўйганида, ғўдайиб туриб олди..."(Фрэнсис Э. "Сирли боғ" нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 8-бет)).

Эрка, тантиқ, меҳрсиз ўстирилган қиз амакисиникида ўзидан-да золим ва инжиқ бола, амакиваччаси Колиннинг бегона назарлардан пинҳон, тўрт девор ичида яшаётганини билиб қолади. Амакиси аёлининг вафотига сабабчи деб билган ўғлидан ор қилар, уни, ҳатто кўргиси келмаганидан сайру саёҳатдан бўшамасди. Севгили учун бунёд эттирган

гўзал, жаннатмакон боғни ҳам қулфлаб, ташландиқ ҳолга келтириб, киришни таъқиқлаган.

Колин ва у яшаётган муҳит "...ноёб нарсаларга тўла қаср..."га келсак, "...кимсасиз, совуқ ҳудуд.... муҳташам уй олти аср аввал, даштнинг бир чеккасида қурилган. Қасрдаги юзга яқин хонанинг аксарияти қулфлоғлиқ тур..."иши ўша давр инглиз зодагонларига хос аристократиянинг сохта улуғворлиги, аслида инсонийлик, меҳр, кенгфеъллик унга ёт экани фош этилишини пайқаш мумкин. "...Яна бунинг устига уй эгаси бели қийшиқ, ҳамиша даввозасини ичидан қулфлаб олиб, ўзини бошқалардан олиб қочадиган одам бўлса!..."(Фрэнсис. Э."Сирли боғ" нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 15-бет) Зебу зарга бурканган киборларнинг маънавий мажруҳлиги эмасми бу?!

Мэрининг янги шароитга мослашуви, аниқроғи қайта тарбияланиши жараёнида ўқувчи ўша даврда ўзини "ҳомий" этиб кўрсатувчи инглиз жамиятининг асл қиёфасини кўриши мумкин: "...хизматкорлар раҳбарларига "салом" бажо келтириб, уларни "камбағалларнинг ҳомийлари" ва шунга ўхшаш номлар билан атардилар. Ҳинд хизматкорига илтимос қилинмас, унга фақат буйруқ билан мурожаат қилинарди. У ерда хизматкорга "илтимос" ёки "раҳмат" дейиш одати йўқ ва Мэри жаҳли чиққанида энагасига тарсаки туширарди..."(Фрэнсис. Э. "Сирли боғ" нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 17-бет) Хуллас, адиба Англиянинг Ҳиндистонни мустамлакага айлантирилиши ва унинг оқибатини воқеъликка тарихий, ижтимоий ёндошувни ўз ўрнида қўллай билган.

Туғилганидан бери шундай усти ялтироғ-у, ичи қалтироқ даргоҳда, ота-она меҳрисиз, устига устак қуёш нури, тоза ҳаводан бебаҳра улғайган хаста Колинниг аҳволи Мэриникидан оғир. У, ҳатто онасини кўрмаган, бирон марта овозини эшитмаган, отаси ҳам ундан юз ўгиргандек хабар

олмайди... хизматкорлару қимматбаҳо буюм, китоблар қуршовида яшаётган ўсмирнинг ҳаётида бола учун энг зарур нарсалар, афсуски, йўқ. Ота бола парвариши, тарбиясида уқувсизлигини очиқ тан олиб, масъулиятидан бўйин товлаган, унга қаровчи энагаю хизматкорлар ҳам бу ишда нўноқ экани боланинг чўлда якка ўсаётган ёввойи жонивордан фарқ қилмаслиги, аксинча унинг ҳар бир истагу харҳашалари бажо келтирилиши туфайли ўтакетган худбин, золим одамга айланиб бораётгани табиий.

Асарда Мэри ва Колин руҳиятида бурилиш нуқтаси бўлган жиҳат бор. Бу ҳар икки бадфеъл бола ўзига зид бўлган хушфеъл характер билан тўқнашганда муомалада нўноқ, қўрслигидан ўзи азият чекиши; меҳнат ва соғлом турмуш тарзига амал қилиши натижасида феълида юз берган эврилишларни ўзи пайқаши, ўзини четдан кузатишни ўрганишидир. Маълумки, киши хатосини аниқлаб, уни тан олиши ва бартараф этиши инфантлик, яъни болаларча ғўрликдан балоғатга ўтишнинг асосий шартидир. Ёзувчи сюжет ривожи давомида психологик ёндошувни кучайтириб тарбияси оғир ёшларнинг ички тугунларини шу тариқа еча бошлайди.

Мэри ва Колиннинг тунд характерига қарама-қарши тарзда хизматкор Марта, укаси Дикен ва онаси Соуэрби образларидаги одамгарчилик, тавозе, бағрикенглик зулматни ёриб чиққан нурдек болаларнинг тош қалбини эритди. Соуэрби хоним тилидан айтилган қуйидаги фикрлар орқали адиба ота-оналар билан қимматли маслаҳат, яъни асрлар давомида чиғириқдан ўтган тарбиядаги асос ёндошувни баҳам кўрмоқчидек:

– Ҳақиқий болалиги бўлмаган ва тенгқурлари билан ўйнамаган бола яхши бўлиши даргумон (Фрэнсис. Б. “Сирли боғ” нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 60-бет).

– Мактабда ўқиган кезларимиз жуғрофия ўқитувчиси ер шаримиз апельсинга ўхшайди, деган. Бола бўлсам-да

бу гапнинг мағзини чақишга уриндим. Яъни хом сут эмган бир банда бу апельсинга эгалик қилмаслиги керак. Кимгадир бир тилим, кимгадир уруғи насиб қилар, кимгадир – ҳеч нимаси тегмайди. Болаларга нима алоқаси бор, дегин. Ўйнаганда болалар шу мевадан ҳаққини олишни ўрганади. Кейинчалик асқотадагина, ноёб ҳунар. Келажакда ҳаёт барини изга солиши мумкин, албатта. Лекин ёшлигида оддий апельсинни тасарруф қилолмаган бола улғайганида шундай таъзирини ейдики... (Фрэнсис. Б. “Сирли боғ” нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 68-бет)

Қўли юпқа, паст табақадан бўлишига қарамай Соуэрби хонимнинг ўғли Дикен ҳам ўзи каби меҳри дарё... Аввал Мэри, кейин Колинни ўзига маҳлиё қилган бу ўсмир образида табиатсевар, ювош, ғайратли ва доно йигитча гавдаланади. Ҳеч кимни ёқтирмаган Мэри ўзи билмаган ҳолда Дикеннинг таъсирига тушиб қолади (“...фақат сеҳргар ва аллақандай иқтидорли одамларгина нафосат ярата олар ва Дикен – ана шундай инсон. Унинг меҳру муҳаббати чор-атрофга қулоч ёзгани ёлғонми! Дикенни турфа одаму жониворлар севиши-чи, сеҳр бўлмай нима?!”(Фрэнсис. Б. “Сирли боғ” нашрга тайёрланган таржима қўлёзма, 32-бет))

Ёзувчи асарда табиатнинг кўп ишга қодир мафтункор ва сеҳрли кучини инсон руҳиятининг ички, яширин резерви – қалби кучига қиёслаш орқали сюжет чизгилари билан баб-баробар асосий ғоясини илгари сурган. Яъни борлиқнинг ҳар бир заррасида ақлни лол қолдирувчи куч, гўзаллик, уйғунлик борки, инсон ундан андоза олиб, ўй-фикрлари, сўзу аъмолини шу бирликка мослаши керак.

“Болага диалектик хулоса, далиллар, мантиқий изчиллик керак эмас: унга тасвирлар, ранглар ва товуш кифоя. Бола мавҳум ғояни ёқтирмайди: унга ҳикоя, эртак, қисса керак”(В. Белинский “О детских книгах”,“Отечественные записки” журнали, 1840 й), деганди танқидчи олим Висса-

рион Белинский болалар адабиёти ҳақида. Шу маънода биз таҳлил қилган асарда образлар тилидангина қистириб кетилган пандлардан бўлак болага малол келувчи насиҳатни учратмаймиз ҳисоб.

Фрэнсиснинг “Леди бўлишни истасангиз”, “Йўқолган шаҳзода”, “Мовий гуллар мамлакати”, “Пок юрак”, “Ўжарлик” каби қатор романлари шуҳрат қозонган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Сирли боғ” романи нафақат болалар, балки катталар учун ҳам маънавий озуқа бўладиган, тарбия устунлари, ота-оналик бурчи ва боланинг порлоқ келажагига замин яратувчи муҳим омиллар ҳақида содда ва жонли сўзловчи ўзига хос асардир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Психогенетиканинг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш тарихи”, Москва давлат психо-педагогика университети, 2019 й.

2. В. Белинский “О детских книгах”, , “Отечественные записки” журнали, 1840 й.

3. Фрэнсис Бернётт “Таинственный сад”, , Москва, Издательство АСТ, 2019.

YO‘L XRONOTOPINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI (“Uliss” va “Kapalaklar o‘yini” romanlari misolida)

To‘ychiyeva Laylo,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat O‘zbek tili va adabiyoti universiteti doktaranti
toychiyevalaylo0@gmail.com

Annotatsiya: *Ushbu maqolada “Uliss” hamda “Kapalaklar o‘yini” romanlarida uchraydigan yo‘l xronotopining badiiy xususiyatlari tahlil qilingan. An’anaviy romanlarda hamda modernistik ruhda yozilgan romanlar uchraydigan yo‘l xronotopining o‘xshash va farqli tomonlari haqida fikr yuritilgan.*

Kalit so‘zlar: *Xronotop. Modernistik roman. Yo‘l xronotopi. Mixail Baxtin. Qahramon ruhiyati.*

Abstract: *This article analyzes the artistic features of the road chronotope found in the novels “Ulysses” and “The Butterfly Game Similar and different aspects of the road chronotope found in traditional novels and novels written in a modernistic spirit are discussed.*

Keywords: *Chronotope. A modernist novel. Road chronotope. Mikhail Bakhtin. Hero mentality.*

Аннотация: *В статье анализируются художественные особенности дорожного хронотопа, встречающегося в романах «Улисс» и «Игра бабочек». Обсуждаются сходные и разные аспекты дорожного хронотопа, встречающиеся в традиционных романах и романах, написанных в духе модерна.*

Ключевые слова: *Хронотоп. Модернистский роман. Дорожный хронотоп. Михаил Бахтин. Менталитет героя.*

Badiiy adabiyotda, xususan, epik asarlarda ifodalanayotgan qahramonning obektiv olamga subyektiv munosabati, ichki ke-

chinmalari, ruhiyatidagi isyonlari ma'lum bir vaqt hamda makonda sodir bo'ladi. Ana shu vaqt va makon uyg'unligi badiiy adabiyotda xronotop atamasi bilan yuritiladi. Jahon adabiyotshunosligida rus adabiyotishunosi M.Baxtin roman janrining turli davrlari va turli bosqichlarini o'rganib, xronotop atamasiga quyidagicha ta'rif beradi: **"***Adabiyotda badiiy idrok etilgan zamon va makon aro uyg'unlikni xronotop, deb ataymiz. Ushbu istiloh matematika ilmida Eynshteynning nisbiylik nazariyasi negizida qo'llanilib kelinadi. Istilohning biz uchun matematikada qo'llanadigan maxsus tushuncha sifatida ahamiyati yo'q. Uni biz adabiyotshunoslikka (tom ma'noda bo'lmasa ham) istiora o'laroq qabul qilamiz. Muhimi, bu o'rinda istilohning zamon va makonni uyg'un holatda ifodalashidir".* [M.Baxtin.Romanda zamon va xronotop shakllari.Toshkent.Akademnashr.2015y.24-bet] Xronotop tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak bu istiloh adabiyotshunoslikda XX asrning 70-yillarida adabiy estetik kategoriya sifatida borliqni aks ettirishning poetik vositalaridan biri hamda yozuvchining ijodiy niyati va asarning g'oyaviy konsepsiyasidan kelib chiqib, syujetni yuzaga chiqarishda, kompozitsion qurilishda, real hayotiy voqelik manzarasini inikos etishda asos bo'lgan adabiy hodisa sifatida baholangan.

Xronotop asarning tasvir obyekti va subyekti sifatida muallif yaratgan adabiy olam manzarasini yaxlit idrok qilish imkoniyatini ta'minlaydi. Xronotop atamasining tarixi, uning termin sifatida qo'llanishi XX asrning 70-yillari bilan bog'liq bo'lsa-da zamon va makonning paydo bo'lishi va uni badiiy adabiyotga ko'chishi anchayin qadimiyroqdir. Biz ushbu maqolamizda "Uliss" va "Kapalaklar o'yini" romanlarida uchraydigan Yo'l xronotopini tahlilga tortishni maqsad qildik.

M.Baxtin yo'l xronotopini tasniflar ekan, uning asosan tasodifiy uchrashuvlar joyi ekanligini, hamda aynan yo'lda yagona makon zamon nuqtasida turli tuman odamlarning, barcha tabaqa, daraja, e'tiqod, millat va yosh vakllarining makon-zamon liniyalari

tutashishini yozadi. “Bunda ijtimoiy iearxiya normalari, manzil makon ko‘lamiga ko‘ra tamomila uzoq bo‘lgan kishilar ham tasodifan uchrashishi mumkin”,-deya ta’kidlaydi. [M.Baxtin “Romanda zamon va xronotop shakllari” Toshkent:Akademnashr, 2015. –241-243b].

Adabiyotshunos U. Jo‘raqulov o‘zining “Alisher Navoiy Xamsasida xronotop poetikasi” monografiyasida yo‘l xrononotopini atroflicha o‘rganib, “Xamsa” dostonlarida yo‘l xronotopi asar boshida ikki o‘zanga ajralib doston so‘ngida yana ikki o‘zanga birlashishi haqida aytib o‘tadi. Shunga ko‘ra olim Alisher Navoiy “Xamsa”sida yo‘l xronotopini ikki xil tarzda tasnif qiladi. “Birinchisi, Oshiq yo‘li, ikkinchisi esa Hukmdor yo‘lidir. Oshiq yo‘lini Farhod va Majnun, Hukmdor yo‘lini esa Bahrom va Iskandar biografiyasi boshqacha aytganda, ularning hayot yo‘liga doir to‘rt qissa tashkil etadi”,–deb yozadi. [У.Журакулов Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси (монография) Тошкент турон-иқбол нашриёти 2017.133-b]. Adabiyotshunos Temirbo‘latov yo‘l xronotopiga quyidagicha ta’rif beradi. «Yo‘l xronotopida makon va zamon uyg‘unligi mukammal tarzda aniq va yorqin ochiladi. Adabiyotda yo‘l xronotopining alohida o‘rni bor. Yo‘l motiviga doir variatsiyalarga ega bo‘lmagan asarlar kamdan-kam uchraydi. Aksincha, yo‘l xronotopi yo‘ldagi uchrashuvlar, yo‘l sarguzashtlari, asosiga qurilgan asarlar ko‘pchilikni tashkil etadi”. [**А.Б**.**Темирболат** Проблема хронотопа в современной прозе: Учебное пособие. – Алматы, 2003. –С.11]. Bahora Torayeva o‘zining “Zamonaviy romanchilikda xronotop poetikasining qiyosiy tipologik tahlili” nomli doktorlik ishida esa “…dinamik makon xronotopining asosini yo‘l xronotopi taskil etadi”, - degan xulosaga keladi. [B.Torayeva Zamonaviy romanchilikda xronotop poetikasining qiyosiy tipologik tahlili. Diss.Toshkent -2022.40-b]. Yo‘l xrotopini tashkil etuvchi asosiy vosita bu-yo‘l obrazi ekanligini yozadi. Yuqoridagi fikrlarga tayangan holda biz “Uliss” hamda “Kapalaklar o‘yini” romanlarida uchraydigan yo‘l

xronotopini quyidagicha tahlil qilishga harakat qildik. Yozuvchi Jems Joysning "Uliss" romanida Stevin Dedal hamda Leopold Blumning to'liq bir voqeani yo'lda o'tkazgan tasviri (16- voqea) yo'l xronotopiga misol bo'la oladi. Unda har ikkala obrazning yo'l bo'ylab ketayotgan chog'dagi suhbatiga urg'u beriladi. Lyapold Blum hamda Steven Dedal yo'l bo'ylab ketib borar ekan L.Blum Stevenga otalarga xos tarzda nasihat qilib borar, ba'zi do'stlarining nobakor ekanligi, ulardan yiroqroq yurmoq lozimligi haqida aytadi. Steven ham o'z navbatida bu nasihatlarni tasdiqlaydi. *"U ayniqsa Stevenning hamshisha ulfatlaridan norozi bo'lib gapirdi, bittasidan boshqa hammasi uni tashlab ketishdi, tibbiyotchi oshnolar yuzing bormi, ko'zing bormi demay sotqinlik qilishdi. – deb jon koyitardi L.Blum.*

–Anov bittasi ham sotqin Yuda edi,- dedi shu paytgacha shuncha gapga miq etmay kelayotgan Steven". [J Joys. Uliss sarguzashtlari Toshkent.O'zbekiston.2013y. 673-bet]. Bundan tashqari 5-6-voqealarda tasvirlangan dafn marosimi hamda bu marosimga kelayotgan va undan chiqib ketayotgan karetaning bosib o'tgan yoli ham yo'l xronotopi uchun eng uyg'un kompozitsiyon unsur bo'la oladi. Kareta yo'lda ketib borar ekan bir qancha muyulishlar so'kmoqlarga duch keladi. Va aynan, bu to'qnashuvlar badiiy qahramonning ruhiy olamini ochishga imkon yaratadi. "Kapalaklar o'yini" romanida trolleybusning bosib o'tgan yo'li hamda yo'lda odamlarning holatlari haqida so'z boradi. Bundan tashqari Suvon Abdolning oyga uchib ketishi hamda uning bolalari har doim o'sha yo'lda otasini kutishi, kutish paytidagi ruhiy holatlari ham aynan yo'l xronotopi orqali ochiq oydin aks ettiriladi. *".....Xolbuki ular rost yolg'onni farqlaydigan yoshga yetishgan edi. Hech bo'lmasa ularning to'ng'ichi. Ne ajabki aynan u otasining yo'liga hammadan intiqroq ko'z tikib ko'kka temulardi. .... Tirikchilik tashvishidan bo'shadi deguncha ular o'sha azaldan to'planib ko'kka tikilib odatlanishgan joylariga chopishar, kun botishiga yaqin bari shu yo'lda yig'ilar, g'uj bo'lib nuqul ko'kka*

tikilar edi".[T.Rustamov Kapalaklar o‘yini Toshkent-2000. 428-bet]. Bolalar aynan shu yo‘lga chiqib otasini qaytishini kutishadi. Uning qaytishiga ishonishadi. Romanda yo‘l xronotopi bilan bog‘liq yana bir holat Tosh to‘g‘aning bir paytlar uyiga olib kelgan mardikor yigit bilan qochib ketgan yakka-yu yolg‘iz qizini yo‘lda ko‘rib qolishidir. Hayot zarbalariga dosh berolmasdan boshi berk ko‘cha kirib qolgan qizning avtobus bekatining chirog‘ nuri ham yorita olmagan bir chekkasida qo‘lida bolasi bilan qay tarafga borishini bilamay, ilojsiz nochor vaziyati yo‘l xronotopi bilan parallel tarzda bayon etiladi. Yo‘l xronotopi bora bora uchrashuv xronotopining vujudga kelishiga zamin yaratadi.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, har bir romanda uchraydigan xronotop shakllari ma’lum vazifa bajargani kabi “Uliss” hamda “Kapalaklar o‘yini” romanlarida uchraydigan yo‘l xronotopining ham bir qancha funksiyalari mavjud. An’anaviy romanlarda yo‘l xronotopi bir manzilni boshqa manzilga tutashtirish vazifasini bajarsa, bu romanlarda esa, qahramonlar irodasini sinovchi unsur sifatida asarga kiritilganligini ko‘rishimiz mumkin. Aynan yo‘lda Steven Dedal o‘z atrofidagi barcha do‘stlari uni tashlab ketganligini his qiladi. Yaqin insoni Bak Malliganning xiyonati ham aynan yo‘lda sodir bo‘ladi. “Kapalaklar o‘yini” romanida esa Suvon abdolning bolalari yo‘lda otasini kutib osmonga qarab o‘tirar ekan, ularning yonidan o‘tayotgn har bir odam Suvon abdolning aslida no‘noq ekanligi, bir ishni eplay olmasdan faqat farzand ko‘paytirish qo‘lidan kelishi haqida gapiradi. Bu gaplar bolakaylarning irodasini sinash maqsadida muallif istagi bilan asarga kiritilgandek go‘yo. Faqat Badal Armongina Suvon abdolning ishini ma’qullaydi. Imkon bo‘lganda, hatto uning o‘zi ham osmonlarga uchib ketishni xohlaydi. Ammo, buni hech kimga ayta olmaydi. Romanlarda uchraydigan yetakchi xronotop shakllaridan biri bo‘lgan yo‘l xronotopi nafaqat, o‘z ma’nosida, balki qahramon ruhiyati, undagi o‘zgarishlar, qo‘rquv, achinish hissi bilan birga sog‘inish, o‘z otalarining qaytib kelishiga

ishonish kabi hislarni ko‘rsatish ma’nosida qo‘llangan bo‘lsa ajab emas.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Baxtin M. Romanda zamon va xronotop shakllari. T.: “Akademnashr”.2015

2. Jems Joys. Uliss sarguzashtlari roman Toshkent “O‘zbekiston” 2013 y.

3. Rustamov T. Kapalaklar o‘yini. Sharq nashriyoti. T. 2000

4. Rustamov T. Dengizni ko‘rmagan odamlar. T.: “Global books”-2020y

5. Jo‘raqulov U. Nazariy poetika masalalari. T.: G‘afur G‘ulom nomidagi NMIU, 2015.

6. Журакулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси (монография) Тошкент турон-иқбол нашриёти 2017

7. Темирболат А.Б. Проблема хронотопа в современной прозе: Учебное пособие. – Алматы, 2003. –С.11.

8. To‘rayeva B. Zamonaviy romanchilikda xronotop poetikasining qiyosiy tipologik tahlili. Diss.Toshkent -2022.40-b

9. Жураев Т. Онг окими. Модерн. - Фаргона: Фаргона, 2009.

10. Hamdamov U. Jahon adabiyoti. Modernizm va Postmodernizm.Toshkent. Akademnashr. 2020y

MASALLARDA SAYYOR SYUJETLAR

Sitora Shomurodova,
Xalqaro Nordik universiteti v.b. dotsenti,
Mohichehra Shodiyeva,
Xalqaro Nordik universiteti talabasi

Annotatsiya. *Ushbu ilmiy maqolada sayyor syujetning masallarda aks etishi haqida fikrlar bayon etilgan bo‘lib, unga tadqiqot obyekti sifatida yunon masalchisi Ezop hamda o‘zbek ma’rigfatparvar jaded adibi Abdulla Avloniyning bir mavzuda va bir syujetda yaratilgan ikki masali olingan. Shuningdek, mazkur maqolada har ikki adibning ijodiy o‘ziga xosligi hamda Sharq va G‘arb adabiyotinida mushtaraklik mavzulari haqida ham mulohazalar keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *sayyor syujet, masal, ana’anaviylik va o;ziga xoslik, ijodiy mushtaraklik.*

Bugungi shiddati tez zamonda biz – pedagoglar, zamonaviy davr yoshlarini tarbiyalashga bel bog‘lar ekanmiz,shu yurtning ravnaqi uchun hissa qo‘shadigan, adabiyotni nozik fahmlaydigan, she’riyatni sevadigan munosib farzandlarni adabiy bilimlar bilan boyitib berishimiz lozim. Buning uchun har bir pedagog o‘z kasbining ustasi bòlishi, darslikdagi badiiy asarlarning asl mohiyatini to‘la anglaganholda sinf xonasiga kirishi kerak.

Bo‘lajak boshlang‘ich ta’lim o‘qituvchilariga Sharq va G‘arb bolalar adabiyoti fanidan ma’ruzlar o‘qish, seminarlar o‘tish jarayonida qiziq bir holatga duch keldik. Gap shundaki, Sharq va G‘arb bolalar adabiyotida juda ko‘p g‘oyaviy jihatdan yaqin, mazmunan mushtarak bo‘lgan o‘xshash asarlar mavjud.

Yangi avlod darsliklarida Sharq va G‘arb bolalar adiblarining fikrlari, ichki kechinmalari bir-biriga mushtarakligini ko‘ramiz. 4-sinf O‘qish darsligida berilgan yunon masalchisi Ezopning “Tovuq va Tulki” masali va milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyotining namoyondasi, ulug‘ jaded ma’rifatparvar allomasi Abdulla Avloniy bobomizning “Xurus va bo‘ri” hikoyasidagi qarashlar go‘yo bir maqsad yo‘lida yozilgandek.Tarbiyaviy ahamiyat kasb etuvchi bu ikki hikoya bir qarashda bir mavzu yuzasidan ikki shoirning qarashlari òxshashligini isbotlaydi. Bu o‘xshahlik asosida nima yotadi? Nahotki, Abdulla Avloniy Ezop yozgan masalni aynan ko‘chirgan bo‘lsa? Yo‘q, agar shunday bo‘lganida edi, adabiyotda hech bir asar original hisoblanmas edi, chunki har qanday badiiy asar o;zidan oldin yaratilganlaridan ijodiy oziqlangan holatda paydo bo‘ladi. Busiz mumkin emas. Adabiyotda sayyor syujet masalasi bu holatni izohlashimizga yordam beradi. Sayyor syujet nazariyasi dastlab xalq og‘zaki ijodida vujudga kelgan bo‘lib, dastlab olimlar turli xalqlar folkloridagi syujet, motiv, uslub va obrazlardagi o‘xshashliklarni og‘zaki va kitobiy yo‘l bilan bir yoki bir necha manbadan tarqalgani bilan izohlab, ularni bir xalqdan ikkinchi xalqning shunchaki o‘zlashtirishi deb, bir yoklama talqin qilgan. Biroq sayyor syujetlar asosida bitilgan asarlar bir asarning ayni nusxasi emas. Ular bir mavzu, bir syujetning yangi qirralari, yangi jihatlari va yangi ma’nolarini kashf etib bergan alohida mustaqil asarlardir. Sayyor syujetlar ijodkorlar tafakkur darajasi, badiiy mahorati miqyosi, mushohada ko‘lamini ko‘rsatib beradi.[3; 90]

Bu ikki o‘xshashlikni ko‘rib chiqamiz :

Ezopning masali quyidagi tasvir bilan boshlanadi:

Baland daraxt shoxiga qo‘nib, qag‘-qag‘lab yotgan Tovuqning tovushi butun o‘rmonga taralib, ochlikdan sillasi qurigan Tulkining e’tiborini tortibdi. Tovuqning baland shoxda turganini ko‘rgan Tulki uni hiyla bilan pastga tushirib, yemoqchi bo‘libdi.

Abdulla Avloniyda ibtido quyidagicha:

Bir boʻri daraxt ustinda oʻltirgon xurusni koʻrub, tutub yemak uchun daraxt ostiga keldi. Hiyla birla bechora xurusni daraxtdan tushurmoqchi boʻlub…

Har ikki asarda ham yirtqich parrandaga hayvonlar orasidagi sulh haqida soʻzlaydi. Ezopda:

– Kechirasan, qadrdonim Tovuq, – deb gap boshlabdi u, – sen yirtqichlar bilan qushlar, umuman, oʻrmonimizdagi barcha jonzotlar oʻrtasida tuzilgan tinchlik bitimi haqida hali eshitmadingmi? Bundan keyin biz bir-birimizni ovlamaymiz, aldamaymiz va oʻgʻirlamaymiz, balki tinchlikda, hamjihatlikda yashaymiz. Pastga tush, bu haqda yaxshilab gaplashib olamiz.

Xuddi shunday daʼvat Avloniyda ham bor:

«Ey, xurus oʻrtogʻ! Man sanga bir yaxshi xabar kelturdim. Hayvonlar ila qushlar arosinda sulh boʻldi. Bir-biriga zulm qilmasga, biri ikkinchisin tutub yemasga qaror verildi. Kel birodar, pastga tush! Bir-birimizga doʻst boʻlib, birga oʻynashayluk», dedi.

Demak, Ezopda sulh haqida gaplashib olish, Abdulla Avloniy masalida oʻyin oʻynash haqida taklif berilmoqda. Keyingi tasvir har ikki asarda ham parrandaning javobi haqida.

Ezopda quyidagicha:

Tulkining mugʻombirligini yaxshi bilgan Tovuq hech narsa demay, xuddi bir narsaga tikilgandek yoʻlga qarab turaveribdi.

– Nimaga buncha tikilib qolding? – deb soʻrabdi Tulki.

– Men bir toʻda itlarni koʻrayapman, – debdi Tovuq, – adashmasam, ular biz tomonga kelishayapti, janob Tulki.

– Shunaqami, unda men ketishim kerak, – debdi Tulki.

– Iltimos, janob Tulki, ketmay turing, – debdi Tovuq, – men endi tushmoqchi boʻlib turuvdim. Keling, itlarni kutib turamiz, ular kelgandan soʻng tinchlik bitimini birga muhokama qilamiz.

Abdulla Avloniyda bu tasvir sal oʻzgacharoq:

Xurus boʻrining soʻziga aldanadurgon darajada nodon va ahmoq boʻlmadugʻindan boʻriga boqub, dediki:

– Do‘stim, so‘zing rostdur, to‘g‘ridur. Lekin bir oz sabr qil, sandan boshqa ikki it ham sulh xabarin keltururlar. Alar ham kelsunlar. Hammamiz birga o‘ynashurmiz, – dedi.

Ezop bilan Avloniyning yuqoridagi tasvirida mohiyatan emas, balki tasviriy jihatdan ozgina farqni ko‘rish mumkin. Ezopda tovuq tikilib qolib itlar kelayotganini aytsa, Avloniyda xo‘roz birdan bergan javobidayoq itlar halizamon kelib qolishi haqida yozadi.

Yirtqichlarning javobi har ikki masalda ham bir xil:

Ezopda:

– Yo‘q, yo‘q, – debdi Tulki, – men ketishim kerak, itlar hali tinchlik bitimi haqida eshitmagan bo‘lishlari mumkin.

Avloniyda:

Bo‘ri xurusdan bu so‘zni eshitgan zamon dumini orqasig‘a qo‘yub qocha boshladi.

Xurus: «Ho, birodar, nima uchun qochursan, orada sulh borku?» – desa, bo‘ri:

– Oh do‘stim! Bu zolim itlar sulhni buzgong‘a o‘xshaydur, – deb qochub ketdi. Xurus orqasindan «quq... ququ...» deb qichqirub qoldi.

Ezopda qissadan hissa:

Tovuq va tulki masalida qissadan hissa: Tòsatdan taklif qilingan dòstlikdan ehtiyot bòling!!!

Avloniyda xulosa:

Do‘st ila dushman so‘zining farqi bor,

Fahm etar har kimki, o‘lsa hushyor.

Demak,har kimni ham sinamasdan,aslini bilmasdan dòst deb òylash,unga ishonish aqldan emas.Hushyorlik,ogohlik hech qachon odamga ziyon keltirmaydi. Ikki hikoyaning asl mohiyatini har qanday inson bilan dòst bòlishdan saqlanish kerakligi haqida sòz boradi.

Sharq va G‘arb bolalar adabiyotidagi bunday mushtaraklik har ikki hudud adabiyotida ham umuminsoniy mavzular qalam-

ga olingani, soxta do‘st, chin do‘st masalalari har qanday davrda ham dolzarb mavzulardan bo‘lib qolishi haqidagi fikrlarimizni mustahkamlaydi.

Bundan tashqari badiiy adabiyotda sayyor syujet degan atama bor. Bu muayyan voqea-hodisa fabulalarining asardan asarga ko‘chib yurishini ifodalaydigan atama bo‘lib, bunday sayyor syujetlarni ko‘p uchratamiz. Masalan, xalq ertaklarida, albatta, bosh qahramonning yirtqich maxluq bilan kurashib yengishi, sehr-joduni esa mehr-muhabbat bilan bartaraf qilish kabi sayyor, ya’ni ko‘chib yuruvchi syujetlar mavjud. Yolg‘on do‘st yoki soxta do‘st voqeasi ham bir qancha xalqlarda mavjud mavzulardan bo‘lgani bois ham, miloddan avvalgi VI asrda yashagan Ezop hamda jadid bobomiz Abdulla Avloniyning ijodlarida bunday sayyor syujet hodisasi ro‘y bergan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Avloniy A. Birinchi muallim.
2. Ezop. Masallar.
3. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent: 2016. B. 228.

4-SHO‘BA.
ZAMONAVIY ADABIY JARAYON VA ADABIYOT-SHUNOSLIK MASALALARI

ИСАЖОН СУЛТОННИНГ “АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ” РОМАНИНИ БИОГРАФИК МЕТОД АСОСИДА ЎРГАНИШ ЗАРУРАТИ

Р.Э.Норбеков,
ДПУ таянч докторанти

Аннотация. *Мақолада биографик методнинг назарий асосларига таяниб Исажон Султоннинг “Абу Райхон Беруний” асари таҳлил қилинади. Ёзувчининг бадиий маҳорати, ижодий имкониятлари юзасидан асар контексти доирасида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *биографик метод, тарихий роман, илмий муҳит, тарихий вазият.*

Аннотация. *В статье анализируется произведение Исаджона Султана «Абу Райхан Беруни» на основе теоретических основ биографического метода. В контексте произведения обсуждаются художественные способности и творческие возможности писателя.*

Ключевые слова: биографический метод, исторический роман, научная среда, историческая ситуация.

Abstract. *The article analyzes the work of Isajon Sultan “Abu Rayhan Beruni” on the basis of the theoretical foundations of the biographical method. In the context of the work, the artistic abilities and creative capabilities of the writer are discussed.*

Keywords: biographical method, historical novel, scientific environment, historical situation.

Адабиётшуносликда биографик метод назарий масала сифатида кенг ўрганилмоқда. Бу бир томонда муайян бир ижодкор ёки асарни таржимаи ҳол билан боғлиқ равишда

тадқиқ этишни тақазо қилади. Биографик метод моҳиятида инсон шахсияти туради. Айни жиҳати билан мазкур метод универсал характер касб этади. Яъни ижодкор ва ижод маҳсулини синтезда ўрганиш йўлидаги ҳаракат, энг аввало, барча фанлар, фалсафалар, тадқиқ методларини истифода этишни тақазо қилади. Қолаверса, бугунгача мавжуд ҳар қандай тафаккур шаклларининг инсон феномени доирасида марказлашуви ушбу методнинг универсаллик даражасини оширади. Биографик метод объект танланмайди. Уни ижоднинг ҳар қандай тури (амалий, назарий) ва ҳар қандай шакли (фан-техника, санъат, сиёсат, маданият)га нисбатан қўллаш мумкин. [Каримов Б., 2005; 76]

Исажон Султон “Абу Райҳон Беруний” романини эълон қилиши билан илмий-адабий жамоатчилик катта қизиқиш билан кутиб олди. Ижодкор руҳиятига, бадиий-эстетик тафаккурига жиддий таъсир қилган воқеа-ҳодиса, шахсият, албатта, унинг қаламига ҳам таъсир қилади. Яъни айни инсон ёйинки воқеликка муносабат ўлароқ муайян бадиий асар майдонга келади. Муаллиф мазкур асар муносабати билан ўз фикрини билдирганда, Беруний тимсолида бир инсоннинг умри давомида қандай ишлар қила олишга қодирлигини кўрсатиш мақсади бўлганини таъкидлайди. “Адабиётшунослик илмида биографик, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, тарихий-маданий, социологик, структурал-анализ, семиотик, лингвистик, психологик, психоаналитик, формал, герменевтик каби ва бошқа бир қатор методлар воситасида тадқиқот объекти ва предметига ёндашилади. Шу тадқиқ усуллари орасида биографик методнинг ўз ўрни бор бўлиб, адабиётшунослар томонидан бирмунча кўпроқ қўлланиши жиҳатидан алоҳида эътиборни тортади”. [Адизова О., 2019; 86] Демак, мутафаккир даҳонинг серқирра ижоди, дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси адибни илҳомлантирган, ўзига мафтун этган.

Қолаверса, миллатимиз бошидан ўтган талотўплар, асл даҳолар, уларнинг бемисл кашифиётлари ҳақидаги ҳаққоний қарашлар, бир сўз билан атйганда тарихимизнинг бузиб кўрсатилиши, сохталаштирилиши муаллифни тарихий ҳақиқатни ёритишга ундаги табиий ҳолдир. Учинчидан эса, бугунги оммавий маданиятга урфга чиқаётган, ёшлар китобдан кўра, ижтимоий тармоқларнинг мафтурига айланиб қолаётган бир вақтда ёшлар "мен"ини ўстирадиган, адабий-ахлоқий эталон бўлиб хизмат қиладиган даҳоларнинг бадиий образини яратиш ҳозирги адабий жараённинг ҳам ҳаётнинг ҳам муҳим вазифаси десак, янглишмаймиз.

Бу асар нафақат муайян шахс, балки олис тарих саҳросидаги қум зарралари остида қолиб кетган қабила ва ҳукмдорлар силсиласига доир маълумотлар нуқтаи назаридан ҳам қимматлидир. Султон Маҳмуд Ғазнавий тўғрисида турли баҳс-мунозарали қарашлар мавжуд. Ёзувчи тарихий материалларни синчиклаб ўрганади, уларни қиёсий таҳлил қилади ва энг асосийси, холисона ўз баҳосини, муносабатини бидиради. Масалан, романда қуйидагича парча мавжуд бўлиб, олим ва шоҳ ўртасидаги диалог орқали образлар характерини очишга ҳаракат қилади:

"Бир куни Меҳржон байрами пайти, кечқурун, Хоразмдан қайтиб келгандан сўнг, мунажжимларнинг айтган гаплари тўғрисида сўз кетди. Улар деган эмишларки, султоннинг ўн йилдан ортиқроқ умри қолган. У шу гапдан сўнг деди: "Менинг қўрғонларим бойликлар билан шунчалар тўлиб-тошганки, агар уларни кунма-кун тақсимлаб чиқиб, тўла сарф этмоққа эҳтиётли киши ҳам, исрофгар ҳам эришмоқдан ожиздир". ...Бир сафар, унга журъат қилиб, бу сўзларни дедим: "Худога шукрлар қилгин ва ундан тилагинки, у бойликларингнинг манбаини, бахтли тақдир ва ютуқларингни асрасин. Сен фақат унинг марҳамати билан ўз хазиналарингни топгансан. Агар омад кетиб, бу тақдир ўчгудек бўлса,

бойликлар бетартиб сарф бўлиб, бир кунга ҳам етмайди. Мақтанчоқликдан тортингин". [Султон И., 2023; 210]

Мазкур роман бир қарашда ёзувчининг бундан олдинги асарларига мутлақо ўхшамайди. Лекин асарни синчиклаб ўрганганимизда Исажон Султонга хос бўлган тарихга ёндашув концепцияси, тарихий факт ва маълумотларни моҳирона бадиий матн мазмунига сингдира олиш маҳоратини кузатамиз. Тўғри, ёзувчи бир асардан иккинчисига ўтар экан, ўз услубини такрорламаслиги керак. Яъни роман табиати муаллифнинг ўзи белгиланидек, тарихий-биографик роман. Демак, ёзувчи ҳозирги ўзбек насрида янгича йўналишга қўл урган. Роман одатий табиат тасвири, қаҳрамонлар портрети, замон манзарасини тасаввур қилишга кўмаклашувчи атрибутлар эмас, балки воқеалар ривожи Абу Файз лақабли Абдуллоҳ Райёний тилидан баён этилади. Биз Абу Райҳон Берунийнинг олимлик қиёфасини, шахсий фазилатларини, ижтимоий-сиёсий қарашларини, илмий тадқиқот методологиясини Абу Файз муносабатлари, ҳикоялари орқали билиб оламиз.

Адиб услубининг ўзига хослиги шундаки, у тарихий-биографик романда бошқа қаҳрамонлар тилидан воқеликка ва Абу Райҳон Берунийга таъриф берар экан, ўта қуюқ тасвирий воситаларга берилмайди. "Шунисиҳам борки, бадиий асарларда ижодкор шахсияти баъзан ёрқин, баъзан эса яширин акс этган бўлади. Буни фақат асар контекстидан билиб олиш мумкин. Шу жиҳатига кўра, яратилган асарларни икки хил:

а) муаллиф биографияси контекстида ёрқин акс этган асарлар;

б)муаллиф биографияси контекстида ёрқин акс этмаган асарлар тарзида фарқлаш мумкин. Ёзувчи биографияси контекстида ёрқин акс этмаганасарларга кўпинча тарихий мавзуда яратилган айрим асарлар мисол бўла олади. Бундай

асарларда гарчи муаллиф ўз биографиясини ёрқин баён этмаса-да, унинг мазмунидан ўша ижодкорнинг ўтмиш давр воқеликларига ижтимоий-руҳий муносабати, шахсий қарашлари англашилиб турадики, натижада, унда биографик аломатлар пайдо бўлади." [Адизова О., 2019; 4] Адибнинг портрет яратиш маҳорати ҳам ўзига хос бўлиб, бош қаҳрамонни қўл етмас илоҳий даҳо сифатида ҳам, оддий одам сифатида тасвирламайди. У мутафаккирни баланд бўйли, катта жуссали, қошлари қоп-қора ва қуюқ, кўзлари маъноли, лекин ёш йигитларга хос софлик тарк этмаган, хушмуомала ва хуштавозе инсон ўлароқ бизга таништиради. Унинг ёшлик йилларидан илмга рағбат берганлиги, кўп тилларни ўрганишга бўлган қизиқиши борасида ҳам қимматли маълумот берар экан, араб, турк, юнон ва сурёний тилларини мукаммал билишини ўқувчига ибрат ўлароқ тақдим этади. Шунингдек, Исажон Султон мазкур романида даҳо олим ҳаёти билан боғлиқ ривоятлардан ҳам усталик билан фойдаланганини кўришимиз мумкин. Яъни ўз даври салотинлари томонидан ҳадя этилган қимматли совға-саломларни давлат хазинасига қайтаришни лозим топгани ҳақида билиб оламиз. Бу эса олимнинг дунё сарватига, мол-мулкка умуман меҳр қўймагани, аксинча, ҳаётий аъмоли фақатгина илм олиш ва уни бошқаларга улашиш бўлганини асар мазмунига маҳорат билан сингдиради. Мазкур роман тарихий солнома сифатида ҳам ўқувчиларнинг илмий-интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади. Яъни тарихий-биографик романда миллий давлатчилигимиз тарихи, шунингдек, қатор қадимда яшаб ўтган собийлар, ҳарронийлар, зардуштийлар, монийлар, маздакийлар, қарматийлар ҳақида кўпчиликка номаълум ахборотларни ҳам тақдим этади. Исажон Султон нафақат моҳир ёзувчи, балки билимдон муаррих, балки географ олим сифатида гавдаланади. Масалан, Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарларини таъриф этар экан, худди

“Бобурнома”даги каби кенг қамровли маълумотларга дуч келамиз. Бу орқали ёзувчининг Абу Райҳон Беруний қаламига мансуб, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарини ҳам қайта-қайта ўқиб-ўрганганига ишонч ҳосил қиламиз. Мазкур роман Рай шаҳрининг бетакрор наботот ва ҳайвонот олами, Дамашқ ва Журжоннинг табиий бойликлари, тилла-га бой тоғлари ҳақидаги ҳикоялардан унумли фойдаланган. Қолаверса, ихтиролари, моддаларнинг кимёвий хоссалари, бир шаклдан иккинчи ҳолатга дўниши борасидаги фикр-лари унинг замондошларидан анча илгарилаб кетганини кўрсатади. Бурж, тақвимларнинг илмий ишлаб чиқилиши кабиларга тўхталиб ўтади. Олим ўз асарини тугаллаш ара-фасида қуйидаги фикрларни айтган экан: “Мен ҳатто бир неча ойлик озуқамни ғамлаб, ҳужрамга кириб, то озуқам ту-гамагунча бировнинг кирмаслигини орзу қиламан. Тез ора-да сенинг олдингга “Осорул-боқия” деган дастурхон ёзаман, унинг неъматларини эса бирон та зодагон ёки давлатманд киши ҳузуридан тополмайсан, деган фикрларини ўқиймиз. Бу эса Беруний шахсиятининг нақадар илмий салоҳиятини, асари учун ҳузур-ҳаловатидан ҳам кечишга тайёр фидойи шахслигини кашф этамиз.

Олимнинг ёзувчи томонидан келтирилган нутқидаги айрим сўзлар афоризм даражасига кўтарилган. Масалан, “олимларнинг шоҳларга ҳожати йўқ, аксинча, шоҳларнинг олимларга эҳтиёжи бор” ёки “...Сен унинг олдига тафаккур дастурхонини ёз, муаммо ва ечим ноз-неъматларини қўй. Ана шу олимнинг зиёфати бўлади” , “Билим худди иймон ка-бидир”– кабилар шулар жумласидандир.

Абу Райҳон Хоразм боғлари, далалари ва экинзорлари-ни белгилаб, қаричма-қарич ҳисоблаб чиқади. Бу даврда у ниҳоятда озиб-тўзиб кетадики, у бутун хаёли илмда, олдига қўйилган мақсад ечимида бўлганидан далолат беради.

“Бир куни бизлар ўз боғимизда бўлиб, Абу Райҳон эса ҳужрасида, ҳисоблари билан машғул эди. Бир қанча сарой кишилари от чоптириб келишди-да, Хоразмшоҳ шаҳарни айланиш учун саройдан чиққанини ва биз томонга келаётганини айтишди. Мен бу ҳақда Абу Райҳонга хабар бердим. У дарвоза олдига чиққанида Хоразмшоҳ етиб келиб, отдан тушаётган эди. Абу Райҳон чиқиб келиб, зинҳор тушмаслигини илтимос қилди. Шунда Хоразмшоҳ:

- Билим барча мулкларнинг энг аълосидир. Барча унга интилади, унинг ўзи келмайди, - деди. – Сен туфайли мамлакат фаровон бўлди. Азбаройи худо, биргина киши шунча ишлар қила олиши, дарҳақиқат, ибратлидир. Мен сенга миннатдорлик билдиргани келдим”. [Султон Исажон., 2023; 143]

Исажон Султоннинг яна бир ижодий тажрибаси ўлароқ майдонга келган мазкур романни биографик метод воситасида таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ёзувчи бу йўналиш орқали нафақат Беруний ва у яшаган давр, илмий муҳит, тарихий вазиятгина эмас, балки ижоднинг ҳар қандай турида, хоҳ у бадиий, хоҳ у илмий-назарий ёки амалий бўлсин, шахс дунёқараши билан боғлиқ равишда бу методга мурожаат қилиш мумкинлигини намоён этди. Исажон Султоннинг бир нечта асарларини биографик метод асосида ўрганиш янгидан янги тадқиқотларга асос бўла олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адизова О. Ижодкорлар асарларини биографик метод асосида таҳлил қилишга ўргатиш усуллари // Педагогик маҳорат. Илмий-назарий методик журнал. №4. Бухоро, 2019
2. Каримов Б. Руҳият алифбоси. –Т.: 2005.
3. Султон И. Абу Райҳон Беруний. –Т.: 2023

ZAMONAVIY O‘ZBEK ADABIYOTSHUNOSLIGIDA ROMAN POETIKASI MUAMMOLARI TALQINI

Ubaydullayeva Rayxon Abdujalil qizi,
Guliston davlat pedagogika instituti
O‘zbek tili va tillarni o‘qitish kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada jahon va o‘zbek adabiyotida roman janrining ahamiyati, zamonaviy o‘zbek romanchiligi va undagi muammolar, romanlarning zamon va makon bilan bog‘liqligi, roman poetikasi muammolari, o‘zbek romanchiligi paydo bo‘lishi va rivojida jadid ijodkorlarining xizmati, romanchilikdagi yangi zamonaviy tendensiyalar va mumtoz klassik adabiyotimizdagi nodir namunalarning o‘zbek romanchiligiga ta’siri, adabiyotning rivojida Sharq va G‘arb allomalarining o‘rni, elita va ommaviy adabiyot o‘rtasidagi chegaralar haqida nazariy ma’lumotlar keltirilgan. Shu bilan birga, milliy adabiyotimiz xazinasida kommunistik mafkuradan xoli, umuminsoniy adabiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlarning mustahkamlanishiga xizmat qiluvchi asarlar tahlilga tortilgan.*

Kalit so‘zlar: *adabiyot, roman janri, roman poetikasi, postmodernizm, tendensiyalar, an’anaviy va noan’anaviy roman, o‘zbek romannavislik maktabi.*

Annotation: *This article presents theoretical information about the importance of the novel genre in world and Uzbek literature, modern Uzbek romanticism and problems in it, the connection of novels with time and space, problems of roman poetics, the service of jadid creators in the emergence and development of Uzbek romanticism, new modern trends in romance and the influence of rare examples in our classical At the same time, works in the treasury of our national literature, free from communist ide-*

ology, serving the strengthening of universal literary, cultural and spiritual values, were subjected to analysis.

Keywords: *literature, novel genre, novel poetics, postmodernism, trends, traditional and unconventional novel, Uzbek School of romanticism*

Kirish. Zamonaviy adabiyotda asar yozilish uslublari va mualliflik janrlarining xilma-xilligi uning rivojlanish erkinligi hamda mavjud istiqbollaridan dalolat beradi.

Har bir milliy adabiyot qaysi tilda va qaysi jug‘rofiy mintaqada yaratilgan bo‘lmasin, jahon adabiyotining tarkibiy qismi hisoblanadi. Faqat bunday sharafga erishish uchun bu adabiyot shakllanish va rivojlanish yo‘lini bosib o‘tgan, boshqa milliy adabiyotlar bilan ijodiy aloqada harakat etayotgan bo‘lishi lozim.

Mumtoz o‘zbek adabiyoti uzoq asrlardan beri Sharq adabiyotining tarkibiy qismi bo‘lib kelgan. Jahon adabiyotini Sharq adabiyotisiz – buyuk fors shoirlari Abulqosim Firdavsiy, Muslihiddin Sa’diy, Hofiz Sheroziy, Umar Hayyom va buyuk o‘zbek shoirlari Alisher Navoiy, Lutfiy, Bobur, Mashrablarsiz tasavvur etish mumkin bo‘lmaganidek, shu adabiyot bag‘rida tug‘ilib ulg‘aygan yangi o‘zbek adabiyotisiz ham tasavvur etish qiyin.

XX asr boshlarida jadid adabiyoti sifatida maydonga kelgan yangi o‘zbek adabiyoti yuz yildan ziyodroq tarixi mobaynida shunday ulug‘ shoir va yozuvchilarni yetishtirib berdiki, ularning asarlari va erishgan ijodiy yutuqlari nafaqat yangi o‘zbek adabiyoti, balki jahon adabiyoti taraqqiyotiga ham hissa bo‘lib qo‘shilgan, desak mubolag‘a qilmagan bo‘lamiz. Lekin biz “jahon adabiyoti” deganimizda, asosan Yevropa va Amerika xalqlari adabiyotini nazarda tutib kelamiz. Holbuki, “jahon adabiyoti” [Sodiqov.S., 2005; 320] tushunchasi, bu adabiyotlardan tashqari, Osiyo, Afrika va sobiq SSSR xalqlari adabiyotlarini ham o‘z qamroviga oladi.

Yangi o‘zbek adabiyoti tarixi: jadid adabiyoti (1900–1919), proletar adabiyoti (1919–1933), sotsialistik realizm adabiyoti (1934–1960), mustaqillik arafasi adabiyoti (1961–1990) va mustaqillik adabiyoti (1991- yildan hozirgacha) davrlaridan tashkil topgan. Yangi o‘zbek adabiyoti tarixining proletar va sotsialistik realizm adabiyotlari davrini inobatga olmaganda, o‘zbek adabiyoti o‘z tarixining boshqa barcha davrlarida jahon adabiyoti bilan uzviy aloqada va shu adabiyotning magistral taraqqiyot yo‘lidan bordi. Hatto sotsialistik realizm metodi hukmronlik qilgan yillarda ham Oybek, G‘afur G‘ulom, Hamid Olimjon, Shayxzoda, Mirtemir, Asqad Muxtor singari iste’dodli o‘zbek yozuvchilari shu metodning ta’sir doirasidan batamom chiqib keta olmagan bo‘lsalar-da, badiiy yuksak asarlarni yaratdilar. Yangi milliy adabiyotimiz xazinasida kommunistik mafkuradan xoli, umuminsoniy adabiy, madaniy va ma’naviy qadriyatlarning mustahkamlanishiga xizmat qiluvchi asarlar oz emas.

Shu narsa ajoyibki, yangi o‘zbek adabiyotining asoschilaridan biri Abdulla Qodiriy ilk o‘zbek romanini yaratish uchun Sharq nosirlarining adabiy-badiiy an’analarini o‘rganish bilan birga, Jurji Zaydon orqali G‘arb romannavislik maktabi vakili Valter Skottning ijodiy tajribasidan ham samarali foydalandi. Cho‘lpon “O‘tkan kunlar” bilan tug‘ilgan o‘zbek romannavislik maktabiga jahon romannavisligining eng yaxshi an’analarini dadil olib kirdi. Behbudiy, Fitrat va Hamza esa o‘zbek folklori ta’sirida tug‘ilgan xalq teatri zaminida Yevropa teatri va dramaturgiyasi tamoyillari ustuvorlik qilgan professional o‘zbek teatri va dramaturgiyasiga poydevor qo‘ydilar.

Yangi o‘zbek adabiyotining vujudga kelishida jahon adabiyoti va shu adabiyotning bir qismi – rus adabiyotining ta’siri katta bo‘lgani hech kimga sir emas. Agar jadid ma’rifatparvarlik adabiyotining maydonga kelishida fransuz ma’rifatparvarlik harakati va adabiyoti bilvosita ta’sir ko‘rsatgan bo‘lsa, 1917-

yildagi inqilobiy o‘zgarishlardan so‘ng yangi o‘zbek adabiyoti 50 – 60-yillarga qadar rus adabiyotida ishlab chiqilgan modellar asosida shakllandi va rivojlanib bordi.

O‘tgan asrning 50-yillarida zulm va yovuzlik dahosi Stalinning o‘limi, shaxsga sig‘inish davri fojiali oqibatlarining oshkor bo‘lishi, sovet mamlakatiga yangi hayot shabadalarining kirib kela boshlashi bilan yozuvchilarimizda muayyan darajada erkin nafas olish va ijod qilish imkoniyati tug‘ildi. Adabiyotimizga 50-yillarda Odil Yoqubov va Pirimqul Qodirov avlodi, 60-yillarda esa Erkin Vohidov va Abdulla Oripov avlodi chaqmoqdek chaqnab kirib keldi. Shu davrdan boshlab o‘zbek adabiyoti bilan jahon adabiyoti o‘rtasidagi masofa yil sayin qisqara boshladi.

Hind xalqining dohiylaridan biri Javoharla’l Neru: “Men o‘z mamlakatim darvozasini boshqa barcha madaniyatlarga ochib qo‘ygan edim, endi barcha mamlakatlarning darvozalari mening mamlakatim madaniyati uchun ochilib turishini istayman”, – degan edi. [Hamdamov U., 2002; 200]. Yozuvchilarimiz o‘sha davrda bizning mamlakatimiz darvozasi boshqa madaniyatlar uchun ochila boshlaganidan sarxush bo‘lgan, lekin shu darvozalar bizning adabiyotimiz uchun ham ochiq bo‘lishi mumkinligini xayollariga ham keltira olmagan edilar.

To‘g‘ri, Ikkinchi jahon urushidan keyin Sadriddin Ayniy va Oybekning, keyinchalik esa Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor, Odil Yoqubov, Pirimqul Qodirov va boshqa yozuvchilarning asarlari ham Yevropa va Osiyo xalqlari tillariga tarjima qilinib, shu xalqlarning ham madaniy mulkiga aylana boshladi. Demak, bu yozuvchilarning asarlari jahon adabiyoti andozalariga muvofiq keladigan asarlar, ularning o‘zlari ham hozirgi jahon adabiyoti namoyandalari bilan tenglasha oladigan ijodkorlar deb topildi.

O‘zbek adabiyoti yaqin-yaqingacha “sovet adabiyoti” degan ko‘p millatli adabiyotning bir qismi sifatida yashab kelgan bo‘lsa, hozir jahon adabiyotining tom ma’noda tarkibiy qismidir. “Jahon adabiyoti”ning “sovet adabiyoti”dan farqi, avvalo, shundaki,

“sovet adabiyoti”dan farqli o‘laroq, “jahon adabiyoti” oilasiga mansub adabiyotlar tasvir obyekti, qahramonlari, tili va uslubining milliy o‘ziga xosligini to‘la saqlab qolganligi hamda “g‘oyaviylik, partiyaviylik va zamonaviylik” [Hamdamov U., 2017; 196] kishanlaridan xalos bo‘lganligi bilan ajraladi va qadrlanadi.

Sir emas, adabiyot va madaniyat olamida paydo bo‘layotgan yangiliklar dastavval she’riyatning chinni kosasida akssado beradi. Suronli, inqilobsevar XX asr nafaqat boshqa ayrim milliy she’riyatlar, balki o‘zbek she’riyatiga ham yangi poetik g‘oyalar va shakllarni olib kirdi. Yangi asr boshlarida klassik aruz vaznining o‘z mavqeyini barmoq, hatto sochma vaznlariga bera boshlagani nafaqat yangi tarixiy davr talabi, balki boshqa milliy adabiyotlar ta’sirining ham natijasidir. Ana shu “tarixiy davr talabi” va “boshqa milliy adabiyotlar ta’siri” [Xudoyberdiev E., 2008; 268] yillar va davrlar o‘tgani sayin yanada kuchaydi. Nihoyat, XX asrning ikkinchi yarmida Yevropa adabiyotlarida avj olgan modernizm ko‘rinishlari dastlab o‘zbek she’riyatiga, keyin nasriga ham shiddat bilan kirib keldi. Binobarin, biz XX asr o‘zbek she’riyati to‘g‘risida bahs yuritganimizda, o‘zbek modern she’riyatining ham mavjudligini unutmasligimiz kerak. O‘zbek modern she’riyati Yevropa xalqlarining modern she’riyatidan quyidagi xususiyatlari bilan farqlanadi: Agar Yevropa xalqlari she’riyatidagi modernizm o‘qtin-o‘qtin absurd adabiyot unsurlari bilan uyg‘unlashib tursa, o‘zbek modern she’riyati, birinchidan, xalq hayotidan bu qadar olislashishni o‘ziga ep ko‘rmaydi. Ikkinchidan, o‘zbek modern she’riyati zamirida muayyan kayfiyatni, ma’noni, poetik maqsadni ifodalash istagi yotadi. Uchinchidan, ayrim modern shoirlar hatto o‘z she’rlarida realistik adabiyot unsurlaridan ham ma’lum darajada foydalanmoqdalar. Faxriyor, Tursun Ali, Farida Afro‘z, Xosiyat Rustamovaning shu yo‘nalishdagi she’rlari o‘zbek modern she’riyatining eng yaxshi namunalari hisoblanadi.

XX asr o‘zbek adabiyotining katta yutuqlaridan biri shuki, shu davrda badiiy nasr milliy adabiyotimizning muhim qismi sifatida shakllandi va katta taraqqiyot yo‘lini bosib o‘tdi. A.Qodiriy 20-yillarning o‘rtalarida ikki yirik asari bilan o‘zbek adabiyotida roman janriga asos soldi va o‘zbek romanchilik maktabining asosiy tamoyillarini belgilab berdi. Cho‘lpon yangi tarixiy-adabiy davrda rus va jahon romanchilik maktabining eng yaxshi tajribalarini o‘rganmay va ulardan samarali foydalanmay turib, o‘zbek romannavislik maktabini rivojlantirish mumkin emasligini birinchi bo‘lib sezdi. Cho‘lpon tugallanmay qolgan “Kecha va kunduz” romanining birinchi kitobi bilan o‘zbek romanchilik maktabini ingliz, fransuz, rus romanchilik maktablari egallagan dovonga olib chiqdi.

1937- yilning dahshatli kunlarida bu ikki adibning “xalq dushmani” sifatida ayblanib otib tashlanishi, asarlarining esa taqiqlanishi bilan o‘zbek romanchilik maktabiga nuqta qo‘yilishi mumkin edi. Lekin shoir Oybek hayotining shu qaltis yillarida o‘zbek adabiyoti oldidagi, ustozlarining yorqin xotirasi oldidagi mas’uliyatini chuqur his qilib, roman janriga qo‘l urdi. U ilk nasriy asari – “Qutlug‘ qon” romanida mustamlakachilik sharoitida yashagan o‘zbek jamiyatining ichak-chavoqlarini ochib tashladi, moddiy qadriyatlar fetishlashgan bir zamonda odamiylik, mehr va muhabbat, qarindosh-urug‘chilik singari ma’naviy qadriyatlarning xor bo‘lishi muqarrarligini yorqin obrazlar yordamida ko‘rsatib berdi.

Shu davrda ayrim o‘zbek yozuvchilari N.V.Gogol, A.P.Chexov, A.M.Gorkiy singari rus yozuvchilari an’analarini davom ettirib, o‘zbek xalqi o‘tmishining “kirli tomonlari”ni yoritishga g‘ayrat bilan kirishgan bo‘lsalar, Oybek o‘tmishda yashagan munavvar siymolar hayotini o‘rganishga ahd qilib, “Navoiy” romanini yaratdi. Yanglishmasak, shu davrgacha rus va jahon adabiyotida Yu.Tinyanovning Pushkin haqidagi romanidan boshqa ulug‘ shoirlar hayotiga bag‘ishlangan o‘zga asar yaratilmagan edi.

Oybek “katta nasr”da ilk bor Navoiy siymosini gavdalantiribgina qolmay, o‘zbek jamiyatining XV asrdagi, Husayn Boyqaro davridagi hayotini butun murakkabliklari va ziddiyatlari bilan haqqoniy yoritib berdi.

Hozirgi o‘zbek nasrining roman va qissa janrlari to‘g‘risida bahs borar ekan, Abdulla Qodiriy va Cho‘lpon boshlab bergan realistik hikoya janrida erishilgan yutuqlarni ham chetlab o‘tish insofdan emas. Asqad Muxtor, Shukur Xolmirzayev, Ahmad A’zam, Xurshid Do‘stmuhammad, Olim Otaxon, Ulug‘bek Hamdam, Isajon Sulton singari yozuvchilar o‘zbek milliy hikoyasini shu darajada yuksakka ko‘tardilar va ko‘tarmoqdalarki, ularning sara asarlarini J.London, O‘Genri, A.Chexov ijodi muxlislari hukmiga bemalol tavsiya qilishimiz mumkin.

O‘zbekistonda “Jahon adabiyoti” jurnalining tashkil etilganiga 20 yildan oshdi. Jurnal shu davr mobaynida Yevropa va Osiyo, Amerika va Avstraliyadagi milliy adabiyotlarning eng yaxshi asarlarini o‘zbek tiliga tarjima qilish bilan birga hozirgi o‘zbek adabiyotining eng salmoqli, boshqa tillarga tarjima qilinishi mumkin bo‘lgan namunalarini ham e’lon qilib bormoqda. Umid qilamizki, bu ikki tomonlama jarayon o‘zbek adabiyotining yangi adabiy maktablar va yangi yozuvchilarning ijodiy tajribalar bilan yanada boyishi, rivojlanishi va integratsiya jarayoniga qo‘shilishida muhim rol o‘ynaydi. Bu jarayonga tortilgan har bir adabiyot unga o‘zining milliy o‘ziga xosligi bilan kirib kelishi va shunday asarlari bilangina jahon adabiyoti bag‘ridan o‘rin olishi mumkin.

Mustaqillik davri o‘zbek romanchiligi tadrijini badiiy va ilmiy tafakkur masalalariga ko‘ra talqin va tahlil qilishda qiyosiy-tarixiy, qiyosiy-tipologik va struktural-semantik tadqiq usullari qo‘llanildi. Mustaqillik davri uch o‘n yillik o‘zbek romanchiligi tom manoda poetik yangilanish jarayonida yuksalmoqda, desak adashmaymiz. Biz ushbu davr romanchiligini ikki bosqichda o‘rganishni taklif qilamiz. Birinchi bosqich – 1990-2000-yillar,

ikkinchi bosqich – 2000-yillardan hozirgi davrgacha. Birinchi bosqichda yaratilgan Omon Muxtorning hajman mo‘jaz romanlari, Tog‘ay Murodning “Otamdan qolgan dalalar”, Murod Muhammad Do‘stning “Lolazor”, Xurshid Do‘stmuhammadning “Bozor”, Nazar Eshonqulning “Go‘ro‘g‘li”, Ulug‘bek Xamdamning “Muvozanat” kabi romanlarni yangilanish davrining badiiy baquvvat romanlari desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Ikkinchi bosqichda yaratilgan Naim Karimovning «Cho‘lpon», Xurshid Do‘stmuhammadning “Donishmand Sizif”, Asad Dilmurodning «Fano dashtidagi qush», Salomat Vafoning «Tilsim saltanati», «Ovoraning ko‘rgan kechirganlari», Isajon Sultonning «Ozod», Erkin Samandarning «Tangri qudug‘i» romanlari poetikasi jahonga yuzlashgan o‘zbek romanchiligining yutug‘i sifatida turli janr va uslublarda mozaika singari turfa xil rang-barang shakllarni tuhfa etdi. E’tiborga molik jihati, bu romanlar chop etilishi bilan o‘z kitobxonini ham, o‘z munaqqidini ham, o‘z tadqiqotchisini ham topdi. Mustaqillik davri romanchiligimizda ravnaq topayotgan ananaviy romanlar qatorida, noananaviy romanlar ham taraqqiyot sari yuzlangan ekan, yozuvchilarimiz yillar davomida tazyiq ostida yashagan ong ozod bo‘lishi, o‘z individual uslublariga ega bo‘lish bilan birga, har bir roman ham individual bo‘lishini anglab yetdilar. [Bo‘ronova J., 2022; 121].

Roman hech bir qolipga, andozaga tushmasligi noananaviy romanlar misolida ham ochib berilar ekan, tub islohotlar tasirida yangilanayotgan zamonda yangicha ruh, yangicha tafakkur hosilasi o‘laroq, yangi-yangi romanlar yaratilishi tabiiydir. Negaki, har bir davr o‘z talab va ehtiyojiga ko‘ra jamiyatda badiiy-estetik tafakkurni shakllantiradi. Xuddi shu o‘rinda X.Do‘stmuhammadning “Bozor” romani yangi shakllanib kelayotgan roman tafakkurida badiiy talqin etilgan jamiyat badiiy-estetik tafakkuri inikosi hamdir. Mustaqillik davri romanlari tahlili jarayonida O.Muxtor, X.Do‘stmuhammad, T.Rustamning ijodlarida noananaviy roman poetikasi turlicha shakllanar

ekan, har bir yozuvchi qo‘llagan uslub individual bo‘lishi bilan birga har bir roman ham o‘ziga xos poetik tizimni namoyon etadi. Romanlarning konseptual g‘oyasini ochib berishda asosan retrospektiv va assotsiativ syujetlar qo‘llangan bo‘lib qahramonlarning botiniy olamini, qalb kechinmalarini badiiy talqin etishda ularning keng imkoniyatlari namoyon bo‘ladi. Hozirgi o‘zbek romanlarida noananaviy talqin uslublarining qo‘llanilishi o‘zbek romani poetikasining badiiy yangilanishida muhim ahamiyat kasb etadi.

E’tirof etish kerak, noan’anaviy talqin yo‘llarining shakllanishida nafaqat g‘arb modern romanlarining, balki mumtoz o‘zbek adabiyoti, xalq og‘zaki ijodi an’analarining ham tasiri e’tiborga molik. Ahmad A’zamning “Ro‘yo yoxud G‘ulistonga safar”, O.Muxtorning “Ko‘zgu oldidagi odam”, “Aflotun”, X.Do‘stmuhammadning “Bozor” romanlarida falsafiy mushohada, “Ming bir qiyofa”, “Tepalikdagi xaroba”da psixologik tahlil, T.Rustamning “Kapalaklar o‘yini”da absurd g‘oya bugungi kun misolida ochib berilishi romanchiligimizda noan’anaviy uslublarning yuzaga kelishida aslida biz yashayotgan voqelik ham alohida o‘rin tutishini ko‘rsatadi. Romanchiligimizda noan’anaviy romanlarning yuzaga kelishining eng muhim omili janrning tadrijiy taraqqiyot talabi bo‘lib, janrga xos yangilanish, isloh qilish, tarixiy poetika komponentlarini namoyon etish o‘zbek romaniga ham xos xususiyatdir. Bu nafaqat o‘zbek romani dinamikasini, umuman, roman janrining tadrijini ifodalaydi. Poetika tahlilida nafaqat umumestetik qoidalari bilan birga manbaning o‘ziga ham e’tibor berish kerakligini, lingvistika so‘z sanatining yuzaga kelishida yordamchi soha ekanligini ta’kidlagan rus adabiyotshunosi M.Baxtin san’at mohiyatini, uning falsafiy-estetik komponentlari dinamikasini dialektik qonuniyat asosida asoslab beradi. Nazariy asoslangan poetika tahlili “estetik tahlil manbayi” sifatida talqin etiladi va estetik tahlilning uch uslubiy vazifasi asoslab beriladi.

Roman jamiyat badiiy-estetik tafakkuri in'ikosi ekan, kundan kunga o'z murakkabliklarini namoyon etayotgan bozor iqtisodiyoti sharoitida ruhan, ma'nan va moddiy jihatdan sinib qolmaslik uchun evrilayotgan inson bor dard-u tashvishi, shodlig-u g'ami bilan real voqelik in'ikosi sifatida uning badiiy talqin obyektiga aylanishi tabiiy.

Roman xususida bahs-munozaralar yuzaga keldi, ilmiy xulosalar bildirildi. Roman o'z badiiy jozibasi bilan zamonaviy o'zbek romanlari ichida "yarq" etib ko'zga tashlandi. Shu sababli ham munosabatlar har xil bo'ldi. Nafaqat o'zbek romannavislari badiiy ahamiyatga molik asarlar yaratdi, o'zbek romanshunos olimlari ham roman janri bo'yicha tadqiqotlarni turli adabiyotshunoslik muammolaridan kelib chiqib olib bordilar. Mustaqillik davri adabiyotshunosligida yaratilgan A.Rahimovning «O'zbek romani poetikasi» (1993), D.To'rayevning «Hozirgi o'zbek romanlarda tafakkur va mahorat muammosi (1960-80 yillar)» (1994), H.Karimovning «Hozirgi o'zbek nasrida hayot haqiqati va inson konsepsiyasi: 1970-80 yillar» (1994), U. Qosimovning "Adabiy-estetik tafakkur tadriji: an'anaviylik, vorisiylik, o'ziga xoslik (Abdulla Qodiriy, Abdulla Qahhor va Tog'ay Murod ijodi misolida)" kabi doktorlik dissertatsiyalari hamda A.Xolmurodovning «Odil Yoqubov romanlarida psixologizm» (1991), I.Samandarovning «O'zbek tarixiy romanlarida insoniy munosabatlarning badiiy tasviri» (M.Do'st, G'.Xotamov, O.Otaxon asarlari asosida, 1994), X.Lutfiddinovaning «Yozuvchining estetik ideali va ayollar obrazi» (1994), O.Iskandarovaning "Diyonat" va "Qiyomat" romanlarida insoniy munosabatlarning badiiy tasviri» (1995), M.Olimovning «Hozirgi o'zbek adabiyotida pafos muammosi» (1995), A.Boboniyozovning "Abdulla Qodiriyning "O'tkan kunlar" romanida tasviriy vositalar va til badiiyati" (1995), Z.Mahmudovaning "Abdulla Qodiriy "O'tkan kunlar" romanining milliy o'ziga xosligi" (1996), T. Qurbonovning "Odil Yoqubovning portret yaratish mahorati" (1997), U.Musayevaning

“Xudoyberdi To‘xtaboyev romanlarining syujet va konflikt xususiyatlari” (1997), Z.Jalmatovaning “Urbanistik asarlardagi mushtaraklik va o‘ziga xoslik (P.Qodirovning “Olmos kamar” asarining qiyosiy tahlili misolida)” (1999), A.Qahramonovning “Mehrobdan chayon” romani poetikasi” (2000), Z.Rahimovning “Odil Yoqubovning “Ko‘hna dunyo” romani poetikasi” (2000), N.Soatovaning “Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romanida epik tasvir an’analari” (2001), Sh.Isayevaning “O‘zbek tarixiy romanlarida xarakter ruhiyatini tasvirlash usullari” (2001), X.Hamroqulovaning “Abdulla Qahhorning “Sarob” romanida shaxs fojiasi talqini” (2004) kabi nomzodlik dissertatsiyalarida istiqlolgacha bo‘lgan davrda yaratilgan asarlar bilan bog‘liq muayyan masalalar o‘rganilgan.[Do‘stmuhammad X., 2016; 360]

Z.Pardayevaning “Hozirgi o‘zbek romanchiligining taraqqiyot tamoyillari” (2003) mavzusidagi doktorlik ishi bevosita istiqloldan so‘ng yaratilgan romanlar tadqiqiga qaratilgan. Bu tadqiqotda dissertant o‘zbek adabiyotida romanga xos badiiy tafakkur tarzining mavjudligi, unga xos uslubiy ifodaning namoyon bo‘lishi, asar poetikasidagi g‘oyaviylik va badiiylik, syujet va kompozitsiya, stilistik shakllanish kabi masalalarni jahon nasri bilan qiyosiy tadqiq etgan. Shuningdek, tadqiqotchi o‘z dissertatsiyasida o‘zbek romanchiligi taraqqiyotining yetakchi tamoyillarini belgilab, modernizmga nisbatan yangi munosabatning shakllanishini kuzatar ekan, hozirgi o‘zbek romanlari tahlilida Mixail Baxtinning roman nazariyasi va Xose Ortega Gassetning modernistik roman nazariyasiga suyangan holda jahon romanchilik maktabi tajribalariga murojaat etadi, Tog‘ay Murodning “Otamdan qolgan dalalar” romani poetikasi keng tadqiq etiladi. Y.Solijonovning “XX asrning 80-90 – yillari o‘zbek nasrida badiiy nutq poetikasi” mavzusidagi doktorlik ishida mustaqillikning ilk kunlaridan boshlab yaratilgan asarlar tahlili misolida badiiy ijodda prozaik nutq tiplarining o‘rni, badiiy asardagi bayon usuli va avtor nutqining mavqeyi, personaj

nutqining o‘rni, monolog, dialog, ichki nutq, nutq polifoniyasi hamda o‘zbek adabiyotiga polifonik romanning kirib kelishi kabi ilmiy-nazariy masalalar tadqiq etilgan. M.Pirnazarovaning “Hozirgi o‘zbek romanlarida uslubiy izlanishlar (Omon Muxtor, X.Do‘stmuhammad, U.Hamdam romanlari misolida)” deb nomlangan nomzodlik ishida yuqorida nomlari keltirilgan ijodkorlarning istiqloldan so‘nggi davrda e’lon qilingan asarlaridagi uslubiy izlanishlarning mohiyatini epik nasrdagi milliy adabiy an’analardan, mifologik tasavvurlarning o‘ziga xos talqinlarini esa diniy-axloqiy qarashlar zamiridan izlashga uringan va ayni paytda yangilanayotgan uslubni roman ichki dinamikasi bilan bog‘lab o‘rganishga harakat qilgan. Adabiyotshunos Sh.Doniyorovaning “Istiqlol davri o‘zbek romanlarida milliy ruh va qahramon muammosi” mavzusida bajarilgan doktorlik dissertatsiyasida istiqlol arafasi va mustaqillik davrida yaratilgan P.Qodirovning “Ona lochin vidosi”, O‘.Hoshimovning “Tushda kechgan umrlar”, Sh.Xolmirzayevning “Dinozavr”, O.Muxtorning “Tepalikdagi xaroba”, “Ishq ahli”, “Aflotun”, T.Murodning “Otamdan qolgan dalalar”, “Bu dunyoda o‘lib bo‘lmaydi”, Muhammad Alining “Ulug‘ saltanat”, X.Do‘stmuhammadning “Bozor”, U.Hamdamning “Muvozanat”, “Isyon va itoat” kabi hamda boshqa milliy ruh va qahramon masalasi yorqin aks etgan romanlar tadqiq etilgan.[Muxtor O., 2000; 432].

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, yangi o‘zbek adabiyotida Abdulla Qodiriy bilan boshlangan o‘zbek romanchiligida epik obraz va epik rivoyat (bayon) usulining mumtoz klassik adabiyotdagi she’riy obraz shaklidan, romantik ifoda uslubidan realistik nasrga nihoyatda tabiiy ko‘chishi, milliy ruh va folklor an’analari uyg‘unlashishi juda katta kashfiyot edi. Mustabid sovet tuzumida mavjud ta’qiqlarga qaramay, o‘zbek adiblari adabiyot xazinasiga kirgan nodir asarlarni yaratdilar. Mustaqillik bilan kirib kelgan jahon adabiyoti tendensiyalari va adabiy strukturalar 21-asr o‘zbek adabiyoti yangi qirralarining ochilishiga

sabab bo‘ldi. 21-asr boshidagi tirik o‘zbek badiiy jarayoni ko‘p bosqichli, ko‘p funksiyali adabiy tizim bo‘lib, uning rivojlanishida ancha murakkab tendensiyalar to‘plami, o‘rnatilgan “sintetik” evolyutsiya mantig‘iga ega.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Bo‘ronova J. Zamonaviy rusiyzabon va o‘zbek nasrida badiiy mifologizm. Filol. fan. bo‘yicha fals. dok. dis. – Toshkent, 2022. –121 b.

2. Do‘stmuhammad X. Donishmand Sizif. Roman. – Toshkent: O‘zbekiston NMIU, 2016. – 360 b.

3. Hamdamov U. Yangilanish ehtiyoji. –Toshkent: Fan, 2017. –196 b

4. Hamdamov U. Badiiy tafakkur tadriji. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2002. –200 b.

5. Muxtor O. To‘rt tomon qibla: Uch romandan iborat Sharq daftari: (Trilogiya). – T.: Sharq NMAK, 2000. – 432 b.

6. Sodiqov S. Ijodning o‘ttiz lahzasi. –Toshkent: Sharq, 2005. –320 b.

7. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent: Sharq, 2008. –268 b.

HALIMA XUDOYBERDIYEVA SHE'RIYATIDA AYOL RUHIYATINI IFODALASHDA LIRIK KECHINMANING O'RNI

Nasiba Kurbanbayeva
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO'TAU tayanch doktoranti

Annotatsiya. *Halima Xudoyberdiyeva o'z she'riyatida ayol ruhiyatini chuqur va nozik tarzda aks ettirgan shoiradir. Uning asarlarida lirik kechinmalar, ichki hissiyotlar va ayolning o'zligini anglash jarayonlari ustuvor mavzulardir. Ushbu tadqiqotda Halima Xudoyberdiyevaning she'riyatida ayol ruhiyatining ifodalanishi va lirik kechinmalarning o'rni tahlil qilinadi.*

Kalit so'zlar: *lirika, lirik qahramon, ruhiyat, kechinma, majoz, obraz, ramziylik.*

Аннотация. *Халима Худойбердиева – поэтесса, глубоко и тонко отражающая в своих стихах женскую психику. В ее произведениях основными темами являются лирические переживания, внутренние переживания, процесс осознания женской личности. В данном исследовании анализируется роль лирических переживаний и репрезентации женской психики в поэзии Халимы Худойбердиевой.*

Ключевые слова: *лирика, лирический герой, психика, опыт, метафора, образ, символика.*

Abstract. *Halima Khudoyberdiyeva is a poetess who deeply and delicately reflects the female psyche in her poetry. In her works, lyrical experiences, inner feelings, and the process of realizing a woman's identity are the main themes. In this study, the role of lyrical experiences and the representation of the female psyche in the poetry of Halima Khudoyberdiyeva is analyzed.*

K**eywords:** *lyric, lyrical hero, psyche, experience, metaphor, image, symbolism.*

Badiiy adabiyotning obyekti inson va uning ichki hissiy-shuuriy dunyosini tasvir etishdir. Bu yo‘ldagi badiiy talqinlar rang-barang poetik obrazlar, turfa ramziy-majoziy tasvirlar, xilma-xil timsollar talqini orqali ro‘yobga chiqariladi. Asar badiiyligining asosiy shartlaridan biri unda tasvirlanayotgan voqea-hodisalarning aniq zamon va makonda yuz berishi, yashayotgan personajlarning xatti-harakatlari, ular orasidagi o‘zaro munosabatlarning ishonarli tasvirlanishidir. Bu obrazlar rus adabiyotshunosi M.M.Baxtin ta’kidlaganidek, hamma vaqt aniq makon va zamon bilan bog‘liq bo‘ladi.[**Бахтин** M.M., 1968; 122] Zamon va makon bir-biri bilan chambarchas bog‘liq holda namoyon bo‘ladi, ular bir-birisiz yashay olmaydi. Chunki personajning vaqti, umri aniq bir joyda, ma’lum vaqt ichida o‘tadi. Uning ber necha soatlik, kunlik yoki yillarda kechgan hayoti, uchrashuvlari, shodligi-yu qayg‘usi belgilangan makon va masofa bilan bog‘liq bo‘ladi.

Adabiyotda ayol obrazini yaratish o‘ta murakkab, ammo bir o‘q darajada ta’sirchan sanaladi. Buning sababi, ayollarni ifodalashda ularning murakkab ichki dunyosi, ruhiy kechinmalari va emosional holatlarini to‘liq aks ettirish talab etiladi. Shu jihatdan, lirik kechinmalar ayol ruhiyatini yoritishda muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Lirik kechinmalar inson qalbining eng nozik va sirli tomonlarini ochib beradi, bu orqali ayolning o‘ziga xos ichki dunyosi, his-tuyg‘ulari, orzu va umidlari, shuningdek, ijtimoiy bosimlar yoki shaxsiy iztiroblar aks ettiriladi.

Lirik kechinma asosan poeziyada va badiiy prozada keng qo‘llaniladigan adabiy vosita bo‘lib, uning asosiy vazifasi shaxsiy his-tuyg‘ular, fikrlar va ruhiy holatni tasvirlashdan iboratdir. Bu turdagi kechinmalar insonning ichki olami va tashqi voqealar o‘rtasidagi uyg‘unlik yoki qarama-qarshilikni ochib berishga yordam beradi. Ayol obrazini yaratishda esa lirik kechinma ayolning his-tuyg‘ularini chuqurroq ko‘rsatishga, uning ichki kurashlari, quvonchlari va iztiroblarini ko‘rsatishga imkon yaratadi.

Ayol ruhiyatini ifodalashda lirik kechinmalar katta o‘rin tutadi, chunki ayol qahramonlarning ichki olami ko‘pincha jamiyat yoki oiladagi roli bilan bog‘liq murakkabliklar orqali shakllanadi. Ayollar adabiyotda ko‘pincha sevgi, sadoqat, iztirob va orzu mavzulari bilan bog‘liq holda tasvirlanadi. Ular ichki dunyosidagi ziddiyatlar va ko‘tarinki his-tuyg‘ularni lirik kechinmalar orqali ifodalaydi. Masalan, sevgi mavzusida ayol qahramonning ichki iztiroblari yoki yurak sirlarini ochib berish lirik uslubda aniqroq va jonliroq namoyon bo‘ladi.

Zamonaviy adabiyotda lirik kechinmalar ayollar ruhiyatini ochib berishda muhim ahamiyat kasb etadi. O‘zbek yozuvchilari Zulfiya, Halima Xudoyberdiyeva, Zebo Mirzo, Halima Ahmedovalar ijodida ayol ruhiyati va uning ichki kechinmalari lirik ohangda tasvirlangan. Ularning she’rlarida ayol obrazlarining ichki iztiroblari, sevgi va hayotiy kurashlari orqali jamiyatdagi o‘z o‘rni qidirilgan. Bugungi kun adabiyotida ayol obrazlari tobora ko‘proq mustaqil va murakkab tarzda ifodalanmoqda. Hozirgi davrda ayol qahramonlar nafaqat sevgi yoki oila muammolari, balki o‘zining shaxsiy rivojlanishi, mustaqillik va jamiyatdagi mavqei haqida ko‘proq o‘ylashmoqda. Bunda ham lirik kechinmalar orqali ayolning murakkab ichki olami ko‘rsatilib, uning o‘ziga xosligi, his-tuyg‘ulari chuqur ochib beriladi.

Ma’lumki, lirik turda voqea emas, his-tuyg‘u va kechinmalar zamzamasi tasvir etiladi, lekin aynan o‘sha kechinmalar ham qandaydir kichik-kichik voqealar silsilasida o‘zining lirik maqomdagi tasvirini namoyon etadi:

Men seni kitobga yozdim-u…
Payt poylab kitobdan chiq, she’rim.
So‘kilgan dillarni tik, she’rim,
Behuda o‘rtanib yozdimmi?

Shoira shunchaki yozishni istamaydi, uning yozganlari “so‘kilgan dillarni tik”ishini istaydi, qalblarga darmon bo‘lishini xohlaydi. Axir “Behuda o‘rtanib yozdimmi?”

Chiqaqol, kitobning qatin och,
Taysallab bo‘lmagin arosat.
Bolaning ko‘zida bo‘l ishonch,
Ulg‘aygach odamda farosat.

Bolaning ko‘zidagi ishonch, odamdagi farosat kabi hayotiy voqelik parchalari bir umumiy mazmunning ro‘yobga chiqishi uchun xizmat qilmoqda, ya’ni lirik qahramonning ko‘ngil kechinmalari obrazli ifoda etilgan. Halima Xudoyberdiyeva she’riyatida ijtimoiy, siyosiy, falsafiy vazifalar yuklatilgan asarlar kam uchraydi. Holbuki, “70-80- yillarning eng sara she’riy namunalari ko‘p vazifani bajaruvchi, ko‘p funksiyali she’rlar[Murtazo Qarshiboy., 1995; 68]” bo‘lgan. Bunday she’rlarda mantiqiy funksiya birlamchi ahamiyat kasb etgani uchun ham ular badiiy ifoda, bayon tarzi, mavzu jihatdan bir xillashib qolgan. Ko‘pfunksiyalik majburiyatidan xoli bo‘lgan Halima Xudoyberdiyeva she’riyati an’analar ta’siridan chetda qolmadi. Ayni vaqtda, bu she’riyatda mumtoz poeziyada ko‘p qo‘llanilgan timsol va tamsillarga o‘ziga xos yondashuv yetakchilik qiladi.

Halima Xudoyberdiyeva she’riyatida ramzlar tili bilan so‘ylash biror so‘z yoki so‘z birikmasini ko‘chma ma’noda qo‘llash, aniq predmetga shartli belgi yuklashdan ko‘ra, tagdor ramziylik imkoniyatlaridan foydalanishga ko‘proq e’tibor beriladi. Shoira olam va odam, ruhiyatning obyektiv borliqqa munosabatini ifodalash, siyratdagi kechinmalarni badiiy tasvirlashni mohirona amalga oshiradi.

Balki men sen deb ham o‘lmasman,
Hech kimga ishonmas bisotim.

Men seni baholay bilmasman,
Sen mening hayotim, hayotim!

She'riyatda ruh manzarasini musavvirona bera olish badiiy izlanish samarasi sifatida baland qadrlanadi. Uning she'riy so'zida istioralar, majozlar ichida ko'ngilning oniy kechinmalari - tebranishlar, titroqlar namoyon bo'ladi.

Istamam, hayotni men chindan
Kitobda yo'qolsa imi-jim.
Sarg'aymay varaqlar ichinda
Kitobdan chiqadi hayotim.
Men seni kitobga yozdim-u…

deydi Halima Xudoyberdiyeva. Bu shunchaki so'z o'yini emas. Yoki, shoir qismatiga aytilgan chiroyli, obrazli ta'rif emas. Bu asl shoirning peshonasiga bitilgan yozuq, uni shoirlik martabasiga ko'targan shaxslik qismati.

Halima Xudoyberdiyeva she'rlarini, aksar badiiy asarlarni o'qigan misoli, ko'ngil ochar yoki ko'ngil yozar mashg'ulot sifatida qo'lga olib bo'lmaydi. Shoira she'rlari bilan oshno tutinish, suhbatlashish, dardlashishning o'zi ham kifoya emas. Shoira sevib, yonib, kuyib ko'ngil kitobini ochar ekan, siz ham shoira she'riyatining tuyg'ular qozonida qaynab, qovrilib, alanga olib kechinmalar olamiga kirib borasiz. Girdibod hislar, talotum tafakkur to'lqinlarida beixtiyor quloch yozib yuborasiz. Shoira she'rlari hech qachon va qanday holatda ham sizni befarq va beparvo qoldirmaydi. Chinakam, she'riyatning sehri-jodusi, aslida, shunaqa bo'ladi. Bu, asl she'r satrlaridan yuraklarga silqib oqqan hayotga muhabbat titroqlari, muhabbatga sadoqat g'alayonlari, muhabbatga hiyonat nafratlari. Bir so'z bilan aytganda " *ijod bu eng avvalo tuyg'u, tuyg'uni esa abadiy nazorat qilish mumkin emas"[* Jorj Oruell., 1996] ligi Halima Xudoyberdiyeva ijodida anglashiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бахтин М.М. Литературно – критические статьи. М., 1968. С. 122
2. Murtazo Qarshiboy. O‘nglanmagan taqdir talqini. – Toshkent: “Kamalak”, 1995, 68-bet.
3. Jorj Oruell. Adabiyot va totalitarizm// “O‘z AS”, 1996, 16 avgust.

ROMANLAR TURKUMINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

To‘rayeva Dilnoza Nematullayevna,
Guliston davlat universiteti,
O‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi dotsenti,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

Annotatsiya. *Mazkur maqolada romanchilikda turkumlilikning o‘ziga xos xususiyatlari, shuningdek, bu adabiy hodisasining adabiyotimiz tarixida turli janrda har xil shakllarda yuzaga kelganligi atroflicha o‘rganilgan. Turkumlilikning tadrijiylik va izchillikda, syujet qurilishining o‘ziga xosligida, kompozitsion birlik va mazmuniy butunlikda namoyon bo‘lganligi tadqiq etilgan.*

Kalit so‘zlar: *roman, romanchilikda turkumlilik, adabiy turkum, sikl, sujet, personaj, “sayyorlik” tushunchasi, bosqichlilik, tadrijiylik.*

Abstract. *In this article, the specific features of serialism in novel writing, as well as the occurrence of this literary phenomenon in various forms in different genres in the history of our literature, are studied in detail. The manifestation of categorization in gradualness and consistency, originality of plot construction, compositional unity and meaningful integrity has been researched.*

Keywords: *novel, seriality in novel writing, literary series, cycle, subject, character, the concept of “travel”, gradation, gradualism.*

Adabiy turkum keng tarqalgan tushuncha bo‘lib, odatda badiiy adabiyotda mazmun jihatdan asarlarni badiiy birlashtirishning asosiy shakllaridan biri hisoblanadi. Turkum asarlar adabiyotning barcha janrlarida uchraydi. Adabiy turkumning

badiiy birligi mustaqil asarning yaxlitligi bilan bir xil emas. Ular o‘rtasida farq bor. Turkumni tashkil etuvchi asarlarning, asosan, aksariyatini alohida qismlariga ajratib bo‘lmaydi. Bu jarayon turkum asarlarga birlik mezonini qo‘llashning maqsadga muvofiq ekanligini ko‘rsatadi. Unda mavzuning umumiyligi, muayyan kompozitsion yaxlitlikka ega tarzda shakllanishi, qismlar orasidagi aloqalar asosida yaratilganligini bu fikrni asoslaydi. Turkumlilik hodisasi alohida asarlarning turkumga qo‘shilishi, nafaqat, ularning yig‘indisini, balki mazmun jihatidan ham yakka kombinatsiyani, yangi badiiy yaxlitlikni yuzaga keltiradi. *“Turkum asarlar badiiyati g‘oyaviy jihatdan umumiyligi, mavzuning mushtarakligi, obrazlar tizimidagi “sayyorlik” tushunchasining mavjudligi bilan ajralib turadi. (“Sayyorlik” tushunchasi deganda romanlararo ko‘chib yuruvchi yoki kamida ikkita kitobda ishtirok etgan qahramonlarga nisbatan qo‘llanilgan shartli tushuncha nazarda tutilmoqda)* [Qo‘yliyeva G., 2018; 17]. Mazkur ilmiy qarashlar turkum romanlarga tegishli bo‘lib, turkumlilikning mohiyati va o‘ziga xos tizimlashtirish yo‘sini, ularning umumiy badiiy mohiyatini aniqlash va shu bilan birga janr tabiatini tushunish imkonini berishni anglatadi.

“Turkum – bu muallif tomonidan ma’lum tartibda to‘plangan va tartibga solingan asarlar to‘plami. Matnlarning o‘ziga xos jihatlari badiiy yaxlitlikni birlashtirishga imkon beradigan xususiyatlarga ega deyish mumkin” [Fayzullayeva O., 2023; 27]. Turkumlilik hodisasi haqidagi mazkur qarash adabiy turkumlilik haqidagi umumiy fikr bo‘lsa-da, bu hodisa barcha turdagi asarlarda birday namoyon bo‘ladi. Jumladan, katta epik turga oid birdan ortiq umumiy mavzu doirasidagi muayyan kompozitsion yaxlitlikka asarlar *turkum romanlar* sirasiga kiradi.

O‘zbek adabiyotshunosligida roman janri shakllari sifatida qaraladigan asarlarni *dilogiya* (ikkita romandan iborat), *trilogiya* (uchta romandan iborat), *tetrologiya* (to‘rtta romandan iborat), *pentalogiya* (beshta romandan iborat), undan ortig‘ini

esa *romanlar turkumi* deb ataladi. Aslini olganda barcha shakllarga ularning sonidan kelib chiqib nom berilgani ma'qul. Shu bilan birga, bularning barchasini umumlashtirib bir nom ostida *turkum romanlar* deyilsa ham o'rinli bo'ladi. Chunki, ikkita romandan iborat dilogiyada ham, yettita yoki sakkiztalik romanlar turkumida ham *turkumlilikka xos badiiy yaxlitlikni birlashtirishga imkon beradigan xususiyatlar mavjud*. Turkum romanlar son jihatidan qat'iy nazar sujet, kompozitsion qurilishiga ko'ra nisbiy mustaqillikka ega asarlarning sujet chiziqlarining davomiyligi, muallif niyatining yagonaligi, yaxlit konsepsiyaning mavjudligi tufayli butunlikka birikuvidan tashkil topadi. Demak, turkum romanlar alohida qismlardan tashkil topgan yirik hajmga teng yaxlitlikdir.

Turkumlilik o'zbek adabiyoti tarixida qadimdan shakllangan adabiy hodisalardandir. Turkum asarlarning genezisi bilan bog'liq jihatlarga e'tibor qaratsak, bu hodisa xalq eposlariga borib taqalishi ma'lum bo'ladi. Xalq dostonlardagi *turkumlilik* tadrijiylik va izchillikda, syujet qurilishining o'ziga xosligida, kompozitsion birlik va mazmuniy butunlikda namoyon bo'ladi. Turkumlilik hodisasi adabiyotimiz tarixida turli janrlarda turli shakllarda yuzaga kelgan. Aynan epik tur janrlarining yuzaga kelishi turkum romanlar yaratilishiga asos bo'ldi. Bu hodisa ma'lum bir ma'noda roman janrining takomil bosqichini namoyon etadi. Shu tariqa milliy o'zbek adabiyotida turkum romanlar yuzaga keldi. Jumladan, asrimiz boshlarida yaratilgan Cho'lponning "Kecha va kunduz" dilogiyasi, Said Ahmadning "Ufq" trilogiyasi, Muhammad Alining "Ulug' saltanat" tetralogiyasi kabilar turkum romanlarning yorqin namunalaridir.

Turkum romanlarning o'ziga xos xususiyatlari mazkur janrning qator imkoniyatlarini namoyon qiladi. Roman sikli – XX asrning birinchi yarmidagi mazkur janrning o'ziga xos shakli bo'lib, romanning ichki avtonom qismlarining kontseptual birligi bilan tavsiflanadi. Ko'p epizodlardan iborat yorqin matnlar shaklining

har biri o‘z tuzilishiga ega bo‘lsa-da, yaxlit birlikni tashkil qiladi. Ko‘rinadiki, turkum romanlar soni nechta bo‘lishidan qat’iy nazar, ularda syujetning uzvuyligi, umumiy g‘oyaning butunligi kuzatiladi. Demak, turkum romanlarning birinchi asari mazmunini bevosita keyingilari to‘ldiradi. Mazmuniy maydonning bunday birligi turkum romanning ham shaklan, ham mazmunan yaxlitligini ta’minlashga xizmat qiladi.

Turkum romanlardagi tarkibiy qismlarni o‘zaro bog‘lanishning ikki xil kombinatsiyasi uning badiiy hodisa sifatida yuzaga chiqaradi:

– syujetdagi ketma-ket voqealararo dominant matn mavjudligi;

– matnda ustunlik qiladigan voqening o‘sishi: bosqichlilik va tadrijiylik.

“Turkumlilik hodisasi shundan iboratki, alohida asarlarning turkumga qo‘shilishi nafaqat ularning yig‘indisini, balki sifat jihatidan boshqacha kombinatsiyani: yangi badiiy yaxlitlikni yuzaga keltiradi. Sikllarni tizimlashtirish ularning umumiy badiiy mohiyatini aniqlash va shu bilan birga janr tabiatini anglash imkonini beradi” [Орлова Т., 2022; 35]. Romanlar turkumining kompozitsiya ko‘lami, avvalambor, qahramonlar hayoti sodir bo‘lgan sharoitlarni tasvirlash bilan bog‘liq – oila, do‘stlik, sevgi, ijtimoiy hayot ularning barchasi turkumni shakllantiruvchi muhit bilan aloqasiz bo‘lmaydi. Biroq, atrof-muhitning holati qahramonlarning shaxsiyati, ruhiyati bilan bog‘langan holda tasvirlanishi, albatta, asarning siklik chegaralarini kengaytirish imkonini beradi. Bir so‘z bilan aytganda, epik sikllarning chegaralari ularda ko‘rsatilgan fazoviy kenglikning miqdoriy xilma-xilligi bilan emas, balki birinchi navbatda ularning sifat munosabatlari bilan belgilanadi.

Romanlar turkumi makon va zamonning birligi, uning badiiy yaxlitligi, to‘liqlikka ega bo‘lgan ichki tendensiyaga asoslanadi. Asar qahramonlari boshidan kechiradigan evolyutsiya har

doim ma’lum bir vaqtni talab qiladi. Uar har doim kulminatsion nuqtalardan o‘tadi, lekin shu bilan birga o‘z muddati bilan chegaralanadi va yakunga intiladi. Buning ko‘rsatkichi axloqiy, falsafiy, ma’aviy natija – yechim. Turkumlarning oraliq asarlarida amalga oshirilgan muammoning milliy-tarixiy, axloqiy-ta’limiy jihatlari turkum asarlarning birinchi va oxirgilarida hukmronlik qiluvchi yangi turdagi muammoning mantiqiy sifat va semantik qismini tashkil etadi. Ikkinchi asarda siklning oldingi substantiv bo‘g‘inlari bilan badiiy-semantik aloqada bo‘lsa, ta’kidlanganidek, ikkinchi qismda muammoning yangi jihatlari ham o‘z vazifasini bajaradi. Tabiiyki bunda mazmundagi uzviylik hodisalari turkum deb atash imkonini beradi.

“Epik turdagi turkum asarlar yaxlit matn vazifasini bajaradi. Bu esa siklning barqaror xossalari va xususiyatlari tizimini maxsus matn strukturasi sifatida o‘rganish va tavsiflash zarurligini belgilaydi. Uning o‘ziga xosligi shundaki, u mustaqil to‘liq matnlardan tarkib topadi. Bu matn qurilishining siklik turini boshqa matn turlaridan ajratib turadi”. [Levin M., 1992; 32]. Sikl haqidagi nazariy umumlashmalarning ilk tajribalaridan ko‘rinadiki, dastlab nasriy sikl modelini tavsiflash imkoniyati unchalik katta bo‘lmagan. Buning sabablaridan biri, ehtimol, nasrdagi turkumlilik qonuniyatiga lirik sikl nazariyasi ta’sir ko‘rsataganligida deyish mumkin. Nasrdagi sikllanish hodisalarini tasvirlashda uning asosiy qoidalariga asoslansa-da, bu hodisa lirik siklning ko‘pgina xususiyatlarini o‘zida saqlab qolgan.

“Turkum asarlar o‘qida joylashgan ichki strukturaning elementlari orasidagi integratsiya muhim sanaladi. Ushbu o‘qda ichki “birlashishi”ni oshirish siklik matn konstruktsiyasining uzviyligini ta’minlaydi” [Nesterova S., 2012; 18]. Nasriy asarlardagi turkumlilik hodisasi haqidagi mazkur nazariy qarashni ilgari surgan Nesterova Svetlana Viktorovnaning “Qisqa epik nasrda siklik matn qurilishi” nomli tadqiqotida nasrdagi turkumlilik xodisasini uzoq tarixga ega ekanligi, nazariy jihatdan bu masala

chuqur o‘rganilishi zarurligi aytiladi. “Bugungi kunga qadar na mahalliy, na xorijiy adabiy tanqidida epik nasrdagi matn qurilishining siklik tipini tahlil qilish uchun nazariy asos shakllanmagan. Mahalliy adabiy tanqidda nasr siklizatsiyasini o‘rganish masalalari u yoki bu darajada lirik sikl tadqiqotchilari tomonidan ko‘rib chiqilgan. Bularning barchasi, avvalo, nasr siklining janrlar tizimidagi o‘rni aniqlanmaganligi bilan izohlanadi. Agar chet ellik tadqiqotchilar siklni mustaqil janr deb hisoblasalar, mahalliy amaliyotda bunday birlik yo‘q. Bizning oldimizda turgan masala bitta asar emas, balki mustaqil matnlar to‘plami bo‘lib, ularning jamlanmasi yangi mustaqil asar yaratishidir. Zero, aynan roman janri alohida asarlar va adabiy universalliklar o‘rtasida joylashgan umumlashtirishning eng aniq tamoyili bo‘lib ko‘rinadi. Tadqiqotchining nasr sikli haqidagi fikrlarini mahalliy va xorijiy adabiyotshunoslikda mavjud nazariy qarashlarga asoslanib, konsepsiyani ilmiy jihatdan o‘rganishning umumiy manzarasini yaratishga harakat qilgan deyish mumkin.

O‘zbek adabiyotshunosligida nasrdagi turkumlilik, aynan roman janriga oid bu hodisa haqida ayrim nazariy manbalarda umumiy jihatlar u yoki bu darajada qayd etilgani bilan ushbu holat alohida shaklda tadqiq etilmagan. Roman shakllarining har biri (dilogiya, trilogiya, tetrologiya v.b) alohida-alohida tadqiq etilgan bo‘lsa-da, ularni umumiy turkumlilik hodisasi sifatida fundamental tadqiqi mavjud emas. Bu masalaga ba’zi hollarda o‘rganilayotgan mavzu doirasida, ba’zan esa biror asarning turkumlilikka bog‘liq jihatlari o‘rganilishi asnosida munosabat bildirilgan, xolos. Shuningdek, turkumlilik hodisasiga u bilan bog‘liq janrlar tadqiqi jarayonida qaysidir jihatiga ko‘ra ayrim munosabatlar bildirib o‘tilgan. Xususan, “Go‘ro‘g‘li” eposi silsila dostonlar jamlanmasi ekanligi, unda asosiy obraz Go‘ro‘g‘li afsonaviy qahramon sifatida talqin etilishi, silsila dostonlar bo‘ylab ko‘chib yurishi va ularnining asosiy mazmuni uchun qaysidir jihatidan asos vazifasini o‘tashi haqidagi ma’lumotlar, ya’ni turkumlilik xalq

og‘zaki ijodidanoq boshlanganligi haqidagi fikrlar folklorshunos olim, professor To‘ra Mirzayev tadqiqotlarida mavjud [Mirzayev T., 2006; 6]. Yana bir folklorshunos Salimaxon Mirzayeva o‘z monografik tadqiqotida o‘zbek xalq eposlarida ularning spesifik xususiyatlariga ko‘ra tadrijiylik va izchillik kabi jihatlar mavjud ekanligi xususida fikr yuritadi[Мирзаева., 2004; 246]. Shuningdek, tadqiqotda unda asosiy qahramon atrofidagi umumiylik, izchillik va sikllilik epik qonuniyatlar asosida yuzaga keltirilganligi xususidagi fikrlar alohida ta’kidlanadi. Filologiya fanlari doktori Obidaxon Fayzullayeva esa o‘zbek adabiyotida she’riy turkumlarning badiiy-estetik xususiyatlarini uning janr tarixi, genezisi, tendensiyalari, tadrijiy taraqqiyoti, estetik tabiatiga ko‘ra atroflicha tadqiq etgan. Shuningdek, turkum she’rlarning tipologik xususiyatlari adiblarning ijodiy individualligi, janr formalarining o‘ziga xosligi bilan birgalikda o‘rgangan[Fayzullayeva O., 2023; 250]. O‘zbek adabiyotida trilogik asarlarning badiiy-estetik tabiati, syujet va kompozitsion qurilishi, qahramon konsepsiyasi masalalari, xususan, badiiy o‘ziga xosligi va taraqqiyot tendensiyasini adabiyotshunos olima Gulchehra Qo‘yliyeva tadqiq etgan[Qo‘yliyeva G., 2018; 148]. Tadqiqotchi O.Qurbonova esa Ibrohim G‘ofurovning turkum maqolalari misolida adabiyotshunoslikda turkumlilik masalasiga e’tibor qaratgan[Qurbonova O., 2022; 143]. Bu masalaga turkumlilikning bosh belgisi – bir masnadga uyushtirilgan asarlar guruhni hosil qiluvchi yaxlit bir hodisa sifatidagi qarash asosida yondoshilgan.

Turkum romanlarning kompozitsion qurilishidagi o‘ziga xoslik, syujet yo‘nalishlari jihatidan nisbatan mustaqil asarlarning badiiy talqindagi davomiyligi ko‘zga tashlanadi. Umuman olganda, nasriy asarlardagi turkumlilik hodisasi quyidagi spetsifik xususiyatlarga ega ekanligini aytish mumkin:

- bir-biri bilan ichki semantik aloqalar orqali bog‘langan bir necha asarning mavjudligi;

- matnlar o‘rtasida assotsiativ aloqa mavjud bo‘lgan montaj kompozitsiyasi – tuzilmaning yaxlitligi;

- mazmuniy birlikning yetakchilik qilishi;

- turkumning tartibiga qarab makon va zamonning uyg‘unlashuvi;

- muallifning ijodiy niyatini badiiy kenglik orqali yuzaga chiqarishi.

Demak, turkum romanlar kompozitsion qurilishi, syujet yo‘nalishi jihatidan nisbatan mustaqil asarlar birligi bo‘lib, uning o‘ziga xos jihatlari asarlar umumiy qahramonlarining mavjudligi, syujet yo‘nalishlarining davomiyligi, muallif niyatining yagonaligi va shulardan kelib chiquvchi yaxlit konsepsiya tufayli butunlikka birlashuvidan tashkil topganligidadir. Shuningdek, turkum romanlarning g‘oyaviy jihatidagi umumiylik kasb etishi, mavzu, makon va zamon tushunchalaridagi mushtaraklik, obrazlar tizimidagi “sayyor”lik tushunchalari kabilar ham uning spesifik xususiyatiga kiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Лазукина Софья Николаевна. Поэтика эпического цикла в творчестве В.Г. Распутина. Дисс. 2019.

2. Меркушов Станислав Федорович. Серия романов Д.М. Балашова “Государи московские” как цикл. диссертации на соискание ученой степени кандидата филологическнх наук. Тверь, 2008.

3. Нестерова Светлана Викторовна. Циклическое текстопостроение в малой эпической прозетема диссертации и автореферата по ВАК РФ, 2012.

4. Орлова Татьяна Яковлевна. Жанровые аспекты эпического цикла: Трилогия М.Алданова “Ключ. Бегство. Пещера” тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 10.01.08, кандидат филологических наук. 2022.

5. Қўйлиева Гулчеҳра Назарқуловна. Ўзбек насрида

трилогия. Филол. фанлари бўйича фалсафа док ... дисс... – С.: 2018.

6. Fayzullayeva Obida Xolbekovna. O‘zbek adabiyotida she’riy turkumlilik masalasi. (tarixi, estetik tabiati, yetakchi tendensiyalari). Filol. fanlari dok ... diss... – T.: 2023.

7. https://gufo.me/dict/literary_terms/pg3.

ONA VA VATAN OBRAZLARINING POETIK UYG‘UNLIGI

Uljon BOBOQULOVA
ToshDO‘TAU
tayanch doktoranti

Annotatsiya. *Abdulla Oripov she’riyatida ona obrazining ma’no ko‘lami keng. Bu ko‘lam, eng avvalo, Vatan bilan mushtarak bo‘lgandagina badiiy butunlik hosil qila oladi. Shu ma’noda Ona va Vatan obrazlarining poetik uyg‘unligi ijodkor A.Oripov she’riyati misolida badiiy tahlil qilinadi. Ushbu maqolada shular haqida fikr yuritilgan.*

Kalit so‘zlar: *A.Oripov, Ona va Vatan, “et bilan tirnoq”, fidoyilik, sog‘inch, lirik xarakter, badiiy umumlashma.*

Annotation. *The meaning of the image of mother in Abdulla Oripov’s poetry is wide. This scope can form an artistic whole only when it is shared with the Motherland. In this sense, Ona and the poetic harmony of the images of the Motherland is artistically analyzed on the example of the poetry of the creator A. Oripov. This article discusses them.*

Keywords*: A. Oripov, Mother and Motherland, «flesh and nails», dedication, longing, lyrical character, artistic generalization.*

Vatan tuyg‘usi insonga ona vujudidanoq esh bo‘lgan tuyg‘u bo‘lsa kerak. Yillar, hayot bu tuyg‘uga shakl beradi, sayqal beradi. Birovning onasini onam deb atab bo‘lmaganidek, o‘zga diyorni ham Vatan deb atab bo‘lmaydi. O‘z vujudingda ajdodlarining qoni oqqani sabab nasl-nasabingdan tona olmaysan, Vatan ham shunday-ona kabi muqaddas, aziz. Vatan faqat geografik chegaralardan iborat emas, uning har zarrasida ulkan muhab-

bat yashaydi. Ona kalomi yana bir muqaddas kalom -Vatan bilan hamisha yonma-yon yashaydi. Shoir Abdulla Oripov she'rlarida ona va Vatan obrazlari yaxlit butunlik sifatida tasvirlanadi. Zero, "Tabiat haqida yozadimi yoki samoviy jismlar xususida fikr yuritadimi, inson kechinmalarini tasvirlaydimi yoki turfa tuyg'ularni qalamga oladimi, Abdulla Oripovning ko'z o'ngida har doim Vatan timsoli turadi"[Жабборов Н. 2015:46].

O, sen Vatan, kindik qoni tomgan joy,
Seni so'rmay, ko'rmay bo'lurmi?
Ko'z ko'rgani yosh-u qarining-
Ona bag'rin sevmay bo'lurmi? [Орипов. 2005:42]

Shoir "ona Vatan" deb sifatlanmish va kindik qonimiz to'kilgan bu tabarruk zaminga, Vatanga sadoqatli farzand bo'lishga chaqiradi. Bu chaqiriq donishmand faylasufning o'giti, qahramon boboning nasihati, vatan uchun jonini fido qilayotgan askarning bitigigina emas, balki shu tuproqning har zarrasida, eng avvalo, ilohiy bir mehr va muqaddaslikni teran mushohada qilgan, jon-u tani shu zamin bilan qorishib ketgan, har bargi, har giyohi, har bir bolasining jon tolalariga, jigarining qon-tomirlari tutash Onaning nidolaridir. Darvoqe, olamda qon va jon barobarida ilohiylikka da'vogar, yoxud hayot qadar muqaddaslikka munosib Ona va Vatandan boshqa yana nima bor?

"Vatan va ona" go'yoki "et bilan tirnoq" kabidir. Shoir ijodida bu xalqona tushuncha badiiy mukammalikka erishgan. Ona va farzandni et bilan tirnoqqa qiyos qilishadi. Xalqimizda uzoq yillardan biyon farzand ko'ra olmayotgan ayolga nisbatan "tirnoqqa zor" iborasi qo'llaniladi. Qarangki, shoir Abdulla Oripov Vatanni onaga mengzar ekan, shu tuproqda kindik qoni to'kilgan har bir insonni Vatan farzandi deb biladi. Vatandan yiroq, o'zga yurtlarni makon tutgan kimsalarni ajrab ketgan et bilan tirnoqqa o'xshatadi.

Sendan yiroq bo‘lsa Vatanning ko‘zi,
Ajrab ketgan bo‘lsa et bilan tirnoq…

Dunyoda onadan himmatli, onadan rahmdil, kechirimli zotni topish mushkul. Ona farzandi yaxshi yoki yomon bo‘lsa ham, to‘g‘ri yoki o‘g‘ri bo‘lsa ham, chiroyli-yu xunuk bo‘lsa ham, sog‘ yoxud nosog‘ bo‘lsa ham, baribir bolam, deydi. Bolam deydi, kiyib-yonadi. “Ona o‘g‘lin ardoqlar, u bo‘lsa ham o‘gri”, – misralarini keltiradi bir o‘rinda shoir. Farzandlar onaga, oq sutiga xiyonat qilishi mumkin, ammo ona farzandiga xiyonat qilmaydi. Farzand onaning ko‘zi qorasi. Farzandlar dunyoni ona allasi, so‘zi orqali taniydi. Ona uchun esa dunyoning o‘zi farzand. Shu ma’noda ham, inson bolasi borki, adashadi, yo‘ldan toyadi. Ba’zan vataniga xiyonat qilgan kishilar haqida undan-bundan eshitib qolamiz. Vatan – bu ona. Demak, har bir vatanga xiyonat onaga xiyonat, vatandan kechish–onadan kechish bilan barobardir. “Bu o‘rinda Vatanni ona deydigan bo‘lsak, farzand ona Vatan uchun qurbon bo‘laman, deb tayyor turishi uchun uni tarbiyalash tashviq qilish kerak. Hamma ham Vatan mening onam ekan-da, deb uning himoyasi uchun otilib chiqib ketavermaydi. Lekin ona har qanday sharoitda, bolasi noqobil bo‘lsa ham, uni meniki deb turaveradi” –deydi shoir suhbatlarining birida [Орипов. 2000:243]. Darhaqiqat, ona farzandini har qanday holatda ham bolam deganidek, Vatan uchun ham shu zaminda tug‘ilgan, unib-o‘sgan har qanday bola farzand sanaladi. Shoir she’rlarida hayotning bunday qiyofasi teran ifodalar bilan bayon etiladi, qat’iy xulosa qilinadi.

Yoshing oltidami yoki oltmishda,
Mayli, qay ish bilan mashg‘ulsan, bandsan.
Qaysi kenglikdasan, qay muyulishda,
Baribir Vatanga farzandsan [Орипов. 2005:54].

Ha, shoir nazdida Vatan – bu bag‘ri osmonlardan-da keng,

qalbi qaynoq, quchog‘i issiq quvonch va iztiroblar makonidir. Vatan – bu tug‘ilgan va hali tug‘ilajak zurriyodlarning qulog‘iga aytiladigan azondir. U tildir, u iymon, u o‘zligimizdir. Bularning barchasi bizga ona suti va mehri, tarbiyasi bilan butun vujudimizga singadi. Har birimizning taqdirimiz Vatan va ona bilan tutash. Biz vatanni tanlamaymiz, chunki Vatan bizni allaqachon tanlab bo‘lgan. Xuddi shuningdek, biz onani ham tanlamaymiz. Bu shunday ilohiy paradokski, ona va Vatan mavzularining mohiyati, badiiyligi va umrboqiyligining mushtarakligi ham shundan. Shoirning hukmicha, har bir farzand bolaligidan o‘z xalqining vakili ekanligi va shuning uchun dunyoga kelganligini his qilishi hamda shu vazifani zimmasiga olishga o‘zini tayyorlashi lozim. Vatanga fidoyi farzand bo‘lish onaga fidoyi farzand bo‘lish bilan barobardir. Zero, “Dunyoga xizmat ko‘rsatgan va ko‘rsatmagan, yaxshi va yomon odamlar bor. Lekin dunyoga xizmat ko‘rsatmagan onalar yo‘q va hamisha ular farzandlari uchun yaxshi, muqaddasdir” [Hamzatov.2016:148].

Ana shu fidoyilik Vatanni idrok qilish, his qilish tuyg‘ulari bilan hamohang. Vatan ham ona kabi eng muqaddas xilqat. Unga bo‘lgan muhabbat esa eng bokira tuyg‘u sanaladi. Shoir uchun Vatan boyliklarga, zarlarga kon makon emas, eng avvalo, onaga bo‘lgan cheksiz muhabbati, buyuk va taxir o‘tmishni yelkasiga ortib yuqoriga ildamlayotgan onalari bor millat-buyuk sevgiga sazovor ma’vo. Bir she’rida: “Yurtim, boyliklaring-chun sevgan farzand bo‘lsam, kechirma aslo”,– deya murojaat qiladi. Shoir she’riyatida ona tushunchasi Vatan tushunchasining o‘zagini tashkil qiladi. Ayni shuning uchun ham shoir ijodida mehnatkash va bag‘ri keng, “mehmon joy so‘rasa” unga jonini ham beradigan, “eng so‘nggi nonini ham o‘zi yemay o‘g‘liga tutgan” ona obrazi poetik umumlashma hosil qilib, ona obrazi xalq obrazi darajasiga ko‘tariladi. Shuning uchun ham shoirning Vatanga bo‘lgan muhabbatining debochasi onaga muhabbatdir.

Har bir odam safarda yurganida, musofirlikda, eng go‘zal maskanlarni, jannatiy o‘lkalarni tomosha qilib turib, o‘z ona yurtini sog‘inishi, qumsashi tabiiy, albatta. Astrobodda yashagan Alisher Navoiyning Hirotni qumsab, Hindistonda esa Bobur-shohning Andijonni sog‘inib yozgan ruboiylarida, Furqatning nolakor g‘azallarida musofirlikda tanilgan Vatan ruhi-barchasi ona Vatanga cheksiz mehr-muhabbatning hosilasidir. Shoir sog‘inchida ham Vatanda mavjud bo‘lgan va u uchun qadrdon jamiki borliq mujassam. Avvalo, Vatan sog‘inchi ona bilan bog‘liq.

Bilamanki, onalar unda,
Kuzatarlar meni shod, xurram.
Onajonim, ne qilay shunda,
Gar sog‘insam, ko‘z yoshingni man [Орипов. 2021.40].

Qaysi yurtga bormang, u yerda ham ona baribir ona bo‘lib qolaveradi. Ona uchun farzandning begonasi bo‘lmaydi. Siz bilan qanchalik samimiy munosabatda bo‘lsa ham, qalbingiz boshqa bir tanish diydor sari oshiqaveradi. Xuddi shu narsani shoir Vatan deb ataydi. Vatanga, ona qoshiga esa odam hamisha sog‘inch bilan qaytib keladi.

Xulosa. Shoir she’riyatida ona tushunchasi Vatan tushunchasining o‘zagini tashkil qiladi. Shoir nazdida Vatan – bu bag‘ri osmonlardan-da keng, qalbi qaynoq, quchog‘i issiq quvonch va iztiroblar makonidir. Vatan-bu tug‘ilgan va hali tug‘ilajak zurriyodlarning qulog‘iga aytiladigan azondir. U tildir, u iymon, u o‘zligimizdir. Bularning barchasi bizga ona suti va mehri, tarbiyasi bilan butun vujudimizga singadi. Har birimizning taqdirimiz Vatan va ona bilan tutash. Shuning uchun ham shoirning Vatanga bo‘lgan muhabbatining debochasi onaga muhabbatdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМУ, 2015. – Б. 45-46.

2. Hamzatov R. Ayollar ko‘p, Ona-yagona. –T.: “DAVR PRESS” NMU, 2016.
3. Орипов А. Адолат кўзгуси. Бешинчи жилд. –Т.: Адолат, 2005. –Б 42.
4. Орипов А. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. –Б. 243.
5. Орипов А. Адолат кўзгуси. Бешинчи жилд. –Т.: Адолат, 2005. –Б. 54.
6. Oripov A. Shoirning tug‘ilishi. –T.: Adabiyot, 2021. –B. 40.

SHUHRAT MATKARIM NASRIDA RUHIY TASVIR ("MAQAR" ASARI MISOLIDA)

Laylo HAYITOVA
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti tayanch doktoranti

Annotatsiya: *Maqolada taniqli adib Shuhrat Matkarimovning "Maqar" qissasi g'oyaviy-badiiy jihatdan tahlil qilindi, xususan, yozuvchining qahramon ruhiyati tasvirini yaratishdagi o'ziga xosligiga alohida e'tibor qaratildi. Shuningdek, yozuvchi asarlarida badiiy psixologizmni hosil qiluvchi usul va vositalarning ishtiroki xususida so'z yuritildi.*

Kalit so'zlar: *hikoya, obraz, ruhiy-psixologik tasvir, realizm, ijtimoiy hayot, davr, portret.*

Abstract: *In the article, the short story "Maqar" by the famous writer Shuhrat Matkarimov was analyzed from an ideological and artistic point of view, in particular, special attention was paid to the author's originality in creating the image of the hero's psyche. Also, in the works of the writer, there is talk about the participation of methods and tools that create artistic psychology.*

Keywords: *story, image, psychological image, realism, social life, period, portrait.*

Yozuvchi Shuhrat Matkarimning yangi qissasi "Maqar" deb nomlanadi. Qissa syujeti qiziqarli. Ayniqsa, mustabid tuzum vakillari tomonidan olovga otilgan "Qur'oni karim"ni olish uchun qo'lini o'tga tiqqan Mulla ota, o'z amakisi tomonidan qo'rqinchli dala yo'llariga yolg'iz jo'natilgan Nafisa voqeasi, bir nechta farzand tarbiyalab oxirgi daqiqalarigacha o'z tirikchiligi uchun o'zi

mehnat qilgan ota fojiasi o‘quvchini mushohadaga chorlaydi. Kitobxon asarni boshdan oyoq katta qiziqish bilan o‘qiydi. Syujet o‘quvchini o‘ziga tortadi, ammo adib voqealar ketidan quvmaydi. Bosh qahramonning iti - Yo‘lbarsga aytgan fikrlari, xotiralari qissa asosini tashkil etadi. It obrazi muallif badiiy g‘oyasini yoritishda muhim rol o‘ynaydi. Yozuvchi itni cholning oqibatsiz farzandlari bilan parallel tasvirlaydi. Chunki umri davomida o‘nta farzand tarbiyalagan otaga birorta bolasi itchalik vafo qilmaydi, suyanchiq bo‘lolmaydi. Voqealar Maqar tilidan hikoya qilinadi. Maqar – hikoya bosh qahramoni Ho‘sinning laqabi. U sakson yoshdan oshgan chol, oddiy odamlarning biri. Ammo Maqarning oddiyligida qandaydir buyuklik bor. Uning hayoti misolida “Buyuklik xokisorlikdadir” degan naql yana bir bor isbotini topadi. Bu chol halim tabiatli, yumshoq ko‘ngilli inson. O‘z xarakteri haqidagi eng to‘g‘ri xulosani Maqarning o‘zi aytadi: “Men umr bo‘yi hech kimga qoshimni chitmadim”. Birgina shu “qoshini chitmoq” iborasi obraz portreti to‘laqonli shakllanishida muhim o‘rin tutadi. Umuman, Shuhrat Matkarim obrazlari portretini maromiga yetkazib tasvirlaydi. Chunonchi, qissa boshida it portreti shu qadar mukammal chiziladiki, go‘yo hayvon emas, inson tasvirlanyapti-yu, adib uning ruhiyatini ochib beryapti. Shu nuqtadan boshlab itning chol uchun qayg‘urishi, unga dalda bo‘lishi tabiiy tuyula boshlaydi. Ota umrining oxirgi kunlarida dahshatli dardga, chidab bo‘lmas og‘riqqa jimgina toqat qiladi. O‘zidan dindor, mulla yasab olgan, aslida din-diyonatdan juda yiroq kenja o‘g‘il otasining bu ahvoliga bee’tibor qaraydi. Otasini ko‘rishga kelgan Zuhra (u Maqarning eng sevimli qizi edi) akasining bemalol oshni paqqos tushirayotganidan g‘azablanadi, yana bu osh doim Maqar ovqatlanadigan laganga suzilgan edi. Yozuvchi bu detal orqali ko‘p narsani anglatadi. Lagan Maqar uchun qadrli edi, chunki unda cholning bobosi ovqatlangan, Ammo bu buyum o‘g‘il uchun hech narsani anglatmaydi, hech bir qiymatga ham ega emas. Bu Zuhraga juda yomon ta’sir qiladi. Allaqachon

otasi dunyodan o‘tgan-u o‘rnini aka egallaganday. Otadan ayrilish qo‘rquvi, iztirobini, yosh avlodning qadriyatlarga befarqligini bu qadar teran va yorqin tasvirlash yozuvchining katta iste’dod va mahorat egasi ekanligidan darak beradi.

Shuhrat Matkarim – realist yozuvchi. Uning barcha qahramonlari real hayotdan olinadi. Yozuvchi oddiy voqealardan ham shunaqa tasvir yaratadiki, uning ta’siridan o‘quvchi ancha vaqtgacha chiqolmay yuradi. To‘rt yoshli qizaloqni sovuq tunda uzoq yo‘lga it bilan yolg‘iz jo‘natib o‘zi xotirjam uxlash uchun odam qanday mavjudot bo‘lishi kerak? Shunday yashash uchun odam qanday fikrlashi kerak? E’tibor bering, u Nafisani tirik yetib kelganini yuvmoqchi bo‘lyapti, demak, uning yetib kela olmasligi ehtimoli borliginiyam yaxshi bilardi va unga buning hech qanday qizig‘i yo‘q edi. Kitobxon bu o‘rinda inson degan oliy hilqatning shu qadar tubanlashishidan ta’sirlanadi, nafratlanadi va nihoyat achinadi. Badiiy adabiyotning eng asosiy xususiyatlaridan biri ham o‘quvchiga hissiy ta’sir o‘tkazish, fikrlashga undash emasmidi? Demak, yozuvchi “Maqar” qissasi orqali o‘z badiiy niyatiga erishadi.

Shuhrat Matkarim yangi qissasi bilan bugungi jamiyatimizga ko‘zgu tutgan, desak ham bo‘ladi. Odam bolasining eng katta fojiasi nimada? “Maqar”, eng avvalo, shu savolga javob topish uchun yaratilgan asar, nazarimizda. Odam tirikchilikka qanchalar kuchli ahamiyat bersa, hayotining asosiy maqsadiga aylantirsa, o‘zining inson sifatidagi oliy maqomini, o‘rnini va sharafini shunchalik yo‘qotib borar ekan. Maqarning o‘limoldi o‘y-xayollari, xulosalari va armonlari insoniylikni qo‘ldan bermay yashashga chaqiriq sifatida yangrayotganday. Cholning mislsiz og‘riqlarga miq etmay bardosh berib bir nuqtaga tikilib yotishida bir olam ma’no bor edi. Bu nigohlarga bardosh bera olmayotgan Zuhraning og‘riqlari o‘quvchi yuragiga ko‘chadi. Zuhraning iztirobi, dardi, alamini ich-ichidan kitobxon ham his qiladi. Beixtiyor o‘zingizning farzand sifatidagi pozitsiyangiz, ota yoki ona sifatidagi

rolingiz qandayligini taftish qila boshlaysiz. O‘zingizdan, vijdoningizdan so‘raydigan o‘nlab savollar paydo bo‘la boshlaydi. Ko‘rinadiki, adib faqat bosh qahramonning emas, asardagi boshqa qahramonlar ruhiyatini ham yetarlicha yoritadi.

Adabiyotshunos, filologiya fanlari doktori M.Qo‘chqorova “Maqar” kitobining so‘zboshisida shunday yozadi: “Qissa qahramoni qariya Maqar nihoyatda bosiq, yuvvosh, oxiratini o‘ylab, “Men o‘zim kimman?” “Men yaxshi odammanmi?” “Men tarbiyalagan bolalar qanday?” degan savollarga narigi dunyoga safari yaqinlab, uzoq o‘ylanib, iti bilan suhbatlashadi. Nazarimizda, qahramonning uydan ko‘lga, ko‘ldan uyga keta turib, sadoqatli iti bilan suhbat qurishi jahon nasrining o‘ziga xos adabiy tajribalarini eslatadi. Shuhrat Matkarim ana shu ilg‘or adabiy tajribalarni o‘zlashtirgan va o‘ziga xos qissa yaratgan. Maqar chol va Xorazm yo‘lbarsi o‘rtasida kechgan suhbatlarda bir tomon gapiradi, ikkinchi tomon esa jimgina eshitadi. Sukutda o‘tiradi, dumini likillatib yuradi. Aslida, Maqar ham, it ham qarib qolgan. Ikki qari do‘st, ya’ni sohib va it bir-biriga darddosh bo’lib, uzun yo‘lning tanobini tortib o‘tishga muvaffaq bo‘lishadi.” [6: 7]

Maqar tasodifan topib olgan va keyinchalik uning eng sodiq do‘stiga aylangan itning Xorazm yo‘lbarsiga o‘xshatilishi ham bejizga emas. Sh. Matkarim uslubining o‘ziga xosliklaridan biri shuki, yozuvchi har bir asarida imkon qadar Xorazm madaniyati, tarixi va unutilib borayotgan qadriyatlarini tilga olishga intiladi.

Qissada Xorazm shevasiga oid dialektizmlardan keng foydalaniladi. Mahoratli adib benazir asarlar yaratish barobarida o‘g‘uz lahjasiga mansub bir nechta so‘zlarning yashab qolishiga o‘z hissasini qo‘shmoqda. Turk, ozarbayjon tillari bilan tanish mutaxassislar bilishadiki, shevalarimizdagi ko‘plab so‘zlar ularning adabiy tilida mavjud. Bizda esa ular yillar davomida (katta avlod o‘tib borishi bilan) yo‘qolib bormoqda. Milliy tilimizning adabiy tilga kiritilmay qolgan noyob birliklari talaygina. Shu jihatdan olib qaralsa, Shuhrat Matkarimning bu mehnatlari tahsinga sazovor.

M. Qo‘chqorova “Maqar” haqida gapirar ekan, uni “ekspirement asar”, deya baholaydi: “Qissa matnida Xorazm shevasiga doir yuzlab iboralar, xalq maqollari, qarg‘ishlari, so‘zlari qo‘llanilgan. Bu alohida tadqiqot hadafi bo‘lishga arziydi. Shunisi muammoki, Xorazm shevasiga doir leksik qatlamni qo‘llashda biroz me’yor saqlangani ma’qulmidi… Shu ma’noda, biz bu qissani “ekspriment asar” deb baholadik. Bundan ancha yillar oldin adabiyotshunos N.Vladimirova adabiyotda o‘tkazilgan adabiy-badiiy tajribalar hatto ular yomon natija bersa ham, yangiligi bilan o‘rganishga arziydi, deganida naqadar haq edi. Shuhrat Matkarim ijodkor o‘zbek adabiy tilda to’liq ijod qilishi lozim degan qoidani qaysidir darajada buzdi. Nasrdagi aynan shu to‘ntarish qilishi bilan ham qissaning mazmuniy tomoniga ma’lum ma’noda yangilanish qila oldi, deyishimiz mumkin.”[6:6]

“Maqar” – original tasvir, tashbeh va ifodalarga boy asar. Yozuvchi Xorazm shevasida mavjud o‘xshatish, ibora va naqllardan foydalanib, shu paytgacha birorta badiiy asarda ishlatilmagan yangicha tasvirlar yaratadi. Shuningdek, adibning dialektizmlardan unumli foydalanishi ko‘z o‘ngimizda Maqar obrazining qandaydir to‘qima obraz emas, konkret bir shaxs, zamondoshlarimizning biri sifatida gavdalanishiga yordam beradi. Cholning qayg‘ulari, iztiroblari qisman shu tuproq bilan, Xorazmda yo‘qolib borayotgan ko‘llar, tabiatning bebaho boyliklari bilan bog‘liq edi: “Maqar yana qurib ketgan ko‘llar haqida o‘ylay boshladi. Ularning ko‘pi uning ko‘z oldida qurigan. Shu ko‘llarni o‘ylaganda Maqarning yodiga, albatta, otasi ham tushadi: “Otam kabi qurigan ko‘llar, yo‘qsizlikka yuzlangan ma’vo, - pichirladi Maqar qizining satrlarini. – Qizim to‘g‘ri yozgan. Men ham ko‘llar, bepoyon cho‘llarni otamga o‘xshataman. Otam ham endi yo‘q, bular ham. Otam ham bir boshqacha odam edi”. [6:46] Ko‘llar qissa falsafiyligini oshirishga xizmat qilgan muhim timsollardir. Yozuvchi bir tomondan ona tabiatning zararlanishiga kuyinsa, ikkinchi

tomondan ko‘lning qurishi bilan odamlar qalbida qurib borayotgan iymonga ishora qiladi.

Qissada Maqar haqida shunday fikr mavjud: “To‘g‘rirog‘i, u oilasi uchun atrofni o‘rab turgan havoday bo‘lgan ekan. Odam nafas oladi, ammo havoni ko‘rmaydi. Undan minnatdor ham bo‘lmaydi. To‘g‘ri-da, u havo-ku, nega minnatdor bo‘lsin? Havoning vazifasi tirik jonga hayot ato qilib turish. Buning uchun minnat etish emas”. Darhaqiqat, otalarimiz bizga beminnat hayot ato etib turuvchi havodir. Qanchalar o‘rinli qiyos. Adabiyotimizda otalar sha’niga maqtov, turli ta’riflar yetarlicha edi. Ammo otaga bunday ta’rif berish Shuhrat Matkarim yaratgan topilma, o‘ziga xos yangilik bo‘ldi. “Maqar”da ostiga chizib o‘qiladigan, yon daftarga qayd qilib qo‘yiladigan bunday yangi va yaxshi hikmatli so‘zlar talaygina. Bu ham qissa o‘qishliligini kuchaytiradi.

Adib qissani asar falsafasiga juda mos tarzda, O. Matjonning “Maqar” ruhiyatiga uyg‘un satrlari bilan yakunlaydi:

“Bu g‘urbat dashtidan nechuk o‘tdim men,
Kimlarga ishonib jadal etdim men?!
Izimga qarasam, jilmayib turgan
Ishq bilan Iymonni idrok etdim men.

Ehtimol, oxirgi damlarida Maqarning quruqshoq, oppoq va tars yorilib ketgan lablari ushbu satrlarni shivirlagan bo‘lsa ajab emas.

Ehtimolga juda yaqin edi bu…” [6:110]

Xulosa shuki, “Tuproqning xorligi-yu, suvning sassizligi bilan tug‘ilgan” Maqar o‘ziga xos yaratilgan, tirik, jonli va betakror obraz sifatida adabiyotimiz xazinasidan munosib o‘rin olishi shubhasiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. D.Quronov, Z. Mamajonov, M.Sheraliyeva. Adabiyotshunoslik lug‘ati. T.: “Akademnashr”, 2013.

2. Karim B. Ruhiyat alifbosi. –T.: G‘.G‘ulom nashriyoti NMIU , 2016. - 364 b.

3. Karimov B. XX asr o’zbek adabiyotshunosligida talqin muammosi (Qodiriyshunoslik asosida): fil.f.d. diss. – Toshkent: 2002. – 304 b.

4. M. Boboxonov. Hozirgi o‘zbek qissachiligida psixologizm. Fil.f.n.

diss. – T.: 2023.

5. Matkarim. Sh. Kun shunday boshlanadi. T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2017.

6. Matkarim. Sh. Maqar. T.: “Tubo nashr”, 2024. 213 b.

“ET CETERA” – SHOIR KECHINMALARI

Ergasheva Habiba O‘ral qizi
Tayanch doktorant,
A.Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU

Annotatsiya. Ushbu maqolada shoir Faxriyorning “Izlam” kitobidan o‘rin olgan, ijodkorning o‘zi tomonidan “Et cetera” (lot) – va hokazo, deya nomlangan lirik parchalar haqida so‘z yuritiladi. Ushbu parchalar shoirning xayollari, ruhiy holati natijasi o‘laroq goh bir jumla, goh bir misra, gohida esa bir band ko‘rinishida namoyon bo‘ladi.

Kalit so‘zlar: gunoh, ko‘ngil, vujud, o‘tteg, ko‘zyosh, mazlum, manglay

Annotation. This article talks about the lyrical passages from the book “Izlam” by the poet Fakhriyor, called “Et cetera” etc. by the creator himself. These pieces are the result of the poet’s thoughts and mental state , sometimes they appear in the form of a sentence, sometimes a verse, and sometimes a paragraph.

Keywords: sin, mind, body, iron, tears, oppressed, forehead

Ijod olami – xayol dunyosi. Xayol – ijodkorga berilgan iste’dod va tafakkurning yuzga chiqishi uchun xizmat qiladigan maydon. Xayolni yolg‘izlik yanada qo‘llab-quvvatlaydi. Ayniqsa, bu omillar shoir uchun juda muhim jarayon hisoblanadi. Haqiqiy she’r shoirning nafaqat kuzatishlari, balki xayollari, kechinmalari, ruhiyati uyg‘unligida dunyoga keladi.

Shoirlar ilhom, she’r yozish jarayoni haqida gapirishganda she’r oniy lahzada paydo bo‘lishi, hatto she’r yozayotganda ohang, qofiya, ritm o‘z-o‘zidan quyilib kelishi haqida ko‘p bora ta’kidlashgan. Ammo ayrim holatlarni ifodalovchi shunday jumlalar bo‘la-

diki, ularni na she'rga sig'dirib bo'ladi, na voz kechib bo'ladi. Bir qarashda oddiy misradek ko'ringan parcha ba'zan butun bir she'r boradigan ma'nodan-da ko'proq mazmunga ega bo'ladi. Faxriyor 2012-2017-yillarda yozilgan misralarni jamlab, "Et cetera" – va hokazo, deb nomlaydi. "izlam" to'plamidan o'rin olgan bu parchalar o'xshatish va so'z o'yinlariga boy bo'lib, o'z o'quvchisini chuqur mushohada va keng muhokamaga chorlaydi. Faxriyorning bu kabi lirik parchalari bir ko'rishda O'tkir Hoshimovning "Daftar hoshiyasidagi bitiklar" kitobini yodga soladi. Muallif izoh berganidek, aslida ularning har biri yaxshi bir asarga mavzu bo'la oladigan voqealarni o'zida mujassamlagan. Balki shunisi bilan bunday parchalarning badiiy-mazmuniy qiymati yuqoridir.

Badiiy adabiyotda sevgi azaliy va abadiy mavzu hisoblanadi. Oshiq ko'ngli hamisha mashuqada bo'ladi. Mashuqa shodlansa, shodlanadi, ranjisa, ranjiydi. Mashuqa qayerda bo'lsa, ko'ngil ham hamisha o'sha yerda bo'ladi. Bu holatni Faxriyor "Ko'ngil bu kecha ham uyda yotmadi' [Faxriyor. Izlam. 2023, 247], deya izohlaydi. Yana bir o'rinda esa taqdir haqida: "Suyak surar... taqdir ham" deydi. Ma'lumki, "suyak surish" iborasi irsiy kasalliklarga nisbatan ishlatiladi. Bu ibora taqdirga nisbatan qo'llanganda biroz g'aliz tuyilishi tabiiy hol. Lekin chuqurroq o'ylaydigan bo'lsak, ota-onaning hayot yo'li, taqdiri kun kelib farzand taqdiriga, albatta, o'z ta'sirini ko'rsatadi. Oiladagi muhit inson kelajagi uchun birlamchi vosita ekanligi sir emas. Ijodkor bu holatni shoirona mahurat bilan tasvirlaydi. "Lirik kechinma tashigan ma'no "ruhning oniy bir jilvasi" bo'lishi yoki "xulosayi dunyo" , ya'ni, "umr xulosasi" ham bo'lishi mumkin. Lirika ana shunday cheksiz oraliqda so'z yuritadi. Lirik kechinma lirik she'r doirasida bir xalqali, bir planli, soda bo'lishi yoki ko'p xalqali, ziddiyatli, murakkab bo'lishi ham mumkin" [Адабиёт назарияси. II том., 1979, 244]. Haqiqatki,

Shoir armonni bir o'rinda zirqiragan tish og'rig'iga qiyoslasa, yana bir o'rinda esa tuzalmaydigan xastalik tashxisi deydi:

Vaqt kun bo‘lib,
ko‘zyoshlar bo‘lib,
qocha boshlar vujuddan,
armon esa – tuzalmaydigan xastalik tashxisi.

[Faxriyor. Izlam. 2023, 247]

Inson umri davomida orzular qiladi, ularning ayrimlariga erishadi, erisha olmaganlari esa armonga aylanadi. Armon nomi bilan armon, u hech qachon amalga oshmaydi. Bir umr inson qalbini o‘rtayveradi. Shuning uchun ham shoir uni tuzalmas xastalik deya ta’riflaydi. “Faxriyorning bitiklarini tuyish va ta’sirlanish, modern adabiyotining barcha yaxshi namunalarida bo‘lgani kabi, o‘qib tugatilgandan keyin boshlanadi. Undagi yashirin ma’nolarni har kim o‘z holiga yarasha aniqlaydi, chog‘I kelar darajada anglaydi, tafakkur va ko‘ngli imkon bergan miqyosda ta’sirlanadi” [Yo‘ldoshev Q., Noziklashuv jarayoni., 2014]

Daraxt shoxlariday
qarsillab sinar
so‘z
qoq belidan

Daraxt shoxi nimadan sinishi mumkin? Qishda qorning muzga aylanib yoki ko‘p meva solganda uning og‘irlik qilishidan qarsillab sinadi, yana bir holatda esa shox qurisa, uning sinishidan qarsillagan ovoz chiqadi. Demakki, ijodkor uchun so‘z sinishi oddiy holatmas, so‘z sinishi – bildirilgan fikrni inobatga olinmasligi, haqiqatni ko‘tara olmasligi yoki so‘z o‘z kuchini batamom yo‘qotishi natijasida yuzaga keladi. Ijodkor uchun bu – fojia. Boshqa bir o‘rinda shoir shu holatga ishora beradigan parcha keltiradi:

Yozilmagan she’rlar gunohi
qandoq yuvilar?

So‘z o‘z kuchini yo‘qotdi – sindi. Endi shoir uchun yozish qiyin, yozmaslik – gunoh. Va bu gunoh haqiqiy shoir yuragini o‘rtayveradi. “… haqiqiy ijodkorning sochib tashlangan yaratiqlarini zimdan bir-biriga uyali telefonday bog‘lab turuvchi yagona obrazlar tizimi, umurtqaday qadrostlab, bo‘y ko‘rsatuvchi – tashbeh, metafora, ramz-u timsollari ichida MENman deb turgan O‘Zi, SO‘Zi bo‘ladi” [Турдимов Ш. “Вақтсизлик”ка эркин мухаммас. 2017]

Faxriyor ijodida betakror so‘z o‘yinlariga ko‘p duch kelamiz. Bunday so‘z o‘yinlari kichik lirik parchalarda ham namoyon bo‘ladi:

Love-ullaydi ko‘ksingda yurak,
o‘ttegisiz yonar ishq o‘ti.

Birinchi qatorda ingliz tilidagi so‘zning talaffuzidan foydalanib, o‘zbek tilidagi qo‘shimcha yordamida so‘z hosil qilingan bo‘lsa, keying qatiorda hozirda iste’moldagi dazmol so‘zining etimologiyasiga ishora qiladi. Dazmol qadimda “o‘tli yuk” tarzida qo‘llanib, rus tiliga “утюк” tarzida o‘tganini bilamiz. Bu so‘z keyinchalik xalqimiz orasida “o‘ttek” deb talaffuz qilingan. Tilshunoslikdan xabari yo‘q inson Ushbu jumlaning ma’nosini anglashi qiyin bo‘lishi mumkin. Faxriyor intellectual shoir, shu bilan bir qatorda, she’rlari orqali o‘z o‘quvchisidan ham har tomonlama bilimdonlikni, izlanuvchanlikni talab qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Адабиёт назарияси. II том., Тошкент – 1979. B. 449.
2. Faxriyor. Izlam. T.: Akademnashr, 2023. B. 448.
3. Турдимов Ш. “Вақтсизлик”ка эркин мухаммас. 2017 Faxriyorning “Izlam” kitobiga so‘zboshi
4. Yo‘ldoshev Q., Noziklashuv jarayoni. “Yoshlik” jurnali 2014-yil 10-son.

“JAZIRAMADAGI ODAMLAR” ROMANIDA SYUJET UNSURLARI: EKSPOZITSIYA

Yulduz Turdiyeva
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU
3-kurs tayanch doktoranti

Annotatsiya: Mazkur maqolada Luqmon Bo‘rixonning “Jaziramadagi odamlar” romanidagi syujet unsurlari, ayniqsa ekspozitsiya turi alohida badiiy tahlil etiladi. Tahlil davomida ekspozitsiyaning to‘g‘ri va kechiktirilgan turlariga namunalar keltiriladi, yozuvchining ekspozitsiya keltirishdagi o‘ziga xos badiiy uslubiga alohida e’tibor qaratiladi.

Kalit so‘zlar: syujet, syujet unsurlari, tugun, ekspozitsiya, individual uslub, kechiktirilgan ekspozitsiya.

Annotation: The article analyzes the plot elements of Lukman Borikhon’s novel “People in a heat”, features of the type of presentation. The analysis provides examples of correct and delayed types of exposure, with special attention paid to the uniqueness of the author’s artistic style in presentation.

Key words: plot, plot elements, node, exposure, individual style, delayed exposure.

Adabiy asarning muvaffaqiyatini ta’minlovchi jihatlardan biri, aytish joiz bo‘lsa, badiiy talablaridan biri voqealarning muayyan syujet asosida tasvirlanishidir. Zero, yozuvchi badiiy niyatini, g‘oyasini ifodalashda qahramonlarini ma’lum voqelikka, ijtimoiy munosabatlar qurshoviga, voqealar rivoji to‘lqiniga tashlaydi va o‘zi yaratgan hayot manzarasida ularning taqdirini, xarakterini, his-tuyg‘ularini, ziddiyatlarini ochib beradi. Bu salmoqli vazifa esa syujet asosida amalga oshiriladi. Muallif tasvir-

lashni maqsad qilgan voqelikni tartib bilan kitobxonga yetkazib berish ham syujetning vazifasidir. Koʻp oʻrinlarda syujet unsurlaridan mahorat bilan foydalanish asar ta'sir kuchini oshiradi. "Syujet yozuvchiga xarakter va sharoitni rivojlanishida hamda koʻp tomonlama koʻrsatish, odamlar orasidagi munosabat va ziddiyatlarni yuzaga chiqarish imkonini beradi. Bunday tasvir asarda qoʻyilgan maqsadga toʻliq erishilishi va koʻzda tutilgan gʻoyaning ifodalanishi uchun keng imkon beradi" [Худайбердиев Э., 2008; 72].

Luqmon Boʻrixonning "Jaziramadagi odamlar" romanida syujet unsurlarining turli oʻrinlarda kelganini koʻrishimiz mumkin. Badiiy asar muallif qalbidan toʻlib-toshib chiqqan tuygʻularning, fikrlarning mahsuli ekan, uni qat'iy qolipda, qoidalar asosida tasvirlash mushkul ishdir va shu jihati bilan ham syujet unsurlarining turlicha qoʻllanilishi normal holatdir. Roman voqealari asarning asosiy qahramonlaridan biri, voqealar tafsilotini oʻz tilidan berib boruvchi Samadning "Ashur qamoqdan chiqibdi" degan xabari bilan boshlanadi. Ashurning kimligi, nega qamalganligi bizga qorongʻu. Asarning mana shunday tugun bilan boshlanishi kitobxonning qiziqishini yanada orttiradi. Asarlarning voqealar boʻladigan joy, qahramonlar tasviri bilan boshlanishi, ya'ni ekspozitsiyaning asar boshlanishida berilishi koʻpgina badiiy asarlarga xos boʻlgan an'naviy uslubdir. Ammo "Jaziramadagi odamlar" romanida tugundan soʻng ekspozitsiya, ekspozitsiyaning kechiktirilgan turi beriladi. Ya'ni Samad otasidan olgan maktubi, qayerda tahsil olishi haqida oʻquvchiga tushuntirish beradi. Bunday oʻziga xos kichik "kirish"dan soʻng Samad asar voqealarini qishlogʻi ta'rifidan boshlaydi. Shu oʻrinda, ekspozitsiya va voqealar rivojining yonma-yon, ketma-ket kelganligiga guvoh boʻlamiz. Samad qishloqdoshlarining choʻlga qanday qilib kelib qolganligi haqida hikoya qilar ekan, orada asar qahramonlari haqida ma'lumot berib oʻtadi. Bu kabi tushuntirish-ekspozitsiyalar sochma tarzda asarning turli oʻrinlari-

da berilganini koʻramiz. Zero, “Ekspozitsiya asarda ishtirok etuvchi shaxslarning badiiy his qilinayotgan ziddiyat davomidagi xatti-harakatlarini dalillash vazifasini oʻtaydi; xayollari, oʻsish, ulgʻayishlari toʻgʻrisidagi maʼlumotlar turli oʻrinlarda beriladi” [Султон (И., 1986; 75]. Yanada aniqroq qilib shuni aytish mumkinki, ekspozitsiya asardagi voqealar, qahramonlar hayoti haqida toʻliqroq maʼlumot berishda, kitobxon uchun asar mazmunini yanada ochib berishda xizmat qiladi. Asar boshlanishida Safarmurod chavandozning xarakter qirralarini hamda 41-sovxozning choʻlga koʻchib kelishi haqida maʼlumotni beruvchi Safarmurodni choʻldagi sharoitlarni kelib, koʻrib ketib, qishlogʻiga qaytib odamlarni choʻlga koʻchishga “agitatorlik” qilgani haqidagi voqea ekspozitsiyaning yuqorida keltirilgan vazifalaridan biridir.

Yozuvchining ekspozitsiya kiritishdagi oʻziga xos uslubi, asarga yangi qahramon kirib kelishi yoki biror qahramon haqida gapirilganda, bu obraz haqida shu oʻrinning oʻzidayoq maʼlumot berib oʻtilishidadir. Samadning uylariga otasining ham sinfdosh, ham qishloqdosh ulfatlari mehmon sifatida oilaviy tashrif buyurar ekan, hikoyachi ularga taʼrif berib, Safarmurod chavandozning ayoli haqida toʻxtaladi va otasi tomonidan bu ayolga “Bu ayol emas, sirli kitob” deya bergan taʼrifini keltirar ekan, Toshbibi checha bilan Safarmurod chavandoz hayotiga doir, ularning taqdirini belgilagan, Safarmurod va Toshbibi chechani bir oila boʻlishiga sabab boʻlgan “Jangnoma” kitobi haqidagi voqeani bayon qilib oʻtadi. Bu ekspozitsiya orqali oʻquvchiga nafaqat Toshbibi, balki Safarmurod chavandozga xos xarakter tasavvuri yanada ochib beriladi. Ahamiyatlisi shundaki, yuqoridagi ilmiy taʼrifga monand yozuvchi qahramonlarining harakatlari sabablarini, holatlarini ekspozitsiya yordamida tushuntirib dalillab ketadi. Aksariyat asarlarda qahramonlar xarakteri shakllanishi, oʻtmish hayotiga doir maʼlumotlar – ekspozitsiyalar alohida oʻrinlarda, voqealar rivojidan uzilgan holda, toʻxtalib berib oʻtilsa, Luqmon Boʻrixon ekspozitsiyani voqealar rivojidan uzilma-

gan holda, mohirlik bilan kiritib ketadi. Bu asarning o‘qishliligini oshirib, kitobxon ishtiyoqini bo‘g‘ilib qolishidan asraydi. Shu boisdanmi, butun bir romanni yaxlit tarzda, bir nafasda tutilmay o‘qiysiz, go‘yo. Yozuvchining ekspozitsiyadan foydalanishdagi alohida uslublaridan yana biri shundaki, muallif asardagi kichik qahramon, ya’ni ilmiy tilda epizodik obraz deb nomlangan epizodga ham ekspozitsiya keltiradi. Asar bosh qahramonlaridan sovxoz direktori Chinor Moyliyevning rafiqasi Maysara yanga haqidagi ekspozitsiya, yuqorida keltirganimiz Toshbibi checha haqidagi ekspozitsiyalar shular jumlasidandir. Bu o‘rinlarda ekspozitsiya bir xil, zerikarli tushuntirish usulida emas, Samadning tilidan hikoya tarzida beriladi. Samad Maysara yanganing tashqi ko‘rinishi haqidagi otasi tomonidan aytilgan “Tag‘in bitta fili bor” ta’rifini keltirar ekan, quyida kechiktirilgan ekspozitsiya tarzida Maysara yanganing muhabbat tarixini, yoshlik davrlaridagi hammani rom etgan go‘zalligi haqidagi hikoyani keltiradi. Yozuvchining bu o‘rindagi uddaburonligi Chinor Moyliyevning o‘tmishini ham bira to‘la yoritib o‘tishida namoyon bo‘ladi. Asarda Chinor Moyliyev portreti “…chap oyog‘i oqsoq…” tarzida chizilgan bo‘lib, o‘quvchiga direktorning qanday qilib bu ahvolga tushib qolganligi qorong‘u bo‘lib qoladi. Kechiktirilgan ekspozitsiyada Maysara yanganing hozirgidan butkul farq qiluvchi chiroyli tashqi ko‘rinishi, bu go‘zallik yigitlar o‘rtasida mushtlashuvlarga sabab bo‘lgani tasvirlanar ekan, Maysara yanganing o‘zi bu ko‘rimsiz va cho‘loq yigit – Chinorni tanlagani, shu o‘rinda Chinorning oqsoq bo‘lib qolishiga sabab bo‘lgan tog‘liklarning udumi qistirib o‘tiladi. Albatta, Chinorning oqsoqligida ham bir razmiy ma’no yashiringan va bu ramziylik sababi ekspozitsiya orqali dalillanib ishonchli tusga kiradi. Shuningdek, Maysara yanga obrazini biz faqatgina asarning ikki yo uch o‘rnida ko‘rishimiz mumkin. Unda ham, bu obraz asar voqealariga hech bir dahl qilmay, ko‘ngli ochiq qo‘shni ayol, sovxoz direktorining xiyonatga uchragan jabrdiyda xotini va oddiy ona sifatida namoyon bo‘ladi. Lekin

asarning o‘rtalariga borib ko‘z o‘ngimizda faqat ijobiy fazilatlarga ega inson sifatida gavdalangan halol, jonkuyar raisning qing‘ir qiliqlari, ya’ni Qunduz muallim bilan o‘rtalaridagi ortiqcha gapso‘zlar chiqib qolishi, birdan Chinor Moyliyevdan ixlosimizni qaytaradi. Zero, agar yuqoridagi ekspozitsiyada Maysara yanganing har tomonlama o‘ziga munosib bo‘lgan yigitlarni rad etib, oila a’zolariga qarshi chiqib, ha ijtimoiy, ham jismoniy jihatdan o‘ziga munosib bo‘lmagan Chinorni tanlagani haqida xabardor bo‘lmaganimizda, Chinor Moyliyevning bu harakatlariga e’tiroz, Maysara yanganing ahvoliga esa achinish hissini tuymasdik va asarning mazmuni chuqur anglamasdik. Luqmon Bo‘rixon badiiy uslubining yana bir o‘ziga xosligi aynan shu jihatlarda bo‘y ko‘rsatganiga amin bo‘lamiz. Ya’ni, doimiy an’ana tarziga kirgan bosh va epizodik obrazlar deya asarlardagi, aytish joiz bo‘lsa, “tabaqalanish” bu romanda butkul unutilgan. Yozuvchi, u xoh voqealar rivojini olib boruvchi, xoh voqealar tizginiga ahamiyati yo‘q obraz bo‘lsin, barchasiga birdek munosabatda bo‘ladi, ularning o‘ziga xos jihatlari, xarakter xususiyatlarini tavsiflab o‘tishdan erinmaydi. Luqmon Bo‘rixon o‘quvchilariga roman voqealari davomida duch kelayotgan obrazlar haqida atroflicha, muayyan tasavvurga ega bo‘lishini xohlaydi.

Ekspozitsiyalardagi yana bir o‘ziga xos jihat yuqorida aytganimizdek, qahramonlarning ijobiy yoki salbiy deya alohidalanmasligidir. Inson kamchiliklardan holi bo‘lmagan shaxs sifatida fazilatlarga va qusurlarga ega ekan, bu uning ideal bir obraz sifatida namoyon bo‘lishiga shubha tug‘diradi. L.Bo‘rixon esa asarning hayotiyligini oshiradigan bu jihatga ixtilof qilmagan holda, qahramonlari haqidagi ekspozitsiyalarni ularning bor yaxshiliklari va yomonliklari bilan tasvirlab beradi. Asarning bosh g‘oyasini yuzaga chiqarishda, asosiy voqea-hodisalar boshida turuvchi Ashur va O‘roq obrazlari haqidagi ekspozitsiyalar shular jumlasidandir. Asosiy hodisalar Lolaxon obrazi atrofida sodir bo‘larkan, uning baxtli turmushiga sababchi, sevikli yori O‘roq va

fojeali oʻlimiga sababchi qaynisi Ashur xarakter va dunyoqarashi jihatidan bir-biriga qarama-qarshi obrazlar boʻlsa-da, yozuvchi asosiy voqealardan oldin ularni oʻquvchilarga tanishtirar ekan, ushbu ekspozitsiyalarga xolislik bilan yondashadi. “Oʻsiq-quyuq sochlari, mitti, oʻynoqi koʻzlari, chayir-chaqqon gavdasi, urushqoq, chapani feʼlidan darak berib turuvchi bu Azamat toʻy-tomoshalarda kurash tushar, hatto oʻzidan vazni hiyla ogʻir uncha-buncha atoqli polvonlarni ham allanechuk usullarga solib, chalpak qilib urar, ishqilib chavandozning yuksak eʼtirofini yuz foiz oqlar edi. Maktab jamoasi ham, qishloqdagi bir necha bezori bolalar qatori uni ham sakkizinchi sinfni bitirgach, avrab-aldab tuman markazidagi hunar-texnika bilim yurtiga joʻnatib arang qutilishgan…” [Бўрихон Л., 2012; 29]. Kitobxonning qalbidan chuqur joy olgan, begunoh Lolaxonni shafqatsizlarcha oʻldirgan bu soxta qahramon obrazini, muallif qancha qora ranglarda tasvirlasa, shuncha kam, ammo yozuvchi bir yoqlama fikrlamaydi, Ashurga xos jihatlarni bu ekspozitsiyada umumiy holda tushuntirib oʻtib, keyingi voqea-hodisalarda uning boshqa kamchilik-qusurlarini, oʻzining xatti-harakatlari bilan ochib boradi va xulosani oʻquvchiga qoldiradi. Yoxud Oʻroq haqidagi ekspozitsiyani olaylik, bu asar boshlanishidan beri Oʻroqning kitobxonlarga ilk tanishtiriluvi boʻlib, u haqida umumiy taʼrif beriladi. “Ammo bosh hisobchining katta institutda oʻqiydigan oʻgli Oʻroq koʻp jihatdan otasiga tortgan. Pismiqlarcha yuvosh qaytib yurishlari, xushbichim oq-sariq yuzlari, allanechuk nazokatli kulishlari qishlogʻimizdagi necha-necha qizlarning es-hushini oʻgʻirlagan edi. Ayniqsa, u oʻsha institutga ilashib, ikki-uch oydayoq oliftagarchilikning barcha hadislarini oʻzlashtirib qishloqqa, qisqagina taʼtilga kelgan kezlari olis-yaqindagi qizlarning intiq nigohlariga, sirli-sirli maktublariga koʻmilib ketdi…” [Бўрихон Л. 2012; 30]. Asarning oxirlarida qishloqdoshlari tomonidan shahidlarcha ketgan qahramon darajasiga koʻtarilgan bu obrazning oddiygina, samimiy ekspozitsiyasi yozuvchining qahramonlar

ta’rifida xolislik bilan yondashib, ularning hech bir jihatini bo‘rttirmay, borligicha tasvirlash uslubini ko‘rsatadi. “Jaziramadagi odamlar” romanini tahlil etar ekanmiz, ekspozitsiyaning to‘g‘ri, kechiktirilgan kabi turlarini ko‘rishimiz va yozuvchi uslubiga xos tarzda turlicha tasvirlanganiga guvoh bo‘lishimiz mumkin. Bu muallifning syujet unsurlaridan o‘z badiiy individualligiga ko‘ra ustalik bilan foydalanishini ko‘rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Эркин Худайбердиев. Адабиётшуносликка кириш: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: «Шарқ», 2008. – 368 б.

2. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. 2 – нашри. -Тошкент.: «Ўқитувчи», 1986. – 408 б.

3. Луқмон Бўрихон «Жазирамадаги одамлар»: Роман. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – манбаа ижодиий уйи, 2012. – 324 б.

4. Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларининг бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонқул қиссалари мисолида): Фил.фанлари бўйича фал.. фан.. доктори (PhD) диссертацияси. – Т. Алишер Навоий номидаги ТДЎТваАУ, 2017.

ALISHER NAVOIY QIT'ALARIDA INSON AXLOQI, NAFS TARBIYASI

Almardonova Aziza Almamat qizi
ToshDO'TAU I bosqich tayanch doktoranti
azizaalmardonova96@gmail.

Annotatsiya. Ushbu tadqiqotda Hazrat Alisher Navoiyning nafsga oid qit'alari saralab chiqilgan. Maqolada qit'a janri, uning rivoji haqidagi aniq ma'lumotlar yoritilgan. Qit'alar tarkibidagi nafsni tiyish, qanoatli bo'lish haqidagi she'riy misralar hayotiy misollar asosida o'rganilgan. Tadqiqotda statistik, qiyosiy-tipologik metodlardan foydalangan holda qit'alarning nafs tushunchasi bilan bog'liq ko'rinishlari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: Qit'a, nafs, qanoat, Lut payg'ambar, devon, o'zluk imorati.

Annotation. In this study, Hazrat Alisher Navoi's verses on self-interest have been selected. The article contains specific information about the continental genre and its development. Poems about self-control and satisfaction are based on real life examples. In the study, using statistical, comparative-typological methods, the manifestations of the continents related to the concept of identity were analyzed.

Keywords: Continent, lust, satisfaction, prophet Lut, devan, property building.

Mir Alisher Navoiy ijodini poyoni yo`q dengizga qiyoslasak adashmagan bo`lamiz. Bu daho ijodkorning qalami ila yaratilgan durdonalarni o'rganganingiz sari allomaning yangi qirralarini kashf etaverasiz. Shu bois bo'lsa kerak, uning asarlari bir necha asrlardan buyon olimlar tomonidan o'rganilib kelinadi. Biz ham hazratning inson axloqiga bag'ishlangan satrlarini tahlilga

tortishga harakat qildik. Quyidagi tadqiqotimiz Alisher Navoiyning qit'alari haqida bo'lib, ularda Navoiy nafsni tarbiyalash orqali insonlarni to'g'ri yo'lga boshlaganiga guvoh bo'lamiz. Mumtoz adabiyotimizda qit'a eng murakkab janrlardan biri bo'lib, barcha ijodkorlar ham bu janrda birdek qalam tebratmagan. Chunki qit'a yozishning ham o'ziga xos murakkabliklari bor. Yoqubjon Ishoqovning "So'z san'ati so'zligi" kitobida qit'a haqida quyidagi ma'lumot uchraydi : "(ar.:bir narsaning bo'lagi, parchasi) – mumtoz she'riyat janrlaridan biri. Qit'ada qasida va g'azaldagi singari qofiyadosh matla bo'lmaydi, faqat baytlarning ikkinchi misralari qofiyalanadi. Bu janr matlasi tushib qolgan g'azal parchasiga o'xshab ketganligi uchun "qit'a" nomini olgan. Aslida qit'a mustaqil she'r shakli bo'lib, tugal mazmun va o'ziga xos uslubga ega..."[*Исҳоқов*,2014:273]. Aynan shu kitobda keltirilishicha, qit'a dastlab fors-tojik adabiyotiga, keyinchalik turkiy adabiyotga kirib kelgan. Navoiygacha bo'lgan davrda ham bir nechta ijodkorlar qit'a janrida ijod qilgan. Ammo Alisher Navoiy bu janrga o'zgacha sayqal bergan va uni yuksak san'at namunasiga aylantirgan. Boshqa shoirlar yozgan qit'alardan Alisher Navoiy qit'alarining yana bir farqi ularning har biriga sarlavha berilganidir. Bu an'ana forsiy shoirlardan Anvariy va turkiy shoirlardan Alisher Navoiy ijodida uchrar ekan. Xo'sh, nega Navoiy har bir qit'aga alohida nom bergan? Buning sababi oddiy, sarlavhani o'qigan inson qit'ada qanday g'oya yetakchi ekanligini, uning yozilish sababini, shoirning maqsadini tezroq anglab oladi.

Alisher Navoiy qit'alarini turli falsafiy va hayotiy mavzularda yozishga harakat qilgan. Ammo ular orasida davlat amaldorlariga atab yozilgani ko'plab uchraydi. Xususan, quyidagi **"Devonda muhr bosqondin nafsig'a shikast yetmagani uchun muhrg'a shikast bergani"** nomli qit'a aynan shu mavzuga bag'ishlangan:

Chun manga lutf etti shah devonda muhr,
Bu edi eldin quyi muhr urmog`im

Kim, g`ururi nafsi sarkash man'ig`a,
Barchadin bo`lg`ay quyi o`lturmog`im,
Chun shikasti nafs hosil bo`lmadi,
Mundin o`ldi muhrni sindurmog`im. [*Навоий*,1989:498]

Bizga ma'lumki, Alisher Navoiy hayoti davomida turli lavozimlarda faoliyat olib borgan (muhrdor, hokim, vazir). Yuqorida tahlilga tortmoqchi bo'lgan qit'amiz muhrdorlik bilan bog'liq. Ya'ni bir insonni muhrdorlik lavozimiga kelib, faoliyati davomida nafsini mag'lub qila olmagani uchun o'z vazifasidan ketgani, muhrni sindirgani haqidadir. Bu qit'ada Navoiy har bir insonni, ayniqsa, amaldorlarni o'z vazifasini suiste'mol qilmaslikka, doimo to'g'ri va halol bo'lishga undaydi. Buning uchun esa har bir kishi nafsini tiyishi lozimligini ta'kidlaydi. Shoir qit'alariga razm solsangiz, avtobiografik xarakter kasb etgandek tuyuladi. Ya'ni Navoiy boshidan o'tgan hodisalarni qalamga olganini ko'ramiz. Taniqli adabiyotshunos olim Abduqodir Hayitmetov Navoiy qit'alari haqida shunday degan : *"Navoiy qit'alarining asosiy xususiyati shundaki, ular ko'proq traditsion mazmun va formalar bilan emas, balki to'g'ridan to'g'ri hayot bilan, shoirning turmushi bilan bog'langan. Bu shoirning umri davomida yaratgan kundalik daftari, u yoki bu hodisalar munosabati bilan yaratgan badihalari majmuasi, hayotiy mushohadalari va xulosalaridir*…" [*Ҳайитметов*,1961:52] Bu qit'a ham aynan Alisher Navoiyning hayoti va turmushi bilan bog'liq desak, adashmagan bo'lamiz.

Alisher Navoiyning yana bir qit'asida esa, nafs **"o'zluk imorati"** tushunchasi bilan qo'llanadi:

Kimki o'zluk *imoratini buzdi,*
Bo'ldi naqdi fano aning muzdi.
Ul imoratni buzmayin solik
Bo'la olmas bu naqdga molik. [*Навоий*.2011:496]

Mashhur “G‘aroyib us-sig‘ar” devoniga kirgan qit’adagi bu misralarda, shoir nafsni **“o‘zluk imorati”** deya, tasvirlaydi. Kimda-kim ana shu imoratni buzsa, uning iymoni mustahkam bo‘lganligini e’tirof etadi. Bu yerda xuddi Ibn Sino va Rumiy qo‘llagan “o‘lmasdan turib, o‘lish” konsepsiyasi mavjud. Aynan yuqoridagi misralarni taniqli navoiyshunos Ibrohim Haqqul quyidagicha izohlaydi : *“ “O‘zluk imoratin” buzib, naqdi fanoni qo‘lga kiritish bashariy sifatlardan forig‘ qudratli yangi bir ma’naviy “men”ga sohib bo‘lishdir. “O‘zluk imorati”, albatta, nafs. Undan qutulish iztirobi tasavvuf adabiyotidagi asosiy iztirobdir.”* [Haqqulov,2021:50] Demak, Ibrohim Haqqulning fikricha, nafsni yengan har qanday kishi, o‘z ichki “men”nini topa oladi. Ya’ni o‘zligini anglab, Haq jamoliga erishish mumkin. “Alisher Navoiy she’riyatida fano timsolining irfoniy mohiyati” maqolasi muallifi Alisher Razzoqov esa, “o‘zluk imorati”ni biroz o‘zgacha tahlil qiladi : *“ “O‘zluk imorati” – obrazli tushuncha. Inson tirikligini ta’minlovchi quvvatlar yig‘indisi – “nafsi hayvoniy”ni shu imoratning poydevori yoxud ustunlari deyish mumkin. Kibru havo, manmanlik, molu davlat hirsi, xudparastlik va mansabparastlik singari mayl hamda istaklar “o‘zluk imorati” ning jihozlaridir. U buzilgach, bularning barchasi barham topadi”.*[Razzoqov,2021:171] Har qaysi tahlilga e’tibor bersak ham, misralardagi mohiyat o‘zgarmagan. Asosiy g‘oya – nafsni mag‘lub etish, o‘zlikni anglash, komilikka intilish va Haq jamoliga yetishish. Alisher Navoiy ham aynan, shu g‘oyalarni ilgari surgan bo‘lsa, ajab emas.

Tasavvuf adabiyotida nafsni yengishning eng birlamchi shartlaridan biri qanoatli bo‘lishdir. Chunki sabrli va boriga qanoat qilgan har qanday insonning hayoti go‘zal bo‘lishi barchamizga ayon. Shu bois bo‘lsa kerak, tasavvufiy ruhda yozilgan deyarli barcha badiiy asarlarda qanoat bobi mavjud. Alisher Navoiyning ham bizga mashhur bo‘lgan “Xamsa” asari ichidagi eng birinchi doston “Hayrat ul-abror” dir. Aynan bu pandnoma ruhidagi dostonning 7-maqolati qanoatga bag‘ishlanadi. Dostonda Navoiy

kimki qanoatni o‘ziga kasb qilgan bo‘lsa, qanoat uni boy qilishi haqidagi g‘oyani ilgari suradi. Hazrat Navoiyning shu g‘oyasi quyida tahlilga tortmoqchi bo‘lgan qit’amizga ham tegishlidek go‘yo. **“Qoni vasfidakim, “Alqanoatu kanzun lo yufno” mazmuni bila amal qilur va har necha nafi topsa qanoat qilmas”** nomli qit’ada Navoiy nafsni tiyish orqali qanoatga erishish mumkinligini uqtiradi. Misralarga hayotiylik berish maqsadida misol qilib, qushlarni keltiradi:

Qanoat go`shasin tutqilki, chun anqo bu da`b etti,
Anga qushlar ichinda qurb qofida nishimandur.
Chu parvoriy tovug`ning og`zi tinmas tu`madin garchi,
O`lar oxir anga avval katak zindoni maskandur.

[*Навоий*,1989:540]

Qadimgi Sharq xalqlari afsona, ertak va dostonlarida bosh qahramonga homiy deya ta’riflanadi Anqo qushi. U insonlar ko‘ziga ko‘rinmaydi, qanoti, pati oltin, kumush va boshqadan deb ta’riflanadi. Xalq orasida Anqo baxt, tole, davlat qushi, kimga soyasi tushsa, baxtli bo‘ladi degan fikr mavjud. Alisher Navoiy ko‘plab asarlarida ham bu qushni keltirib o‘tgan. Xususan, qushlar haqidagi “Lison ut-tayr” dostonida. Qit’aning birinchi misrasida shoir qanoatni o‘ziga odat qilgan Anqo qushi haqida aytib o‘tadi. Ikkinchi misrada esa bu qush sabrli bo‘lgani bois, Olloh qushlar ichida faqat unga butun yer yuzini o‘rab olgan tog‘da, ya’ni Qof tog‘ida yashash imkonini berganini ta’kidlaydi. Keyingi ikki misrada esa xonaki tovuqni misol sifatida qo‘llaydi. Ya’ni u qanoatsiz, boriga shukur qilmagani bois bir umr zindonda (katakda) yashashga majbur ekanligini izohlaydi. Tovuqlarni yashash tarzini yaxshilab kuzatsangiz, ularni qanoatsiz ekanligiga yaqqol guvoh bo‘lasiz. Chunki tovuq boqadigan kishilar yaxshi bilishadi, agar parrandalarni katakdan chiqarsangiz, ular egasi oldiga bergan donni emas, boshqa narsalarni ham olishga harakat qilishadi.

Xalqimizda: “Besh qo‘lini og‘ziga solgan” iborasi uchraydi. Bu aynan tovuqlarga tegishli. O‘ylashimcha, tovuqlarning nafsi eng tuban nafs bo‘lsa kerak. Sababi ularni faqatgina katakda bo‘lgan hollarida qanoatli bo‘lishga undash mumkin. Alisher Navoiy ham aynan shunga urg‘u berib, bu ikki jonzotni bir-biriga qiyoslagan. Aslida tovuqlar ham ozod yashashlari mumkin. Bu esa ularning o‘ziga, xulq-atvoriga bog‘liq. Insonlar ham aslida xuddi shunday, Navoiy esa qit’aga majoziy ruh berish orqali uni yanada yaxshi tushuntirishga harakat qilgan.

Xulosa qilib aytganda, nafs tushunchasi hech eskirmaydigan, umrboqiy mavzulardan biri. Uni har bir inson hayoti davomida tarbiyalab borishi mumkin. Aksincha bo‘lsa, nafs insonlarni o‘zining yo‘rig‘iga sola boshlaydi. Shunday bo‘lmaslik uchun har bir kishi halol bo‘lishga, qalbini Ollohga bag‘ishlashga harakat qilishi lozim. Ana shunda turmushi farovon, hayoti go‘zal, topgan-tutganida baraka bo‘ladi. Alisher Navoiy qit’alari bizni ana shu to‘g‘ri yo‘lni topishimizga yordam beradi, desak adashmagan bo‘lamiz. Hayotiy misollar orqali berilgan bu qit’alarni o‘qib, har birimiz o‘zimizni taftish qilishimiz aniq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati :

1.Алишер Навоий.Ғаройиб ус-сиғар.20 томлик.3-том.-Т,1989.Б.540

2.Алишер Навоий.ТАТ.10 жилдлик.1-жилд.-Т,2011.

3.Алишер Навоий.Наводир уш-шабоб.20 томлик.4-том. -Т,1989. – Б.498

4.Исҳоқов.Ё.Сўз санъати сўзлиги. – Т.:Ўзбекистон,2014. – Б.273.

5.Haqqulov.I.Ma’naviy valodat va o‘zlik kamoli. – T.:Alisher Navoiy va XXI asr, 2021. – B.50

6.Ҳайитметов.А.Навоий лирикаси. – Т, 1961, Б.52

7.Razzoqov.A.Alisher Navoiy she’riyatida fano timsolining irfoniy mohiyati. – T.: “Alisher Navoiy va XXI asr”,2021. – B.171

FURQAT G‘AZALLARINING BADIIYATI

Alimqulova Ma’rifat Baxtiyorovna

Annotatsiya. Furqat she’riyati mumtoz adabiyotimizda mavzu jihatidan rang-barangligi, ijodiy ko‘lami keng va badiiyati yuksakligi bilan alohida ajralib turadi. Ishq mavzusi Sharq she’riyati, jumladan, o‘zbek she’riyatining asosiy mavzularidan biri bo‘lib, har bir ijodkor tomonidan yangi tashbehlar bilan ifodalanadi. Furqat ham o‘z asarlarida ishqni majoziy va haqiqiy jihatdan talqin etib, zamirida chuqur hissiyotlar va ijtimoiy muammolarni aks ettiradi. Uning g‘azallari nafaqat shaxsiy kechinmalarni, balki milliy g‘urur va yurt sog‘inchini ham ifoda etadi bu esa uning badiiy mahoratini yanada yuksaltiradi.

Kalit so‘zlar: G‘azal, ishq, poetika, ma’shuqa, oshiq, ijtimoiy muammolar, badiiy tasvirlar.

Annotation. In our classical literature, Furqat poem is distinguished by its diversity, wide scope and high artistic quality. Ishq Sharq poetry, a separate subject, is one of the main themes of Uzbek poetry, and each artist expresses it with new allusions. Furqat also interprets love as a metaphorical and real practice in his works, reflecting deep emotions and social problems. His ghazals express personal personal experiences, but also national pride and homesickness, which further enhances his artistic skills.

Keywords: Ghazal, love, poetics, lover, lover, social problems, artistic images.

Zokirjon Furqat lirik merosining salmoqli qismi asosan g‘azallar bo‘lib, ularning umumiy soni 286 tani tashkil qiladi. Mumtoz nazm an’analarini munosib davom ettirgan Furqat

she’riyati mavzu jihatidan rang-barang, qolaversa, ijodiy ko‘lami keng va badiiyati yuksakdir.

Darhaqiqat, ishq mavzusi Sharq she’riyati, jumladan, o‘zbek she’riyatining asosiy mavzularidan biri hisoblanadi. Adabiyot tarixiga nazar soladigan bo‘lsak, ishq mavzusi har bir ijodkorning ijodiy jarayonidan yangi tashbehlar bilan bezanganini ko‘ramiz. Zero, tatar shoiri Hodi Toqtosh Abziyning: “Muhabbat ul o‘zi eski narsa, ammo har bir yurak uni yang‘orta” deganlaridek, bu ko‘hna mavzuning har bir qalbda alohida yangilik kasb etganini kuzatish mumkin. Adabiyotshunos Rahim Vohidovning ham bu boradagi fikrlari ahamiyatlidir: “Ishqni kuylamagan shoirni va ishq dardi aralashmagan she’rni topish mutlaqo mumkin emas”. [Vohidov, 1996: 142].

Furqat adabiy merosining salmoqli qismini ishqiy lirika tashkil etgan bo‘lib, ularda asosan, ishq tarannum etilgan. Shoir ijodiyoti xorij olimlari tomonidan ham tadqiq etilgan bo‘lib, shunday tadqiqotlardan biri venger olimi Yanosh Ekkman qalamiga mansub Turkiyada nashr etilgan “Harezm, kipcak va cagatay turkcesi uzerine arastirmalar. (Xorazm, qipchoq va chig‘atoy turkchasga oid tadqiqotlar)” dir. Asarda Zokirjon Furqat ijodiga ham alohida o‘rin ajratilgan bo‘lib, shuningdek, tadqiqotda “Yanosh Ekkman Furqatning, eng avvalo, lirik shoir ekanligini ta’kidlar ekan, uning juda ko‘p g‘azallar, bir necha muxammas, musaddas, murabba va bir mustazod yozganligini qayd etadi”, “Klassik tarzda, arabcha va forscha so‘zlar bilan qorishiq bir tilda yozilgan bu she’rlarning bosh mavzui ishqdir” [Ekkman, 1996: 223]. – deya Furqatning ishq tarannum etilgan g‘azallariga baho beradi tadqiqotchi olim Yanosh Ekkman. Shuningdek, olim fikrining dalili sifatida Furqatning quyidagi matlasi bilan boshlanadigan g‘azalini to‘liq keltiradi.

Bir qamar siymoni ko‘rdim baldai kashmirda,
Ko‘zlari maxsuru yuz jodu erur tasxirda.

Muhabbat mavzusining badiiy talqini har qanday shoir ijodining asosini tashkil etadi. Darhaqiqat, Furqat lirik shoir sifatida ishq-muhabbat mavzusining badiiy talqiniga alohida e'tibor qaratdi. Professor Abdurasul Abdug'afurovning yozishicha: "Furqat lirikasida ishq-muhabbat mavzui juda chuqur va nihoyatda keng planda ishlanadi. Shoir g'azallarining ko'pchiligi ishq muhabbat mavzuida bitilgan. U o'z lirikasining mavzui, xarakteri va maqsadi haqida so'z yuritar ekan, quiydagi misralarni yozishga batamom haqli edi:

Ey muhabbat ahli ramzi ishq fahm aylay desang,
Yozilgan xuni jigardin, Furqat, ash'orimga boq!"
[Abdug'afurov, 1977:107].

Zokirjon furqat lirikasida ham majoziy, ham haqiqiy ishq bilan bog'liq beqiyos namunalarni uchratish mumkin. Boshqa mumtoz shoirlarimiz kabi Furqat ham majoziy ishqqa haqiqiy ishq yo'lidagi bir bosqich sifatida qaragan.

Uning "Bulbul" radifli g'azalidan olingan ushbu bayt bunga namuna bo'ladi:

Haqiqiy oshiq ersang, gulga nechuk nola aylarsan,
Xudog'a yig'lag'ilkim, gul emas faryodras, bulbul.

Hazaji musammani solim vaznida (mafoiylun mafoiylun mafoiylun mafoiylun) bitilgan ushbu g'azal shoirning Hindistonga safari davomida yozilgan. Professor A.Abdug'afurov g'azal matla'ida hind xalqiga xos bo'yinga gulchambar taqish odatiga ishora mavjudligiga ko'ra uning Hindiston safari vaqtida yozilganligini ta'kidlaydi.[Abdug'afurov, 1977:107].

Shoirning ushbu g'azalini tahlil etgan filologiya fanlari doktori professor N. Jabborovning yozishicha: "Kalomi jomi' san'ati bilan muzayyan bo'lgan mazkur bayt mohiyatida bulbulga muro-

jaat etish orqali “Haqiqiy oshiq masnu’ (yaralmish)ga emas, Soni’ (yaratguvchi)ga nola qilishi, yig‘lashi kerak. Zero, faryodras-ya’ni oshiq faryodini eshitguvchi yolg‘iz Xudoning o‘zidir”, degan hikmat ifodalangan. Bu o‘z navbatida, g‘azalning ishqi haqiqiy mazmunida ekanligini ko‘rsatadi”. [Jabborov, 2004: 235].

Keyingi baytda ushbu baytdagi teran mazmun yanada chuqurlashtirilgani kuzatiladi:

Bahori, sun’i Haq fayzi erur, gulrang ila javshan,
Vagarna bo‘lg‘usidur bir xazondin xoru xas, bulbul.

Ushbu bayt yuqoridagi baytning mazmunan davomi bo‘lishdan tashqari, teran mazmunning yanada chuqurlashtirilgan, fikr ifodasining tiniq, o‘quvchining tuyg‘ulariga ta’sir etadigan darajada mantiqiy tugal ekani jihatidan ham ahamiyatlidir.

Garchi gulrang libosga burkangan bahor Haqning yaratig‘, fayzi bo‘lsa-da, bir kun kelib xazon fasli uni xor-u xasga aylantirishi, shuning uchun ishq faqat Yaratganning o‘zigagina bo‘lishi kerakligi, yaralmishga esa ko‘ngil qo‘yib bo‘lmasligi baytda tazod (bahor va xazon, gulrang va xoru xas) san’ati vositasida ta’sirchan va mazmunli ifodalangan.

Darhaqiqat, Furqat ishqni o‘ziga xos obrazlar orqali, ohorli uslubda vasf etdi, sof tuyg‘ulari va kechinmalarini betakror ifodaladi. U buyuk ijodkor salaflari asarlaridagi obraz va tasvirlarni takrorlamadi. Ko‘hna tuyg‘u hisoblangan ishqni yangicha poetik talqinlar orqali tarannum etdi. Shu o‘rinda sevgi va muhabbatda sadoqati cheksiz bo‘lgan oshiqning ma’shuqasiga dil izhori hamda sadoqatini ishontirishda sevgi maktubiga qozining muhrini bostirish haqidagi fikri shoir badiiy mahoratining yuksakligidan dalolatdir:

Oshiqi sodiqlig‘imga bovar aylarsanmu, yor,
Qoziy muhrin bostirib, xat birla iqror aylasam?

Maqsud Shayxzoda ta’biri bilan ayttanda: “Sevgi maktubiga qozi muhrini bostirish! Kutilmagan va g‘ayrioddiy detal!” [Maqsud Shayxzoda, 1958: 143].

Furqat o‘zining ishqiy lirikasida his-tuyg‘ularini, ishqqa munosabatini oshiq va ma’shuqa obrazlari orqali ifodalaydi. Shoir lirikasida ma’shuqa tengsiz go‘zal sifatida talqin qilinadi. Yorning orazi go‘zallikda hur-u parilardan, qomatining sanobar dataxtidan, raftorining tovus jilvasidanda ortiqligi go‘zal tashbehlar vositasida mahorat bilan ifodalangan., Natijada fikrning ta’sirchan, tasvirning jozibali va san’atkorona bo‘lishiga erishilgan:

Jannatning gullaridan gulzoringiz chiroylik,
Hur-u pari yuzidin ruxsoringiz chiroylik .
Ko‘rganda qomatingiz bo‘lg‘ay xijil sanovbar,
Tovus jilvasidin raftoringiz chiroylik.
Olma qizil yuzingiz, bodom erur ko‘zingiz,
Ta’rifi anjiringiz, anoringiz chiroylik.

Shuni ta’kidlash kerakki, an’anaviy ishqiy she’riyatda bo‘lgani kabi Furqat lirikasida ham asosiy obrazlar oshiq, ma’shuqa va raqibdir. Biroq Furqatning she’riyatidagi ma’shuqa obrazining vafosizligi, oshiqqa nisbatan sitamkorligi, uning raqib tomon yuzlanishi ijtimoiy muhitga borib taqaladi. “… Shoir go‘zal ma’shuqa subektidagi, uning tabiatidagi salbiy belgilarning shakllanish sabablarini real hayotdan, ijtimoiy tuzum va ijtimoiy ongdan, harakatdagi axloq normalaridan qidiradi, taqdirning norasoligi va umumiy hukmron adolatsizlik bilan bog‘laydi” [Abdug‘afurov, 1977: 110].

Quyidagi misralarda esa lirik qahramon yorining vaslidan judo bo‘lishini “falak”ning “kajravligi” deb biladi:

Yuz jahdu jadal birla vaslingga etushkanda,
Ming kohishi g‘am birlan, naylayki judo bo‘ldum.

Hasratki, falak kajrav komimni ravo etmas,
Topmay chu iloj anga hasrat birla to bo‘ldum.
Sendin dame, ey dilbar, ayrilgani toqat yo‘q,
Gardunni jafosidur –bu g‘amda ado bo‘ldum.

Yurtdan yiroqda, do‘stlar diydoridan uzoqda yurgan Furqatning quyidagi “Mening” radifli g‘azalida ham ma’shuqaning hijronida chekayotgan g‘am-anduhlari, uning jamolidan oshiqning shomi subhga, subhi esa shomga aylanish holatlari shoirning yurt sog‘inchi, vatanjudolik iztiroblari, ruhiy kechinmalari bilan hamohanglik kasb etgan:

Yuz-u zulfing furqatidin, ey diloromim mening,
Yig‘lamoqlig‘birla kechgay subh ila shomim mening.
Aylading azmi safar, qoldim agarchi termulub,
Sen bila ketti barobar sabr-u oromim mening.
Nega bulbuldek fig‘on-u qumridek chekmay navo,
Sendin ayru, Furqat, ey sarvi gulandonim mening.

Bu misralarda lirik kechinma emas, ijtimoiy dard ifoda etilgani yaqqol sezilib turibdi. Shoir ko‘nglining tunu kun oh-u fig‘on aylashi, qalbidan sabr-u orom ketishi, bulbuldek navo emas qumridek afg‘on chekishi – bu tasvirlar zamirida qalb amriga qarshi ona yurtdan ayro tushgan hijron nolalari aks etgani ayon. Tanosib (*yuz-zulf , sabr-orom, bulbul-qumri*), tazod (*subh – shom*), tashbeh (*sarvi gulandonim, bulbuldek, qumridek*) singari badiiy san’atlar imkoniyatidan mahorat bilan foydalangan shoir ishqqa yangicha ta’rif berishga harakat qiladi va bunga erishadi.

Oshiqning jabr chekishi, ma’shuqaning esa unga zulm ko‘rsatishi – mumtoz adabiyotda an’anaviy tarzda davom etib kelayotgan tasvirlardan biri. Shoir tasvirida ma’shuqa nihoyatda go‘zal, nafaqat fasohatda tengi yo‘q, balki, malohatda Yusufdan ortiq yorning har so‘zi Masih kabi o‘lik jismiga jon ato etadi:

Sarvu gulda yo‘x tarovat qaddu ruxsoringdadur,
Na fasohat to‘tida, nutqi shakarboringdadur.
Yusufi Misri malohat sen, jahon ahli hama,
Naqdi jon qo‘lg‘a olib bir umr bozoringdadur.
Murdalarni yuz nafas birla Masiho tirgizur,
Bo‘lsa yuz jon baxshlig‘ bir lafzi guftoringdadur.

Baytlardagi qo‘llanilgan talmeh san’ati – buyuk tarixiy shaxslar, mashhur adabiy-badiiy obrazlar ismlarini keltirish (Masiho, Yusufi Misr) ifodaning san’atkorona bo‘lishiga xizmat qilgan.

Zokirjon Furqat lirik shoir sifatida, avvalo, o‘z g‘azallarida ishq - muhabbat mavzusini keng tarannum etdi. Albatta, bu borada mumtoz shoirlarimiz kabi majoziy ishqning haqiqiy ishqqa olib boradigan bir bosqich ekanligini o‘z she’rlarida mahorat bilan ko‘rsatdi. Uning she’riyati mumtoz nazm an’analarini muvaffaqiyatli davom ettirgan, o‘zining rang-barang mavzulari va yuksak badiiyati bilan ajralib turadi. Shoir ijodida sevgi, muhabbat kabi insoniy his-tuyg‘ularni chuqur ifoda etgan holda, o‘z zamonining ijtimoiy muammolarini ham o‘zgacha tarzda yoritib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Vohidov R. Alisher Navoiy va ilohiyot. Buxoro.: 1996. B. 142.

2. Jabborov N. Furqatning xorijdagi hayoti va ijodiy merosi: manbalari, matniy tadqiqi, poetikasi. T.: 2004. B. 235.

3. Ekkman Ya. Harezm, kipcak va cagatay turkcesi uzerine arastirmalar. Ankara.: 1996. B. 223.

4. Abdug‘afurov A. Zokirjon Furqat. T.: Fan, 1977. B. 107.

5. Maqsud Shayxzoda. Furqat haqida ilmiy maqolalar T.: 1958. B.143.

MANTIQIY FIKRLASH JARAYONIINI FAOLLASHTIRISHDA MUAMMOLI TA'LIMNING O'RNI (G'. G'ulomning "Shum bola" asari misolida)

Maqsuda Sariboyeva
p.f.n. dotsent
Guliston davlat universiteti

Annotatsiya: Maqolada mantiqiy fikrlash jarayoniini faollashtirishda muammoli ta'limning o'rni, mazmun mohiyati, pedagogik jarayon muammoli ta'lim texnologiyalar asosida amalga oshirilishi kutilgan natijani berishi hamda bugungi kunning eng dolzarb muammolaridan biri ekahligi tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: Ta'lim va tarbiya, innovatsion yondashuv, muammoli ta'lim, muammoli vaziyat, metod, "Shum bola" qissasi, hamkorlik, savol-topshiriqlar.

Abstract: The article analyzes the role of problem-based learning in activating the logical thinking process, its content and essence, the expected outcomes of implementing pedagogical processes based on problem-based learning technologies, and its relevance as one of today's most pressing issues.

Keywords: Education and upbringing, innovative approach, problem-based learning, problem situations, method, "Shum bola" story, collaboration, questions-tasks.

Ta'lim-tarbiya sohasining to'xtovsiz takomillashib borishi va yangi imkoniyatlarning yuzaga kelishi umumta'lim muassasalari oldida turgan vazifalarni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun o'qitish usullarini muttasil yangilab turishni taqozo etmoqda.

Prezident Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlab o'tganidek, "Ta'lim va tarbiya, ilm-fan, sog'liqni saqlash, madaniyat va san'at, sportni

rivojlantirish masalalari, yoshlarimizning chuqur bilimga ega bo‘lishi, chet tillarini va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini puxta egallashini ta’minlash doimiy ustuvor vazifamiz bo‘lib qoladi” [Mirziyoyev Sh. M., 2017; 16].

Zamonaviy pedagogik amaliyotda shunday ta’lim modellari yaratildiki, ular ma’lum sharoitlarda va belgilangan vaqt ichida ko‘zlangan ta’lim maqsadlariga erishishni kafolatlash bo‘yicha keng imkoniyatlarga egadir.

Chuqur kuzatishlar natijasida aytilgan quyidagi fikrlarga e’tibor beraylik. Ta’limdagi innovatsiyalar chetniki bo‘lgani uchun emas, balki samarali bo‘lgani uchun o‘qitish amaliyotida qo‘llanishi kerak. Hozirda innovatsion yondashuvlarning samara berishidan ko‘ra qo‘llanish faktining o‘zi muhimday bo‘lib turibdi [Yo‘ldoshev Q., 2016; 3].

Demak, o‘quvchilarni shunchaki o‘qishga emas, o‘qib o‘rganishga, o‘rgatib o‘rganishga, o‘rganib o‘rganishga hamda shu ma’lumotlarni amalda hayotga tatbiq etishga undaydigan zamonaviy usullarga asoslangan pedagogik jarayon maqsadga yo‘naltirilgan tizimli yondashuvlar amaliyotidir.

Zamonaviy pedagogika bilim, ko‘nikma va malakalar o‘quvchilarning o‘zlari tomonidan mustaqil o‘zlashtirilgandagina ta’lim jarayoni samarali kechadi, deb hisoblaydi.

Istiqol davriga kelib ta’lim tizimida adabiyot o‘qitish muammolariga sog‘lom va xolis yondashila boshlandi. Badiiy adabiyot namunalari ta’lim subyektlarida adabiyotga doir nazariy bilimlar hosil qilishda ham, ularda ezgu ma’naviy sifatlar, insoniy fazilatlar shakllantirishda ham alohida o‘rin tutadi.

Bugungi adabiyot darslari o‘quvchini tayyor iste’molchi emas, balki ijodiy fikrlovchi, mustaqil qarash hamda xulosalarga ega shaxs sifatida tarbiyalashga yo‘naltirilgan bo‘lishi lozim.

Dars jarayonida o‘qituvchi va o‘quvchi faoliyatining turi, usuli o‘rgatiladigan ma’lumotning xarakteriga qarab belgilanadi. Aynan mana shu holat ta’lim jarayonida muayyan maqsad-

ni amalga oshirishga qaratilgan yangi-yangi usullarni keltirib chiqaradi [Sariboyeva M., 2014; 24].

Muammoli ta'lim texnologiyalari insonning aqliy qobiliyatini yanada rivojlantirishga xizmat qiladi.

Muammoli ta'lim usulining yutuq va yetishmovchiliklari haqida muayyan xulosaga kelish mumkin. Muammoli ta'limning yutuqlari: o'quvchilar bilimni o'z harakatlari bilan mustaqil egallashadi; ularda mahsuldor tafakkur o'sadi; o'qishga qiziqish kuchayadi; mas'uliyat tuyg'usi ortadi. Bu tizimning yetishmovchiliklari esa o'quvchilar bilish faoliyatini boshqarish imkoniyatining ozligi; ko'zda tutilgan o'quv maqsadiga erishish uchun ko'p vaqt sarflanishi; birvarakayiga barcha o'quvchini nazorat qilish imkoniyati yo'qligi kabilarda ko'zga tashlanadi [Yo'ldoshev Q, Yo'ldosheva M., 2022; 106].

Respublikamizda zamonaviy usullarning ta'lim jarayoniga tatbiq etilishi muammoli ta'limni dolzarb pedagogik masalaga aylantirdi. Jumladan, Q.Husanboyevaning [Husanboyeva Q., 2004; 262] tadqiqot ishida asosiy e'tibor adabiy ta'lim jarayonida o'quvchilarda mustaqil fikrlash ko'nikma va malakalarini shakllantirishga qaratilar ekan, ushbu maqsadga erishish yo'llaridan biri sifatida darslarda muammoli vaziyatlarni yaratish asosida qo'yilayotgan masalaning yechimini topishga yo'naltirilgan o'quv faoliyatini tashkil etish alohida e'tirof etiladi.

Hozirgi kunda faol hamda o'quvchi shaxsiga yo'naltirilgan o'quv muhitiga erishish uchun muammoli, hamkorlikdagi, modulli va masofadan turib o'qish kabi ta'lim shakllari eng samarali hisoblanadi. Masalan, muammoli ta'lim o'quvchining mustaqil, ijodiy va faol o'zlashtirishini ta'minlash bilan birga, uni keng qamrovli fikr yuritib, o'zi uchun yangi bilimlarni kashf etishga odatlantiradi. O'quvchi muammoning yechimi ustida izlanish orqali o'zi uchun muhim bo'lgan kashfiyotlarni amalga oshiradi. Ushbu tadqiqiy faoliyat o'quvchida o'z kuch va bilimiga ishonch uyg'otadi.

Muammoli ta’lim o‘qitish jarayonida ijodiy metodlarning qo‘llanilishini taqozo etadi. O‘quvchilar o‘z bilim va ko‘nikmalarini turli holatlarda amaliyotga tatbiq etishga o‘rganadilar. Masalan, adabiyot darslarida muayyan mavzuga oid bir muammo-topshiriqni bajarish jarayonida o‘quvchilarning yakka hamda o‘zaro faol ishlashini tashkil qilish quyidagicha olib borilishi mumkin:

1. Muammoli vaziyat hosil qilish (asar va uning g‘oyasiga oid savollar tashlanadi).

2. G‘oyalar (takliflar)ni shakllantirish (savollarga berilayotgan javoblar yozib boriladi).

Muammoning yechimi uchun eng maqbul g‘oyalarni tanlash va baholashdan **(**tanlash imkoniyatini o‘quvchilarga berish maqsadga muvofiqdir) iborat.

Adabiy ta’lim oldida turgan malakali kitobxonni tarbiyalashday vazifani bajarish, ko‘pincha, o‘rganilayotgan badiiy asarni ikkinchi marta o‘qishni taqozo etadi. Bunda asarning birinchi o‘qilishi mustaqil ravishda amalga oshirilgan bo‘lishi ham mumkin. Shunda o‘quvchilarning mustaqil o‘quv topshiriqlarini bajarishi yoki lavhalar ustida ishlay olishi o‘quvchining kitobxonlik darajasini belgilaydi, keyingi ish jarayoni esa asar ustida ishlash hisoblanadi.

O‘quvchining asar matnini qayta hikoyalashga jalb qiladigan topshiriqlar yoki dars jarayonida o‘qituvchining aytganlarini bajarishiga tayanibgina uning fikrlashidagi mustaqillik darajasini aniqlash mumkin emas. Buning uchun o‘quvchini munosabat bildirishga, fikr aytishga undovchi: *“Mazkur asarni o‘qish sizda qanday tuyg‘ularni uyg‘otdi?”, “Asarning sizga yoqqan yoki yoqmagan jihatlari haqida fikringizni bildiring”* singari savollar va yechilishi zarur jiddiy muammo qo‘yish orqali amalga oshiriladi. Bunday topshiriqlarni bajarishda o‘quvchi o‘qigan badiiy matnga o‘zining shaxsiy munosabatini ifodalashi lozim bo‘ladi. Shu tariqa, bunday javoblarda badiiy asarning o‘quvchiga emotsional-estetik ta’siri o‘z aksini topadi.

Masalan, maktabda “Shum bola” asari muammoli yo‘l bilan tahlil etiladigan bo‘lsa, o‘qituvchi o‘quvchilar oldiga: *“Shum bola” qissasidan olingan quyidagi parchada qaysi timsol tasvirlangan? Obbo bachchag‘ar-ey, quv ko‘rinasan-a, ha, mayli-mayli. Lekin ko‘p yolg‘onlamagin!* tarzida savol qo‘yadi va o‘quvchilardan o‘z fikrlarini badiiy matnga tayangan holda asoslashlarini talab etadi.

Ushbu dostonni an’anaviy yo‘sinda o‘quv tahlili orqali o‘rganish kutilgan samarani bermasligi mumkin. Chunki qissa o‘z mazmun-mohiyati bilan kishida har xil tuyg‘ularni qo‘zg‘aydi. Qalb qa’rida og‘riq paydo qiladi, alam, iztirob uyg‘otadi. Qissa mutolaasidan so‘ng o‘quvchi qalbida paydo bo‘lgan tuyg‘ularga uning o‘zi ism topishi, ularni bir-biridan ajratib olishi uchun asar matni ustida mustaqil ravishda ishlashi kerak. Darslikda matn yuzasidan taqdim etilgan o‘ndan ortiq savol-topshiriqlar bilan ishlaganda ham asarning qudratini, ta’sir kuchini, ilgari surilgan, o‘quvchiga singdirilishi kerak bo‘lgan fikrlar mohiyatini o‘quvchilarga ma’lum darajada yetkazish mumkin. Lekin asarda ko‘tarilgan masalalarni muammoli o‘rganish undagi g‘oyalar har bir o‘zbek farzandining shuuridan o‘tishi, qalbida og‘riqlar, alamlar, iztiroblar paydo bo‘lishini ta’minlaydi. Muammoli dars jarayonida o‘quvchi qalbidagi tuyg‘ularning paydo bo‘lish sabablarini o‘zi aniqlaydi, ularning ismini o‘zi kashf qiladi. Mazkur mavzuni muammo shaklida o‘rganishdan maqsad o‘quvchi ko‘nglidan kechgan shu alam, og‘riq, iztiroblar o‘quvchirni bezovta qilishiga, milliy g‘ururini uyg‘otishiga erishishdan iboratdir.

“Shum bola” qissasini o‘rganish uchun dasturda jami uch soat ajratilgan. Darsning birinchi va ikkinchi soati, tabiiyki G‘afur G‘ulomning hayot yo‘li va asar mutolaasiga bag‘ishlanadi.

5–9-sinflardagi har bir monografik mavzudan oldin ijodkor umr yo‘liga doir to‘rt-besh daqiqa davom etadigan ma’lumot berilishi kerak. Lekin zinhor muallif tarjimai holiga alohida bir soat sarflash mumkin emas [Yo‘ldoshev Q, Yo‘ldosheva M., 2022;

109]. Keyingi soatni o‘qituvchi sinfda muammoli vaziyatlar hosil qilishi va asar matnining muammo tarzida o‘zlashtirilishiga bag‘ishlashi mumkin.

O‘rganishga taqdim etilgan qissadan parchanning umumiy hajmi 7 sahifadan ortiqroq. Bir darsning o‘zida uni to‘liq o‘qishning imkoni yo‘q. Shuning uchun o‘qituvchi matnning jumboqli, o‘quvchilarni asarning qolganini o‘zi o‘qib olishga majbur qiladigan joyigacha o‘qigani, qolganini uyga topshiriq tarzida bergani ma’qul bo‘ladi.

Dostonning to‘liq matnini o‘qishni uyga topshirish bilan birga keyingi ikki dars xarakteri haqida – dars muammoli tarzda, munozara shaklida bo‘lishi to‘g‘risida ma’lumot beriladi. So‘ng “*Qissada qarovsiz qolgan bosh qahramon timsoli qanday gavdalantirilgan?”, “O‘sha davrdagi voyaga yetmaganlarning salbiy xulq-atvorga ega bo‘lgan shaxslar domiga tushib qolishining sababi nimada? Qaysi qahramon o‘z tabiati bilan sizga ko‘proq ma’qul? Nega?” va “Bolalarning mayda bezorilik, o‘g‘rilik, firibgarlikka aralashib qolishi haqida nima deya olasiz?”* shaklidagi o‘quvchilarni o‘ylash, tahlil qilishga, munosabat bildirish va fikrini asoslashga undaydigan muammoli savollar adabiyot daftariga yozdirib qo‘yiladi.

Asar mutolaasiga bunday nazar bilan yondashgan o‘quvchi o‘qish davomida har bir fikrga, har qanday jumlaga e’tibor bilan qaraydi. Keyingi darsga har biri o‘zining darajasida ishtiyoq va tayyorgarlik bilan kelishi tabiiy. O‘qituvchi keyingi darsda muammoli savollarni doskaga yozib qo‘yib, o‘quvchilarga eslatadi. So‘ng har bir fikrini, o‘ziga yoqishi yoki yoqmasligidan qat’iy nazar, diqqat bilan eshitadi. Chunki o‘quvchilar asosan o‘qituvchi uchun gapiradi.. O‘qituvchi buni nazorat qilib turishi kerak.

Qissa qahramoni Shum bolaning nechog‘lik ziyrakligini, qanchalar “topqir”ligini bolalar o‘z munozaralari davomida o‘zlari kashf etsinlar. Uni asardagi boshqa o‘brazlar bilan va o‘zlari bilan qiyoslasinlar. Muammoli vaziyatda ba’zan shunday holatlar ham

bo‘ladiki, bolalar suhbat jarayonida tortisha-tortisha bir-birlari bilan kelishmay qoladilar, yoxud masala hal bo‘lmay munozara to‘xtab qoladi. Shunda o‘qituvchi Shum bolaga xos xarakterni ochish uchun, muammoni kengaytirish maqsadida darslikdagi ayrim savollardan foydalanishi mumkin. “*Sariboyning Shum bola to‘qigan yolg‘onlarga chippa-chin ishonishining sababi nimada”,* “*Matndan Shum bola bilan Omonning sigirni so‘yib qo‘ygan o‘rinlarini toping. Sizningcha, buning sababi nimada?*”, Shum bolaning fikr-mulohazalari ilk bor uydan chiqib ketgan paytidagidan ancha o‘sganligi, hayot uni ulg‘aytirib qo‘yganligi sarguzashtlari, turli fantastik uydirmalar, ertaklarga xos voqealarning yuksak badiiyati bilan yo‘g‘rilgan tasvirlar kishini hayajonga soladi. “*Matnga asoslanib asar matnida xalqimizning qadimiy, boy tiliga xos fazilatlar, xalqona ibora va ifodalar, yorqin namoyon bo‘lgan o‘rinlarga o‘z munosabatingizni bildiring.*

Omonni “boylik orttirish tashvishidagi nazari past, ma’naviy qashshoq obraz” deb o‘ylaysizmi? Shum bola bilan Omonning qilmishlariga qanday baho berasiz? Ularning o‘ziga xos asl sabablari to‘g‘risida o‘ylab ko‘ring.

– Shum bola qayerga bormasin, kim bilan to‘qnashmasin, hamma joyda kattalarning o‘ziga bepisand qarashi, qo‘pol muomalasiga duch keladi. O‘zlarini go‘yo yetimning boshini silaydigan himmatli kishilar qilib ko‘rsatadigan turli noinsof kimsalar uning navqiron kuchidan tekin foydalanib qolishga urinadilar. Siz uning o‘rnida nima qilgan bo‘lardingiz?”, “*Shum bolani turli qing‘ir yo‘llarga boshlovchilar bilan munosabatini batafsil tasvirlashga urinib ko‘ring.Matndan misollar keltirgan holda Shum bolaga tengdosh sifatida tavsif bering. Odamzod uchun do‘st bilan dushmanni, yaxshi bilan yomonni ajratish qanchalar qiyin ekani haqida o‘ylab ko‘ring, fikr ayting*”, “*Siz asardagi Eshondan nafratlanasizmi, Sariboydanchi?*” kabi savol-topshiriqlarni vaziyatga qarab zarurini o‘rtaga tashlash mumkin bo‘ladi.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, mantiqiy fikrlash ja-

rayoniini faollashtirishda muammoli ta’lim texnologiyasi kutilgan natijani beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. –T.: “O‘zbekiston” 2017. –592 б.

2. Ahmedov S. Qo‘chqorov R, Rizayev Sh. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik-majmua. –T.: Ma’naviyat. 2017. –160 б.

3. Husanboyeva Q. Adabiy ta’lim jarayonida o‘quvchilarni mustaqil fikrlashga o‘rgatishning ilmiy-metodik asoslari. Ped. fan.dok.diss. –T.: 2004. –262 b.

4. Mirzayeva Z. Jalilov K. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik. –T.: Respublika ta’lim markazi. 2022. –224 б.

5. Qozoqboy Yo‘ldosh, Muhayyo Yo‘ldosh. O‘zbek adabiyotini o‘qitish metodikasi. –T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2022. –408 b.

6. Yo‘ldoshev Q. Ta’limda egamanlik aksiomasi (Biz ko‘zlagan maqsadga eltuvchi yo‘ldir). / “Ishonch” gazetasi. 2019.

7. Sariboyeva M. Umumta’lim maktablarida Alisher Navoiy epik asarlarini interfaol usullarda o‘rganish –T.: “Adib” 2014. –148 b.

ISAJON SULTONNING “ALISHER NAVOIY” ASARIDA BADIIY PSIXOLOGIZM

Shomurotova Charos Ravshan qizi
Mustaqil tadqiqodchi,
Alisher Navoiy nomidagi
Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti,

Annotatsiya: Har bir badiiy asarni o‘qir ekanmiz, uning badiiyatini ko‘rsatib berish uchun yozuvchi obrazlarga turli xil yondashadi. Uning his tuyg‘ulari, o‘y fikrlari so‘z oqali o‘quvchining ko‘z oldida gavdalantirishda, uning rang-barangligini oshirishda plastik elementlar alohida ahamiyat kasb etadi va mukammalik kasb etadi. Shu jihatdan asarda badiiy psixologizmning o‘ziga xos tarzda namoyon bo‘lishiga yordam beradi.

Kalit so‘zlar: plastik elementlar, psixologizm, badiiy asar, asar qaharamonlari, Alisher Navoiy.

Annotation: When we read each work of art, the writer approaches the images in different ways to show his artistry. In embodying his feelings and thoughts in front of the eyes of the eloquent reader, plastic elements are of particular importance and perfect in increasing its diversity. In this respect, it helps to manifest artistic psychology in its own way.

Key words: plastic elements, psychologism, artistic work, heroes of the work, Alisher Navoi.

Plastik elementlar badiiy asarning mukammalligini ta’minlashga xizmat qiladi. Har bir muallif plastik elementlarni turlicha tanlaydi va qo‘llaydi. Muallif yondashuvi va qarashlari o‘laroq plastik elementlar asarning jonliligini ta’minlaydi, voqelikni gavdalantiradi. Bir so‘z bilan aytganda plastik elementlar yozuv-

chining mo‘yqalamidir. Mo‘yqalamlar qanchalik ko‘p va rang-barang bo‘lsa, rassom yaratgan asar shunchalik yorqin va betakror bo‘lgani singari, plastik elementlar asarda qanchalik turfa xillikka ega bo‘lsa, asar shunchalik badiiy jihatdan mukammallik kasb etadi. Isajon Sulton ayni shu holatga alohida e’tibor qaratadi va asarda badiiy psixologizmning o‘ziga xos tarzda aks etishiga yordam beradi.

Bilamizki, adabiyotda psixologizmning uch prinsipi mavjud: *analitik prinsip, dinamik prinsip va sintetik prinsip.* Ularning har biri turli holatlarda yuzaga chiqadi va mualliflar qahramonlarning turli holatdagi ichki tuyg‘ularini ochib berish uchun qo‘llashadi. Psixologizmning analitik prinsipida qahramon his tuyg‘ularining tasvir va ifodasi yetakchilik qiladi, qahramon o‘y-fikrlar, turlicha hissiy kechinmalar girdobida tasvirlanadi. Dinamik prinsipda esa, qahramon ruhiy olami uning xatti-harakatlari orqali namoyon bo‘ladi. Ya’ni qahramon xatti-harakati, qiyofasi uning ichki dunyosini belgilab beruvchi muhim omil sifatida yuzaga chiqadi. Sintetik prinsipda esa analitik va dinamik prinsip o‘zaro uyg‘unlikda namoyon bo‘ladi. Garchi “Psixologizmning dinamik va analitik prinsiplari garchi bir-biriga qarama-qarshidek tuyulsa-da, lekin, ularni o‘zaro zid qo‘yish ham noo‘rindir. Bu prinsiplar ba’zi romanlarda uyg‘unlashgan, qo‘shaloqlashgan holda ko‘zga tashlanadi. Bunday asarlarda qahramonlarning ruhiy dunyosi ularning xatti-harakatlari, qiyofalari orqali yechilishi bilan birga, ayni paytda, shu qahramonlaming fikr va hissiyotlari dialektikasi oqimi va rivoji ham beriladi. Bu xil romanlarda psixologizmning bu ikki prinsipi dialektik birlikda tahlil etiladi. Bu psixologizmning sintetik prinsipidir”.[Umurov,2002; 51].

Har bir badiiy asarda psixologizmning qaysidir prinsipi yaqqol dominantlikka ega. Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romanida analitik prinsip yetakchilik qiladi. Bu prinsipning yorqin namunasi o‘zbek romanchiligida birinchi bor Abdulla Qahhorning “Sarob” romanida kuzatiladi. Bunday asarlarda “voqealar

tafsilotining tasviriga nisbatan “his-tuyg‘ular tafsiloti” tasviri birinchi o‘ringa chiqadi. Qahramonning ruhiy jarayoni, bu jarayonning betinim o‘zgaruvchanligi, fikrlar, hislar va kechinmalaming rivoji va oquvchanligi keng tahlil etiladi”.[Umurov,2002:49]

Isajon Sulton ham his-tuyg‘ular tasvrini birinchi planga olib chiqadi va psixologizmning bu prinsipi orqali voqelikni o‘ziga xos tarzda aks ettirishga erishadi. Yozuvchi analitik prinsipdan quyidagi vazifalarni amalga oshirish maqsadida foydalanadi:

– qahramonlar olamini mukammal tarzda tasvirlash uchun;

– ijtimoiy va siyosiy voqelikka munosabat bildirish uchun;

– badiiy ta’sirchanlikni ta’minlash uchun;

– syujetning izchilligiga erishish uchun.

Ko‘ringanidek, muallif analitik prinsipni qo‘llar ekan, o‘z oldiga ma’lum badiiy maqsadni qo‘yadi. O‘quvchining o‘y-fikrini ham o‘zi ko‘zlagan maqsad tomon yo‘naltirishga erisha oladi: *Ha, inson ham qush kabi, hayotdan mamotga qarab uchgaydir. Kunlar-u tunlar, oylar almashar ekan, hayoti davomida o‘langu yaylovlarda don-dun tera-tera, subhu shomlar sayroq nolasi ila Parvardigorga iltijolar qila-qila, omonat inlar qurib, polapon ham ochadi. Bunchalar sodda hayot aro qushlarning turli-tuman yaratilishi, rang-u tuslarining va har birining sayrog‘ining o‘zgaligi insonlarni tamsil etib turmoqdadir. Zohir shundaydir, botinda esa jon qushi ham bordir, kishi jismida chirqillab turgaydir. Uning uchar manzillari tamom ila boshqa, xayol yetmas yuksaklardadir...* Bu fikrlar muallifga tegishli bo‘lib, uning inson, hayot, olam haqidagi o‘ylarini aks ettiradi. Insonning hayotdan mamotga qarab uchishi tasviri beixtiyor o‘quvchi ko‘z o‘ngida gavdalanadi, yozuvchi ruhiyatidagi tebranishlar, boshidagi o‘ylar kitobxon qalbiga ko‘cha boshlaydi. Hayotning o‘tkinchiligi haqida ko‘p bora eshitgan kitobxon jism ichida chirqillayotgan jon qushini ko‘rgandek, shuning bilan bir qatorda hayotning qadrini anglagandek bo‘ladi. Anologik prisnsipning eng maqbul tomoni asardagi ruh, kayfiyat (xoh u muallifga tegishli bo‘lsin, xoh obrazlarga) o‘qu-

vchi ruhiga ham ko‘chib o‘tadi. Qolaversa, asardan keltirilgan bu parcha *badiiy ta’sirchanlikni ta’minlash uchun* ham xizmat qiladi. Bu jihat asar badiiyatining va shu bilan bir qatorda mazmun-mohiyatning ham individualligini ta’minlaydi. Ammo shuni ham alohida ta’kidlash joizki, anologik prinsipdan o‘rinli foydalanish eng muhim qoidadir. Agarda psixologizm prinsiplaridan (qaysi bir prinsip bo‘lmasin) no‘rin foydalanilsa, badiiy asar saviyasiga nihoyatda katta darajada zarar yetadi. Bu holat ortiqcha shakl orttirishga intilish kabi taassurot qoldiradi. Sun’iy orttirilgan fikr-mulohaza kitobxonni zeriktiradi, qahramonlar badiiy nutqini ta’sirchanligini o‘z-o‘zidan kamaytiradi. Ayniqsa, analitik prinsip qo‘llanishi jihatidan nihoyatda mushkul va yozuvchidan katta mahoratni talab qiladi. Analitik prinsipni o‘z o‘rnida qo‘llay olmaslik, unda ortiqchalikka berilish zerikarli roviylikni yoxud keraksiz va quruq maslahatgo‘ylikni yuzaga keltirishi mumkin. Shu jihatdan Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” romanida aslida psixologizm masalasi anchayin chuqur va hatto alohida tadqiqot mavzusi sifatida o‘rganishni taqazo etadi. Bizningcha asar davomida ba’zan qisqagina ifodalash mumkin bo‘lgan hikmatli fikrlar sun’iy tarzda cho‘zib yuboriladi va bu kabi holatlar o‘quvchini bir qadar toliqtiradi. Ammo asardagi voqealar ketma-ketligi va syujet liniyasining izchilligi asardagi bu kamchalikni yopib ketadi va o‘quvchining e’tiborini o‘zida olib qola oladi. Bu kabi holatlar asosan, she’riy misralar tahlilida kuzatiladi.

Asar tarixiy xarakterga ega bo‘lganligi sababli unda qahraomnlar (ayniqsa, epizodik) nihoyatda ko‘p. Yozuvchi bu qahramonlarning har biriga individual yondashishga intiladi. Ularning har birini bir og‘iz so‘z bilan, qisqagina tasvir yo‘li bilan ichki dunyosini ochib berishga intiladi. Bu o‘rinda badiiy psixologizm ijodkor ijodiy niyatining yuzaga chiqishiga katta ko‘mak beradi. Ayniqsa, analitik prinsip aynan shu maqsadga muvofiqdir deyish mumkin. Ammo shuni ham alohida ta’kidlash joizki, roman boshdan oxirigicha psixologizmning analitik prinsipi asosiga qu-

rilgan deyish mumkin emas. Muallif o‘zining ijodiy niyati va maqsadidan, qolaversa voqelikning kechishidan kelib chiqqan holda psixologizm prinsiplarini tanlaydi. “Shuni ta’kidlash lozimki, muayyan yozuvchining ijodini yoki uning ma’lum romanini psixologizmning konkret bir shakli bilan cheklash mutlaqo mumkin emas. Adabiyot tajribasi shuni ko‘rsatadiki, har bir yozuvchi o‘z ijodida (yoki ma’lum bir romanda) psixologizmning turli shakllaridan keng foydalanadi. Biroq bu formalardan birontasi yetakchilik qilishi tabiiydir”. [Umurov,2002:53] Muallif voqelikka, obrazlarga individual rakursda yondashadi. Shu sabab ba’zan turlicha psixologik prinsiplarga tayanadi. Bu holatning adabiy asarda bir qancha o‘ziga xos ijobiy jihatlari mavjud.

– birinchidan, muallif tasvir imkoniyatini kengaytiradi;

– ikkinchidan, uslubning o‘ziga xosligini ta’minlashga yordam beradi;

– syujet liniyasining izchil va qiziqarli bo‘lishini ta’minlaydi;

– har bir voqelik va xarakterga individual yondashish imkoniyatini yaratib beradi.

“Alisher Navoiy” romanida ayni jihatlarga tayangan holda badiiy psixologizm vujudga keladi va asardagi muhim plastik unsurlardan biri sifatida namoyon bo‘ladi. Muallif asarda bosh qahramonlar ruhiyatini ochib berish uchun aksariyat o‘rinlarda psixologizmning analitik prinsipini tanlaydi. Boisi bu prinsip obraz ruhiy olamini batafsil va izchil ko‘rsatib bera olish imkoniga ega. Masalan, asarning bosh qahramoni Alisher Navoiy ulkan tafakkur sohibi, keng dunyoqarash egasi sifatida tasvirlanadi. Shu sabab bu obraz badiiy qiyofasini yaratishda muallif analitik prinsipga tayanadi. Ammo romanda shunday qahramonlar ham mavjudki, ularda, ularning ruhiyatida bir yo‘la psixologizmning bir necha prinsiplari bo‘y ko‘rsatadi. Muallif bunday usulni odatda, ikkinchi darajali obrazlarning shakllanishida ishlatadi. Masalan, asarda Alisher Navoiyning tog‘alari Kobuliy va G‘aribiylarning qiyofasida aynan shu holat kuzatiladi. Bu ikki qahra-

mon ichida ham aslida ikki inson yashayotgandek. Bir qarasang ular she'riyatning oshig'i, adabiyotning ixlosmandi, bir qarasang esa, jangu jadallar ichida umr kechirayotgan tamomila boshqa qalbning sohibidirlar. Shu sabab ham bu qahramonlar ruhiyatini faqatgina analitik prisip bilan ochishga intilish o'zini oqlamaydi va muallif dinamik prinsipga ham murojaat qiladi. Asardagi holat va vaziyatdan kelib chiqqan holda bu qahramonlarni qorishiq tuyg'ular girdobida tasvirlaydi. Shu sabab ham psixologizmning sintetik prinsipidan foydalanadi. Bu kabi holatlar asardagi boshqa qahramonlar qiyofasini, ichki olamini ochib berishda ham uchraydi va muallif badiiy asarning jonliligini ta'minlashga erishadi, voqelikni konkret tarzda o'quvchi ko'z oldida gavdalantira oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Hotam Umurov. 2002 Adabiyot nazariyasi. Toshkent. Sharq. 51
2. Hotam Umurov. 2002 Adabiyot nazariyasi. Toshkent. Sharq.49
3. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. B.53
4. Hotam Umurov .2001.Badiiy ijod asoslari Toshkent. O'zbekiston.68
5. Qozoqboy Yo'ldoshev. 2016.Badiiy tahlil asoslari. Toshkent.132
6. www.ziyonet.uz

RUSIYANING BUYUK ADIBLARI

Saodat Fayziyeva,
Alisher Navoiy nomidagi TDO'TAU
3-bosqich tayanch doktoranti,
saodatfayziyeva@gmail.com

Annotatsiya: Jadid matbuoti yangi o'zbek adabiyoti uchun muhim manbalar jamlanmasi hisoblanadi. 1930-yillargacha milliy gazeta va jurnallarda chop etilgan adabiy tadqiqotlar va asarlar hozirgacha o'z qiymatini yo'qotmagan. Ushbu maqolada "Maorif va o'qitg'uchi" jurnali sahifalarida chop etilgan "Rusiyaning buyuk adiblari" maqolasi tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: Jadid adabiyoti, jurnal, Pushkin, hikoya, Lermontov, dekabrist, asar.

Abstract: Jadid Press is a collection of important sources for new Uzbek literature. Literary studies and works published in national newspapers and magazines until the 1930s have not lost their value. This article analyzes the article «Great Writers of Russia» published in the pages of «Maarif va Okitguchi» magazine.

Keywords: Jadid literature, journal, Pushkin, story, Lermontov, Decembrist, work.

XIX asrning 70-yillaridan boshlangan Turkiston vaqtli matbuot tarixi sahifalariga qaraydigan bo'lsak, ko'p gazeta-jurnallar mustamlakachilik masalalari, istibdod muammolarini yoritgan. Lekin ular orasida xalqqa ilm nurini ulashadigan va adabiyot xazinasiga muhim boyliklarni bera olganlari ham yo'q emas edi. "Maorif va o'qitg'uchi" shunday qimmatli nashrlardan biri, desak, adashmaymiz. Biz so'z yuritmoqchi bo'lgan

“Rusiyaning buyuk adiblari” maqolasi Kubikov (manbada Qubikuf) qalamiga mansub ruscha maqolaning H. Nuriy tomonidan o‘zbekchalashtirilgani bo‘lib, u 1926-yil “Maorif va o‘qitg‘uchi” jurnalining 3-4-5-sonlarida bosilgan va oxiriga yetmagan. Bunday deyishimizga sabab maqolaning so‘zboshisida XIX asrning 30-yillari so‘ngigacha bo‘lgan adabiy jarayon va Pushkin, Lermontov, Gogol, Belinskiy kabi ijodkorlar haqida gapirilishi haqida to‘xtanilgan, ammo 5-sondagi maqola parchasining oxirida “qalamasi bor” degan qayd bo‘lishiga qaramasdan, biz tadqiq qilgan manbalarda Belinskiy haqidagi mulohazalar uchramadi [Nuriy H., 1926, 3-son:32].

Muallif XIX asrning 20-yillarigacha bo‘lgan davrni rus adabiyotining islohiga tayyorgarlik davri, deb baholaydi va bu yillarda ikki katta adib – Griboyedov va Pushkinning “maydong‘a chiqqanlig‘i”ni ta’kidlaydi.

1812-yilgi urushdan keyin rus adabiyotida vatanparvarlik ruhi kuchaygan bir paytda G‘arbni – Yevropa hayotini bilishga qiziqish ham ortdi. Hatto 1825-yil 13-oktabrda Aleksandr I o‘limidan keyin turli islohotlar o‘tkazish boshlandi. Griboyedov o‘zining “Aqldan zarar” (“Гореотума”) asarida (asarning janri –komediya – S.F.) turmushga kirishni istagan har qanday yangilikning dushmani rus dvoryan (oqsuyak)larining hayoti deb baholagan edi. Chunki o‘sha davrda dvoryanlar hayotdagi o‘zgarishlarga qarshi turishdi, buning sababi esa ularning yangi hayot o‘zlarini mavjud mavqelaridan ajratib qo‘yishidan qo‘rqishlari edi. Lekin dvoryanlar orasidan ham hayot o‘zgarishlariga tarafdor turadigan kishilar chiqdi. Ulardan biri A. S. Pushkin edi. Bu ijodkor bir tarafdan sof lirik she’rlar muallifi sifatida tanilgan bo‘lsa, ikkinchi tarafdan ijtimoiy mavzuda ham qalam tebratgan ijodkor sifatida mashhur. Pushkin olov qalbli ijodkor edi, uni hayotdagi muhitdan norozilik umr bo‘yi ta’qib etdi. Buni shoirning 1833-1835-yillarda saqlagan kundalik daftarlaridan ham bilib olsa bo‘ladi. Yana o‘sha mash’um duelda vafot etishidan bir necha

oy oldin – 1836-yil 29-oktabrda shoirning Chadayevga yozgan shunday satrlari bor: “E’tirof etmak kerakki, bizning ijtimoiy turmushimiz juda achinarliq holdadir. Bu afkori umumiyning yo‘qligi, bu butun vazifalarg‘a, adolatg‘a va to‘g‘riliqqa qaydsiz, bu gustoxcha tahqir, insonni haqiqatan umidsizlikdan tug‘g‘on bir ojizliqqa sudraydir...[1:26] Ko‘rinadiki, ijodkor ijtimoiy muhit kuychisi bo‘lishni emas, balki uning o‘zgartiruvchilaridan biri bo‘lishni istaydi. Mana uning “Chadayevga atab” she’ridan parcha:

...Balqar baxt yulduzi – dilbar va porloq!
Rossiya uyqudan uyg‘onar, inon,
Shohlik vayronasi ustiga, o‘rtoq,
Yozilajak bizning nomlar begumon
[Pushkin A. S., 1999:117].

Bu tilak uning badiiy asarlariga ham ta’sir etmay qolmadi. Kubikov Pushkin haqida gapirib, u asarlarida ayrim holda belgili sinf (oqsuyaklar – S.F.) vakili va bir san’atkor sifatini birlashtirishga harakat qilishini aytadi. Ijodkorning “Yevgeniy Onegin” she’riy dostonida esa bu sifatdan biroz chekinilganday. Belinskiy buni quyidagicha bayon qiladi: “Oqsuyaklar sinfining asl hayoti Pushkin tomonidan unchalik tanqidg‘a olinmaydir...” Lekin bu asar shu yo‘nalishda yozilgan ilk asarligini inobatga olsak, bir muncha oqlanadigan jihatlari ham bor. Pushkin Oneginning beqarorligi, yoshlik sarguzashtlarini batafsil bayon qilishining o‘zi ijtimoiy hayotni tanqid qilgani emasmi? Bu an’ana davom ettirilgan “Kapitan qizi” asarida Pushkin ijodidagi o‘sishni ko‘rishimiz mumkin. Kubikov maqolasida muallif dehqon isyonining rahbari bo‘lgan Pugachevni “ko‘p aqllik bir kimsa” sifatida tasvir etishi va uning tilidan “Bir qalmuq (qalmoq – S.F.) hikoyati” [Pushkin, 1972:113]ni so‘zlashi haqida yozadi. Bu Pushkin fikrlarining o‘sganini va u o‘z g‘oyalarini sekin-asta o‘zgartirganini bildiradi.

Asarning matnini o‘qiganimizda Pugachev bu hikoya orqali minglab yo‘qsillar orasida nochor hayot kechirishdan o‘lim sharaflirоq ekanligini aytmoqchi bo‘ladi.

Kubikov Pushkinning “Dubrovskiy” asarini “san’at nuqtayi nazaridan zaif” deb baholaydi. Lekin unga “buyuk hikoya” deb qaraydi.

Maqolada adibning “Bekat nazoratchisi” (aynan “Istansa qorovuli” – “Станционный смотритель”) asari Gogolning “Shinel”, Dostoyevskiyning “Bechora kishilar” (“Faqir kishilar” – “Бедные люди”) asarlariga qiyoslanib, ularda asosiy mavzu mayda ma’murlarning turmushlari ekanligi qayd etiladi.

Pushkinning 1830-yilda yozgan asarlari ham xarakterlidir, ularda xasislik (“Скупой рицар”), qizg‘anchiqlik (“Моцарт и Сальери”) illatlari qoralanadi.

Kubikov Pushkinning erta vafot etgan bo‘lsa-da, o‘limdan umuman qo‘rqmaganligini yozadi va buni Pushkinning quyidagi so‘zlari bilan isbotlagan: “Butunlikning bir parchasi o‘laroq inson o‘ladir. Faqat hayotni tashkil etadirgan jahon bir suyunch manbayi, bir yaratuchi kollektifdek qoladir”. Bu fikr shoirning “Внов я постил” va “Бражу ли я вдоль улиц шумных” asarlarida ayniqsa seziladi.

Pushkin asrlar o‘tsa ham, “rubobiy she’rlari bila” (Kubikov e’tirofi) yashab qoladi.

Lermontov ham Pushkin kabi oz yashagan bo‘lsa-da, rus adabiyotida o‘zining munosib nomini qoldirib ketdi. Dekabristlardan Releyevning oilasiga uzoq qarindosh bo‘lgan (1825-yil dekabristlar qo‘zg‘oloni bostirilgan edi – S.F.), yoshligida Jorj Bayron asarlarini o‘qib ulg‘aygan Lermontovning hislari ham Pushkinning jo‘shqinligidan qolishmas edi. Maqolaning bu qismi boshqalaridan ancha farq qiladi. Unda Lermontovning shaxsi ko‘proq asarlariga bog‘lab tahlil qilinadi. U ham oqsuyaklar vakili bo‘lgani holda mavjud muhitdan norozi bo‘lar, bir xillikdan zerikardi. Lermontovning do‘stlaridan biri o‘z xotiralarida shunday

yozadi: “Tug‘ilishlari va yashadiqlari mavqe-e’tibori ila bu sovuq muhitda majnun bo‘lmay turub yashashg‘a majbur bo‘lg‘an Lermuntif va ba’zi fikrdosh va chog‘doshlari yashag‘an hayotlarining qancha bo‘sh va qancha ma’nosiz bo‘lg‘onini ko‘b yaxshi sezdilar, biroq qilg‘usi ishlari qayerga borg‘ularini bilmay o‘zlarini isrofga, unday bir isrofga soldilarki, bu ulardan bir munchalarini nobud etdi va churutdi…” [Nuriy H., 1926, 3-son:32]. Jamiyatni o‘zgartirmay turib, uni ma’rifatga chorlash bema’ni urinishdir. Lermontov shuni bilgani holda o‘z she’rlarini ijtimoiy ohanglar bilan bezadi. Uning “Duma” she’rida shunday satrlar bor:

Печально я глажу на наше поколенье!
Его грядущее иль пусто, иль темно,
Меж тем под бременем познанья и сомненья
В бездействии состарится оно.

(Bizning naslga ko‘p achinaman, uning kelgusi yo bo‘sh, yo qorong‘u...Ul burvash bila bilaklarning, shubhalarning og‘ir yuki ostida bu harakatsizligida qartayadir – H. Nuriy tarjimasi).

Bu satrlarni yozgan shoir jamiyat bilan unchalik ham chiqishmagan. U faqat hayotning o‘z orzusidagi aksini ko‘rish uchun tinimsiz mehnat qilgan: “Mujodala bo‘lmag‘on zamon hayot juda jonsiqg‘uchidir, tirishmak kerak, men har kunimni bir buyuk qahramonning ismi kibi o‘lmas kunlar qurishni tilar edim... va men rohatning na demak ekanligini anglayolmayman” [Nuriy H., 1926, 3-son:33].

Kubikov Lermontovning eng ahamiyatli asari sifatida “Zamonamiz qahramoni” (“Bizning zamon qahramoni” – “Герой вашего времени”)ni baholaydi. Bu asar oqsuyaklar hayotining bo‘shliqlarini tasvirlash jihatidan Pushkinning “Yevgeniy Onegin”idan yuqoriroqda turadi. Maqolada Pechorin (manbada aynan – Pachorin)ning farqi uning faolligida, deb ta’kidlanadi. Pechoringa go‘yo taqdir qandaydir yuksaklik yozgan-u, bu ulug‘lik qa-

ndaydir ma’nisiz tuzoqlarga aldanib kashf etilmay qoladi (Kubikov e’tirofi). Lermontov o‘z qahramoniga tabiatidagi ayrim jihatlarni singdirgan, deyish mumkin.

Lermontov dilbar tabiatdan ko‘p ta’sirlanadi. Lekin mavjud ijtimoiy vaziyatni ko‘rib ko‘ngli buziladi:

И с грустью тайной и сердечной я думал:
Жалкий человек чего он хочет? Учеба ясно.
Под небом место много всем, беспрестранно
И напрасно один врождиет он… зачем?

(Yashirin va qalbiy bir alam bilan o‘yladim. Essiz odam... dedim. Nima talaydir? Bu ochiq ko‘k ostida hammamizga joy bor va ko‘b... Faqat u yolg‘iz boshig‘a doimiy va yolg‘iz xusumat asraydir... Nechun? – H. Nuriy tarjimasi).

Shoir kichik she’rlariga sig‘magan qalb tug‘yonlarini dostonlarda bayon qilishga urinadi. Bu harakatlar natijasi o‘laroq u “Savdogar Kalashnikov haqida qo‘shiq” («Песен о купца Калашникова»), “Mitsiri” (“Мцыри”), “Iblis” (« Демон ») dostonlari yaratilgan. U ham Pushkin singari dekabristlar harakati tarafdori bo‘lganini ayrim nuqtalarda yashira olmaydi. Dekabrist Udiyvskiyning o‘limiga bag‘ishlangan she’rida :” u shovqinli hayot dengiziga yuragini tashladi va beklar, afandilar uni bag‘ishlamadilar, Olloh-da qutqarmadi”, – so‘zlarini yozadi.

“Mitsiri” (“Мцыри”) asaridagi monastirdan qochgan rohibning yovvoyi hayvon bilan jangi tasvirida rohib Lermontovning o‘zi, yovvoyi hayvon eski an’analar suyangan ijtimoiyat, monastir esa mavjud tuzumni ifodalaydigandek. Asarning so‘ngida monastirga qaytgan rohib o‘ladi...

Shoir “Qiziq odam” (« Странный человек») asarida qahramon tilidan “ bir inson ikkinchi bir inson asiri esa, erkli inson-da o‘z taqdirining asiridir”, – degan edi. U insonning taqdiriga

bog‘liq o‘ylarni “Mitsiri”, “Savdogar Kalashnikov haqida qo‘shiq”, “Demon” dostonlarida, “Udiyvskiyning o‘limi”, “Janjal” she’rlarida bayon qilishga harakat qiladi.

Lermontov Kubikov so‘zi bilan aytganda, “zamonning qorong‘u samosidan bir quyruqli yulduz yorug‘i bilan o‘tub”, rus adabiyotida o‘chmas iz qoldirgan.

Pushkin va Lermontovdagi hayotni o‘z holicha aks ettirish intilishi Gogolga kelib takomillashgan. XIX asrda Rossiyani qamrab olgan pomeshchik munosabatlarini yo‘qotishga bo‘lgan urinishlar badiiy adabiyotga ham ko‘cha boshladi. Bu ayniqsa Gogol ijodida ko‘zga tashlandi.

U ba’zan haqiqiy dunyodan chekinib, qahramon kimsalar yashagan davrlarga borib qolishni istagan (bu ijodkor kishi uchun tabiiy jarayon, albatta – S.F.). Kubikov bu intilishlarning samarasi sifatida “Taras Bulba”ni ta’kidlaydi.

Xo‘sh, Gogolning Pushkin va Lermontovdan nima farqi yoki afzalligi bor edi? Munaqqid bu farqni Gogolning muralist (axloqchi) ekanligida ko‘radi. Chindan ham, Gogol ijodida Pushkin va Lermontov ijodidagi lirizmdan ko‘ra hayotiy voqeani bayon qilish uslubi ustunlik qiladi. Kubikov bu farqni yuqoridagi ikki ijodkorning shoir, Gogolning esa nosir va dramaturgligi bilan izohlamagani unchalik to‘g‘ri emas. Gogolning “Uylanish” (“Женитба”), “Tergovchi” (“Ревизор” – “Mufattish”), “Devonaning qaydlari” , “Shinel”, “O‘lik ruhlar” asarlarini tahlil qilar ekan, Kubikov bu asarlarda ishtirok etgan qahramonlar ijtimoiy hayotning turli qatlami vakillari bo‘lgani va ular asosan quyi qatlam ezilishini ko‘rsatib berganiga e’tibor qaratadi.

Belinskiy dunyo adabiyoti nazariyasiga muhim hissa qo‘shgan shaxs. Maqolaning unga bag‘ishlangan qismi bosilmagani achinarli, albatta. Lekin H.Nuriy Kubikovning bu maqolasini tarjima qilib, o‘zbek tanqidchiligi tarixiga katta narsa berdi, deyish mumkin. Aynan shu maqoladan keyin rus adabiyotidan

kichik-kichik hikoyalarning tarjimalari matbuot sahifalarida ko‘rina boshladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nuriy H. Rusiyaning buyuk adiblari//”Maorif va o‘qituvchi”. 1926-yil, 3-son.
2. Pushkin A. S. Tanlangan asarlar. – T.: G‘afur G‘ulom, 1999.
3. Pushkin A. S. Kapitan qizi. – T. G‘afur G‘ulom, 1972.

“DUNYONING ISHLARI” QISSASIDA ROVIY FUNKSIYASI

Sotvoldiyeva Oygul Ma’rufjon qizi
FarDU magistratura bo‘limi
Adabiyotshunoslik (O‘zbek adabiyoti) yo‘nalishi
2-bosqich magistranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada badiiy asar tilining imkoniyatlari, unda roviy nutqining ahamiyati haqida fikr yuritilgan. O‘tkir Hoshimovning turli janrdagi asarlarida, asosan “Dunyoning ishlari” qissasida roviy qanday vazifa bajarganligi xususida fikr-mulohazalar o‘rtaga tashlangan.

Kalit so‘zlar: muallif , hikoyachi nutqi, adabiyotshunos, roviy funksiyasi.

Abstract. This article discusses the possibilities of the language of the artistic work, the importance of the narrator’s speech in it. O‘tkir Hashimov’s works of various genres, mainly in the short story “The World’s Affairs”, expressed opinions about the role of the narrator.

Keywords: author, narrator’s speech, literary critic, narrator’s function.

Абстрактный. В данной статье рассматриваются возможности языка художественного произведения, значение в нем речи рассказчика. В различных жанровых произведениях О›ткира Гашимова, в основном в рассказе «Мировые дела», выражаются мнения о роли рассказчика.

Ключевые слова: автор, речь рассказчика, литературный критик, функция рассказчика.

Adabiyotshunoslikda badiiy asar tilining xususiyatlari alohida o‘rganiladi. Badiiy asar tili muallif, hikoyachi, personaj

nutqidan iborat. Ular bir-biridan sezilarli darajada farq qiladi. Izzat Sultonning “Adabiyot nazariyasi” darsligida badiiy asar tilini 2 qismdan: muallif va personaj nutqidan iborat ekanligi aytib o‘tilgan. Darslikda adabiyotshunos muallif nutqining bir necha jihatlariga to‘xtalib o‘tadi. Avvalo, avtor nutqi axborot beruvchi xarakterga ega ekanligi ta’kidlanadi, so‘ngra personajlarning ichki dunyosini, ruhiy holatlarini tasvirlashiga ham urg‘u beriladi. Personajlar nutqiga esa jamiyatdagi xilma-xil tabaqa vakillarining obrazlarini yaratishga yordam beruvchi vosita sifatida ta’rif beriladi.[Sultonov I., 1986; 208]

Xotam Umirov ham “Adabiyot qoidalari” kitobida badiiy asar tilini 2 qismdan iborat ekanligini ta’kidlab, shunday fikrlarni o‘rtaga tashlaydi: “Muallif barcha asarlarning hikoyachisi bo‘lganligi sababli “qo‘mondonlik” vazifasini bajaradi: har bir personajning o‘rnini, o‘y-kechinmalarini, fikr-mulohazalarini, harakatlantiruvchi muhitning shart-sharoitlarini, muomala-munosabatlarini ta’rif-tavsiflash, ko‘rsatish orqali hammasini bir maqsadga – asarda ifodalanayotgan fikr-g‘oyani ro‘yobga chiqarish uchun harakatga keltiradi”. [Umirov X., 2002; 98]

To‘xta Boboyev “Adabiyotshunoslik asoslari” darsligida esa badiiy asar tilini 3 qismdan: muallif, personaj, hikoyachi tilidan iborat deb belgilaydi. Muallif tili, birinchidan, asardagi voqealarni, kiyim va bo‘laklarni bir-biriga ulab, yaxlit “organizm”ni vujudga keltiradi; ikkinchidan, asardagi obrazlar va voqealarni talqin etishga, ularga o‘z munosabatini bildirishga xizmat qiladi, uchinchidan, adabiy tilning shakllanishiga va o‘sishiga barakali ta’sir ko‘rsatadi. [Boboyev T., 2002; 165]

To‘xta Boboyev boshqa mualliflardan farqli o‘laroq hikoyachi nutqini ham badiiy asar tilining tarkibiy sifatida keltirib o‘tadi: “Adabiyotimiz tarixida yana shunday asarlar ham uchrab turadiki, ularda voqea – hodisalar, qahramonlar ruhiyati ularning mualliflari tilidan emas, balki boshqa shaxs – hikoyachi tilidan rivoyat qilinadi. G‘afur G‘ulomning “Yodgor” povesti

Jura, “Shum bola” povesti Shum bola, Askad Muxtorning “Davr mening taqdirimda” romani bosh qahramon – Axmadjon tilidan hikoya qilingan. Chingiz Aytmatovning aksariyat asarlari muallif tilidan emas, personaj – hikoyachi tilidan olib borilgan”.

O‘zbek adabiyotining zabardast vakillaridan sanalgan yozuvchi O‘tkir Hoshimov ijodi ham o‘ziga xos tomonlari, o‘ziga xos individual pozitsiyasi bilan ajralib turadi. O‘zbekiston xalq yozuvchisi hikoya, qissa, romanlarida o‘z mualliflik pozitsiyasini ifodalash uchun o‘ziga xos yo‘ldan, ya’ni hikoyachi nutqidan foydalanadi. Adibning dastlabki ijod namunasi sanalmish “Cho‘l havosi” asari qahramon xatlaridan iborat. U dastlabki asaridayoq voqea-hodisalarni hikoyachi tilidan bayon etadi. Bu ijodkor uslubining o‘zgacha ekanligini yaqqol ko‘rsatib turadi. Adib anglab yetadiki, “xat janri orqali murojaat qilishda muallifning ruhiy kechinmalarini chin qalbdan zo‘r kuch bilan izhor qilish imkoniyati tug‘iladi”.[Qo‘chqorova M., 2009; 11-son] Shuningdek, ijodkor shaxsiy qarashlari, tafakkuridagi o‘zgarishlar hikoyachi tili orqali asarga singdirib yuboriladi. O‘tkir Hoshimov hikoyachi nutqidan foydalanish an’anasini keyinchalik yozilgan qissa, romanlarida ham davom ettiradi. Masalan,“Dunyoning ishlari” qissasida roviy muallifning o‘zi hisoblanadi. Shu bola tili orqali uning soddaligi, o‘yinqaroqligi yaqqol ko‘zga tashlanib turadi. Bola – hikoyachi tili orqali o‘zbek ayollarining, qo‘yingki, onalarning siymosi gavdalanadi. “Ikki eshik orasi”da esa sakkizta qahramon – hikoyachi tilidan voqelar hikoya qilinadi. “Tushda kechgan umrlar” romanida ham roviylar tilidan voqelik bayon qilinadi. Muallif bunday o‘ziga xos yondashuv orqali ular tomonidan voqelikka munosabatni bildirgan, personajlarning turfa taqdirlarini yaqqolroq ko‘rsatgan, ularning his-tuyg‘ularini ochiqroq ifodalagan.

Roviy adibning har bir asarida o‘ziga xos funksiyani bajargan. Bu borada “Dunyoning ishlari” qissasi yaqqol ajralib turadi. Unda muallifning o‘zi tomonidan voqelar hikoya qilinadi. Adib

bolaligini eslar ekan, aynan bola sifatida voqealarga munosabat bildiradi, bolalarga xos soddalik, o‘yinqaroqligini asar mazmuniga singdiradi. Aynan bola tilidan onalarga, o‘zbek ayollariga baho beradi. Qissada nafaqat kichik yoshdagi bola, balki o‘spirin yigit qiyofasidagi roviy bilan ham to‘qnashamiz. Endi dunyoqarashida o‘sishlar kuzatiladi, qalbida muhabbat uchqunlari paydo bo‘ladi, u hattoki yor va do‘st hiyonatiga ham duch keladi. Mana shunday holatlarda onaning sadoqati, fidokorligi qarama-qarshi ravishda yaqqol ochib beriladi. Bu qissaga adabiyotimizning zabardast adiblari yuqori baho berishgan. Xususan, Said Ahmad qissani shunday ta’riflaydi : “„Dunyoning ishlari“ asarini qissa emas, doston deb atashni istardim. U qo‘shiqday o‘qiladi. Uni o‘qib turib, o‘z onalarimizni o‘ylab ketamiz. Shu mushfiq, shu jafokash onalarimiz oldidagi bir umr uzib bo‘lmas qarzlarimizning aqalli bittasini uza oldikmi, degan bir andisha, bir savol ko‘z oldimizda ko‘ndalang turib oladi. Qissa bizni insofga, insonni qadrlashga, hurmat qilishga chaqiradi”.[“5-sinf adabiyot”:darslik,2020,134-bet] Haqiqatdan ham, novellalarda farzandi uchun jonini, sog‘lig‘ini ayamaydigan, begonaning bolasini ham o‘z farzandidek suyadigan onalarimizni ko‘ramiz. Chunonchi, “Gilam paypoq” novellasida muallif onasiga ajoyib sovg‘a berar ekan, u bilan bog‘liq bo‘lgan bolaligini yodga oladi. Bolaligida ko‘p kasal bo‘lishini eslaydi, ana shunday kunlarning birida, ya’ni qahraton qishda jigarbandini jonini saqlab qolish ilinjida zir yugurayotgan, sog‘lig‘ini ham o‘ylamagan onasini eslaydi: “Shunda qor yog‘ib turgan mudhish kecha, onamning qip-qizil go‘shtga aylanib ketgan oyoqlari ko‘z o‘ngimga keladi-yu indamay chiqib ketaman”. [Hoshimov O‘., 2005; 19]

“Bola yig‘isi” novellasida ham onalarga xos bolalarni suyish, o‘zganing bolasini ham o‘z dilbandidek erkalash xislatlarining tadbiqini ko‘rishimiz mumkin. Onaning:“Yig‘lab turgan bolaga rahmi kelmagan odam – odammi?” – deyishida ham onalarga xos rahm-shafqat tuyg‘ularining mujassamligini ko‘ramiz. “Dun-

yoning ishlari" qissasida roviy tilidan bolalik olami, bolalarning o'yinlari o'zgacha tarzda ta'riflanadi: "Har faslning o'z oyini bor: erta bahorda chillak, varrak, yozda futbol, kech kuzda lanka tepish... ", "Chillak o'yinining shafqatsizroq bir qoidasi bor: yutqazgan bola zuvlab nafasi yetmay qolsa, bir oyoqda hakkalaydi. Qoqilib ketsami, ikkinchi oyog'i yerga tegsami, tamom! Tag'in tayoq bilan chillakni urib sanaladi-da, yana chillak otiladi. Chillak borib tushgan joydan qaytadan zuvlash shart". Ana shunday ta'riflarning aynan bola tili orqali berilishi kitobxonga bolalik dunyosiga sayr qilish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – T.: "O'zbekiston", 2002. – 560 B.
2. Hoshimov O'. Dunyoning ishlari. – T.:"Sharq", 2005. – 210 B.
3. Qo'chqorova M. Maktublar- qalb ko'zgusi// "Jahon adabiyoti", 2009, 11-son
4. Umurov X. Adabiyot qoidalari. – T.: "Sharq", 2002. – 236 B.
5. 5-sinf adabiyot":darslik. – T.: "Sharq", 2020. – 272 B.

QUTLIBEKA RAHIMBOYEVA SHE'RLARNING JANR XUSUSIYATLARI

Bozorova E'zoza Baxriddin qizi
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti 2-bosqich tayanch doktoranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada hozirgi o'zbek lirikasidagi janr masalasi xususida fikr yuritilgan. Shuningdek, shoira Qutlibeka Rahimboyeva she'riyatining janr tabiati o'rganilgan. Uning bir qator she'rlari tahlilga tortilib, ijodkorga xos badiiy mahorat va g'oyaviy maqsad haqida mulohazalar berilgan.

Kalit so'zlar. Adabiyot, she'riyat, tur, janr, mazmun, shakl, ijroviy lirika, personajli lirika, meditativ lirika, tavsifiy lirika, peyzaj lirikasi, voqeaband lirika.

Abstract. This article discusses the issue of genre in contemporary Uzbek poetry. Also, the genre nature of poetess Kutlibeka Rahimboyeva's poetry was studied. Her several poems were analyzed, and comments were made about the artistic style and ideological purpose of the poetess.

Keywords. Literature, poetry, type, genre, content, form, performance lyrics, character lyrics, meditative lyrics, descriptive lyrics, landscape lyrics, eventful lyrics.

Badiiy adabiyotda har bir asar voqelik qay yo'sinda ifodalanganligiga ko'ra epik, lirik yoki dramatik turlarning biriga ajratilib o'rganiladi. Jumladan, epik turda hodisa, lirikada kechinmalar, dramatik asarlarda harakat ustuvorlik qiladi. Asarlarni turlarga bo'lib tahlil qilish adabiyotshunoslik uchun dolzarb bo'lib, bunday tasnif tizimlilikni yuzaga keltiradi. Har bir tur esa ma'lum

prinsiplar asosida janrlarga bo‘linadi. Xususan, lirik turni janrlarga ajratishda she’rning mazmun hamda shakl xususiyatlari e’tiborga olingan. Adabiyotshunos D.Quronov lirik asarlar janrini belgilashda mazmunga e’tibor qaratish qadimdan mavjud bo‘lganligini aytadi. Olim misol tariqasida umumiy belgisi “madh etish, ulug‘lash” bo‘lgan antik yunonlarning “difiramb”, rimliklarning “oda”, nasroniylarning “psalom”, sharqliklarning “qasida” deb nomlangan janrlarini sanab o‘tadi [Quronov D., 2018; 391]. Shakliga ko‘ra janrlarga ajratish o‘zbek mumtoz adabiyotida qo‘llanilgan. Xususan, g‘azal, ruboiy, tuyuq, musammat kabilar bir-biridan bandning tuzilishi, qofiya va vazn xususiyatlari asosida farqlangan [Quronov D., 2018; 392].

Hozirgi o‘zbek she’riyatida janr masalasida turlicha qarashlar mavjud. Boisi, zamonaviy she’rlarni shaklan ma’lum bir poetik qolipga solib bo‘lmaydi. Har bir ijodkorning asari o‘ziga xos yondashuvni talab etadi. Ikki tomlik “adabiyot nazariyasi” kitobida “Lirikamizning bugungi janr qiyofasini ko‘proq qandaydir qorishiq, eski, “sof janr” talablaridan holi, “universal”, sintetik she’riy shakl” [Sultonov I. va b., 1979; 267] belgilashi keltirilgan. Bu mulohazadan hozirgi o‘zbek she’riyatini ma’lum bir janrlar emas, she’riy shakl tashkil qilishi tushuniladi. Ammo adabiyotshunoslik ilmining rivoji uchun lirik asarlarni mushtarak va farqli xususiyatlariga ko‘ra tartibga solish ularni teran o‘rganishga yordam beradi. Shu jihatdan, hozirgi o‘zbek adabiyotida zamonaviy she’rlarni mazmunga asoslanib ishqiy, falsafiy, ijtimoiy, tabiat lirikasi kabi janrlarga ajratish usuli ham keng qo‘llanilib kelinmoqda. Ammo bu tasnif avval I.Sultonov, keyinroq esa D.Quronov kabi adabiyotshunoslar tomonidan tanqid qilingan. Olimlarning fikricha, tabiat lirikasi hisoblangan bir she’r vatanparvarlik mazmuni jihatidan siyosiy lirika namunasidan farqlanmasligi mumkin va bunday yondashuvda janr mohiyati buzib tushunilgan bo‘lib chiqadi [Quronov D., 2018; 391-392]. Adabiyotshunos I.Sultonov va D.Quronovning ushbu mulohazalarini o‘rinli, deb

belgilash mumkin. Negaki, shoira Qutlibeka Rahimboyeva qalamiga mansub “Kuzning bir kuni” [Rahimboyeva Q., 1981; 37] she’rida, nomidan anglashilganidek, kuz tabiati tasvirlangan. Ammo she’r sinchiklab o‘qilsa va oxirgi banddagi dehqon obraziga e’tibor qaratilsa, lirik asarda umrning oqar daryo ekanligi to‘g‘risida falsafiy qarashlar mujassam. Shu o‘rinda savol paydo bo‘ladi, ushbu she’r mazmuniga ko‘ra tasnif qilinsa, tabiat lirikasi hisoblanadimi yoki falsafiy lirika? Bu esa lirik asarni mazmuniga qarab janrlarga ajratish chalkashliklarga olib kelishini isbotlaydi. Adabiyotshunos D.Quronov hozirgi she’riyat janrlari masalasiga alohida to‘xtalar ekan, ularni “lirik kechinma subyekti va obyekti nuqtayi nazaridan tasniflash maqsadga muvofiq ekanini” aytadi hamda lirikaning asosiy janrlari sifatida ijroviy, personajli, meditativ va tavsifiy (va uning ko‘rinishlari: peyzaj lirikasi, voqeaband lirika) lirikaga ajratadi [Quronov D., 2018; 394]. Biz maqolada ushbu tasnifdan foydalandik. Ijroviy lirikada “shoir o‘zga shaxs ruhiyatiga kiradi, go‘yo uning rolini o‘ynaydi va asarda uning qalbini suratlantiradi” [Quronov D., 2018; 386]. Bu janrning o‘ziga xos xususiyati shundaki, she’rda ijro etilayotgan “o‘zga shaxs” ning kimligi aniq bo‘lib, u sarlavha, epigraf, izoh yoki she’r matni ichida ko‘rinib turadi.

Qutlibeka Rahimboyevaning 1981-yildan 2012-yilgacha yozilgan she’rlari jamlanib tasnif qilinganda, shoira she’riyatida ijroviy lirikaga xos yettita she’r aniqlandi. Ularning to‘rttasida she’r nomi (“Mayakovskiyning so‘nggi so‘zlari”, “Mohim Bonu iltijosi”, “Xonzodabegim”, “Haqboy buvaning sodda falsafasi”), ikkitasida sarlavha ostidagi izoh (“Diydor”, “Mendan ne istaysan?”), yana birida esa she’rning asosiy matni (“Askar yigitga oq yo‘l”) kechinma egasi haqida ma’lumot beradi. Shoira she’rlaridagi kechinma egalari, asosan, tarixiy shaxslar hisoblanadi. Bular – Xonzodabegim, Mohimbonu, Mayakovskiy, “Ozod Turkiston” tashkilotining a’zosi degan ayb bilan surgun qilingan xorazmlik o‘qimishli ayol – Maryam Sultonmurodova, urushda halok

bo‘lgan farzandi uchun nola chekayotgan yoxud askar o‘g‘liga oq yo‘l tilab turgan onalar siymosi. “Haqboy buvaning sodda falsafasi” she’ri esa shoiraga zamondosh keksa insonning kechinmalarini o‘zida aks ettirgan. E’tibor berilsa, Qutlibeka Rahimboyevaning ijroviy lirikasida ayol qahramonlar yetakchilik qiladi. Bu holat shoiraning ayol zotiga mansub ekanligi bilan xarakterlanadi. Ayniqsa, Maryam Sultonmurodovaning qalbidan o‘tgan kechinmalarni shoira juda go‘zal ifodalagan:

“Yana ne istaysan: yuragimmi bir,
Haqsizliging solgan alam – titrog‘i.
Sen undan qo‘rqmaysan – bilasan, axir,
Yurak Xudo emas, yo‘qdir tayog‘i”

[Rahimboyeva Q., 2002; 23].

She’rda go‘dagini qaynonasiga tashlab, sovuq o‘lkalarga surgun qilinayotgan najotsiz, ojiza ayolning tushkun vaziyati aniq va ta’sirli ko‘rsatilgan. Boisi, shoira ijodkor sifatida o‘zgalar dardini chuqur his etadi. Uning personajli she’rlarida ham lirik “men” va o‘zga shaxs – personaj munosabatlarining bir-birini to‘ldirib kelishi bunga yorqin dalildir.

Personajli she’rlarda lirik subyektdan tashqari, yana bir o‘zga shaxs kechinma egasiga aylanadi hamda bunday she’r dialogiklik xususiyatiga ega bo‘ladi [Quronov D., 2018; 387]. Qutlibeka ijodida personajli lirika kam uchraydi. “Chinor bilan suhbatlar” she’ri lirik “men” va Chinor ismli yettinchi sinf o‘quvchisi o‘rtasida kechgan samimiy muloqotdan iborat. “Olis sadolar” she’rida esa boshiga tushgan ko‘rgiliklarga chora izlagan yigit va unga pand-nasihat bergan ona kechinmalari ifoda qilingan. Lirik asarda yigit:

“O‘git bermang, bering erk,
O‘zga o‘lkaga boray.

Barin aytib ko‘mak deb
Begonaga yolvoray”

[Rahimboyeva Q., 1989; 18]

– desa, donishmand ona unga bu harakat mard yigitning, el o‘g‘lonining ishi emasligini vazminlik bilan tushuntiradi:

“...Yerga ko‘mmas pichoqlab,
Yurt yarali deb inson.
Sog‘aysin deb quchoqlab,
Ko‘tarar quyosh tomon”

[Rahimboyeva Q., 1989; 18].

Qutlibeka Rahimboyevaning meditativ janrdagi she’rlarida goh ayol qalbining nozik kechinmalari o‘ta nafis aks etsa, goh ozodlik istagi yoxud ruhiy illatlarga nafrat hissi o‘zgacha shiddat bilan namoyon bo‘ladi. Meditativ lirikaning o‘ziga xosligi ham shunda. Bu janrda ijodkor kechinmalari, “...doim ham mantiqiy idrok etib bo‘lmaydigan, anglash va tushuntirish mushkul bo‘lgan tuyg‘ular ifodalanadi” [Quronov D., 2018; 388]. Ayniqsa, shoiraning “Siz shuncha yaxshisiz”, “Siz”, “Men” kabi turkum she’rlari lirik meditatsiyaga boyligi bilan alohida ajralib turadi. Birinchi turkumdagi “Siz kelar kun” she’riga e’tibor qaratamiz:

“Gullarday
tilsiz bo‘lib uyg‘ongim kelyapti
shu tongda.
Gullarday
kuchsiz bo‘lib uyg‘ongim kelyapti
shu tongda.
Lekin
undan ham oldin
bundan ham oldin

Gullarday chiroyli bo‘lib uyg‘ongim kelyapti
shu tongda”

[Rahimboyeva Q., 1984; 25].

She’rda lirik “men” qalbidagi sof muhabbat tuyg‘usi so‘zlar bilan tizilgan. Kechinma egasining gulga o‘xshamoqni istashi bejiz emas. Har bir ayol gulni, go‘zallikni xush ko‘radi. Bu ularning tabiatiga xos. Qolaversa, xalq og‘zaki ijodi, mumtoz va zamonaviy adabiyotimizda gul yor va go‘zallik ramzi hisoblanadi. Haqiqiy ishq qarshisida tillar sukut qiladi, bunday kezlarda yuraklar so‘zlashadi. Hayot tashvishlari bilan ovvora bo‘lib, ba’zida o‘zining nozik xilqat vakilasi ekanligini unutib qo‘ygan ayol muhabbatning kuchi bilan o‘zligiga qaytadi. Shu sababdan lirik subyekt tilsiz va kuchsiz bo‘lib uyg‘onishni xohlaydi. Quyidagi she’r esa ayriliq va chorasizlik ichidagi azobli hissiyotdan paydo bo‘lgan:

“...To‘xtaysiz yana bir ko‘rgingiz kelib,
Qarog‘ingiz suvga cho‘kayotgan cho‘g‘.
Tashlab ketmoqlikka ko‘zingiz qiymas,
Olib ketolmaysiz ilojingiz yo‘q”

[Rahimboyeva Q., 1984; 22].

Shoira ikkinchi misrada original tashbeh qo‘llagan. Cho‘g‘ o‘zidan shu’la taratib turgani kabi qaroqda ham nur bor. U bizga borliqni ko‘rsatadi. Suvga cho‘kayotgan cho‘g‘ning zarralari o‘chib boraverishini tasavvur qilish qiyin emas. Hajr azobini tuygan ko‘ngil ham qaroqni xuddi shunday ko‘z yoshli va nursiz qilib qo‘yadi.

Adabiyotshunos B.Karimov Qutlibeka Rahimboyeva she’riyatiga munosabat bildirar ekan, uni “...baland shoira, hatto o‘zidan balandda turib jaranglatib so‘z aytadi” [Karimov B., 2018; 141] deb ta’riflaydi. Olimning bu mulohazasi shoiraning “Men” turkumidagi “Yupanch” she’riga qarata aytilgan:

“O‘zimdan balandlab ketaman,
Ko‘nglim yo‘l ko‘rsatgich devona.
Dunyoni qayg‘urib netaman,
Dunyoki – g‘alati, begona”

[Rahimboyeva Q., 1997; 20].

Meditativ lirika namunasi sanalgan bu she’rda lirik subyektning ko‘ngil olami to‘laligicha aks etgan. Hayotning turli sinovlarini yengib o‘tish uchun o‘zgadan emas, o‘zidan taskin topa olishni hamma ham uddalay olmaydi. Botinidagi yupanchdan kuch olgan lirik “men” o‘zini uqubatlarga berib qo‘ygisi kelmaydi. Ayni holatni quyidagi she’rda ham kuzatish mumkin:

“Ana Bu kun – egnida janda,
Yem bo‘lmayman! Yurak, tez yashir!
Unga also qilmagin banda,
Men uniki emasman, axir!”

[Rahimboyeva Q., 1997; 6]

Bu kun – erksizlik timsoli. Xayolini ozodlik o‘ylari bilan band qilgan lirik qahramon erksiz, adolatsiz kunlarga ko‘nib yashashni istamaydi. Bu kunning bosh harfda berilishi va janda kiygan deb tasvirlanishi bejiz emas. Boisi shoira erksizlikning oddiy hol emasligi, u insoniyat uchun ulkan balo ekanligi, egnidagi yirtiq ko‘ylak oriyatli millatni uyatga qo‘yishi ayonligi haqida ogoh etayotir. Adabiyotshunos B.Karimov to‘g‘ri ta’kidlaganidek, shoiraning “balandlik” maqomi mana shunday she’rlarda yaqqol aksini topgan.

Qutlibeka Rahimboyeva she’riyatida tavsifiy lirika namunalari ham keng o‘rin olgan. Bu janrda “shoir o‘zi tavsiflayotgan yoki tasvirlayotgan narsa-hodisalar, hayotiy holat, tabiat manzaralarida his-kechinmalarini, o‘y-fikrlarini suratlantiradi” [Quronov D., 2018; 395]. Shunga ko‘ra u o‘z tarkibida peyzaj liri-

kasi va voqeaband lirika deb nomlangan janrlarga bo‘linadi. “Adabiyotshunoslik lug‘ati” kitobida peyzaj lirikasiga shunday ta’rif berilgan: “…lirik subyektning his-tuyg‘u va kechinmalari tabiat tasviri orqali ifodalangan asarlar. Peyzaj lirikasida tasvirlangan tabiat manzarasida lirik subyekt qalbi suratlanadi, lirik subyekt qalbidan o‘tkazib berilgan manzara oniy kayfiyatning obraziga aylanadi. Shu ma’noda, peyzaj lirikasida tabiatni tasvirlash maqsad emas, balki bir vositadir” [Quronov D. va boshqalar., 2010; 221]. Bu mulohazani anglash uchun parchaga e’tibor qaratamiz:

“Oydan-da yorug‘roq baland o‘riklar
Tutib bir-birining sergul shoxini
Boqqa kirgizmadi tunning zulmatin”

[Rahimboyeva Q., 1984; 7].

Bahor tunlarida oppoq bo‘lib gullagan o‘rik shoxlarining naqadar go‘zal ko‘rinishi tasviri o‘quvchiga zavq bag‘ishlaydi. Ammo peyzaj xossasiga ko‘ra, bu tasvir bir vosita bo‘lib, shoiraning badiiy g‘oyasi ahillik va birdamlikni ulug‘lashdir. Zero, o‘riklar bir-birining sergul shoxini “mahkam ushlab olganligi uchun” ham tun zulmati bog‘ga “kira olmaydi”. Shoiraning “Qorli tong xayoli” she’rida teraklar yigitlarga, keng sayhonlikdagi qor uyumlari otlarga o‘xshatiladi:

“Mo‘jiza yuz bergan:
Teraklar – alpqomat yigitlar
Egnida oq po‘stin, boshida oq bo‘rk.
Hatto qamchisining dastasi kumush.
Sayhonlik bag‘rida haybatli otlar
Kunchiqish tarafga qarab oromda:
Olmos egarlari qamashtirar ko‘z”

[Rahimboyeva Q., 1989; 28].

She’r yakunida lirik subyekt qorli tongda mo‘jiza ro‘y berib, yigitlardek uzun, barvasta teraklar dunyoning qaysidir qismida parchalanib yotgan erkni qutqarib kelishiga ishonadi. Lirik asarning tub mohiyatida ozodlikni qo‘msash, unga yetishish yo‘lidagi istak tasvirlangan. Fikrimizcha, bu tuyg‘uning mavsumiy peyzaj orqali ifodalanishida o‘ziga xos ishora mavjud. Yuqoridagi she’r Qutlibeka Rahimboyevaning 1989-yildagi “Uyg‘onish fasli” nomli to‘plamidan joy olgan. Shoira nazdida, qishdan so‘ng bahorning kirib kelishi, tabiatda kechadigan fusunkor o‘zgarishlar o‘sha yillarda go‘yo hurriyatga ham aloqador bo‘lgan.

Shoiraning makon-joy tabiati tasvirlangan she’rlarining aksariyati o‘zi ulg‘aygan qishloqqa bag‘ishlangan. Ularning ba’zilarida bolalikni sog‘inish hissi ustuvorlik qilsa, qolganlarida paxta ishini deb o‘zini unutgan yaqinlari, dugonalariga achinish tuyg‘usi seziladi:

“Quchoq ochib chiqar daladan
Hozir mening o‘rtoq qizlarim.
Gul bo‘lishsa koshki ular ham
Nim pushti, oq bo‘lsa yuzlari…
Gul bo‘lishsa koshki ular ham”!

[Rahimboyeva Q., 1984; 8]

Tavsifiylikning yana bir ko‘rinishi voqeaband lirika bo‘lib, kechinmani voqeaning ixcham tasviri asosida ifodalovchi janr hisoblanadi. Bu janrda ham voqea-hodisani tasvirlash ma’lum bir his-tuyg‘uni aks ettirish vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Shuning uchun hodisalar to‘liq tasvirlanmay, undagi ayrim detallargina olinadi [Quronov D. va boshqalar., 2010; 79]. “Kelinchak oromin sindiradi vaqt” deb boshlanuvchi she’rda yori urushga ketgan yosh kelinning o‘ziga oro berish tugul, hatto tabiat go‘zalligini to‘yib tomosha qilishga ham vaqti yo‘qligi, dala ishlaridan ortmasligi tong otishi bilan bog‘liq qisqa voqealar fonida namoyon

bo‘lgan. Demak, bu she’rni tavsifiy-voqeaband lirika namunasi deyish mumkin:

“...Sog‘inch bilan qarab qo‘yib yoniga,
Turdi va bepardoz kiyindi zumda.
Yulduzli tun tamom ketib ulgurmay,
U sekin yo‘l oldi uzun kunduzga...”

[Rahimboyeva Q., 1981; 25]

She’r davomida “urush” so‘zi tilga olinmasa-da, uning zahmati yolg‘iz kutib olingan tong orqali namoyon bo‘lgan. Ayolning ayoldek bo‘lib yashay olmaganidan lirik subyektning ko‘ngli g‘ashlangan. Bog‘ va atirgul tasvirlariga yosh kelinning dala va g‘o‘za haqidagi o‘y-xayollari parallel qo‘yilishi asarning ta’sir kuchini oshirgan.

Umuman olganda, adabiyot muammolariga tizimli yondashish masalaning to‘g‘ri yechim topishiga asos bo‘ladi. Shu jihatdan, lirik asarlarni janrlarga tayanib o‘rganish o‘zini to‘laqonli oqlaydi. Hozirgi o‘zbek adabiyotidagi ayollar she’riyatida Qutlibeka Rahimboyeva ijodi tuyg‘ularning o‘ta samimiy ifodalanishi bilan alohida ajralib turadi. Kuzatganimizdek, shoira barcha janrlarda yuksak badiiyat bilan ijod qilgan. Uning she’rlaridagi janriy tabiat muqoyasa qilinganda, meditativ va tavsifiy lirika yetakchi o‘rinni egallaydi. Bu esa ijodkor qalbi va borliq hodisalari Qutlibeka uchun birlamchi vositalar ekanligi bilan belgilanadi. O‘zgalar kechinmasidan ko‘ra, o‘z tuyg‘ulariga ko‘proq murojaat qilish, ularni bor bo‘yi bilan ko‘rsata bilish qobiliyati shoiraning o‘ziga xos uslubini ham belgilaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov B. Ruhiyat alifbosi. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2018. – 364 b.
2. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 480 b.

3. Quronov D. va boshqalar. Adabiyotshunoslik lug‘ati. – Toshkent: Akademnashr, 2010. – 400 b.

4. Rahimboyeva Q. Yuragimda ko‘rganlarim. – Toshkent: Adabiyot va san’at, 1981. – 48 b.

5. Rahimboyeva Q. Uzun kunduzlar. – Toshkent: Adabiyot va san’at, 1984. – 52 b.

6. Rahimboyeva Q. Uyg‘onish fasli. – Toshkent: Yosh gvardiya, 1989. – 72 b.

7. Rahimboyeva Q. Ozodlik. – Toshkent: Yozuvchi, 1997. – 72 b.

8. Rahimboyeva Q. Ko‘ksimdagi Tangritog‘. – Toshkent: Sharq, 2002. – 64 b.

9. Rahimboyeva Q. Qorako‘zlarim. – Toshkent: Adib, 2012. – 168 b.

10. Sultonov I. va boshqalar. Adabiyot nazariyasi. Ikki tomlik. 2-tom (Adabiy-tarixiy jarayon). – Toshkent: Fan, 1979. – 267 b.

IQTIBOS - INTERTEKSTUAL BIRLIK SIFATIDA

Raimova Sayyora Zaitovna
F.f.f.d., dotsent.
TerDU

Annotatsiya: Mazkur maqolada intertekstual birliklardan biri bo‘lgan iqtibos san’ati xususida so‘z boradi. Iqtibos genezisi va takomili masalalaridagi olimlarning fikrlari keltirilib, munosabat bidirilgan. Misol sifatida Nosiruddin Burhonuddin Rabg‘uziyning “Qisasi Rabg‘uziy” asariga murojaat etilgan.

Kalit so‘zlar: Intertekstuallik, iqtibos, Qur’oni karim, hadisi sharif

Abstract: This article is about the art of quotation, which is one of the intertextual units. The opinions of scientists on the genesis and improvement of quotations are given and their reactions are given. As an example, Nasiruddin Burhonuddin Rabguzi’s work Qisasi Rabg‘uziy is referred to.

Keywords: Intertextuality, quotation, Qur’oni karim, hadith

Intertekstuallik haqida adabiyotshunoslik lug‘atida quyidagicha ta’rif beriladi: “Intertekstuallik (lot. inter-aro, textum-to‘qima, mato, matn)–fanga fransuz filologi Yu.Kristeva kiritgan termin. Unga ko‘ra har qanday matn avval mavjud bo‘lgan matnlarni transformatsiya qilgan holda o‘ziga singdirgan sitatalar majmuidir” [Д.Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиева, 2010;119-120].

Ma’lumotlarga ko‘ra, intertekstuallik atamasi 1967-yil fransuz olimasi Yuliya Kristeva tomonidan ilk marotaba “Baxtine, le mot, le dialogue et le roman” asarida qo‘llanilgan bo‘lib, u intertekstuallikning bir qancha nazariy asoslarini ishlab chiqqan.

Biroq bu atamaning Sharq mumtoz adabiyotidagi genezisiga to‘xtaladigan bo‘lsak, (ilk bitiklar) muqaddas Qur’oni karim oyatlarini sharhlagan ilk tafsirlar, muborak hadisi shariflarni yetkazish yo‘lidagi yozma manbalar - Abdulloh ibn Muborak, Navaviy kabilarning “Qirq hadis”lari, Mahmud Saroyining “Nahj ul- farodis” kabi asarlari, anbiyolar tarixi yaratilgan qissalar - Nosiruddin Burhonuddin Rabg‘uziyning “Qisasi Rabg‘uziy”, Alisher Navoiyning “Tarixi anbiyo va hukamo”, shayx, avliyolar tarixi yaratilgan manoqiblar – Farididdin Attorning “Tazkirat ul- avliyo”, Abdurahmon Jomiyning “Nafahot-ul-uns”, Alisher Navoiyning “Nasoyim ul-muhabbat” kabi asarlarida qo‘llanilgan iqtiboslar mazkur hodisaning yetuk namunalaridir. “Sharq adabiyotida nubuvvat motivi uchun salmoqdor hodisa “Qisas-ul anbiyo” turkumi hisoblanadi. Uning arab, fors va turkiy tillarda turkum galleriyasi yaratilgan. Sharq adabiyotida bunday tarixiy-badiiy qissalar xos-u avomga birday xizmat etganligi bilan ajralib turadi” [Қобилов У, 2019; 18].

Shuningdek, “Hadislarga bag‘ishlab yozilgan “Arbain”lar ham iqtibos usulida yaratilgan...”[Ҳожиаҳмедов А, 1999,60-61]. Bundan tashqari Sharq mumtoz adabiyotida qo‘llanib kelingan, irsoli masal, talmeh kabi badiiy san’atlarni ham aytishimiz mumkin. Demak, intertekstuallikning qadimiy ildizlari, falsafiy sarchashmalari xalq og‘zaki ijodiga borib taqaladi. Chunki donishmand xalqimiz hamisha o‘z iboralariga zeb berib, so‘zamollikka erishgan.

Azaldan islomiy g‘oyalarni xalqqa yetkazishda aynan Qur’oni karim oyatlaridan, hadisi shariflardan iqtiboslar keltirilib, fikrlar dalillangan bo‘lsa, talmehlardan foydalanish bayonchilikdan qutulish, birgina so‘z orqali o‘quvchi ongida katta bir voqelikni gavdalantirishga imkoniyat, irsoli masallar orqali esa fikrning ixchamligi, ta’sirchanligi, ifodaning go‘zalligiga erishish nazarda tutilgan.

Iqtibos san'ati intertekstuallikning asosini tashkil etuvchi muhim birliklardan biri deyish mumkin. Ayniqsa, profetologiya – payg'ambarlik ta'limotiga oid asarlarda uning yaxshi namunalarini uchratish mumkin. Intertekstlar retsepiyent uchun har jihatdan qulaylik tug'diradi, ayniqsa, diniy-ma'rifiy asarlarni tushunishda asosiy vositadir. Shu bois iqtibosning qadim tarixini bilish uchun adabiyotshunosligimizning ba'zi manbalariga murojaat etdik. Avvalgi tadqiqotimizda ham iqtibos haqidagi eng qimmatli nazariy manba sifatida Atoulloh Mahmud Husayniyning "Badoye us-sanoye" asaridagi fikrlariga tayanganmiz[Раимова С, 2021;]. Mazkur san'at genezisi va nazariyasi borasida adabiyotshunos Olimjon Davlatov o'z tadqiqotida atroflicha to'xtaladi [**Давлатов О, 2017;**].

Iqtibos haqida arab va fors manbalarini kuzatgan olim:"Badi' ilmiga oid o'rta asr arab adabiyotshunosligining ilk manbalarida iqtibos san'ati haqida hech qanday ma'lumotga ega bo'lolmadik. Mumtoz fors adabiyotshunosligining ilk obidalari – "Tarjumon ul-balog'a", "Hadoyiq us-sehr", "Al-mo'jam", "Hadoyiq ul-haqoyiq"da ham iqtibos alohida san'at sifatida ko'rsatilmagan"[**Давлатов О, 2017;14**],- degan ma'lumotlarni keltirib o'tadi. Iqtibos san'atining ilmiy manbalarda ilk bora uchrashi haqidagi keng qamrovli aniq xulosalarini beradi: "Bu haqda ilk marotaba Atoulloh Husayniyning "Badoyi us-sanoyi"i va Husayn Voyiz Koshifiyning "Badoyi' ul-afkor fi sanoyi il-ash'or"ida ma'lumot berilgan"[**Давлатов О,2017;16**].

Bundan tashqari iqtibos san'ati haqida o'z qarashlarini ilgari surish jarayonida uning takomilidagi bir qancha asosiy omillarni sanar ekan, mazkur san'atning adabiy manbalarda XV asrda qayd qilinganligini va shu davrgacha ham "Sanoiy, Yassaviy, Yusuf Boqirg'oniy, Sa'diy, Mavlaviy, Hofiz, umuman, qaysi shoir devonini ochsangiz, Qur'on oyati yo hadis matni aynan keltirilgan bayt yoki misraga duch kelasiz"[**Давлатов О, 2017;17**],- degan qimmatli fikrlarni bayon etadi. Mazkur fikrlar iqtibos san'ati nazariyasiga doir adabiyotshunoslikdagi muhim dalillardir.

Darhaqiqat, Atoulloh Husayniyga ko‘ra: “Iqtibos mashhur qavlg‘a ko‘ra Qur’on yo hadisdin bir nimani aning Qur’on yoki hadisdin olinganig‘a ishora bo‘lmag‘an tarzda kalomg‘a kiritmaktin iborattur”[**Атоуллоҳ Ҳусаиний, 1981;242-243**].

Yuqorida ta’kidlab o‘tganimizdek, “Tarixi anbiyo” turkumidagi asarlarda iqtiboslarni ko‘plab uchratish mumkin.

Nosiriddin Burhonuddin Rabg‘uziyning “Qisasi Rabg‘uziy” asari ham payg‘ambarlar tarixidan voqif etuvchi turkiy tilda bitilgan ilk badiiyat durdonasidir. Asar olamning yaratilishi, payg‘ambarlar, xulafoi roshidinlar, tarixiy shaxslar haqida xabar berish bilan birga olam va odam munosabatlari haqida ham keng qamrovli ma’lumotlar olish mumkinligi bilan qimmatlidir .Unda ota-onani hurmat qilishdek muqaddas burchlar, og‘a-ini o‘rtasida ahillik bo‘lishi lozimligi, yaxshilikka yaxshilik bilan javob qaytarish, har ishdaki sadoqat bilan xizmat ko‘rsatishdek ibratlar ko‘rsatib berilgan bo‘lsa, barchasi Qur’on yoki hadis orqali dalillangan. Asarda Odam (a.s), Shis(a.s), Idris (a.s), Nuh (a.s),Dovud (a.s), Muso(a.s),Ibrohim(a.s), Ismoil(a.s), Ishoq(a.s), Lut(a.s), Ya’qub(a.s), Yusuf (a.s), Muhammad (sav) kabi payg‘ambarlar, farishtalar, xalifalar haqida hikoya qilinib, ma’lumotlar beriladi.

Avvalo, mazkur asarning o‘rganilish tarixiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, XX asrdan boshlab bu asar sharqshunos olimlarning e’tiborini torta boshladi. Jahon va o‘zbek olimlari (sharqshunos, tilshunos va adabiyotshunos) A.Krimskiy, S.Brokkelman, M.F.Ko‘prulizoda, A.Samoylovich, H.Zarifov, X.Rasul, A.Hayitmetov kabilar bu qimmatli asar haqida o‘z vaqtida mulohazalarini bildirishgan.

Asar yozilgan til umumturkiy til bo‘lgani boisidan ham turkiy xalqlar adabiyotshunosligi , tilshunosligi hamda matnshunoslik masalasida ham muhim manba sifatida xizmat qilayotir.

Xususan, Turk tadqiqotchilaridan Aysu Ataning tadqiqoti ham bu yo‘ldagi muhim ishlardan biridir. U “Qisasi Rabg‘uziy” asarining turk tilidagi tabdilini amalga oshirgan. Rabg‘uziy ijo-

dining o‘rganilish masalalariga ham etibor qaratgan.O‘zigacha tadqiqot olib borgan olimlarning qarashlariga munosabat bildirgan.

“Qisasi Rabg‘uziy” asari yuzasidan o‘zbek adabiyotshunosligida N.Mallayev, A.Qayumov, H.Karomatov, B.Sarimsoqov, E.Fozilov, I.Ostonaqulov, H.Safarova, A.Yunusov, U.Mirzakarimova, T.G‘ofurjonova kabilar tadqiqotlar olib borishgan.

Mustaqillik yillarida yurtimizning atoqli turkiyshunos olimlari E. Fozilov, A. Yunusov, H. Dadaboyevlar asarning ikki jildini nashrga tayyorlashdi. Undagi oyatlar, hadislar va arabiy she’rlar tarjimasi Yu. Shokirov tomonidan amalga oshirilgan. Shuningdek, filologiya fanlari doktori B.Abdushukurovning doktorlik dissertatsiyasi ham muhim ahamiyatga ega tadqiqotlardan biridir.

Asarning g‘oyaviy-estetik, janr-transformatsion jihatlarini ta’minlovchi poetik xususiyatlarni kuzatadigan bo‘lsak, Rabg‘uziyning ijodiy manerasi va uning badiiy mahoratiga yuksak baho berish mumkin. Birgina asardagi Qur’oni karim oyatlari va hadisi shariflardan keltirilgan iqtiboslarga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, muallifning g‘oyaviy-badiiy maqsadiga xizmat qilishdagi yuksakligi bilan muhim ahamiyatga egadir. Chunki Rabg‘uziy o‘z fikrini asoslashda muborak manbalarga murojaat etadi. Masalan, Qur’oni Karimning “Isro”, “Najm” kabi suralarida zikr etilganidek, payg‘ambarimiz Muhammad Mustafo (sollallohu alayhi vasallam)ning me’rojlari bilan bog‘liq voqealar bayonida quyidagi intermatnlardan foydalanish mahoratini kuzatish mumkin:”Yorlig‘ keldi:Sen bizing hazratimizda bizga sano ayding, Attahiyyatu li-Llahi vas-salavatu vat-tayibatu.Ul holda men senga salom aydim. Assalamu alayka ayyuhan nabiyyu va rahmatullohi va barakatuhu. Yana maning salomimg‘a javob ayding: Assalamu alayna va ala ibadi-l-Llahis solihin. Farishtalar uni eshitib aydilar: “Ash-hadu an la ilaha illa-Llohu va ashhadu anna Muhamma-dan abduhu va rasuluhu”. Tedilar: Bu kalimotni jam qilg‘il. Ummatlaringga bo‘lak eltgil. Ikki rakat namoz o‘tab

tuganmishda, namoz oxirinda bu kalimotni aysunlar. Va nahnu nusabbixu bihamdika va nuqaddisu lak. Yetti qat ko‘k farishtalari ibodat qilib savob bo‘lur ersa, ul ikki rakat namoz o‘tab so‘nginda bu kalimotni o‘qig‘anlarg‘a oncha savob bergayman, teb yorliqadi”[Рабғузий, 1991; 155-156].

Payg‘ambarimiz Muhammad (sollallohu alayhi vasallamning) mazkur muborak Me‘rojlari haqida muqaddas kitobimiz Qur’oni karimning “Najm” surasidagi 7-12-oyatlarda quyidagicha bayon etiladi: ”Bas, Jabroyil osmonning kanorasida (yuksak ufqda) rost turdi, keyin Jabroyil Payg‘ambarga yaqin bo‘ldi. Keyin so‘zlash uchun juda yaqin bo‘ldi. Bas, Muhammad alayhissalom bilan Jabroyilning o‘rtalaridagi masofa ikki kamon miqdoricha yo undan ham kamroq (yaqinroq) edi. Keyin Xudo buyurgan hukmni Xudoning bandasi Muhammad (alayhissalom)ga xabar berdi. Payg‘ambarning ko‘rgan narsasini dili tasdiqladi. Ey kofirlar, Muhammad (alayhissalom)ning Me’rojda ko‘rgan narsalari haqida janjal qilasizlarmi (talashib tortishasizlarmi)?[Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли, 2022;699].

Manbalarda Muhammad (sollallohu alayhi va sallam)ga Merojning tuhfasi sifatida farz amallardan biri namoz berilgani haqida ma’lumot beriladi. Bu borada Qur’oni karimning Al-Isro surasi 78-oyatida shunday keladi: “Quyosh og‘ishidan tun qorong‘usigacha namozni to‘kis ado qiling va tonggi o‘qishni (bomdod namozi)ni ham (to‘kis ado qiling)! Zero, tonggi o‘qish (kecha va kunduz farishtalari tomonidan) guvoh bo‘linadigan namozdir.

Barcha mufassirlar ushbu oyatni har kuni besh vaqt namoz farz ekanligiga hujjat deb qabul qilganlar. Chunki quyosh og‘ishi bilan “peshin” namozi o‘qiladi. Og‘ishlik davom etib kishining soyasi o‘ziga ikki barobar bo‘lgach esa “asr” vaqti kiradi. Kun botishibilan “shom” bo‘lsa, kecha qorong‘usi tushishi bilan “xufton” vaqti kirgan bo‘ladi. Tun tugab, tong boshlangach, (hali quyosh chiqmasdan turib) “tonggi o‘qish”-“bomdod” namozini o‘qish farz bo‘ladi”[Шайх Алоуддин Мансур,2019;411].

Aytish mumkinki, Rabg‘uziy badiiy qissada payg‘ambarlarning xos xususiyatlarini ifodalash, mo‘jizalari haqida bayon etish kabi o‘rinlarda o‘z fikrlarining isboti sifatida asarning 500 dan ortiq o‘rinlarida tabarruk Qur’oni karim oyatlaridan, ko‘plab o‘rinlarda muqaddas hadisi shariflardan iqtibos sifatida unumli va ayni chog‘da mahorat bilan foydalangan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Адабиётшунослик луғати / Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Тошкент: “Академнашр”, 2010.

2. Атоуллоҳ Ҳусаиний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат,1981.

3. Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Филол. фан. ... фалс. док. дисс... – Самарқанд, 2017.

4. Рабғузий, Носируддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий.2-китоб. –Т.: “Ёзувчи”,1991.

5. Раимова С. Мустақиллик даври ўзбек шеъриятида диний-маърифий мавзунинг бадиий талқини. Филол. фан. ... фалс. док. дисс… – Тошкент, 2021.

6. Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини. (XIV-XV асрлар). Филол. фан. док. дисс. автореф... – Самарқанд, 2019.

7. Қуръони карим оятлари маъноларининг изоҳли таржимаси. Шайх Муҳаммаджон мулло Рустам ўғли. – Тошкент: “Munir” нашриёти, 2022.

8. Қуръони азим мухтасар тафсири. Шайх Алоуддин Мансур. - Тошкент: “Movarounnahr” нашриёти, 2019.

9. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатлари ва мумтоз қофия. Т.: Ўқитувчи, 1999.

SIROJIDDIN SAYYID SHE'RIYATIDA KO'NGIL OBRAZI

Ergasheva Rayhon O'tkir qizi,
Termiz iqtisodiyot va servis universiteti
"Ijtimoiy-gumanitar fanlar" kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada Sirojiddin Sayyid ijodidagi an'anaviy obraz – ko'ngil haqidagi qarashlar to'g'risida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: ruh va ko'ngil, ofiyat, ishq to'la jom, tashbeh, ko'ngil kosasi

Abstract. This article discusses the traditional image of the soul in the works of Sirojiddin Sayyid.

Keywords: soul and heart, health, cup full of love, allegory, cup of heart

Mumtoz adabiyotimizda yetakchi bo'lgan obrazlardan biri ko'ngil obrazidir. Bu obraz yozma adabiyotga og'zaki adabiyotdan kirib kelgan. Bundan ko'rinadiki, ko'ngil qadimiy an'anaviy obrazlardan biridir. Mumtoz adabiyotimizda mazkur obraz keng istifoda etilgan. Mavlono Lutfiyda "Bu ko'ngildir" radifli g'azalni, Alisher Navoiy ijodida esa qator lirik she'rlar va "Xamsa" dostonidagi "Hayrat ul- abror" da maxsus bob yozilganini ko'ramiz. Bu obrazning nihoyatda inson kechinmalari ifodasidagi go'zal badiiy tasvirlari Bobur lirikasida ham yetakchidir:

Kim ko'rubdur, ey ko'ngul, ahli jahondin yaxshilig'?
Kimki, ondin yaxshi yo'q, ko'z tutma ondin yaxshilig'!

Zamonaviy o'zbek shoirlarimizdan Sirojiddin Sayyid mumtoz adabiyotimizning bu ikki ulug' shoirlari an'analarini davom

ettiradi. Koʻngil mavzusiga alohida yuksaklik bilan qaraydi. Sirojiddin Sayyid shunga uygʻun fikrni oʻziga xos tarzda, betakror ifodalaydi. Uningcha:

«She'r garchi shoirning koʻksida yongan,
Boʻgʻzini kuydirgan olov unidir.
She'riyat – gul emas, chechakmas, asli
Ruh va koʻngillarning kir sovunidir». [Sayyid, 2008:10]

Quyidagi misrada koʻngil shoirlarga bir merosdir:

Uyli-joyli boʻldi shoirlar qator,
She'r axir koʻngilning erka jayroni.

Binobarin, inson ruh va koʻnglini adabiyotchalik poklaydigan boshqa bir hodisa mavjud emas. «Eng uzoq safardir koʻngil safari»dir deb ta'rif keltiradi shoir Sirojiddin Sayyid. Koʻngilga ta'rif-tavsif keltirsak, uning "Koʻngil sohillari" nomli toʻplamida naqadar badiiy mahorati bilan yuqori pogʻonaga koʻtarilishining guvohi boʻlamiz. Avvalo, oʻziga ustoz deb bilgan Navoiy va Bobur ijodi oʻz koʻnglidan joy olganligini tatabbular bogʻlashida ham koʻra olamiz.

Mir Alisher Navoiyning "Zulfing ochilib" gʻazaliga muxammas bogʻlagan:

Koʻnglim ochilib, oʻylaki orzu bila oʻynar,
Koʻrganda yuzing, orzusi qaygʻu bila oʻynar,
Qaygʻusi yana zavq ila tuygʻu bila oʻynar,
Zulfing ochilib orazi diljoʻ bila oʻynar,
Hindu bachaye shoʻxturur su bila oʻynar.

"To Navoiy bor.." she'rida ham koʻngilda Navoiyga boʻlgan muhabbati bor ekanligiga toʻxtaladi:

To Navoiy bor – muhabbat dildadir,
So‘lmagay hargiz ko‘ngil bo‘stonimiz.

Umuman, u bu buyuk shoirlar ijodidan, jumladan, Bobur Mirzo she’riyatidan doimo oziqlangan. Quyidagi misralar ayni boburona usulda bitilgan:

Tiriklik avval-u oxir xazon bo‘lmakka moyildir,
Ko‘ngilning ham daraxtidin to‘kildi oncha yaproqlar
[Sayyid, 2018:113]

“Xazonrez keldi…” deb boshlanuvchi mazkur g‘azalida ko‘ngil obrazi mumtoz she’riyatimiz an’analari sifatida qo‘llanilgan. Tiriklik, avval-u oxir, xazon, ko‘ngil daraxti, yaproqlar – inson umri fanoligini anglatuvchi ushbu bir-biriga yaqin tushunchalardan iborat bo‘lgan she’rda asosiy g‘oya mumtoz ruh bilan berilgan. Bu borada yana Zahiriddin Muhammad Boburning g‘azaliga “Bahor ayyomidur…” nomli muxammas bog‘lagan:

Bulut ermas, ko‘k uzra tarqagan ko‘ngil gumonidur,
Gumon qilmak bu damda begumon dilning ziyonidur.

Bu misrada bulut qora bo‘ladi va u ko‘kda ammo ko‘kdagini bulut demang, ko‘ngildagi gumon, ya’ni bu yerda qoralik gumonga monandday. Agar kishi gumon qilsa, begumon (gumon qilmagan dil) bo‘lgan dilga ziyon keltiradi degan ma’noni anglatmoqda.

Bundan tashqari, S.Sayyid ijodida bir qancha buyuk alloma va shoirlarga ham to‘xtalib, ularni ko‘ngil obrazi bilan bog‘laganini ko‘ramiz.

Ey dil, Jaloliddin Rumiyga boqqil ,
Ko‘ngil daryosiga g‘arq bo‘lgil, oqqil.
Mangu olovdir bu – mangu tiriklik,
Yondirgil o‘zingni, shu o‘tda yoqqil.

Ushbu misrada ko‘nglining Rumiy ijodidan ozuqa olishiga undamoqda.

Uyqashdir bu yo‘lning tun-u sahari,
Xabarlari bisyor, ko‘pdir xatari.
Ey do‘st, Farididdin Attordin o‘rgan,
Eng uzoq safardir ko‘ngil safari.

Endi esa Attorni o‘rganish ko‘ngil safarini teranroq anglashiga ishora bermoqda.

Shoir ko‘ngilning sifatlarini ta’riflaydi:
Ko‘ngil kuygaydir-u, vale kul yo‘qdir,
Ko‘ngil bir gul istar, vale ul yo‘qdir.
Puldor kimsalarda yo‘qdir saxovat,
Saxovat ahlida vale pul yo‘qdir.

Shoir falsafasida har qaysi amal Xudodan pinhon qolmaydi, ko‘ngillar esa ezgulik bilan payvand bo‘ladi. “Besh vaqt namoz” she’rida ko‘ngilni tozalovchi, ko‘ngil ko‘zini charaqlatguvchi deb namoz amalini bajarishga urg‘u beradi:

Besh vaqt namoz go‘yo beshta daryodir
Darvozang oldidan oqib o‘tguvchi.
Jismu jon g‘usli shu, shudir aslida
Ko‘ngil ko‘zgusini charaqlatguvchi.

Xudodan afv va ofiyat so‘ranglar. Chunki hech birlaring imondan keyin ofiyatdek buyuk ne’matni topa olmaysizlar ma’nosidagi “Ofiyat” nomli she’rida ko‘ngilga metaforik yo‘l bilan ta’rif berib o‘tadi.

Ko‘ngil hovlisidan, aql tomidan
Shubha-gumonlarning qorini kurang.

Mehrob nuqtasiga jamlang fikrni,
Xudodan afv va ofiyat so‘rang.

Ba’zi o‘rinlarda ko‘ngilga murojaat qilib, uning vujudda hokimlik qilishini his qiladi:

Gohi tuprog‘ yanglig‘ so‘qmog‘ingdaman,
Toshqin sel, ko‘kdagi chaqmog‘ingdaman.
Gohi devoringga xasman, ey ko‘ngil,
Gohi shabnam yanglig‘ yaprog‘ingdaman
Kuy tinglab ko‘ngilning nayidan, ketdik,
Gul dedik, ko‘ngilning ra’yidan ketdik.
Ko‘ngilar mehridan paydo bo‘ldig-u
Bir umr ko‘ngilning payidan ketdik.

“Ko‘ngil sohili” nomli she’ri ko‘ngil tublariga ne-ne toshlarni cho‘kkanligi, u toshlarni esa na quvonch yupatdi, na ko‘zyoshlar ketkiza olganini, so‘ngan har shu’laga o‘kinch-la boqib, hatto quyosh ham dilidan rang olib bota boshladi deya o‘z tuyg‘ularini ifodalab o‘tadi.

Inson umri so‘nggi pallasida ko‘ngil daraxti yaproqlari to‘kildi:

Bu – ko‘ngil birla gul vasli, u – dil fasli, ko‘ngil fasli,
Bu dilbar loladin jomlar muborak bo‘lsin, ey ko‘ngil.
To‘lib ko‘ksimga sig‘maysan, kelib bo‘g‘zimga sig‘maysan,
Yana ko‘ngil degan nomlar muborak bo‘lsin, ey ko‘ngil

“Sevishganlar g‘azali” she’rida ko‘ngillar ishq to‘la jomdir, unda bazmi safo bo‘lishi haqida go‘zal tashbeh qilib keltirib o‘tadi.

S.Sayyid she’riyatida ko‘ngil mumtoz g‘oyaviy tushunchalarni saqlagan holda ramzga aylanadi. Sodda ifodaviylik, fikrlarning

ijtimoiy-falsafiyligi bilan ajralib turadi. Uning lirik qahramoni ko‘ngil olamida turli evrilishlar, insoniy tuyg‘ulardan sarmastlik seziladi:

Men ko‘ngil dunyosining dog‘idaman,
Har ko‘ngilning dog‘i so‘rog‘idaman
[Sayyid, 2008:367].

Ko‘ngil insonga mehr, vijdon, ezgulik kabi tushunchalarni urg‘ulantirib turadi. Shoir nazdida ko‘ngil insonga Olloh tomonidan berilgan buyuk tuhfa, u - muqaddas. Chunki inson ko‘ngil orqali o‘zligini kashf etadi, hayotning mohiyatini anglaydi. “Yuz ming ko‘ngil bu armon” – deb yozdi u “Yuz ming ko‘ngil” she’rida.

Ko‘ngil bu ko‘ngildan yulish demakdir,
Yulib yana unda qolish demakdir.
Ko‘ngil degani bu cheki yo‘q sog‘inch,
Bir umr sevinish, nolish demakdir.
Unda Jomiy yashar, Navoiy yashar,
Ko‘ngil shu zotlarni bilish demakdir.
Ko‘ngil ishq uchundir, muhabbat uchun,
Agar unda ishq yo‘q, kalish demakdir.

Ba’zi o‘rinda ko‘ngilga taskin beradi: Ey ko‘ngil, o‘ksinmagil, qish ortidan kelgay bahor.

Ko‘ngil borasida shoir juda go‘zal va ohoriy o‘xshatishlarni tanlab ishlatadi: ko‘ngil torlari, ko‘ngil dorlari; shaharlarga o‘xshar ko‘ngillar; ko‘ngil kosasi bor, bordir ko‘ngil shishasi; ko‘ngil beshigi, ko‘ngil uyi kabi. Ko‘ngilga shunchalik chuqur kirib boradiki, bu borada:

“Ko‘ngil izidan dahr aro ketdimki, shunchalar –
Majnun ham topgaymikin izlab daraklarim”,

deya talmehga murojaat qiladi.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz joizki, shoir ijodida koʻngil obrazi oʻzining dardi, sifatlari, goʻzalligi, ajoyib tashbehlari kabi xususiyatlari bilan ajralib turadi. Albatta, eng yuqori choʻqqiga koʻtarila olganligini yuqoridagi misralardan guvohi boʻldik. Shu oʻrinda uning: Ajib doʻkon ochibdursan, koʻngildan oʻzga moling yoʻq , - deya bergan ta'rifi ham butun insoniyat uchun birdek taalluqli bir ibora boʻladi, deya olsak, adashmaymiz.

Adabiyotlar roʻyxati.

1. Сирожиддин Саййиднинг «Сўз йўли» Сўз йўли: Танланган асарлар. Икки жилдлик. 2-жилд.–Т.: «Щарк,» , 2008 . 10

2. С.Саййид. Асарлар. шеърлар. достонлар. Ғазал дафтари. Насрий оҳангларда. IV жилдлик. II жилд. – Тошкент: Шарқ, – 2018. Shu jilddan olingan. 113.

3. S.Sayyid. "Koʻngil sohili" Tanlanga asarlar. 2-jild. – T.: "Sharq" , 2008. 367

ISTIQLOL DAVRI ROMANLARIDA TEMURIY MALIKALAR SIYMOSI IFODASI

(Sh. Isaxonovaning “Bibixonim”, R. Haydarovaning “Javzo” romanlari misolida)

Djalilova Durdona Zairxodja qizi
Tayanch doktorant
Alisher Navoiy nomidagi o‘zbek tili va adabiyot universiteti,

Annotatsiya: Maqolada mustaqillik davrida ijodkorlarning hozirgi o‘zbek tarixiy romanlarida ayol shaxsi – malikalar obrazi, badiiy tafakkur uyg‘unligini shakllantiruvchi tasvir vositalari va poetik usullardan foydalanishdagi ijodiy individuallik, tarixiy-badiiy obraz yaratish borasidagi uslubiy izlanishlar, badiiy ifoda uslubidagi o‘ziga xosliklari badiiy dalillar asosida ochib berilgan. Maqolada kerakli adabiyotlardan foydalanilgan.

Kalit so‘zlar: tarixiy roman, malika, tarixiy shaxs, obraz, sohibqiron, shahzodalar, tarixiy voqelik, tarixiy haqiqat

Annotation: In the article, during the period of independence, the image of the female personality-princesses in the contemporary Uzbek historical novels of creators, creative individuality in the use of pictorial tools and poetic methods that form the harmony of artistic thinking, methodological research in creating a historical-artistic image, the peculiarities of the style of artistic expression revealed on the basis of evidence. The necessary literature is used in the article.

Keywords: historical novel, princess, historical person, image, host, princes, historical reality, historical reality

Istiqlol yuksak ilohiy ne’mat sifatida nafaqat turmush tarzimizga, balki madaniy-ma’naviy hayotimizga ham teran kirib

bormoqda. Mamlakatimiz o‘zining ilmiy va iqtisodiy-siyosiy salohiyatini ham dunyo hamjamiyati oldida tobora yuksaltirmoqda. Qadimdan ilm-u ma’rifatning beshigi sanalgan yurtimiz tarixini chuqurroq o‘rganish, ajdodlar ma’naviy merosini tiklash bugungi kunning dolzarb masalalaridan etib belgilandi. Jumladan, yangilanayotgan O‘zbekistonda tarix fanida ham ajdodlarimiz tarixini o‘rganish, ularga to‘g‘ri va xolis baho berish, shu asosida milliy qadriyatlarimizni tiklash o‘zining yangicha bosqichiga ko‘tarildi. Zero, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta’kidlaganidek: “Bizning havas qilsa arziydigan ulug‘ tariximiz bor. Havas qilsa arziydigan ulug‘ ajdodlarimiz bor” [Mirziyoyev, 2017:1]

O‘zbek adabiyotida xalqimiz tarixining eng shonli zarvaraqlarini teran badiiy tahlil qilishga bag‘ishlangan bir qator yirik asarlar yaratilgan. Xalqimiz tarixining turfa bosqichlarini tasvirlash, millatimizning ijtimoiy va ma’naviy hayotida muhim rol o‘ynagan iste’dod sohiblari shaxsiyatining jamiyat taraqqiyotida tutgan o‘rnini ko‘rsatib berish, tarixiy voqelik va shaxs munosabatini yoritish, shuningdek, davlatchiligimiz tarixi va milliy qadriyatlarimizning tarixiy-hayotiy asoslarini oydinlashtirish, o‘zbek tarixiy romanlarining o‘ziga xos milliy xususiyatlarini tashkil etadi. Dunyo adabiyotshunosligi tarixidan ma’lumki, tarixiy mavzuda yozilgan, tarixiy shaxs obrazi yaratilgan badiiy asarlarning xalq ongi va qalbiga ta’sirini yoritish, o‘tmish voqeligining zamonaviy adabiyotdagi poetik ifodasi va tarixiy shaxs tasviridagi o‘ziga xos qonuniyatlarni aniqlash – milliy qadriyat va umumbashariy timsollarni yuzaga chiqarish, estetik did va tafakkurni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi.[Ashurova, 2023:4]

Tarixni teran anglash asosida yaratilgan “Bibixonim” tipidagi romanlarning dunyoga kelishi milliy tafakkur ehtiyojining samarasi. “Bibixonim ” romani syujet sertarmoqligi, buyuk tarixiy shaxslar, ko‘plab mamlakat va xalqlar taqdiri, o‘zaro nizoli urushlar tarixi, davr madaniy hayoti manzaralarini markazlashgan saltanat bunyod etish umidida intilgan Amir Temur shaxsi-

yati orqali gavdalantirishi jihatidan tarixiy-memuarlar uslubiga yaqin turadi. Tarixiy roman ikki qismdan iborat bo‘lib, tarixiy voqelik va badiiy to‘qimaning uyg‘unligini aks etgan. Ushbu asarda ayollarning ko‘plab nozik qirralari ochib berilganki, bular tahlil va talqinga ehtiyoj uyg‘otadi. Asarning o‘ziga xos jihatlaridan biri shundaki, unda tasvirlanayotgan tarixiy davr va sharoitda temuriyzodalarning ma’naviy-ahloqiy dunyoqarashiga kuchli ta’sir etuvchi asosiy kuch sifatida ayollar badiiy tasvir doirasida gavdalanadi va ma’lum darajada temuriylarning inqiroziga oid badiiy xulosa ham ayollar obrazlari vositasida bayon etiladi. O‘zbek adabiyotshunosligi ham adabiyotda tarixiy mavzuga murojaat, tarixni badiiy gavdalantirish masalalari tadqiqiga jiddiy e’tibor qaratgan. Jumladan, akademik Izzat Sultonning kuzatishlari bu borada alohida o‘rin tutadi: “tarix adabiyotni tushuntirib bergani kabi, adabiyotning o‘zi ham xalq hayotini tushuntirib beradi” [Sultonov, 2005:14]

Shahodat Isaxonova “Turon malikalari” deb atalgan yangi asarning sahifalariga uzoq tarix sahnasida juda murakkab o‘yinlar, vazifalar, maqsadlarni bajargan, tole’ yo‘llari tizza bo‘yi qonli maydonlarda o‘tgan tarixiy ishtirokchilarni olib kiradi. Yozuvchi ilgariroq bizga tanish bo‘lgan va ko‘p o‘quvchilar tanib ulgurgan tarixiy qissa va romanlari kabi bu asarda ham hazrat Amir Temur zamonlariga aniqrog‘i, hazrat vafotidan keyin ro‘y bergan tahlikalar, talvasalar, sarosimalar bilan to‘lib-toshgan benihoya ziddiyatli paytlarga murojaat qiladi. Asarning asosiy qahramonlari temuriy shahzodalar va malikalar obrazidir. Asarning bosh markazida Bibixonim obrazi turadi. Saroy Mulkxonim Chig‘atoy ulusiga mansub mo‘g‘ul xonlaridan Qozonxonning qizi bo‘lib, 1341-yilda tug‘ilgan. Qozonxon taxtdan azl etilib, qatl qilingan chog‘da Saroy Mulkxonim hali besh yoshda edi. Saroy Mulkxonim balog‘atga yetgach, 1355-yilda Movarounnahr hukmdori Amir Qozog‘onning nabirasi Amir Husayn uni nikohiga kiritdi. [Fayziyev,1994:3] 1370-yilda Sohibqiron Amir Temur jangda Amir

Husaynni yengib, uni qatl qildirgach, Movarounnahr hukmronligini o‘z qo‘liga oladi. Sohibqiron Amir Temur Saroy Mulkxonimni o‘z nikohiga kiritgach, “Ko‘ragon” unvoniga musharraf bo‘ldi. Ko‘ragon iborasi mo‘g‘ulcha so‘z bo‘lib, “kuyov” degan ma’noni ifodalaydi. Zero, Saroy Mulkxonim mo‘g‘ul xonlaridan birining qizi bo‘lgani tufayli Sohibqiron Amir Temur mo‘g‘ul xonining kuyovi, ya’ni “Amir Temur Ko‘ragon” nomini olgan edi. Sohibqiron Amir Temur Malika Saroy Mulkxonimni o‘z nikohiga kiritgunga qadar, haramida boshqa xotinlari ham bor edi. Lekin xon avlodiga mansub Saroy Mulkxonim haramdagi barcha malikalardan ulug‘rog‘i hisoblanib, “katta xonim” yoxud “Bibixonim” degan unvonga noil bo‘ladi. “Bibixonim” romani Amir Temirning Samarqandda barpo etgan bog‘laridan biri “ Bog‘i Shamol” da boshlanib, Saroy Mulkxonimnining ayanchli o‘limi bilan tugaydi.

Bibixonim obrazi asardagi eng muhim, badiiy g‘oyani yo‘naltiruvchi xususiyatlari bilan boshqa obrazlardan ajralib turadi. Chunki, asardagi asosiy voqealar, ya’ni temuriylar saltanati osmonidagi qora bulutlar to‘planishi bilan bog‘liq voqelar bilan boshlangan ushbu asarda Bibixonim taqdiri markazda turadi. Malika juda zukko, oqila ayol sifatida romanda tasvirlanadi. Buyuk sohibqironning barcha harbiy yurishlarida malika unga hamrohlik qiladi. Bibixonim obrazi asardagi eng muhimi, badiiy g‘oyani yo‘naltiruvchi xususiyatlari bilan boshqa obrazlardan ajralib turadi. Chunki, asardagi asosiy voqealar, ya’ni temuriylar saltanati osmonidagi qora bulutlar to‘planishi bilan bog‘liq voqelar bilan boshlangan ushbu asarda Bibixonim taqdiri markazda turadi. Malika juda zukko, oqila ayol sifatida romanda tasvirlanadi. Buyuk sohibqironning barcha harbiy yurushlarida malika unga hamrohlik qiladi. Oxirgi Xitoy safariga yurishiga malika ich-ichidan norozi bo‘ladi, lekin hech qachon sohibqironni fikrini qaytarmagan malika umr yo‘ldoshi bilan safarga otlanadi. Temur va uning askarlari O‘trorga kirib kelganda, sohibqironning tobi qochib qoladi. Yelvizakli joyda Amir Temur soch oldira-

di. Kun sovuq, ayni qish chillasi kirgan mahal bo‘ladi. Sohibqiron istmalab, betob bo‘lib qoladi. Temurning betob bo‘lgani butun Movarounnahrga yashin tezligida tarqaladi. Ayrim Temuriy shahzodalar qayg‘uga tushsa, boshqalari saltanat taxtni bobosi o‘lmasidan ko‘z ostiga olishadi. Namozga kirib ketgan Bibixonimning uzoqlayotganidan havotirlangan Suluv- bikaning sabri tugadi, eshikni xiyol ochib, sekin mo‘raladi. Bibixonim xonaning bir burchida, joynamozga muk tushganicha, xuddi qotirilgan haykal kabi bir nuqtaga tikilib o‘tirar, faqatgina tasbeh o‘girayotgan o‘ng qo‘lining bilinar-bilinmas harakatidan tilovat qilayotganini uqish mumkin edi.. [Isaxonova, 2022:116] Fe’li mo‘tadil, chehrasi ochiq, qarashlari issiq va mehrli malika eng qayg‘uli damlarda ana shunday holatga tushardi. Malika sohibqironning o‘limi yaqinligini ich-ichidan his qilar, mamlakat hukmdori vafotidan keyin yuzaga keladigan parokandalilar, temuriy shahzodalaring taxt uchun kurashishi, o‘zaro ichki urushlarini bashorat qilar edi. Sohibqiron malika qo‘lida vafot etadi.

Roman poetikasini belgilovchi eng muhim jihat uning inson hamda jamiyat ma’naviyati negizlari, kishilar ongi va qalbiga badiiy-estetik ta’sir qilishida namoyon bo‘ladi. Zotan, milliy roman bizning ideallarimizni obrazli tarzda ifoda etadi. Romanda tarixiiy jarayonning inson ongi, tafakkuri, ma’naviy ruhiy olamiga ta’siri ifodalanadi. Zamonaviy o‘zbek romanlarida tarix falsafasi, o‘tmishni qayta idrok etish, reallik va g‘ayritabiiylik o‘zaro uyg‘unlashmoqda. Zamondoshimiz qiyofasi turli rakurslardan kuzatilmoqda.[Yoqubov, 2011:31]Zamonaviy o‘zbek adibalaridan yana biri ,Risolat Haydarovaning “Javzo” romani ham o‘ziga xosligi bilan ajralib turadi. Ushbu asarda ayollarning ko‘plab nozik qirralari ochib berilgan-ki, bular tahlil va talqinga ehtiyoj uyg‘otadi. Asar voqealari Xuroson tarixidagi eng issiq kunlar Javzo oyi bilan boshlanadi. Bunday issiq kunlarni keksalar ham umri davomida ko‘rmaganliklari, temuriy shahzodalarning shaharni tashlab qochishi bilan tenglashtiriladi. Bashirkat shohlarn-

ing biri Qandahorga, ikkinchisi Astrobodga qochgan,shaharda sarosimalik. [Haydarova, 2011:1] Hali shu vaqtgacha ikki shoh boshqargan davlatni xalq koʻrmagan. Shayboniyxon Xurosonni egallash payida, shaharni boshqaradigan shoh yoʻq. Roman saroydagi ayollarning oʻy-fikrlari, his-tuygʻulari bilan boshlanadi. Asardagi Qorakoʻzbegim obrazi va uning xarakteri boshqa personajlarga qaraganda keng qamrovda ochib berilgan. U suyukli yor, sohibjamol malika, shu bilan birga shoshqaloqlik, oʻzini boshqalardan ustun qoʻyadigan, xudbin ayol sifatida tasvirlangan. Birov unga yomonlik qilsa, albatta, javob qaytarmasdan qolmagan obrazdir. Shuning uchun turmush oʻrtogʻi Muzaffar Mirzo dushmandan qoʻrqib, yurtini tashlab qochganidan soʻng, Shayboniyxonning ishqiy maktubiga darhol rozilik berishi, shahzodadan oʻch olish bilan birga oʻz manfaatini oʻylagan edi. Malikani kelajagidan xavotir olib shu yoʻlni tutdi deyishimiz ham mumkin. Chunki jangda magʻlub boʻlgan shohning harami va rafiqalari gʻalaba qilgan shohning haramiga oʻtar yoki sarkardalariga in'om etib yuborilardi. Muzaffar Mirzoning unga atalgan bilakuzugini Ganjina ismli joriyaga berishi ham unga ogʻir botadi. Bir tomondan sadoqat va itoat, boshqa tomondan esa xiyonat, isyon va qoʻrquv ham sabab boʻlgandir. Muallif Qorakoʻzbegim obrazi orqali har qanday sharoitda ham oilani yolgʻon bilan boshlamaslik kerakligini koʻrsatib bergan. Uning birgina yolgʻoni hayotini ostun-ustun qilib yubordi. Muzaffar Mirzo nikohidan chiqmay, oʻz manfaatini oʻylagan holda Shayboniyxonga nikohlanadi. Oxir-oqibat iztirobli oʻy-hayollari, vijdon azobi va dard yukining ogʻirligidan yuragi yorilib vafot etadi. Romanda turli xarakterdagi ayollarni uchratamiz. Ulardan biri Shayboniyxonning sevimli ayollaridan biri, Moʻgʻul xonim obrazidir. Moʻgul xonim qisiq qora koʻzli, nozik qoshli, nihoyatda doim past ovozda soʻzlar, hatto kulganda ham ovozini baland koʻtarmas edi. Muallif uni jiddiy mulohazakor deb taʻriflagan. Oʻn olti yoshida Shayboniyxon haramiga kirgan. Tashqi koʻrinishini chiroyli ham

deb bo‘lmasdi. Malikani iboli, xayoli va jozibador ayol siymosida gavdalantirgan. Bundan tashqari bu ayol haqiqiy sevgi ramzi. Hattoki, Shayboniyxon Mo‘g‘ul xonimning otasi va ukasini o‘ldiradi. Shunda ham erini sevishdan, unga hurmat ko‘rsatishdan to‘xtamaydi. Axir, sevgining ko‘zi ko‘r, qulog‘i kar bo‘ladi. Dunyoni hissiyot boshqaradi, uni muhabbat saqlaydi. Agar ular bo‘lmasa yovuzlik ezgulik ustidan g‘alaba qozonar edi. Mo‘g‘ul xonim xuddi majnundek bo‘lib qoladi. Ko‘proq yolg‘iz qolar, kechalari sham yorug‘ida kitob mutolaa qilardi. Odatda, insonlar tashqi go‘zallikka e‘tibor qaratishadi. Fidoyilik, donolik, beg‘uborlik, qalb go‘zalligi kabi xislatlar ayollarning oliy sifatlaridir. Tashqi go‘zallikdan ko‘ra ichki go‘zallik insonning qalbiga ko‘proq ta‘sir ko‘rsatadi. Negaki, insonlar mehrga, muhabbat, e’tiborga muhtoj bo‘ladi. Shayboniyxon ham eng qiyin vaziyatda, chigal hissiyotlar girdobida qolganida qalbi talpingan juftini topadi. Mo‘g‘ul xonim Shayboniyxonni bor kamchiliklari bilan sevadi. Shohga kerakli vaziyatda suyanch bo‘ladi. Bu xislat kamdan kam ayollarda uchraydi. Muallif Mo‘g‘ul xonim obrazi orqali ayollarga har tomonlama o‘rnak bo‘ladigan ayolni yaratadi. Shu jihati bilan salbiy xarakterli ayollarga zid qo‘yiladi.

Shunday qilib, o‘zbek adabiyotida ayol obrazi o‘zining qadimiy tarixiy ildizlariga ega bo‘lgan obrazlar sirasiga kiradi. Ma’lum bo‘ladiki, badiiy adabiyotdagi ayol obrazi o‘z ishtiroki bilan ijtimoiy-ma’naviy hayotning eng muhim masalalarini yuzaga chiqarishda, badiiy g‘oya asosini belgilab berishda muhim obrazlar sirasiga kirishi bilan e’tiborlidir.

Darhaqiqat, donishmand va mehribon momolar tarbiyasi Amir Temur avlodlari orasidan ulug‘ iste’dodlar yetishib chiqishiga xizmat qiladigan bir an’anaga aylangan edi. Saroymulkxonim tarbiyasida Shohruh Mirzo va Ulug‘bek, Eson Davlatbegim rahnamoligida Bobur Mirzo kamol topganligining o‘ziyoq fikrimizni tasdiqlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Prezident Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston ijodkor ziyolilari vakillari bilan uchrashuvdagi ma’ruzasidan // Xalq so‘zi 2017-yil 4-avgust).

2. Ashurova G. Mustaqillik davri o‘zbek adabiyotida Alisher Navoiy obrazi. Monografiya. T.: 2003. B.4.

3. Fayziyev T .Temuriy malikalar. T.: 1994. B. 3.

4.Haydarova R. Javzo. T.: 2011. B.1

5. Isaxonova Sh. Bibixonim. T.: 2022. B.116

5. Sultonov I. Adabiyot nazariyasi. T.: O‘qituvchi. 2005. B. 14.

6.Yoqubov I. Mustaqillik davri o‘zbek romonlari poetikasi. Monografiya. T.:2021. B. 31.

SIROJIDDIN SAYYID DOSTONLARINING MAVZUVIY JIHATLARI XUSUSIDA

Doshanova Guljaxan Ismailovna,
Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dotsent
Qoraqalpoq davlat universiteti

Annotatsiya. Ushbu maqolada Sirojiddin Sayyid dostonlarida liro-epik tasvirning o‘ziga xos xususiyatlari chuqur tahlil qilinadi. Yozuvchining ijodi o‘ziga xos lirik ruhiyat va epik ko‘lamni birlashtirgan holda, o‘zbek adabiyotida noyob badiiy yondashuvni shakllantirgan. Sayyidning dostonlarida milliy qadriyatlar va insoniy tuyg‘ular uyg‘un tarzda tasvirlanadi, bunda lirik qahramonlarning ichki dunyosi epik voqealar zanjiri bilan bog‘lanib, ularning his-tuyg‘ulari, maqsadlari va kurashlari teran tasvirlanadi.

Maqolada Sirojiddin Sayyid dostonlarida liro-epik tasvir vositalari, ya’ni obraz yaratish usullari, syujet rivoji, lirik chiziqning epik tasvirlar bilan uyg‘unligi hamda dostonlardagi badiiy vositalarning milliy va umuminsoniy qadriyatlarni ifoda etishdagi o‘rni o‘rganiladi. Dostonlarda xalqona ruh, lirik qahramonlarning individual kechinmalari va epik qahramonlarning ijtimoiy kurashi o‘zaro birlashib, adabiy-estetik badiiy mazmun yaratadi. Ushbu liro-epik asarlarda shaxsiy va umumiy qiziqishlarning to‘qnashuvi, sevgi, sadoqat, vafo va kurash kabi mavzular teran ifodalanib, o‘zbek adabiyoti uchun noyob yondashuv namoyon etiladi.

Ushbu tahlil orqali Sirojiddin Sayyidning ijodiy uslubi, badiiy ifodaning keng imkoniyatlari va dostonlardagi lirik ruhning epik voqealar bilan uyg‘unligi ko‘rsatib beriladi.

Kalit so‘zlar: Sirojiddin Sayyid, liro-epik tasvir, dostonlar, milliy qadriyatlar, lirik qahramon, epik syujet, badiiy uslub, poetik uyg‘unlik, sevgi va kurash.

Abstract. This article provides an in-depth analysis of the unique characteristics of lyrical-epic imagery in the works of Sirojiddin Sayyid. The author’s creative works combine a distinct lyrical spirit with an epic scale, forming a unique literary approach within Uzbek literature. Sayyid’s epics harmoniously depict national values and human emotions, where the inner world of lyrical heroes is intertwined with the sequence of epic events, portraying their feelings, goals, and struggles in a profound way.

The article explores the techniques of lyrical-epic imagery in Sirojiddin Sayyid’s epics, including character creation, plot development, and the blending of lyrical themes with epic narratives. It examines how these artistic elements convey both national and universal values. The epics reflect a folk spirit, where the individual emotions of lyrical heroes are intertwined with the social battles of epic characters, creating a rich literary and aesthetic experience. Themes of personal and collective interests, love, loyalty, fidelity, and struggle are vividly expressed, showcasing a unique approach to Uzbek literature.

Through this analysis, the article reveals the creative style of Sirojiddin Sayyid, demonstrating the broad capabilities of artistic expression and the harmony between lyrical emotion and epic narrative in his epics.

Keywords: Sirojiddin Sayyid, lyrical-epic imagery, epics, national values, lyrical hero, epic plot, artistic style, poetic harmony, love and struggle.

Sirojiddin Sayyid zamonaviy o‘zbek adabiyotining yorqin vakilidir. Uning ijodida milliy qadriyatlar va xalqning ma’naviy merosi liro-epik tasvir orqali ta’sirli tarzda ifoda etiladi. Shoirn-

ing dostonlari lirik va epik unsurlar uyg‘unligi bilan ajralib turadi, bunda shaxsiy kechinmalar va ijtimoiy kurashlar bir-birini to‘ldiradi. S.Sayyid o‘z asarlarida milliy ruhni, xalqning orzu-intilishlarini, sevgi va sadoqat mavzularini teran badiiy vositalar orqali tasvirlaydi.

Uning dostonlari o‘zbek xalqining milliy o‘zligini saqlab qolish, ma’naviy qadriyatlarini yuksaltirishga xizmat qilib, xalqning ichki dunyosini epik voqealar bilan uyg‘unlashtirish orqali boy adabiy meros yaratgan. Ushbu maqola Sirojiddin Sayyidning liro-epik tasvirdagi o‘ziga xos yondashuvini, uning adabiy-estetik ahamiyatini tahlil qilishga qaratilgan.

Sirojiddin Sayyidning dostonlari o‘zbek adabiyotida liro-epik tasvirning yorqin namunasi sifatida katta e’tiborga loyiqdir. Bu dostonlarda lirik va epik unsurlar o‘zaro uyg‘unlashib, xalqning ma’naviy hayotini, milliy qadriyatlarini va umumiy insoniy tuyg‘ularini badiiy ifodalashda muhim vosita sifatida namoyon bo‘ladi. Shoirning lirik qahramonlari shaxsiy hissiyotlari va kechinmalarini epik voqealar fonida namoyon qilib, xalq hayotiga doir asosiy g‘oyalarni chuqur badiiy tahlil etadi. Aynan shu uyg‘unlik Sirojiddin Sayyid dostonlarini o‘ziga xos qiladi va o‘quvchiga kuchli ta’sir qiladi.

Dostonlarning tahlili shuni ko‘rsatadiki, lirik va epik unsurlar S. Sayyid asarlarida bir-birini to‘ldiruvchi ikki asosiy qism sifatida mavjud. Epik syujetlar keng ko‘lamli voqealarni tasvirlab, xalqning umumiy hayoti, kurashlari va orzu-intilishlarini aks ettirsa, lirik qahramonlar o‘zlarining ichki dunyosi, his-tuyg‘ulari orqali epik voqealarning badiiy-estetik mazmunini chuqurlashtiradi. Bu lirik qahramonlarning ichki kechinmalari epik qahramonlarning kurashlari bilan bog‘liq holda ifodalanib, dostonlarning badiiy qimmati oshadi.

Sirojiddin Sayyidning dostonlarida lirik va epik uyg‘unlik orqali xalqning ijtimoiy hayotiga oid muhim masalalar yoritiladi. Masalan, sevgi, sadoqat, vafo kabi mavzular lirik obrazlar orqa-

li ifodalanib, ularning epik tasvirlari xalqning ijtimoiy kurashlari, tarixiy voqealar va milliy qadriyatlari bilan chambarchas bog‘langan. Dostonlarda lirik qahramonlar, o‘zlarining shaxsiy kechinmalari orqali xalqning umidlari, baxt va adolatga bo‘lgan intilishlarini ifodalaydi. Bu intilishlar epik syujetlar orqali keng miqyosda tasvirlanib, xalqning tarixiy va ijtimoiy hayotiga xos bo‘lgan muhim voqealar orqali ifodalanadi.

Sirojiddin Sayyidning liroepik dostonlarida lirik obrazlarning ichki kechinmalari ko‘pincha xalqning milliy qadriyatlari bilan bog‘liq bo‘lib, bu qadriyatlar o‘z navbatida epik voqealar orqali namoyon bo‘ladi. Masalan, xalqning ozodlikka, adolatga va baxt-saodatga bo‘lgan intilishlari, ijtimoiy tenglik va jamoaviy qadriyatlar dostonlarning asosiy mavzularidan birini tashkil qiladi. Lirik qahramonlar orqali ifodalangan sevgi va sadoqat epik syujetlar yordamida xalqning ijtimoiy hayotidagi muhim burilishlar, kurashlar va tarixiy voqealar bilan uyg‘unlashadi.

Dostonlar tahlili shuni ko‘rsatadiki, Sayyidning lirik obrazlari faqat shaxsiy kechinmalarini emas, balki xalqning umumiy ma’naviy holatini ham aks ettiradi. Ularning individual tuyg‘ulari milliy madaniyat va qadriyatlar bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, xalqning umumiy kayfiyati, orzu-intilishlari va umidlarini ifodalaydi. Bu lirik qahramonlarning ichki dunyosi va ularning epik syujetlarga bog‘lanishi badiiy mazmunni yanada boyitadi, o‘quvchiga ta’sirchan va teran his-tuyg‘ularni yetkazadi.

Sirojiddin Sayyidning dostonlaridagi liro-epik tasvirning yana bir muhim jihati shundaki, u o‘zbek xalqining madaniy va tarixiy an’analarini zamonaviy voqealar bilan uyg‘unlashtirib, adabiy merosni boyitishga xizmat qilgan. Shoirning dostonlari xalqning madaniy merosi va milliy qadriyatlarini asrab-avaylash, ularni kelajak avlodlarga yetkazish g‘oyasini ilgari suradi. Bu dostonlarda epik voqealar orqali milliy qadriyatlar, xalqning tarixi, madaniyati va ma’naviyati ta’sirchan ifodalanadi. Shu bilan birga, lirik qahramonlarning shaxsiy kechinmalari, ularning

sevgi, sadoqat va kurashlari bu umumiy epik tasvirni boyitib, dostonlarning badiiy-estetik qimmati oshiradi.

Natijalar shuni koʻrsatadiki, Sirojiddin Sayyidning liro-epik dostonlari oʻzbek adabiyotida milliy va universal qadriyatlarni birlashtirgan noyob badiiy asarlar hisoblanadi. Shoirning ijodi xalqning ma'naviy merosini boyitish va milliy oʻzlikni saqlab qolishga qaratilgan boʻlib, uning liro-epik tasvir usuli oʻzbek adabiyotida yangi badiiy yoʻnalish yaratgan.

Lirik va epik unsurlar uygʻunligi, xalqning ijtimoiy hayoti, shaxsiy va jamoaviy qiziqishlar oʻrtasidagi toʻqnashuvlar, milliy qadriyatlar va shaxsiy kechinmalarning birlashuvi Sayyid dostonlarining asosiy badiiy xususiyatlari hisoblanadi.

Shoirning ijodiy yondashuvi milliy qadriyatlarni asrab-avaylash va rivojlantirishga xizmat qilgan boʻlib, uning dostonlarida oʻzbek xalqining tarixiy va madaniy merosi badiiy obrazlar orqali ta'sirchan tasvirlanadi. Shu jihatdan, Sirojiddin Sayyid dostonlari oʻzbek adabiyotining eng muhim badiiy-estetik yutuqlaridan biri boʻlib, xalqning madaniy va ma'naviy hayotini chuqur aks ettirgan asarlar qatoriga kiradi.

Tahlil va natijalarimizda Sirojiddin Sayyidning liro-epik dostonlarida koʻtarilgan asosiy mavzular va tasvirlar bir-biri bilan bogʻlangan holda, oʻzbek xalqining umumiy tarixiy, madaniy va ma'naviy rivojlanishidagi rolini yanada aniqroq koʻrsatadi. Ularning ichki muammolari, orzu-intilishlari, va maqsadlari shoirning ijodida yuksak badiiy darajada tasvirlanadi. Bu esa, shubhasiz, oʻquvchilarni va keng ommani fikr va his-tuygʻularga chorlashda katta ahamiyatga ega.

S.Sayyidning dostonlarida, odatda, quyidagi asosiy mavzular va motivlar koʻrinadi:

Sevgi va sadoqat: Shoirning asarlarida sevgi mavzusi oʻziga xos ahamiyatga ega. Lirik qahramonlar oʻz sevgi tuygʻularini epik syujetlar orqali ifodalagan holda, hayotdagi sinovlar va qiyinchiliklar bilan yuzma-yuz kelishadi. Bu sevgi, sadoqat va insoniy

munosabatlar doimo xalqning tarixiy va ijtimoiy hayoti bilan bog‘liqdir.

Adolat va Haq uchun kurash: Sayyidning dostonlarida odatda adolatga erishish, haq va haqiqatni himoya qilish kabi g‘oyalar ham muhim o‘rin tutadi. Lirik qahramonlar o‘z kelajagini va baxtini izlashda, adolat yo‘lida kurashishga tayyorligini ko‘rsatadi. Bu holat, shoirning xalqining ijtimoiy kurashlari va orzu-intilishlarini aks ettiradi.

Milliy qadriyatlar va madaniyat: S. Sayyid o‘z dostonlarida o‘zbek xalqining madaniy an’analarini, urf-odatlarini va tarixiy voqealarini jonlantirib, ularni badiiy obrazlar orqali keng targ‘ib etadi. Bu esa o‘zbek madaniyatining yuksak darajada saqlanishiga, avlodlarga yetkazilishiga xizmat qiladi.

Sirojiddin Sayyid dostonlarida tasvirlar va sifatlar o‘rtasidagi muvofiqlik va uyg‘unlik o‘quvchining diqqatini tortadi. U o‘z ijodida lirik tasvirlar va epik voqealarni bir butun sifatida namoyon etadi. Masalan, lirik qahramonlar, o‘zlarining ichki kechinmalari va his-tuyg‘ulari orqali voqealarning ahamiyatini ochib beradi. Bunda, shoir qahramonlarni ko‘rsatib, ularning haqiqiy his-tuyg‘ulari, shaxsiy kurashlari va ijtimoiy masalalarini badiiy til orqali keltirib o‘tadi.

Sirojiddin Sayyidning dostonlari, albatta, o‘ziga xos va o‘zbek adabiyotida muhim o‘rin tutadigan asarlardir. Ularning badiiy va estetik jihatlari, xalqning urf-odatlari va qadriyatlari, shuningdek, xalqning tarixiy xotirasi bilan bog‘liqdir. Sayyid ijodida liro-epik tasvirlarning uyg‘unligi nafaqat dostonlarning badiiy mazmunini boyitadi, balki o‘quvchiga chuqur hissiy ta’sir ko‘rsatadi.

Sirojiddin Sayyid dostonlarining ta’siri ko‘plab mualliflar va tadqiqotchilar tomonidan o‘rganilgan. Ular, albatta, adabiyotimizda zamonaviy ko‘rinishlarni, yangi badiiy talqinlarni taqdim etgan. Sayyid ijodining hozirgi kunga qadar ahamiyati shundaki, u o‘zbek adabiyotida milliy va umuminsoniy qadriyatlar o‘rtasidagi muvozanatni saqlab qolishga yordam berib, bu qadriyatlarni zamonaviy o‘quvchilarga taqdim etadi.

Ushbu tahlil natijasida, Sirojiddin Sayyid dostonlarida liro-epik tasvirlarning ahamiyati o‘zbek adabiyotining rivojlanishida muhim o‘rin tutishini ko‘rsatdi. Shu bilan birga, kelajakda shoirning ijodini yanada chuqur o‘rganish, dostonlardagi lirik va epik unsurlarni kengroq tahlil qilish, shuningdek, ularni zamonaviy talqinlarda ko‘rsatish muhimdir. O‘quvchilar va talabalar uchun bunday asarlarni o‘rganish, xalqning madaniy merosini saqlab qolish va ularga yangicha yondashish imkonini beradi.

Shuningdek, adabiyotshunoslar, professor-o‘qituvchilar va talabalar Sirojiddin Sayyidning ijodini yanada kengroq tahlil qilib, o‘zbek adabiyotining boyligiga hissa qo‘shishlari mumkin. Sayyid ijodi xalqning orzu-intilishlari va ma’naviy hayoti bilan bog‘liq bo‘lgan holda, adabiyotimizning eng yaxshi an’analarini davom ettirish va rivojlantirishga xizmat qiladi. Shunday qilib, Sirojiddin Sayyid dostonlari o‘zbek adabiyotida yangicha o‘rin tutadi va uning ijodi o‘zbek xalqining ruhiy-madaniy merosini boyitishda davom etadi.

Sirojiddin Sayyid dostonlari o‘zbek adabiyotida liro-epik tasvirning o‘ziga xos namunasi sifatida ajralib turadi. Shoirning ijodida lirik va epik unsurlar o‘zaro uyg‘unlashib, xalqning ma’naviy qadriyatlari, orzu-intilishlari va tarixiy voqealarini chuqur badiiy ifoda etadi. Sayyidning dostonlarida sevgi, sadoqat, adolat va milliy qadriyatlar kabi asosiy mavzular keng ko‘lamda yoritilgan bo‘lib, lirik qahramonlar orqali insonning ichki dunyosi va ijtimoiy hayoti tasvirlanadi. Sayyidning ijodiy yondashuvi o‘zbek xalqining tarixiy merosini saqlash va rivojlantirishga qaratilgan bo‘lib, uning asarlari milliy va universal qadriyatlarni birlashtiradi. Dostonlarining badiiy va estetik jihatlari, xalqning ijtimoiy hayoti bilan bog‘liq muammolarni badiiy ifodalashda muhim ahamiyatga ega. Shu sababli, Sirojiddin Sayyid dostonlari o‘zbek adabiyotida yuksak mavqega ega bo‘lib, zamonaviy o‘quvchilarga xalqning ma’naviy merosini yetkazishda davom etadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Sayyid, S. (1987). O‘zbek adabiyoti tarixi. Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi.

2. Rahimov, A. (2005). Sirojiddin Sayyid: Adabiy meros va tarixi. Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti.

3. Mustaqimov, A. (2010). Liro-epik adabiyot: nazariy asoslar va amaliyot. Toshkent: Sharq nashriyoti.

4. Xudoyberdiyev, A. (2018). O‘zbek dostonlari: tahlil va tadqiqotlar. Toshkent: O‘zbekiston Milliy Universiteti nashriyoti.

5. Isroilov, I. (2012). Sirojiddin Sayyid asarlarida lirik va epik tasvir. Toshkent: Adabiyot va san’at nashriyoti.

6. Abdullayev, B. (2016). O‘zbek adabiyotida liro-epik asarlar. Toshkent: Fan va texnologiya.

7. Khalilov, S. (2021). Sirojiddin Sayyid va uning dostonlaridagi ma’naviy qadriyatlar. Toshkent: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi.

8. Дошанова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятида кичик лирик шакллар такомили. Тошкент, 2024.- Б.63

HIKOYA SYUJETIDA BADIIY PSIXOLOGIZM QO‘LLANISHINING O‘ZIGA XOSLIGI

Sadullayeva Moxira,
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, PhD,
Qoraqalpoq davlat universiteti, Nukus
Sadullayevamohira59@gmail.com

Annotatsiya: mazkur maqolada adabiyotshunoslikda syujet va uning poetik qonuniyatiga oid nazariy qarashlar tadriji, asar syujetida qahramonlar xarakteri in’ikosi, undagi ichki ixtiloflar, syujet unsurlarining hikoyada joylashuv tartibi kabi nazariy mulohazalar keltirilgan. Shuningdek, hikoya syujetida badiiy psixologizm qo‘llanilishining o‘ziga xosligi mahoratli yozuvchi Isajon Sultonning “Ozor” hikoyasi orqali dalillangan.

Kalit so‘zlar: syujet, badiiy psixologizm, syujet unsurlari, obraz, obrazlilik, qahramon, talqin, tahlil, hikoya, muallif, kolliziya, konflikt, ekspozitsiya, tugun, yechim.

Annotation: this article presents the theoretical views on the plot and its poetic legitimacy in literary studies, the perception of the character of the characters in the plot of the work, the internal conflicts in it, and the arrangement of the plot elements in the story. Also, the originality of the use of artistic psychology in the plot of the story is proved by the story «Ozor» by the skilled writer Isajon Sultan.

Keywords: plot, artistic psychology, plot elements, image, figurativeness, hero, interpretation, analysis, story, author, collision, conflict, exposition, node, solution.

Badiiy asarda hikoya qilinayotgan voqea-hodisa, odatda, syujet tushunchasini anglatadi. Ya’ni, adib badiiy asarning bev-

osita mazmun-mohiyatini tashkil etadigan, o‘zaro ichki bog‘lanishga ega bo‘lgan hamda rivojlanib boradigan hayotiy voqealar tizimini o‘z poetik tafakkuri qonuniyatlari doirasida yaratadi. Asar syujetida qahramonlar xarakteri aks etadi, bundan tashqari, undagi ichki ixtiloflar, ya’ni konflikt va kolliziyalar esa syujetni umumlashtiradi.

Syujet haqidagi nazariy qarashlar turfa xil bo‘lib bu boradagi adabiyotshunos olimlarning o‘z qarashlari, fikrlar rang-barangligi ko‘zga tashlanadi. Adabiyotshunoslikka oid lug‘atlarda “syujet” fransuzcha predmet, asosga qurilgan narsa kabi ma’nolarda qo‘llanilishi haqida yozilgan. Xususan, “Syujet badiiy shaklning eng muhim elementlaridan biri, asardagi bir-biriga uzviy bog‘liq holda kechadigan, qahramonlarning xatti-harakatlaridan tarkib topuvchi voqealar tizimi”[Quronov D., 2013;288] tarzidagi ta’rif berilgan. O‘zbek adabiyotshunosligida syujet va uning unsurlari haqida I.Sulton, M.Qo‘shjonov, A.Rahimov, T.Boboyev, H.Umurov, D.Quronov kabi bir qator adabiyotshunoslar o‘z fikrlarini tahlillar asosida yoritib o‘tganlar. Akademik I.Sulton “badiiy asarda tasvirlangan odamlarning o‘zaro aloqalari, ular orasidagi qarama-qarshiliklar, bir-birini yoqtirish yoki yoqtirmasliklari, umuman, kishilar o‘rtasidagi, u yoki bu xarakterning, tipning tarixi, o‘sishi tashkil topib borishidir”[Sulton I., 2005.108] deya hisoblab, syujetning konflikt bilan uyg‘un holda kelishiga ishora qilgan. T.Boboyev esa “adabiy asarda tasvirlangan harakatning mazmunini ifodalovchi hayotiy voqealar majmui, kengroq ma’noda, konkret voqealar tizmasida namoyon bo‘ladigan xarakterlar tarixi, poetik fikr-tuyg‘ular oqimi”[Boboyev T., 2002. 108], deya ta’kidlaydi. “Badiiy asarda uzviy bog‘liq holda kechadigan, qahramonlarning xatti-harakatlaridan tarkib topuvchi voqealar tizimini anglatadi”[Quronov D., 2004.163] kabi ta’rif esa T.Boboyevning qarashlariga hamohang keladi. Syujet bo‘yicha tadqiqot olib borgan adabiyotshunos olim A.Rahimov “syujet bu kitobxonni muayyan muhitga olib kiradigan, uning

shakllanishi va rivojlanishi jarayonini ko‘rsatadigan voqealar sistemasidir”[Rahimov A., 1993.21] - deydi. E.Xudoyberdiyev “syujet deganda asardagi voqealar tizmasi tushuniladi, “syujetli asar”larda yaxlit hayot manzarasi bilan bog‘liq holda biron muhim ijtimoiy ziddiyat badiiy tadqiq etiladi[Xudoyberdiyev E.] deya unda qarama-qarshilik ustuvorligini anglatadi. H.Umurov “syujet deganda, asar qahramonlari hayotidagi voqealar va ana shu jarayondagi aloqalar, munosabatlar, to‘qnashuvlar, o‘sish-o‘zgarishlar tushuniladi”[Umurov H., 2004. 122-23], - degan mulohazani bildiradi. A.Ulug‘ov esa, “asar mazmunini tashkil etadigan, qahramonlar o‘rtasidagi aloqa, munosabatlar tizimi syujetdir”[Ulug‘ov A., 2018.76], - deya izohlaydi.

Ko‘rinadiki, syujet haqidagi nazariy qarashlar bir-biridan o‘sib chiqqan, biri ikkinchisini takrorlaydi, qisman to‘ldiradi. Umuman olganda, adabiyotshunos olimlarning nazariy qarashlarini xulosalaganda, syujet “badiiy asarda personajlarning o‘zaro munosabatlari, xatti-harakatlari, xarakterlar va o‘zaro ziddiyatlar, rivojlanib boruvchi voqealar tizimi”, - degan xulosaga kelish mumkin.

Syujet o‘zining mohiyati jihatdan yaxlit bir butunlik hisoblanadi, tabiiyki, u butunlik sifatida turli qism(unsur, element) lardan tashkil topgan. Asarda tasvirlangan hayotiy konfliktning vujudga kelishi, rivojlanishi, yakun topishi, boshqacha qilib aytganda, xarakterning o‘sishi, rivojlanishi syujet qurilishining asosiy unsurlari (elementlari) deyiladi. Ba’zi olimlar (I.Sulton, D.Quronov, A.Ulug‘ov) syujetning ekspozitsiya, tugun, voqealar rivoji, kulminatsiya, yechim kabi elementlardan tashkil topishini ta’kidlasalar, ikkinchi toifadagi olimlar (H.Umurov, T.Boboyev, E.Xudoyberdiyev, Z.Rahimov) esa syujetning prolog, ekspozitsiya, tugun, voqealar rivoji, kuminatsiya, yechim, epilogdan iborat ekanligini ko‘rsatadilar. Adabiyotshunos D.Quronov prolog va epilogni kompozitsiyaga kiruvchi element sifatida oladi, sababi bu vositalar syujetga bevosita aloqador emas. Haqiqatan ham,

prolog va epilogning asardagi o‘rni ixtiyoriy bo‘lgani uchun ya’ni, muallif uni ixtiyoriy qo‘llaydi yoki qo‘llamaydi. Bu jihatdan, qaraganda ularni syujet elementlari darajasida emas va kompozitsion vositalari qatorida sanash ham o‘rinlidir.

Muallif syujet unsurlarini asar tizimida turli xil shaklda berishi mumkin. Masalan, ba’zi hikoyalar tugundan boshlansa, ba’zilari ekzpozitsiyadan boshlanadi. Ba’zilarida esa aksincha biron element o‘tkazib yuborilishi (tashlab ketilishi) ham mumkin. Bu har bir yozuvchining tasvirlash mahorati bilan o‘lchanadi. Muhimi, ushbu elementlar aniq maqsad va mazmunni, yozuvchi badiiy niyatini to‘la ifodalashi lozim. Masalan, taniqli yozuvchi Isajon Sultonning dolzarb insoniy muammolardan biri qalamga olingan “Ozor” hikoyasi syujeti ham o‘ziga xos tarzda. Uning mazmunini inson tirikligida yaqinlari, atrofidagi do‘stlari tomonidan qadr-qimmat ko‘rmagan, o‘lganidan so‘ngra esa, qabriga ehtirom ko‘rsatuvchi “yaqinlar”ining bir itchalik sadoqat, muhabbat bera olmaganliklari xususida so‘z yuritiladi. Hikoyada hayvon obrazi egasini o‘lgach uni tark etmay, qabri ustidan ketmay himoya qilishi, tirikligida unga mehribonlik qilmagan bevafo do‘stlari, hatto o‘z ayolini ham yoniga yaqinlashtirmaydi. Odamiylik insonga xos, ammo ba’zan ana shu xislat odamda emas, hayvonda borligi odamzodga alam qilarkan.

Yozuvchining badiiy voqelikni, tasvirni chizish mahorati shu qadarki, hayvon obrazining tushkun, xafa holati, uning egasiz mahzun tortganligi, boshida tik turib och-nahor sabr bilan qo‘riqlashi, tabiatning ham shunga monand tasvirlanishi bilan uyg‘unlik kasb etgan. Kuzning sovuq shamoli, xazon yaproqlari ayriliqning nishonasidir. “Yo‘qol, yo‘qol, yaqin kelma” jumlasining takror-takror qo‘llanilishida ham itning egasi yaqinlariga bo‘lgan, nafrati va g‘azabini oshirishga qaratilgan. *“Yomg‘ir izillab yog‘adi. Bir xil tusdagi sovuq ko‘lmaklarda xira osmonning bir parchasi aks etadi. Kelguvchi qaytib ketishiniyam, yaqinlashishiniyam bilmay taraddudlanib, oldinga yana bir-ikki qadam*

tashlaydi". Mazkur tabiat tasviridagi "yomg‘ir izillab", "sovuq ko‘lmak", "xira osmon" kabi birikmalar ruhiy holatning yorqinroq ifodalash uchun qo‘llanilgan. Bu holat hikoya tadriji mobaynida ham ayni shunday davom etgan. Quyidagi peyzaj tasviri mahzun ruhiy holatni yanada oshirgan: *"Bir necha kundan beri ahvol shu. Yomg‘ir tinsa-da, osmondan bulutlar arimaydi. Samo yurakni ezadigan darajada bir xil... g‘uborli... sovuq izg‘irin esadi".* Yomg‘ir tinsa ham bulutning yo‘qolmaganligi, yoki samoning yurakni ezadigan tusga kirishi, g‘uborli, izg‘irin esishi hayvonning ruhiy kayfiyatiga xos holda tasvirlangan.

Asarda hech bir insonni egasi oldiga yaqinlashtirmagan bu vafodor va sadoqat timsoli bo‘lgan it, oxir-oqibatda otib tashlanadi. O‘limini his qilgan hayvon o‘lishidan oldin egasi bilan ruhan gaplashadi, ko‘rishadi va ikki vafodor birlashadilar: *"Yana hurib, ularni haydashga chog‘langanim on, oramizda, ikki qadam narida egam paydo bo‘ldi! O‘sha-o‘sha ozg‘in, qotma, qo‘llarining qadoqlari hali ketmabdi. Kulmagan yuzi endi kular edi. Jilmayar edi! "Sen ham xuddi o‘zimga o‘xshaysan-a, Qoravoy. Kel, kel!" dердi. Suyunib poyiga otildim, oyoqlariga boshimni ishqalab, juda tanish isini izlay boshladim. Ajabki, hidi yo‘q edi. – Kel-kel, Qoravoy, – dedi Egam, yana. - Yuraqol men bilan. Yomg‘irda sovqotib ketipsan-ku, jonivor, – dedi mehribonlik bilan"*. Hayvon otib tashlanganining ertasiga ikki-uch kishi kelib "yaqinlari" tomonidan ishlatilgan marmartoshni o‘rnatib ketishadi. Uning hoshiyasiga bitilgan she’r "mehribon" insonlaridan esdalik edi.

Xullas, hikoyaning "Ozor" deya nomlanishida ham real haqiqat bor. O‘z davrida atrofdagilardan ozor ko‘rgan hayvonning sohibi bolsa, u o‘lgach esa uning vafodor itiga yana o‘sha atrofdagi insonlarining ozor berishi, uni o‘ldirishi deya talqin qilsa ham bo‘ladi. Hikoyadagi it obrazi hayotdagi ba’zi bir "inson"larga ibrat bo‘lsa ajabmas. Adibning syujet yaratish mahorati haqida aytish joizki, u asar syujetiga o‘zi yaxshi biladigan, hayotda ko‘rgan, kuzatgan, mukammal o‘rgangan voqealarni

asos qilib oladi. Obraz tanlashda ham aynan shu yo‘ldan boradi. Hikoyalarda voqealar tafsilotidan ko‘ra unga nisbatan adibning tahliliy munosabati ustunlik qiladi. Yozuvchining ayrim hikoyalarida syujet voqealari keskin rivojlanadi, u kitobxonning qiziqishini oshiradi, unda syujet unsurlari aniq tasvirlanadi, ayniqsa, yechim salmoqli ahamiyatga ega bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. Akademnashr, 2013. – Б.288.

2. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent., 2005.–.B.108.

3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент., 2002. –Б.108.

4. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent., 2004. –B.163.

5. Rahimov A. O‘zbek romani poetikasi, 1993. –B.21.

6. Xudoyberdiyev E. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent.

7. Umurov H. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent., 2004. –B. 122-23.

8. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent., 2018.–B.76.

SHOYIM BO‘TAYEV HIKOYALARIDA MA’NO KO‘CHISHI VA UNING TAHLILI

Mo‘ydinov Muhammadzoir Zafarjon o‘g‘li,
Qo‘qon davlat pedagogika instituti
erkin tadqiqotchisi
muydinovmuhammadzoir@gmail.com

Annotatsiya: Mazkur maqolada o‘zbek adabiyotida hikoyachilik va hikoyada so‘zlardan yetarli darajada foydalanishning o‘ziga xosligi yoritilgan bo‘lib, aynan Shoyim Bo‘tayev hikoyalaridagi asl ma’no va ma’no ko‘chishi tahlil qilingan. Shu ma’noda XXI asrda yozilgan o‘zbek hikoyalarining estetik qiymati, mavzu kolami, badiiy saviyasi, yutuqlari va boshqa qirralarini tasavvur etish uchun ushbu maqola Shoyim Bo‘tayev hikoyalariga asoslanib tuzildi.

Kalit so‘zlar: Hikoyachilik, falsafa, Shoyim Bo‘tayev, detall, tafakkur, ong, adabiyot, tahlil, tavsir, sharq, uyg‘onish davri, so‘z san’ati.

Abstract: In this article, the peculiarity of story-telling and sufficient use of words in the story in Uzbek literature is highlighted, and the original meaning and meaning and meaning transfer in Shoyim Botayev’s stories are analyzed. In this sense, this article was compiled based on the stories of Shoyim Botayev in order to imagine the aesthetic value, subject matter, artistic level, achievements and other aspects of Uzbek stories written in the 21st century.

Keywords: Storytelling, philosophy, Shoyim Botayev, detail, thinking, consciousness, literature, analysis, interpretation, east, renaissance period, art of words.

Har qanday badiiy asarning ta’sirchanligini unda qo‘llanilgan badiiy tasvir vositalari ta’minlaydi. Ularsiz badiiy asar quruq va zerikarli bo‘ladi. Chunki kitobxon uchun asarda qalamga olingan voqealargina muhim emas, balki, voqealar qanday ifodalangani ahamiyatlidir. Yozuvchining mahorati badiiy tasvir vositalarini qay darajada qo‘llay olishi bilan aniqlanadi. Badiiy asar uslubi faqat uning tiliga oid hodisa emas, balki tasvir vositalari, badiiy so‘z orqali ifodalangan badiiy asarning mavzu ko‘lami, obrazlar tizimi, kompozitsion qurilishi kabi unsurlariga ham taalluqlidir. Badiiy asarda tasvirlanayotgan narsani jonli tasvirlash, his-tuyg‘u va kechinmalarni yorqin ifodalashga xizmat qiluvchi vositalarni umumlashtirib “badiiy tasvir va ifoda vositalari” deb ataladi. Badiiy tasvir va ifoda vositalari badiiy tilning belgilovchi xususiyati emas, balki belgilovchi xususiyat bo‘lmish obrazlilik (tasviriylik) va emotsionallikni kuchaytiruvchi unsurlardir. Aytish kerakki, bu tushuncha adabiyotshunoslikda “poetik vositalar”, “sintaktik figuralar”, “stilistik figuralar” kabi nomlar bilan ham yuritiladi.

Hikoya - ma’lum bir joyda va vaqtda sodir bo‘lgan voqea. Shu qisqa bir janrda insonning butun bir hayoti ham ochib berilishi mumkin yoki hayotining bir qismini ham tasvirlab berish mumkin. Hikoyalarni xayoliy va hayotiy obrazlarda gavdalantirish mumkin. Shuningdek, ko‘p ijodkorlarimiz roman, qissa, doston va she’rlar yozish bilan birgalikda hikoya janridan ham yetarlicha foydalanishadi, xoh u xayoliy bo‘lsin, xoh hayoti. Zamonaviy adabiyotning asosiy epik janrlari hikoya, qissa va romandir. Hikoyaning bir tipi latifa yo masal kabi hayotdan bittagina epizodni aks ettirsa, boshqa bir tipi qahramon hayotidan (ya’ni uning uchun ahamiyatli) bir yoki bir-biriga uzviy bog‘liq (qisqa vaqt davomida kechgan) ikki-uch voqeani qalamga oladi. Ya’ni agar birinchi tip hikoya mohiyatan latifa va masalga (unda voqea hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi) yaqinlashsa, ikkinchisida qissaga tomon siljish (unda qahramonning ahamiyati ortadi) kuzatiladi. Tasvirlanayotgan voqealarning yuz berish vaqti qisqaligi bois hi-

koyaning hajmi kichik, syujeti sodda, personajlari kam bo‘lishini taqozo etadi. Hikoyanavisning mahorati eng avval hikoyabop voqeani tanlay olishi bilan belgilanadi. Zero, har qanday voqea ham hikoyabop emas, ijtimoiy-estetik qimmatga molik voqeani tanlay bilish lozim.

Badiiy asarlarda o‘xshatish tasvir obyektini boshqa narsa-hodisaga o‘xshatish orqali yorqin va bo‘rttirib tasvirlashga asoslangan badiiy tasvir vositasi bo‘lib, bunda o‘xshatilayotgan narsa-hodisalar uchun umumiy belgi-xususiyatlarga tayaniladi. Bunday badiiy tasvir vositasi Shoyim Bo‘tayev hikoyalarining badiiyatini ta’minlashda muhim xususiyat kasb etgan. Masalan, adibning “Kunu tun” hikoyasidagi “omoch tortib borayotgan otdek zo‘riqib ishlayotgan erkak” jumlasidagi o‘xshatish orqali Dehqonboyning tunu kun mehnat qilib ro‘shnolik ko‘rmasligi, bunga sabab esa savodsizligi va o‘zbilarmonligi edi. Uning mashaqqatli mehnati jarayonini o‘xshatish vositasi orqali o‘quvchiga ko‘rsatgan. Yoki shu hikoyada ayolning nutqi orqali ifodalangan o‘xshatish vositasi davr muammolarini ham ifodalash uchun xizmat qilgan. “ – Suv qurigan, - dedi ayol. – Kelishda ko‘rdim, xotin-xalajlar chelaklarini ko‘tarib urush vaqtida nonga turganday ochirat turishibdi”. Bu nutq orqali qishloq ahlining ichimlik suviga bo‘lgan ehtiyojini ham kuzatish mumkin. Yozuvchi aynan “urush vaqtida” deb urg‘u berishi, qishloqda suvsizlik muammosining qay darajada ekanligidan ham darak beradi. “Mo‘minning yeri” hikoyasida “Mo‘min o‘zini xuddi o‘g‘rilikka ketayotgandek his etardi” jumlasidagi o‘xshatish -dek qo‘shimchasi vositasida amalga oshgan. Mo‘min o‘z yerini ko‘rgisi keldi. Darsdagi naynov bolaning Mirzakarimboyni ijobiy obraz ekanligini yer voqeasi asosida izohlab bergani, “shu tirrancha bilganini men bilmasam-a”, degan o‘y ich-etini kemirishi uni o‘z yeri tomon boshlab kelardi. Mo‘min o‘z yerini Xudoyor akaga bergisi yo‘q edi, lekin uning saxiy onasi o‘ylab o‘tirmasdan yerni foydalanish uchun unga berib yuboradi. Kampirning bu holati, ya’ni saxiyligini adib

quyidagi o‘xshatish vositasida tasvirlaydi: “Ammo kampir saxiy edi. Orqa oldini o‘ylab o‘tirmasdi. Hech narsasi bo‘lmasayam, hamisha hammaga nimadir in’om etgisi kelib turardi. Shunday fursat tug‘ilganidan boshi ko‘kka yetguday bo‘ldi”. “Hisomiddin al-Yog‘iy” hikoyasidagi o‘xshatish badiiy tasvir vositasi choparning ostonada paydo bo‘lishi bilan bog‘liq epizodlarda keltirilgan. “U boshiga mo‘g‘ulcha qalpoq bostirgan, egnidagi mo‘g‘ulcha po‘stinning junlari joni bor jonivornikiday hurpayib turardi”. Yozuvchi mahorati shundaki, sulton Alouddin Tarmashirinning asli mo‘g‘ullardan bo‘lganligini chopar portreti tasvirida bergan va uning ham mo‘g‘ul ekanligiga ishora qilgan. Choparning egnidagi po‘stinining junlari xuddi joni bor jonivornikiday xurpayib turishi mo‘g‘ullarning xarakteriga xos bo‘lgan jihatlarni ham ifodalagan. Adib sinekdoxa ko‘chim turi orqali choparning holatini namoyon etgan. “Chopar yelka osha o‘ziga tikilgan yuzlab nigohlardan bir zum talmovsiranib qoldi”. Yuzlab nigohlar masjidning liq to‘la ekanligini anglatadi. Hattoki, bu holatni yanada yorqinroq ifodalash uchun adib poygakda qolgan marokashlik sayyoh portretini ham keltirib o‘tadi. “Eshikka yaqin o‘tirgan, ko‘rinishidan-da, kiyinishidan-da bu yerlikka o‘xshamagan o‘ttiz-o‘ttiz besh yoshlardagi o‘rta bo‘y, katta-katta ko‘zlaridan mug‘ombirlikka qorishiq aql porlab turgan kishi qalingina po‘stin kiyganiga qaramay, o‘zini sovuqdan chetga olayotgandek beixtiyor siljib qo‘ydi”. Sultonning chopari masjiddagi unga tikilgan yuzlab nigohlardan xuddi o‘zini o‘zga sayyoradan kelib qolgandek his etadi. Tabiiyki, masjidning ruhi unga begona edi. Marokashlik sayyoh portreti tasviridagi “o‘zini sovuqdan chetga olayotgandek beixtiyor siljib qo‘yishi” yozuvchining o‘xshatish vositasi asosida portret yaratish mahoratini ham ko‘rsatgan. Bundan tashqari, Shoyim Bo‘tayev Xidir buva portretini yaratishda epitetlardan foydalanganligini kuzatamiz. “Men bo‘lsam, og‘zimni lang ochganimcha uning moshguruch soqoliga, ingichka qon tomirlari “to‘rlagan” yuziga, salqigan qovoqlariyu qo‘y ko‘zlariga, yelkasiga…aqalli

bitta odam ham sig‘ishi gumon bo‘lgan yelkasiga hayrat aralash boqib o‘tirardim”. Yoki “Qora sovuq” hikoyasida peyzaj tasviridagi epitetni keltirish mumkin: “Ufqdan osmonga qop-qora quyuq bulutlar ko‘tarilib kelayotgandi”. Ma’lumki, epitet yunoncha ilova etilgan, izohlovchi ma’nosini anglatuvchi badiiy sifatlashdir. Ya’ni narsa-hodisaning belgisini obrazli ifodalaydigan obrazli aniqlovchi. Demak, muallif asar kompozitsiyasida portret, peyzaj tasvirlarida epitetdan unumli foydalangan. Bu esa asar badiiyatini ta’minlashga xizmat qilgan. Til nuqtai nazaridan qaralsa, epitet hamisha aniqlovchi vazifasida keladi, lekin undan farqli ravishda badiiy funktsiyani bajaradi. Ko‘p hollarda epitet belgini ko‘chma ma’no orqali ifodalaydi va bu metafork epitet deb aytiladi. Biz tadqiqqa tortgan hikoyalar orasida ham metaforik epitetlarni uchratish mumkin: “Tolik boshidagi telpakni yulqib yechdi. SHunda uning qora terga botgani ma’lum bo‘ldi”. Misoldagi “qora ter” epiteti mashaqqatni ifodalaydi. Tolik talabadan olgan qarzini berish uchun uni juda ko‘p izlaydi, so‘rab-surishtiradi. Va oxiri topadi, uning yuzko‘zidagi qora terlar shu mashaqqat belgisidir. Ayni shu hikoyadagi “bu sovuq gap tufayli tuyqusdan u to‘nini teskari kiydi” jumlasidagi sovuq gap metaforik epitetni ifodalaydi. Badiiy asarda eng ko‘p qo‘llanuvchi ko‘chim turlaridan biri metaforadir. Metafora usulidagi ma’no ko‘chishida narsa-hodisalar orasidagi o‘xshashlikka asoslaniladi. Tabiatan, metaforani yashirin o‘xshatish deb atash mumkin. Yashirin o‘xshatish deb atalishiga sabab shuki, metaforada o‘xshatilayotgan narsa tushirib qoldirilgani holda o‘xshayotgan narsa uning ma’nosini bildiradi. Tabiiyki, bunda o‘xshatilayotgan narsalardan aynan o‘xshashlik talab qilinmaydi, ikki narsa hodisaga xos belgilardan birortasi asos uchun olinadi. Masalan, “Kuz nafasi seziladi. Etni junjiktiradigan izg‘irin” jumlasida kuz havosining hukm surayotganligi ifodalangan.

Kuzning tasviri asar qahramoni hayotining kuzak pallasidan darak. Hikoya qahramonining umr bekatlaridan nishona. Aslida

Dehqonboyning xotini endigina qiriqlarni qoralayotgan ayol. Lekin uning “yuzidagi, peshonasidagi chuqur-chuqur ajinlardan, sochlarining oqidan oltmishga kirgan kampir deb o‘ylash hech gapmas”. Hayotda ro‘shnolik ko‘rmagan, o‘zbilarmon, savodsiz er orqasidan rohatu farog‘atda yasholmagan ayolning portret chizgilaridan ham peyzajning ayol portretiga uyg‘un holatini sezish qiyin emas. Yoki “Tepada tund va xira osmon…..” jumlasida ham tund va xira osmon Dehqonboy ayolining kayfiyati, ruhiyati bilan uyg‘unlashgan. U o‘zining haq-huquqlari to‘g‘risida bir og‘iz ham aytishga botinolmaydi. Uning hayoti go‘yo tund osmonday, qalbi xiralashgan. Dehqonboyning “oyog‘i ostida ayoli tumshug‘ini tizzasining ko‘ziga tiraganicha mo‘ltirab turar, nima qilarini bilmayotganday edi”. Mazkur parchada ham ayolning “tumshug‘ini tizzasining ko‘ziga tirashi” va mo‘ltirab o‘tirishi nochor ahvolda qolgan holatini tasvirlaydi. Kitobxon Dehqonboyning turmush tarzini xona interьeri tasviri orqali ham anglaydi: “Uyga yetib kelishlari bilanoq ayol eski-tuski ko‘rpalarni to‘shab, joy hozirladi”. Eski-tuski ko‘rpa to‘shashi uning yashash sharoitini ko‘z o‘ngimizda namoyon etadi. Yoki “Pastak shiftli kulbada Dehqonboy aka hamon to‘lg‘ona-to‘lg‘ona “oh” urib yotardi” kabi misol ham Dehqonboyning turmush tarzini ko‘rsatgan.

Shoyim Bo‘tayevning so‘z jilosidan oqilona va kerakli o‘rinlarda foydalanib, mahorat bilan ishlangani quyidagi satrlarda ko‘rinadi:” Hech kimning yetti uxlab tushiga kirmagan, aslida, ko‘zni sal kattaroq ochib qarasa, har qanday odam ko‘ra oladigan oddiy, ayni paytda g‘aroyib voqea sodir bo‘lgan shaharning bodu havosi, meva-chevasi va boshqa mayda-chuydasi haqida mehmon irimiga bo‘lsada bir og‘iz so‘z aytmagandi. U faqat shahar o‘rtasidan o‘tadigan, bir vaqtlar suvi zilolday bo‘lgan daryoning endilikda chiqindilarga to‘lib-toshib, bo‘tanaga aylanib, tuproq qal’adagi devday to‘lg‘anib oqib yotishini o‘z hikoyasiga qistirib o‘tgandi. Ba’zilar, ularning juda-juda inoq yashashlarini aytisharmish; ba’zilar esa aksincha gap tarqatisharkanki, osmon-

dan tushib, yerdan chiqqandek ko‘payishib ketgan odamlarning bir-birlarini ko‘rishga ko‘zlari, otishga o‘qlari yo‘q, deyisharkan. Har holda, bu yurimsak gaplarning qay biri to‘g‘ri-yu, qay biri bo‘htonligini ajrim qilish bo‘tana suvni ko‘rib turganday oson ish emas ekan.

Yozuvchi Mo‘minning ruhiy holatini “dili xuftonlanib chiqdi” tarzida tasvirlaydi. Mo‘min o‘z ishidan ko‘ngli to‘lmaydi. Yerini foydalanib turish uchun Xudoyorga topshirganidan qattiq afsus chekadi. Ko‘rinadiki, yozuvchi badiiy asarda tasvirlanayotgan narsani jonli tasvirlash, his-tuyg‘u va kechinmalarni yorqin ifodalash uchun tasviriy vositalaridan unumli foydalangan. Xulosa shuki, Shoyim Bo‘tayev hikoyalarida qo‘llanilgan badiiy tasvir vositalari asar ta’sirchanligini ta’minlashga xizmat qilgan.

O‘zbekiston respublikasi mustaqillikaa erishganidan so‘ng barcha jabhalarda bo‘lgani kabi ta`lim va fan sohasida ham turli hildagi yangilanishlar olib borilmoqda. Davrlar o‘zgaraveradi, unga mos ravishda taraqqiyot o‘zanlari ham. Biroq insoniyat oldidagi asosiy missiya bo‘lgan izlash-topish –qo‘llash amaliyoti hech qachon eskirmaydi. Insonlar savollar ichida yashaydi, biriga javob topilishi bilan keyingisi ko‘ndalang turadi. Albatta, yechimlar o‘z-o‘zidan kelinmaydi, buning uchun izlaniladi, kitoblar varaqlaniladi, ma’lumotlar to‘planilib tahlil qilinadi. Bu esa butun bashariyat ilm fanga muhtojligini anglatadi. Chunki, savollardan iborat olamda yashab bo‘lmaydi, qayerdadir ularga yechim topilishi shart. Hozirga qadar olimlar nafaqat yer sayyorasi, balki koinotdagi o‘nlab jumboqlarga yechim topdi, sirli hodisalarning sabab va oqibatlarini tahlil qildi, tushuntirdi. Ammo mo‘jizalardan iborat biz yashayotgan hayotda bilmaganlarimiz bilganlarimizdan ko‘p.

Yuqorida keltirilgan hikoyaning so‘zlari o‘z o‘rnida va yetarli darajada o‘quvchini o‘ziga tortib olishi ham hikoyaga nisbatan o‘zgacha qiziqish va jilo berib turadi.

Shoyim Bo‘tayev hikoyalari, birinchi navbatda, samimiyligi, ishontirish kuchi bilan kishini hayratda qoldiradi. Yozuvchi tas-

viridagi hamma narsa hayot hodisasi, aynan bo‘lib o‘tgan voqea, real hayotning bir bo‘lagi, epizodi bo‘lib gavdalanadi. Hikoyalarning ko‘pchiligi real hayotiy asosga ega, ular adibning turmushda o‘zi ko‘rgan, eshitgan hodisalardan, tanish kishilar hayotidan olingan. Avtor yoki personajlar tomonidan aytilgan gaplarga, asardagi detallarga, voqealarga kitobxon ishonmasa, hatto shubha qilsa ham, asarning qiymati qolmaydi”. Detalni tafsilotdan farq qimoq kerak. Tafsilotdan farqli o‘laroq, detal qisqa va ixcham bo‘ladi.Masalan, “Haykal” hikoyasidagi mana bu qismiga e`tibor beraylik: “Birov biron narsa xarid qiladimi-qilmaydimi – farqsiz, kirib kelib, besh-olti kishi sig‘adigan xarrakka o‘tirib oladi. Negaki, terifurushning uzoq-uzoq yurtlardan yo‘qlab keladigan oshnolari bisyor. Ular shunchalik ko‘p narsalarni bilishadiki, eshitib yoqangni tutamlaysan, tavba, tarvuzday bir kallaga shuncha gap sig‘adimi-ya, deya hayron qolasan”.

Xulosa qilib aytganda, hikoyachilik bu shunchaki ma’lum syujetga asoslangan voqelik yozish emas, balki aynan shu syujet orqali o‘quvchiga ezgulik ulashish. Bugungi zamonaviy hikoyalar ayni shunaqa faqat voqelik asosida yozilayotgani biroz achinarli. Lekin guruch kurmaksiz bo‘lmaydi, deganlaridek, ayni shu kurmaklar zamonaviy hikoyachilikka berilgan aksariyat ta’riflarning sababidir. Hikoya yozuvchi tilga olgan davr va ayni hikoya yozilayotgan davr o‘rtasidagi masofa saqlanishi lozim. Hikoya qahramonlariga to‘xtalsak, biz o‘zbek xalqi qadim-qadimdan bolalarimizga ayni hikoyalar, ertaklar aytib ularga axloqni, odobni o‘rgatib kelganmiz. Abdulla Oripov ta’kidlaganidek, Sharqqa xos donishmandlik bilan yo‘l tutganmiz. Shu boisdan yozilajak hikoyalarimizning bosh qahramonlarida butun millatga ta’sir etajak xususiyatlarni ifodalashimiz kerakligini unutmaylik.

Har bir sohani o‘z taraqqiyot yo‘li bor. Bunda tajribalar, davlatlar, soha harakatini ta’minovchi ishtirokchilar, ularning tili, millat-u mentalitetiga qarab turlicha shakllanadi. Amalda qo‘llanilganlarning barchasi ham omadli bo‘lavermaydi. Ularda

samara va samarasizlik koeffitsienti yonma-yon yuradi. Ammo, tahlil, o‘rganish, taqqoslash kabi indukatorlar ham borki, ular qilinajak yangiliklar muvafaqqiyatini 70 foizga bo‘lsada kafolatlaydi. Shuning uchun butun dunyo tajribalarini sinchiklab o‘rganish va tahlil qilish va shu asosda yangi bilimlar yaratish doimo oldinda turadi. Tarixiy matnlarni tahlil qilish orqali talabalardagi aynan kreativlikka oid yangidan yangi bilimlarni shakllantirib borish esa bugunning dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qolaveradi.

Ta’lim , fan va izlanish olib borish chegara bilmaydi, balki eng yangi bilim va ko‘nikmalarni ulashish orqali insoniyatni taraqqiyotga yetaklaydi, bir nechta xalqlar taqdiriga daxldor bo‘lgan muammolarga birgalikda yechim topish orqali mamlakatlar orasidagi do‘stlik va hamkorlik rishtalarini mustahkamlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Quronov D., Sheraliyeva M., Mamajonov Z. Adabiyotshunoslik lug‘ati. – Toshkent, 2013. – B.382.

2. Shoyim Bo‘tayev. Shamol o‘yini. – Toshkent, “Yozuvchi” nashriyoti, 1995. – B.151.

3. Shoyim Bo‘tayev. Ko‘chada qolgan ovoz. – Toshkent, ma’naviyat, 2005. – B.236.

4. Oripova, G. M., & Tolibova, M. T. Q. (2021). Composition Of Modern Uzbek Stories. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(03), 245-249.

ZAMONAVIY ADABIY JARAYON VA ADABIYOTSHUNOSLIK MASALALARI

Oripova Kamolaxon Erkinjon qizi
Qo‘qon DPI Xorijiy filologiya fakulteti o‘qituvchisi
Qodirova Gulhayo
Qo‘qon DPI Xorijiy filologiya fakulteti 3- bosqich talabasi

Annotatsiya: Zamonaviy adabiy jarayon va adabiyotshunoslik masalalari adabiyotning o‘zgaruvchan tabiatini, jamiyatdagi rolini va yangi tadqiqot metodologiyalarini o‘rganish bilan bog‘liq muhim mavzularni qamrab oladi. Ushbu maqolada zamonaviy adabiyotning ijtimoiy konteksti, globalizatsiya jarayoni, yangi estetik shakllar va adabiyotshunoslikda foydalanilayotgan yangi yondashuvlar tahlil qilinadi.

Kalit so‘zlar: Zamonaviy adabiyot, adabiyotshunoslik, globalizatsiya, estetik shakllar, madaniyatlararo aloqalar, interaktiv adabiyot, yangi metodologiyalar, ijtimoiy masalalar.

Abstract: The issues of contemporary literary processes and literary studies encompass important topics related to the changing nature of literature, its role in society, and new research methodologies. This article analyzes the social context of contemporary literature, the process of globalization, new aesthetic forms, and the innovative approaches employed in literary studies.

Keywords: Contemporary literature, literary studies, globalization, aesthetic forms, cross-cultural interactions, interactive literature, new methodologies, social issues.

Zamonaviy adabiyot, dunyoda roʻy berayotgan ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy oʻzgarishlarga muvofiq rivojlanmoqda. U nafaqat san'at shakli sifatida, balki jamiyatning ruhiyatini, gʻoyalarini va qiymatlarini aks ettiruvchi kuchli vosita hisoblanadi. Adabiyot, oʻzining turli shakllari orqali, oʻquvchilarni dunyodagi muhim masalalar bilan tanishtirib, ularni fikrlashga undaydi. Bu jarayonda adabiyotshunoslik esa adabiyotning oʻzgarishlarini, tendensiyalarini va ularning kontekstini oʻrganish orqali dolzarbligini oshirmoqda. Zamonaviy adabiyotning roli bir necha jihatdan ifodalanadi: Ijtimoiy va siyosiy aks ettirish: Adabiyot, global muammolar – iqlim oʻzgarishi, migratsiya, urushlar va tengsizliklar – kabi masalalarni oʻrganish va muhokama qilish uchun muhim maydon boʻlib xizmat qiladi. Mualliflar oʻz asarlarida bu masalalarni ochib berib, oʻquvchilarni ongli fikr yuritishga va harakat qilishga undaydi. Adabiyot, madaniyatlarning oʻzaro aloqalari va globalizatsiya jarayonida muhim rol oʻynaydi. Adabiyot orqali insonlar oʻz madaniyatlarini, identitetlarini va an'analarini anglab yetadilar va ularni boshqalar bilan baham koʻradilar. Zamonaviy adabiyot turli shakllarda ifodalangan, yangicha estetik tajribalar taqdim etadi. Ushbu tajribalar oʻquvchilarga yangi fikrlar va hissiyotlar keltirib, ularni zamonaviy dunyoda yanada chuqurroq anglashga yordam beradi. Zamonaviy adabiyotshunoslikda yangi texnologiyalar va onlayn platformalar yordamida adabiyotning tarqalishi va oʻrganilishi yanada osonlashgan. Bu jarayon adabiyot va adabiyotshunoslikni oʻzaro bogʻlab, yangi uslublar va yondashuvlarni keltirib chiqaradi. Zamonaviy adabiyot va adabiyotshunoslik bir-birini toʻldirib, jamiyatdagi oʻzgarishlarga javob beradigan kuchli vositalar sifatida shakllanmoqda. Adabiyot nafaqat san'at, balki jamiyatni anglash, muhokama qilish va ijtimoiy oʻzgarishlarga hissa qoʻshish vositasi sifatida xizmat qiladi. Shu bilan birga, adabiyotshunoslik adabiyotning yangi imkoniyatlarini ochib berib, uning rivojlanishiga koʻmaklashadi. Bu jarayonlar davomida oʻquvchilarning faol ishtiroki va fikr yu-

ritish qobiliyatining oshishi muhim ahamiyatga ega. Zamonaviy adabiyot ijtimoiy masalalarni aks ettiruvchi kuchli vosita sifatida o‘z o‘rnini topmoqda. Adabiyot, turli ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy masalalarni o‘rganish va ularni muhokama qilish uchun maydon yaratadi. Asarlar orqali mualliflar o‘z fikrlarini ifodalab, jamiyatdagi adolatsizliklar, tengsizliklar, kamsitishlar va boshqa muammolarni yoritadilar.

Adabiyotda gender, irq, sinf va etnik kelib chiqish kabi masalalar ko‘tariladi. Mualliflar o‘z asarlarida kamsitishlarga qarshi kurashish, tenglikni ta’minlash va inson huquqlarini himoya qilish masalalariga e’tibor qaratadilar. Migratsiya jarayoni adabiyotda o‘ziga xos o‘rin egallaydi. Ko‘plab asarlar migratsiya, identitet o‘zgarishi va madaniyatlararo aloqalar haqida hikoya qiladi. Bu orqali mualliflar o‘zlarining shaxsiy tajribalarini va global tendensiyalarni aks ettiradilar.

Zamonaviy adabiyotda ekologik masalalar ham o‘z aksini topmoqda. Iqlim o‘zgarishi, tabiatga nisbatan befarqlik va ekologik adolatsizlik kabi masalalar mualliflar tomonidan o‘rganilib, o‘quvchilarga ulardan xabardor qilishda muhim rol o‘ynaydi. Adabiyot nafaqat jamiyatdagi muammolarni yoritadi, balki bu muammolarni hal etishda ham o‘z o‘rnini topadi. Adabiyot, shuningdek, fikr va g‘oyalarni tarqatish, o‘quvchilarda ongli munosabatlarni shakllantirish va jamiyatda ijtimoiy o‘zgarishlarni rag‘batlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Adabiyot, o‘quvchilarning ijtimoiy masalalarni anglashiga yordam beradi. Asarlar orqali o‘quvchilar turli fikrlar va qarashlar bilan tanishib, o‘zlarining qarashlarini kengaytirish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Adabiyot, o‘quvchilarda empatiya hissini uyg‘otadi. Boshqalar hayotidagi muammolarni o‘rganish orqali o‘quvchilar boshqa insonlarga nisbatan hamdardlik va tushuncha hissini rivojlantiradilar. Adabiyot ko‘pincha ijtimoiy harakatlarga ilhom beradi. Mualliflar o‘z asarlari orqali o‘quvchilarga o‘zgarishlar qilishga undaydi, bu esa jamiyatda ijtimoiy faollikni oshiradi. Adabiyot, turli madani-

yatlar o‘rtasidagi muloqotni rivojlantiradi. O‘quvchilar adabiyot orqali boshqa madaniyatlarni anglab yetib, madaniyatlararo dialogni qo‘llab-quvvatlaydilar. Adabiyot va ijtimoiy masalalar o‘rtasidagi bog‘liqlik zamonaviy jamiyatda alohida ahamiyatga ega. Adabiyot, ijtimoiy muammolarni yoritish orqali o‘quvchilarni fikr yuritishga, hamdardlikka va ijtimoiy faollikka undaydi. Shu tariqa, adabiyot jamiyatda ijtimoiy o‘zgarishlarni keltirib chiqarishda va umuman, ijtimoiy hayotning bir qismi sifatida muhim rol o‘ynaydi.

Zamonaviy adabiyot va adabiyotshunoslik o‘rtasidagi aloqalar juda murakkab va ko‘p qatlamli. Zamonaviy adabiyot, ijtimoiy va madaniy o‘zgarishlarni, yangi tendensiyalarni va insoniyat tajribasini aks ettiradi. Adabiyotshunoslik esa, bu asarlarni tahlil qilish va ularning mazmunini chuqurroq anglashga qaratilgan. Zamonaviy adabiyot, global va lokal miqyosdagi ijtimoiy o‘zgarishlar, siyosiy harakatlar va madaniyatlararo muloqotlarni aks ettiradi. Adabiyotshunoslik, bu o‘zgarishlarni o‘rganish orqali, asarlarning chuqur mazmunini aniqlashga yordam beradi. Mualliflarning o‘z asarlarida aks ettirgan g‘oyalari, zamonaviy jamiyatning o‘zgarishlariga qanday javob berganini tushunish uchun zarur. Zamonaviy adabiyot, yangi estetik uslublarni va interaktiv yondashuvlarni keltirib chiqaradi. Adabiyotshunoslik esa, bu uslublarni tahlil qilish va ularning o‘quvchilarga ta’sirini o‘rganish orqali, adabiyotning yangi shakllarini aniqlaydi. Masalan, multimedia va interaktiv adabiyotlarni o‘rganish zamonaviy adabiyotda yangicha tajribalarni ochib beradi. Zamonaviy adabiyot tezkor innovatsiyalar va texnologiyalar yordamida rivojlanmoqda. Adabiyotshunoslik, bu o‘zgarishlarga moslashib, yangi tadqiqot metodlarini ishlab chiqmoqda. Raqamli platformalar, onlayn resurslar va ijtimoiy tarmoqlar adabiyotning tarqalishini va o‘rganilishini osonlashtiradi. Zamonaviy adabiyot va adabiyotshunoslik kelajakda bir qancha o‘zgarishlarga duch kelishi kutilmoqda. Ushbu o‘zgarishlar, jamiyat va texnologiyalarda-

gi yangiliklar bilan bog‘liq bo‘ladi. Raqamli texnologiyalarning rivojlanishi adabiyot va adabiyotshunoslikda katta o‘zgarishlarga olib kelishi kutilmoqda. Onlayn platformalar va mobil ilovalar orqali adabiyotning keng tarqalishi, yangi uslublar va janrlarning paydo bo‘lishiga hissa qo‘shadi. O‘quvchilar interaktiv va multimedia asarlarini osonlik bilan topish va ulardan foydalanish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Globalizatsiya jarayonida madaniyatlararo aloqalar kuchayishi kutilmoqda. Bu, adabiyot va adabiyotshunoslikda yangi mavzular va yondashuvlarni keltirib chiqaradi. O‘quvchilar turli madaniyatlarning adabiyotini o‘rganish orqali kengroq fikrlash imkoniyatiga ega bo‘lishadi. Kelajakda adabiyot va adabiyotshunoslik ijtimoiy masalalar va aktivizm bilan yanada bog‘lanishi kutilmoqda. Mualliflar o‘z asarlarida global muammolarni, ijtimoiy adolatsizliklarni va ekologik masalalarni ko‘tarishadi. Adabiyotshunoslik esa, bu masalalarni o‘rganib, o‘quvchilarni faol ishtirok etishga undaydi. Adabiyotshunoslikda innovatsion tadqiqot metodlari va interdisiplinar yondashuvlar rivojlanishi kutilmoqda. Bu, adabiyotning ko‘p qatlamliligini ochishga va turli madaniyatlar va fanlar o‘rtasidagi aloqalarni o‘rganishga yordam beradi. Masalan, adabiyot va psixologiya, sotsiologiya yoki madaniyatshunoslik o‘rtasidagi aloqalar yanada chuqurlashishi mumkin. Zamonaviy adabiyot va adabiyotshunoslik o‘rtasidagi aloqalar murakkab va dinamik jarayonlar orqali rivojlanmoqda. Kelajakda kutayotgan o‘zgarishlar, adabiyot va adabiyotshunoslikni yanada rivojlantirish va yangi imkoniyatlar ochishga olib keladi. Bu jarayonda raqamli texnologiyalar, madaniyatlararo aloqalar va ijtimoiy masalalar markaziy o‘rinni egallaydi, o‘quvchilarning faolligini oshirish va ularning fikr doirasini kengaytirishga yordam beradi.

Zamonaviy adabiyot va adabiyotshunoslik o‘rtasidagi aloqalar yanada chuqur va murakkablashib bormoqda. Zamonaviy asarlar ijtimoiy, madaniy va texnologik o‘zgarishlarni aks ettirib, o‘quvchilarning fikrlash tarzini va tajribalarini boyitmoq-

da. Postkolonial, feminist va psixoanalitik yondashuvlar adabiyotshunoslikda yangi perspektivlarni ochib berib, asarlarning ijtimoiy kontekstdagi ahamiyatini tushunishga yordam beradi. Kelajakda adabiyot va adabiyotshunoslikda kutayotgan o‘zgarishlar raqamli transformatsiya, madaniyatlararo aloqalar va ijtimoiy masalalarga oid yangi yondashuvlar bilan bog‘liq bo‘ladi. Raqamli texnologiyalar va interaktiv formatlar orqali o‘quvchilar yangi tajribalar kashf etishlari, adabiyotning global va lokal kontekstlarini yanada chuqurroq anglashlari mumkin. Shu bilan birga, adabiyotshunoslik innovatsion tadqiqot metodlarini va interdisiplinar yondashuvlarni qabul qilib, adabiyotning ko‘p qatlamliligini o‘rganish imkoniyatlarini kengaytiradi. O‘quvchilarni ijtimoiy masalalarda faol ishtirok etishga undash, adabiyotning yangilanishi va rivojlanishida muhim rol o‘ynaydi. Umuman olganda, zamonaviy adabiyot va adabiyotshunoslik bir-birini to‘ldiruvchi jarayon sifatida rivojlanmoqda, bu esa adabiyotning kelajagi uchun yangi ufqlar ochadi va insoniyat tajribasini yanada boyitadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Bakhtin, M. M. The Dialogic Imagination: Four Essays. University of Texas Press. (1981).
2. Bhabha, H. K. The Location of Culture. Routledge. (1994).
3. Foucault, M. The Archaeology of Knowledge. Pantheon Books. (1972).
4. Gilbert, S. M., & Gubar, S. The Madwoman in the Attic: The Woman Writer and the Nineteenth-Century Literary Imagination. Yale University Press. (2000).
5. Kristeva, J. Desire in Language: A Semiotic Approach to Literature and Art. Columbia University Press. (1980).
6. Said, E. W. Orientalism. Pantheon Books. (1978).
7. Spivak, G. C. Can the Subaltern Speak? In Marxism and the Interpretation of Culture. University of Illinois Press. (1988).

8. Wolf, M. The Future of Literary Studies. Modern Language Association. (2003).

9. Culler, J. Literary Theory: A Very Short Introduction. Oxford University Press. (1997).

Leitch, V. et al. The Norton Anthology of Theory and Criticism. W.W. Norton & Company. (2010).

G‘AFUR G‘ULOM FALSAFIY SHE’RIYATINING ERKIN VOHIDOV IJODI SHAKLLANISHIDAGI AHAMIYATI

Hafizova Muxlisa Abdig‘ani qizi
Filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori, (PhD)
O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti, Ingliz tili 2-fakulteti, O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi katta o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada Erkin Vohidov ijodining shakllanishida o‘zbek adabiyotining yetuk namoyandasi G‘afur G‘ulom ijodining roli va ahamiyati haqida ko‘rsatib beriladi.

Аннотация: В статье показаны роль и значение творчества Гафура Гулома, зрелого представителя узбекской литературы в становлении творчества Эркина Вахидова.

Abstract: The article shows the role and importance of the work of Gafur Gulom, a mature representative of Uzbek literature in the formation of Erkin Vahidov’s work.

Kalit so‘zlar: ijod, she’riyat, G‘afur G‘ulom, falsafiy she’riyat, shakllanish, adabiy muhit.

Ключевые слова: творчество, поэзия, Гафур Гулям, философская поэзия, становление, литературная среда.

Keywords: creativity, poetry, Gafur Gulam, philosophical poetry, formation, literary environment.

Har qanday sohada bo‘lgani kabi adabiyotda ham har bir ijodkorning “yarq” etib ko‘zga tashlanadigan asarlari bo‘ladi. U shoir yoki yozuvchi bo‘lsin, o‘sha “yarq” etgan asar uning el orasida tanilishiga sabab bo‘lishi mumkin. Cho‘lponning “Go‘zal”, Oybekning “Na’matak”, G‘afur G‘ulomning “Vaqt”, Hamid Olimjonning “O‘rik gullaganda”, Usmon Nosirning “Yurak” singari XX

asrning birinchi yarmidagi o‘zbek she’riy tafakkuri darajasini belgilovchi she’rlari bugungi kunda ham o‘z qimmatini yo‘qotmagan asarlaridandir.

XX asrning 60-yillarida G‘afur G‘ulom nazariga tushgan E. Vohidov uning asarlarini mutolaa qilish jarayonidagina ulardan ta’sirlanib qolmagan, balki ulug‘ shoir ijod qilayotgan daqiqalarda uning yonida bo‘lib, g‘afurona she’rlarning yaratilish jarayonida ham ishtirok etishga muvaffaq bo‘lgan. Erkin Vohidov G‘afur G‘ulomning ijod qilish jarayonidan, umuman, uning badiiy olamidan olgan taassurotlari haqida o‘rtoqlashar ekan, shoirning ijod qilish uslubidan lol qolganini aytib, bunday yozadi:

“Bir kuni kelganimda shoirning gazeta buyurtmasi bilan she’r yozayotgani ustidan chiqdim. O‘sha katta stol atrofida Shoislom Shomuhamedov, yana bir necha odam gurunglashib o‘tirishar, shoir suhbatga qo‘shilib, kutilmagan gaplar bilan hammani kuldirib, shuning orasida she’r yozar edi. Bunday ijod usuli o‘sha vaqtda qanday xayolimga sig‘magan bo‘lsa, hozir ham hech tasavvur qilolmayman. She’r axir tanholikda, fikr-u tuyg‘ularni jamlash, katta bir ichki to‘lqindan tug‘iladi-ku! G‘afur aka bo‘lsa, hangoma qilib o‘tirgan joyida she’r yozar edi. Har bir to‘rtlik bitganida hamsuxbatlariga o‘qib berar, ularni qoyil qoldirib, o‘zi ham maqtanib qo‘yardi.

... Esimdan chiqmaydi, she’r yoz to‘g‘risida edi.

Mis barkash qayilgudek ustidagi yukidan,
Yumaloq bol misoli har bitta qantak o‘rik...

Shu so‘zlarni yozib, shoir o‘tirganlarga murojaat qildi: “Qani *o‘rik* so‘ziga qofiya qilamiz?” Birov “yetuk” dedi... G‘afur G‘ulom: “Shoshmanglar, tilimizda “yugurik” degan so‘z bor-a? Hozir shuni bog‘laymiz, deb ruchkani qo‘liga oldi. Bir daqiqa o‘ylanib turdi. Men bor xayol kuchimni, yosh shuurimni ishga solib, yoz mevalari ta’riflanib turgan she’rga “yugurik” degan so‘zning

bog‘lanishini tasavvur qilolmadim. Shoir bu vaqt ichida to‘rtlikning ikkinchi bandini tugatib, o‘qiy boshladi:

Quyoshda shakarzarra yaltiraydi tukidan,
Pishiqchilik kunlari xayol kabi yugurik.

“Qoyil”, demay iloj yo‘q. She’r bitdi. Uni ruscha alifbosiga ko‘chirib yozishni ustoz menga buyurdi. Shunday qilib, 1961 yil iyunda yaratilgan “Yoz boshi” she’rini men oqqa ko‘chirganman” [1.285-286].

Ushbu xotiradan ham ayon bo‘ladiki, yosh shoir ijodining dastlabki davridiyoq G‘afur G‘ulomning she’r yozish madaniyatini, qofiya ustida ishlash mahoratini ko‘rib, hayratga tushgan.

Gyote kotibi Yohann Peter Ekkerman bilan suhbatlaridan birida ijod olamiga kirib kelishi va shakllanishida ta’sir ko‘rsatgan ijodkorlardan biri haqida shunday yozgan: “Menga she’rning badiiy ta’siri haqida ko‘p gapirishar va buni birinchi o‘ringa qo‘yishardi; menga esa undagi mazmun muhim bo‘lib tuyulardi. ...Odatda birorta sermazmun asar menga qattiq ta’sir qilar va hayajonga solardi, Teodor Kyorner[1] she’rlari ham shunday ta’sir qildi. Poetik iste’dodi menga g‘oyatda yuksak va taqlid qilishga munosib bo‘lib tuyuldi, menda o‘zimga ham shu narsani sinab ko‘rsam, unga o‘xshab nimadir yaratish qo‘limdan kelarmikan, degan fikr tug‘ildi” [2.27].

Gyotening bu so‘zlari E.Vohidovning G‘afur G‘ulom ijodiy laboratoriyasi bilan tanishishdan olgan taassurotini eslatibgina qolmay, adabiy ta’sirning shunday jarayonlardan boshlanishini tasdiqlagandek bo‘ladi.

XX asr o‘zbek she’riyatiga nazar tashlaganimizda, har bir davrning o‘z she’riyati bo‘lganligini va bir davr she’riyati o‘zining g‘oyaviy, badiiy xususiyatlari bilan boshqa davr she’riyatidan

[1] Кёрнер Карл Теодор (1791-1813) – Наполеонга қарши озодлик учун кураш даври шоири.

ajralib turganini koʻrishimiz mumkin. Gʻafur Gʻulom sheʼriyati falsafiyligi, insonparvarligi bilan oʻz davrining jabr-u jafosini koʻrgan xalq dardiga malham boʻla oladigan sheʼriyat boʻlganligi bilan ajralib turadi.

Erkin Vohidov ustozi Gʻafur Gʻulom bilan boʻlgan ilk uchrashuvini shunday xotirlaydi: “1953 yil. Ostrovskiy nomli Pionerlar saroyida Gʻafur Gʻulom kelarmish degan xabar tarqaldi. Shoirning ellik yoshlik yubileyi nishonlanish arafasi edi. Hammada koʻtarinki kayfiyat. Ayniqsa, biz – adabiyot toʻgaragi qatnashchilarining quvonchimiz ichimizga sigʻmaydi. Mashinadan oq jujuncha kitel-shim kiygan Gʻafur Gʻulom tushib keldi. Kutib oluvchilar bilan koʻrishib, ayniqsa, bizning toʻgarak rahbari Gʻayratiy bilan alohida iliq soʻrashib ichkariga yurdi. Yoʻl-yoʻlakay atoqli shoir hammani kuldirib borar edi. Saroyning ochiq sahnasida uchrashuv boʻldi. Gʻafur Gʻulom sheʼrlar oʻqidi. U bir sheʼrini mana shunday tugatgani esimda: “Bu sheʼrni aytdi sizga bobongiz Gʻafur Gʻulom” [3.55].

Yosh shoir qalbiga mana shunday samimiylik bilan kirib kelgan Gʻafur Gʻulomning ijod olami uning bir umrlik yoʻldoshiga aylandi. E. Vohidovdagi isteʼdodni anglagan shoir uni ijodiy safarlarida hamroh qilib olib yuradigan boʻldi, shunday paytlardagi ijodiy suhbatlari bilan yosh shoir sheʼrlarining yanada teranlashishiga, ijod olamining boyishiga oʻz hissasini qoʻshdi.

Oʻz davrining buyuk ijodkori boʻlgan Gʻafur Gʻulomning nazariga tushib, uning ijod bulogʻidan suv ichgan yosh shoir toʻgarak qatnashchisi boʻlgan kezdaridayoq bunday nafis misralarni bitgan edi:

Garchi shuncha magʻrur tursa ham,
Piyolaga egilar choynak.
Shunday ekan, manmanlik nechun,
Kibr-u havo nimaga kerak?

Kamtarin bo‘l, hatto bir qadam
O‘tma g‘urur ostonasidan.
Piyolani inson shuning-chun
O‘par doim peshonasidan [4.7].

Erkin Vohidovning bu she’ri ham ikki banddan iborat. Shoir bu she’rida ham voqelikdan olgan taassurotlarini qisqa satrlarda, realistik obrazlar yordamida ifodalashga erishgan. Ammo bu she’rning avvalgisidan farqi shundaki, bu she’rda o‘git, pand-nasihat zarralari yaltirab turadi. Lekin uning g‘oyasi E.Vohidovga xos insoniy fazilatlarning “bayroqdor”i - kamtarlik motivi jaranglab turadi. Shu ma’noda bu she’rda lirik she’riyatdan ko‘ra falsafiy she’riyat unsurlari ustivordir. Aniqroq aytsak, bu she’rdan E.Vohidov bilan birga ustoz G‘afur G‘ulomning ham nafasi eshitilib turgandek bo‘ladi.

She’riyat - inson tuyg‘ularini, uning botiniy va zohiriy olamini ifoda etuvchi olam. G‘afur G‘ulomning “Vaqt” she’rida har bir lahza, soniya, daqiqa, soatning inson hayotida, hatto taqdirida muhim ahamiyatga ega ekanligini yuksak mahorat bilan tasvirlangan bo‘lsa, shu hol va hodisa yosh E. Vohidov she’rlarida ham muayyan darajada o‘z ifodasini topgan:

Fursat – oltin
Sen ko‘krak kerib
Oltiningni sochib borasan.
Fursat quvar,
Unga chap berib,
So‘rog‘idan qochib borasan [4.35].

Shoir shu she’rida fursatni oltinga tenglashtirib, minglab fursatlardan iborat inson umrining har bir daqiqasi, har bir soati qimmatli ekani haqida, lirik qahramonning o‘z vijdoni oldida, ota-onasi, jamoasi oldida, Olloh oldida hisob berish fursati kelganida mulzam bo‘lib qolishi mumkinligi haqida yozgan.

G‘afur G‘ulom vaqtning qadriga yetish haqida fikr yuritar ekan, bu fikr o‘quvchining yurak torlarini titratib yuboradigan poetik obrazlarni, badiiy detallarni topadi. E.Vohidov ustozning poetik mahorati sirlarini qanchalik o‘rganishga intilmasin, u boshqa adabiy avlodning vakili, boshqa avlodning shoiri edi. Shu ma’noda u aruz vaznida yozgan she’rlarida mumtoz faylasuf shoirlarning poetik maktabidan olgan saboqlarini namoyish etsa-da, vaqtning qadriga yetishi lozim bo‘lgan yosh avlod uchun yozganida ularga yaqin til va uslubdan, poetikadan foydalanmaydi. Vaqt degan falsafiy kategoriyaning inson va zamon hayotidagi ahamiyatini, uning bahosiz ekanligini sodda, ammo nishonga borib tegadigan satrlarda ifodalaydi:

So‘rar ekan fursat sarhisob.
Benaf o‘tgan
Hayoting uchun
Vaqt oldida berursan javob [4.35].

Taniqli adabiyotshunos, O‘zbekiston qahramoni Ibrohim G‘afurov Erkin Vohidov ijodi, uning noyob iste’dodi, ustozlarining shoir ijodining shakllanishida o‘rni haqida ko‘p va xo‘p fikrlarni bildirgan. “Shoirning ilk mashqlariga, - deb yozgan u, - Oybek, G‘afur G‘ulom, G‘ayratiy, Abdulla Qahhor, Uyg‘un, Mirtemir, Shayxzoda, Zulfiya, Turob To‘la singari adabiyot darg‘alarining nazari tushgan, uning shoirlik zakovati, aql-idroki, fasohat tuyg‘usi ularga yangi badiiy olam kirib kelganidan darak bergan edi. O‘zbek she’riyatining tole va an’analari ishonchli qo‘llarga o‘tayotganidan ular mamnuniyat bildirgan edilar”[5.242].

Har bir inson kamol topar ekan, uning ulg‘ayishida, qobiliyatini namoyon etishida u yashagan tarixiy muhit katta rol o‘ynaydi.

Har bir ijodkor o‘z-o‘zidan shoir yoki yozuvchi bo‘lib tug‘ilmaydi. Unga, ustoz yoki ustozlardan tashqari, to‘g‘ri yo‘lni

ko‘rsatuvchi, ijodiy ozuqa bera oluvchi adabiy muhit ham lozim. E.Vohidov taqdir tuhfasi bilan o‘ziga munosib ustozlarni topa oldi, o‘zining uslubiga, so‘ziga ega bo‘ldi. Uning shoir sifatida shakllanishida, falsafiy dunyoqarashida, XX asrning 60-yillarida o‘zbek adabiyotiga dadil kirib kelishida, G‘ayratiy, G‘afur G‘ulom, M.Shayxzoda, Mirtemir singari adiblarimizning ijodi, Yozuvchilar uyushmasida o‘tkazilgan tadbirlar, matbuotda bo‘lib o‘tgan bahslar, ijodiy safarlar, dekadalar – bular bari adabiy muhit vazifasini bajardi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Воҳидов Эркин. Сайланма. Қалб садоқати. 5-жилд: мақолалар, баҳслар, адабий ўйлар. - Тошкент: “Шарқ”, 2018.

2. Эккерман. Й. П. Гёте билан гурунглар . – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2016.

3. Воҳидов Эркин. Шоиру шеъру шуур: Адабий эсселар. – Тошкент: “Ёш гвардия” нашриёти, 1987.

4. Воҳидов Эркин. Танланган асарлар – Тошкент: “Шарқ”, 2019.

5. Ғафуров Иброҳим. Олтин қозиқ: мансуралар, эсселар, адабий ўйлар, суҳбатлар. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2017.

АБДУҚАЮМ ЙЎЛДОШЕВНИНГ “СУНБУЛАНИНГ ИЛК ШАНБАСИ” ҚИССАСИ СЕНТИМЕНТАЛ НАСР НАМУНАСИ СИФАТИДА

Мунира НИЯЗОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

Аннотация: Бугунги ўзбек насри ижодкорнинг юксак бадиий тафаккури, романтик идеали, оригинал ҳаёт лавҳаларини ифодалашдаги маҳорати натижасида яратилган қиссаларга бой. Ушбу мақолада маҳоратли ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Сунбуланинг илк шанбаси” асари том маънода сентиментал асарлар тамойилларига мос келиши, айниқса, Ў.Умарбековнинг “Севгим, севгилим” қиссаси ва сентиментал насрнинг юксак намунаси бўлган Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романи билан қиёслаб таҳлил қилинган.

Калит сўз: туйғу, образ, таҳририят, шифохона, учрашув жойи, пессимист, мактуб, фожиавий тақдир, изтиробдан таскин.

Abstract: Today’s Uzbek prose is rich in stories created as a result of the creator’s high artistic thinking, romantic ideal, skill in expressing original scenes of life. In this article, it is analyzed that the work of the skilled writer Abduqayum Yoldoshev “The First Saturday of Sunbula” literally corresponds to the principles of sentimental works, especially O‘Umarbekov’s short story “Sevgim, sevgilim” and Goethe’s novel “The Sorrows of Young Werther”, which is a high example of sentimental prose.

Keywords: emotion, image, editorial, hospital, meeting place, pessimist, letter, tragic fate, relief from suffering.

Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Сунбуланинг илк шанбаси” қиссаси сюжет ва композицион жиҳатидан ўзига хос асардир. Унда икки ёшнинг анча йиллар илгари бўлиб ўтган севги тарихи ҳикоя қилинади. Муаллиф холис кузатувчи сифатида асар қаҳрамонлари иштирок этадиган воқеаларни баён этар экан уларни борича, ўз ҳолида оққа туширади. Асосий қаҳрамон таҳририятда ишлайдиган йигит унинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларига қараб, уни билган кишилар “Довдир” деган лақаб билан аташади. Самарқандлик йигит ва туркистонлик бир қизнинг ўзларига аниқ, бошқаларга “интим” бўлган муносабатлари орқали муаллиф ишқ аталмиш илоҳий туйғуни бор гўзалликда ифода этади. Профессор Қозоқбой Йўлдош таъкидича, “Абдуқаюм Йўлдош ҳар бир қаҳрамон қиёфасини чизишда унинг руҳиятига мос воқеадан фойдаланган. Бу ўқувчига образ билан юзма-юз бўлиш имконини беради ”[Қ.Йўлдош., 2018; 387].

Профессор Баҳодир Каримов таъкидлашича: “Сунбуланинг илк шанбаси”да афсус-надомат, илинж ва умид, ғам ва шодлик, ёнма-ён; унда ички бир тавба-тазарруъ, очилмай қолган ғунчалар ифори, орзулари кунпаякун бўлган йигитнинг дарди-алами, сир-асрори бор. Зотан, бу кейинги омил – йигит ва қиз орасидаги кечмиш бир оз пардаланиши ҳам ўқувчини фикрлашга ундайди”[Б.Карим.,2018;25]. Қиссада Абдуқаюм (муаллифнинг ўзи) бевосита воқеалар иштирокчиси, бадиий қаҳрамон сифатида қатнашади. Бу жиҳат асарнинг ютуғи ва уни мазмунан бойишига катта ҳисса қўшган. Ёзувчи кузатувчи-қаҳрамон ролида воқеалар бўлаётган жойлар, персонажларни батафсил тасвирлайди. Қиссанинг муваффақиятини таъминлаган жиҳатлардан бири ҳам айнан шу жиҳат – муаллифнинг қаҳрамон сифатида қатнашиши ва воқеаларни ўз тилидан баён этишида кўзга ташланади. Мавжуд воқеалар учта хронотоп оралиғида тасвирланади. Шартли тарзда улар: таҳририят, шифохона,

йигит ва қизнинг учрашув жойи. Бу уч хронотопда ошиқ йигитни ҳар томонлама кузатиш, унинг хатти-ҳаракатларини баҳолаш мумкин. Адабиётшунос олим Б.Каримов бу ҳақида шундай дейди: “Ёзувчи воқеани муваффақиятли танланган бир неча маконда баён этади: таҳририят, иккинчиси – шифохона (бунда қаҳрамонни бир нечта нигоҳ орқали кузатиш мумкин), яна бири – учрашув жойи. Гарчи йигитнинг ички дунёсига даҳлдор бўлмаса ҳам ҳикоячи бир нечта хонимлар билан айнан шу учрашув жойида “тўқнаш” келади ва сюжетнинг жиддий равишта қизиқарли тус олишини таъминлайди”[Б.Карим., 2018; 25].

“Сунбуланинг илк шанбаси” қиссаси ғайриоддий, тушуниб бўлмас ҳиссий ҳолатлар, ўз дардини мактубларда ифодалаш каби жиҳатлар билан сентиметал руҳда ёзилган. Асарда муаллиф томонидан сентиментал қаҳрамон сифатида тақдим этилаётган йигит (ҳамхона) севгиси учун курашмайдиган, ўзини изтироблар уммонига отган, бошқаларга “довдир” бўлиб туюладиган пессимист, йиғлоқи образдир. Унинг бу табиати моҳият эътибори билан сентименталликка дахлдор. Асарда шундай парча келади:

“- Измжон... Измжон... – Бу ғалати исмдан мадор олаётгандай пиширлаб такрорлашни қўймаётган ҳамхонам туйқусдан менга бир зум лол бўлиб термулиб қолди-ю, бирдан... “Бу ўша! Ўша!” деб ҳансираб, титраб, тўлиқиб, илжайишга уринаркан, лаблари қийшайиб кетди-ю, яна “Ўша” деганча ҳўнграб йиғлаб юборди ”[Абдуқаюм Йўлдош., 2020; 29].

Барча сентиментал қаҳрамонларга хос бу йиғи унинг нокурашчанлиги, ожизлиги, ўзига бўлган ишончнинг пастлигини билдиради. “Севгим, севгилим”, “Ёш Вертернинг изтироблари” асарлари қаҳрамонларида ҳам сентиментализмга хос хусусиятлар кузатилади.

“Севгим, севгилим” қиссаси қаҳрамони Ўктамнинг афсус-надомати, арзиҳоли, йиғиси асарда шундай баён эти-

лади: “Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Мен ҳар қандай қийинчиликларни кутган эдим, аммо бундай фожиа хаёлимга ҳам келмаган эди. Ҳамма ҳайрон. Унинг қандай қилиб ҳалок бўлганини ҳеч ким билмас эди. Лекин мен учун бунинг мутлақо аҳамияти йўқ эди. У қандай қилиб ҳалок бўлган бўлса ҳам, айбдори мен эдим. Ҳа, мен, шафқатсиз, қўрқоқ, ўз тинчлигини ўйлаган бадбахт одам! Агар мен ўшандабиргина сўзни айтмаганимда, уни юпатганимда, ҳеч кимга қулоқ солмасдан, унга ишонганимда. Бу фожиа, бутун қишлоқни зилзилага солган бу мудҳиш фожиа юз бермасди. Ҳа, юз бермасди. Буни яхши билардим. Шунинг учун ваҳимага тушиб қолдим. Нуқул йиғлайман. Тилимга сўз келмайди. Агар ўшанда: “Одамлар! Виждонини йўқотган одам мен, мен қотил! Мен уни, бу сахий, меҳрибон катта қалб эгаси бўлган қизни, булоқдек соф, ҳаётининг ўзидай гўзал қизни ўлдирдим!” – деб ҳаммасини рўй-рост айтганимда енгил тортармидим, айтолмадим, қўрқоқлик қилдим” [Ў.Умарбеков., 2020; 80-81].

Ўктамнинг афсуси, армонли муҳаббати, йиғиси, тушкунлигию жаръатсизлиги барча барча хусусиятлари сентименталликка хосдир.

“Ёш Вертернинг изтироблари” асари қаҳрамони Вертер саёҳатга чиқиш учун Албертдан тўппончасини сўрайди. Альберт эса тўппончани олиб беришни Лоттага буюради, бир муддат муаллақ қотиб қолган Лотта қалбида қандайдир бир ришта узилаётганини сезади, ғайриихтиёрий ҳолатда тўппончани олиб беради. Вертер қўлида тўппонча билан севиклиси Лоттага охирги мактубини шундай битади: “Уни сен олиб бергансан, чангини артгансан, уни тинимсиз ўпаман, ахир, ахир унга сенинг қўлинг теккан-да! Самовий фариштам, сен ҳам менинг қароримга ҳомийлик қиляпсан! Лотта, сен менга қурол тутқизяпсан, мен ажални сенинг қўлларингдан кутардим! Ҳам, мана энди уни қабул қиляп-

ман! Хизматкоримидан батафсил сўраб олдим. Сен тўппончани узатаркансан, титраб кетдинг, ҳатто бир оғиз сўз демадинг!.. Оҳ, шўрим! Мен билан видолашмадинг ҳам!.. Наҳотки, иккимизни абадий боғлаган ўша нарса туфайли сенинг қалбинг мен учун беркилган бўлса? Лотта! Минг йиллар ҳам ўша таассурот ўтини ўчиролмайди. Биламан, ҳис этяпман: сени қайноқ муҳаббат билан севган кишини ҳеч қачон ёмон кўролмайсан ”[Я.Эгамова., 2018; 160-161]. Вертернинг йиғи аралаш сўзларида соғинч, алам, изтироб, маломат, арзиҳол бор. Аммо англашиладики, унинг айрилиқ, видолашувда исён йўқ, аксинча таскин кўринади. Парчадаги бир образли ифодани илмий таҳлилдан ўтказишга зарурат бордек кўринади. Лотта тўппончани олиб бериш жараёни, Вертерга қуролни айнан Лотта тутқазгани сюжетдаги шунчаки гап эмас! Гёте ижтимоий тенгсизлик ва табақаланишга урғу беради. Албертнинг ҳушёр рационализми билан Вертер сентиментализмини зидлантиради. Муаллиф Лоттани ақл (Албert) ва туйғу (Вертер)дан бирини танлаш вазиятида тасвирлайди.

Академик Матёқуб Қўшжоновнинг: “Ижобий қаҳрамон образларини яратиб гўзалликни улуғлаш адабиёт ва санъатда қай даражада муҳим ўрин тутса, фожиавийлик ҳолатларини тасвирлаш орқали гўзалликни улуғлаш ҳам шу даражада муҳимдир”[Қўшжонов М., 2018; 314], деб ёзади.

Умуман олганда А.Йўлдош, Ў.Умарбеков, Гёте сентиментал қаҳрамонларнинг севгиси, изтироб, фожиавий тақдири ҳар қандай кишида ачиниш, ҳамдардлик билдириш ҳиссини пайдо қилиб, адабиётга гўзаллик, эзгулик уруғини сочган, ижобий қаҳрамон сифатида кўрилади.

Сентиментал асарларга хос энг муҳим яна бир жиҳат эпистоляр услубдир. А.Йўлдошевнинг “Сунбуланинг илк шанбаси” қиссасида мактуб муҳим устун ҳисобланади. Бу асарда мактубдан “Ёш Вертернинг изтироблари” романида

қўлланилганчалик услубий фойдаланилмайди. А.Йўлдош асарида Гёте романидаги сингари мактуб фаол алоқа воситаси ҳисобланмайди. Аммо А.Йўлдош қаҳрамони ҳам севги изтироби, дарди битилган кўплаб мактублар ёзган, лекин улар деярли жўнатилмаган. Бошқа сентиментал асарларида севги изтиробидан ёнаётган ошиқ ўзини арзиҳолларини, изҳорларини мактубларда битиб, дардини достон қилса, А.Йўлдош қаҳрамони ёзган мактублар сирли севги тарихини очиқламаслик, сирлигича қолиши учун муҳим поэтик вазифа бажаради.

Асарда барча ўқувчини қизиқтирган уларнинг севги тарихи, “Измжон” каби сирли ҳолатлар очилмай қолади. Туркистонлик қизнинг қўлида муҳим хат борлиги, унда бутун севги тарихи аёнлиги ҳақида асарда гап боради. Бу хатни Туркистонлик қиз синглисига бир бермоқчи бўлади, бироқ кейин фикридан қайтиб, хатни майда бўлакларга бўлиб йиртиб олиб қўяди. Қиз вафот этгандан сўнг унинг хонасидан синглиси хатни олиб ўқимоқчи бўлади. Лекин асар муаллифи бунга изн бермагандек, қизни ундан қайтаради, қиз опасининг сирларини билишдан чўчийди ва кейин Сунбула ойининг биринчи шанбаси куни келишувга биноан шаҳарга келиб асардаги муаллиф-қаҳрамон Абдиқайим ака билан учрашади, хатни беради. Аввалига у хатни ўқишга ошиқади, кейин бу фикрини худбинлик деб билади ва хат яна очиқланмай қолади. Муаллиф-қаҳрамон хатни олиб, Самарқандга ҳамхонаси қабрига боради, хатни тупроққа топширади. Баъзида шундай сирлар бўлади, у ўз соҳиби билан қабргача кетади. Иккинчидан, ўзгаларнинг сир-асрорини билиб олиш, интим кечинмаларинидан воқиф бўлиш, рухсатисиз хатларини ўқиш Шарқ менталитетига хос хусусият эмас. Шу боис, муаллифнинг ёндашувини ижобий баҳолаш мумкин.

Хулоса қиладиган бўлсак, Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Сунбуланинг илк шанбаси” асари том маънода сентиментал асарлар тамойилларига мос келади. Айниқса, сентиментал насрнинг энг юксак намунаси Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” романи билан қиёслаб таҳлил ва тадқиқ қилинганда бу жиҳатлар яққол намоён бўлади. Сентиментал қаҳрамоннинг изтироблари, ҳолати тасвирланган бу асарларда сентиментал киши характерига хос барча хусусиятлар акс этган. Жумладан, изтироб, тушкунлик, дард, алам, арзиҳол, йиғи, қарғиш ва севгининг, туйғунинг культ даражага чиқариш каби барча ҳолатлар сентименталликнинг яққол белгиси саналади. Сентиментал қаҳрамон етиб бўлмайдиган муҳаббатдан кейин, уни илоҳийлаштириб, муҳаббат туйғуларини муқаддас билиб, у билан Оллоҳ ҳузурида абадий бирга бўлишни истайди. Бу эса изтиробдаги таскиндир!

Фойдаланган адабиётлар:

1. Абдуқаюм Йўлдош.Сунбуланинг илк шанбаси./Энг сара муҳаббат қиссалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – Б. 295.

2. Б.Карим. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2018. – Б. 25.

3. Гёте И.В. Ёш Вертернинг изтироблари: роман. Немис тилидан Я.Эгамова таржимаси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 156

4. Ў.Умарбеков. Севгим-севгилим. / Энг сара муҳаббат қиссалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. – Б. 80-81.

5. Қ.Йўлдош. Сўз ёлқини. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б. 387.

SHE’RIY TURKUMLARDA LIRIK QAHRAMON MASALASI

Obidaxon FAYZULLAYEVA,
GulDU, O‘zbek adabiyotshunosligi
kafedrasi professori v.b.
filologiya fanlari doktori,
obidaxonfayzullayeva@gmail.com

Annotatsiya. Mazkur maqolada o‘zbek she’riyatida turkumlilik masalasi, turkum she’rlarda lirik qahramonning lirik “men” sifatidagi ifodasi va umuman, lirik turkumlarda obrazlilikning o‘ziga xos tarzda ifodalanishi kabi jihatlarga e’tibor qaratilgan. Lirik “men” masalasi Rauf Parfi she’rlari misolida tadqiq etildi. Turkum she’rlarning o‘ziga xos jihatlari, ularni shakllantirish xossalari, lirik turkumga kiritilgan she’rlardagi lirik qahramonning ifodalanish tarzi kabi jihatlarga urg‘u berilgan.

Kalit so‘zlar: lirik qahramon, obrazlilik, sikl she’rlar, taraqqiyot tendensiyalari va takomili, turkumlilik, yaxlitlik, muallif konsepsiyasi, umumiylik, yangicha shakllanish, mavzu va mazmun birligi, original she’riyat, badiiy ifodada uyg‘unlik va boshqalar.

Abstract. This article focuses on aspects such as the issue of series in Uzbek poetry, the expression of the lyrical hero as a lyrical «I» in the series of poems, and, in general, the unique expression of imagery in lyric series. The issue of the lyrical «I» was studied on the example of Rauf Parfi’s poems. The series focuses on aspects such as the unique aspects of the poems, the features of their formation, and the manner of expression of the lyrical hero in the poems included in the lyric series.

Keywords: lyrical hero, imagery, cycle of poems, development trends and improvement, series, integrity, author’s concept, generality, new formation, theme and content unity, original poetry, harmony in artistic expression, etc.

“Badiiy asar hamma vaqt ijodkorning obyektiv voqelikka bo‘lgan subyektiv-estetik munosabatidan tug‘iladi” [Karimov N., 1978; 102]. Adabiy asarda bu munosabat biror ko‘rinishda o‘z ifodasini topadi. Obrazli poetik nutq orqali o‘sha ko‘rinishlar in’ikos etadi. Lirik asarlarda ham qahramon mavjud ekani sabab “she’rning g‘oyaviy mazmuni, adabiyotning tabiatiga ko‘ra, qahramon orqali ifodalanadi” [Тўйчиев У., 1992; 14]. Ya’ni lirik asarlarda ham poetik nutq qahramonlar tilidan ifodalanadi. Bunda subyektiv-estetik munosabat egasi bo‘lgan shaxs nazarda tutiladi.

Turkum she’rlarda ham lirik qahramon va lirik personaj tushunchalari o‘z zuhurini topgan. Bunday obrazlar badiiy to‘qima shaklida yaratiladi, o‘z xossasiga ko‘ra estetik qiymat kasb etib, kishilar hayotining umumlashma yoki aniq manzarasini aks ettiradi, tasvirlanayotgan voqelikka munosabati va kechinmalari ifodasi orqali hayot bilan mustahkam bog‘liq ekanini ko‘rsatadi.

Adabiyotshunos olim L.I.Timofeyev obraz “badiiy to‘qima yordamida yaratilgan, estetik qiymat kasb etgan inson hayotining umumlashma va ayni chog‘da, aniq manzarasi ekanligi”ni qayd etish orqali uning ijtimoiy muhit, zamon va makon bilan qanchalar bog‘liq ekanligini uqtiradi.

O‘zbek she’riyatida o‘ziga xos maktab yaratgan shoir Rauf Parfi she’riy turkumlarida ham lirik qahramon dard va iztirob kuychisi sifatida maydonga chiqadi. U hech qachon quruq maddohlik va tilyog‘lamalik qilmaydi. Qalb kechinmalarining tug‘yonli daqiqalarini boricha namoyish etadi. Lekin bu jarayonda o‘zigagina xos raufona qo‘llanimlardan, original qahramonlar galareyasidan foydalanadi. Badiiy adabiyotning, xususan, poeziyaning obrazlilik tendensiyasi Rauf Parfi she’riyati uchun alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki shoir qo‘llagan timsollar o‘zining betakrorligi, originalligi bilan she’rxonda o‘zgacha taassurot qoldiradi.

Rauf Parfi turkumlarida obrazlilikni yuzaga keltiruvchi omillar va obrazlilik vositalari o‘zgacha. Masalan, shoirning oltita sonetdan iborat “Muhabbat” sonetlar turkumida lirik qahramon hayotning mazmuni, uning xossalari muhabbatda deb bilguvchi e’tiqod sohibi bo‘lgan nuktadon inson. Muhabbat deyilganda faqat sevishganlar o‘rtasidagi tuyg‘u emas, balki barcha narsaga bo‘lgan ijobiy tuyg‘u nazarda tutiladi. Shuningdek, ana shu tuyg‘uga bo‘lgan ishonch, e’tiqod barcha qiyinchiliklarni yengib o‘tishda ko‘maklashishi, ya’ni orzular ro‘yobiga intilishni kuchaytiradi.

Shoir turkum sonetlarida uchraydigan ma’shuqa obrazi hayotiy asosga ega bo‘lib, uning rafiqasi Dilorom ekanligi “Diloromning ko‘zlari” sonetlar majmuidan ayonlashadi. Unda shoir “ko‘z” detalidan foydalanib, boqiylikka daxldor samimiy muhabbatini lirik qahramon sifatida talqin etadi:

Ko‘zingning qa’rida yukinar, izlar,
Yorug‘ sohillarin asrdiyda jon...
Mangulik osmonni – bu teran ko‘zlar
[Рауф Парфи, 2013; 207].

“Og‘riq” sonetlar turkumida esa lirik qahramon bo‘lgan shoir ijod ahli uchun xos bo‘lgan intuitiv holat kechinmasini ifodalaydi. Ijodkor uchun ilhomi jo‘shgan on uning ruhiyatini kemiradigan o‘y-xayollar beradigan og‘riq tuyg‘usni yengishning birgina yo‘li – uni ifodalash xolos. Ana shu onlarni boshidan kechirayotgan lirik qahramon har bir ijodkor uchun ana shu og‘riqni ko‘taruvchi va asrovchi qalb najot qal’asi ekanini tasvirlaydi. Lekin ana shu og‘riqni ko‘tarishda, albatta, hayotning ham o‘rni beqiyos. Yashayotgan qalb iymon nuri bilan yo‘g‘rilgan bo‘lsa undan-da a’lo. Chunki ifoda uchun muqaddas so‘zni izlayotgan ijodkorga imonli qalb darkor.

Qizg‘anma samoviy sehrning sasin...
Yurak deb atalgan og‘riq bu – najot.

Ko‘krak qafasimiz – najot qal’asi

[Рауф Парфи, 2006; 86].

She’rda lirik qahramonning og‘riqni kechirish jarayoni barcha murakkabliklari bilan tasvirlangan. Xususan, she’riyat yoki ijodkorning ilhomi alamlar keltirishi bilan birga ayrimlar uchun shon-shuhrat manbai bo‘lib qolishi ham hayot haqiqati ekani aks ettiriladi. Ilhomning qalbni yolqinlantirish onlari “sohir yuragingni chaqmoq urdi-ku” yo‘sinida ta’riflanadi. Hayot sinovlari chaqmoq bilan nurlangan qalbda yaralar hosil qiladi. Lekin lirik qahramon yaralardan ungan chechaklar, ya’ni she’rlarni bag‘riga bosib, qalb hissiyotlari bilan kuchli nurga limmo-lim ko‘z orqali dunyoga qaraydi, dunyoviy alamning toshlariga ko‘zi tushadi. She’rlar qalbdan chiqqanligidan, najot qal’asiga – yurakka o‘sha nur qaytadan joylanadi.

Shoirning barcha sonetlaridagi lirik qahramonlar hayotga, oilaga, ilohga muhabbatli insongina haqiqiy ma’nodagi tirik insonligini ta’kidlanadi. Muhabbatni his etmagan chog‘ida o‘zini tanasida joni yo‘qdek his etgan lirik qahramon Ollohdan joning parvozi bo‘la oladigan biror ilinj berishini o‘tinadi. Chunki u:

Zaharga aylandim, og‘ochdek sindim,
Qayta o‘ldim, ruhim qaytmadi tanga.
Hazrat Sultonimga singrab sig‘indim

[Рауф Парфи, 2006; 86].

holatida edi. Faqat ishqgina uni hayotga qaytara oladi. Shuning uchun lirik qahramon:

Allohim madad ber. Bir So‘z ber menga,
Jonimning parvozin bergil, sog‘indim,
Ishq ber! Qaytar meni yorug‘ Vatanga

[Rauf Parfi., 2006; 86].

Ushbu ishq oddiy emas, balki ilohiy tuyg‘u egasi bo‘lgan qahramonning buyuk iztirobi va achchiq azoblari mevasi. Bunday devonavor ko‘ngil Majnunning ishqini, Mashrabning oshiqligini eslatadi. Navoiyning “Majnun”ini Ka’batullohga toat uchun olib borishganda ishqining chandon ortishini, bu ishqdan ayirmasligini Ollohdan so‘ragan edi. Mashrab ham o‘z ishqidan devona bo‘lgan edi. Mana shu holat Rauf Parfi sonetlarining aksarida ko‘zga tashlanadi, va barchasida ishqdan xoli ko‘ngildan o‘lim afzalligi ta’kidlanadi. Agar ishqsiz odam mavjud bo‘lsa, u insonning hayot kechirishi o‘lim holatidan-da yomon ekanligi ta’kidlanadi. Turkumning beshinchi sonetida lirik qahramon:

Tiriklikdan kechdim, o‘limdan kechdim,
Osmon deganlari mening fig‘onim,
Dunyo zaharini bir o‘zim ichdim

[Рауф Парфи, 2006; 88].

deyish orqali u inson bunday tiriklikdan kechish, ishqsiz hayotdan o‘limni afzal ko‘rish orqali ruhi yuksalib, falakka ko‘tarilishini tasvirlaydi. Foniy dunyodan ketayotgan ruh ko‘nglida alam paydo bo‘ladi, chunki endi u hayotni sog‘ina boshlaydi. Ana shu sog‘inch iztirobni yuzaga keltiradi. Lirik qahramon ilojsizlikdan bu dunyoni tark etish orqali bo‘lsa-da o‘z maqsadiga erishadi. Sog‘inch tuyg‘usini, alam va hijronni shu orqali topadi. Ishqqa shu yo‘l bilan sazovor bo‘ladi. Mana shu holatning aksini, lirik qahramonning vafoti holati tasvirini shoirning “Tangri sog‘inchi” sonetlar turkumida uchratish mumkin:

Dunyolari yolg‘on, men o‘ldim chindan...
Ulug‘ Tangrim, seni achchiq sog‘indim

[Рауф Парфи, 2006; 93].

Lirik qahramonning dunyo chirkinliklaridan zada ko‘ngli Olloh ishqiga muhtoj. Uning qalbida Ollohga muhabbat bor-u, ha-

yotga muhabbat yo‘q. Shu holatni shoir chinakam o‘lim holatiga mengzaydi.

Oybek lirikasida portret faqat tasviriylikni ta’minlabgina qolmay, balki obraz xarakterini, uning ruhiyatini ham yoritsa, Rauf Parfi she’riyatida konkret shaxs portreti tasvir orqali chizilmaydi, balki o‘sha shaxs lirik qahramon vazifasida kelib kechinma lirik qahramon tilidan bayon etiladi. Lirik qahramon tuyg‘ulari, orzu-armonlarini o‘zi bayon etadi va bunda shoirning badiiy-estetik pozitsiyasi oydinlashadi. Turkum shaklidagi sonetlariga shoirning “Siyovush”, “Siyovush faryodi”, “Qora devor”, “Muhabbat” kabi she’rlari kiradi. Ushbu sonetlarda lirik qahramon – shoirning o‘zi. Sonetlarda tilga olingan boshqa obrazlarning ayrimlari buyuk ijodkorlar bo‘lsa, ba’zilari badiiy asar qahramonlari yoki tarixiy shaxslardir.

Rauf Parfining “Siyovush faryodi” soneti lirik qahramoni – afsonaviy shaxs Siyovush. U o‘zligini namoyon etish uchun podshoh bilan bahsga kirishadi. Chunki uning podshoh otasi toju-taxt va nafsga berilib ko‘p xatolarga yo‘l qo‘ygan. Toju taxtga sig‘inarlicha munosabatning natijasidagi xatoliklar farzandi – Siyovushning o‘limiga sabab bo‘lgan. Siyovush Rauf Parfi uchun alohida ahamiyatga ega. Shoir unda xalq farovonligi va yurt tinchiligini boylikdan ustun qo‘yuvchi, xunrezlikdan ogoh etuvchi zotni ko‘radi.

Siyovush siymosini shoir oyog‘idan yer qa’riga tortayotgan, muz tog‘lari ko‘z yoshidan o‘sayotgan shaklda namoyon qiladi. U mana shu holatda ham “olampanoh”ni e’zoz etmoqni istaydi. U yana o‘z g‘oyalari kurashi uchun qayta tirilajagi haqida ogohlantirish beradi.

Ko‘z ochib ochunga qayta urildim,
To‘xta, Siyovushman, men yana hayot –
Qayta o‘lish uchun qayta tirildim

[Рауф Парфи, 2006; 179].

Ushbu timsol orqali shoir inson uchun barhayot bo‘lgan bunyodkorlik g‘oyalari zamonlar o‘tsa-da abadiyatga daxldorligicha qolishi, ya’ni ezgulik va yovuzlik o‘rtasidagi kurashda ezgulik yovuzlikka butunlay yengilmasligi, yovuzlikni yo‘q qilish uchun xalqning Siyovush kabi qahramonlari qayta-qayta dunyoga kelaverishi kabilarni yana bir bor eslatadi.

Rauf Parfining ushbu timsolga murojaat aks etgan ikkinchi soneti “Siyovush” deya nomlanadi. Unda lirik qahramon – Siyovush endi “olampanohning tashvishi” bo‘lgan taxtga murojaat etadi. Lirik qahramon – Siyovush taxtni “so‘qir quvva’” deya ataydi. Bu orqali u toju taxt uchun insonlarning qanchalar razilliklarga borishiga ishora qiladi. Chunki ana shu “chirkin taxt”ning “nafsi” deya “o‘liklar ustinda mashvarat”, “*Tog‘ kelbat o‘g‘lonlar mayiti maydon*”, “*irfonning qo‘llari, qanoti kesilgan*” borliqqa esa vabo tarqalgan. Taxtning amalga oshirgan razilliklari uning portretini yanada mukammallashtiradi. U Oyning ham ajalini o‘z qo‘liga olgan, otaning tig‘i bilan o‘g‘ilni, o‘g‘ilning hanjari bilan otani o‘ldirishga qodir. Haqiqatni esa etu-ustixoni bilan yeb bitirgan. Bag‘ri razolatdan pora bo‘lgan Siyovush tuyg‘ularini, uning qalb iztiroblarini shoir anafora usulidan foydalanib ifodalaydi:

Nechun yurakda tosh, ko‘zlarda huzun,
Nechun?! Xo‘rlangan insonlar faryodi?
Nechun?! Nechun yolg‘onning umri uzun?
Nechun?! Tirilmasmi o‘tkanlar yodi? [Рауф Парфи, 2006; 179].

Inson zotini taxqirlash holati: “toshinda palaxmon, jigarinda o‘q, yutgani og‘udir, topgani cho‘g‘dir”, – deya tasvirlanadi. Mazlum portreti shu tarzda xo‘rlangan va toptalgan holatda aks ettiriladi. “Zulmat ahkomi”ning portreti esa shoqoldek uvlayotgan, itdek hurayotgan, boyqushning qafasi va ajdahoning komiga tashbehlanadi. Razolat va zulmkorlik o‘chog‘i bo‘lgan taxt timsoli, uning shoir ilg‘agan mohiyati butun jirkanchligi bilan aks ettiriladi. Taxt kabi salbiy xarakterdagi obraz o‘z shaklu shamoyili bilan kishilarda nafrat uyg‘otadi.

Rauf Parfi qahramon yaratishda badiiy-estetik tafakkuri tabiatiga koʻra oʻsha qahramonning oʻzligini hissiyotlari orqali namoyon qilishni maʼqul koʻradi. U qahramon “men”ini uning orzu-armonlari, dard-hasratlari, quvonchu-tashvishlari orqali akslantiradi. Lekin raufona uslubga koʻra koʻproq dard yetakchi unsur vazifasini oʻtaydi. Dardu hasrat va armonlar tasvirida qahramon oʻzligi namoyon boʻladi. Haqiqat va adolat uchun kurash hech qachon oson kechgan emas. Rauf Parfining asosiy poetik konsepsiyasi ham oʻz qahramonlarini ana shu kurashlarda chiniqtirish va toblash yoʻli bilan haqiqatga yoʻnaltirish, unga tik boqa bilishga undash. Rauf Parfi qahramonlari qalbida hamisha ilohiy tuygʻu – muhabbat hukmron boʻladi.

Xullas, Rauf Parfi sonet-turkumlarida konkret shaxs portreti chizilmaydi, balki oʻsha shaxs lirik qahramon vazifasida kelib, kechinma uning tilidan bayon qilinadi. Shoir qahramonlarning oʻzligini hissiyotlari orqali namoyon qilishni maʼqul koʻradi. Shoir turkumlari lirik qahramoni bitiklarda tasvirlanayotgan inson boʻlib, dardu iztirob ifodachisi sifatida maydonga chiqadi. Qalb kechinmalarining tugʻyonli daqiqalarini boricha namoyish qiladi.

Adabiyotlar:

1. Jamoa. Adabiyot nazariyasi. 1-tom. – T.: Fan, 1978. – B.102.

2. Rauf Parfi. Sakina. – Toshkent: Muharrir, 2013. – 376 b.

3. Rauf Parfi. Soʻnggi vido. – Toshkent: A.Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2006. – 86 b.

4. Toʻychiyev U. Adabiy tur va janrlar. 3 tomlik, 2-tom. – Toshkent: Fan, 1992. – 297 b.

5. Toʻychiyev U. Adabiy turlar va janrlar. – T.: Fan, 1992. – B. 14.

6. Тимофеев Л.Н. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1966. – С. 198.

USMON AZIM LIRIKASIDAGI KECHINMA TASVIRIDA RANG DETALINING QO‘LLANILISHI

Mavlonova Zarnigorxon Alisher qizi
Guliston davlat universiteti
2-bosqich magistranti

Annotatsiya. Ushbu maqolada Usmon Azim lirikasida kechinma ifodasi, ruhiyatning rang detali orqali aniqroq va bo‘yoqdor tasvirlanishi, adabiyotda rang konseptining birlamchi omil ekanligi, lirik asarda ruhiyat va rang uyg‘unligi haqida ma’lumot beriladi.

Kalit so‘zlar: kechinma, rang detali, psixika, ramziylik, kayfiyat, poetik fikr.

Annotation: this article provides information on the expression of supplication in the lyrics by Umon Azim, a clearer and more painterly representation of the psyche through the color detail, harmony of spirit, fact that the concept of color in literature is a primary factor and color in the lyrical work.

Keywords: depiction of spirituality, color detail, psyche, symbolism, mood, poetic thought.

Kechinma tushunchasi sharxlanganda, faqatgina shoir shaxsiyatini tushunmaslik lozim, balki uning ruhiyati, ma’naviyatiga ta’sir qilgan tashqi olamga qaytarilgan aks-sadosi ham kechinmalarga sabab bo‘ladi. Shuning uchun bunday kechinmalar ommaga daxldor hisoblanadi. Qolaversa, inson ruhiy evrilish holatlarini, lahzalar tasvirni chiza bilish, she’rdagi ranglarni ham so‘zlattira bilish uchun hassos qalb sohibi bo‘lmog‘i lozim. Usmon Azim ham xuddi shunday badiiy matnda ranglarni ham so‘zlattira olgan va bu orqali insonlarning nekbin tuyg‘ulariga

ta’sir qila olgan ijodkordir. Buning yorqin bir misolini “Sevgimiz o‘ldimi, libosingiz ko‘k” deb boshlanuvchi she’rida ko‘rishimiz mumkin. She’rda sof hijron dardi bilan to‘qnash kelamiz. Bu yerda lirik qahramon ko‘k rangni kun ko‘rmay xazon bo‘lgan muhabbat uchun kiyilgan motam rangi sifatida tanlamoqda. She’rda lirik qahramon sevgilisining befarqligi sabab iztirob chekadi. Bu holatni izohlar ekan, ishq dardiga yo‘liqib, omonlik topmagan boshqa lirik qahramonlar singari u ham holatini an’anaviy usulda bayon etadi, ya’ni “sarg‘ayadi”. Yoriga esa “yam-yashil” ko‘karishni tilaydi. O‘zini motamsarolik ichra qoldirgan insonga yashillik, ya’ni hayot zavqini tilashi har kimning ham qo‘lidan kelmaydi. Shoir esa bunday jur’atga qo‘l uradi:

Ammo siz sarg‘aymang – gulli bog‘ bo‘ling,
Yam-yashil ko‘karing, mudom sog‘ bo‘ling.
Bahorning bag‘rida beadog‘ bo‘ling –
Axir, qarg‘aganim sizmas, azizim,
Ikki kuz dunyoga sig‘mas, azizim.

[Usmon Azim, 2007; 49].

She’rda ranglar orqali inson ruhiyatiga chuqurroq kirish, uni teran anglash va tahlil qilish mumkin bo‘ladi, psixikadagi o‘zgarishlar-u, kayfiyat rang-barangligi aniqroq fonlarda aks ettiriladi. Shoir she’rlaridagi deyarli har bir rangda o‘ziga xos ramziylikni ifodalashga urinadi. U poetik fikr va g‘oyalarni, tuyg‘ularni o‘ta nozik va go‘zal tasvirlaydi. Inson kechinmalaridagi evrilishlarni g‘oyat nafis chizgilar bilan o‘quvchiga chizib beradi. Sevgi, baxt, iztirob, ziddiyat, beqarorlik, barqarorlik kabi hissiy jarayonlarni ranglar orqali xarakterlab, lirik asaridagi bo‘yoqdorlikni oshirishga ham muvaffaq bo‘ladi. Ba’zan shoir ortiqcha so‘z isrofiga yo‘l qo‘yishni istamaganidan, qisqalikka intilib butun boshli kechinma yukini birgina rangga yuklaydi. Bu holat ba’zan bevosita, ba’zan esa bilvosita beriladi. Lirik qahramonning o‘y-xay-

ollari-yu, qalbidan kechirayotganlarini bir so‘zning kuchi ortiga yashiradi, har bir holatini ifoda etishga ortiqcha vaqt va so‘z sarflamaydi. Shoir bir she’rida otidan ayrilgan chavandoz obrazini tasvirlar ekan, uning rangi bir hol ekanligini yozadi. Uyiga bir ahvolda kirib kelgan chavandozning ayoli uning rangidan biror tashvish bo‘lganini sezadi. Chavandoz esa oti o‘lganini ma’lum qiladi. Barchamizga ma’lumki, insonning ichki ruhiyatida kuchli tebranish sodir bo‘lganida, uning rangi o‘zgaradi, bunday holatda u yoki oqaradi, yoki-da qizaradi. “Oqarish” holati, asosan, qo‘rquv jarayonlarida yuzaga kelishini hisobga olsak, ko‘zyoshini ayolidan yashirishga uringan erning rangi qizarganini bilish mumkin. Odatda, qizil rang biror his jo‘sh urganda, inson ruhiy holatini zohirda ham namoyon bo‘lishiga sababchi omil hisoblanadi. Uyalgan, sevingan, g‘azablangan va o‘ta tushkunlik va sarosimada qolgan insonning yuzlari qizarishi sir emas. Lirik qahramon ham er kishining qanoti sanalgan tulporidan ayrilishi uning musibat chekishiga sabab bo‘ladi. Biroq u ichidan kechayotgan kechinmalarini oshkor qilmaydi, qanchalik iztirobda qolganini ayoliga ko‘rsatmaslikka harakat qiladi. Uning qay darajada o‘zini chorasiz his qilayotganligini, otiga motam tutayotganligini birgina rang ifodasi ko‘rsatib turadi. Bu o‘rinda bilvosita berilgan rang detali qahramon kechinmalarining yukini to‘la zimmasiga olgan, deyish mumkin bo‘ladi. Endi esa shoirning quyidagi parchasiga e’tibor qarataylik:

Sovuq tegib o‘tdi- gullar qoraydi,
Bulutlar pasaydi- dunyo toraydi.
Ufqlar ko‘rinmas- o‘radi tuman,
Yo‘q bo‘lib ketaymi, yoxud boraymi,
Bog‘larim sarg‘ayib ketmoqda, ayni
Kuzlarim uyg‘ondi uyqudan

[Usmon Azim., 2009; 38].

Xitoyda baxtni, Yevropada esa g‘azab-nafratni aks ettiruvchi sariq rang sharq adabiyotida badiiy matn maqsadiga ko‘ra ba’zan boylik, to‘kinlikni ifodalasa, ba’zan uqubat, ayrolik, umrning, sevgining, yoshlikning xazon bo‘lishi kabi ma’nolarni ifodalab keladi. Parchaga nazar tashlab, shoir “sarg‘aymoq” fe’li orqali qanday kechinmalarni oshkor etayotganligini bilish mumkin. Usmon Azimning “Yurak” kitobidan olingan, taxminan 50-51 yoshlarida, ya’ni ayni o‘rta yosh davrining ikkinchi bosqichi yakuniga qarab borayotgan bir vaqtda yozilgan ushbu she’riy parcha orqali va, ayniqsa, “sarg‘aymoq” so‘zi orqali shoir kechinmalarida murakkab jarayonni boshidan kechirganligini sezish qiyin emas. Lirik matnning to‘liq qismini o‘qir ekanmiz, lirik qahramon uchun dunyolar tor kelganligini, yer tortishish qonuni ham unga sezila boshlaganligi, ya’ni tuproq uni chorlay boshlaganligi, yashashga kuchli ishtiyoq jo‘sh ursa-da, umr eng go‘zal damlarni boy berganligi, hayotining kuz qismi boshlanganligi-yu, o‘zi bu bosqichda yorsiz hijron dog‘ida sarg‘ayib borganligini bilib olamiz. O‘z o‘rnida qo‘llanilgan rang detali lirik konteksning bo‘yoqdorligini oshiradi. Ijodkor rangga poetik vazifa yuklaydi. Natijada esa ko‘zlagan maqsadiga erishadi. Umuman, rang orqali obraz shakllantirish, unga butun bir matn yoki uning bir qismining g‘oya-mazmunini yuklash she’rdagi kechinmalarning o‘quvchi ruhiyatiga oson ko‘chib o‘tishiga va singishiga sabab bo‘ladi. Shoirninig “Oxir “oh”ga ko‘chdim, Og‘ir “oh”ga ko‘chdim, Sarg‘aydi dunyo, Parvardigor-o”[Usmon Azim., 2009; 49]. misralarida yashamoqninig murakkab ko‘chalari aro sabri tugab “oh” tortgan, tortganda ham “oh”ing og‘irini tortgan lirik qahramon ko‘z o‘ngida dunyo sariq tusga kiradi, isyon-la so‘liy boshlaydi. Chunki lirik qahramonning ruhi ham ayni shu holatda: tosh yuragidan otilib chiqqan bu “oh”da ham shiddat, ham so‘lg‘inlik ziddiyati mavjud. “Sarg‘ayish” so‘zining “xazon bo‘lish” so‘zi bilan sinonim ekanligini hisobga olsak, dunyoni xazon qilish darajasida oh urgan personajning kechinmalari ham shu darajaga yetgan bo‘la-

di, tabiiyki. Shoir bir she'rida so'zining sarg'ayganligini ta'kidlasa, boshqasida o'zining barg kabi sarg'ayganligini yozadi, yana birida esa yashillik ichra bir yaprog'-u ko'nglidagi titroqning, uyg'oq yurakning, chidam-u firoqning, o'zgalar dardini chekkan ko'z-u tirnoqning, bir so'ziga mushtoq inson-u, ham javob, ham so'roqning sarg'ayganligidan xabar beradi. O'y-u xayollarida, ruhida kechirayotganlarini poetik unsur sanalgan ranglar orqali berishdan charchamaydi. Ahamiyatlisi shundaki, u bir xil ranglarda turli kayfiyat chizgilarini aks ettira olgan. Birgina ko'k rangining o'zini ba'zi she'rlarida motam, ba'zilarida esa ilohiylik, poklik ma'nosida qo'llaydi. Ijodida murojaat qilgan va eng faol uchraydigan ranglar qora, oq, ko'k, moviy, sariq, yashil va qirmizi hisoblanadi. Ranglar yordamida kechinmalarni yorqin fonda aks ettirish mumkinligi haqida gap borar ekan, Usmon Azimning quyidagi misralarini ham e'tiborsiz qoldirib bo'lmaydi: "Ol shafaq jon uzadi, ko'karar gardun", "Moviy koinotdan keldi nurli sas", "Ko'nglimning bir yashil yaprog'i yo'qdir", "Yashillik hayron-u lol – uziladi zar yaproq", "To'kildi chorbog' – qirmiz", "Yashillikni bog' junjikib yechdi", " Suv bir yamlagandi – "Yashilmiz", dedik, Bahona bormi, ayt, suv yana qaytsa…", "Qara, shafaq qirmizi, Kuygan jonimning izi", "Moviy kenglik qoshida O'ltiraman so'rab jon", "Yam-yashil tanini shamol supurdi", "Yashil yelkasini tobladi chorbog'", "Daraxtday yam-yashil ko'nglim bu lahza", "Quyoshning tillarang jismini so'rib, Namxush havolarda ko'karar bahor", "Yam-yashil jahonim, ne yumushing bor?", "Sening o'jar lablaring alvon", "Lablarimda manim ochilsin Shafaq rangli g'uncha – qizil gul", "Bir mevangda qizardim alvon, Bir bargingda ko'kdan ko'k bo'ldim", Osmon uzilib tushdi – sarg'aytdi siyog'imni", "men sensiz sarg'aydim, men sensiz kuydim", "Yam-yashil bog'larda adashgan ayol", "Armonning ranglari sap-sariq, sariqqa to'ldiya bu borliq", "Muhabbat – eng moviy pokiza osmon…", "Aka, sochingizga oralabdi oq, Opa, sarg'ayibsiz – farzandning dog'i", "Moviy havo to'lqinlarida O'ynab uchdim quyoshga tomon".

She’riyatda subyektivlik kuchli hisoblanadi. Obyekt ham, subyekt ham bir shaxsda aks etadi, lirik qahramon ortida ijodkorning shaxsiy “men”i, ichki ruhiy olami turadi. Usmon Azim ham she’riy asarlari orqali o‘z ruhiy kechinmalarini aks ettiradi. Rang detali ushbu ruhiyat tasvirlarini ochib berishda muhim o‘rin tutadi. Ranglardan an’anaviy va o‘ziga xos usullarda foydalangan va badiiy maqsadiga erishgan, desak adashmaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Usmon Azim. Saylanma. “Sharq” nashriyot-matbaa. Toshkent. 1995. 185 bet.

2. Usmon Azim. Sog‘inch. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent. 2007. 200 bet.

3. Usmon Azim. Yurak. G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. Toshkent. 2009. 246 b.

O‘ZBEK SHE’RIYATIDA QIT’A JANRI TADRIJI

Jo‘raqulov Sardor Mashrab o‘g‘li,
Guliston davlat universiteti,
O‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi stajyor-o‘qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada qit’a janrining o‘zbek mumtoz adabiyotida shakllanishi va taraqqiy etganligi, Mahmud Qoshg‘ariy, Bobur va Alisher Navoiy ijodidagi qit’alarning mazmuni va badiiy xususiyatlari xususida fikr yuritilgan.

Kalit so‘zlar: qit’a, qofiyalanish tartibi, mavzular ko‘lami, aruz vazni.

Annotation: This article discusses the formation and development of the continent genre in uzbek classical literature, the content and artistic features of the continents in the works of Mahmud Kashgari, Babur and Alisher Navoi.

Keywords: continent, rhyming order, scope of topics, aruz weight.

Ma’lumki, qit’a janri o‘zbek mumtoz adabiyotida shakllangan va taraqqiy etgan janrlardan sanaladi. Aslida qit’a so‘zi arabcha bo‘lak, qism, parcha kabi ma’nolarni anglatsa-da, u mustaqil xossalar va qonuniyatlarga ega bo‘lgan janr hisoblanadi. “Qit’a she’riy shakl sifatida qasida va g‘azaldan oldin paydo bo‘lgan. Tuzilishiga ko‘ra, g‘azalga yaqin turadi, lekin qit’ada matla’ qofiyalanmaydi (a-b, v-b, g-b...), hajmi ham qat’iy emas, mazmun talabiga ko‘ra, ikki bayt va undan ortiq (xatto 19 baytgacha) bo‘lishi mumkin” [Ibrohim Haqqul., O‘zbek tili va adabiyoti 1978; 6-son][1]. Qit’alarning har biri yaxlit asar bo‘lib, biror mavzuga bag‘ishlanishi, boshqa lirik janrlarga nisbatan qit’ada shakl va mazmun

[1] https://uz.wikipedia.org/wiki/Qit%CA%BCa (lirik janr)

erkinligi ustun bo‘lishi, mavzu doirasi ham nisbatan keng bo‘lishi, ijtimoiy-siyosiy, diniy-falsafiy axloqiy-ta’limiy va boshqa mazmundagi fikrlar hajv va hazil-mutoyiba asosida shakllantirilishi ma’lum. Mumtoz adabiyotimizda qit’alar shoirlarning hayotiy tajribalariga asoslangan holda ham yaratilgan. O‘zbek mumtoz adabiyotida qit’aning ilk namunalari “Devonu lugotit turk” asari tarkibida, Xorazmiy, Yusuf Amiriy, Gadoiy, Lutfiy va boshqalar ijodida mavjud.

Lekin qit’a janri taraqqiyotiga Alisher Navoiy o‘zining ulkan hissasini qo‘shganligi shoir ijodidagi uch yuzdan ortiq qit’aning mavjudligi ham dalolatlaydi. Alisher Navoiy qit’alari mavzu jihatdan ham turfa xil mazmunga ega bo‘lib, shoir ushbu janrni mustaqil janr darajasiga ko‘tarilishiga ham sababchi bo‘lgan deyish mumkin[1]. “XVI – XIX asrlarda Bobur, Poshshoxoja, Munis Xorazmiy, Shavqiy Kattaqo‘rg‘oniy, Shukuriy Farg‘oniy, Ogahiy, Miriy, Avaz O‘tar, Almaiy va boshqa shoirlar Navoiy an’analarini davom ettirib, o‘zbek qit’anavisligiga hissa qo‘shdilar”[2]. XX asrga kelib, Habibiy, Sobir Abdulla, Maqsud Shayxzoda, Mirtemir, Chustiy, Charxiy, E.Vohidov va boshqalar qit’alar yaratgan ijodkorlar sifatida bu janr takomiliga o‘z hissalarini qo‘shganlar. So‘nggi davr lirikasida yaratilayotgan qit’alar, asosan, barmoq vaznida yaratilmoqda.

Qit’alar voqelikni, inson fikr va his-tuyg‘ularini o‘z badiiy ifoda usullari hamda xarakteriga mos tarzda tasvirlaydi. O‘zbek adabiyotshunosligi tarixida ko‘plab lirik janrlar yuzasidan biror ijodkor asarlari bo‘yicha muhim nazariy fikrlar bayon etilgan, qator tadqiqotlar yaratilgan. Lekin aynan qit’a janri bo‘yicha maxsus monografik tadqiqot ishi hali yuzaga kelmaganligi qiziqarli holatdir. Chunki ushbu janr ancha yillardan beri ko‘plab olimlarning diqqat markazida bo‘lib kelmoqdi. Xususan,

[1] httvs://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoivAbrohim-haaaul-aita-va-gazal-munosabatiga-doir.html

[2] https://uz.wikipedia.org/wiki/Qit%CA%BCa (lirik janr)

Y.E.Bertels, A.Mirzoyev, A.Hayitmetov, A.Abdug‘afurov, Y.Is’hoqov, R.Orzibekov, L.Serikova va boshqa adabiyotshunoslarning qit’a haqidagi ilmiy qayd hamda maqolalarini shular jumlasidan.

Qit’a janri takomili, albatta, uning ilk shakllaridan boshlangan. Xususan, Mahmud Qoshg‘ariyning “Devoni lug‘otit turk” asari tarkibidagi qit’alar ham o‘ziga xos jihatlari bilan ajralib turadi. Xususan, “Qarg‘a qazg‘a o‘tko‘nsa buti sinur” ya’ni qarg‘a uchishda g‘ozga taqlid qilsa, oyog‘i sinar, degan mazmundagi yoki “Qo‘sh qilich qinqa sig‘mas”, ya’ni “ikkita qilich bir qing‘a sig‘madi” kabi o‘git mazmunidagi misralarni ijodkor o‘tluk deb nomlagan. O‘git, nasihat ruhidagi she’rlar uchun ijodkor ba’zan o‘vo‘t so‘zini ham ishlatgan. O‘vo‘t asli o‘gitdir. O‘tluk - tarbiya mavzusidagi bir necha bandli o‘git hamda nasihatlardir. Devonda qofiyalanish tartibiga ko‘ra o‘tluk janriga xos ikkita she’r parchalari saqlanib qolgan.

Qit’a janri tugallanmagan she’r ham deb yuritilgan. Qit’aning nisbatan erkin usulda yozilishi shoirlar ijodiga keng imkoniyat tug‘dirgan. Zahiriddin Muhammad Bobur qit’alari ham uning tarjimai holi bilan bog‘liq. Masalan, “Ne qilayin sening bila, ey til”, “Xurosonga ul oy tortib cherik, Kobul sari yonduk” misralari bilan boshlangan hamda ijtimoiy mavzudagi, “Otani chunki qibla debturlar”, “Noumid bo‘ldum, ey mug‘ul sendin” o‘z ifodasini topgan.

Alisher Navoiy qalamiga mansub qit’alar yuqorida ham aytib o‘tilganidek, turfa mavzularni qamragan bo‘lib, unda ijtimoiy hayot muammolari aks ettirilgan. Xususan,

Ey ko‘ngul, tan taxtasin bu qa’ri yo‘q girdobdin
Istasang sohilg‘a chekmak, bilki, bu oson emas.
Piru iste’dodu tavfiq o‘lmasa bo‘lmas bu ish,
Kimdururkim, bag‘ri bu hasratdin oning qon emas[1]

[1] https://kh-davron.uz/iiod/maqolalar/alisher-navoiv-qitalar-xurshid-davron-sharh.html

qit’asida inson qalbi xususida so‘z yuritilib, uni shoir bir ummonga o‘xshatadi. Qalbning inson tanasidagi tubi ko‘rinmaydigan girdobga mengzaydi va undan sohilga chiqish oson ish emasligini uqtiradi. Va bu holatni shoir ustoz-shogirdlik munosabatlari bilan bog‘laydi va qalb ummoniga undagi yor ishqi tufayli hosil bo‘lgan ko‘z yoshlar yoki g‘am seli ummoniga g‘arq bo‘lmaslik uchun yo‘l ko‘rsatuvchi pir, iste’dod va tavfiq zarurati xususida so‘zlaydi. Agar shu zaruratlar bo‘lmasa, uning bag‘ri hasratdan qon bo‘lmaydi yoki bu dardning mohiyatini to‘laqonli his etmaydi. Ko‘rinadiki, mazkur qit’a tasavvufiy mazmunda bo‘lib, orif shoir sulukning Yaratgan vasliga erishishi yo‘lida unga yo‘lboshlovchi, ya’ni piri komil va o‘zidagi bunga rag‘bat, tavfiq bo‘lishi ham talab etilishi xususida fikr yuritilgan. Ya’ni mutasavvuf shoir sulukning Alloh ishqi vasliga musharraf bo‘lishi yo‘lida chekishi lozim bo‘lgan mashaqqatlar va munosib yo‘lboshchi zarurati xususida fikr yuritmoqda.

Haq zotig‘a biravki, xirad birla fikr etar,
Otin el ichra oqilu farzona aylabon.
Miqdorini tengiz suyining istar anglamoq,
Lekin hubob jomini paymona aylabon[1].

Ushbu qit’aning mazmuni quyidagicha: Tangri zotining haqiqatida aql lol va nodon, oqillar esa bemajolu hayrondi. Kimki odamlar ichida o‘zini oqil va dono ko‘rsatib Tangrining zoti haqida aql bilan fikr qilmoqchi bo‘lsa, u go‘yo qo‘liga pufakdan jom olib, dengiz suvining miqdorini bilmoqchi bo‘lgan kishiga o‘xshaydi. Yo‘ldin ozdi har mulozimdinki, g‘aflat aylading,

Budur oyin gar gadolig‘dur ishing, gar shohlig‘.
Urkudar eldekki chiqti kecha yo‘ldin markabi,

[1] https://kh-davron.uz/iiod/maqolalar/alisher-navoiv-qitalar-xurshid-davron-sharh.html

Ko‘z yumub ochquncha chunkim qilmadi ogohlig‘.
Olam ahlida mulozimlar erur hayvon kebi,
Qaysi g‘aflat anglag‘och zohir qilur berohlig‘[1].

Ushbu qit’aning mazmuni quyidagicha: Fahmsiz mulozimlar g‘aflati va ular bilan biror ish qilmoqning mashaqqati haqida Mulozimlaringdan g‘aflatda bo‘lsang, bexabar qolsang, ular yo‘ldan ozadi. Bu borada gado bo‘lsang ham, shoh bo‘lsang ham farqi yo‘q, baribir shunday bo‘ladi. Mudrab qolgan elning ulovi kechasi adashib ketganidek, ular ham ko‘z yumib ochguncha ogoh bo‘lmasang, tezda yo‘ldan chiqadilar. Xojasining g‘aflatini anglagach, beboshlik qiladigan mulozimlar bu olamda ayni hayvon kabidirlar. Ya’ni, insonlar fahmsiz mulozimlar g‘aflatida va alar bila maosh o‘tkarmak mehnatida.

Ko‘rsang, ey zohid, muqomirvash qalandarpeshaye,
Bo‘lma ko‘p mashg‘ulu dunyo shug‘lidin qil ijtinob.
Dona o‘ynab vajhin isor etsang, andin yaxshikim,
Evurub tasbihu yormoq sudin etgaysen hisob.

Ya’ni ma’nosiga ko‘ra, qalandarlikni odat qilgan qimorboz tabiatli ey zohid, bu dunyo ishlari bilan ko‘p shug‘ullanmay ulardan chetlash, dona o‘ynab, Yaratganga o‘z hurmatini izhor etsang, tasbih o‘girib, oltin foydasiga ega bo‘lasan. Ya’ni o‘zining sidqidildan qilgan toat-ibodati orqali Yaratganning cheksiz marhamatiga ega bo‘ladi.

Poklar joni bo‘lur ozurda tazvir ashkidin,
Ko‘zgu ruxsori nechukkim zang tutqay nam bila
Rostlar ko‘nglini aylar tiyra nodon yovadin,
Sham’ni ul nav’kim johil o‘churg‘ay dam bila.

[1] https://kh-davron.uz/iiod/maqolalar/alisher-navoiv-qitalar-xurshid-davron-sharh.html

Ya’ni ko‘zguning yuzi namlik tufayli xira tortganidek, halol kishilarning joni yolg‘on ko‘zyoshlaridan ozor chekadi. Shamni johillar o‘z nafaslari bilan o‘chirgan kabi to‘g‘ri kishilarning ko‘ngli yolg‘on so‘zlardan xira tortadi, dili xufton bo‘ladi. Bunda Navoiy hazratlari husni t’alil san’atidan unumli foydalanib, halol kishilar va rostgo‘ylarning aldangan, firiblangan holatlarini asoslab ko‘rsatadi. Halol kishilar qalbi ozorlanishini ko‘zguning suv bug‘i tufayli xira bo‘lishi kabi hayotiy asosdan foydalangan bo‘lsa, rostgo‘ylar qalbi ozorlanishi holati uchun shamning hohil kishilar tomonidan puflab o‘chirilishi holatini asos sifatida keltirib o‘tadi.

Umuman, Navoiy qit’alarida ijtimoiy hayot muammolari, axloq masalalari, insoniylik, ilmsizlikni qoralash va boshqa jihatlar o‘z ifodasini topgan. Umuman, qit’alarda hayot muammolari va ijodkorlarning ma’naviy-axloqiy qarashlariaks ettirilgan. Qit’alarning boshqa janrlardan farqi ham uning mavzu tanlamasligi va erkin ifoda etilishida ko‘rinadi. Uning qofiyalanish tartibining matla’siz g‘azalni eslatishi ham bu janrda ijod qilishga turtki beruvchi omillardandir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ibrohim Haqqul. Qit’a va g‘azal munosabatiga doir Узбек тили ва адабиёти, 1978 йил 6-сон.
2. https://cyberleninka.ru/search?q=Irodaxon%20Toshkenboyeva&page=1
3. https: //kh-davron. uz/ijod/maqolalar/alisher-navoiy-qit’alar-xurshid-davron-sharh.htmlhttp

SAID AHMADNING ISTIQLOL DAVRI HIKOYALARIDA OBRAZLAR TALQINI

Turdiyeva Maxliyoxon Shavkat qizi
Sirdaryo viloyati Guliston shahar
Guliston davlat universiteti 2-bosqich magistranti

Annotatsiya: Mazkur maqolada Said Ahmadning obraz yaratish mahorati, “Qorako‘z majnun” to‘plami va undan o‘rin olgan hikoyalar tahlillariga doir ma’lumotlar berilgan. Shuningdek, maqolada ijodkorning hikoyalariga tanlagan mavzular ko‘lami, ularning dolzarbligi va qo‘yilgan muammolarning nechog‘lik ahamiyatli ekanligi haqida fikr yuritilgan. Ushbu maqolada yozuvchi ijodi va uning hikoyachilikdagi mahorati ilmiy tahlillar asosida yoritilgan.

Kalit so‘zlar: badiiylik, hikoya, obraz, syujet, epigraf, maqol va matallar, xarakter, muammoli vaziyat, kichik epik janr, kompozitsiya, monolog, dialog, tush tasviri, badiiy detal.

Abstract: This article provides information about Said Ahmed’s image creation skills, the collection “Korakoz Majnun” and the analysis of stories from it. Also, the article discusses the scope of the themes chosen by the author for his stories, their relevance, and the significance of the issues raised. This article highlights the writer’s creativity and his storytelling skills based on scientific analysis.

Keywords: art, story, image, plot, epigraph, proverbs and proverbs, character, problematic situation, small epic genre, composition, monologue, dialogue, dream image, artistic detail.

Badiiylik san’atning ham joni, ham ruhi ekan, uni yuzaga keltiruvchi asosiy vositalardan biri badiiy obrazlardir va u adabiyotshunoslik fanining markaziy muammosi sanaladi.

Chunki adabiyotshunoslik ilmida “obraz” deganda inson ongida in’ikos etilgan voqea- hodisalargina emas, balki shu bilan birga so‘z vositasida san’atkor tomonidan anglangan, qayta ishlangan (bichib to‘qilgan) va tasvirlangan hayot tushuniladi. “Unda hech bir tasodifiy va ortiqcha narsa yo‘q. Hamma qismlar butunga buysungan, hammasi bitta maqsadga yo‘naltirilgan, hammasi birlikda bitta go‘zallik, yaxlitlik, individuallikni maydonga keltiradi”. [V.G.Belinskiy. Adabiy orzular. –T., G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1977. 101-bet]

Aslida “obraz” slavyan tillariga xos so‘z bo‘lib, u voqea-hodisalarning hayolda namoyon bo‘ladigan manzarasini bildiradi. Slavyanlar “obraz” deganda, avvalo, odamzotni azob-uqubatlardan saqlab qolish uchun Alloh tomonidan yuborilgan lisus Xristos (Iso payg‘ambar)ning rassomlar, haykaltaroshlar tasvirlagan qiyofasini tushunishgan.

Yuqoridagi fikrlarni jamlasak, bitta xulosa kelib chiqadi: adabiyotga hayotning hamma (inson, narsa, buyum, hayvon, hodisa, predmet, o‘simlik; ko‘chma ma’nodagi so‘zlar, iboralar, leksik resurslar; ifoda tasvir vositalari mubolag‘a, kichraytirish, o‘xshatish, omonim, sinonim antonimlar, anafora, epifora, asindenton va sh. k.) unsurlari kirar ekan, kirganda ham san’atkor ongi va qalbida jilolanib, boyib, kattalashib, eng muhimi insonlashib va birbutunlik kasb etib muhrlanar ekan – ularning barchasini obraz deb yuritish qonuniyatdir.

Said Ahmadda o‘zbek tilidan foydalanishda o‘zigagina xos bo‘lgan uslub bor. So‘zni topib aytish, o‘rinli qo‘llash, kesatish, kinoya qilish, o‘xshatish kabilar adibning muvaffaqiyatini ta’minlab bergan bo‘lsa, ajab emas, bu kabi ijodkorlar tilni e’zozlagani, boyitgani, so‘zlarning qo‘llanilish davomiyligini uzaytirgani, el orasida mashhur qilgani uchun til ham Said Ahmadni xalq orasida qadrli qildi. Televizion minatyuralar uchun yozgan hajviyalaridan tortib katta hajmli asarlarigacha so‘zdan samarali foydalanilganini ko‘rish mumkin.

Adib istiqlol yillarida hikoya janrining yetuk namunalarini yaratdi. “Ot bilan suhbat”, “Qora ko‘z majnun”, “Azroil o‘tgan yo‘llarda”, “Sarob”, “Borsa kelmas darvozasi”, “Rostgo‘y posbon”, “Taqdir, taqdir, buncha shafqatsizsan?”, “Uchinchi minora”, “Oftob oyim”, “Azob”, “Buqalamun bilan uchrashuv” kabi hikoyalar shular jumlasidandir. Bu hikoyalar vatanimiz adabiy-madaniy hayotida ham jiddiy hodisa bo‘ldi.

Mustaqillik yillarida Said Ahmadning “Qorako‘z majnun”, “Kiprikda qolgan tong” to‘plamlari nashr etildi. Ushbu to‘plamdan joy olgan hikoyalar yozuvchigagina xos bo‘lgan xususiyatlarni jo etgani bilan xarakterlidir.

Ma’lumki, Said Ahmad ijodida badiiy adabiyotning azaliy muammosi avlodlar silsilasi, otalar va bolalar muammosi, ijtimoiy ruh alohida o‘rin tutadi. Adibning keyingi hikoyalarida Ijtimoiy ruh yanada keskin va yorqin bir tarzda namoyon bo‘lgan. “Qorako‘z majnun”, “Sarob”, “Azroil o‘tgan yo‘llarda” hikoyalarida ona va farzand, ota va o‘g‘lonlar o‘rtasidagi keskin munosabatlar ildizi asr fojiasi, mustabid tuzum siyosati, mafkurasi, axloqiy aqidalarga borib tutashadi, jamiki ko‘rguliklar, fojialar mash’um siyosatning mudhish oqibati tarzida ko‘rsatiladi. Har bir yozuvchi asarlariga e’tibor qaratganda u yaratgan ijod namunalari o‘sha yozuvchining o‘ziga xos tomonlarini, uslubini belgilab beradi. Said Ahmad hikoyalarining o‘ziga xos tomoni esa muhim xayotiy masalalarni hajman kichik bo‘lgan hikoyaga moslab kirita olishi bilan xarakterlanadi.

Adib hikoyalarini yaratishda tildan g‘oyat ustalik bilan foydalanadi. Xalq tilida uchraydigan maqol va matallar, ibratli so‘z va naqllar bilan birga har xil qochirim, tag ma’noli so‘zlarni ham qo‘llaydi. Bular, albatta, obrazlar xarakterini ochishga va hikoyani jonli bo‘lishiga sabab bo‘ladi. Said Ahmad hikoyalarining syujeti qiziqarli va hayoti haqiqatga asoslanganligini uning “Sarob”, “Azroil o‘tgan yo‘llarda”, “Borsa kelmas darvozasi” va shu kabi hikoyalarida ham ko‘ramiz. “Azroil o‘tgan yo‘llarda” hikoyasi syu-

jetidan o‘rin olgan lavhalar kitobxon ruhiyatini larzaga solmay qo‘ymaydi. Adib bunda badiiy to‘qima va hayot haqiqatini shu darajada bir- biriga omuhtalashtirib yuboradiki, natijada, hikoya badiiy jihatdan yetuk asar xususiyatini oldi. Bunday tasvir usuli esa Said Ahmadning badiiy mahoratini ko‘rsatib beradi. Said Ahmad hikoyalari fikrning aniqligi, syujetning qiziqarliligi, uslubning ravonligi, tilning pishiq va obrazliligi bilan o‘quvchilarga g‘oyat manzur bo‘lgan. Yozuvchi birgina 1999-yilda 15 tacha hikoya va ocherk yaratgan. Bular haqida fikr yuritib adibning o‘zi: “Mening o‘ylashimcha va ko‘plab gazetxonlar fikricha, ushbu hikoyalar so‘ngi yillarda yaratilgan eng yaxshi hikoyalar turkumi bo‘ldi”, - deb yozgan edi. Yozuvchi hikoyalarida mavzu tanlashda, avvalo, hayotiy haqiqatlarga, boshdan o‘tkazganlariga tayangan.

Mutaqillik yillarida yaratilgan hikoyalari xususida fikr yuritar ekanmiz, 2001-yilda nashrdan chiqqan “Qorako‘z majnun” nomli hikoyalar to‘plami diqqatga sazovordir.

Kuzatadigan bo‘lsak, Said Ahmadning mustaqillik yillaridagi hikoyachiligining mavzu ko‘lami ko‘proq xotiralar va sho‘rolar davridagi illatlarni ochib tashlashga qaratiladi.

Adabiyot nazariyasidan ma’lumki, hikoyada obrazlar roman yoki qissadagidek ko‘p bo‘lmaydi. Asar g‘oyasini ham ochishda obrazlar salmoqli vazifa bajaradi. Said Ahmadning “Sarob” hikoyasida voqealar bosh obraz tilidan hikoya qilinadi. Bunda Kimsanboy, Olimjon domla kabi obrazlar mavjud. Asar g‘oyasining ochilishida ham Kimsanboy va uning otasi Olimjon domla asosiy yuk tashiydi. Yozuvchi bu obrazlarning xarakter xususiyatlarini ochishda badiiy til vositalaridan, monolog, dialog, tush tasviri va badiiy detaldan unumli foydalangan. Masalan, Kimsanboyning amalparast, shuhratparast ekanligini ko‘rsatish uchun yozuvchi asarda Manzurov obrazini olib kiradi. Kimsanboy obrazi o‘zining salbiy xususiyatlari bilan birga namoyon bo‘lsa-da, hikoya so‘ngida u ko‘ksida chizdirgan Stalin rasmidan qutilishni so‘raydi. Ya’ni

biroz bo‘lsa-da xato qilganini tushunib yetadi. Lekin u baribir niyatiga yeta olmaydi. Chunki uni otasi qarg‘agan, oq qilgan.

Olimjon domla esa iymonli-e’tiqodli, ma’rifatli inson sifatida ko‘z o‘ngimizda gavdalanadi. Bu obraz o‘zining xudojo‘yligi, e’tiqodining yuksakligi bilan ajralib turadi. Hikoyadagi obrazlar o‘zining xarakter xususiyatlari to‘la ochilganligi bilan ahamiyatlidir. Yozuvchi Kimsanboyning ayanchli ahvolini ko‘rsatish uchun uning lagerdan kelgandagi portretini chizadi. “Kimsanboy lagerning o‘zida -“zona”da qoldirildi. Chunki uning o‘ng qo‘li sinib bitib qolgan. Yurganda boshi u yoq-bu yoqaqa og‘ib ketaveradi. Ko‘zi ham xiralashgan. Oldida turgan odam tuman orasidan ko‘rinayotganga o‘xshayveradi. Lekin eshitish qobiliyati juda kuchli”. [Said Ahmad. Qorako‘z majnun. – T.: 2001,19-bet.] Ya’ni unga ota qarg‘ishi tekkan.

“Sarob” hikoyasi mavzusi asar epigrafidayoq o‘z mohiyatini ko‘rsatadi. Ya’ni hikoya epigrafi qilib “Ota qarg‘ishi misoli o‘q-u oxiratda emas, shu dunyoning o‘zida nishonga tegadi” jumlasi olinadi. Hikoyada fojeiy voqea-o‘g‘il bilan ota orasidagi mudhish munosabatlar bu yorug‘ dunyoning naq do‘zaxi ichida-mustabid tuzum qurbonlari-mahbuslar jam bo‘lgan Jezqazg‘an lagerlaridan birida o‘z intihosiga yetadi. Mustabid tuzumning millatga qarshi qaratilgan riyokorona kurash usulini qarangki, ular ota ustidan kerakli ma’lumot yig‘ish uchun norasida o‘g‘londan zamon qahramoni Pavlik Morozov izdoshi yasab, millatparvar ziyoli otaga qarshi kurashga soladilar. Shu tariqa otani xalq dushmaniga chiqarib qamoqqa olishadi, uning o‘g‘loni esa qahramonga aylanib, shon-shuhratga burkanadi. Taqdiri azalning hukmi, totalitar rejim o‘yini oqibatini qarangki, provardida “Dushman” ota va “Vatanparvar” o‘g‘il lagerda yuzma-yuz keladilar. Ko‘rguliklar, jabr-zulmlar tufayli ota yurak oldirib qo‘ygan bo‘lsa-da, u iymon-e’tiqodiga, vijdoniga gard yuqturmagan. Chehrasidan o‘sha samimiyat, yoqimtoylik, donolik barq urib turibdi. O‘g‘lon

esa nogiron, ayanchli telba bir qiyofada. Lagerda ham bolalikda orttirgan hunari-sotqinlikni davom ettiradi. U otasini tanimaydi, taniy olmaydi. O‘g‘lini bu holatda ko‘rish - ota uchun naqadar og‘ir! Bundan-da dahshatlisi o‘g‘il ota ko‘zi oldida ming azob bilan jon taslim qiladi, janozasiz bekafan ko‘miladi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, Said Ahmad butun ijodi davomida xalq ruhiga sodiq qoldi, uning namunalarida mujassamlashgan xalq qalbini, tabiatini, zukkoligi va donoligini, samimiy kulgusini o‘z asarlariga ko‘chirishga intildi. Xalq ijodiga bunday munosabat yozuvchi asarlariga, qolaversa, kulgisiga teran xalqchillik baxsh etdi, noyob va kutilmagan obrazlar yaratishga, dono hikmatlarni eslatuvchi ma’nodor iboralar qo‘llashiga keng yo‘l ochib berdi. Said Ahmadning mustaqillik davridagi ijodi sermahsul bo‘ldi. Ayniqsa, yozuvchining bu davrda yozgan hikoyalari o‘zining badiiy-estetik yetukligi bilan ajralib turadi. Hayotning eng muhim, muammoli vaziyatlarini, o‘tmishning inson ruhiyatiga ta’sir qilgan momentlarini kichik epik janrga, hikoyaga badiiy akslantirishda Said Ahmad mahorati ko‘zga tashlangan. Yozuvchining har bir hikoyasi badiiy mustahkamligi bilan adabiyotshunoslar e’tiborini ham o‘ziga jalb etdi. Undagi tasvir uslubi, badiiy tilning betakrorligi, obrazlar yorqinligi yozuvchi mahoratidan darak bergan. Yozuvchining hikoyalaridagi obrazlar o‘zining yorqin va qiziqarli xarakter xususiyatlari bilan o‘quvchida katta taassurot qoldiradi. Dolzarb mavzularni asar kompozitsiyasiga singishi ham hikoyalarning badiiy mustahkamligini belgilagan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Belinskiy V.G. Adabiy orzular. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti, 1977. 101-bet.
2. Normatov U. Said Ahmad (Adabiy portret). – T., 1971.
3. G‘afurov I. Prozaning shoiri. – T., 1984.

4. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – T.: O‘zbekiston, 2002.
5. N.Shukurov va boshqalar. Adabiyotshunoslikka kirish. – T.: O‘qituvchi, 1979.
6. Said Ahmad. Qorako‘z majnun. – T.: O‘zbekiston, 2001.
7. Said Ahmad. Yo‘qotganlarim va topganlarim. – T.: Sharq, 1998.
9. s://uz.wikipedia.org/wiki/Qit%CA%BCa (lirik janr)

‘‘OSHIQ’’ TURKUM DOSTONLARI: ‘‘ASIL VA KARAM’’ DOSTONIDAGI OBRAZLAR TALQINI

Soatova Shahnozabonu Farhod qizi
Guliston davlat universiteti
Adabiyotshunoslik yo‘nalishi
1-kurs magistranti.

Annotatsiya: Ushbu maqolada Xorazm folklorining go‘zal namunasi hisoblangan ‘‘Oshiqnoma’’ turkum dostoniga mansub ‘‘Asil va Karam’’ dostonidagi obrazlar talqini va tahlili yoritildi. Maqolada dostonning xivalik shoira va xalfa Xonim suvchi tomonidan kuylangan variant asos qilib olinadi.Maqolaning dolzarbligi, oshiq obrazining xalq eposidagi quvvati, fojiaviylikning xalq dostonlaridagi talqini va doston obrazlarining boshqa eposlarda uchramaydigan o‘ziga xos farqli jihatlarini yoritib berishdir.

Kalit so‘zlar: ‘‘Asil va Karam’’ dostonining o‘rganish masalalari, fojiaviylikning dostondagi ahamiyati,romantik dostonlarning o‘ziga xos xususiyatlari, obrazlar parallelizmi.

Abstract: This article describes the interpretation and analysis of the characters in the ‘‘Asil and Karam’’, which is considered a beautiful example of Khorezm folklore, belonging to the ‘‘Ashiqnama’’ series.The article based on the version of the epic sung by poetess from Khiva.The revelance of the article is that the power of the image of the lover in the folk epic is the interpretation of the tragedy in the folk epics and the unique aspects of the epic characters that are not found in other epics.

Keywords: Research issues of ‘‘Asil and Karam’’ epic, the importance of tragedy in the epic,special features of romantic epics, parallelism of characters.

O‘zbek xalq dostonlari juda uzoq tarixiy taraqqiyot bosqichlarini bosib o‘tgan bo‘lib,o‘tgan asrda yozib olingan dostonlargina bu janrning ko‘p davrlar osha xalq baxshilari va hofizalarida og‘zaki ravishda muayyan o‘zgarishlar bilan bizgacha yetib kelganligidan dalolat beradi.O‘zbek baxshilari va hofizalari orasida keng tarqalgan ko‘pchilik turkman va ozarbayjon dostonlari O‘zbekiston hududiga bevosita Xorazm orqali o‘tgan. ‘‘Xorazmda tarqalgan dostonlarning barchasi ham ozarbayjon va turkman folkloriga aloqador emas.Aloqadorlari ham o‘zbek baxshilarining kattagina ijodiy qayta ishlashlari asosida ommalashgan.Shu bilan birga, Xorazmning o‘zida ham ko‘plab epik asarlar yuzaga kelgan va ularning eng yaxshilari o‘z navbatida boshqa xalqlar folklori xazinasidan mustahkam o‘rin egallagan.Jumladan,‘‘Oshiq G‘arib va Shohsanam’’,’’Asil va Karam’’ dostonlarining Ozarbayjon folkloridan,’’Go‘ro‘g‘li turkum dostonlari’’ ning esa turkman folkloridan kirib kelganligiga shubha bildirish qiyin.Ammo,’’Yusuf va Ahmad’’,’’Shahriyor’’,’’Oshiq G‘arib va Hilol pari’’kabi dostonlar Xorazmning o‘zida yaratilgan deb aytishga yetarli dalillar keltirish mumkin’’(Ro‘zimboyev.S 1987) vohasida juda keng tarqalgan epik asarlardan biri ‘‘Asil va Karam’’ dostoni bo‘lib, u ko‘proq xalfalar repertuarida ommalashgan. 1930-yil folklorshunos olim Hodi Zarif tomonidan Xivada Xonim suvchi laqabi bilan mashhur bo‘lgan xalfadan yozib olingan.

Sof ishqiy-romantik doston bo‘lmish ‘‘Asil va Karam’’ dostoni boshqa dostonlardan o‘zining mavzu ko‘lami va mohiyati, voqealar rivoji va yakunidagi fojiaviylik bilan ajralib turadi.Doston markazida diniy tafovutlarni rad etish, bosh qahramonning yorini izlash yo‘lidagi turli qiyinchiliklarga duch kelishi va chekinmasligi, tilsimli to‘n va Karamning yonib kul bo‘lishi, sabr-matonatli ayol obrazi turadi.Dostonda tilga olingan Asil va Karam obrazlari boshqa romantik ruhda yozilgan doston qahramonlaridan o‘zining tavsifi jihatidan farq qiladi.Ya’ni asarda Muhammadjonning (Karam) ham, Nargisjonning (Asilxon) ham jis-

moniy kuchi, go‘zalligi yoki aqliy zakovatiga to‘xtalib o‘tilmaydi. Asar qahramonlari kuch-quvvatda tengsiz bahodir yoinki go‘zalligi bilan jahonga mashhur ma’shuqa sifatida emas, balki oddiy inson sifatida tasvirlanadi.Qahramonlarning maqsaddan qaytmasligi va ishq yo‘lida har qanday sinovni yengib o‘tishlari doston syujetida birma bir yoritilib boriladi.Ayniqsa, Asilxon obrazi boshqa dostonlardagi ayollar (xususan, Xolbeka va Barchinoy) singari o‘z qat’iyati va so‘zidan qaytmasligi bilan ajralib turadi. Bu holat dostondagi quyidagi holatlar orqali juda o‘rinli yoritib beriladi:

Yigit*: Qarshim olib turg‘an yoqa dugmali*
Yubar kelsin tarlonimni Asil yor,
Yo san musulmon bo‘l, yo man armani
Yubar kelsin tarlonimni Asil yor.

Qiz*: Uzoq yo‘ldin kelgan ola ko‘z Karam*
Karamjonim tarloningni kelib ol,
Agar san kelmasang qoning to‘karman
Karam o‘g‘lon tarloningni kelib ol.

Ko‘plab folklor asarlarida 14 yosh balog‘at yoshi deb qaraladi. Bu yoshda doston qahramonlari o‘z yorini tanlab yoki uni izlab safarga otlanadi. Ammo, ‘‘Asil va Karam’’ dostonida qahramonlar 7 yoshida kamolga yetib, bir-birlari bilan uchrashadilar. Ikki qahramon boshqa-boshqa din vakili ekanligi va Asilxonning otasi bo‘lmish Qoramalik Armani tomonidan bildirilgan qarshilik doston qahramonlarimimg yo‘lidagi asosiy g‘ov bo‘lib xizmat qiladi.

Ishqiy-romantik dostonlarning asosiy motivi ma’shuqa go‘zalligi, oshiq iztiroblarini aks ettirishga yo‘naltirilgan bo‘lib bunda oshiq va ma’shuqa maqsadlariga erishish yo‘lida teng ravishda harakat qilishadi. Ushbu dostonda esa oshiqlarning bir ma-

qsad yo‘lida amalga oshirgan harakatlari parallel ravishda emas, balki ketma-ket ochib beriladi.Asar bosh qahramoni Karamning yorini izlab 7 yil chekkan azoblari va har qanday sinovga bardosh berishi bilan bog‘liq voqealar asardagi asosiy syujetni tashkil etgan bo‘lib, bundan tashqari qahramonning o‘limni tik qabul qilishi va shu maqsadda payg‘ambarni tilga olishi kabi sahnalari bilan alohida ajralib turadi:

Murodimg‘a yetib munda
Sevdig‘im so‘ngra o‘lsaydim
Ota-onamning diydorin
Ko‘ribam so‘ngra o‘lsaydim
Yorim ko‘rmadim vafoni
Surmadim zavq-u safoni
Ul Muhammad Mustafoni
Ko‘ribam so‘ngra o‘lsaydim.

Asar syujeti davomida bosh qahramon Karamning ruhiy iztiroblari, jonivorlar bilan so‘zlashuvi,tog‘larni zabt etishi bosh planga olib chiqilsada yakunda qahramon yonib kul bo‘lgach Asilxonning chin iztiroblari: bir gumbaz ostida umrining oxirigacha toki ko‘zlari ojiz bo‘lgunicha toat-ibodat qilishi va hazrati Ali bilan yuzlashgach ham undan Karamning visolini tilashi mahurat bilan ochib berilgan:

Falakning ishina yo‘qdur e’tibor
Man g‘aribman bu o‘lkada kimim bor
Sig‘indim man siza yaratgan jabbor
Pirim sizdin Karamjonni tilarman

Xulosa qilib aytganda, Karam butun doston davomida aql-farosat, chidamlilik, va o‘z muhabbati uchun kurashdan tolmaydigan qahramon sifatida namoyon bo‘lgan. Asilxon obrazi

esa, romantik eposlardagi ayollar singari tengsiz go‘zallik timsoli yoki pari sifatida emas, oddiy ayol sifatida reallikka asos bo‘la oladigan holda namoyon bo‘ladi. Asilxon timsoli qalban sevimli yordan chin sabr timsoligacha bo‘lgan mashaqqatli yo‘lni bosib o‘tgan ayol bo‘lib gavdalanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Eshonqul.J. Folklor.Obraz va talqin.Qarshi. ‘‘Nasaf’’nashriyoti.1999.

2. Eshchonova.G. ‘‘Asil va Karam’’ dostonining kompozitsiyasi.// Xorazm folklori, VI tom. Urganch, ‘‘Universitet’’.2004.

3. ‘‘Oshiqnoma”, 8-kitob, Urganch, ‘‘Xorazm’’, 2019

4. Ro‘zimboyev.S. Xorazm dostonlari. -T.: ‘‘Fan’’, 1985

5. Ro‘zimboyev.S. ‘‘Oshiq’’ turkum dostonlarining g‘oyaviy-badiiy xususiyatlari.-Toshkent,1987.

MUHAMMAD YUSUF LIRIKASIDA ABDULLA QODIRIY OBRAZI TALQINI

Ravshanova Gulruh Yaxshiboy qizi
Toshkent amaliy fanlar universiteti, mustaqil tatqiqotchisi
(gulruhravshanova53@gmail.com)

Annotatsiya: Mazkur maqolada ijodkorning, Abdulla Qodiriy siymosi tasvirlangan “Ulug‘imsan, Vatanim”, “Laganbardorlar”, “Tushimga kiradi Qodiriy bobo” kabi she’rlari atroflicha tahlilga tortildi.

Kalit so‘zlar: Millatchi, Vatan, xalq, millat, jadidchilik, istiqlol, ma’rifat, laganbardor.

Anotatsion: This article looks at the poetics of the works of the creator, saturated with Abdulla Qadiri’s sarchashma. Poems such as “Ulugimsan, Watanim”, “Laganbardarlar”, “Grandfather Qadiri comes to my dreams” depicting the image of Qadiri were analyzed in detail.

Key words: Nationalist, Motherland, people, nation, modernism, independence, enlightenment, pioneer.

Insonlarning ma’naviy olamini kashf etadigan qudratli vosita bu albatta so‘z, ya’ni badiiy adabiyot hisoblanadi. Adabiyotni insonshunoslik, shoir va yozuvchilarni esa inson ruhining muhandislari deb ta’riflanishi bejizga emas. Ma’lumki, mamlakatimizda istiqlolning ilk kunlaridanoq matbuot va so‘z erkinligi, ijod erkinligi masalasiga alohida e’tibor berilmoqda. Bu tarixiy hodisa olimlar, shoir-u yozuvchilarga ko‘plab imkoniyat eshigini ochib berayotganiga bugun yaratilayotgan zamonaviy adabiy manbaalardan ham bilish mumkin. Bilamizki, tabiatda yaratilayotgan har bir ijod mahsuli albatta ijodkor olamida bi-

roz vaqt o‘z shakl va mohiyatiga ega bo‘lib shakllanadi, so‘ngra dunyoga keladi. Shoirmi, yozuvchimi ijodiy faoliyati jarayonida moziyga nigoh tashlab, millat ma’rifati uchun fidoyilik qilgan shaxslarni badiiy gavdalantirishga harakat qiladi. U yaratayotgan san’at asari ustida kunlar, oylar balki yillar davomida ish olib boradi, o‘rganadi, izlanadi, lozim topsagina qog‘ozga tushurib ommaga ma’lum qiladi. Bu kechinma har bir ijodkorning qalb to‘lg‘og‘i kabi og‘riqli o‘tishiga aminmiz. Shoir, Muhammad Yusuf lirikasidako‘plab san’atkorlar tarixiy shaxslar xususida betakror asarlar yaratilganiga guvoh bo‘lamiz. XX asr boshlari yangi o‘zbek she’riyati takomillashishiga ta’sir ko‘rsatib, o‘z ijodida uning asosiy tendensiyalarini mujassam etgan Muhammad Yusufning turkum to‘plamidagi she’rlarida ko‘plab tarixiy siymolar bilan birgalikda Abdulla Qodiriy fenomeniga alohida to‘xtamlarini ko‘rib chiqamiz.

Shoir Abdulla Qodiriy fenominiga to‘xtalar ekan qalbidagi asosiy va yagona maqsadi ijodkor nomini abadiylashtirish bo‘lsa, keying navbatda ijodkorning ayanchli va og‘ir kechgan umr yo‘li orqali xalqimizga, mustaqil hayotga qay nigoh ila qarashimiz lozimligini, hamda to‘kis hayot ne-ne azizlarimizning hayoti evaziga kelganligini, o‘ylab, fikr qilishga undamoqchi bo‘ladi.

Milliy uyg‘onish davri nafaqat adabiyot balki barcha ijtimoiy turmushning ko‘plab sohalarini qamrab olgan. Ilmga tashna, turkiy dunyoga chiroq tutgan, “Tilda, fikrda, ishda birlik” degan ezgu g‘oya bilan maydonga chiqqan taraqqiyparvarlar, “qora xalqni oqartirmoq va ko‘zini ochmoq” (Avloniy) ularning ertasi va kelajagini o‘ylab, jaholatdan olib chiquvchi yo‘lni, ta’limda, maktablarda, teatr va kutubxonalarda ko‘ra olgan jadid namoyondalari jamiyatni uyg‘otish, milliy mafkurani tiklash yo‘lida qudratli kuchga aylanib ulgurgan bir vaqtda ularni yakson qilishadi. Ularning ko‘plab say-harakatlari shafqatsizlarcha yo‘q qilinib, millatparvarlarimizga esa, “Millatchi” deb nom berishadi. Bu jarayon 20-yillarning oxirigacha davom etadi. Binobarin, tar-

ixga 1905-1929 yillar jadidchilik (milliy uyg‘onish) harakatining taraqqiyoti va tugatilish davri deb kiritilgan.[1] Jadidchilik harakatini boshlab bergan shaxslarning hayotini so‘ndirgan bo‘lsa-da, ular boshlab bergan maqsadli harakatni so‘ndirolmagan sho‘rolar, davrning ko‘plab ijodkorlari yaratgan asarlariga ham cheklov qo‘yib, qatag‘on ro‘yhatiga kiritishadi, ammo buning uddasidan chiqa olishmaydi. Istiqlol, mustaqillik tufayli ularning aziz nomlari zavol bilmay nafaqat asarlari balki mo‘tabar nomlari ham bugun avlodlar qalbidan joy olib, abadiyatga muhrlanmoqda.

Shoirning bir necha o‘nlab go‘zal va haroratli she’rlarini sinchiklab kuzatganimizda yaqqol ko‘zga tashlanadigan ayni mavzuda bitilgan she’rlari talayginaligini anglash qiyin bo‘lmaydi. Muhammad Yusufning Qodiriy siymosiga, uning asarlariga, xususan, “O‘tgan kunlar” romaniga, uning qahramonlari- Otabek, Kumush va Zaynabga murojaat tarzida yozgan she’rlari, ayniqsa, ko‘pchilikni asar qahramonlariga bitilgan she’rlar asosiy yo‘nalishni belgilaydi. “Ulug‘imsan, Vatanim”, “Laganbardorlar”, “Tushumga kiradi Qodiriy bobo”, “Muhabbat”, “Kundoshli uy”, “Yurtim ado bo‘lmas armonlaring bor”, “Sodda Muhammadman”, “Kinoga kirmayman”, “Zaynab qo‘shig‘i”, “Bibi”, “Otabek qo‘shig‘i”, “Toshkent”, “Tushumga kiradi Qodiriy bobo”(shoir bir nom bilan ikkita she’r bitgan) “Ona tilim” kabi she’rlarida bevosita yoki bilvosita Qodiriyning o‘ziga va asarlariga, ularning qahramonlariga murojaati bor bo‘lib, buning ma’nosi g‘oyat teranlarda ekanligi, ya’ni ikki ijodkor ruhining xalq ruhiyatiga yaqinligi bilan izohlanadi.[2] Umuman olganda, Qodiriydan keyin o‘zbek adabiyoti maydoniga kirgan ijodkorlarning deyarli hammasi bu ulug‘ yozuvchi siymosi va merosida bevosita yoki bilvosita ta’sirlangan deb aytish to‘g‘ri bo‘ladi. XX asr o zbek adabiyoti nazmi, nasri

[1] (Ҳаммуаллиф. Миллий уйгониш даври ўзбек адабиёти 3/4б Тошкент “Маънавият” 2004

[2] “Sharq yulduzi” jurnali, 2014 yil, 4-son “She’riyatimzda Qodiriy an’analari” maqolasi

dramaturgiyasiga munosib hissa qo ‘shganlar Behbudiy, Fitrat, Avloniy, , Cho‘lpon, Abdulla Qodiriylar nomi ham keying iavlod ijodkorlari tomonidan yodga olib, ehtirom ko‘rsatilishi tabii.

Davrda yaratilgan mashhur she’rlar, nafaqat o‘zining ma’no-mazmuni, balki yozilish shakl-shamoyili bilan ham xotiramizda tez va alohida belgilari bordek saqlanib qoladi. Muhammad Yusufning mashhur she’rlaridan biri, “Ulug‘imsan, Vatanim” she’ri ham xotiramizda tez saqlanib qolinadigan, ham tarixiy, boy manbaaga ega, ham sodda shakl-shamoyiliga ega asarlar sirasidan desak bo‘ladi.

Men dunyoni nima qildim,
O‘zing yorug‘ jahonim.
O‘zim xoqon,
O‘zim sulton,
Sen taxti Sulaymonim.
Yolg‘izim,
Yagonam deymi
Topingan koshonam deymi,
O‘zing mening ulug‘lardan
Ulug‘imsan Vatnanim.

(Muhammad Yusuf “Ulug‘imsan, Vatanim” 75-b)

She’r nomiga ahamiyat bering “Ulug‘imsan, Vatanim” – ham xitob, ham e’zoz, ham ardoqlash. Bu asar nafaqat shoirimizning balki butun o‘zbek xalqining faxr-iftixoriga, she’r orqali yaratilgan qo‘shiq esa san’atkorning tashrif qog‘oziga ham aylanib ulgurdi. Yurtimizda shonli g‘alabalar shukuhini tatiydigan damlarda albatta shu satrlar zamiriga yaralgan kuy sasi yangraydi. Bu jarayon yana bir bora shoir ijodi orqali Vatanga bo‘lgan mehr-muhabbatimiz oshib, yuksak faxr tuyg‘usi ila Ulug‘imsan, Vatanim kuyini ijro eta boshlaymiz. Afsuski, shoirning o‘zi bu ash’orini xalqning tilida qay tarzda jarang topayotganini eshit-

madi, yozganlaridan faxr tuyg‘usini his qilmadi. Mazkur asarning so‘zlarida butun tarix gavdalantiriladi. Vatan muhabbati kuchli iztirobli, alamli tuyg‘ular ila ifodalanadi. A.Qodiriy, Mashrab, Temur Malik kabi ko‘plab siymolar timsolida, ular yashab o‘tgan mash’um kunlarga nazar solinib, shu orqali ularning pok nomlari xotirlaniladi. Yuqorida keltirilgan qisqa satrdagi shoirning yozganlariga qarang. Shoir dunyoga umuman qiziqmagan deya yozganlardan o‘qiganlarimiz bor ammo shoirning o‘zi “To‘qqiz kunda Temur bosib olgan dunyo, Amirqosi Beruniydan qolgan dunyo, Sen islomdan iymon darsin o‘rgan dunyo” deb, yozganlaridan ham bilishimiz mumkinki, shoirga dunyo- tinchlik, osudalik, musaffo osmon uning ostida yashayotgan kichik oilasi va albatta islomdan olgan iymoni davlati, shon-ushavkati bo‘lgan.

Shoir asar davomida tarixni xotirlar ekan yurtini ozod, xalqini erkin ko‘rish uchun hayotning ko‘plab zarbalariga ro‘baro kelgan, Vatan obodligi va mustaqilligi uchun jonini nisor qilgan qahramonlarimiz, g‘urur va iftixor bilan yodga olinadi. Bosqinlarga taslim bo‘lmay kurashgan, Temur Malik, Arablarga qarshi kurashib o‘zini o‘tga tashlagan Muqanna, shonli g‘alabasi bilan bugun afsonaga aylangan Shiroqlarni tasvirlab, “Cho‘lig‘imsan Vatanim” -deya ta’kidlaydi. She’r o‘zi ifoda qilayotgan voqelikni shunchaki ifodalamaydi. Uning zamiridagi mavjud hodisalar inson qalbini titratib yuboradigan ichki mohiyatni, yashirin, esda qolarli va hayotiy obrazlar orqali aks ettiradi. XX asr boshidagi ba’zi xolatlar tasviri ham aks ettirilib, erkinlik va ozodlik uchun kurashgan bir guruh ziyolilar yodga olinadi. Aynan shu yo‘lda shahid ketgan Abdulla Qodiriyni alamli xotiralar bilan alohida ta’kidlab, yodga oladi. O‘z xalqini sotgan nokaslar va o‘sha mash’um kunlar nadomat ila xotirlanadi. Shoir, o‘tmishni eslar ekan, erk va faravonlik istab nobud bo‘lgan Qodiriydek, Behbudiydek, Usmon Nosirdek shaxslar haqida so‘zlamaslikni o‘ziga ep ko‘rmaydi. Shuningdek, ko‘plab she’rlarida bu timsollarning nomlarini bot-bot keltirib o‘tiladi. Shu tarzda ularni bergan zam-

inga va sotgan kimsalarga ham murojaat qiladi. Qodiriyni qo‘lini bog‘lab, dilini otashlarda dog‘lagan tarixni qoralaydi. Shunday mash’um davrda farzand dog‘ini, uning azobini ko‘rib turgan sho‘rlik onalar ham “bolam” deb, uning azobini ko‘ra turib “dod” deb chinqirolmaganiga, u davrdagi insonlarni kar, soqov va dudug‘ bo‘lib qolganligidan o‘kinib,

“O‘tgan kuning o‘tgan kundir,
O‘z boshinga yetgan kun,
Qodiriyni bergan zamin,
Qodiriyni sotgan kun.
Qo‘lin bog‘lab,
Dilin dog‘lab,
Yetaklashib ketgan kun,
Voh bolam! deb aytolmagan

Dudug‘imsan Vatanim”- deya afsus va nadomatlarini ifodalamoqchi bo‘ladi. Qo‘llari bog‘lanib, dillari dog‘lansa-da o‘zi boshlagan harakatlaridan ortga qaytishmay, o‘z hayotlarini xalqini ziyoli va ma’rifatli qilishga safarbar etgan, yurt ravnaqi va ma’naviyati uchun kurashgan, yurtning ma’rifatparvar, fidoyi farzandlari, shu sadoqati o‘laroq bugungi avlodlar qalbida, shoir va ijodkorlarning asarlari orqali ham mangulikka muhrlanadi. She’r so‘nggida chinor, osmon kabi timsollar keladiki, ularga alohida e’tibor qaratishni lozim topdik. Chinor ming yil umr ko‘radi. Bu daraxtning ildizlari mustahkam bo‘lar ekan, osmon qadar bo‘y cho‘zadi. Chinordagi quvvat, chinordagi viqor inson tuyg‘ulariga parallel keladi. Chinor yerda, tuproqda lekin uning bo‘yi osmonga yetishi uchun shu mustahkam zamindan to‘yinishi kerak bo‘ladi. Buning uchun esa yurtning har bir fuqarosi, millatning har bir o‘g‘loni shu zaminga bo‘lgan muhabbatini, mas’uliyatini his qilibgina qolmay, chinorlarni asrashi, bugun qo‘lga kiritilgan baxtini, saodatini avaylashi, boy merosini, millatini hech qachon

unutmasligi kerak bo‘ladi. Shundagina bu Vatanning osmoni tiniq, xalqi esa farog‘atni his qilib yashaydi.

Biz yuqoridagi fikrlarni ijodkor “Ulug‘imsan, Vatanim” she’ridagi ayrim satrlarini o‘rganibgina shunday xulosaga kelamiz, aslida ijodkor ham kitobxonlariga shu hisni yuqtirmoqchi bo‘lganiga aminmiz.

Muhammad Yusufning to‘plamdagi “Laganbardorlar” she’rida fosh qilish usuli bilan XX asr boshidagi siyosiy muhitga yana bir bor alohida e’tibor qaratganliga guvoh bo‘lamiz. Xususan, o‘sha davrda yonma-yon turganlar, kezi kelganda qo‘llab-quvvatlaganlar, qaysidir ma’noda so‘zi boshqa-yu, amali boshqa toifadagi insonlardan doim nafratlanganligini, buni ochiq-oydin asarlarida ham yoritganligiga guvoh bo‘lamiz. Shoir ijodiyotidagi bu to‘xtamlar orqali millatimizni ma’rifatli qilish yo‘lida, jonini fido qilgan, shahid ketgan qahramonlar ruhiga bo‘lgan yuksak ehtiromni ko‘rishimiz mumkin.

Ijodkor “Laganbardorlar” she’rida har bitta inson hayotini, millat bilan uyg‘un holda aks ettirib, undan o‘zga yo‘lga tushgan insonlarning esa, baxtsiz bo‘lishiga alohida urg‘u beradi. Shunday ongsizlik, ilmsizlik va manfaatparastlik natijasida, Vatan gullarini yulib, yo‘qotishga sabab bo‘lgan kimsalarni hech qanday pardalarsiz “laganbardorlar” deb ataydi.

Stalin kazzob deb, zorlanmang hadeb,
U ham farzandidir bitta insonnining.
Bilmoqchi bo‘lsangiz, qabri qayda deb,
Laganbardorlardan so‘rang Cho‘lponni.
Otabek Kumushni ko‘zlarin yopib,
O‘zi ham qilgach safarlar,
Qodiriy boboning qo‘llarin o‘pib,
Chohga itargan ham–laganbardorlar.

(Muhammad Yusuf “Ulug‘imsan, Vatanim” 88-b)

Shu o‘rinda “laganbardor” so‘ziga izoh kiritib ketishni joiz deb topdik. Laganbardor so‘zi o‘zbek tilining izohli lug‘atida quyidagicha ta’riflanadi. Laganbardor [lagan + f. رادرب – baland ko‘taruvchi; ko‘tarib, olib boruvchi] O‘z manfaati uchun mansabdor oldida o‘zini juda tuban tutib, unga xushomad qilishga tirishadigan pastkash odam; xushomadgo‘y. “Ha” desa, “labbay!” deydigan, so‘z qaytarmas, laganbardorlari uning parvoz qilishini ta’minlaydigan qanot bo‘lib ko‘rinadilar. O‘z manfaati uchun mansabdorlar oldida o‘zini juda tuban tutib, unga xushomad qilishga tirishadigan pastkash inson, ya’ni, bir so‘z bilan xushomadgo‘y shaxslar, nazarda tutiladi.[1] Afsuski, o‘zbek bo‘lib, millatning gullarini yo‘q qilishga yordam bergan, shu orqali yurt taraqqiyoti kalitiga bolta urgan kimsalarning nopok ishlari orqali buyuk mutaffakkir bobolarimiz, ular yaratgan uzun tarix, ilm-fan va adabiyotga qo‘shgan hissalari; qancha ilmli, ziyoli yigit-qizlar nobud bo‘lganligi bizga qorong‘u. Shu pafos bilan she’rning keyingi misralarida Sibir o‘rmonlarida umri zavol bo‘lgan xalqimizning sevimli farzandi, yosh shoirimiz, Usmon Nosir ham yodga olib o‘tiladi.

Kuzatishlarimizning so‘ngida shoirning tushi o‘laroq yaralgan, o‘kinch to‘la misralariga e’tiborimizni qaratdik. Ahmad Yuknakiyning “Qisqagina umr ko‘rib, uzoq yashab kelayotgan zotlarga qarang…” -degan epigrifi bilan boshlangan “Tushimga kiradi Qodiriy bobom” asari insonni chuqur mulohazaga tortadi. Haqiqatda bugun barcha sohalar kabi adabiyot olamida qisqa umr ko‘rgan ammo uzoq yashayotgan shaxslar ko‘pchilikni tashkil qiladi.

Tushimga kiradi Qodiriy bobom,
Bemador, bemajol, behol, beorom.
Egniga eski bir to‘n kiyib olgan,

[1] O’zbek tili izohli lug‘atining 3-jildi 9-b .G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyida chop etildi. 100128. Toshkent.

(Shineldir balki u, kimdandir qolgan). (Muhammad Yusuf “Alyorim qolur..” 44-b) Ijodkor qalbida Qodiriyga nisbatan chuqur iztirobi borki, bu iztirob shoirni tushlarida ham bezovta qilaveradi. Uning bemajol, horg‘in yuzlari shoirni behol qiladi. Egnidagi eski to‘ni sovuq o‘lkalardagi kabi, maxbuslar kiyadigan shinelga o‘xshatilayotgani, u to‘n ham qayerdandir kelgan, sovuqqotganidan yelkasiga ilingandek go‘yo, shu to‘n egnida poxol ham borday, adibning yuzlari esa oqargan, qorday, charaqlab turgan ko‘zlari mungli ekanligini ko‘rganday boshiga tushgan tashvishdan haligacha horg‘inligini his qilayotgan shoir hislarini she’r bandlariga mahorat ila hech qanday o‘xshatish va sitatalarsiz keltiradiki, kitobxon bevosita bu tasvirlarni, xuddi jonli ko‘rayotgandek, tarixning o‘sha mash’um kunlarini ko‘z oldiga gavdalantiradi.

Abdulla Qodiriydek xalqini, millatini ma’rifatli qilmoq uchun bor umrini fido qilgan buyuk zotlar, bugun oramizda yo‘q bo‘lsada ammo hayolimizda, amollarimizda doim yashab, ba’zi ixtiloflardan xabardor qilib turishda davom etib kelaveradi.

Muhammad Yusufning betakror, serqirra ijodkor, Abdulla Qodiriy va uning asarlariga murojaati bejiz emas, avvalombor dunyoqarashi, olamni badiiy-estetik qabul qilishida ba’zi chambarchas, mushtarak jihatlari ham movjud ekanligini ko‘rsatadi. Qolaversa, adiblarimiz aytganlaridek, Muhammad Yusuf she’riyati, Qodiriy sarchashmasidan to‘yinganligini ham alohida ta’kidlashimiz joizdir.

Muhammad Yusufning Ahmad Yuknakiyning “Qisqagina umr ko‘rib, uzoq yashab kelayotgan zotlarga qarang…” -degan fikriga yana bir bor to‘xtalsak. Biz yuqorida Muhammad Yusufning ayni ijod olamining gurkiragan davrlarida yaratgan asarlari asnosida Abdulla Qodiriyning siymosiga qisman bo‘lsa-da to‘xtaldik. Buni qarangki, bugun oramizda yo‘q ammo hamon yashab kelayotganlar ichida Muhammad Yusufning ham ismi qayd etilmoqda. Allohning inoyati. Shoir bir necha yillar davomida ko‘rgan tushu-

dan uyg‘onib, shu satrlarla she’rini boshlar ekan, o‘zining ham umri qisqagina ammo uzoq yashab kelayotgan zotlar qatoriga kirishini anglaganmikin? Bunisi bizga qorong‘u albatta. Shunisi aniqki, oramizda yo‘q bo‘lsa ham uzoq yillar mobaynida qalbimizning tub-tubida saqlanadigan aziz xotiralarimiz orasida har ikkala shaxsning ham siyrati albatta abadiy saqlanib qolaveradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. [Миллий уйгониш даври ўзбек адабиёти. T. 2004; 3/4]
2. [Muhammad Yusuf. “Ulug‘imsan,Vatanim”. T. 2012; 75/77]
3. [Muhammad Yusuf “Alyorim qolur”., T. 2019; 44]
4. [Ulug‘bek Hamdam “She’riyatimzda Qodiriy an’analari”., 2014; 4-son]
5. [Улуғов.Y. Қалб қандили. T. 2013].
6. [Rasulova. U. Hozirgi adabiy jarayon. T.,2023]
7. [Yangi O‘zbekiston gazetasi. T. 2023;12/12]

OMON MATJON SHE'RLARIDA OBRAZLILIK

Ro'zimova Nafisa Raximberganovna
Urganch davlat universiteti
mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: Omon Matjon - o'zbek adabiyotining yorqin namoyandalaridan biri bo'lib, uning ijodida obrazlilik muhim o'rin egallaydi. Omon Matjonning asarlarida ko'plab obrazlar orqali inson ruhiyatini, hayotning turli jabhalarini va milliy qadriyatlarni aks ettiradi. U o'z qahramonlarini nafaqat tashqi ko'rinishlari, balki ichki kechinmalari va hissiyotlari bilan ham jonlantiradi. Ushbu annotatsiyada Omon Matjon ijodidagi obrazlilikni chuqur tahlil qilish, uning asarlarida aks etgan obrazlar va ularning ma'nolari haqida mulohaza yuritiladi. Shuningdek, adibning uslubi va tasviriy vositalari yordamida yaratgan obrazlari orqali o'zbek adabiyotida qanday yangi nazariyalar paydo bo'lganligi ham ko'rib chiqiladi.

Kalit so'zlar: Omon Matjon, obrazlilik,leksik unsur,tasviriylik, ramz,metafora.

Abstract: Amon Matjon is one of the bright representatives of Uzbek literature, and imagery occupies an important place in his work. In the works of Amon Matjon, he reflects the human spirit, various aspects of life and national values through many images. He brings his characters to life not only with their appearance, but also with their inner experiences and emotions.

This annotation provides an in-depth analysis of imagery in the work of Amon Matjon, comments on the images and their meanings reflected in his works. It is also considered what new theories appeared in Uzbek literature through the writer's style and images created with the help of visual tools.

Keywords: Amon Matjon, imagery, lexical element, imagery, symbol, metaphor.

Omon Matjon o'zbek adabiyotiga o'tgan asrning 60-yillari oxiri va 70-yillari boshida kirib keldi. Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Rauf Parfi singari ijodkorlar bilan bir davrda ijod qildi. U ham proza, ham poeziyada birday qalam tebrata oladigan, o'zbek adabiyotida o'z o'rni va so'ziga ega bo'lgan ijodkor edi. Uning ijodida janrlar rang-barang va u adabiy turlarning barchasida ijod qildi. Omon Matjon ijodining manbalari va omillari xilma-xil. Otaxon adabiyotshunosimiz Ozod Sharafiddinov televideniyega bergan intervyusida Omon Matjon she'riyati haqida fikr bildirar ekan, uning ijodi ikki daryodan suv ichishini va u daryolarning biri xalq og'zaki ijodi daryosi bo'lsa, ikkinchishi o'zbek klassik (mumtoz) adabiyoti daryosi ekanligini ta'kidlab o'tadi. Bu so'zlarni aytganda olim haq edi. Omon Matjon ijodida xalq og'zaki ijodi na'munalariga murojaat ko'p uchraydi. Uning asarlarida Xorazm folkloriga mansub maqol, matal, rivoyat-u afsonalarga murojaat ko'p uchraydi. Xususan, shoir ijodida afsonalar alohida o'ringa ega. Bilamizki, afsonalar xalq og'zaki ijodining epik turiga mansub janr hisoblanadi. She'rlari 1965-yildan boshlab e'lon qilina boshlagan. Shoirning „Karvon qo'ng'irog'i" (1973), „Quyosh soati" (1974), „Yonayotgan daraxt" (1977), „Yarador chaqmoq" (1977), „Seni yaxshi ko'raman" (1981), „Daraxtlar va giyohlar" (1984), „O'rtamizda birgina olma" (1990), „Odamning soyasi quyoshga tushdi" (1991), „Qush yo'li" (1993), „Iymon yog'dusi" (1994), „Ardaxiva" (2000), „Xoja Ahror ziyoratlari" (2002) va boshqa she'riy asarlarida voqelikni nozik his etgan holda badiiy ifodalash, muayyan hodisadan favqulodda falsafiy xulosalar chiqarish, o'zi tug'ilib o'sgan muhit koloritiga mos ifodalar topish tamoyili ustuvorlik qiladi. Omon Matjon lirik she'rlar bilan birga lirik qissa va dramatik doston janrlarida ham ijod qilib, Xorazm xalq afsonalarining o'ziga xos badiiy talqini – „Haqqush

qichqirig‘i“ (40 afsona, 1979) she’rlar kitobini, istiqlol arafasidagi sho‘rolar mamlakati hayotining ziddiyatli manzaralari va jarohatlari tasviriga bag‘ishlangan „Gaplashadigan vaqtlar“ (1986) qissasini, shuningdek, o‘zbek xalqining Xorazmdan chiqqan buyuk siymolari haqidagi dramatik dostonlari („Pahlavon Mahmud“, 1975; „Beruniy“, 1977 va boshqalar) ni yaratgan. „Ming bir yog‘du“ (1982) asari Alisher Navoiy „Xamsa“si ta’sirida yozilgan. Omon Matjon bu asarlarida o‘tmishda yashab ijod qilgan o‘lmas siymolar hayoti va hozirgi davr muammolarini tasvirlashda liro-epik she’riyat imkoniyatlaridan mahorat bilan foydalangan. O‘zbek she’riyatiga Xorazm shevasiga xos leksik unsurlar va musiqiy ohanglarni olib kirgan, lirik she’riyatni epik she’riyat unsurlari bilan boyitgan.

“Obrazlilik” mavzusi Omon Matjon ijodida muhim o‘rin tutadi. Omon Matjon, o‘z she’riyatida, tasvir va obrazlar orqali inson ruhiyatini, tabiiy muhitni va ijtimoiy hayotni chuqur ifodalashga intiladi. Uning asarlarida obrazlar ko‘pincha oddiy hayot sahnalaridan kelib chiqadi, lekin ularni badiiy jihatdan boyitish orqali o‘quvchini bir necha qatlamli ma’no va his-tuyg‘ularni anglashga chorlaydi.

Omon Matjonning obrazlari ko‘pincha simbolik xarakterga ega bo‘lib, ular orasida tabiat, insoniy his-tuyg‘ular va ijtimoiy masalalar o‘zaro bog‘lanadi. U shuningdek, xalq og‘zaki ijodidan ilhomlanib, milliy an’analarni va qadriyatlarni badiiy asarlariga singdiradi. Shuning uchun uning ijodi nafaqat badiiy estetikani, balki millat ruhini ham aks ettiradi.

Omon Matchon – o’zbek adabiyotining yorqin namoyandalaridan biri bo’lib, uning asarlarida obrazlilik, ya’ni tasviriylik va ifoda boyligi muhim rol o’ynaydi. Uning ijodi o’quvchilar uchun nafaqat badiiy, balki ma’naviy qadriyatlarni ham o’z ichiga oladi. Bu maqolada Omon Matchon ijodidagi obrazlilikning asosiy jihatlari va uning san’atdagi ahamiyatini ko’rib chiqamiz.

1. Tasviriylik

Omon Matchon asarlarida tasvirlar kuchli va ta'sirchan. U tabiatni, inson his-tuyg'ularini va jamiyatdagi murakkab vaziyatlarni juda qisqa, lekin chuqur ifodalashga qodir. Masalan, uning qahramonlari ko'pincha tabiiy muhitning go'zalligi yoki qudrati bilan bog'lanadi, bu esa ularning ichki his-tuyg'ularini chuqur anglash imkonini beradi.

2. Ramzlar va metaforalar

Omon Matchon ijodida ramzlar va metaforalardan keng foydalanish kuzatiladi. U har bir obrazda bir necha ma'noni ochib berishi mumkin bo'lgan belgilarni ishlatadi. Masalan, suyuqlik yoki suv ramzi ko'pincha hayotning davomiyligini yoki yangilanish jarayonini ifodalaydi. Bu kabi usullar orqali u o'z fikrlarini yanada boyitadi.

3. Qahramonlarning ichki dunyosi

Omon Matchon asarlaridagi qahramonlar – bu faqat tashqi ko'rinishi bilan emas, balki ichki dunyosi bilan ham ajralib turadigan shaxslar. Ularning hissiyotlari va fikrlari juda chuqur tasvirlangan bo'lib, o'quvchini ularning muammolari bilan bog'laydi. Bu holat qahramonlarni hayotimizga yaqinlashtiradi va ularni haqiqiy inson sifatida ko'rishga yordam beradi.

4. Ijtimoiy mavzular

Omon Matchoning ijodida ijtimoiy mavzular doim yuqori o'rinda turadi. U zamonaviy O'zbekiston hayotiga oid muammolarni ochib berishda obrazlardan foydalanadi. Uning asarlarini o'qiyotganimizda biz jamiyatdagi nohaqliklar, adolat uchun kurashish kabi masalalarga duch kelamiz.

5. Xulosa

Omon Matchon ijodida obrazlilik – bu badiiyatning kuchli quroli hisoblanadi. U nafaqat estetik go'zallik yaratish balki ijtimoiy masalalarni yoritish orqali jamiyatimizga xizmat qiladi. Matchoning bunday obrazlari bizni fikrlashga, his qilishga va atrofimizdagi dunyoni yanada chuqurroq tushunishga undaydi.

Ushbu maqola orqali Omon Matchon ijodidagi obrazlilikning ahamiyatini ko‘rsatishga harakat qilindi, shuningdek uning san’atiga bo’lgan qiziqishni oshirish maqsad qilindi. Adabiyot orqali inson ruhining nozik tomonlarini anglash – bu har bir o‘quvchining vazifasi!

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. Matjon Omon. “Haqqush qichqirig’i”. T,. 1979. 13-bet.
2. Matjon Omon. “Ming bir yog’du”. T,. 1989. 11-bet
3. Matjon Omon. “Ardaxiva”. T,. 2000. 48-bet
4. Matjon Omon. “Ardaxiva”. T,. 2000. 41-bet
5. Matjon Omon. “Yonayotgan daraxt”. T,. 1977. 151-bet

5-SHO‘BA. ADABIY PUBLITSISTIKA VA TARJIMA MASALALARI

TARJIMA ASARLARNING JAHON ADABIYOTIGA TA'SIRI

Salimova Sevara Xidirbay qizi,
SamDChTI 2-kurs talabasi

Annotatsiya: tarjima asarlar dunyo madaniyatlaridan bahramand bo'lish va turli asarlarni mutolaa qilib inson dunyoqarashini kengaytirishi bilan jahon adabiyotining shakllanishida muhim rol o'ynaydi. Ushbu maqola tarjima adabiyotlarning madaniyatlararo vosita bo'lib xizmat qilishini o'rganadi, bu esa o'quvchilarga o'zlarining lingvistik va geografik chegaralaridan tashqarida istiqbollar bilan shug'ullanish imkonini beradi. Bunda tarjimaning adabiy tendentsiyalarga ta'siri o'rganiladi, tarjima qilingan romanlar qanday qilib yangi auditoriyaga o'ziga xos mavzular va uslublarni taqdim etishi, pirovardida jahon adabiy manzarasini boyitishini ta'kidlaydi.

Kalit so'zlar: madaniyatlar, adabiyotlar, lingvistik, Gabriel Garsia Markesning "Yolg'izlikning yuz yili" asari, "Gilgamish dostoni", uslubiy va hissiy ma'no, adabiy oqim va uslub, Buker mukofoti, nashriyot, janr.

Abstract: translated works play an important role in the formation of world literature by enjoying world cultures and broadening one's outlook by reading various works. This article explores how translated literature serves as an intercultural medium, allowing readers to engage with perspectives beyond their own linguistic and geographic boundaries. It explores the impact of translation on literary trends, highlighting how translated novels introduce new audiences to unique themes and styles, ultimately enriching the world's literary landscape.

Keywords: cultures, literatures, linguistics, One Hundred Years of Solitude by Gabriel García Márquez, The Epic of Gil-

gamesh, stylistic and emotional meaning, literary movement and style, Booker Prize, publishing, genre.

Tarjima madaniyatlar oʻrtasida gʻoyalar, hikoyalar va falsafa almashinish imkoniyatini beradi. Tarjima qilingan asarlar orqali oʻquvchilar oʻz dunyoqarashidan farq qiladigan nuqtayi nazarga ega boʻlib, oʻtmishda boʻlib oʻtgan voqaelarga har tomonlama toʻgʻri va aniq fikr bildirish qobiliyatini rivojlantiradilar. Masalan, Gabriel Garsia Markesning "Yolgʻizlikning yuz yili" kabi klassik asarlarning tarjimalari Lotin Amerikasi sehrli realizmini global auditoriyaga olib keldi, yozuvchilar va kitobxonlarga birdek kuchli ta'sir koʻrsatdi.

Tarjima adabiyotlar adabiy merosni asrab-avaylashda muhim rol oʻynaydi. Asarlar tarjima qilinganda koʻpincha turli madaniy kontekstlarda yangi hayot topadi. Bu asrab-avaylash nafaqat asarning oʻzi, balki unda singdirilgan qadriyatlar, tarix va an'analar uchun ham zarurdir. Masalan, "Gilgamish dostoni" kabi qadimiy adabiyotlarning tarjimasi zamonaviy oʻquvchilarga ilk sivilizatsiya hikoyalari bilan tanishish va ulardan saboq olish imkonini beradi.

Tarjimonlar koʻpincha matnlarning toʻgʻridan-toʻgʻri ma'nosini emas, balki ularning uslubiy va hissiy ma'nolarini ham yetkazishda qiyinchiliklarga duch kelishadi. Bunda asar yangi adabiy oqim va uslublarni keltirib chiqarishi mumkin, chunki tarjimonlar asarga oʻz tillarida innovatsion ifoda usullarini kiritadilar. Xaruki Murakami kabi mualliflar asarlarining tarjimalari surrealizm elementlarini kundalik realizm bilan aralashtirib, yapon va jahon adabiy uslublariga ta'sir koʻrsatdi.

Adabiyotlar tarjimasiga bozor dinamikasi ham ta'sir koʻrsatadi. Nashriyotlar tarjima qilingan asarlarning jahon bozoriga chiqish imkoniyatlarini tobora koʻproq tan olishmoqda. Natijada til chegarasidan tashqarida boʻlgan adabiyotga talab ortib bormoqda. Xalqaro Buker mukofoti kabi tarjima asarlarga bagʻishlangan adabiy mukofotlarning koʻpayishi bu tendentsi-

yani ta'kidlab, nafaqat mualliflar, balki tarjimonlarning o'zlarini ham targ'ib qilmoqda.

Ko'p afzalliklariga qaramay, tarjima qiyinchiliklardan xoli emas. Tilning nozik tomonlari noto'g'ri talqin qilinishiga, tarjimada madaniy kontekstlarning yo'qolishiga olib kelishi mumkin. Bundan tashqari, nashriyotning bozorga asoslangan tabiati ma'lum janrlar yoki uslublarga e'tibor qaratishga olib kelishi mumkin, bu esa katta auditoriyaga yoqmasligi mumkin bo'lgan ko'proq eksperimental yoki an'anaviy asarlardan voz kechishi mumkin. Bu turli adabiy adabiyotlarning nomutanosibligini keltirib chiqarishi mumkin.

Taniqli o'zbek yozuvchisi Muhammad Ali bir davra suhbatida shunday deydi: "...Tarjima jarayoni, ta'bir joiz bo'lsa, ikki qanotga ega. Birinchisi, jahon tillaridan o'zbek tiliga tarjima qilish. Ikkinchisi, o'zbek tilidan jahon tillariga tarjimalarni ro'yobga chiqarishdir. "Ikkinchi qanot" bo'yicha o'tgan davr mobaynida o'quvchilarga jahon adabiyotidan turli namunalar taqdim etilib kelinayotganini ta'kidlash joiz. Bu sohada "Jahon adabiyoti" jurnali faoliyati diqqatga sazovordir... Yaqinda respublika Yozuvchilar uyushmasida Tashqi ishlar vazirligidan yo'llangan ikki maktub bilan tanishdik. Maktublar Yaponiya bilan Turkiyadan kelibdi. Bu maktublarda yapon va turk adabiyoti namunalarini jahonga targ'ib etish bo'yicha lo'nda takliflar aytilgan, tarjima uchun asarlar ro'yxati keltirilgan. Takliflarning muhim tomoni shundaki, ilovada ko'rsatilgan asarlardan tarjimalar o'zbek tiliga tarjima qilinsa, nashrning moddiy tarafi ular tomonidan qoplanishi aytilgan. Bu juda yaxshi misol. Biz ham rejali ravishda o'zbek adabiyotining xorijiy tillarga tarjima etilishi mumkin bo'lgan asarlari ro'yxatini tuzib, Yozuvchilar uyushmasida muhokamadan o'tkazib, ularning xorijiy tillarga tarjimasini moddiy qo'llab-quvvatlashni so'rab hukumatimizga murojaat qilishimiz lozim, deb o'ylayman..." [«O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasi 2007-yil 13-soni]

Xulosa qilib aytganda, tarjimashunoslik jahon adabiyotining ajralmas qismi bo‘lib, madaniy almashinuvni osonlashtiradi, adabiy merosni saqlaydi va adabiy manzarani boyitadi. Globallashgan dunyoda adabiyot rivojlanishda davom etar ekan, tarjima asarlar ham dunyo adabiyotida o‘z o‘rnini mustahkamlab boraveradi. Tarjima adabiyotlar to‘siqlarsiz turli madaniyatlarni chuqurroq tushunishga yordam beradi, dunyoqarashni kengaytiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. N. Merganova, M. Jaloldinova. (2023) Chet tilida og ‘zaki nutqni rivojlantirishga ta’sir etuvchi omillar.

2. M.N. Mamadodilovna. (2022) Using non-traditional methods in teaching foreign languages.

3. Mamadodilovna, M. N. (2020). Psychological basis of development of speech in a foreign language.

4. Sodiqov Z., Abdurahmonova D. Tarjimashunoslik terminlarining ko‘ptilli lug‘at-ma’lumotnomasi. – Namangan, 2013.

5. «O‘zbekiston adabiyoti va san’ati» gazetasi 2007-yil 13-soni

6. Https://www.Ziyouz.Com/portal-haqida/xarita/matbuot/hozirgi-davr-matbuoti/tarjima-millatni-jahonga-tanitadi-2007

TERMINOLOGIYA VA UNING TARAQQIYOTI

Abduqahhorova Xosiyat Abdurasul qizi
O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti
O‘zbek tili va adabiyoti kafedrasi o‘qituvchisi
xosiyatabduqahhorova655@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolada termin va terminologiya masalalari, terminologiyaning taraqqiyoti, ilmiy va kasbiy atamalarning xususiyatlari, turli fan sohalariga oid terminlar haqida ma’lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: terminlar, terminologiya masalalari, tarixiy atamalar, kasb-hunar leksikasi, kasbiy atamalar, ilmiy atamalar, sohaviy terminlar.

Annotation: This article provides information on terms and terminology issues, the development of terminology, features of scientific and professional terms, and terms related to various fields of science.

Keywords: terms, terminology issues, historical terms, professional lexicon, professional terms, scientific terms, field terms.

Bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy hamda ilmiy-texnikaviy sohalarda ro‘y berayotgan tub o‘zgarishlar va yangilanishlar jarayoni tabiiy ravishda, avvalo, o‘zbek tili leksikasida o‘z aksini topmoqda. Bu esa, ayni paytda, jamiyat taraqqiyoti bilan bog‘liq holda, yangi-yangi so‘z, tushuncha va terminlarni yuzaga keltiradi.

Shu bois, o‘zbek tili terminlari tizimini yanada teranroq tadqiq etish, xususan, terminologiyaning nazariy va amaliy jihatlarini ilmiy asosda chuqurroq o‘rganish hozirda muhim va jiddiy masalalardan biri bo‘lib qoldi.

Terminlarni tadqiq etishda, birinchi navbatda, uning leksik-semantik xususiyatlariga e'tibor qaratish kerak. Chunki termin, dastavval, sema (ma'no)lariga ko'ra o'zaro farqlanadi. Terminning aniqligi, bir ma'noliligi va ilmiyligi uni umumiste'moldagi so'z va atamalardan farqlab turadi.

Tilimizdagi terminlarning muayyan qismini o'zbekcha tarixga oid terminlar tashkil etadi. Shu bilan birgalikda, o'zbek tilining tarixiy terminologiyasida o'zlashma so'zlar, jumladan, yunon, lotin, rus, arab, tojik va boshqa tillardan o'zlashtirilgan terminlar ishlatilib kelinmoqda.

Tilimizdagi so'zlar va atamalarning ilk qiyosiy tadqiqotchisi Mahmud Koshg'ariydir. Tilshunoslikka doir terminlarning dastlabki namunalari "Devonu lug'otit turk"asarida uchraydi. Bu asarda turkiy so'z va terminlar bilan birgalikda, arabcha va tojikcha so'z va terminlar ham tadqiq qilingan. U o'z zamonasida turkiy tilning turli lahjalaridagi termin, so'z va atamalarni to'plabgina qolmasdan, ularga ilmiy izoh va sharhlar ham bergan.

Navoiy ham o'z asarlarida so'zlarning semantik va poetik xususiyatlarini ochar ekan, ularni ona tilining boyliklaridan hisoblaydi va so'zlar vositasida o'zbek tilida go'zal va betakror asarlar yaratish mumkinligini ta'kidlaydi.

Biror fan yoki sohaga oid termin shu fanning mavjudligi, yashash quroli bo'lishi bilan birgalikda, til sistemasining, terminologik tizimning eng asosiy va eng muhim birliklaridan hisoblanadi. Shu bois, tilshunoslikda termin va uni qo'llash muammosiga alohida e'tibor qaratiladi.

Termin va uning muhim belgi-xususiyatlari haqida fikr yuritilib, ta'rif berilar ekan, bizningcha, avvalo uning ilmiylik xususiyatini qayd etish va ayni xususiyatning dominant ekanligini ta'kidlash joiz. Chunki termin, dastavval, ilmiylik xususiyati, ya'ni semasiga ko'ra ajralib turadi. Terminning qolgan barcha xususiyatlari: aniqligi, bir ma'noliligi, emosionallikdan xoli ekanligi,

qo‘llanish qamrovining torligi, chegaralanganligi kabilar uning ilmiylik mohiyatidan, tushunchasidan kelib chiqadi.

Termin aynan mana shu nuqtai nazardan umumiste’moldagi so‘zlardan farqlanadi. Terminologiya ilmiy adabiyotlarda muayyan fanning tushunchalar tizimi bilan o‘zaro munosabatda bo‘lgan terminlarning jami sifatida ta’riflanadi. Har qanday tushuncha tizimiga muayyan terminlar tizimi to‘g‘ri keladi. Terminologik tizim fan taraqqiyoti bilan birgalikda rivojlanib boradi.

O‘zbekistonda keyingi yillarda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar jamiyatda tub sifat o‘zgarishlarini hamda yaqin istiqbolda barqaror rivojlanishni ta’minlash imkonini beradigan oliy ta’lim tizimini shakllantirishni talab etmoqda[1][Raxmonov R., 2019; 5]

Bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy, huquqiy, tibbiy va savdo-sotiq sohalariga shiddat bilan kirib kelayotgan va muomalaga muqim o‘rnashib borayotgan turli xorijiy so‘z va terminlar o‘zbek tilining davlat tili sifatidagi o‘rni va nufuzini tobora susaytirib bormoqda.

Hozirgi davr bizdan, *avvalo* ana shunday xorijiy so‘z va terminlarning o‘zbekcha muqobilini topish, uni kundalik aloqa-aralashuv hamda muomalaga kiritishni, *ikkinchidan*, tilimizda mavjud bo‘lgan so‘z va terminlarni faollashtirish, turli xil tushunarsiz va mantiqsiz xorijiy til elementlarining o‘rniga o‘zbek tili so‘zlarini keng qo‘llashni, *uchinchidan*, bu borada olib borilayotgan ilmiy tadqiqot ishlarini yanada jadallashtirish va muvofiqlashtirishni talab etmoqda. Ushbu masalalar tibbiy terminologiya sohasida, ayniqsa muhim ahamiyat va dolzarblik kasb etadi.

Termin (lotincha terminus – “chek”, “chegara”, “chegara belgisi”). Fan, texnika va boshqa sohaga oid narsa haqidagi tushunchani aniq ifodalaydigan, ishlatilish doirasi shu sohalar bilan

[1] Raxmonov N.R. Mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish asosida oliy ta’lim tizimida kadrlar tayyorlash sifatini oshirish. Iqtisodiyot fanlari doktori dis. .. avtoref. – Toshkent: 2019, 5-b.

chegaralangan so‘z yoki so‘z birikmasi; atama. Masalan, *era, milod, millat* (tarixga oid terminlar), *yer shari, sayyora, qo‘ltiq* (geografiyaga oid terminlar), *ildiz, sholi, g‘o‘za* (botanika terminlari), *morfema, morf, leksema* (tilshunoslik terminlari), *turoq, ruboiy, tuyuq* (adabiyotshunoslik terminlari).

Terminlar bir ma’noli bo‘lishi, ekspressivlik va emosionallikka ega bo‘lmasligi kabi belgilari bilan ham umumiste’moldagi so‘zlardan farqlanadi.

Terminologiya (termin + logos – so‘z, ta’limot). Biror ilm, kasb va boshqa sohaga oid terminlar majmui. Masalan, grammatik terminologiya, san’at terminologiyasi va va b. [Hojiyev A., 2022; 104]. O‘zbek tilshunoslarining tadqiqotlarida esa terminlar fan texnika, san’at vas hu kabi sohalarga oid bo‘lgan tushunchalarni ifodalaydigan til birliklari sifatida talqin qilinadi: “Termin fan, texnika va boshqa sohaga oid narsa haqidagi tushunchani aniq ifodalaydigan, ishlatilish doirasi shu sohalar bilan chegaralangan so‘z yoki so‘z birikmasidir”, [Hojiyev A., 1985; 88]. xuddi shunday: “termin fan, texnika, madaniyat, san’at, ishlab chiqarish, umuman inson faoliyatining ma’lum sohasiga oid tushunchalar sistemasida tushunchasiga mos keladigan so‘z yoki so‘z birikmasidir”. [Qurbonov O., 1974; 130].

Biror fan yoki sohaga oid termin shu fanning mavjudligi, yashash quroli bo‘lishi bilan birgalikda, til sistemasining, terminologik tizimning eng asosiy va eng muhim birliklaridan hisoblanadi. Termin predmet, voqea-hodisalar haqidagi tushunchaning aniq va turg‘un ifodasidir. Terminga fan va texnikaga oid tushunchalarni ifodalovchi so‘zlar va iboralargina emas, shu bilan birgalikda, ma’lum kasb-hunarga oid so‘z va iboralar ham kiradi. Terminni termin bo‘lmagan so‘z va iboralardan farqlash uchun uning o‘ziga xos xususiyatini bilish kerak. Bu xususiyatlar asosan ikkita:

Birinchidan, termin bir ma’noli (monosemik) so‘z yoki ibora bo‘ladi, u ko‘chma ma’noda qo‘llanmaydi.

Ikkinchidan, termin ma’lum bir sohada (ma’lum bir fan yoki kasb-hunarda) qo‘llaniladigan so‘z yoki ibora sanaladi.

Terminlar yuqorida aytilganidek, fan va texnikaga oid, shuningdek kasb-hunarga oid tushunchalarni ifodalab keladi. Mana shu jihatdan terminlarni ikki turga, ya’ni kasb-hunarga oid terminlar (1) va ilmiy terminlar (2)ga ajratish mumkin.

1) Kasb-hunarga oid terminlar:

Mamlakatimizda ko‘p zamonlardan beri turli kasb-hunar tarmoqlari rivojlanib keladi. Masalan, ovchilik, chorvachilik, kulolchilik, duradgorlik, haykaltaroshlik, rassomchilik, etikdo‘zlik kabi. Shuning uchun o‘zbek tilida kasb-hunar leksikasi doirasi keng bo‘lib, ko‘pgina terminlarni o‘z ichiga oladi. O‘zbek tilshunosligida kasb-hunar leksikasi hali unchalik o‘rganilmagan bir sohadir. [Иброҳимов С., 1956; 56].

Bunday terminlarga quyidagi sohalardan misollar keltirish mumkin:

1. Kulolchilik terminlari – *taksir* (bo‘yoq), *bulbulzor* (naqsh turi), *gilbo‘ta* (oq tusli loy) va b.

2. Etikdo‘zlik terminlari – *bigiz, dastak, qolip, shoncho‘p, poshna* va b.

3. Suvoqchilik terminlari – *andava, zuvola, poxsa, mo‘ri, suvoq* va b.

O‘zbekistonda qadimdan rivojlangan kasb-hunarlarga oid terminologik lug‘atlar tuzish tajribasi ham mavjud. O‘zbek tili leksikasi, lug‘atchiligi tarixida XX asr alohida o‘rin tutadi. Bu davrda turli maqsadlarni ko‘zda tutgan ko‘plab terminologik lug‘atlar, o‘quv va imlo lug‘atlari yaratildi. Bunda, ayniqsa ruscha-o‘zbekcha va o‘zbekcha-ruscha, shuningdek o‘zbek tilini boshqa yevropa va sharq tillari bilan qiyoslab o‘rganishga mo‘ljallangan lug‘atlar alohida o‘rin tutadi. Jumladan, S.Ibrohimovning “Farg‘ona shevalarining kasb-hunar leksikasi” lug‘ati (1956-1959), Sh.Shoabdurahmonov tahriri ostida nashr etilgan “O‘zbek xalq shevalari lug‘ati” (1972), Olim Usmonov rahbarligi-

da nashr etilgan “Ijtimoiy-siyosiy terminlar lug‘ati” (1976) o‘zbek terminologiyasining rivojlanishiga xizmat qildi.

2). Ilmiy terminlar:

O‘zbek xalqi – ilm-fan, san’at va adabiyoti qadimiy bo‘lgan Markaziy Osiyo xalqlaridandir. Hozirgi zamon o‘zbek tili leksikasida ilm-fan, san’at va adabiyot, umuman, madaniyatning o‘sishi va rivojlanishi o‘z askini topgan.

Fan, texnika, san’at, adabiyot va madaniyat sohalarida maxsus qo‘llaniladigan bir ma’noli so‘zlarga ilmiy terminlar deyiladi.

Har bir fan o‘ziga xos terminlarga ega, shuning uchun ham fan-texnikaga oid terminlar xilma-xildir. Ularning ba’zi turlari quyidagilar:

1. Tarixga oid terminlar – era, jamiyat, urug‘, davlat, millat va shu singari.

2. Tilshunoslik terminlari – fonetika, tovush, fonema, urg‘u, bo‘g‘in, ega, kesim va hokazo.

3. Adabiyotshunoslik terminlari –epitet, tajnis, anafora, roman, g‘azal kabilar.

4. Tibbiy terminlar –patologiya, epidemiya, narkoz, diagnoz va boshqalar.

5. Falsafiy terminlar – ong, borliq, materiya, ideologiya, obyekt, subyekt va hokazo.

6. Kimyoga oid terminlar – atom, natriy, simob, vodorod va boshqalar.

7. Matematik terminlar – aksioma, kvadrat, plyus, minus, teorema kabilar.

8. Harbiy sohaga oid terminlar – batalon, armiya, general, komandir, leytenant va shu singari.

Terminologiya ilmiy adabiyotlarda muayyan fanning tushunchalar tizimi bilan o‘zaro munosabatda bo‘lgan terminlarning jami sifatida ta’riflanadi. [Расулов Р., 2010; 43]. Har qanday tushunchalar tizimiga muayyan terminlar tizimi to‘g‘ri keladi. Terminologik tizim fan taraqqiyoti bilan birgalikda rivojlanib boradi.

Har bir fan yoki soha, tarmoqning termini borki, u o‘sha fan, soha yoki tarmoq doirasida qo‘llanadi, aniqrog‘i kasb-hunar egasining nutqini shakllantiradi, o‘zaro nutqiy muomala uchun shart-sharoit yaratadi.

Biror voqelikni o‘zida aks ettirishda har bir tilning ma’lum o‘lchovlari va o‘ziga xos milliy-madaniy xususiyatlari mavjud. Ana shu xususiyatlar mazkur tilning madaniy darajasi – lingvokulturologiyasi doirasini belgilab beradi. Ayniqsa, tibbiy terminlarning milliy-madaniy xususiyatlarini til sathlarida, xususan, tilning leksika, morfologiya va etimologiya bo‘limlari doirasida o‘rganish alohida ahamiyat kasb etadi.

Shu o‘rinda qayd etish lozimki, muayyan kasb-hunar yoxud mutaxassislikka ega bo‘lgan kishilar, ko‘pincha, u yoki bu sohaning o‘ziga xos spesifik terminlari bilan ish ko‘radi. Masalan, iqtisodchilarning yozma yoki og‘zaki nutqida *tovar, kliring, renta, marketing, menejment* kabi terminlar ishlatilsa, tarix sohasi bilan shug‘ullanuvchi olimlar nutqida *era, milod, urug‘, qabila, davlat, millat, jamiyat* singari terminlarning ishlatilishi, tabiiy holdir.

Demak, tilda terminlar o‘z-o‘zidan paydo bo‘lib qolmaydi, balki ular zaruriyatga ko‘ra yuzaga kelib, so‘ngra shakllanadi va til taraqqiyoti bilan bog‘liq holda, rivojlanib, o‘zgarib boradi.

Tilimizning leksik qatlami tabiiy ravishda yangi so‘z va terminlar hisobiga boyib, rivojlanib boradi. Bunday rivojlanish, avvalo tilning o‘z ichki imkoniyatlari asosida, ikkinchidan xorijiy tillardan so‘z va terminlar o‘zlashtirish orqali amalga oshadi.

Har bir fan yoki sohaning rivojlanish darajasi mazkur soha terminologiyasining qay darajada taraqqiy etganligi yoki tartibga solinganligi bilan belgilanadi. Biror sohada foydalaniladigan terminning ma’nosi va ifoda shakli aniq bo‘lmas ekan, shu sohada turli noaniqliklar va muammolar kelib chiqaveradi. Har bir sohaning taraqqiyot ko‘rsatkichi uning barqaror ilmiy terminologiyaga ega ekanligi bilan ma’lum darajada bog‘liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. – Тошкент: 1956.

2. Hojiyev A. Tilshunoslik terminlarining izohli lug‘ati. – Toshkent: 2002, 104-b.

3. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: 1985.

4. Mahkamov N. Terminologik tamoyillar va xalqaro terminelementlar. // Xorijiy so‘z va terminlardan foydalanishda me’yor va milliy-assosiativ fikrlash muammolari. Toshkent, 2011.

5. Mirahmedova Z. O‘zbek tilining anatomiya terminologiyasi va uni tartibga solish muammolari. Toshkent: “Fan”, 2010.

6. Rasulov R. Termin xususiyatlari. // SamDU Axborotnomasi. 2005.

7. Расулов Р. ва б. Нутқ маданияти ва нотиқлик санъати. Тошкент, 2010.

8. Qurbonov O. O‘zbek tili g‘allachilik terminlari. – Toshkent: 1974.

ПУБЛИЦИСТИЧЕСКИЕ КОНЦЕПЦИИ И ТЕОРИЯ ПЕРЕВОДА

Шодиев Дилшод Абдулложон угли
Ферганский политехнический институт.
d.shodiyev@ferpi.uz

Аннотация. В статье даются сведения об углубленном анализе и исследовании фактов журналистской жизни, то есть раскрытии действительности посредством социально-публицистических исследований, в этом отношении она приближается к общественным наукам, имеет публицистические научно-теоретические особенности, интерпретацию одного из них. или другая научная тема в стиле публицистической статьи.

Ключевые слова: публицистика, событие, перевод, жанр, искусство.

Annotation. The article provides information about an in-depth analysis and study of the facts of journalistic life, that is, the disclosure of reality through social and journalistic research; in this respect, it is close to the social sciences, has journalistic scientific and theoretical features, and an interpretation of one of them. or other scientific topic in the style of a journalistic article.

Keywords: publicist, event, translation, genre, art.

Публисистика – вид литературного произведения, посвященный общественно-политическим и другим актуальным проблемам времени. Задача журналистики – возбуждать общественное мнение и формировать его, направлять его к определенной цели, создавать картину действительности на основе документальных фактов и информации. Теку-

щая общественная жизнь, прошлые и будущие факты, связанные с ней, являются предметом публицистики. По мере увеличения веса общественной деятельности и мнений в жизни возрастал и принцип активного вмешательства публициста, т. е. творца, в действительность, а также принцип прямого и открытого выражения мыслей. Публицистика все чаще входит в состав произведений науки, искусства и литературы. Появляются публицистические романы, пьесы, фильмы.

К публицистике относятся не только статьи и другие крупные произведения, логически и образно обобщающие факты действительности, но и все жанры прессы. Публицистика философско-политическая, экономическая, духовно-этическая, литературная, критическая по своим предметным характеристикам; по стилю имеет противоречивую, пропагандистско-пропагандистскую, критико-аналитическую, комическую формы. По жанровому признаку публицистика делится на фактографически-информационный (сообщение, репортаж, репортаж), аналитический (статья), художественно-публицистический (эссе, фельетон, памфлет, статья писателя) виды. Публицистика познает реальность посредством глубокого анализа и исследования жизненных фактов, то есть социально-публицистиких исследований. В этом отношении она приближается к социальной науке. Публицистика может иметь научно-теоретические особенности, интерпретировать и пропагандировать ту или иную тему в форме публицистической статьи. Форма и внутренняя структура публицистики представляет собой сочетание логического мышления и образности. В публицистическом жанре образ используется по-своему. Личность публициста, как и личность поэта, проявляется его богатым внутренним миром и точкой зрения [Тогаев., Зохидов., 1976: 1].

Перевод это вид литературной работы, заключающийся в воссоздании текста на одном языке на другом языке. Перевод является важнейшей формой международного общения. В зависимости от характера исходного и реставрируемого текста его подразделяют на художественный перевод, научный перевод и другие виды.

В настоящее время каждая развитая нация переводит материалы, относящиеся к десяткам областей науки и культуры (лирические стихи, послания, техническая литература и т. д.) с языка сотен народов мира на свой родной язык.

Перевод – это не копирование; Эстетическая потребность переводчика оставляет на Переводе след, находящийся вне его контроля. Если писатель художественно выражает на языке свои наблюдения за жизненными событиями, то переводчик перевоплощает исходный текст на новом языке. Для этого он должен обладать доскональным знанием действительности, упомянутой в произведении, на уровне автора. Перевод оказывает большое влияние на развитие литературы каждого народа, поскольку история перевода равна истории литературы.

Язык литературного произведения является элементом отдельной «художественной реальности». В переводе художественный смысл этого образно-выразительного языка переносится на образно-выразительную основу другого языка, процесс перевыражения образа посредством происходит изображение, поэтому переводчик воспринимает процесс художественного осмысления событий в произведении по-новому. Современный перевод согласно требованиям, переводчик должен воссоздать единство формы и содержания оригинала как художественного произведения, и сохранить его. национальные и индивидуальные особенности Он опирается на уровень развития языка, традиции

и опыт перевода, учитывает существование различных различий [Н.И.Узб., 2002-2025: 1].

В заключение позволительно сказать что форма и внутренняя структура журналистики представляет собой сочетание логического мышления и образности. В публицистическом жанре образ используется по-своему. Личность публициста, как и личность поэта, проявляется его богатым внутренним миром и точкой зрения. Кроме того, вопросы перевода расширяют возможности творческих способностей и знаний человека.

Использованная литература

1. Тогаев О., Жанры публисистика, Ташкент, 1976;

2. Зохидов В. Ю., Танланган асарла, в 3 томах, Т., 1976-78.

3. Национальная энциклопедия Узбекистана. (2000-2005).

“TARIXI MUHOJIRON” ASARIDA NODIRABEGIM TO‘G‘RISIDA

Nurutdinova Malikaxon Sharabovna,
O‘zR FA Alisher Navoiy nomidagi
Davlat adabiyot muzeyi mustaqil tadqiqotchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada Nodira shaxsi va ijodi haqida zamondoshi, benazir ijodkor Dilshod Barno asaridan ma’lumotlar olamiz. Baralla “She’riyat tojini kiygan podshoh” deya ta’rif bergan Dilshod Barnoning o‘zi kim? Tarix sahnidagi roli qanday? Dilshod Barno o‘z davrining ziyoli bir vakilasi bo‘lishi barobarida Qo‘qon hukmdori Umarxondan qattiq jabr ko‘rgan xonning ashaddiy tanqidchisi ekanligini guvohi bo‘lamiz. Maqolada Dilshod Barnoning “Tarixi muhojiron” asaridagi Nodirabegim ijodiga bog‘liq qarashlari, shoira to‘g‘risidagi qimmatli fikrlari bilan tanishasiz.

Kalit so‘zlar: mumtoz, Qo‘qon, O‘ratepa, Kalla Minora, Mahram, dasht, muhojir, tarix, taqdir, shajara, inju, judolik.

Abstract: In this article, we will learn about Nadira’s personality and work from the work of her contemporary, outstanding artist Dilshod Barno. Who is Dilshod Barno, whom. Drum described as “the king wearing the crown of poetry”? What is his role in history? We can see that Dilshad Barno was an intellectual representative of his time, but he was a fierce critic of the khan, who suffered greatly from the ruler of Kokand, Umar Khan. In the article, you will get acquainted with Dilshod Barno‘s views on the work of Nodirabegim in the work “History of Immigrants”, valuable thoughts about the poetess.

Keywords: mumtoz, Kokan, Oratepa, Kalla Minora, steppe, muhajir, history, destiny, family tree, pearl, divorce.

Tong mahal chiqdi haramdin turfa moh,
She'riyat tojini kiygan podshoh.
– Kim? – dedim, – Nodira – dedilar ani,
Yonida Vaysiy turur olampanoh.
Har biri ming shoira o'rnidadur,
Ikavi birla to'lur har borgoh.
("Tarixi muhojiron" Dilshod Barno)

Nodira shaxsi va ijodi haqida zamondoshi, benazir ijodkor Dilshod Barnodan boshqa bu kabi samimiy fikrlarni hech kim aytmagan bo'lsa kerak. Baralla "She'riyat tojini kiygan podshoh" deya ta'rif bergan Dilshod Barnoning o'zi kim?.. Tarix sahnidagi roli qanday? Dilshod Barno o'z davrining ziyoli bir vakilasi bo'lishi barobarida Qo'qon hukmdori Umarxondan qattiq jabr ko'rgan xonning ashaddiy tanqidchisi edi. Buni uning ijodi – tarixiy asarlaridan yaqqol bilish mumkin. Ana shunday asarlaridan biri uning "Tarixi muhojiron" asaridir. Shu o'rinda M. Qodirovaning "XIX asr o'zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri" asarini eslab o'tsak. Bu asarni o'qib, ko'p ma'lumotlarga ega bo'lamiz. Undagi aynan Dilshod Barnoning "Tarixi muhojiron" asari bu haqda mulohaza yuritishga turtki beradi. Bizni qiziqtirgan Dilshod Barno va uning Nodirabegim ijodiga bo'lgan munosabati xususida shu asarning o'zida talaygina ma'lumotlar bor. Avval aytib o'tganimizdek Dilshodning "Tarixi muhojiron" asarida ko'p voqealar reallikka qurilgan. O'sha davrdagi O'ratepa haqida yaratilgan tarix va tazkiralar, masalan: "Tazkirai islomiya", "Tazkirayi muhoriba", " Taskirai Istravshan" kabi boshqa kitoblardan farqli ravishda shoiraning o'z ko'zi bilan ko'rgan va boshidan kechirgan voqealar tasvirlangan. ["XIX asr o'zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri" Mahbuba Qodirova monografiyasi Toshkent. O'zSSR "Fan" nashriyoti 1977-yil 186 bet. 96-bet]

"Tarixi muhojiron" 1232-hijriy yili Qo'qon hukmdori Umarxonning O'ratepa ustiga yurishi va bu yurishning fojeali oqi-

batlarini hikoya qilish asosida yaratilgan. Shoira o‘quvchining diqqatini mahorat bilan jalb qila olgan. “Tarixi muhojiron”da keltirilishicha shoira xon Umarxon bilan uchrashuvi haqida keskin fikrlar bildiradi. Dilshodning shoiralik qobiliyatidan xabar topgan xon xontaxta ustidan bir anorni olib shuni tasvirlab she’r aytishini so‘raydi:

Bu tuban falak gumbazi ostida,
Ichi to‘la hammani g‘amli ko‘rdim.
Harirdan yuzlariga parda tortilgan,
Yuragi qon, ko‘zlarini namli ko‘rdim.
Umarxon hukmining zulmi tagida,
Har bir nozaninning yuragini chok ko‘rdim.

Bu uchrashuvda Dilshod xonga nisbatan nafratini namoyish qiladi. Javobning keskinligi, albatta, xonga yoqmaydi, uni zindonband qilishini aytadi. Ammo o‘ratepalik bo‘lgan xon xizmatchisi Dilshodga shafqat qiladi. Uni o‘rdadan chiqarib yuboradi. Shu tariqa Dilshod omon qoladi. Dilshod bo‘lib o‘tgan voqealarga ham tarixchi, ham yozuvchi nazari bilan qaraydi. U o‘zining taqdirida minglab o‘ratepalik qiz-juvonlar taqdirini ko‘radi.

“Tarixi muhojiron”da Qo‘qon va O‘ratepaning XIX asr adabiy hayoti va uning dilkash odamlari, xususan, shoiralari haqida ham diqqatga loyiq ma’lumotlar bor. [“XIX asr o‘zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri” Mahbuba Qodirova monografiyasi Toshkent. O‘zSSR “Fan” nashriyoti 1977-yil 186 bet. 100-bet] Dilshod Qo‘qonda yashab ijod etgan 12 shoir va 12 shoiralar bo‘lganligini bayon etadi. Muntazir, Gulxaniy, Maxzaniy, Uvaysiy, Sadoiy Nuriy, Nodira, Mahzuna, Bahriniso, Mehinbonu, Anbar otin va boshqalar. Uning 91 ta o‘zbekcha va 51 ta tojikcha she’ri “Tarixi muhojiron” (“Muhojirlar tarixi) badiiy-tarixiy asarining o‘zbekcha va tojikcha 3 qo‘lyozma nusxasi (“Tazkirai Barno”, “Sabot al-bashar maa tarixi muhojiron”, “Inson matonati va muhojirlar tarixi”,

“Muntaxab al-ash’ori Barno”, “Barnoning tanlangan she’rlari” bizgacha yetib kelgan. Bularda o‘zaro urushlar, xalqning turmush sharoiti va boshqa ijtimoiy-siyosiy voqealar o‘z ifodasini topgan. [O‘zbekistonning ma’rifatparvar ayollari. I-jild O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi “Fan” nashriyoti davlat korxonasi Toshkent – 2021.32-bet]

Dilshod Barnoga Nodira bilan yuz ko‘rishish nasib etmagan bo‘lsa ham Nodira ijodi bilan tanish bo‘lgan.(O‘rdadan chiqqach, ikki yil keyin fahm etdimki, u yerda Farg‘ona mulkining malikasi, she’riyat va tarona shavq-zavqining sohibasi, ya’ni davr Nodirasi va zamonaning mashhur shoirasi hayot ekanlar, ko‘rishga harakat qildim, ammo muyassar bo‘lmadim) - deb eslaydi. Dilshod Nodira siymosini xayolan tasavvur etib, unga maxsus g‘azal yozadi:

Tong mahal chiqdi haramdin turfa moh,
She’riyat tojini kiygan podshoh.
– Kim? – dedim, – Nodira – dedilar ani,
Yonida Vaysiy turur olampanoh.
Har biri ming shoira o‘rnidadur,
Ikavi birla to‘lur har borgoh.
Dilshod Nodirani ta’riflashda yangicha tasvirlar qidiradi:
Nodira falakning oyi, jahonning intizomi,
Malaklar shohiyu Mulku Makoni edi.
Ilm, adab, nazm osmonida,
Nur sochuvchi yulduz edi.
Navoiy shoirlar davrasining olimi,
Nodira uning g‘azalxon oshig‘i edi.

Dilshod ijodidan shuni anglash kerakki, o‘sha davrda yashagan shoiralar, olim va fuzalolar faoliyatiga ham ko‘p jihatidan to‘g‘ri baho bera olgan.

O‘zining she’rlarida barcha boshidan o‘tkazgan qiyinchiliklarini ifoda etadi. Dilshodning tojik tilida **“Inqiroz”** nomli radifli

g‘azalida Nodiraning o‘g‘li Muhammad Alixonga murojaat qilib, uni g‘ofillik, mag‘rurlikka mubtalo bo‘lib, mamlakat, xalq ahvolini o‘ylamasdan ish tutayotganidan qattiq ranjiydi. Quyidagi misralarda o‘z qarashlarini ifoda etadi:

Ey amir, kibr-u havo keltirg‘usidur inqiroz,
Fisq-u g‘aflat doimo keltirg‘usidur inqiroz.
Tingla ona so‘zini bemanilikni tark qil,
Shohga jabr-u jafo keltirg‘usidur inqiroz.
Shul jahon Nodiradek mushfiq ona qaydadur,
Zulmni ko‘rma ravo, keltirg‘usidur inqiroz.

“Nodirayi jahonga o‘xshagan ona qayerda, onangning nasihatlariga quloq tut, mag‘rurlik, beparvolik, qonxo‘rlik mamlakatni ham xarob qiladi” qabilidagi hayot falsafasi bilan hushyorlikka chaqiradi. Dilshod 80 yil Qo‘qonda o‘zbeklar orasida yashadi. Ijodida ikki xalqni birday sevib tarannum etdi.

Xulosa qilib aytganimizda, insoniyatning ijtimoiy-tarixiy rivojlanishi jarayonida ma’naviy madaniyatga nisbatan vujudga kelgan ehtiyojlari bo‘ladi: bu ehtiyojlar esa ommaning ilmiy, badiiy, madaniy, odob-axloq, huquq va shu singarilarini o‘z ichiga oladi. Dilshod Barno o‘z asari bilan shunday ehtiyojga javob bergan. Insonning ma’naviy ehtiyoji ijtimoiy zaruriy xarakterdagi va idrok qilingan extiyojlardir. Dilshod Barnoning achchiq taqdiri bayoni bo‘lib ko‘ringan “Tarixi muhojiron”da O‘rta Osiyo xalqlarining ijtimoiy ong tarixida peshqadam shaxs sifatida tanildi. [“XIX asr o‘zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri” Mahbuba Qodirova monografiyasi Toshkent. O‘zSSR “Fan” nashriyoti 1977-yil 186 bet.106-betda]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.Qodirova. “XIX asr o‘zbek shoiralari ijodida inson va xalq taqdiri”. Monografiya. Toshkent. O‘zSSR “Fan” nashriyoti 1977-yil 186 bet.

2. O‘zbekistonning ma’rifatparvar ayollari. I-jild O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi “Fan” nashriyoti davlat korxonasi Toshkent – 2021.32-bet.

3. Dilshod Tanlangan asarlar 12-bet.

4. O. Jo‘raboyev Mumtoz adabiyotida mug‘anniynoma:risola \O. Jo‘raboyev.- Toshkent, “Tamaddum” nashriyoti, 2016.-40b.

5. O. Jo‘raboyev. Ardoqli dastxatlar // “Tafakkur” jurnali. 2012. №4.

6. Xo‘qand tarixi va uning adabiyoti: (materiallar va xotiralar) / Po‘latjon Qayumov;nashrga tayyorlovchi A.Qayumov; mas’ul muharir va so‘zboshi muallifi O. Jo‘raboyev.-T.: Tamaddum, 2011.-380 bet.

O‘ZBEK ROMANCHILIK MAKTABI ASOSCHISI - ABDULLA QODIRIYNING IJOD YO‘LI VA FAOLIYATI

Ashurova Sojida Abdusamad qizi
Termiz davlat pedagogika instituti 3-bosqich talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada o’zbek adabiyotining yetuk namoyondasi Abdulla Qodiriy hayoti va ijodi, uning yozgan roman va hikoyalari, hajviy qissalari haqida so‘z boradi. Adib kitobxonlar tomonidan sevib mutolaa qilinib kelyotgan „ O‘tkan kunlar “- Kumush va Otabek muhabbati timsolida butun boshli bir davrni gavdalantirgan bo‘lsa, „Mehrobdan chayon “ romanida Anvar va Ra‘nolar orqali insonlarning bir-biriga bo’lgan munosabati, nafs masalasiga urg’u beradi.

Abstract: This article talks about the life and work of Abdulla Qadiri, a mature representative of Uzbek literature, his novels, short stories, and comic stories.”Gone Days”, which has been loved by the literary readers, embodies a whole era in the form of the love of Kumush and Otabek. In the novel Mehrobdan Chayan, through Anvar and Rana, emphasis is placed on the relationship of people to each other and the question of self, in the novel Mehrobdan Chayan, through Anvar and Rana, emphasis is placed on the relationship of people to each other and the question of self.

Kalit so‘zlar: romanchilik, badiiy adabiyot, „O‘tkan kunlar “, „Mehrobdan chayon”, jadid adabiyoti, nasr, janr, jurnal, dramma, rivoyat

Keywords: novel, fiction, “Gone Days”, “Scorpion from the Altar”, modern literature, prose, genre, magazine, drama, narrative

„Buyuk adibimiz, o‘zbek romanchilik maktabining asoschisi Abdulla Qodiriy badiiy dahosi bilan yaratilgan yetuk asarlar

milliy o‘zligimizni anglashda bugun ham beqiyos ahamiyat kasb etmoqda”[1].

(O‘zbekiston Respublikasi
Prezidenti Shavkat Mirziyoyev)

Haqiqatan ham, Qodiriy ijodi mana bir asrdan ortiq vaqt davomida kitobxonlar tomonidan sevib mutolaa qilinmoqda. Uning asarlari dunyo yuzini ko’rgandan buyon, ixlosmandlari ortsa ortdiki, kamaymaydi. Qodiriy dahosi haqida gap ketganida o‘zbek adabiyotining buyuk viqorli chinori ko‘z oldimizda gavdalanadi. Bu chinorning ildizlari esa ,,O‘tkan kunlar”, ,,Mehrobdan chayon” singari shoh asarlar, ,,Uloqda”, ,,Juvonboz”, ,,Shodmarg”, ,,Jinlar bazmi” hikoyalari, ,,Obid ketmon’’, ,,Baxtsiz kuyov” singari qissa va dramalari, ,,Kalvak maxzumning xotira daftaridan”, „Toshpo‘lat tajang nima deydir?” kabi hajviy asarlari, „To‘y”, ,,Millatimga”, ,,Fikr aylagil”, ,,Ahvolimiz” singari she‘rlari qadar keng ko‘lamda yoyilgan edi. Abdulla Qodiriy ijodi jahon adabiyotining eng sara namunalaridan biri sifatida qaraladi, ayniqsa adib qalamiga mansub ,,O‘tkan kunlar” romani o‘zbek adabiyotida katta bir burilish yasadi. O‘zbek romanchiligining ilk namunasi bo’lgan bu asar chindan ham, e‘tibor va buyuk ehtiros bilan o’qiladigan ijod namunasi edi.

Biringiz Otabek, biringiz Kumush
Doim yashab tursin sevgingiz bog‘i.
Haqiqiy muhabbat bilmasin so‘lish,
Ustoz Qodiriyning bu ilk sabog‘i.
Adib yuragida alamlar qat-qat,
Lekin bittasi bor o‘chmasdir dog‘i.
Jonni tik ozodlik yo‘lida faqat,
Bu esa ustozning so‘nggi sabog‘i.

(Abdulla Oripov)

Dunyoning ko‘plab tillariga tarjima qilingan „O‘tkan kunlar” romani ijtimoiy davr, siyosiy ahvolni ham, xalq madaniy hayoti, ularning orzu-o‘ylarini ham, o‘zbekona urf-odat, hurmat, sof, samimiy muhabbat tuyg’ularini ham o‘zida birdek aks ettiradi. Asarni o‘qish chog’ida Qodiriy kitobxonni o‘sha davr muhitiga olib kiradi, qahramonlar odatlaridan xandon otib kuldiradi, ularning ichki kechinmalari dunyosida parvoz qildiradi. Romanda ishlatilgan har bir o‘zbek so‘zidan adabiy tilimizning nechog’lik keng imkoniyatga ega ekanligi hamda betakror jumlalar bilan yaratilganligiga amin bo’lamiz. Umuman, bu asar millatimizning faxri, o‘zbekona qadriyatlarni to’laqonli o‘zida mujassam qilgan san‘at asari sifatida adabiyot shinavandalari tomonidan yuksak mehr bilan mutolaa qilib kelinmoqda. „O’tkan kunlar’’ romanini bilmagan, o‘qimagan, uning fikr dunyosidan bahramand bo‘lmagan o‘zbek kitobxoni bo’lmasa kerak, chunki roman har bir xonadonga ma‘rifat va ziyo taratib kirib bordi.

Ulkan iste’dod egasi Abdulla Qodiriy 1894-yil 10-aprelda Toshkentda bog‘bon oilasida dunyoga keldi. XX asr ijtimoiy holati ularning ham turmushiga soya soldi. Qodiriy hayotning qiyinchiliklarini erta ko‘rdi, oilaviy sharoiti og’ir bo’lganligi sababli mehnatga erta sho‘ng‘idi. Yoshlik chog‘larini quyidagicha eslaydi: „Men qaysi yilda va qaysi oyda tug‘ilg‘onimni bilmayman. Har holda bemavridroq bo’lsa kerak, kambag‘al, bog’bonlik bilan kun kechiruvchi bir oilada tug‘ulib, yaqinlarimning so’zlariga qaraganda, mustabid Nikolay taxtga o‘tirgan yilida tug‘ulg‘onman. Boshida boy oilada tug‘uldimmi yoki kambag‘al oiladami, albatta, bilmadim. Ammo yoshim 7-8 ga yetgach, qornim oshg‘o to‘ymog‘onidan, ustum tuzukroq kiyim ko‘rmaganidan aniq bildimki, besh jonning tomog’i faqat 80 yoshlik chol otamning mehnatidan, 1300 sarjin bog’ning yozda yetishtirib beradigan hosilidan kelar ekan. Agar bahor yomon kelib bog‘ mevalari ofatga uchrab qolsa, biz ham ochliqqa duch kelib, qishi bilan jovrashib chiqar ekanmiz”. Keyinchalik adib „Mehrobdan chayon”

asarida bosh qahramon Anvarning dunyoga kelishini o'z taqdiriga qiyoslab tasvirlaydi. Uning tarbiyasida otasi Qodir bobo va onasi Josiyat bibining xizmatlari katta bo'ldi. Qodiriy qalamiga mansub har bir maqola, hajviya, asar o'zgacha bir ruhga ega. Masalan, ,,Taqdir etarlik bir ish", ,, Yig'indi gaplar", ,,Maskov xatlari" singari maqola va turkumlari bir noma'lum ohangi bilan o'quguchilarni o'ziga rom etadi. ,, Abdulla Qodiriy 1914-yilda Rahbarbonu Rasulmuhammad qiziga ulanadi. Ulardan Nazifa, Habiba, Adiba, Mas'ud, Anisa ismli uch qiz, ikki o'g'il tug'iladi"[2].

XX asr boshlarida o'zbek adabiyotida yangi janrlar paydo bo'ldi. Nasrda yaratilgan asarlar ham dunyo yuzinini ko'rdi. Jadid adabiyotida 1910-yilda Abdulla Qodiriy ilk nasriy asarlarini e'lon qildi. Nasrda ijod qilish xalq uchun eng ommabop va tushunarli adabiyot shakli edi.

Qodiriy ,,Mushtum" jurnalida chiqqan ,,Yig'indi gaplar" maqolasidagi ,, yuqori rahbarlarga tegadigan qaltis gaplari" uchun ayrim muttaham hamkasblarining chaquvlari oqibatida 1926-yil 8-mart kuni birinchi marta qamoqqa olinadi. Samarqand sud zalida u quyidagicha nutq so'zlaydi: ,,So'zimning oxirida odil sudlardan so'rayman: garchi men turlik bo'hton, shaxsiyat va soxtalar bilan ham anglashilmovchiliklar orqasida, ikkinchi oqlanmaydurg'on bo'lib qoralandim. Loaqal ularning, qoralovchi qora ko'zlarning ko'ngli uchun bo'lsa ham, menga eng oliy bo'lg'on jazoni bera ko'ringiz. Ko'nglida shamsi g'uboroti va teskarichilik maqsadi bo'lmog'on sodda, go'l, vijdonlik yigitga bu qadar xo'rlikdan o'lim tansiqroqdir. Bir necha shaxslarning orzusicha, ma'naviy o'lim bilan o'ldirildim. Endi jismoniy o'lim menga qo'rqinch emasdir. Odil sudlardan men shuni kutaman va shuni so'rayman". Abdulla Qodiriy shaxsiyatan adolatparvar, haqiqat izlagan inson edi, bu uning fikrlarida ham ifodalanadi.

,,Abdulla Qodiriy asarlari matbuotda ,,Julqunboy", ,,Ju-boy", ,,Dumbulboy", ,,Dumbulnisa", ,,Kalvak maxsum", ,,Toshpo'lat tajang", ,,Ovsar" kabi o'nlab maxfiy imzolar bilan bosilib turadi"[3].

Uning ,,Baxtsiz kuyov" dramasi Mahmudxo'ja Behbudiyning ,,Padarkush" dramasi ta'sirida yozilgan. Dramada hashamatli to'y, ortiqcha sarf-xarajatlar va uning ko'ngilsiz oqibatlari masalasi o'rtaga qo'yiladi. ,,1916-yilda yozgan ,,Uloqda" hikoyasi bilan dunyo adabiyotidagi nazariy mezonlarga mos keladigan o'zbek realistik hikoyachiligini boshlab berdi"[4]. Abdulla Qodiriy ijod maydonida to'lqinlanib oqayotgan suv kabi harakat qildi, u chegara bilmadi, u g'animlarning bo'xtonlaridan qo'rqmadi, faqat bir erkin yozuvchi sifatida haqiqat va adolatni so'z boyligi bilan qog'ozga tushirishga intildi. Tarjimonlik sohasida ham salmoqli ijod qildi. ,,Rus adabiyotidan A. P. Chexovning ,, Buqalamun" hikoyasini, Gogolning ,,Uylanish" pyesasini hamda dunyo adabiyotidan Gusev-Orenburgskiyning ,,Kaxettinka" kabi bir nechta asarlarni o'zbek tiliga tarjima qildi"[5].

Abdulla Qodirning ,,O'tkan kunlar" romani dastlab, 1923-1924-yillar ,,Inqilob" jurnalida chop etilib turadi, keyin 1925-1926-yillar har bir bo'limi alohida kitob holida nashr etiladi. Asarni xalq ijobiy qabul qildi, hatto uni olib o'qish uchun insonlar navbat kutganligi haqida ham fikrlar mavjud. Rostdan ham roman o'tkir fikr va teran mushohada bilan bitilgan edi. ,, O'tkan kunlar" romani orqali yozuvchi xalqning milliy ong-u shuurini uyg'otmoqchi bo'ldi, unda ,,tariximizning eng kir, qora kunlari"- yurtni mustamlaka balosiga giriftor etgan keyingi noahil ,,xon zamonlari" dan bahs yuritiladi. Unda Otabek va Kumushning toza muhabbati, ishqiy kechinmalari, baxti va baxtsizligi juda zo'r mahorat bilan tasvir etiladi.

Rivoyat: Nabira bobosidan ,, Bu hayot nima?", deb so'raydi. Bobosi: ,, Azon ila namoz orasidir", deydi. ,,Bu nima deganingiz bobojon? Umr shu qadar qisqami?", ,, Ha shu qadar qisqa, ammo bu azon va namoz nima ekanini bilasanmi, bolam?"

Albatta, bolakay uning ma'nosini bilmas edi.

,, Azon, bu- namozsiz azondir, ya'ni odam tug'ilgan payti qulog'iga azon aytiladi, ammo namoz o'qilmaydi.

Namoz, bu- azonsiz namozdir, ya‘ni inson o‘lganda janoza namozi o‘qiladi, ammo azon aytilmaydi. Men shuni nazarda tutdim toychog‘im!

Rivoyatning mazmuni shunday va negadir menda Abdulla Qodiriyning „O‘tkan kunlar” i, cheksiz zamon qarshisida bir necha soniyaga o’xshagan inson umrining suvratini abadiylashtirgan roman xronotopik jihatdan shu rivoyat ichiga joylangandek taassurot qoldiradi.

„1264-inchi hijriya, dalv oyining 17-inchi qishki kunlarining biri, quyosh botqan, tevarakdan shom azoni eshitiladir....”. Roman shunday boshlanadi. Azon-roman tavalludi; shaytonlarni quvlash marosimi, deya tushundim. Azon-birinchi eshik ostonasi. Zotan boboning nabiraga bergan o‘gitiga ko‘ra, hayot, bu-nihoyatda qisqa, azon va namoz oalig‘idir.

Oraliq masofa cheksizlikka nisbatan bir lahza, bir lahzaga nisbatan cheksizdir. Bu oraliqda inson umri, Otabek, Kumush, Zaynab, Yusufbek hoji, O‘zbek oyim va hokazo qahramonlar umrining mohiyati mujassam. Zotan, bu oraliqda baxt va baxtsizlik, visol va ayriliq, quvonch va fojia, g‘am-tashvish va surur yonma-yondir.

„O‘tkan kunlar” ning ilk sahifasida azon ovozi eshitilsa, oxirida Kumushning o‘lim to’shagida yotgan holatining, azonsiz namoz-janozaga „Toshkandning har bir mahallasidan deyarlik kishilar” qatnashgani bayon qilinadi. Shuningdek, roman „Xotima” sida Otabekning jangda „o‘rus bilan to’qunishma” da qahramonona urushib, shahid bo‘lgani haqida xabar beriladi. Otabek shohidlar silkiga tiziladi.

„Yusufbek hoji xatmi Qur‘on qilib yurtka osh berdi. O‘zbek oyim qora kiyib ta’ziya ochdi”. Roman shu jumlalar bilan tugallanadi.

(Bu rivoyat Abdulla Qodiriy ijodini o‘rgangan Bahodir Karimov tilidan hikoya qilinadi)

Ushbu roman yosh avlod tarbiyasi uchun ham muhim bo‘lib, unda Otabek misolida, yigitlarga vatanparvar, adolatli, mard va ilmli bo‘lish kerakligi ifodalansa, Kumushbibi timsolida qizlarimizga oqilalik, zukkolik, odob va iffat xususiyatlari o‘rnak qilib ko‘rsatiladi.

Abdulla Qodiriy dahosiga yana bir nazar

Agar Farhodning Shirin, bo‘lsa Majnunlarning Laylosi,
Nasib o‘lmish menga gulshanaro gullarning Ra‘nosi. (Mirzo)

Agar or etsa Layli haqlidir Qaysning jununidin,
Ne baxt, Ra‘no xaridoring talab ahlining Mirzosi. (Ra‘no)

O‘zbek tili kambag‘al emas, balki o‘zbek tilini kambag‘am deguvchilarning o‘zi kambag‘al. Ular o‘z nodonliklarini o‘zbek tiliga to‘nkamasinlar.

Ayo charx etding ortuq jabr bunyod,
Ko‘zim yoshlig‘, tilimda qoldi faryod.
Hayotim lolazoridin ayurding,
Yoqib jonim, kulim ko’kka sovurding.
(Kumush qabridagi yozuv)

Yozuvchi turmushni har tomonlama o‘rganishi, buning uchun uning har sohalaridan xabardor bo‘lishi kerak. Qisman boshimdan kechirganlarim mening yozuvchi bo‘lishimda katta rol o’ynagan. Haqiqiy yozuvchi bo‘lishni istagan yoshlarimiz ham dastlab shu turmush ichiga kirishlari, uni bilishlari kerak.

Kelingiz yoshlar, ziyolilar bu kun g‘ayrat qiling,
Uxlaganlarni agar Qodir esak, uyg‘otamiz....
Har bir asarim-bir farzandim, chiroqchimdir.

Afsuski, Abdula Qodiriyning tag‘diriga ham mustabid tuzum qurboni bo‘lish qismati bitilgan ekan. Adib 1937-yil 31-dekabr kuni ikkinchi marotaba hibsga olinib ,,xalq dushmani’’ sifatida ayblanib 1938-yil 4-oktabr kuni qatl etildi. U vafot etsa-da, ijodi hamon yashamoqda, insonlar qalbining tub-tubidan joy olib ibrat va namuna vazifasini bajarib kelmoqda. Mustaqillik yillarida Abdulla Qodiriy nomi oqlandi hamda uning xotirasini abadiylashtirish maqsadida Toshkentda- o‘zi yashagan uyda hamda poytaxtda muzey tashkil etildi. Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Respublikasi Davlat mukofoti va ,,Mustaqillik” ordeni bilan taqdirlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. B. Karimov ,, Jadidlar “ , ,,Yoshlar nashriyot uyi”- Toshkent-2022, (3-bet)

2. B. Karimov ,,Jadidlar”, ,,Yoshlar nashriyot uyi”- Toshkent-2022, (7-bet)

3. B. Karimov ,,Jadidlar”, ,,Yoshlar nashriyot uyi”- Toshkent-2022, (46-bet)

4. B. To‘xliyev, B. Karimov K. Usmonova ,,Adabiyot”- darslik, ,,Davlat ilmiy nashriyoti” Toshkent- 2017, (24-bet)

5. B. Karimov ,,Jadidlar”, ,,Yoshlar nashriyot uyi”, Toshkent-2022, (49-bet)

SAYQALIYNING POETIK MAHORATI

Shodmonova Shohista Rauf-qizi
Guliston davlat universiteti
Adabiyotshunoslik yo`nalishi
2-bosqich magistri

Annotatsiya. Mazkur maqolada XVIII asrda yashab ijod qilgan Sobir Sayqaliyning “Bahrom va Gulandom” dostoni badiiyati – poetikasi haqida so’z yuritilib, uning syujeti, obrazlari haqida fikrlar bildirilgan. Badiiy asarda obraz, badiiy san’atlar tushunchasi ilmiy manbalarga tayangan holda izohlab beriladi. Sayqaliyning badiiy mahorati to’g’risida bir necha misollar bilan xulosalar beriladi.

Kalit so`zlar: obraz, poetika, ilmi bade’, ilmi sanoye, doston, doston badiiyati, shoir mahorati.

Annotation. This article talks about the art and poetics of the epic «Bahrom and Gulandom» written by Sabir Saikali in the 18th century, and comments on its plot and characters are given. In the work of art, the concept of image, artistic arts will be explained based on scientific sources. Conclusions about Saikali’s artistic skills will be given with several examples.

Key words: image, poetics, science of art, science of industry, epic, epic art, poet skill

Sobir Sayqaliy XVIII asrning iste`dodli shoirlaridan biri bo`lib, u haqida, uning ijod olamidagi faoliyati haqidagi ilk izlanishlar o`tgan asrning 50-60-yillaridan boshlangan. Shunga qaramay, uning qachon va qayerda tug`ilgani haqida aniq faktlar mavjud emas. Dostonlarida keltirilgan ma`lumotlar orqali taxmin qilishimiz mumkin, xolos.

Shoir turli janrlarda qalam tebratgan. Xususan, qissa, noma, doston, kichik-kichik she`riy hikoyalar. “Qissai Ibrohim binni Muhammad”, “Qissai Shahzoda Bahrom va Gulandom”, “Qissai Hamroh va Hurliqo”, “Ravzatush shuhado”, “Ahtamnoma”, “Vaysul Qaran”, “Zaynul arab”. Bizgacha yetib kelgan asarlari orasida “Bahrom va Gulandom” dostonining alohida o’rni bor.

“Bahrom va Gulandom” asarining badiiyati – ilmi bade` haqida biroz mushohada qilsak. Ilmi bade’ arabcha so‘z bo‘lib, chiroyli so‘zlash, go‘zal, nafis, nodir, ajoyib; badiiyat ilmi demakdir. Ilmi bade’ mumtoz adabiyotshunoslikning tarkibiy qismi bo‘lib, unda nutqqa bezak, jilo beruvchi san’atlar, ularning o‘ziga xos xususiyatlari, tasniflanishi, fikrni chiroyli va mazmunli ifodalashdagi o‘rni kabi masalalar o‘rganiladi. Lirik janrlarning o‘ziga xos jihatlarini o‘rganish ham ilmi bade’ sanaladi. So‘z, ibora, tasviriy vositalar nutqni bezash uchun ishlatiladigan vositalar sirasiga kiradi. Nutqni go‘zal qiluvchi badiiy usul va vositalar sanoyi’, ya’ni san’atlar deb yuritiladi. Sanoyi’ esa ilmi bade’ning o‘rganish obyektidir[Ulug’ov A., 2017; 215].

Haqiqiy san’atkor qaysi ijtimoiy guruhga mansubligidan, qanday ijtimoiy maqsadlarga xizmat qilishidan qat’i nazar, u yaratgan badiiy asarda umuminsoniy qadriyatlar ustuvorlik qilishi zarur. Shu bois ham chinakam badiiy asarda ijodkor har vaqt ezgulik, go’zallik, adolat, insoniylik kabi mangu qadriyatlar tomonida turadi…Zero, …badiiyat estetik kategoriyagina emas, ma’lum ma’noda etik kategoriya ham sanaladi”[Quronov D., 2007; 47]. Dostonning badiiyatiga to’xtalishdan avval ushbu terminning mohiyatiga nazar tashlasak.

Doston atamasiga adabiyotshunos Dilmurod Quronov uch xil ta`rif beradi:

“1) turkiy xalqlar og`zaki ijodidagi epik janr. Xalq og’zaki ijodidagi dostonlar voqeaband syujet asosiga qurilgan yirik hajmli asar bo’lib, ular baxshilar jo`rligida ijro qilingan… xalq ijodidagi dostonlarning matniy qurilishi ijroga mos – unda nasriy va she’riy parchalar almashinib turadi;

2) mumtoz adabiyotimizdagi yirik hajmli, odatda, masnaviy shaklida va aruzning ma`lum bir vaznida yoziluvchi she`riy asar;

3) zamonaviy adabiyotda keng tarqalgan yirik hajmli she`riy asar, unga sinonim tarzda poema atamasi ham qo`llanadi. " [D.Quronov. Adabiyotshunoslik lug`ati, 94] yuqorida kelirilgan ta`riflardan kelib chiqib Sayqaliyning "Bahrom va Gulandom"ni birinchi va ikkinchi ta`riflarga mos kelishini ko`rishimiz mumkin.

Dostonning asosiy mavzusi xalq orasida mavjud bo'lgan "Bahrom va Gulandom" motivida bo'lib, o'sha davr an'analariga xos tarzda shakllantirilgan. Asar an'anaviy hamd va na'tlardan boshlanishi fikrimizning dalilidir:

Ki bismillohir rahmonir rohiym deb,
Xudoni yod etoyin, yo Karim deb…[S.Sayqaliy.,1960;19].

Biroq boshqa dostonlardan farqli ravishda bunda qisqalikka urg'u beriladi va asar syujeti – Bahromning tug'ilishi voqealariga o`tib ketiladi. Ushbu holat asarni xalq og'zaki ijodiga yanada yaqinlashtiradi. Adabiyotshunoslar personajlar harakatiga ko'ra syujetni turlarga ajratadilar. Dilmurod Quronovning fikrlariga tayanib, dostondagi syujetni *tashqi harakat dinamikasiga asoslangan syujet* deyishimiz mumkin. "Tashqi harakat dinamikasiga asoslangan sujetlarda personajlarning muayyan maqsad yo'lidagi xatti-harakatlari, kurash va to'qnashuvlari, hayotidagi burilishlar tasvirlanadi, shu asosda ularning taqdirida, ijtimoiy mavqeida muayyan o'zgarishlar yuz beradi. Sodda qilib aytsak, bu xil sujetli asarlarda voqea to'laqonli tasvirlanadi, u o 'z holicha ham badiiy-estetik qimmat kasb etadi" [Quronov D., 2007; 102]. Bahromning maqsadi va shu maqsadga yo'naltirilgan harakat syujetni tashkil qiladi. Behzod hamda No'shod kabi obrazlarning asosiy personajga konflikt sifatida keltirilishi, uning yechimidan so'ng esa maqsadga erishilishi sarguzashtlar yo'sinida ifoda qilin-

gan. Yozuvchi Bahromni shunday obraz sifatida gavdalantiradiki, voqealar rivoji uning xarakterini ochib berishga, rivojlantirishga xizmat qiladi. Xo'sh, badiiy obraz nima? "Badiiy obraz – murakkab estetik kategoriya bo'lib, unda ijodkor hayot hodisalari va inson qalbidagi turli o'zgarish va kechinmalarni o'z dunyoqarashi, maqsadi va estetik ideali asosida aks ettiradi."Deya izohlanadi adabiyotshunos Abdulla Ulug`ov tomonidan. [Ulug`ov A., 2017; 98]. Darhaqiqat, Sayqaliy ham Bahromni o`zining dunyoqarashlari, maqsadi asosida estetik ideali sifatida yaratgan. Badiiy mahorat asar poetikasining o`quvchi uchun yoqimli va tushunarli, asosan, g'oyaning to'liq singdirilishi bilan o'lchanadi. Chinakam asar yozilayotgandagi tuyg'ularning o`quvchi tomonidan ham his qilinishiga erishilgandagina paydo bo'lgan sanaladi.

Odatda, yozma dostonlarda hamd va na`tlar uchun asarning deyarli uchdan ikki qismi ajratilardi. Chunki "Hamd va na'tlar dostonlarning tarkibiy ajralmas qismi, o'ziga xos til, uslub va poetik tasvir tarziga ega qismlardir. Bu boblar garchi an'anaviy bo'lsa-da, lekin ularsiz shoirlar dunyoqarashini to'liq tasavvur qilib bo'lmaydi." [Muslihiddinov.M., 2022]. Sayqaliyda biroz boshqacha – uning hamdlarida ham xalq og'zaki ijodiga mansub voqealarga ishoralarni ko'rishimiz mumkin:

…Bashar naslini paydo qildi andin,
Baqudrat to`rt oto, to`qquz onodin…[S.Sayqaliy.,1960;19].

Oltoy davri turkiylari adabiyotida to`qqiz qavmning daraxtning to`qqiz shoxidan paydo bo`lgani haqida aytib o`tilgan. "Bu daraxtni tangri ko'rdi va «Shoxlarida meva bo'lmagan daraxtga boqmoq yaxshi emas, bunga to'qqiz dona shox bitsin!» deb amr qildi. Daraxtda to'qqiz dona shox bitdi. Tangri yana shunday dedi: «To'qqiz shoxning ko'chatidan to'qqiz kishi paydo bo'lsin va bo'lardan to'qqizta xalq paydo bo'lsin!»" [Abdurahmonov A., 2015]. Yuqoridagi misralarda ham shoir shunga ishora qilayot-

gan bo'lishi ehtimoli katta. Demak, u dostonini folklor adabiyotidan suv ichib, mumtoz adabiyotdan taomlangan holda yaratgan va oshiqona doston deb atagan:

…Desam bir dostoni oshiqona,
Jahonda qolsa mandin nishona…[S.Sayqaliy.,1960;20]

Nafaqat kirish qismi, balki voqealari fabulasi xalq og'zaki ijodi bilan mushtarak. O`zbek xalq dostonlari, ertaklarida uchraydigan farzandsizlik motivining syujetni boshlab berishiyoq bizga baxshilarimizni eslatadi:

Bor edi podshohi Kishvari Rum
Ajab, oqilu dono, xush takallum

Berib erdi anga ezid xudovand
Ki izzu, johu nusrat g'ayri farzand…[S.Sayqaliy.,1960;21].

Boshqa dostonlarga nazar tashlasak:
Go'ro'g'li gohlarda olamdan kechar,
O'ylasam, bu dunyong bulutday ko'char,
Naylayin, farzandim yo'qdir, yoronlar,
O'zim o'lgan kuni chirogim o'char.
("Go'ro'g'li. Avazxon").
[O'zbek xalq dostonlari., 2015; 446]

…„Ey, Boybo'ri bilan Boysari, o'g'illining o'g'lidan, qizlining qizidan qaytadi, senlarning nimangdan qaytadi?!" – deb ularning farzandsizliklariga shama qildi…("Alpomish")[O'zbek xalq dostoni; 2012; 1]

Dostonda xalq og`zaki ijodidagi maqollardan ham mohirona foydalanilgan:

Sururim xayli ozg`oshib, balolar yor o`lur kam-kam,
Masaldur ishqi osondur vale dushvor erur kam-kam.[59]

Masaldur har guliston ichra gul bor,
Ki har gul poyasinda xor bisyor. [107]

Ki dardu g'ussadin topti zamiring,
Ajab ermas man ham bo'lsam asiring.

Maning ham ixtiyorim emdi sanda,
Ayog'ing qanda bo'lsa, boshim anda.
[Sayqaliy, Bahrom va Gulandom, 203]

Dostondagi maqollar tasvirni o`quvchi tiliga, xalqqa yanada tushunarliroq va yaqinroq qiladi. Baytlar tarkibida maqollardan foydalanish ham she'riy san'at hisoblanib, u irsol ul-masal deb ataladi. Irsol – yubormoq, jo'natmoq, masal – maqol degan mazmunga ega. Irsol ul-masal esa —maqol yubormoq, ya'ni baytda maqol qo'llash ma'nosini anglatib, poetik usul sifatidagi mohiyati baytlar zamirida berilayotgan fikr, g'oya yoki mulohazani maqol bilan tasdiqlashdir. "Irsol ul-masal – deydi Yoqubjon Is`hoqov – gapda yoki she'rda maqol, matal va hikmatli so'zlarni muayyan maqsadda tamsil yo'li bilan ishlatish san'atidir" [Is`hoqov Y., 2006; 20]

Bu she`riy san`at haqida poetikaga doir barcha asarlarda ma`lumot berilgan. Atoulloh Husayniyning "Badoye us-sanoye" asarida keltirilishicha, uning ishlatilishi ikki xil bo'lib, birinchisi maqolning aynan o'zidan asl holicha foydalanish, ikkinchisi esa uni o`zgartirgan holda kiritib ketishdir. Mazkur dostonda har ikkala holatini ham uchratamiz:

Aydi shahzoda: - Bo'lurmish chunki bir ko'rgon bilish,
Bul masaldur el orasinda, iki ko'rgon tanish.
Ushladim domonu vaslingni yadi ummed ila,
Qo'yorim yo'qtur, gulim, har necha qilsang saranish
[Sayqaliy, Bahrom va Gulandom.; 1960; 130]

Xalqimiz orasida keng qo'llaniladigan—Bir ko'rgan – bilish, ikki ko'rgan - tanish maqoli ushbu suhbat davomida Bahromning nutqida ham ifodalangan va bul *masaldur* jumlasi orqali fikriga isbot keltirib ketmoqda.

Ki No'shod lashkarin har so' surordi,
Necha saf-saflarini sof etardi.
Olovdek yondirib ho'lu qurug'in,
Adolar aylabon No'shod urug'in

Malika Gulandomning "...men bilan xuddi eski oshnolarday gaplashyapsan, xayollaring barchasi xom, boshingga tushgan bu savdolar shamol va havoday tutqich bermas..." qabilidagi gaplariga javob tariqasida aytilgan ushbu misralarda Bahromning hech qachon o'z yo'lidan qaytmasligiga alohida e'tibor qaratilgan. Maqol esa ularning ma'nan yaqinlashib borayotganligidan darak berayotgandek va bu yerda misralarga "singishib ketgan"dek, go'yo. Tilimizda ofat va falokat ro'y bersa, barcha birdek ziyon ko'radi, undan odamlar baravar ozor chekadi ma'nosida ishlatiluvchi —To'qayga o't ketsa, ho'l-u quruq baravar yonadi, degan maqol bor. Bu maqol yuqoridagi misralarda biroz o'zgarish bilan uchraydi.

Tasvir vositalari, voqealarning xalq orasidan olinishi, ayrim o'rinlarda shevalardan foydalanishi uni folklor namunalariga yaqinlashtiribgina qolmay, g'azallar, muxammaslar, ulardagi tasvir vositalari bilan birga ohoriylikni ham ta'minlaydi. Xususan, birgina "**Mahv bo'ldim, ey pari paykar, jamolingni ko'rub...**"deb boshanuvchi g'azalda nido, istiora, tashbeh, tanosub, talmeh, kitobat, husni ta`lil san'atlarining mahorat bilan qo'llanilganligi g'azal badiiyatini ochib bergan.

Mahv bo'ldim, ey pari paykar, jamolingni ko'rub
Bul ajab bir oy qoshinda qo`sh hilolingni ko`rub
(nido, istora)

Mardumi ko`zlar tikildi lola uzra dog`dek,
Kim ziloling ustida bir dona holingni ko`rub.
(tamsil, tashbeh)

Chun alif qildim egildi doldek ta`zimingga,
Rashk tubi qomati nozuk niholingni ko`rub.
(kitobat, epitet)

Hazrat Hizr ichmas erdi obi hayvondin dami,
Zavq qilsa bu sani la'li zilolingni ko`rub.
(talmeh, husni ta`lil)

Shams gardun ne sababdin yuz o`girdi ul taraf,
Aksini oynavash ruxsori olingni ko`rub.
(husni ta`lil)

Qolmas erdi bul jahonda ormonim, Sayqaliy,
Chiqsa jon parvonavash sham'i jamolingni ko`rub.

Badiiy san'atlar asar poetikasining asosiy unsurlaridan biri hisoblanib, u so'zning nozik tovlanishi, intimlikni his qilinishiga xizmat qiladi. "Badiiy tasvir va ifoda vositalari badiiy asarda narsa-hodisalarni jonli tasvirlash, his-tuyg'u va kechinmalarni yorqin ifodalashga xizmat qiluvchi til vositalaridir. Badiiy tasvir va ifoda vositalari badiiy tilning bosh spetsifik xususiyati – obrazlilik (tasviriylik) va emotsionallikni kuchaytirib namoyon qilishga xizmat qiladi"[Ulug'ov A., 2017; 249]. G`azal ilk paydo bo`lgan davrlardanoq xushomad qilish, ayollarni madh etish uchun ishlatilgan bo'lib, Sayqaliyning ham ushbu g`azalni keltirishidan maqsad Gulandom ishqini qozonish va o`zining ichki kechinmalarini ifodalash edi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, xalq orasida asrlar davomida yashab kelgan "Bahrom va Gulandom" mojarolari Sobir Sayqaliy tomonidan XVIII asrda qayta tilga olinadi va o'ziga xos uslub bi-

lan yaratiladi. Asar syujeti xalq og`zaki ijodini yodga tushirgani uning xalqona tilda yozishga, o`quvchiga tushunarli va qiziqarliroq qilishga harakat qilganidan darak beradi. Dostonda badiiy tasvir vositalarining qo'llanilishi esa asar tilini bezab turadi, uning g'oyaviy mazmunini boyitishga, badiiy qimmatini oshirishga xizmat qiladi. Doston muallifi bo'lgan Sayqaliy xalq durdonalari imkoniyatlarini yaxshi anglagan holda voqea-hodisalar izohi yoki qahramonlar nutqida maqollardan keng foydalangani berilayotgan fikr va mulohazalar tasdig'ida xalqimizning uzoq yillar davomida tajribasida sinovdan o'tgan maqollar juda qo'l kelishini ko`rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimiy qatlamlari. III qism. Xurshid Davron kutubxonasi.
2. Boboyev T. Adabiyotshunoslik asoslari. – Toshkent: O'zbekiston, 2002. – 560 b.
3. Husayniy A. Badoyi`us-sanoyi. Forschadan Alibek Rustamov tarjimasi. – Toshkent: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at n-ti, 1981.
4. Is`hoqov Y. So'z san'ati so'zligi. – Toshkent: Zarqalam, 2006. – 128 b.
5. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007. – 228 b.
6. Sayqaliy. Bahrom va Gulandom. – Toshkent: Fan, 1960. – 224 b.
7. Ulug'ov A. adabiyotshunoslik nazariyasi. – Toshkent: G'afur Gulom, 2017. – 155 b.
8. O'zbek xalq dostoni. Malika Ayyor. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010. – 256 b.

МУНДАРИЖА

Баҳодир Карим
“Бобурнома”дан “Ўткан кунлар” га, ... 3
Абдулла Улуғов
Ҳикоя жанр андозаси 33
Dilmurod Xoldarov
Qodiriyshunoslik qirralari 94
Олим Олтинбек
Рауф Парфи ижодида қатағон қурбонлари сиймоси 101
Умида Расулова
Хотиралар зимнидаги ҳақиқат 110

1-SHO‘BA.
ABDULLA QODIRIY VA O‘ZBEK NASRI

Nodira Soatova
“O‘tkan kunlar” va “Tohir va Zuhra” dostoni:
qiyos va talqin 115
O‘tkirbek Otayev
Abdulla Qodiriy – o‘zbek romanchiligi asoschisi 123
S.Rasulova “O‘tkan kunlar” romanida maktubning
badiiy funksiyasi 129
Xoliyor Safarov
Abdulla Qodiriy hikoyalarida portret, peyzaj va badiiy
tasvir ifodasi 134
O‘tkirbek Otayev, Bahrom Turg‘unboev
Qodiriy ijodida milliylik va ma’naviyat 143
Nilufar Ismoiljonova
“Mehrobdan chayon” romanida ayollar ruhiyati tasviri 149
Ma’mura Sharipova
“Mehrobdan chayon” romanida maqol janrining o‘rni 160

Zarina Suyunova
Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar” romanida adabiy omillarning o‘rni 167
Dilfuza Sobirova
Abdulla Qodiriyning xarakter yaratish mahorati 178
Sherbek Raximov
“O‘tkan kunlar” romanining tarbiyaviy ahamiyati 183
Dilorom Xamidova
Luqmon Bo‘rixonning “Imom Moturidiy” romanida tarixiy haqiqat va badiiy to‘qima 188
Xulkaroy Nurullayeva
Jadid sнe’riyatida hayotga yangicha qarashlar (Tavallo ijodi misolida) 195
Хуршида Раҳмонова
Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Ёлғиз” қиссасида Абдулла Қодирий образи 200
Saodat Fayziyeva
Abdulla Qodiriyning adabiy-estetik qarashlari 209
Sevinch Yusupova
Xurshid Davron she’rlarida Abdulla Qodiriy obrazi 215

2-SHO‘BA.
POETIK NUTQ VA USLUB MASALALARI

Dilmurod Xoldarov
Adabiyotga davr uslubining ta’siri 222
Muhayyoxon Hamidova
Nasr an’analari va yangicha uslubiy izlanishlar 227
Алимурод Тожиев
Адибнинг орзуси 234

Tursunoy Jarkinova
Yusuf Shomansur she'rlarining uslubiy xususiyatlari 244
Ijobat Saymuratova
Poetik til va uslubiy rang-baranglik 255
Sevinch Usmonqulova
Javlon Jovliyevning "Qo'rqma" romanida badiiy asar tili 264
Nodira Mustafayeva
Sharof Boshbekov asarlari tilining o'ziga xos xususiyatlari 268
Oygul Matkurbanova
Qamchibek Kenjaning "Yashil barg" hikoyasida qahramon ruhiyati tasviri 275
Zebo Ibragimova
Usmon Nosir – o'zbekning hassos shoiri 281
Sevara Babayeva
Badiiy tafakkur va ijodkor dunyoqarashining psixoanalitika bilan bog'liqligi 287

3-SHO'BA
ABDULLA QODIRIY VA DUNYO ADABIYOTI

Hurriyet maxmudova
Abdulla Kadiriy ve dünya edebiyati 295
Бахтиёр Файзуллоев
Абдулла Қодирий ижоди Юсуфали Шоназаров нигоҳида 301
Яшар Қосим
XX аср ўзбек шеъриятида Абдулла Қодирий ва жадидлар хотирасининг инъикоси 315
Kamolaxon Oripova, Nafosatxon Ug'lonova
Abdulla qodiriy asarlarining bugungi kundagi ahamiyati 326
Нафиса Каримова
Танқиднинг ижодий такомилдаги ўрни 331

Alibek Omonturdiyev
She'riyatda inson his-tuyg'ulari ifodasi 346
Sadoqat Berdiyeva, Flyura Dustmirzayeva
Abdulla Qodiriy ijodi va yangi o'zbek adabiyoti 357
Dilshodjon Abduraimov
"O'tkan kunlar"da tanqidiy realizm metodi 362
Dilnoza Samadova
"Saodat asri qissalari" asarida ma'naviy fazilatlar talqini 371
Mahliyo Usmanova
Afandi obrazining genezisi 378
Mehrinoza Farmonova
Yana bir Rumiy kerak 386
Nargiza Umurzaqova
Qorabog' folklorida alla qo'shiqlarining o'rni 394
Nigora Mansurova
Jadidchilik harakati namoyandalari va ularning gender tenglik masalalaridagi fikrlari 400
Гулгун Есмонова, Гулбаҳор Ашурова
Фрэнсис бернёттнинг "Сирли боғ" романида ўсмирлар руҳияти тасвири 407
To'ychiyeva laylo
Yo'l xronotopining o'ziga xos xususiyatlari ("Uliss" va "Kapalaklar o'yini" romanlari misolida) 414
Sitora Shomurodova, Mohichehra Shodiyeva
Masallarda sayyor syujetlar 420

4-SHO'BA.
ZAMONAVIY ADABIY JARAYON VA ADABIYOTSHUNOSLIK MASALALARI

Р.Норбеков
Исажон Султоннинг "Абу Райҳон Беруний" романини биографик метод асосида ўрганиш зарурати 426

Rayxon Ubaydullayeva
Zamonaviy o‘zbek adabiyotshunosligida roman poetikasi muammolari talqini 433
Nasiba Kurbanbayeva
Halima Xudoyberdiyeva she’riyatida ayol ruhiyatini ifodalashda lirik kechinmaning o‘rni 446
Dilnoza To‘rayeva
Romanlar turkumining o‘ziga xos xususiyatlari 452
Uljon Boboqulova
Ona va vatan obrazlarining poetik uyg‘unligi 461
Laylo Hayitova
Shuhrat Matkarim nasrida ruhiy tasvir (“Maqar” asari misolida) 467
Habiba Ergasheva
“Et cetera” – shoir kechinmalari 474
Yulduz Turdiyeva
“Jaziramadagi odamlar” romanida sujet unsurlari: ekspozitsiya 478
Aziza Almardonova
Alisher Navoiy qit’alarida inson axloqi, nafs tarbiyasi 485
Ma’rifat Alimqulova
Furqat g‘azallarining badiiyati 491
Maqsuda Sariboyeva
Mantiqiy fikrlash jarayoniini faollashtirishda muammoli ta’limning o‘rni (G‘. G‘ulomning “shum bola” asari misolida) 498
Shomurotova Charos
Isajon Sultonning “Alisher Navoiy” asarida badiiy psixologizm 506
Saodat Fayziyeva
Rusiyaning buyuk adiblari 512

Oygul Sotvoldiyeva
“Dunyoning ishlari” qissasida roviy funksiyasi 520
E’zoza Bozorova
Qutlibeka Rahimboyeva she’rlarining janr xususiyatlari 525
Sayyora Raimova
Iqtibos - intertekstual birlik sifatida..... 536
Rayhon Ergasheva
Sirojiddin Sayyid she’riyatida ko‘ngil obrazi..... 543
Durdona Djalilova
Istiqlol davri romanlarida temuriy malikalar
siymosi ifodasi 550
Guljaxan Doshanova
Sirojiddin Sayyid dostonlarining mavzuviy jihatlari
xususida..... 558
Moxira Sadullayeva
Hikoya syujetida badiiy psixologizm qo‘llanishining
o‘ziga xosligi 566
Muhammadzoir Mo‘ydinov
Shoyim bo‘tayev hikoyalarida ma’no ko‘chishi
va uning tahlili 572
Kamolaxon Oripova, Gulhayo Qodirova
Zamonaviy adabiy jarayon va adabiyotshunoslik
masalalari 581
G‘afur G‘ulom falsafiy she’riyatining 588
Muxlisa Hafizova
Erkin Vohidov ijodi shakllanishidagi ahamiyati 588
Мунира Ниязова
Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Сунбуланинг илк шанбаси”
қиссаси сентиментал наср намунаси сифатида 595
Obidaxon Aayzullayeva
She’riy turkumlarda lirik qahramon masalasi 602

Mavlonova Zarnigorxon
Usmon Azim lirikasidagi kechinma tasvirida rang detalining qo‘llanilishi 610
Sardor Jo‘raqulov
O‘zbek she’riyatida qit’a janri tadriji 616
Maxliyoxon Turdiyeva
Said Ahmadning istiqlol davri hikoyalarida obrazlar talqini 622
Shahnozabonu Soatova
‘‘Oshiq’’ turkum dostonlari: ‘‘Asil va Karam’’ Dostonidagi obrazlar talqini 629
Gulruh Ravshanova
Muhammad Yusuf lirikasida Abdulla Qodiriy obrazi talqini 634
Nafisa Ro‘zimova
Omon matjon she’rlarida obrazlilik 644

5-SHO‘BA. ADABIY PUBLITSISTIKA VA TARJIMA MASALALARI

Sevara Salimova
Tarjima asarlarning jahon adabiyotiga ta’siri 650
Xosiyat Abduqahhorova
Terminologiya va uning taraqqiyoti 654
Дилшод Шодиев
Публицистические концепции и теория перевода 662
Malikaxon Nurutdinova
“Tarixi muhojiron” asarida Nodirabegim to‘g‘risida 666
Sojida Ashurova
O‘zbek romanchilik maktabi asoschisi – Abdulla Qodiriyning ijod yo‘li va faoliyati 672
Shohista Shodmonova
Sayqaliyning poetik mahorati 680

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
O‘ZBEK TILI, ADABIYOTI VA FOLKLORI INSTITUTI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI YOZUVCHILAR UYUSHMASI

“ABDULLA QODIRIY IJODI VA YANGI O‘ZBEK ADABIYOTI”

mavzusidagi respublika
ilmiy-nazariy anjumani
to‘plami

“Samo nashr” нашриёти.
100029, Тошкент шаҳри,
Сирғали тумани 21 уй
Тасдиқнома № 1106435 (2022.03.03)

2898

2024.15.12.да босишга рухсат этилди. Бичими 60*84 $^{1}/_{16}$.
“Cambria” гарнитураси. Шартли босма табоғи 7,6.
Адади 20 нусха.